

АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ

سُنَنِ التِّرْمِذِيِّ

СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ

ҲАДИС ТЎТЛАМИ
ТАРЖИМАСИ

I

ЖИЛД

Таржимон:
Мирзо КЕНЖАБЕК

Тошкент
«Адолат»

«Ушбу китобни тасниф қилганимдан кейин, уни Хижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига тақдим этдим. Улар розилик билдириб, қабул қилдилар. Кимнинг уйида бу китобдан бўлса, ўша хонадонда Пайғамбар (саллаллоху алайхи ва саллам) гапираётгандек бўлур».

*Абу Исо Муҳаммад
АТ-ТЕРМИЗИЙ*

«Менинг учун унинг (Термизийнинг) китоби Бухорий ва Муслим китобларидан кўра фойдалироқ. Чунки Бухорий ва Муслимдан фақат теран илмли мутахассис олимларгина истифода этади. Термизийдан эса ҳар ким фойдаланиши мумкин».

*Шайхул Ислои
Абу Исмоил АЛ-АНСОРИЙ*

«(Муҳаммад Ат-Термизий) Ҳадис илми соҳасида бир қанча асарлар тақдим этди. Унинг ушбу “Ал-жомий-ас-саҳих” (“Сунан”) китоби бу асарлар орасида фойдаси энг кўп, тартиби энг ихчам, такрори энг оз асардир.

Унда бошқа ҳадис китобларида учрамайдиган хусусиятлар бор:

-мазҳаблар ва истидлол (далил-келтириш) жиҳатлари эътиборга олинган;

-саҳих, ҳасан ва заиф деб, ҳадис турлари аниқ белгиланган;

-шарҳ ва таъдилга (қийслаб тўғрилашга) ўрин ажратилган;

-китоб охирида иллатларга оид маҳсус бир бўлим илова этилган, хуллас, бу китобда улкан фойдалар жамлангандир.

Китобни мутолаа қилган кишилар бунга тан берадилар”.

Аллома Тошкўпрулизода

**“СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ” НАШРИ
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**

- | | |
|--|---|
| АБДУЛАЗИЗ МАНСУР | — Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси, Кенгаш раиси, ушбу нашрнинг масъул муҳаррири |
| ФОЗИЛ ҚОРИ СОБИРОВ | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси |
| АБДУРАШИД ҚОРИ
БАҲРОМОВ | — Муфтий, Ўзбекистон Муслмонлари идораси раиси |
| АКМАЛ САИДОВ | — Юридик фанлари доктори, профессор; Инсон ҳуқуқлари Республика Миллий маркази директори |
| НЕЪМАТУЛЛОҲ ИБРОҲИМОВ | — Ўзбекистон Фанлар Академияси мухбир аъзоси, доктор, профессор; Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори |
| ҲАКИМЖОН
ПИРМУҲАММЕДОВ | — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “Адолат” нашриёти директори |
| БОТИР РАҲМОНҚУЛОВИЧ
КОДИРОВ | — Психология фанлари доктори, профессор; Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Истеъдод Маркази директори |
| РАҲМАТУЛЛОҲ ҚОРИ
ОБИДОВ | — Ислам университети проректори, “Шайх Зайниддин” масжиди имоҳатиби |
| МИРЗО КЕНЖАБЕК | — таржимон, «Адолат» нашриёти муҳаррири, Имом Ал-Бухорий номидаги Ислам Олий маъҳадининг толиби |
| САЙФИДДИН РАФИДДИНОВ | — Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди |
| БАҲРИДДИН УМРЗОҚОВ | — Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги «Шарқшунослик» қўлғзмалар институти кичик илмий ходими, нашр муҳаррири |

МУҚАДДИМА

Қутлуғ Ўзбекистонимизнинг истиқлолга эришувини натижасида она халқимиз ўзининг бой маънавий мероси хазинасидан эркин баҳраманд бўла бошлади. Жумладан, Имом Ал-Бухорий, Имом Ат-Термизий каби улуғ ватандошларимиз тўплаган ҳадисларни ўз она тилимизда ўқишга муваффақ бўлдик.

Ҳадислар дунёси фикҳ бобида, инсон ҳақ-ҳуқуқлари мавзусида жуда муҳим манбаъ бўлиб, асосан, ахлоқий, маданий, маънавий-маърифий негизни ташкил этади. Ундан турли соҳа олимлари: ҳуқуқшунос ва жамиятшунос олимлар, таботат олимлари, биолог, химик ёки адабиётшунос олимлар, шубҳасиз, ўз соҳаларига доир янги қирраларни кашф этадилар.

Улуғ ватандошимиз – Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизийнинг қўлингиздаги «Сунани Термизий» китоби «Ал-жомий ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам»), «Ал-жомий ул-кабир» («Катта тўплам») ёки («Саҳиҳи Термизий») номлари билан ҳам машҳур. Аммо ҳазрати Имом Ат-Термизий ҳадис илмида «сунан» йўналишига асос солган муҳаддислардан бўлгани учун бу китоб, асосан, «Сунани Термизий» номи билан шухрат қозонган.

Азиз ва муҳтарам китобхон! Фикҳ илми, яъни ислом ҳуқуқшунослиги энг шарафли илмлардандир. Ҳазрати Пайгамбаримиз (с.а.в.): «Мингта жохил обиддан кўра битта фақиҳ яхшироқ», деб марҳамат қилганлар. Чунки инсон фақиҳ бўлса, уни ҳеч нарса чалғита олмайди, у ҳар қандай оқим ва гуруҳларга ўзини урмайди. Аксинча, ўз эътиқодида собитқадам бўлади. Фикҳнинг энг улуғи эса соғлом эътиқоддир. Бинобарин, Ҳанафий мазҳабининг асосчиси ҳазрати Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) эътиқод илмини

«фикҳи акбар» деб, яъни «улуғ фикҳ» деб таърифлаганлар.

Маълумдирки, Ер юзи мусулмонларининг асосий кўпчилиги ҳазрати Имоми Аъзам мазҳабларига риоя қиладилар. «Сунани Термизий» китобида эса худди ана шу мазҳаб жиҳатлари эътиборга олинган. Ҳанафий мазҳабининг фикр-қарашларини Имом Ат-Термизий «Куфа аҳли»нинг фикр-қарашлари тарзида баён қилганлар. Азиз китобхонлар ана шу жиҳатга эътибор бермоқлари мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, китобнинг ушбу ўзбекча нусхасида Ҳанафий мазҳабига доир фатволар, илова ва изоҳлар тақдим этилганки, булар ўқувчи тўғри амал қилимоғи учун фойдалидир.

Албатта, ҳадис соҳасининг ўз атамалари, илмий истилоҳлари бор. Ана шундай ифода ва истилоҳларни тушунмоқлари учун, китобхонларга кўмак тариқасида, «Китобхонга ёрдам» сарлавҳаси билан алоҳида сўз тақдим этилди.

Китобда ҳадисларнинг ўзбекча таржимаси асл арабий матни билан бирга саҳифаларга жойлаштирилди. Бу усул тил билган китобхонларга сўзма-сўз таққослаб ўрганишлари учун қулайлик туғдиради.

Ўзбек диёридаги тинчлик, осойишталик шарофати билан, юртбошимиз И.А.Каримов раҳбарлигида маънавият ва маърифат соҳасида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Қўлингиздаги «Сунани Термизий» китоби таржимаси ана шундай хайрли ишлардан бири бўлиб, маънавий-ахлоқий камолот йўлида, комил инсонни тарбиялаш йўлида муносиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

Абдулазиз МАНСУР,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси, «Сунани Термизий» нашри жамоатчилик кенгаши раиси, нашрнинг масъул муҳаррири.

ҚУТЛУҒ МАЪНАВИЙ ЁДГОРЛИК

«...биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз»

ИСЛОМ КАРИМОВ

Она Ватан номини жаҳонга машҳур қиладиган зотлар улуғ мутафаккирлар, атоқли алломалар, етук шахслардир.

Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларни таржима қилиб, халққа етказишдан бошланган қутлуғ маънавий фаолият Имом ат-Термизий жамлаган ҳадисларни асл версияларига тақдим этиш билан давом этмоқда. Бу Ўзбекистон иқтиқолининг энг эзгу самарасидир, табиий ва мантиқий жараёндир. Имом ал-Бухорийнинг замондоши ва етук шогирди бўлмиш Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг «Сунани Термизий» номи билан машҳур бўлган ҳадислар тўплами бутун дунёдаги «Қутуби ситта», яъни энг машҳур олти ҳадис китобидан бири эканлигидан фахрланамиз. Дарҳақиқат, бу асар ёш авлод тарбиясида алоҳида эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов маънавий меросга, аждодларимиз номига, жумладан, Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизийга ҳам алоҳида эҳтиром кўрсатиб, бундай дейдилар: «Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда, аввало, Оллоҳ ва унинг Расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуғ алломаларимиз, улуғ имомларимизни тасаввур қиламиз. Мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун Ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолик Ғуждувоний, Замъшарий каби пири комилларимизни назарда туғамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улуғ номлар билан боғлаймиз. Ким бу ҳақиқатни инкор эта олади?...» (Иқтибос И.А. Каримовнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» китобидан олинди).

Юртбошининг бу сўзлари бизлар учун ибрат ва даллдир.

Ҳадис илмида Имом ал-Бухорий «Саҳиҳ» йўналишига асос солган бўлсалар, Имом ат-Термизий «Сунан» йўналиши асосчиларидан бўлиб, дунё халқларига устозларидек ўлмас ёдгорлик қолдирдилар. Биз ана шу қутлуғ меросни халққа етказишда ҳомийлик қилиб, ҳисса кўшаётганимиздан бахти-ёрмиз. «Сунани Термизий» таржимонларига, ноширларига ва уни эл-юрт аҳлига етказишга хоҳ моддий, хоҳ маънавий улуш кўшган барча кишиларга самимий ташаккур билдириб, уларга боқий бахт-саодат, омад ва муваффақият тилаб қоламан.

ЖўРА НОРАЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти ҳокими

* * *

«Сунани Термизий» ўзбекча нашрига Сурхондарё вилояти ҳокимияти ҳомийлик қилмоқда. Китоб айни вақтда Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйига тўхфадир. Шу боис, аجدодлар меросига бўлган эҳтиромларини қадрлаб, ушбу китобга Сурхондарё вилояти ҳокимининг сўзи ҳам тақдим этилди.



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

ЎЗБЕКЧА НАШРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бисмиллаҳир-Роҳманир-Роҳийм. Аллоҳу таолога беадад ҳамду санолар, Расулуллоҳга ва у кишининг хонадони аҳлига ҳамда саҳобаларига беҳисоб салоту саломлар бўлсин!

Ассалому алайкум, мухтарам китобхон!

Мана, Ўзбекистон истиқлолининг ажиб меваларидан бири – ҳазрати Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг «Сунани Термизий» («Ал-жомиъ ас-саҳиҳ») китоби ўзбекча таржимасининг биринчи жилди қўлингизга етди. Улуғ ватандошимиз бўлмиш Имом Ат-Термизий жаҳондаги олти нафар энг машҳур муҳаддиснинг бири, Имом Ал-Бухорийнинг замондоши, сафдоши ва шогирдидир. Ана шу атоқли зот китобининг она тилимиздаги таржимасига оид муҳим хусусиятларни Сиз азиз ўқувчиларга маълум қилишни лозим тойдик.

1. Мазкур таржима «Сунани Термизий»нинг Миср Республикаси, Қоҳира шаҳридаги «Ал-Маданий» нашри нусхасига асосланган Истамбул нашридан амалга оширилди: ҳадислар асл арабий тилдан сўзма-сўз таққосланган ва туркий таржимадан фойдаланган ҳолда таржима қилиниб, ушбу китобда арабий матни билан бирга тақдим этилди. Шарҳ ва изоҳлар эса Истамбул (1971) нусхасидан таъдил этилди. «Сунан»да мазҳаб жиҳатлари эътиборга олинган бўлса-да, баъзан бир мавзуда хилма-хил ёки қарама-қарши ҳадислар келтирилади. Ўзбекистон мусулмонлари, айниқса, ёшлар ҳадисларга Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ мазҳабига мувофиқ тўғри амал қилмоқлари учун ана шундай изоҳ ва баъзи иловаларга эҳтиёж бор. Шунинг учун тайёр изоҳотдан истифода этилди.

2. Ҳадисларни ўгиришда мутаржимга «Саҳиҳи Бухорий»нинг ўзбекча матни таҳриридаги кўп йиллик тажрибалари, мавзуларнинг таниш эканлиги кўл келди: таржимада «Саҳиҳи Бухорий»даги зарур ибора ва ифодалардан, «Шамоили Муҳаммадия» асари ўзбекча (Саййид Маҳмуд Торозий) таржимасидаги ҳадислардай, «Муҳтасар ул-виқоя»даги ҳадисларнинг ифода усулларидан, «Ғиёс-ул-луғот» ва бошқа зарур қомуслардан, шунингдек, муҳтарам устозларнинг баъзи маслаҳат ва ёрдамларидан фойдаланилди.

3. Арабча нусхада, Имом Ат-Термизий ўз шарҳини ҳар гал «Абу Исо айтгани» деб бошлайдилар. Ўзбекча нусхада ихтамликка интилиб, бу ибора тушириб қолдирилди. Чунки муаллифнинг шарҳи матндан маълум, муаллифга мансуб бўлмаган зарур қўшимчалар эса «Илова» деган сўз билан қавс ичида тақдим этилди.

4. Арабий нусхада ҳар бир ҳадис ровийларининг санади — тартибли рўйхати тўлиқ келтирилган. Зарур бўлганда олимлар санадни кузатишлари мумкин. Ўзбекча таржимада эса ровийлардан битта саҳобани, айрим ўринларда тобиъийни қайд этиш билан кифояландик. Усмон Закий Мулла Муҳаммад ўгли тажрибасида ҳам, «Саҳиҳи Бухорий» таржимасида ҳам шу усул қўлланган.

5. Ўзбекча таржимада, мўътабар шарҳларга таянган ҳолда, ҳадислар маъносини кенгроқ очадиган айрим сўз ва иборалар, қисқа изоҳлар заруратан қавс ичида бериб борилди.

6. Арабий нусхада боб рақамидан кейин сарлавҳа қайд этилган. Ўзбекчада эса, ҳар бир мавзуга алоҳида эътиборни тортмоқ мақсадида, Усмон Закий Мулла Муҳаммад ўгли тажрибасига таяниб, ҳар бир сарлавҳа бошида «Мавзу» деган сузни қўйдик.

7. Саҳифа остида рақам билан белгиланган шарҳ ва изоҳлар аввало Шайх Муборақфурийнинг Термизий ҳадислари шарҳидан иборат «Тухфат-ул-аҳвозий» китобидан, Мисрнинг собиқ қозиси Аҳмад Муҳаммад Шокир шарҳларидан, қисман Ал-Азҳар Дорилфунуни мударрисси Абдул-Ваҳҳоб Абдул-Латиф ҳамда қисман Абдураҳмон Муҳаммад Усмоннинг таҳқиқ ва тасҳихларидан олинган. Улар

ҳазрати Мулла Али Ал-Қорӣ шарҳларига ҳам таянганлар. Усмон Закий Мулла Муҳаммад ўғли Истанбул нусхасида келтирган бу қайдлар баъзан ўринли қисқартирилиб, баъзан Имом Аъзам мазҳабларига мувофиқ иловалар билан бойитилди.

Муҳтарам китобхон!

Ҳар қанча уринмайлик, ожиз бандамиз, албатта, хато ва нуқсонлардан холи эмасмиз. Муҳтарам устоз-алломаларимиз, кадрли ўқувчиларимиз айбу нуқсонларимизни авф қалами ила ислоҳ айлаб, дуои хайр қилмоқларидан умидвормиз.

Муҳтарам китобхон! Ушбу ҳадисларга тўғри амал қилиш учун қавс ичидаги иловаларга ва саҳифа остидаги рақам билан белгиланган изоҳларга алоҳида эътибор бермоғингизни сўраймиз!

Ушбу табаррук китобни ўқиб, баҳраманд бўлиб, амал қилганлар дунё ва охират саодатига эришсинлар! Омин, ё Роббил-ъаламийн!..

Мирзо Кенжабек,
таржимон, Имом Ал-Бухорий номидаги
Ислом Олий маъҳадиниң толиби



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛЛАРИ

Исм ва насаблари

Исм ва насаблари – Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Ад-Даҳҳоқ Ас-Сулабий Ал-Бугий Ат-Термизий. Кунyasi эса – Абу Исо (яъни, Исонинг отаси)дир.

Термизийнинг насаби кўпгина манбаъларда ана шундай зикр қилинган. У зотнинг насаби ҳақида яна икки хил қавл бор. Биринчиси – Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Шадлод дейилади. Иккинчиси – Муҳаммад ибн Исо ибн Язид ибн Савра ибн Ас-Сакан дейилади.

Таваллуд вақтлари

Ат-Термизий ҳижрий 209-йилда (милодий 824-825 йилда) таваллуд топдилар. **Ҳофиз Аз-Заҳабий «Мийзон-ул-ийтидол»** китобида Термизийнинг ҳижрий 279-йилда вафот этганларини зикр қилиб, **«вафот этган вақтларида етмиш ёшда эдилар»**, дейди. Аллома Мулла Али Ал-Қорий ҳазратлари ҳам «Аш-шамоил» асари шарҳида худди шу гапни айтади.

Ватанлари

Имом Ат-Термизийнинг туғилган ватанлари бугунги Ўзбекистондир. Ат-Термизий Буғ қишлоғида таваллуд топдиларми ёки Термиз шаҳридами? Ал-Бугий деб Буғ қишлоғига нисбат этилишлари ё бу қишлоқда

туғилганлари ёки у ерда яшаб, вафот этганлари туфайли бўлади. Мулла Али Ал-Қорий ҳазратлари Термизийнинг ўзларидан бундай деганларини нақл этади: «**Бобом, Лайс ибн Сайёр даврида Марвазда яшар эдилар. Кейин Термизга кўчганлар**»¹

Буг – Термизга қарашли бир қишлоқ бўлиб, шаҳардан олти фарсах² нарида жойлашган. Термизий шу қишлоқдан бўлиб, бу қишлоқ тобеъ бўлган Термиз шаҳрига нисбат берилган бўлишлари эҳтимоли кўпроқ.

Термиз – эски Жайхун, ҳозирги Амударё ёқасида жойлашган жуда қадимий ва жуда ажойиб шаҳардир. (Жайхун баъзи манбаъларда «Балх дарёси» деб зикр қилинган).

Ислом илмларининг тараққий этишида Туркистон шаҳарлари ичида Термиз кенти ҳам қатга аҳамият касб этган. Самарқанд ва Бухорони Балх каби қадимий илм маркази билан боғловчи шаҳар Термиз эди. Шунинг учун ҳам бу ерда кўплаб алломалар етишиб чикди. Шулардан бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Хасан ибн Бишр Ҳаким Термизийдир (245-320 хижрий, 859-932 м.й.). Манбаъларда айтилишича, у 300 дан ортиқ асар битган. Шулардан 57 таси бизнинг замонамизгача етиб келган.

Саёҳат ва изланишлари

Имом Ат-Термизий 20 ёшга етганларида Хуросон шайхларидан Исҳоқ ибн Роҳвайҳ Марвазий ва бошқалардан илм ўргандилар, сўнг 25-26 ёшларида Ироққа (Басрага) бориб, у ердаги алломалардан дарс олдилар. Ундан сўнг Хижозга кетдилар. Лекин манбаъларда ул зотнинг Бағдодга, Мисрга ва Шомга борганлари ҳақида хабар келтирилмаган. Бунга ўша вақтда бу юртлардаги нотинчлик сабаб бўлган, деган фикр бор.

Бу саёҳатлари кўп йиллар давом этди, имом Тер-

¹«Шарҳ-уш-шамоил»: 136-саҳифа.

²Фарсах – тўрт соатлик масофа, 12.000 қадамлик йўл.

мизий Термизга 250 ҳижрий (864 м.) йилдагина қайтиб келдилар, бунга қараганда, тахминан 20 йил давомида ўзга юртларда ҳадисларни ўрганиб, йиғиб юрганлар. Имом Бухорий билан Нишопурда (250 ҳижрий йил) учрашиб, кўп ҳадислар хусусида музокаралар олиб борганлари ҳақида маълумотлар бор. Шундан сўнг «Ал-жомий-ас-саҳиҳ» («Сунани Термизий») китобларини ёза бошлаганлар.

Устозлари ва шогирдлари

Термизий олдинги имомларнинг кўплари билан кўришганлар ва улардан баҳраманд бўлганлар. Термизий даври – ҳижрий 3–аср, ҳадис илмларида буюк юксалиш бўлган давр эди. Кутуби ситта – олти энг машҳур ҳадис китоби муаллифи бўлган имомлар, яъни олти энг улуғ муҳаддис ана шу олтин даврда яшаб камол топдилар. У зотларнинг таваллуд ва вафот йиллари қуйидагича:

1. **Муҳаммад ибн Исмоил Абу Абдуллоҳ Ал-Бухорий** – ҳижрий 194-256.
2. **Муслим ибн Ҳажжож Ал-Қушайрий Абул Ҳусайн** – ҳижрий 204-261.
3. **Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий** – ҳижрий 209-279.
4. **Абу Довуд Сулаймон ибн Ал-Ашъас Ас-Сажистоний** – ҳижрий 202-275.
5. **Аҳмад ибн Шуайб Абу Абдурраҳмон Ан-Насоий** – ҳижрий 215-303.
6. **Ибн Можа Муҳаммад ибн Язид ибн Можа Абу Абдуллоҳ** – ҳижрий 209-273.

Ушбу олти имомдан олтовларининг ҳам ривоятларида иштирок этган шайхлар қуйидагилар:

- **Муҳаммад ибн Башшар Бундор** – ҳижрий 167-252.
- **Муҳаммад ибн Ал-Мусанна Абу Мусо** – ҳижрий 167-252.

- Зиёд ибн Яҳё Ал-Ҳассоний – ҳижрий 254 йилда вафот этган.
- Аббос ибн Абдулазим Ал-Анбарий – ҳижрий 246 йили вафот этган.
- Абу Саъид Ал-Ашаж Абдуллоҳ ибн Саъид Ал-Киндий – ҳижрий 257 йили вафот этди.
- Абу Ҳафс Амр ибн Али Ал-Фаллос – ҳижрий 160-249.
- Яъқуб ибн Иброҳим Ад-Даракий – ҳижрий 166-252.
- Муҳаммад ибн Маъмар Ал-Қайсий Ал-Бохроний – ҳижрий 256 йилда вафот этган.
- Наср ибн Али Ал-Жаҳдабий – ҳижрий 250 йилда вафот этган.

Имом Термизий бу шайхлардан кўра олдинроқ ўтган шайхларни ҳам кўрганлар ва ушбу «Сунан» китобида улардан ҳадис ривоят қилганлар. Уша шайхлардан баъзилари куйидагилардир:

- Абдуллоҳ ибн Муовия Ал-Жумаҳий – ҳижрий 243 йили юз ёшида вафот этди.
- Али ибн Хужр Ал-Марвазий – ҳижрий 244 йили юз ёшга яқинлашганда вафот этган.
- Сувайд ибн Наср ибн Сувайд Ал-Марвазий – ҳижрий 241 йилда 91 ёшда вафот этган.
- Қутайба ибн Саъид Ас-Сақофий Абу Ражо – ҳижрий 150-242.
- Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Абушшавориб – ҳижрий 244 йилда вафот этган.
- Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Хотам Ал-Ҳаравий – ҳижрий 178-244
- Исмоил ибн Мусо Ал-Фазорий Ас-Суддий – ҳижрий 245 йилда вафот этган.

Термизий яна бошқалардан, Имом Ал-Бухорий шайхларининг кўpidан ҳам ҳадис ривоят қилганлар. У киши асосан Имом Ал-Бухорийнинг шогирди бўлиб,

ижозатлари ўша кишидандир. Ҳадис илмини у зотдан олдилар ва у зотнинг қўлларида камол топдилар. У кишида ўқиб, у кишидан баҳра топдилар. Ҳадис илмига таълимли баъзи ишларда устоз билан мунозара қилдилар. Устозлар билан қай бир ўринда мувофақат қиладилар ва қай бир ўринда мухолафат қиладилар. Ўша давр олимларида бу хусусият бор эди. Таклиднинг олмас эдилар. Таклиддан қочиш ва ҳар қайда ҳамиша Ҳаққа, ҳақиқатга тобеъ бўлиш уларнинг одатлари эди.

Масалан, Термизий ушбу «Сунан» китобининг 17-ҳадисда ровийлар ихтилоф қилаётганини кўриб, «Мен ўзим Абдуллоҳ ибн Абдуррахмондан сўрадим: «Бу ҳадисда Абу Исҳоқдан килинган ривоятларнинг қайси бири саҳиҳроқ?» десам, ҳеч қандай ҳукм билдирмади. Буни Муҳаммад (Бухорий)дан сўрадим, у ҳам бирор ҳукм билдирмади», дейдилар. Яъни икки имом ҳам ривоятлардан биронтасини устун қўймайдилар. Кейин Имом Бухорий ривоятлардан биттасини танлаб, «Ал-Жомийъ...» китобига киритганларини Термизий баён этадилар. Лекин Термизий бу фикрга таклид қилмасдан, ўз далилларига таяниб, бошқа ривоятни афзал кўриб, китобга киритадилар.

Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг ўлкаларни кезганлари, Хуросон, Ироқ, Хижоз олимларини тинглаганлари «Ат-таҳзиб» китобида баён этилган. Мисрнинг аввали шарият қозиси Аҳмад Муҳаммад Шокир: «Термизий Бағдод шаҳрига борган, деб тахмин қилмайман. Чунки, Бағдодга кирган бўлса эди, муҳаддисларнинг удуғи ва пешқадами саналмиш Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ханбалдан (164 241) ҳадис эшитган бўларди ва Ҳофиз Абу Бакр Ал-Ҳатийб «Тарих ул-Бағдод» китобида бу ҳақда ёзган бўларди», дейди.

Термизийдан ҳадис ривоят қилган кишилар кўп. «Тазкират-ул-хуффоъ» («Ҳофизлар ёдномаси») ва «Ат-таҳзиб» китобларида булардан айримлари зикр қилинган.

Ал-Махбубий, Термизийдан ҳадис ривоят қилган зотларнинг энг биринчиларидандир. Ибнул-Имод бу зот ҳақида бундай дейди: «Абул-Аббос Ал-Махбубий; Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Махбуб Ал-Марвазий, Марв ўлкасининг муҳаддиси, шайхи ва раисидир. 346-ҳижрий йилнинг Рамазон ойида 97 ёшида вафот этди. «Сунани Термизий» китобининг муаллифидан (яъни Термизий хазратларидан) ҳадислар ривоят қилган зотдир³»

Термизийнинг шахси ва асари ҳақида уламоларнинг фикрлари

Улуғ устоз имом Бухорий ўз шогирди имом Термизийни алқаб, камтаринлик билан: «**Сен мендан баҳра топганингдан кўра мен сендан кўпроқ баҳра топдим**», дейди. Бу Термизийга берилган жуда катта баҳо эди. («Ал-Мирқот», 1-жилд, 22-бет).

Ҳофиз Абул-Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир Ал-Макдисий, Хасан ибн Аҳмад Абу Муҳаммад Ас-Самарқандийдан, Абу Бишр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Амрдан, Ҳофиз Абу Саъид Абдурахмон ибн Муҳаммад Ал-Идрисийдан нақл этиб, бундай дейди: «**Ҳофиз ва аъмо (кўзи ожиз) Муҳаммад ибн Исо ибн Савра Ат-Термизий – ҳадис илмида иқтидо этиладиган (эргашиладиган) имомлардан биридур. «Ал-Жомийъ» («Сунани Термизий»), «Ат-таворих» ва «Ал-ҳол» китобларини олим ва диroyтли (ақл-идрок ва тажрибали) бир инсон сифатида қаламга олган. Ҳофизаси (хогираси) кучлилиги жиҳатдан ўрнак қилиб кўрсатилар эди**»⁴

Самъоний «Ал-ансоб» китобида Термизийни бундай тавсиф этади: «**Муноқашасиз у ўз асрининг имоми бўлиб, турли таснифлар соҳибидир**».

Ибн Ҳалқон ҳам у зотни «**Ҳадис илмида иқтидо**

³«Шузурот-уз-заҳаб»: 2/373.

⁴«Мажмуат-у фавоида(и) ҳадисийя».Қадим кўлёма асарлардан.

этиладиган имомлардан биридир», деб тавсифлайди.

Аллома Тошкўпрулизода, «Мифтоҳ-ус-саъода» китобида бундай дейди: «Уламоларнинг ҳофиз ва аъламларидан бири эди. Фикҳда қимматли асарлари бор. Ҳадисни, имомлардан ташкил топган бир жамоатдан эгаллади. Биринчи табақа шайхларини кўрмоққа муяссар бўлди»

Ибнул Имод Ал-Ханбалий «Шузурот-уз-заҳаб» китобида «Ақронларидан (ёшдош) яқинларидан устун, ҳифз (хотира) ва итқон (устиворлик ва мустаҳкамлик) бобида бир мўъжиза эди», дейди.

Ал-Ҳоким Абу Аҳмад, ўз устозларидан биттаси Термизий ҳақларида бундай деганини баён этади: «Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий вафот этганларида Хуросонда эдим. У кишининг ортидан илм, ҳифз, вараъ ва зуҳд бобида Абу Исо (Термизий)дек бошқа бир зот қолмади. Термизий, йиғлайверганидан кўзларидан жудо бўлиб қолди ва бир неча йиллар аъмо (кўрмас) ҳолатда яшади».

«Ат-таҳзиб» китобида Ҳофиз Юсуф ибн Аҳмад Ал-Бағдодий, Термизий ҳақларида бундай дейди: «Термизий умрларининг охирига бориб кўздан қолди».

Бу ўринда уламнинг Термизий ҳақларидаги таъриф ва тавсифларидан фақат бир қисминигина баён этдик. Энди Термизийнинг китоби борасидаги фикр-мулоҳазалардан ҳам бир қадар сўз юритайлик.

Термизийнинг «Сунан» китоби ҳақидаги фикрлар

Ибнул-Асийр ўз «Тарих»ида бундай дейди: «(Термизий) имом ва ҳофиз эди. Бебаҳо асарлар тортиқ қилди. «Ал-жомиъ ул-кабир» («Катта тўплам», яъни «Сунани Термизий») бу асарларнинг энг мукаммалидир».

«Кашф-уз-Зуннун» китобида «Сунани Термизий» асари борасида бундай дейилади: «Бу ҳадис бобида тас-

ниф этилган кутуби ситта (олти улуғ китоб)нинг учинчисидир. Бу китоб «Ал-жомийъ-ас-саҳих» («Ишонarli тўплам») дейилади, шунингдек «Сунан» ҳам деб аталади. Аммо биринчи номи кўпроқ қўлланади».

Хофиз Абул-Фазл Ал-Макдисий айтади: «Хиротда имом Абу Исмоил Ал-Ансорийдан эшитдим. У ўз мажлисида, Термизий ва унинг китоби борасида сўз кетганида бундай деди: «Менинг учун унинг (Термизийнинг) китоби Бухорий ва Муслим китобларидан кўра фойдалироқ. Чуики Бухорий ва Муслимдан фақат мутахассис олимларгина истифода этади. Термизийдан эса ҳар ким фойдаланиши мумкин».

Аллома Тошкўпрулизода Термизийнинг таржимаи холи ҳақида бундай дейди: «(Термизий) ҳадис илмида кўпгина асарлар тақдим этди. Унинг ушбу «Ал-жомийъ-ас-саҳих» китоби бу асарлар орасида фойдаси энг кўп, тартиби энг ихчам, такрори энг оз китобдир. Унда бошқа ҳадис китобларида учрамайдиган хусусиятлар бор. Мазҳаблар ва истидлол (далил келтириш) жиҳатлари эътиборга олинган; саҳих, ҳасан ва ғариб деб ҳадис турлари аниқ белгиланган.

Бу китобда жарҳ ва таъдилга ўрин ажратилган; китоб охирида иллатларга доир махсус бир боб илова қилинган. Хуллас, бу китобда улкан фойдалар жамлангандир. Китобни мутолаа қилган кишилар бунга тан берадилар». (Жарҳ ёки журҳ ва таъдил – нуқсон ва таққос жиҳатлари, ровийнинг қиёфаси, бирор сифати, айби ёки фазилати, ишончли ёки ишончсиз эканлиги ҳақидаги фикрлардир).

Хофиз Абул-Фазл Ал-Макдисий, Термизийнинг китобини ўта танқидий назар билан тадқиқ этганидан кейин, бундай дейди: «Абу Исо (Термизий)нинг китобида тўрт қисм ҳадислар ўрин олган;

а) саҳих эканлиги қатъиян қабул қилинган ҳадислар қисми; бу қисмдан Бухорий ва Муслимга мувофақат қилинган ҳадислар ўрин олган;

б) ушлик шартига асосланган ҳадислар қисми;⁵ Бу қисмдаги ҳадислар толий (иккинчи) даражададир;

в) зиддият қисми, бу қисмдаги ҳадисларнинг иллатлари очилган ва бу борада қаттиқ талабчанлик намоён қилинган;

г) бу тўртинчи қисм ҳадислар борасида (Термизий) «Ушбу китобимда фақатгина фақиҳлар (олимлар) амал қилган ҳадисларни таҳриж қилдим» дейди. Бу шартнинг ҳудуди кенг. Шу асосга таяниб, Термизий, бир олим киши ҳужжат сифатида қабул қилган ёки керак бўлганда амал қилган ҳадисни унинг санади хоҳ саҳиҳ бўлсин, хоҳ бўлмасин, лекин ўзи ҳақида сўз юритилишига имкон қолдирмаганини кузатамиз. Яъни таҳриж этилган ҳар бир ҳадис ҳақида керакли изоҳни бериб, кўнгилларни хотиржам қилади».

Термизийнинг ўзлари ўз китоби ҳақида бундай дейдилар: «Ушбу китобни тасниф қилганимдан кейин, уни Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига тақдим этдим. Улар розилик билдириб, қабул қилдилар. Кимнинг уйида бу китобдан бўлса, ўша хонадонда худди Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам гапираётгандек бўлур...»

Термизийнинг бошқа асарлари

Олимлар, Имом Термизий турли асарлар тортик этганларини таъкидлашади. Уларнинг фикрига кўра, у зотнинг асарлари қуйидагилардир:

1. «Ал-Жомийъ-ас-саҳиҳ» (Ишонарли тўплам, яъни «Сунани Термизий»).
2. «Аш-шамоил» («Шамоиلى Муҳаммадия»).
3. «Ал-Ҳол»
4. «Ат-тарих»
5. «Аз-зуҳд»

⁵Ушлик: Абу Довуд, Ан-Насоий ва Ибн Можа назарда тутилган.

б. «Ал-асмоъ ва ал-куно» («Исмлар ва кунъялар»)

Термизийнинг бошқа асарлари ҳам бўлиши мумкин. Бунда зикр қилинган китобларни айрим манбаъларга таяниб баён этдик⁶.

**«Сунани Термизий» китобида
ҳадис мартабаларининг белгиланиши**

«Сунани Термизий» китобида ҳадисларнинг даражаларини белгилашда икки ибора қўлланган. Ноаниқ ва мубҳам қолмасин деб бу икки иборани муҳтарам ўқувчига тушунтириб ўтмоғимиз лозим:

биринчиси – «Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ» деган ибора;

иккинчиси – «Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ-ғариб» деган ибора.

Термизий айрим ҳадисларни «ҳасан-саҳиҳ» ёки «ҳасан-ғариб» деб, ёки «саҳиҳ-ғариб» ва ёхуд «ҳасан-саҳиҳ-ғариб» деб атайдилар. Лекин бу бирикмаларни таърифламайдилар. Масалан, бир ҳадисни фақатгина «саҳиҳ» деб ёки «ғариб» деб атаганларида, бунинг таърифини келтирмаганлар. Балки булар ҳадисчилар наздида тушунарли бўлгани учун таърифни лозим кўрмагандирлар. Аммо ажабки, фақатгина «ҳасан»нинг таърифини келтирадилар. Бу номаълум бир ифода ёки янги бир истилоҳ бўлгани учун таърифга эҳтиёж ҳис этган бўлсалар керак, деган фикрдамиз.

Ҳадисни уч қисмга бўлиш Термизийнинг ижоди эканлигини юқорида таъкидлаган эдик. Термизийдан олдинги муҳаддисларнинг асарларида «ҳасан» иборасига дуч келган бўлсак-да, аммо ҳадисни «ҳасан, саҳиҳ ва заиф» деб уч қисмга бўлган ва «ҳасан» иборасини илк мартаба илмий истилоҳ сифатида қўллаган зот Термизийнинг ўзларидир.

⁶Аҳмад Муҳаммад Шокирнинг Термизий китобига ёзган «Муқаддима» сидан олинди. 90-саҳифа.

Термизий «ҳасан» иборасини ўз китобида бундай таърифлайдилар: «Ушбу китобимизда «Бу ҳадис ҳасан» деган пайтимизда биз санадининг ҳасан эканлигини назарда тутганмиз. Чунки ровийси ёлгончи деб тахмин қилинмаган ҳар бир ҳадис, деярли бошқа сабабдан ривоят қилинса ва шоз(з) бўлмаса, у ҳадис, бизнинг фикримизча, ҳасандир».

Ибну-Салоҳ «Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ» деган ибора ҳақида бундай дейди: «Термизий ва бошқалар (Яҳё ибн Моъин, Ибн-у Аби Шайба, Абу Али Ат-Тусий ва шулар сингари бошқа муҳаддисларни назарда тутмоқда) қўллаган «бу ҳадис ҳасан» деган иборада ишқал (чалкашлик) бор. Чунки «ҳасан»нинг мартабаси маълум сабабга кўра «саҳиҳ»нинг мартабасидан пастдир. Бир ҳадисда бу икки истилоҳни жамъ қилмоқ ўша қусурнинг (айб-нуқсоннинг) ҳам нафйи, ҳам исботи (рад ва исботи) демакдир». Шундан кейин бу ишқол борасида бундай жавоб қайтаради: «Ушбу иборанинг қўлланиши санадга тегишлидир. Ҳадис икки иснод билан ривоят қилинади. Агар иснодларнинг биттаси ҳасан, иккинчиси саҳиҳ бўлса, бу ҳадисни «ҳасан-саҳиҳ» деб айтиш тўғри бўлади. Яъни ҳадис бир иснодга кўра – ҳасан, иккинчи иснодга кўра – саҳиҳдир. Бу ўринда «ҳасан» сўзининг лугавий маъносини кўзда тутган бўлишини ҳам инкор этиб бўлмайди. Кўнгил мойил бўлган ва қалб қабул қилган нарса ҳасан дейлади. Бу тақдирда «ҳасан» ибораси истилоҳий маъносидан бошқа маънода қўлланган бўлади».

Ибнус-Салоҳ жавобининг биринчи қисмига эътироз билдирилган. Чунки Термизий фақат биттагина исноди бўлган ҳадисга нисбатан ҳам «ҳасан-саҳиҳ» таъбирини қўллаганлар. Демак, «ҳасан» сўзи бу ўринда лугавий маъносида қўлланганини таъкидлаш ишқалнинг олдини олиш учун энг мувофиқ йўлдир. Бу орада «саҳиҳ-ҳасан» ибораси «ҳасан» билан «саҳиҳ» орасидаги бир мартаба эканлигини иддао қилганлар ҳам бор.

«Ҳасан-саҳиҳ-ғариб» иборасига келсак, ҳасан ҳадис бир сабабдан ривоят этилса, ғариб бўлади. Ҳасан ҳадис ҳам шу сингаридир.



КИТОБХОНГА ЁРДАМ

АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ
КИТОБИНИНГ УЧ ХУСУСИЯТИ

Бутун оламларнинг Парвардигори – Аллоҳу таолога беадад ҳамду санолар бўлсин; Аллоҳнинг бандаси ва Расули Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламга, бутун хонадони аҳлига ва саҳобаларига саноксиз салоту саломлар бўлсин! Ҳақ йўлига юриб, Исломига кўнгил боғлаган барча инсонларга Ҳақ таолонинг раҳмати ва саломлари бўлсин!...

Мана, бу кун «**Сунани Термизий**» асарининг биринчи жилдини ўзбек тилига ўгириб, мустақил Ўзбекистон мусулмонларига тақдим этишга муваффақ бўлиб турганимиздан ҳаят бахтиёрмиз! Айтмоқ жоизки, Термизийнинг «**Сунан**» китоби бошқа ҳадис китоблари орасида ўзига хос ўрин эгаллаган асардир.

Ушбу китобни бошқа ҳадис китобларидан фарқлаб, ажратиб турган учта хусусиятни таъкидлаб ўтмоқчимиз, чунки бу уч хусусият «**Кутуби ситта**», яъни олтига энг машҳур ҳадис тўпламининг Термизий китобидан бошқа ҳеч биттасида учрамайди.

1. Термизий, ҳар бир бобнинг ҳадисини зикр қилганидан кейин, худди шу бобга тегишли ҳадис ривоят қилган саҳобаи киромларнинг исмларини санаб ўтади. (Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин). Хоҳ улар ривоят қилган ҳадислар Термизий келтирган ҳадис маъносига мос бўлсин, хоҳ бошқа маънода бўлсин, хоҳ унга зид маънода бўлсин; ҳар ҳолда, Термизийнинг ҳадисига яқиндан ёки узоқдан алоқадор бўлса, кифоя! Ана шу хусусият Термизий китобининг шарҳини кучайтириб юборган жуда муҳим унсурдир. Айниқса, ҳадис олимлари кибрити аҳмардек – мис ва қалайни тилло қиладиган ихсирдек нодир бўлиб қолган кейинги даврлар учун бу ўта муҳим хусусиятдир. Кейин эса, Термизий ишорат

этган барча ҳадисларни санадлари ва матнлари билан таҳриж қилмоқ, яъни, асослаб юзага чиқармоқ бир умрни талаб қиладиган ишдир. Шайх Муборақфурий Термизий китобини шарҳлаганда бу ишни бажармоқчи бўлди, аммо барча ҳадисларни таҳриж этишга муваффақ бўла олмади, ўз таҳрижларида эса бошқа алломаларга эргашиш билан кифояланди.

2. Термизий, фикҳий масалаларда фақиҳларнинг қавлларини – фикр-қарашларини кўп бор зикр қилади, далилларга ишорат этиб, худди ўша масалада бир-бирига зид ҳадисларни шарҳлайди. Бу хусусият қай даражада аҳамиятли, муҳим ва улғу бир мақсадга мувофиқ эканлиги очиқ-равшандир. Асосан, ҳадис илмларининг ҳақиқий ғояси ва мақсади истидлол, яъни, далил келтириш ҳамда бекаму-кўст иттибоъ этиш – эргашиш ва амал қилиш учун асос бўладиган ҳадисларни аниқлаб тайин этишдир.

3. Термизий ҳадислар таълилига жуда кучли эътибор беради. Ҳар бир ҳадиснинг сиҳҳат ва заъф – соғломлик ва заифлик даражасини аниқлайди. Ҳадиснинг иллатлари ҳақида, ровийлар борасида батафсил ва аҳамиятли изоҳлар беради. Термизийнинг бу йўналиши билан ҳадис илми қондаларининг, айниқса, таълил илмининг амалий бир тадбиқи намоён бўлади. Хуллас, бу олимлар ва мутааллимлар учун энг фойдали бир китоб эканлигини иддао қилишимиз мумкин. Чунончи, Ҳофиз Абул-Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир Ал-Мақдисий, Термизий ҳақида бундай дейди: «Хиротда Имом Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ал-Ансорийдан¹ эшитдим. У ўз мажлисида Термизий ва унинг китобидан гап кетганида айтдики, «Менинг учун унинг (Термизийнинг) китоби, Бухорий ва Муслим ки-

¹Абу Исмоил Ал-Ансорий, Хиротлик аллома Шайх-ул-Ислом, «Манозил-ус-соирийн» номли китоб муаллифи. Хирот эски Хурсон давлатининг пойтахти, ҳозир Афғонистон ҳудудидаги бир шаҳар.

тобларидан кўра фойдалироқ. Чунки, Бухорий ва Муслим китобларидан фақат мутахассис олимларгина истифода этади. Абу Исо (Термизий)нинг китобидан эса ҳар ким фойдаланиши мумкин»

Термизий эса ўз китоби ҳақида бундай дейди:

«Бу китобни тасниф қилганимдан кейин уни Хижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига тақдим этдим; улар розилик билдириб, қабул қилдилар. Кимнинг уйида бу китобдан бўлса, ўша хонадонда Пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) гапираётгандек бўлур»²

Термизийнинг шахсияти ва китоби борасида уламоларнинг фикр-қарашларини Термизийнинг таржимаи ҳоли бобида баён этдик. Энди эса ҳадис илмининг баъзи истилоҳларини шарҳлаб ўтайлик.

ҲАДИС ИЛМИНИНГ ИСТИЛОҲЛАРИ

ҲАДИС ВА СУННАТ

Муҳаддисларнинг, хусусан кейинги олимларнинг фикрича, «ҳадис» ва «суннат» бир маънодаги икки сўздир. Ҳадис ёки суннат Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари, феъл-атворлари ёки бирор тақрирлари (бирор масаладаги розиликлари) ёхуд бирор сифатларининг ифодасидир, яъни шаръий ҳукмлардир. Аммо бу икки лафзнинг тарихи ва луғавий асосларига диққат қилинса, қўлланиши борасида лугат ва истилоҳ жиҳатидан нозик фарқлари борлиги кўзга ташланади.

Ҳадис – сўзлашув ва хабар бериш маъносида келган нақлнинг (баён ва ифоданинг) номидир. Кейин Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари ёки феъллари ёхуд тақрирлари (бирор масаладаги

²Ал-Мақдисийнинг «Шурутул-Аиммати Асҳобил кутубис-ситтати» номли қўлёзма асаридан.

³«Тазкират-ул-хуффоъ» («Ҳофизлар ёдномаси»): 2/188

«Таҳзиб-ут-таҳзиб»: 9/389 ва «Мифтоҳ-ус-саъода» (Саодат калити):2/11

тўхтамлари) ҳадис дейилган, айрим олимлар, «ҳадис» тушунчасида «янгилик» деган маъно бор деб, бу сўзни «қадим» сўзининг муқобили сифатида қўллашган. «Қадим» деганда Аллоҳ таолонинг Китоби Куръони каримни, «ҳадис» деганда эса Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларини назарда тутишган. Шу сабабдан уламоларнинг кўпчилиги Аллоҳ таолонинг каломини ҳадис деб аташдан сақланганлар.

«Суннат» эса — асли эътибори билан «ҳадис» лафзига баробар эмас. «Суннат» нима? Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган диний йўл «суннат» деб аталар эди. Чунки «суннат»нинг луғавий маъноси «йўл» деганидир. Бу жиҳатдан, «ҳадис» Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари ва феълларини ифода этса, «суннат» эса фақатгина у зотнинг феълларига хосдир. Бу икки лафз-тушунча орасидаги ана шу фарқ туфайли баъзан муҳаддислар: «Бу ҳадис қиёсга, суннатга ва ижмоъга зиддир» ёки «ҳадисда имомдир, суннатда имомдир; ҳадис ва суннатда имомдир» каби ибораларни қўллашган. Бу икки сўз орасидаги ўзига хосликни ана шундай ифода ва иборалар мазмунидан англаймиз.

ХАБАР ВА АСАР

«Таҳдис» (яъни баён қилиш ёки сўзлаб бериш) дегани «хабар» маъносида келади. Шунга кўра «хабар» лафзи маъно жиҳатдан «ҳадис» лафзига «суннат» сўзидан кўра яқинроқ. Чунки Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари Расули акрамга оид бўлган хабардан иборат. Аммо тарих ва шунга ўхшаш илмлар билан шуғулланадиган олимлар «ихборий» (яъни хабар қилувчилар) деб номланган, суннат билан шуғулланадиган олимлар эса «муҳаддис» деб аталган ва шу боис тарихчиларнинг ривоятлари «хабар» деб, муҳаддисларнинг ривоятлари эса «ҳадис» деб ном олган. Иккала сўз орасида умумий-хусусий ва мутлоқ жиҳатлар бор. Яъни, ҳар қандай ҳадис хабардир, лекин ҳар

қандай хабар ҳадис эмас. Ваҳоланки, «ҳадис» ва «хабар» лафзлари маънодош, деган фикрга эга бўлган муҳаддислар, бу икки сўзнинг луғавий жиҳатдан бир хил маънода эканлигининг энг аввало ушбу томонини мулоҳаза этишади. Ровийлар Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга оид ҳадисларни ривоят қилиш билангина чекланиб қолмайдилар, айтилиши вақтда мавқуф ва мақтуъ тарзидаги ҳадисларни ҳам ривоят қилишади. У ҳолда фақатгина Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эмас, балки саҳобаларнинг ва тобиъийнинг сўзларини ҳам ривоят этишадик, ривоят икки ўринда ҳам хабардир. Хуллас, ҳадисни «хабар» деб ва хабарни «ҳадис» деб аташнинг зарари йўқ.

Муҳаддислар «асар» сўзига ҳам шу нуқтаи назардан қарайдилар; бу лафз «хабар», «суннат» ва «ҳадис» лафзлари билан маънодош эканлигини айтадилар. Чунончи, «асар»ни саҳобаларга ва тобиъийга оид қавллар (сўзлар) ва феълларгагина хос деб ҳисоблашни тақозо қиладиган бирор сабаб йўқ. Гарчи хабар билан асар орасида фарқ бор, деб мулоҳаза қилганлар бўлса-да⁴, лекин биз умумий кўпчиликнинг фикрига эргашиб, бу истилоҳлар умуман «тахдис» ва «ихбор» маъносини ифода этишликда баробар деб қабул қиламиз. Ҳадис усули илмида баҳсга сабаб бўлган асос ана шудир.

ҲАДИСИ ҚУДСИЙ

Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзан саҳобаларига Аллоҳу таолодан нақл этиб, бир сўз айтадилар. Бу сўз, бу мавъиза ваҳй-и жалий, яъни очиқ-равшан ваҳий эмаслиги учун Куръон эмас; шунингдек, Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бевосита ўз сўзлари эмаслиги учун ҳадиси Набавий ҳам эмас. Бунинг услуби Куръони каримнинг услубидан та-

⁴Баъзи муҳаддислар марфуъ ва мавқуф ҳадисни асар деб қабул қилишади. Хуросон фуқаҳоси эса мавқуфни - асар, марфуъни - хабар деб ҳисоблашади.

моман бошқача. Аммо, шу билан бирга, унда қудсий (илоҳий) оламдан бир нафҳа (бир муборақ, хуш ис), ғайб оламидан бир нур, жалол ва икром соҳиби бўлмиш Аллоҳу таолодан бир ҳайбат бор! Ана шу турдаги ҳадислар ҳадиси қудсий, яъни қудсий ҳадислар ёки илоҳий ҳадислар ва раббоний ҳадислар дейилади. Ҳадиси қудсий: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳу таолодан нақл қилиб айтдиларки...» деб бошланади. Шунинг учун айрим олимлар, ҳадиси қудсийда лафз, яъни сўз Аллоҳу таолодан эканлигини таъкидлайдилар. Ҳолбуки, уламоларнинг кўпчилиги лафз (яъни ифода) Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламдан, маъно эса Аллоҳу таолодан деб ҳисоблайдилар. Абул-Бақо ана шу фикрни илгари суради ва буни очиқ-ойдин таъкидлаб, бундай дейди:

«Куръон – лафзи ва маъноси ошкор ваҳий билан Аллоҳ хузуридан нозил бўлган каломдир. Ҳадиси қудсий эса – лафзи Расули Акрамдан ва маъноси илҳом ёки туш йўли билан Аллоҳу таолодан келган каломдир⁵»

МУСНИД, МУҲАДДИС, ҲОФИЗ

Ҳадис илми билан шуғулланган зотлар (шу илм атамаларига мувофиқ) турли номлар билан аталганлар. Булардан энг машҳурлари қуйидаги уч лақаб, уч номдир.

Муснид – ҳадисни санади (ровийларнинг узлуксиз тартиб-рўйхати) билан ривоят қилган ровийдир. Унинг ҳадис соҳасида билими бўлиши шарт эмас. Фақатгина ҳадиснинг матни ва санади билан эшитган кишисидан айнан нақл этади.

Муҳаддис – ҳадисларнинг санадларини, иллатларини, ровийларнинг аҳволини билган, имкони борича ҳадис ёдлаган, кутуби ситтани (олти машҳур ҳадис китобини), Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Муснад»ини,

⁵«Куллиёту Абил-Бақо», 288-бет.

Байхақийнинг «Сунан»ини, Табаронийнинг «Муъжам»ини тинглаган (сабоқ олган) ва буларга ҳадис жузьларидан минг жузьгача қўша олган кишидир⁶.

Ҳофиз – ҳадис билан шуғулланган зотлар орасида даражаси энг баланд ва **мақоми** энг юксак бўлган кишидир. Ҳофиз турли тарзларда таъриф этилган. Бир уламо фикрича, ҳофиз Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатини билган, йўлларини эгаллаган, санадларини бир-биридан тозаллаган, саҳиҳ эканлиги иттифок қилинган ҳадислар билан ижтиҳод сабабидан «мухталифун фийҳ» бўлган ҳадисларни ёд билган; жарҳ ва таъдил истилоҳларидан воқиф бўлиб, ҳар бири орасидаги фарқни ажрата олган; ҳадисда мавҳум ва саҳиҳ бўлган лафзларни таниган, ҳадис матнларига дарж этилиб, (киритилиб), уларнинг бир парчаси ҳолига келган лафзларни фарқлаб ажрата оладиган ва ровийларнинг аҳволидан энг яхши тарзда воқиф бўлган ҳадис олимидир⁷.

Айримлари эса ҳар бир даврда ва маконда нодир, камёб бўлган кишилар ҳофиз деб аталишини ва бундай кишилар борлиги ҳали-ҳамон мутааззир, яъни узрли, истисно ҳолат эканлигини уқтирадилар. Зеро бир ҳадис олимининг ҳофиз деб номланиши учун кенг ва қамровли илм билан бирга нодир сифатларнинг унда мавжуд бўлиши шарт қилинган. Ал-Ҳоким «Ал-мадҳал» асарида бундай дейди: **«Бир ҳофизнинг хотирасида ярим миллионга ҳадис сақланар эди»⁸**

Аммо Фатҳуддин ибн Саййидиннос бу даввонинг нисбий эканлигини ва ҳар бир даврнинг ўзига ҳос бир истилоҳ ва таҳдиди борлигини таъкидлайди ва айтадики, **«Уламон мутақаддимийндан (қадимги олимлардан) дафтарида йигирма минг ҳадис ёзилмаган кишини**

⁶«Тадриб-ур-ровий», 6-саҳифа.

⁷«Ал-Жомий ли-ахлоқир-ровий». 150/8. Саҳифа 2.– («Улум-ул-ҳадис ва мусталахуҳу», 76-саҳифа).

⁸«Тадриб-ур-ровий», 8-саҳифа.

ҳадисчи деб ҳисобламаганлари ривоят қилинади. Холбуки, уларнинг бу тушунчалари ўз даврларига кўради⁹»

Имом Бухорий айтадики, «Хотирамда юз мингта саҳиҳ ҳадис ва икки юз мингта ғайри саҳиҳ ҳадис бордур!¹⁰».

Хофизлар гарчи юз минглаб ҳадисларни ёд олган бўлсалар-да, шундан фақат жузъий миқдорини ривоят қилганлар. Бу бир таварруъ, яъни парҳезкорлик, эҳтиёткорлик масаласи эканлиги маълум. Чунки ҳадисчилар Исломдан бўлмаган бирор сўзни Исломга тақаб қўйишдан қаттиқ ҳазар қилишган. Ал-Аъмаш, ровийлар ҳадисларнинг ҳар бир сўзи устида кўрсатган талабчанлик ва ҳасосликларни тасвирлайди ва уларнинг бу ҳаракатини мақтаб, бундай дейди: «Илм шундай зотларнинг қўлида эдики, уларнинг ҳар бири учун осмондан ерга қулаб тушиш, шариат илмига биронта «вов», биронта «алиф» ёки биронта «дол» қўшиб қўйишдан кўра осонроқ эди. Энди эса илм, балиқнинг катта ёки кичиклиги борасида ҳам қасам ичаверадиган кишилар қўлида қолди¹¹».

ҲАДИСЛАРНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ВА РАД ЭТИЛИШИ ЖИҲАТДАН ТУРЛАРГА БЎЛИНИШИ

Ҳадис ё мақбул (қабул қилинадиган) ёки мардуд (номақбул) бўлади. Мақбул ҳадис – саҳиҳ, мардуд ҳадис эса – заифдир. Ҳадисларнинг табиий тақсими ана шудир, бундай тақсим, яъни бўлиниш ортида ровийларнинг ва ҳадис матнларининг аҳволлари ўзгариши билан бирга, сиҳҳат ва заъф, яъни соғломлик ёки заифлик жиҳатидан ўзгарган бир қанча қисмлар бор. Бирок

⁹ Шу манбаъ, 7-саҳифа.

¹⁰ Шу манбаъ, 8-саҳифа.

¹¹ «Ал-Кифоя», 178, Ал-Аъмаш, у Сулаймон ибн Муҳрондир; 148-ҳижрий йилда вафот этган.

муҳаддислар уч қисмга бўлиш борасида келишиб, бу учга бўлиш иккига бўлишдан кўра афзал деб санашган. Шундай қилиб, ҳадис **сахих**, **ҳасан** ва **заиф** тарзида уч турга бўлинган.

Мавзуъ дегани эса бу турларга кирмайди. Чунки, **мавзуъ** дегани Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга ёки саҳобалардан ва тобиъийндан бирор кишига тақалган гап бўлиб, аслида ёлгон ва уйдирмадир. Ваъз қилаётган киши наздида бу ҳадис ҳукмида бўлса-да, лекин мавзуъ эканлигининг исбот этилиши ундан «ҳадис» деган сифатни кеткизади. Бироқ то бу масала исбот этилмагунича, уни ҳадис деб аташ мумкин. Агар бирон бир китобда «**Бу ҳадис мавзуъдир**» деган иборага кўзингиз тушса, шуни билингки, ўша ўринда «ҳадис» сўзининг ишлатилиши мазкур сўзни ҳадис сифатида нақл этиш ва ривоят қилиш ҳаром эканлигини билдириш учун бўлади. Энди тартиби билан шу уч тур ҳадисни қисқача изоҳлаб ўтайлик.

1. САҲИХ

Саҳих ҳадис – тўғри ва ақл-идрокли киши тўғри ва ақл-идрокли кишидан ривоят қилган, санади бошидан охиригача узилмай муттасил бўлган, шоз(з) ва муаллал бўлмаган (узилмаган ва нуқсонсиз) муснад ҳадисдир.

Санаднинг мунтаҳоси – тўхталган жойи (таянч нуқтаси) Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бўладилар, шунингдек, бирор саҳоба ва тобиъийн ҳам бўлиши мумкин. Баъзи уламолар муснад билан муттасил орасини ажратган ҳоллар ҳам учрайди. Улар: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўтарилган ҳадисни муснад деб, санади туташган ҳадисни эса муттасил деб айтадилар. Уларнинг фикрича, муттасил ҳадис марфуъ ҳам бўлиши мумкин; мавқуф ёки мақтуъ ҳам бўлиши мумкин; муснад ҳадис эса фақатгина Расули Акрамнинг ўзларидан кўтарилган ҳадисдир.

Саҳиҳ ҳадиснинг турлари:

Саҳиҳ ҳадис мутавотир, аҳад, машҳур, мустафиз, азиз ва ғариб каби турларга бўлинади.

Мутавотир – ақлаи ва одатан ёлгон нарса устида иттифоқ қилишлари мумкин бўлмаган бир жамоат, санади бошида, ўртасида ва охирида худди шундай сифатга эга бўлган бир жамоатдан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисдир¹².

Бу жамоатнинг саноғини белгилаш борасида турли ва қарама-қарши фикрлар илгари сурилган. Биз бу фикрларга тўхталмаймиз, айна вақтда, **мутавотир** лафзи ва маъносига кўра икки қисмга бўлинишини ҳам шарҳлаб ўтирмаймиз. Чунки, саҳиҳ ҳадис – «саҳиҳ ли-зотиҳи» ва «саҳиҳ лиғойриҳи» каби икки турга ажралади. Аммо бу борада ҳам тўхталмай ўтамиз. Чунки, мақсадимиз ҳадис истилоҳлари ҳақида таълим бериш эмас, балки таржимамизда учрайдиган айрим илмий истилоҳларни тушуниб олишда ёрдами тегадиган муҳим маълумотни етказишдир.

Аҳад – бундай ҳадисларнинг ҳар биттаси «**хабари воҳид**» дейилади. «**Хабари воҳид**» – луғавий маъносига кўра, битта киши ривоят қилган ҳадис, дегани. Истилоҳий маъносига кўра – **тавотур даражасига етмаган ҳадисдир**.

Бу таърифдан маълум бўладики, кўйидаги ҳадис турлари «хабари воҳид»нинг алоҳида-алоҳида хилларидир.

Машҳур – сиқа (ишончли) бир имомдан жамоат (иккитадан ортиқ киши) муштарак тарзда ривоят қилган ҳадисдир. Аниқлик, очиқ-равшанлик касб этгани боис бундай ҳадислар **машҳур** деб номланган. Айрим фикҳ имомлари бундай ҳадисни айна вақтда **мустафиз** деб атайди. Ҳолбуки, машҳур ҳадис билан мустафиз ҳадис ўртасида фарқ бор.

¹²«Шархун-нуҳба», 3-саҳифа.

Мустафиз – ёйилмоқ, тарқалмоқ (файз олмоқ) маъносида келадиган «**истифоза**» сўзидан келиб чикқан исми фоилдир. (феълдан ясалган от). Машҳур ҳадисни «**мустафиз**» дейдиган фикҳ имомлари, сўзнинг луғавий маъносини диққат марказида тутган бўладилар. Истилоҳий маъноси эса бошида ва охирида ровийлар саноғи тенг – бир хил бўлган ҳадисдир; бунда ровийлар саноғи иккитадан кўп бўлиши шарт қилинган.

Азиз – икки киши ривоят қилган, аммо ҳаминша, ҳар қайси даврда ровийлар саноғи иккитадан кам бўлмаган ҳадисдир. Бундай ҳадисларнинг азиз деб аталишига сабаб: ё нодир бўлгани учун, ёки бошқа йўлдан келиши билан қувват касб этгани учундир.

Ғариб ва фард – саҳобадан кейин санадининг ҳар қандай бир жойида битта ровий якка ҳолда ривоят қилган ҳадис¹³. «Ғариб ва фард» сўзлари орасида лугат ва истилоҳ жиҳатидан муштарак уйкашлик бор. Бу боғлиқлик фақат якка-ёлғизлик ва тоқлик маъносида бўлиб, ҳадис олимларидан айримлари бу хил ҳадисларни баъзан «фард», баъзан «ғариб» деб аташларининг сабаби шудир.

2. ҲАСАН ҲАДИС

Ҳасан ҳадис – одил, сидқ ва омонатда машҳур, аммо қамровда саҳиҳ талаби даражасига кўтарилмаган ровий ривоят қилган, санади муттасил бўлиб, тобиъийндан Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламгача етиб борган, шузуздан ва иллатдан саломат бўлган ҳадисдир¹⁴.

Кўриниб турибдики, саҳиҳ ҳадис билан ҳасан ҳадис ўртасидаги фарқ фақатгина қамров (забт, яъни эгаллаш, ишғол этиш) саҳиҳда тугал, тўлиқ, «ҳасан»да эса бир оз пастроқ мартабада бўлишидан иборат.

«Сунани Термизий» ҳасан ҳадисларни аниқлашда

¹³«Шарҳ-ун-нуҳба», 6-саҳифа.

¹⁴«Шарҳ-ун-нуҳба», 11-саҳифа; «Ал-фуййут-ус-Суътий», 42-хошия.

асос-манбаъдир. «Хасан» истилоҳини кашф этган, ҳадисларни саҳиҳ, ҳасан ва заиф тарзида уч қисмга бўлган зот Термизийнинг ўзидир. Ундан аввал муҳаддислар заифни икки хил тарзда қабул қилишарди. Биринчиси – ўша ҳадис асосида амал қилиниши жоиз бўлган заиф ҳадис бўлиб, бу Термизий истилоҳида келган ҳасан ҳадисга ўхшашдир. Иккинчиси – тарк этиш вожиб бўлган, ўта заиф маъносида келган, «вахий» (қулоққа шивирланган сўз) деб номланган ҳадис эди¹⁵.

Муҳаддислар, саҳиҳ билан ҳасан ўртасида муштарак бўлган баъзи лафзларни зикр қилишган. Мақбул ва мўътабар ҳадис борасида қўлланган бу лафзлар: **жайид, мужаввад, қавий, собит, маҳфуз, маъруф, солиҳ** ва **мустаҳзан** сингари сўзлардир. Буларнинг ишлатилишида истилоҳий маънодан кўра луғавий маъноси кўпроқ мулоҳаза қилинади. Чунончи, мужаввад билан жайид, собит билан қавий сўзлари бир-бири билан қиёсланганда бу лафзлар таъбирда фарқли маънода қўллангани равшан бўлади.

3. ЗАИФ ҲАДИС

Заиф – таркибида «саҳиҳ» ва «ҳасан» ҳадисларнинг¹⁶ сифати бўлмаган ҳадис. Учинчи тур ҳисобланган заиф ҳадиснинг энг мувофиқ таърифи ана шу.

Заиф ҳадиснинг кўпгина хиллари бор. Булардан ўзига хос номга эга бўлган хилларини қуйида изоҳлаймиз.

Заиф ҳадиснинг турлари:

Мурсал – санадидан саҳоба тушириб қолдирилган ҳадис.

Масалан, тобиъийндан бўлмиш Нофиъ: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деди-

¹⁵ «Қавоид-ут-таҳдис», 83-саҳифа

¹⁶ «Ат-тадриб», 59-саҳифа

лар» ёки «Бундай қилдилар» ёхуд «У зотнинг ҳузурида бундай қилинди» дейди ёки шунга ўхшаш бир таъбирни қўллайди, дейлик; бу ўринда ҳадис иттисолни (богликликни) йўқотгани учун – **заиф**; ровийси томонидан саҳоба тушириб қолдирилгани учун – **мурсал** бўлади. Мурсал ҳадис дин бобида ҳужжат ҳисобланмайди. Муҳаддисларнинг қарори ана шу. Лекин кўпчилик уламолар бир саҳоба мурсал тарзида ривоят қилган ҳадисни ҳужжат деб қабул қилишади ва бундай ҳадисларни заиф деб ҳисоблашмайди. Чунки, ўша саҳоба мурсал тарзида ривоят қилган шу ҳадисни мутлоқ бошқа бир саҳобадан эшитганки, у саҳоба аҳволининг ноаниклиги ҳадисни заиф деб ҳисоблашга асос бўлолмайди. Суютий, «Саҳиҳайн»да бу тур ҳадислар жиддий бир санокни ташкил этишини айтади.

Мунқотиъ – санадида бир ровий тушириб қолдирилган ёки санадида мубҳам (номаълум) бир кишига ўрин берилган ҳадис¹⁷.

Мунқотиъ ҳадис ҳам худди мурсал ҳадисдек санадида иттисолни (богликликни) йўқотгани туфайли заифдир.

Ҳофиз Ал-Хатийб Ал-Бағдодий, «Ал-кифоя фий илмир-ривоя» номли асарида бундай дейди:

«Мунқотиъ мурсал кабидир. Фақат бу истилоҳ кўпинча санадида тобиъийн тушириб қолдирилган ривоят ҳақида қўлланилади»¹⁸. Ҳофиз Ал-Хатийбнинг «кўпинча» деган таъкиди билан, мунқотиъ борасида биз келтирган таъриф орасида ҳамма жиҳатдан мутаносиблик йўқлиги аён. Ал-Хатийбнинг сўзи, мунқотиъ ҳадисларда кўпинча намоён бўладиган бир сифатга нисбатан алоҳида истилоҳдир. Ҳақиқий таъриф юқорида биз тақдим этган таърифдир.

Муъдал – санадидан икки ёки кўпроқ ровийси

¹⁷ «Ихтисор-у улумил-ҳадис», 53-саҳифа.

¹⁸ «Ал-кифоя», 21-саҳифа.

тушириб қолдирилган ҳадис¹⁹.

Муъдал махсус важҳ асосида мунқотиънинг бир қисми ҳисобланади. Бу ўринда ҳам заъфнинг сабаби, худди мурсал ва мунқотиъда бўлганидек, санадида итти-солни (боғликликни) йўқотганлигидир. Агар бу уч исти-лоҳ орасида бир ўлчов-даража кўядиган бўлсак, муъдал-нинг аҳволи мунқотиъдан кўра ёмонроқ, мунқотиънинг аҳволи эса мурсалдан кўра ёмонроқ деб айтишимиз мумкин. Демак, муъдалнинг мунқотиъдан кўра ёмонроқ эканлиги – инқитоъ, яъни узилиш санадининг бир жойида бўлгани учундир. Мабодо, инқитоъ, яъни узилиш санадининг икки жойида. ёки янада кўпроқ жойида бўлса, унда муъдалнинг аҳволидан фарқи қолмайди.

Мудаллас – айби яширинган ҳадис. Шу маънони билдирадиган мудаллас иккига бўлинади:

а) **Иснод тадлиси.** Бир ровийнинг, ўзи билан бир даврда яшаган ва ўзи билан учрашган кишидан эшитма-ган ҳолда ундан ҳадис ривоят этмоғи ёки бир даврда яшаган, лекин ўзи билан учрашмаган бир кишидан, худ-ди унинг оғзидан эшитгандек қилиб ҳадис ривоят қилмоғи **иснод тадлиси** дейилади. **Ибнус-Салоҳ** мудал-лас ҳадисни ана шундай таърифлайди. Тадлис борасида бошқа таърифлар ҳам зикр қилинган. Бу таърифларнинг ҳаммаси, бир шайхдан эшитмаган ҳадисни худди ундан эшитгандек қилиб ривоят қилиш ҳолатига асосланган.

б) **Шайхлар тадлиси.** Бир шайхдан эшитган ҳадисни ундан ривоят қилганда, ўша шайхнинг танил-маслиги учун уни таниқсиз бир исми ёки куняси (тахаллуси) билан аталмоғи ёки шайхини ёхуд шайхи-нинг шайхини таниқсиз бир сифат билан сифатлантир-моғи – шайхлар тадлисидир.

Айрим муҳаддислар тадлисни кенгроқ қилиб, **атф тадлиси, қатъ тадлиси, тасвия тадлиси, сукут тадлиси, таврия тадлиси, истидроқ тадлиси** ва шу каби бошқа атамалар билан турли хилларга ажратишган. Бу хиллар-

¹⁹ «Ат-тадриб», 73-саҳифа

нинг ҳаммаси «иснод тадлиси» қисмига тегишли.

Муаллал – зоҳиран иллатсиз кўринса ҳам, саҳиҳлигига жароҳат етказадиган бир иллати юзага чиқарилган ҳадис. Имом-ал-Бухорий, Имом-Ат-Термизий ва Ал-Ҳоким ибораларида қўлланганидек, бу ҳадис «маълул» ҳам дейилади. «Муолл» деб аталса, янада яхшироқ.

Музтариб – бошқа-бошқа (беқарор) ва бир-бирига яқин сабаблар билан ривоят қилинган ҳадис. Имом ан-Нававийнинг фикрича, таъриф шу. Борди-ю, ривоятлардан биронтасини бошқасидан устун қўйиш мумкин бўлса, унда бу ҳадис «музтариб»лик ҳолатидан чиқади. Изтироб (беқарорлик) кўп марта санадда ва баъзан матнда юз беради, агар изтироб фақат матнда юз берса, у ҳадис камдан-кам «музтариб» деб номланади. Изтироб ҳам санадда, ҳам матнда учраши мумкин. Биз таржимада «чалкашлик» иборасини «изтироб»нинг муқобили тарзида қўллаётимиз. Бу сўз луғавий жиҳатдан асосан «беқарорлик» маъносини билдиради.

Мақлуб – ровийлардан биронтаси, матнда бирор сўз ўрнини ёки санадда бирор ровий номини ёки насабини аниқ тутмасдан, орқага олиниши лозим бўлган сўз, ном ёки насабни олдинга ўтказиши, ном ёки насабни орқага олиши ёхуд бир нарсани бошқа бир нарсанинг ўрнига қўйиши тарзида ривоят қилган ҳадис. (Қисқаси, мақлуб – матнда бирор сўз ўрни ёки санадда бирор ровий номи ёки насаби ўрни алмашиб қолган ҳадис). Мақлуб – ўзгартирмоқ маъносида келадиган «қалб» сўзидан ясалган исми мафъулдир. (Феълдан ясалган от). (Масалан, бирор нарса ўзгартирилганда ёки сохталаштирилганда «қалбаки» деб аталади).

Таърифдан англашилган сабабга кўра, «қалб» (ўзгариш) иснодда ҳам, матнда ҳам бўлиши мумкин.

Шоз(з) – ривояти мақбул бўлган ровий ўзидан кўра мақбулроқ бўлган ровийга муҳолиф (қарши) тарз-

да ривоят қилган ҳадис²⁰. Ҳофиз ибн Ҳажар шоз(з) ҳадисга ана шу таъриф муносиб эканлигини айтади.

Мункар – заиф ровий сиқа (ишончли) ровийга муҳолиф (қарши) тарзда ривоят қилган ҳадис. Мункарнинг энг ихчам таърифи шу. Мункар ҳадис ровийсининг заиф эканлиги жиҳатдан шоз(з) ҳадисдан фарқланади. Чунки шоз(з) ҳадиснинг ровийси – сиқа (ишончли) киши, мункар ҳадиснинг ровийси эса заифдир. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтайликки, «**мункар**»нинг муқобили – «**маъруф**», шоз(з)нинг муқобили – «**маҳфуз**»дир.

Матрук – ҳадисда ёлғончилиги тахмин қилинган ёки хоҳ феъли, хоҳ сўзи билан фосиқлиги аён бўлган ёки беҳад ғафлатда қолган ёки ваҳм-хаёли кўп бўлган (хаёлпараст) ровий ривоят қилган ҳадис²¹.

Бу – навли ҳадислар «матрук» дейилиб, «мавзуъ» дейилмаслигига сабаб шуки, фақат ёлғончилик тахминини туйғайди бир ҳадис мавзуъ деб ҳукм қилинмайди, ёлғончилиги феълан собит бўлиши керак.

САҲИХ, ҲАСАН ВА ЗАИФ ҲАДИСЛАР ОРАСИДАГИ МУШТАРАК ИСТИЛОҲЛАР

Ушбу бўлимда, юқоридаги уч турли ҳадислар орасида муштарак бўлган айрим истилоҳлар устида тўхталамиз.

Марфуъ – қавл (сўз), феъл ёки тақрир сифатида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламгача кўтарилган ҳадис. Хоҳ саҳоба, хоҳ тобиъийн, хоҳ улардан кейингилар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалтирган ҳадис марфуъ дейилади.

Бундан шу маъно чиқадики, марфуъ ҳадис хамиша ҳам мутғасил бўлавермайди. Баъзан санадидан саҳоба тушиб қолиб, мурсал бўлади. Баъзан ровийлар-

²⁰ «Шарҳ-ун-нуҳба», 14-саҳифа.

²¹ «Ал-фиййат-ус-Суютий», хошия.

дан бири тушиб қолиб ёки санадида мубҳам бир киши зикр этилиб, мунқотиъ бўлади. Баъзан икки ёки бундан кўп ровий тушиб қолиб, буткул муъдал бўлиб қолади. Айтилганидек, бу уч ҳолатда ҳадис заиф деб сифатланади.

Муснад – санади Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламгача марфуъ тарзида, ровийсидан то интиҳосига қадар муттасил етиб борган ҳадисдир.

Муттасил – санади бошидан охирига қадар муттасил етиб борган ҳадис.

Бу Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалган бўлиши шарт эмас. Саҳобада ёки ундан кейинги ровийда мавқуф бўлган (тўхтаган) бўлиши мумкин. Бу ҳадис айни вақтда мавсул деб аталади.

Мавқуф – қавл (сўз), феъл ёки тақрир сифатида саҳобага изофа қилинган ҳадис.

Мақтуъ – қавл (сўз), феъл ёки тақрир сифатида тобиъийнга изофа қилинган ҳадис.

Муаллақ – санадининг бошидан бир ёки бир неча ровий кетма-кет тушириб қолдирилган ҳадис.

Ғариб ва фард – саҳобадан кейин санадининг ҳар қандай бир жойида битта ровий якка ҳолда ривоят қилган ҳадис.²²

«Ғариб ва фард» сўзлари орасида луғат ва истилоҳ жиҳатидан муштарак уйқашлик бор. Бу боғлиқлик фақат якка-ёлғизлик ва тоқлик маъносида бўлиб, ҳадис

²²Ғариб ва фард ҳадисни юқорида машҳур, азиз ва мустафиз ҳадислар билан бирга саҳиҳ ҳадиснинг турлари сифатида зикр қилгандик. Дарвоқе, бу навли ҳадислар «ақсоми салоса», яъни саҳиҳ, ҳасан ва заиф каби уч турдаги ҳадислар орасидаги муштарак ҳадислардир. Саҳиҳ бўлганларидек, ҳасан ҳам, баъзан заиф ҳам бўлиши мумкин. Чунончи, «Илм талаб этмоқ ҳар бир мусулмон эржак ва аёлга фарздир» деган ҳадис машҳур бўлиши билан бирга ҳасан ҳамдир. «Қалблар ўзларига яхшилиқ қилганларни севгувчи қилиб яратилгандир» деган ҳадис машҳур ва заифдир. Шунингдек, марфуъ, мақтуъ ва мавқуф ҳадислар орасида машҳур бўла туриб, асли (асоси) бўлмаган бир қанча ҳадислар бор.

олимларидан айримлари бу хил ҳадисларни баъзан фард, баъзан ғариб деб аташларининг сабаби шудир.

Олий – санадида ровий саноғи оз бўлганидан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга яқин бўлган ҳадис.

Нозил – санадида ровий саноғи кўп бўлганидан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан узоқлашган ҳадис.

Тобий ва шоҳид – бир ҳадиснинг бошқа бир ҳадисга мувофиқ келишидир.

Агар мувофақат лафзда бўлмай, фақат маънода бўлса, бу ҳадис **шоҳид** дейилади. Агар мувофиқлик ҳам лафзда, ҳам маънода бўлса, бундай ҳадис **тобий** ёки **мутобий** дейилади.

Агар мувофақат ровийнинг шайхидан то санаднинг охирига қадар бутун санадда мавжуд бўлса, бундай ҳадис **мутобаа-йи тамма** дейилади; агар санаднинг бир қисмида бўлса, **ноқиса** дейилади.

Агар ҳадиснинг лафзида ҳам, маъносида ҳам мувофиқлик учрамаса, бу **фард** ва **ғариб** дейилади.

Мудраж – матнида ёки санадида асли ўзида бўлмаган бирор қўшимча топилган ҳадис.

Саҳиҳ ва ҳасан ҳадисларнинг ровийлари оз ва оддий (сода) ҳам бўлсалар, ҳадисларида учраган қўшимчаларга диққатни тортадилар ва бу қўшимчанинг кимга оид эканлигини аниқ белгилайдилар. Токи беғона бир сўз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларига аралаштирилмасин ва у киши айтмаган бирор сўз у зотга изофа қилинмасин. Идрож, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисида ўтган баъзи тушунилмаган сўзларни тафсир қилмоқ мақсадида ёки бир шаръий ҳукмни изоҳламоқ мақсадида қилинади.

Мусалсал – бир сифат ё бир ҳол ёки бир кайфият борасида ровийлари иттифоқ қилган ҳадис.

Мусалсал – занжирдек (силсиладек) бир-бирига боғлиқ бўлган нарса, дегани. Бу ўриндаги тасалсул ҳар

бир ровийнинг ҳадисни ривоят қилганда муайян бир сўз ё ҳаракати ёки кайфияти санадда ўзидан олдин келган ровийдан айнан нақл этилмоғидир²³.

Мусалсалнинг турли хиллари бор.

Музаҳҳаф – нуқталари ўзгартирилиб, бир ёки бир нечта ҳарфи ўзгарган, аммо ёзма шакли боқий қолган ҳадис.

Мабодо, ёзма шакли ўзгарса, у муҳарраф дейилади.

Ибн Ҳажар музаҳҳаф ва муҳаррафни ана шундай таърифлаган. Аслида булар мугародиф (маънодош) сўзлардир. Чунончи, айрим муҳаддислар бу икки лафз орасини ажратмаганлар.

Усмон Закий Мулла Муҳаммад



²³ «Луқот-уд-дурар» хошияси, 136-саҳифа.

سُنَنِ التِّرْمِذِيِّ

«СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ»

ТАРЖИМАСИ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

ТАҲОРАТ БОБЛАРИ

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра
ат-Термизий айтади(лар)...

РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА
САЛЛАМДАН РИВОЯТ ҚИЛИНАДИ

1-БОБ

**МАВЗУ: ТАҲОРАТСИЗ НАМОЗ ҚАБУЛ
ЭМАС**

۱ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَّانَةَ ، عَنْ سَمَاءِ
ابن حَرْبٍ ، وَحَدَّثَنَا هَنَّادٌ ، حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ ، عَنْ إِسْرَائِيلَ ، عَنْ سَمَاءِ ،
عَنْ مُصْتَبِ بْنِ سَعْدٍ ، عَنْ ابْنِ عُثْرَةَ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
قَالَ : « لَا تُقْبَلُ صَلَاةٌ بِغَيْرِ طَهْوَرٍ ، وَلَا حَدَقَةٌ مِنْ غُلُولٍ » قَالَ
هَنَّادٌ فِي حَدِيثِهِ : « إِلَّا بِطَهْوَرٍ » .

1.Ибн Умар (розияллоху анҳумо)дан ривоят қилинди: *Набий саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар:* «Таҳоратсиз кишидан намоз ва ҳаром пулдан садақа қабул қилинмайди». Ханнод ўз ривоятида «*إِلَّا بِطَهْوَرٍ*» («илла би тухури», яъни «намоз фақат таҳорат билангина қабул қилинади») деди¹.

Бу ҳадис ушбу бобда ворид бўлган ҳадисларнинг

¹Муслим, Абу Довуд, Ан-Насоий ва Ибн Можа ҳам шу ҳадисни ривоят қилганлар. «Ғулул» — хиёнат, ўғрилик, хийла, пора ва сунистьемол қилиш йўли билан топилган ҳаром молдир. Кози Абу Бакр ибн Ал-Арабий бу ҳадис тафсирида айтади: «Таҳоратсиз намоз қабул қилинмай, жазони тақазо этганидек, ҳаром молдан берилган садақа ҳам шундайдир. (Ўзбекча таржимада «ғулул»нинг умумий маъноси бўлган «ҳаром» деган сўзни танладик).

энг саҳиҳи ва энг ҳасанидир. Абул-Малиҳдан, унинг отасидан, Абу Ҳурайра ва Анас (розияллоҳу анҳум)дан ҳам бу бобда ҳадис ривоят қилинган. Абул-Малиҳ ибн Усоманинг номи Омир бўлиб, уни Зайд ибн Усома ибн Умайр Ал-Хузалий деб ҳам аташади.

2-БОБ

МАВЗУ: ТАҲОРАТНИНГ ФАЗИЛАТИ

٣ - حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مُوسَى الْأَنْصَارِيُّ ، حَدَّثَنَا مَعْنُ بْنُ عِيسَى الْقَرَظِيُّ حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ ، مع وحدَّثنا قُتَيْبَةُ ، عَنْ مَالِكٍ ، عَنْ سَهْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « إِذَا تَوَضَّأَ الصَّبْدُ الْمُنِيمُ ، أَوْ الْمُؤْمِنُ ، فَغَسَلَ وَجْهَهُ خَرَجَتْ مِنْ وَجْهِهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ نَظَرَ إِلَيْهَا بِعَيْنَيْهِ مَعَ الْمَاءِ . أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ ، أَوْ نَحْوِ هَذَا ، وَإِذَا غَسَلَ يَدَيْهِ خَرَجَتْ مِنْ يَدَيْهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ بَطَفَتْهَا يَدَاهُ مَعَ الْمَاءِ . أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ ، حَتَّى يَخْرُجَ نَفْسًا مِنَ الذُّنُوبِ » .

2.Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: Расулulloҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мусулмон (ёки мўъмин) банда таҳорат олаётиб, юзини ювганида кўзлари билан қараб қилган ҳар бир гуноҳи таҳорат суви билан ёки сувнинг охириги томчиси билан (ёки шунга ўхшаш таъбир қўлладилар) юзидан ювилиб тушади; кўлларини юваётганида кўллари билан содир қилган ҳар бир гуноҳи сув ёки сувнинг сўнгги қатраси билан кўлларида тўкилади ва шундай қилиб, банда гуноҳларидан покланиб чиқади».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу ҳадисни Молик Сухайлдан, унинг отасидан, Абу Ҳурайрадан ривоят қилган. Абу Солиҳ Сухайлнинг отасидир, Абу Солиҳ Ас-Саммон деб танилган бу зот-

нинг исми — **Заквон**. Абу Ҳурайранинг исми масаласида эса ихтилоф қилинди. Баъзилар «**Абдушамс**» деб айтишди. Кимдир, «**Абдуллоҳ ибн Амр**», деб айтади. Хуллас, Муҳаммад ибн Исмоил (Ал-Бухорий), «**Энг тўғриси шу!**» дейди. (Яъни, Абу Ҳурайранинг исми борасида турли хил нақллар зикр қилинган бўлиб, **Абдуллоҳ ибн Амр** эканлигига ишорат қилинган).

Бу бобда Усмон ибн Аффон, Савбон, Ас-Сунобиҳий, Амр ибн Абаса, Салмон ва Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоху анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Ас-Сунобиҳий Абу Бакр Сиддикдан ривоят қилган, аммо Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан эшитган эмас. Асли исми — **Абдуррахмон ибн Усайла**, кунyasi Абу Абдуллоҳ бўлган Ас-Сунобиҳий Пайғамбаримиз саллalloҳу алайҳи ва салламни кўрмоқ учун йўлга чиққан эди, у ҳали йўлда эканлигида Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам вафот этдилар. У киши Пайғамбаримиз саллalloҳу алайҳи ва салламдан турли ҳадислар ривоят қилган².

Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлган Ас-Сунобиҳ ибн Ал-Аъсар Ал-Аҳмасий ҳам **Ас-Сунобиҳий** деб юритилади. Унинг ҳадиси эса мана бундай: *«Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, айтдиларки: «Мен бошқа умматларга нисбатан сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман. Бинобарин, мендан кейин бир-бирларингизга қарши уруш қилиб кетмангизлар!»*³

²Суютий ибн Абдилбаррдан нақл этиб, бундай дейди: Сунобиҳийнинг Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадислари борасида Ибн Моиндан сўралди, у бундай жавоб қилди: «Бу ҳадислар **мурсалдир**. Сунобиҳий саҳоба эмас, аммо тобиъийларнинг энг олдингиларидандир».

³Бу ҳадисни Имом Аҳмад «Муснад» китобида 4/351 рақам билан ва Ибн Можа «Сунан» китобида (2/240-241) рақами билан ривоят қилишган.

3-БОБ МАВЗУ: НАМОЗНИНГ КАЛИТИ ТАҲОРАТДИР

۳ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ ؛ وَهَنَّادٌ ، وَتَمِيمُ بْنُ غَيْلَانَ ، قَالُوا : حَدَّثَنَا
وَكَيْعٌ ، عَنْ سَعْيَانَ ، ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ
ابْنُ مَهْدِيٍّ ، حَدَّثَنَا سَعْيَانُ ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ عَقِيلٍ ، عَنْ
مُحَمَّدِ بْنِ الْخَلَيْفَةِ ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : **مِفْتَاحُ
الصَّلَاةِ الطُّهُورُ ، وَتَحْرِيمُهَا التَّكْبِيرُ ، وَتَحْلِيلُهَا التَّسْلِيمُ .**

3.Али (каромаллоҳу ваҳҳаҳу)дан ривоят қилинди: *Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* «Намознинг калити – таҳорат, таҳрими — такбир, таҳлили эса саломдир»⁴.

Бу ҳадис ушбу бобда ворид бўлган ҳадисларнинг энг саҳиҳи ва энг ҳасанидир.

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Оқил тўғрилиги билан таъилган киши бўлса-да, айрим муҳаддислар унинг хотирасини танқид қилишган. Муҳаммад ибн Исмоилдан⁵ эшитдим, айтдики: «Аҳмад ибн Ханбал, Исҳоқ ибн Иброҳим ва Ал-Хумайдий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Оқилнинг ҳадисини ҳужжат сифатида қабул қилар эдилар». Муҳаммад ҳадис бобида унинг ўрта мартабада эканини қайд этади.

Бу бобда Жобир ва Абу Саъиддан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

⁴Яъни намоз уйининг калити – таҳорат, эшиги таҳорат билан очилади, ифтиҳо такбири (такбири таҳрима) билан ичкарига киради ва салом беришлик билан намоздан чиқилади.

⁵Имом Ал-Бухорий назарда тутилган.

ع — حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ : مُحَمَّدُ بْنُ زَنْجَبُورٍ الْبَمْدَادِيُّ ، وَعَبْرُ وَاحِدٍ
 قَالَ : حَدَّثَنَا الْحُسَيْنُ بْنُ مُحَمَّدٍ ، حَدَّثَنَا سَلِيحُ بْنُ قَرْمٍ ، عَنْ أَبِي بَحْصِي
 الْقَتَاتِ ، عَنْ مُجَاهِدٍ ، عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :
 قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « مِفْتَاحُ الصَّلَاةِ الْوُضُوءُ » .

4.Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: у деди: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «(Жаннатнинг калити – намоз). Намознинг калити — таҳоратдир».

4-БОБ

МАВЗУ: ҲОЖАТҲОНАГА КИРИШДА ҲИЛЛАДИГАН ДУО

ع — حَدَّثَنَا قُنَيْبَةُ وَهَنَّادٌ ، قَالَ : حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ ، عَنْ شُعْبَةَ ، عَنْ
 عَبْدِ الرَّزِيزِ بْنِ صُهَيْبٍ ، عَنْ مَالِكٍ ، قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
 إِذَا دَخَلَ أَتْلَاءً ،
 قَالَ : اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ - قَالَ شُعْبَةُ : وَقَدْ قَالَ مَرَّةً أُخْرَى أَعُوذُ بِكَ -
 مِنَ الْخُبْثِ وَالْخَبِيثِ . أَوْ : الْخُبْثِ وَالْخَبَائِثِ .

5.Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: деди: Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонага кираётиб: « اللهم إني أعوذ بك »⁶, дер эдилар. Шубба айтади: Бир гал эса: « الخبث والخبائث »⁸ ёки « أعوذ بك من الخبث والخبائث »⁷

⁶«Аллоҳим ўзингдан паноҳ тилайман».

⁷«Хобаса ва хобийсдан (ифлос ва тубан нарсалардан) асрамоғингни сўраб, сендан паноҳ тилайман».

⁸«Эркак ва урғочи шайтонлардан». Ал-Хаттобий «Маъолиму-сунан» китобида «Ал хубуси вал хобаиси» иборасини бундай шарҳлайди: «Аслида, араб тилида «хубс» сўзи «ифлос, ёмон ва мурдор нарса», дегани. Бу сифат агар сўз борасида қўлланса,

дедилар.

(Ҳадиснинг маъноси: *Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам* ҳожатхонага кираётиб, «Аллоҳим, ўзингдан паноҳ тилайман!» дедилар. *Шуъба айтди*: Бир дафъа эса «Ифлос ва тубан нарсалардан» ёки «эркак ва урғочи шайтонлардан асрамоғингни сўраб, ўзингдан паноҳ тилайман», дедилар).

Бу бобда Али, Зайд ибн Арқом, Жобир ва ибн Масъуд (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Анаснинг ҳадиси бу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг саҳиҳи ва энг ҳасанидир.

Зайд ибн Арқом ҳадисининг иснодида чалкашлик бор. Ҳишом Ад-Даставоий ва Саъд ибн Абу Аруба, Қатодадан ривоят қилишди. *Саъид*: «Ал-Қосим ибн Афв Аш-Шайбонийдан, Зайд ибн Арқомдан» деган бўлса, *Ҳишом Ад-Даставоий*, «Қатодадан, Зайд ибн Арқомдан» деди. Шуъба ҳамда Маъмар ҳам бу ҳадисни Қатодадан, Ан-Назр ибн Анасдан ривоят қилдилар. *Шуъба*: «Зайд ибн Арқомдан» деган бўлса, *Маъмар* эса: «Ан-Назр ибн Анасдан, унинг отасидан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан» деди. *Бунинг сабаби-ни Муҳаммад (Ал-Бухорий)дан сўрадим*, у: «Қатода ҳар икковидан ҳам ривоят қилган бўлиши эҳтимол», деб жавоб берди.

٦ - أَخْبَرَنَا أَحْمَدُ بْنُ عَبْدِ الصَّمِيِّ البَصْرِيُّ ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ زَيْدٍ ، عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ صُهَيْبٍ ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا دَخَلَ الْبُلْدَ قَالَ : « اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ الْخُبْثِ وَالْخَبَائِثِ » .

сўкиш ва ҳақоратдир, қавмлар, миллатлар ҳақида қўлланса, «кофир» маъносида келади, агар овқат ҳақида бўлса, «ҳаром» маъносида, агар ичкилик ҳақида қўлланса, «зарарли» маъносида келади...

6. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: *Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонага кираётганларида:*

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخُبْثِ وَالْخُبَائِثِ» («Аллоҳим, ёмон нарса ва ёмон ишлардан асрамоғингни сўраб, ўзингдан паноҳ тилайман!»)⁹ дер эдилар.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

5-БОБ

МАВЗУ: ҲОЖАТХОНАДАН ЧИҚҚАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

۷ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ إِسْمَاعِيلَ ، حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ إِسْمَاعِيلَ ، عَنْ
إِسْرَائِيلَ بْنِ يُونُسَ ، عَنْ يُونُسَ بْنِ أَبِي بُرْدَةَ ؛ عَنْ أَبِيهِ ، عَنْ
عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : « كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا خَرَجَ
مِنَ الْخَلَاءِ قَالَ : غُفْرَانِكَ » .

7. Оиша онамиз (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар: *«Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонадан чиққанларида «غفرانك»¹⁰ («Ўзингдан авф тилайман») дер эдилар.*

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Буни фақатгина Исроил, Юсуф ибн Абу Бурдадан ривоят қилгани бизга маълум. Абу Бурда ибн Абу Му-

⁹Аҳмад (ибн Ханбал), Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Ан-Насоий ва ибн Можа ҳам бу ҳадисни ривоят қилганлар.

¹⁰«Ўзинг авф эт», «Авф этмоғингни сўраб, ўзинга юкинаман» маъносида бўлиб, Аҳмад, Абу Довуд, ибн Можа ва Абу Дарамий ҳам бу ҳадисни ривоят қилишган, шунингдек, бу ҳадис ибн Ҳаббон, ибн Ҳузайма, Ибнул-Жоруд ва Ал-Ҳоким томонидан таҳриж қилинган. Абу Ҳатим, саҳиҳ эканини қайд этади. Ан-Нававий «Шарҳ ул-муҳаззаб» китобида «Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳдир», дейди. Ғариб эканига сабаб эса, Юсуф ибн Абу-Бурдадан буни фақат Исроил ривоят қилган. Лекин Исроил сиқа (ишонарли) киши ва хужжатдир. (Аҳмад Муҳаммад Шокир).

сонинг номи Омир ибн Абдуллоҳ ибн Қайс Ал-Ашъарийдир.

Бу бобда Оиша онамиз розияллоҳу анҳо Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган шу ҳадисдан бошқа ҳадисни билмаймиз.

6-БОБ

МАВЗУ: КАТТА ЁКИ КИЧИК ҚАЗОИ ҲОЖАТ ҚИЛГАНДА ҚИБЛАГА ҚАРАБ ЎТИРМАСЛИК

А — حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْخَزْرَجِيُّ ، حَدَّثَنَا سُمَيَّانُ بْنُ عَيْيَنَةَ ، عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَزِيدَ الْأَنْبِيِّ ، عَنْ أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ ، قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « إِذَا أَتَيْتُمُ الْمَاطِطَ فَلَا تَسْتَقْبِلُوا الْقِبْلَةَ بِغَائِطٍ وَلَا بَوْلٍ وَلَا تَسْتَدِيرُوهَا ، وَلَكِنْ شَرُّوْا أَوْ عَرَّبُوا فَقَالَ أَبُو أَيُّوبَ : فَقَدِمْنَا الشَّامَ فَوَجَدْنَا مَرَّاحِيضَ قَدْ مِينَتْ مُسْتَقْبِلَ الْقِبْلَةِ : فَتَنَحَّرَفْنَا عَنْهَا وَاسْتَغْفِرُ اللَّهُ . »

8.Абу Аййуб Ал-Ансорий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у деди: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳожатга борганингизда, хоҳ катта, хоҳ кичик қазои ҳожат қилсангизлар, қиблага қараб ўтирмангизлар, қиблага орқа ҳам ўтирмангизлар. Лекин кунчиқарга ёки кунботарга қараб ёки орқа қилиб ўтирингизлар!»¹¹ Абу Аййуб айтадики: «Шом (шаҳри)га келганимизда, (айрим) ҳожатхоналарнинг қиблага қаратиб қурилганини кўрдик. Бу ҳожатхоналарга кирганимизда (имкон қадар) қибладан бурилиб ўтирардик ва чикқач, Аллоҳга истиғфор айтар эдик».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Жазъ аз-

¹¹Бу ҳукм Мадина аҳолиси учун ҳамда қибласи кунчиқар ёки кунботар томонда бўлмаган юртлар учундир.

Зубайдий, Маъкил ибн Абдул Ҳайсам, (уни Маъкил ибн Абу Маъкил ҳам дейишади), Абу Ҳурайра ва Саҳл ибн Ҳунайфдан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Аййубнинг ҳадиси бу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг ҳасани ва энг саҳиҳидир. Абу Аййубнинг исми-Ҳолид ибн Зайд. Аз-Зухрийнинг исми - Муҳаммад ибн Муслим ибн Убайдуллоҳ ибн Шихоб Аз-Зухрий, кунаси эса - Абу Бакр.

Абул Валид Ал-Маккий айтлади: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «**Ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик қазои ҳожат қилсаиғизлар, қиблага қараб ўтирманғизлар, қиблага орқа ҳам ўтирманғизлар**» деган ҳадисларнинг маъноси ҳақида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрийс Аш-Шофиъий, бундай дейди: «**Бу фақат қирларда ва очиқ ерлардадир. Ёпиқ жойларда эса қиблага қараб ўтиришга руҳсат бор**». Исҳоқ ибн Иброҳим ҳам шундай деган.

Аҳмад ибн Ҳанбал бундай дейди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг руҳсатлари, киши катта ёки кичик қазои ҳожат пайтида орқасини қиблага қилиб ўтириши мумкинлигига оиддир. Қиблага қараб ўтириш масаласига келсак, бундай қилмаслик керак. (Бунга руҳсат йўқ). Аҳмад ибн Ҳанбал, на очиқ ерларда, на пана жойларда қиблага қараб ўтирмаслик керак, деган фикрда эканлиги англашилади.

7-БОБ

МАВЗУ: ҚИБЛАГА ҚАРАБ ЎТИРИШГА РУҲСАТ БОРЛИГИ

۹ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، وَمُحَمَّدُ بْنُ الْمُنْذَرِيِّ قَالَا: حَدَّثَنَا وَهْبُ بْنُ جَرِيرٍ، حَدَّثَنَا أَبِي، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَاقَ، عَنْ أَبِي بَانَ بْنِ صَالِحٍ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: «نَعَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ نَسْتَقْبِلَ الْقِبْلَةَ بِبَوْلٍ، فَرَأَيْنَهُ قَبِلَ أَنْ يُقْبَضَ بِعَامٍ يَسْتَقْبِلُهَا»

9. *Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни кичик қазои ҳожат қилганда қиблага қараб ўтиришдан қайтарган эдилар. Вафотларидан бир йил олдин ўзларининг қиблага қараб ўтирганларига кўзим тушди»*¹².

Бу бобда Абу Қатода, Оиша онамиз, Аммор ибн Ёсир (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Жобирнинг бу бобдаги ҳадиси ғариб.

١٠ - وَقَدْ رَوَى هَذَا الْحَدِيثَ ابْنُ لِهَيْمَةَ ، عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ ، عَنْ تَجَارٍ
عَنْ أَبِي قَتَادَةَ : « أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُبُولُ مُسْتَقْبِلَ
الْقِبْلَةِ » . حَدَّثَنَا بِذَلِكَ قُتَيْبَةُ قَالَ : أَخْبَرَنَا ابْنُ لِهَيْمَةَ

10. Ушбу ҳадисни Ибн-ул-Лаҳийъа Абуз-Зубайрдан, Жобирдан, Абу Қатодадан ривоят қилиб, «У(Абу Қатода) Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қиблага қараб бавл (пешоб) қилаётганларини кўрди», дейди. Қутайба бу ҳадисни бизга нақл этиб,

¹²Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Довуд, Ибн Можа, Ал-Баззор, Ибн-ул-Жоруд, Ибн Ҳузайма, Ибн Ҳаббон, Ал-Ҳоким ва Ад-Дорукутний ҳам бу ҳадисни таҳриж қилганлар. Ал-Баззор «ҳасан» эканини ва Ибнус Сақан эса «саҳиҳ» эканини қайд этишган. Очик ва ёпиқ жойларда қиблага қараб ўтириш ёки орқа қилиш жоиз эканини айтган кишилар шу ҳадис билан сўзларини далиллайдилар. Ва буни манъ этган ҳадисларни насх қилишини (бекор қилишини) уқтирадилар. Ҳофиз ибн Ҳажар эса «Ат-талхис» асарида бундай дейди: Бу ҳадис билан истидлол (далил-исбот) қилиш изохталаб масаладир. Чунки, бу ҳаммага тегишли бўлмаган бир феълни нақл этади. Балки бу феъл бирор узрга ёки мақбул бир сабабга асослангандир». Қози Аш-Шавқоний ҳам «Ан-наил» асарида бундай дейди: «Усул илмида (Усули динда) собит ва муқаррар бўлганки, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг феъли бизга тегишли бўлган сўзларига муориз (қарши) эмас, яъни Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни, кичик ёки катта қазои ҳожат қилганда қиблага қараб ўтиришдан ёки орқа қилиб ўтиришдан қайтарганлар. Бу қайтарув барчамиз учун жорий бўлган».

«Бизга буни Ибн-ул-Лаҳийъа хабар қилди», деди.

Жарирнинг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадиси Ибнул-Лаҳийъа айтган ҳадисдан кўра саҳиҳроқ.

Ибнул-Лаҳийъа муҳаддислар назарида заифдир. Яҳё ибн Саъид Ал-Қаттон ва яна бошқалар унинг хотира жиҳатидан заиф эканини қайд этганлар.

۱۱ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ سُلَيْمَانَ ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ
عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ بَحْتِ بْنِ حَبَّانَ ، عَنْ عَمِّهِ وَاسِعِ بْنِ حَبَّانَ ، عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ :
« رَأَيْتُ بَوْمًا عَلَى بَيْتِ حَفْصَةَ ، فَرَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى حَاجَتِهِ
مُنْتَقِبِلِ الشَّامِ مُنْتَدِرًا الْكُفْبَرِ »

11.(Абдуллоҳ) Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Бир куни Ҳафса (опам)нинг уйи томига бир юмуш билан чиққан эдим, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам юзлари Шом (шаҳри)га ва орқалари Каъбага қараган ҳолда қазои ҳожат қилаётганларига кўзим тушди»¹³

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

8-БОБ

МАВЗУ: ТИККА ТУРИБ КИЧИК ҚАЗОИ ҲОЖАТ ҚИЛМАСЛИК

۱۲ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ ، أَخْبَرَنَا شَرِيكٌ عَنِ الْمِقْدَامِ بْنِ شَرِيحٍ ،
عَنْ أَبِيهِ ، عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ : « مَنْ حَدَّثَكُمْ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
كَانَ يَبُولُ قَائِمًا فَلَا تُصَدِّقُوهُ . مَا كَانَ يَبُولُ إِلَّا قَاعِدًا »

12.Оиша (розияллоҳу анҳо онамиз)дан ривоят

¹³Аҳмад (ибн Ханбал), Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Ан-Насойй ва ибн Можа ҳам бу ҳадисни ривоят қилишган. Ҳаммалари Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилганлар. Абдуллоҳ Ҳафза онамизнинг укасидир. Бу ҳадиснинг шарҳи учун 12-изоҳга қаранг.

қилинди; айтдилар: «**Кимки сизларга, Набий саллаллоху алайҳи ва саллам тикка туриб пешоб қилдилар, деса, унга ишонманглр. У киши фақат ўтириб бавл қилар эдилар**»¹⁴

Бу бобда (Ҳазрати) Умар, Бурайда ва Абдурахмон ибн Ҳасан (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Оиша (онамиз)нинг ҳадиси бу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг ҳасани ва энг саҳиҳидир.¹⁵

(Ҳазрати) Умарнинг ҳадиси эса фақатгина Абдулкарим ибн Абдул-Маҳорикнинг Нофиъдан, Ибн Умардан, Умардан қилган ривояти тариқасида келган. Ҳадис ушбudir: «**Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам менинг тик туриб пешоб қилмаётганимни кўрдилар ва: «Ё Умар! Тик туриб бавл қилма!»** – дедилар. Шундан сўнг бирор марта ҳам тикка туриб пешоб қилмадим».

Бу ҳадисни танҳо Абдулкарим ибн Абдул-Маҳорик Умарга қолдирган бўлиб, у муҳаддислар наздида заифдир. Аййуб Ас-Саҳтиёний унинг заиф эканини қайд этиб, танқид қилган.

Убайдуллоҳ, Нофиъдан, Ибн Умардан ривоят қилган, у айтадики, «*Умар (розияллоху анҳу): «Мусулмон бўлганимдан бери тик туриб пешоб қилмадим»*¹⁶ деди». Бу ҳадис Абдулкаримнинг ҳадисидан

¹⁴Аҳмад (ибн Ҳанбал), Ан-Насоий ва ибн Можа ҳам бу ҳадисни ривоят қилишган. Бу ҳадис Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг тик туриб пешоб қилмаганларига далилдир. Одати саннийялари ўтириб бавл қилмоқлик эди. Аммо Оиша (розияллоху анҳо) онамизнинг бу сўзи кейинги бобда келгани учун, тик туриб бавл қилганларини исбот этганларнинг сўзларини рад этмайди.

¹⁵Термизий, «Оишанинг ҳадиси бу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг ҳасани ва саҳиҳи» деганда, бу ҳадиснинг энг оз заиф эканини ва ушбу бобдаги бошқа ҳадислардан устун эканини билдиришни қасд этган. (Муборақфурий)

¹⁶Бу сўзни Ал-Ҳайсамий «**Мажмаъ-уз-завоид**» китобида (1/206) нақл этган ва уни Ал-Баззорга нисбат берган. Ровийларнинг ишончли кишилар эканлиги алоҳида таъкидланган.

кўра саҳиҳроқ. Бурайданинг бу бобдаги ҳадиси эса махфуз эмас.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тикка туриб пешоб қилишни ман этганлари таъдиб (адаб) учундир, таҳрим (ҳаром қилиш) учун эмас. Чунончи, Абдуллоҳ ибн Масъуддан мана бундай деганлари ривоят қилинган: «Одобга зид бўлган ҳаракатлардан бири тик туриб пешоб қилмоқликдир».

9-БОБ

МАВЗУ: ТИК ТУРИБ КИЧИК ҚАЗОИ ХОЖАТ ҚИЛИШ РУХСАТИ

۱۳ - حَدَّثَنَا هَنَّادٌ ، حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ ، عَنِ الْأَعْمَشِ ، عَنْ أَبِي وَائِلٍ ،
عَنْ حُذَيْفَةَ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَى سُبُاطَةَ قَوْمٍ قَبَالَ عَنِهَا قَائِمًا ،
فَأَتَيْتَهُ بِوَضْرِهِ ، فَذَهَبَتْ لِأَتَاخِرَ عَنْهُ ، فَذَعَا بِي حَتَّى كُنْتُ عِنْدَ عَقِبَتِهِ فَنَوَّضًا
وَمَسَحَ عَلَيَّ خَفِيئِهِ . »

13.Хузайфа (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қавмнинг супуриндилар ташланадиган жойига келиб қолдиларда, тик туриб пешоб қилдилар. У кишига таҳорат суви келтирдим. Четланиш учун орқамга қайтиб кетаётган эдим, мени (ёнларига) чақирдилар. (У кишига) шу қадар яқинлашдимки, худди товонларининг ёнида эдим. Таҳорат қилдилар ва маҳсилари устига масҳ тортдилар»¹⁷.

¹⁷Бу ҳадисни аини пайтда Аҳмад (ибн Ҳанбал), Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Ан-Насойй ва Ибн Можа ривоят қилишган. Айримлари тик туриб бавл қилиш жоизлигини, Оиша онамининг ҳадиси билан мансух (бекор) бўлган деб даъво қилишади. Оиша онамиз ҳадиси саккизинчи бобда ўтди. Ҳофиз ибн Ҳажар «Ал-фатҳ» китобида бундай дейди: «Аслида мансух эмас, Оишанинг ҳадиси эса унинг ўз билимига (патоҳидлигига) таянган. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўтириб бавл қилганлари уйларидаги ҳожатхоналарга тегишли. Уйларида ташқарида эса Оиша

(Илова: Бу супуринди хас-чўплари ташланадиган жой бир деворнинг орқасида эди. Ҳузайфа (розияллоху анху) у кишини пана қилиб турганлар. Утиришга жой топилмаган пайтда тик туриб пешоб қилиш жоиз, дейилади).

Ал-Жоруддан эшитдим; айтдики, Вакиъ бу ҳадисни Ал-Аъмашдан ривоят қилганини ва кейин бундай деганини эшитдим: «Бу ҳадис Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан масъ тортиш борасида нақл қилинган энг саҳиҳ ҳадисдир».

Абу Аммор Ҳусайн ибн Ҳурайсдан ҳам эшитдим: у ҳам «Вакиъдан эшитдим», деди ва деярли худди шу нарсани зикр қилди.

Мансур ҳамда Абу Убайда Ад-Даббий бу ҳадисни Абу Воил орқали Ҳузайфадан, худди Ал-Аъмашнинг ривоятидек, ривоят қилишди. Ҳаммод ибн Абу Сулаймон ҳамда Осим ибн Ваҳдала эса бу ҳадисни Абу Воилдан, Ал-Муғийра ибн Шуъбадан, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилдилар. Абу Воилнинг Ҳузайфадан қилган ривояти янада саҳиҳроқ.

Илм аҳлидан айримлари тик туриб пешоб қилишга рухсат берганлар.

Иброҳим Ан-Нахойй (ҳадисни) Убайда ибн Амр Ас-Салмонийдан ривоят қилганки, бу киши тобеъиннинг энг олдингиларидандир. Убайдадан бундай деб нақл этгани ривоят қилинади: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг вафотларидан икки йил олдин мусулмон бўлдим». Иброҳимнинг биродари бўлган Убайда Ад-Даббийнинг исми - Убайда ибн Муаттиб Ад-Даббий, куняси эса – Абу Абдулкарим.

онамиз Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳолатларига гувоҳ эмаслар. Кейин бу ҳадисни Ҳузайфа ривоят қилганки, у саҳобаларнинг олдингиларидандир.

10-БОБ

МАВЗУ: ҚАЗОИ ҲОЖАТ ВАҚТИДА САТР
ҚИЛИШ (АВРАТНИ ТЎСИШ)

١٤ — حَدَّثَنَا قَتِيبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ السَّلَامِ بْنُ حَرْبٍ اللَّائِيُّ ،
عَنِ الْأَعْمَشِ ، عَنْ أَنَسٍ ، قَالَ : « كَانَتِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَرَادَ
الْحَاجَةَ لَمْ يَرْفَعْ ثَوْبَهُ حَتَّى يَدْنُو مِنَ الْأَرْضِ » .

14. Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;
айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам қазои
ҳожат қилмоқчи бўлганларида чўккаламасдан олдин
этакларини юқори кўтармас эдилар».

Муҳаммад ибн Рабиъа бу ҳадисни Ал-Аъмашдан,
Анасан шу тарзда ривоят қилган. Вакиъ билан Абу
Яҳё Ал-Ҳиммоний бу ҳадисни Ал-Аъмашдан, *Ибн
Умардан ривоят қиладилар: Ибн Умар дедики,*
«Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қазои ҳожат
қилмоқчи бўлганларида ерга чўккаламасдан этаклари-
ни юқори кўтармас эдилар».

Ҳар иккала ҳадис ҳам мурсалдир. Ал-Аъмаш на
Анасан, на Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам-
нинг бошқа саҳобаларидан эшитган, ҳеч биридан эшит-
маганлиги айтилди. Ҳолбуки, Анас ибн Моликни (Ал-
Аъмаш) кўрган. «Уни намоз ўқиётганида кўрдим» дей-
ди ва намоз борасида ундан бир воқеани нақл этади.
Ал-Аъмашнинг исми-Абу Муҳаммад Сулаймон ибн
Михрон Ал-Коҳилий. *Ўзи Ал-Коҳилийларнинг мавлоси
(яъни озод этилган қулидир)*¹⁸. *Отаси ҳақида бундай
дейди: «Отам бир асранди (қарамоғдаги) киши эди.
Масрук уни ўзига меросхўр қилди».*

¹⁸Шайх Муборакфурий, «маvlo» сўзи кўпинча, қул маъносида
келишини айтган. Баъзилар, бу сўзни ахдлашув, шартнома, итти-
фокдош маъносида қўллаган.

11-БОБ

**МАВЗУ: ЁНГ ҚЎЛ БИЛАН ИСТИНЖО
ҚИЛИШ (АРТИБ, ПОКЛАНИШ)
КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ**

١٥ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي عُمَرَ الْمَسْكِيُّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ مَعْمَرٍ
عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي قَتَادَةَ، عَنْ أَبِيهِ: «أَنَّ النَّبِيَّ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يَمْسَ الرَّجُلُ ذَا كَرَاهٍ بِبَيْتِهِ».

**15.Абу Қатодадан ривоят қилинди: «Набий сал-
лаллоху алайҳи ва саллам кишининг ўнг қўл билан за-
карни ушламоғини манъ этдилар»¹⁹.**

Бу бобда Оиша, Салмон, Абу Хурайра ва Саҳл ибн Хунайф (розияллоху анхум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган. Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Абу Қатода Ал-Ансорийнинг исми Ал-Ҳорис ибн Робийъ.

Барча илм аҳли наздида амал шу ҳадис асосида-
дир. Ёнг қўл билан истинжо қилишни макруҳ деб топ-
ганлар.

¹⁹Бу ҳадисда (закарни ўнг қўл билан ушлашни) маън этиш катъиян ворид бўлган. Бухорий билан Муслимда эса пешоб қилиш ҳолати билан боғланган. Толқ ибн Али, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан жинсий аъзоларга қўл теккизиш ҳукмини сўраганида, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: «У сенинг бир парчангдир, холос», деганлар, демак, бу ҳадис закарга қўл теккизиш жоиз эканлигига далолат қилади. Ҳолбуки, Абу Қатодадан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда пешоб қилиш ҳолати кўзда тутилган. Бошқа ҳолатларда (закарга қўл теккизиш) мубоҳ бўлади.

12-БОБ

МАВЗУ: ТОШ БИЛАН ИСТИНЖО ҚИЛИШ
(ПОКЛАНИШ)

١٦ — حَدَّثَنَا هُنَادٌ ، حَدَّثَنَا أَبُو سَأْوِيَةَ ، عَنِ الْأَعْمَشِيِّ ، عَنِ
 إِبْرَاهِيمَ ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ زَيْدٍ قَالَ : « قِيلَ لِسَلْمَانَ : قَدْ عَلِمْتُمْ نَبِيَّكُمْ
 صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كُلُّ شَيْءٍ ، حَتَّى الْمَرْءُ إِذَا فَقَالَ سَلْمَانُ : أَجَلٌ ، نَهَانَا أَنْ
 نَسْتَقْبِلَ الرِّبْلَةَ بِغَائِطٍ أَوْ بَوْلٍ ، أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِالْبَيْمِينِ ، أَوْ أَنْ يَسْتَنْجِيَ
 أَحَدُنَا بِأَقْلٍ مِنْ ثَلَاثَةِ أَحْبَارٍ ، أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِرَجِيمٍ أَوْ بِعَظْمٍ »

16. Абдуorraҳмон ибн Язиддан ривоят қилинди; де-ди: Салмонга айтилдики, «Сизларнинг Пайғамбарингиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамма нарсани, ҳатто қазои ҳожат қилишни ҳам сизларга ўргатди-я!. Салмон деди: «Балли! (Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларни, катта ёки кичик қазои ҳожат қилганда қиблага қараб ўтиришдан, ўнг қўл билан истинжо қилишдан, учтадан оз тош билан покланишдан, тезак ёки суяк билан артинишдан қайтардилар!».

Бу бобда Оиша, Ҳузайма ибн Собит, Жобир, Ҳаллод ибн Ас-Соиб ва унинг отаси (розияллоҳу аънуҳ)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Салмоннинг бу бобдаги ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан бўлмиш илм аҳлининг ва саҳобаларидан кейин келган уламолардан аксариятининг сўзи ушбудир: Сув билан истинжо қилинмаса ҳам, тош билан қилинган истинжо етарли, деган фикрдадилар. Ҳолбуки, нажаснинг ва сийдикнинг юқини (буткул) кетказиш керак. Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

13-БОБ

МАВЗУ: ИККИТА ТОШ БИЛАН ИСТИНЖО
ҚИЛИШ

۱۷ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ وَتَيْبَةُ ، قَالَا حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ ، عَنْ إِسْرَائِيلَ ، عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ ، عَنْ أَبِي عُبَيْدَةَ ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ ، قَالَ : « خَرَجَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِحَاجَتِهِ ، فَقَالَ : التَّمْسُ لِي ثَلَاثَةٌ أَحْبَابٌ . قَالَ : فَأَتَيْتُهُ بِحَجَرَيْنِ وَرُؤْمَةٍ ، فَأَخَذَ الْحَجَرَيْنِ وَأَلْقَى الرُّؤْمَةَ ، وَقَالَ : إِنَّمَا رَسَسَ » .

17. Абдуллоҳдан ривоят қилинди; айтди: Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам қазои ҳоҷат учун чиққан эдилар, «Менга учта тош топгин», дедилар. У кишига иккита тош ва битта тезак келтирдим. Иккита тошни олиб, тезакни ташладилар ва «Бу нажасдир», дедилар²⁰.

Қайс ибн Ар-Робий бу ҳадисни Абу Исҳоқдан, Абу Убайдадан, Абдуллоҳдан худди шундай тарзда, айнан Исроил ривоятидек ривоят қилган. Маъмар ва Аммор ибн Рузайқ бу ҳадисни Абу Исҳоқдан, Алқамадан, Абдуллоҳдан ривоят қилдилар. Зухайр эса Абу Исҳоқдан, Абдуррахмон ибн Ал-Асваддан, унинг отаси Ал-Асвад ибн Язиддан, Абдуллоҳдан ривоят қилган. Закарийё ибн Абу Зоида ҳам Абу Исҳоқдан, Абдуррахмон ибн Язиддан, Ал-Асвад ибн Язиддан, Абдуллоҳдан ривоят қилди. Бу, ривоят тарзида чалкашлик бўлган бир ҳадисдир. Амр ибн Мурра айтадики, Абу Убайда ибн Абдуллоҳдан: «Абдуллоҳдан бирон нарса

²⁰Таҳовий бу ҳадисни, учта тошнинг шарт эмаслигига далил қилиб келтиради ва «Агар шарт бўлса эди, учинчисини ҳам топтирар эдилар», дейди. Лекин Таҳовийнинг бу сўзи изохга муҳтож. Чунки Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг учинчи тошни ўзлари олган бўлишлари ёки истинжо қилганда бир тошнинг икки томонини ишлатган бўлишлари эҳтимол, шунда учта тош ишлатган бўладилар. (Муборакфурий)

эслайсанми? деб, сўрасам, «Йўк» деди.

Мен ўзим Абдуллоҳ ибн Абдурахмондан сўрадим: «Бу ҳадисда **Абу Исҳоқдан қилинган ривоятларнинг қайси бири саҳиҳроқ?**» десам, ҳеч қандай ҳукм билдирмади. Буни Муҳаммадан²¹ сўрадим, у ҳам бирор ҳукм билдирмади. У зикр қилинган Зуҳайрнинг Абу Исҳоқдан, Абдурахмон ибн Ал-Асваддан, унинг отасидан, Абдуллоҳдан қилган ривоятни мувофиқроқ кўриб, «**Ал-Жомий**»²² китобига киритган.

Менимча, бу ҳадисдаги энг саҳиҳ ривоят Исроил ва Қайснинг Абу Исҳоқдан, Абу Убайдадан, Абдуллоҳдан қилган ривоятидир. Чунки Исроил Абу Исҳоқнинг ҳадисини уларнинг ҳаммасидан кўра яхшироқ сақлаган ва ёд олган. Қайс ибн Робиъ ҳам бу ривоят борасида унга мутобаат қилган.

Абу Мусо Муҳаммад ибн Ал-Мусаннаъдан эшитдим; дедик: Абдурахмон ибн Маҳдийдан бундай деганини эшитдим: «**Суфён Ас-Саврийнинг Абу Исҳоқдан қилган ривоятдан нимаики бой берган бўлсам, уни Исроилдан олишимга ишонганим учун бой бердим. Чунки, у (бу ҳадисни) жуда мукамал тарзда келтирар эди**».

Зуҳайрнинг Абу Исҳоқдан қилган ривояти унчалик соғлом эмас. Чунки ундан эшитиши охириги кунларда содир бўлган.

Аҳмад ибн Ҳасан Ат-Термизийдан эшитдим, ибн Ханбалнинг бундай деганини ривоят қилди, дейди: «**Бир ҳадисни Зоида ва Зуҳайрдан эшитсанг агар, худди шу ҳадисни бошқалардан эшитмаганинга қайғурма! Фақат Абу Исҳоқдан ривоят қилинган ҳадис мустаснодир**» Абу Исҳоқнинг исми-Амр ибн Абдуллоҳ Ас-Сабиъийн Ал-Ҳамадоний. Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ўгли Абу Убайда отасидан ҳадис эшитмаган ва у куняси

²¹Имом Бухорийни назарда тутганлар.

²²«Саҳиҳи Бухорий» назарда тутилган.

билан танилган бўлиб, исми номаълумдир²³.

14-БОБ

МАВЗУ: ИСТИНЖОДА ФОЙДАЛАНИШ МАКРУҲ БЎЛГАН НАРСАЛАР

۱۸ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا حَفْصُ بْنُ غِيَاثٍ، عَنْ دَاوُدَ بْنِ أَبِي هِنْدٍ،

عَنِ الشَّعْبِيِّ، عَنْ عَلْقَمَةَ، عَنْ عَبَسَدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ، قَالَ: قَالَ

رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَسْتَنْجُوا بِالرُّوثِ وَلَا بِالْعِظَامِ

فَإِنَّهُ زَادَ إِخْوَانَكُمْ مِنَ الْجِنَّ».

18. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: деди: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Тезак ва суюк билан истинжо қилмангизлар. Чунки булар жинлардан бўлган биродарларингизнинг озуқасидир²⁴.

Бу бобда Абу Хурайра, Салмон, Жобир ва Ибн Умар (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган. Бу ҳадисни Исмоил ибн Иброҳим ва бошқалар Довуд ибн Абу Ҳинддан, Аш-Шаъбийдан, Алқамадан, Абдуллоҳдан ривоят қилдилар. «Абдуллоҳ жин кечаси (воқеаси)да Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эди. . . » деган ҳадис тўлиқ зикр этилади. *Аш-Шаъбий айтадики, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Тезак ва суюк билан истинжо қилмангизлар. Чунки, у жинлардан бўлган биродарларингизнинг озуқасидир».* Исмоилнинг ривояти Ҳафс ибн Фиёснинг ривоятидан кўра саҳиҳроқ

²³Исми — Омир, лекин куняси билан таниқлидир. (Муборакфурий)

²⁴Бу ҳадис, тезак ва суюк билан истинжо қилиш жоиз эмаслигига далилдир. Чунки бу икки нарса — жинларнинг таоми: суюк — ўзларининг, ҳайвон чикити эса — ҳайвонларининг таомидир. Ҳофиз Ибн Ҳажар «Ҳайвон чикити жинларнинг ҳайвонларининг чикити экани муқаррардир», дейди.

кўринади»²⁵.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Бу бобда Жобир ва Ибн Умар (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган.

15-БОБ

МАВЗУ: СУВ БИЛАН ИСТИНЖО ҚИЛИШ

۱۹ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَمُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ أَبِي الشَّوَارِبِ
الْبَصْرِيُّ قَالَا : حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ ، عَنْ قَتَادَةَ ، عَنْ مُعَاذَةَ ، عَنْ
عَائِشَةَ قَالَتْ : « مَرُنَ أَرْوَاجِكُمْ أَنْ يَنْتَظِبُوا بِالْمَاءِ ، فَإِنِّي أَسْتَحْيِيهِمْ ،
فَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَفْعَلُهُ » .

19. *Оиша (розияллоху анҳо онамиз)дан ривоят қилинди; дедилар: «Эрларингизга айтингизлар, сув билан истинжо қилишсин: (мен улардан ҳаё қиламан), чунки Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам шундай қилар эдилар».*

Бу бобда Жарир ибн Абдуллох Ал-Важалий, Анас ва Абу Хурайра (розияллоху анхум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.²⁶

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: сув билан истинжо қилишни маъқул кўрганлар. Тош билан қилинган истинжони етарли деб ҳисоблаш билан бирга, сув билан истинжо қилишни мустаҳаб деб билалдилар ва афзалроқ деб ҳисоблайдилар.²⁷

²⁵Икки ривоят орасидаги фарқ шуки, Исмоилнинг ривояти-мақтуъ (санади узилган), Хафснинг ривоят эса – муснад (санади тўлиқ)дир. (Муборакфурий).

²⁶Аҳмад (ибн Ханбал) ва Ан-Насоий бу ҳадисни таҳриж қилганлар.

²⁷Ал-Айний ушбу мавзуда бундай дейди: «Покланишда тошни ҳам, сувни ҳам ишлатиш янада афзалроқ: бутун салаф ва халаф мазҳаблари ва фатво аҳли ана шу хусусда иттифок қилишган: ав-

Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг ҳам сўзи шудир.

16-БОБ

МАВЗУ: РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ҚАЗОИ ҲОЖАТ ҚИЛМОҚЧИ БЎЛСАЛАР, УЗОҚҚА БОРАР ЭДИЛАР

۴۰ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ ، حَدَّثَنَا عَيْدُ الزُّهَابِ السَّقَطِيُّ ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَمْرٍو ، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ ، عَنِ الْمُنِيرَةِ بْنِ شُعْبَةَ قَالَ : « كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ ، فَاتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَاجَتَهُ فَأَبْعَدَ فِي الْمَذْهَبِ »

20.Ал-Мугийра ибн Шубба(розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сафарда бирга эдим. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам узоққа бориб, қазои ҳожат қилдилар».

Бу бобда Абдуррахмон ибн Абу Курод, Абу Қатода, Жобир, Яҳё ибн Убайда, унинг отаси, Абу Мусо, Ибн Аббос ва Билол ибн Ал-Хорис(розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ²⁸.

Яна Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида бундай ривоят қилинган: «У киши худди уй

вал тош билан тозаланиб, кейин сув билан покланади. Шунда кўлига тегадиган нажас озайган ва поклик, тозалик янада мустаҳкамроқ қилинган бўлади. Борди-ю, икковидан биттасини ишлатмоқчи бўлса, сув афзалроқ. Чунки, сув нажосатнинг ҳам ўзини, ҳам юқини кетказди. Тош эса нажосатнинг ўзини кетказиб, юқини кетказмайди.»

²⁸Ал-Дарамий, Абу Довуд, Ан-Насоий ва Ибн Можа бу ҳадисни таҳриж қилганлар. Абу Довуд ҳадиснинг даражасини белгиламаган. Ал-Мунзирий бу ҳадисни Термизий саҳиҳ деб айтганини нақл этади ва тасдиқлайди.

кидираётгандек, қазои ҳожат учун жой қидирар эдилар»²⁹. Абу Саламанинг исми – Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Аз-Зухрий.

17-БОБ

**МАВЗУ: ЮВИНАДИГАН ЖОЙДА ПЕШОБ
ҚИЛИШ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ**

٢١ - حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ ، وَأَحَدُ بْنُ مُحَمَّدٍ بْنِ مُوسَى :
مَرَدَوِيهِ . قَالَ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي بَرْزَةَ ، عَنْ مَعْقِلٍ ، عَنْ أَنَسِ بْنِ
عَبْدِ اللَّهِ عَنِ الْحَسَنِ ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَعْقِلٍ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يُبَوَّلَ الرَّجُلُ فِي مُسْتَحْتَبِهِ .

21.Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан ривоят қилинди:
Набий саллаллоҳ алайҳи ва саллам киши ювинадиган жойда пешоб қилмоғини манъ этдилар ва айтдилар: «Васвасанинг кўпи шундандир»³⁰.

Бу бобда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир саҳобаларидан ҳам ҳадис ривоят қилинган.
Бу ҳадис ғариб³¹.

Уни марфуъ (юксалтирган) ҳадис сифатида танҳо Ашъас ибн Абдуллоҳнинг ривоятидан биламиз, уни **АЪМО** (кўзи ожиз) **Ашъас** дейишади.

Илм аҳлидан баъзилари ювинадиган жойда пешоб қилишни макруҳ деб ҳисоблаганлар ва васвасанинг кўпи шу туфайли бўлади, деб айтганлар. Бировлари эса бунга рухсат берган. Ибн Сийрийн ана шулардан биридир. Унга: «Васвасанинг кўпи ювинадиган жойда сийишдан

²⁹Яъни, кўздан узокроқ бўлиш учун ҳамда кийимларига пешоб сачрамаслиги учун юшокроқ жой қидирар эдилар. (Аҳмад Муҳаммад Шокир).

³⁰Васвасанинг кўпи ювиниш жойида сийишдан чиқади. Чунки ер кирланиб, ювинадиган кишининг қалбига, устимга ифлос «сув сачради, деган васваса тушади (Муборакфурий)

³¹Абу Довуд, Ан-Насоий ва Ибн Можа бу ҳадисни таҳриж қилишган.

келиб чиқади, дейилган», деб айтилганда, у, «Раббим - Аллох, унинг шериги йўқ!» деди.

Ибнул-Муборак айтадики: «Сув оқиб кетадиган бўлса, ювинадиган жойда пешоб қилишга рухсат берилган». Ибнул-Муборакнинг бу сўзини Аҳмад ибн Абда Ал-Амулий Ҳиббондан нақл этиб бизга етказди.

18-БОБ

МАВЗУ: МИСВОК

۲۲ — حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ بْنُ سُلَيْمَانَ ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَمْرٍو ، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « تَوَلَّأَ أَنْ أَشَقَّ عَلَى أُمَّتِي لِأَمْرِهِمْ بِالسَّوَاكِ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ » .

22.Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди, айтди: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Умматимни машаққатга қўйишдан хавотирланмасам эдим: уларга ҳар бир намоз олдидан мисвок ишлатишни буюрган бўлар эдим»³².

Муҳаммад ибн Исҳоқ бу ҳадисни Муҳаммад ибн Иброҳимдан, Абу Саламадан, Зайд ибн Холиддан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиладилар. Абу Саламанинг хоҳ Абу Ҳурайра, хоҳ Зайд

³²Мулла Али Ал-Қорий «Ал-мирқот» китобида «яъни, намоз учун таҳорат олаётганда», дейди. Негаки, Ибн Ҳузайма, Ал-Ҳоким ва Бухорий Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан бир ҳадис ривоят қилишган, унда Расули ақрам саллаллоҳу алайҳи вассалам «Умматимни машаққатга қўймасам эдим, уларга ҳар бир таҳорат олдидан мисвок (ишлатиш)ни буюрган бўлар эдим», деганлар. Аҳмад ибн Ҳанбал ва яна бошқалардан бу хусусни таъкидлаб, ривоятлар қилганлар. Шофийийлар, ҳам намоз олдидан, ҳам таҳорат олдидан, мисвок ишлатишни маъқул кўриб, икки ҳадиснинг ҳукмини (жамлаб) тутишган. Аммо мисвок ишлатишнинг мустаҳаб эканлиги белгили бир вақтга ва сабабга боғлиқ эмас. Фақат айрим сабаблар эътибори билан, масалан, овқатдан кейин ёки уйқудан турганда мустаҳаблиги қатъий бўлади.

Ибн Холид орқали бўлсин, Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳу ва саллам)дан қилган ривояти менинг назаримда саҳиҳдир. Чунки, бу ҳадис Абу Хурайрадан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан турли ваҳҳлардан ривоят қилинган. Абу Хурайранинг ҳадиси саҳиҳ эканлиги ана шу мутааддид ваҳҳлардан ривоят қилингани туфайлидир.

Муҳаммад Ибн Исмоил³³ эса Абу Саламанинг Зайд ибн Холиддан қилган ривоятини янада саҳиҳроқ деб ҳисоблайди.

Бу бобда Абу Бакр Сиддиқ, Али, Оиша, Ибн Аббос, Хузайфа, Зайд ибн Холид, Анас, Абдуллоҳ ибн Амр, Ибн Умар, Умму Ҳабиба, Абу Умома, Абу Аййуб, Таммом ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Ҳанзала, Умму Салама, Васида ибн Ал-Асқо ва Абу Мусо (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

۲۳ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا عَبْدَةُ بْنُ سُلَيْمَانَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَاقَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ عَنْ أَبِي سَلَمَةَ عَنْ زَيْدِ بْنِ خَالِدِ الْجَمْعِيِّ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «لَوْلَا أَنْ أُشْرِقَ عَلَى أُمَّيْ لِأَمْرِهِمْ بِالسُّوَالِكِ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ، وَلَا أُخْرِتُ صَلَاةَ الْعِشَاءِ إِلَى ثُلُثِ اللَّيْلِ. قَالَ: فَكَانَ زَيْدُ ابْنِ خَالِدٍ يَشْهَدُ الصَّلَاةَ فِي الْمَسْجِدِ وَسِوَاكَ عَلَى أَدْنَى مَوْضِعِ الْقَلْبِ مِنْ أَدْنِ الْكَاتِبِ، لَا يَقُومُ إِلَى الصَّلَاةِ إِلَّا اسْتَنْتَنَ ثُمَّ رَدَّ إِلَى مَوْضِعِهِ».

23. Зайд ибн Холид Ал-Жуханийдан ривоят қилинди; деди: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, айтдиларки: «Умматимни машаққатга қўйишдан хавотирланмасам эдим³⁴, уларга

³³Имом Бухорийни кўзда тутган.

³⁴«Машаққатга қўйишдан хавотирланмасам эдим, мисвокни фарз қилар эдим», маъносидадир. Қози Абу Бакр ибн Ал-Арабий «Аризат-ул-ахвзий» номли Термизийнинг шарҳидан иборат китобида бундай дейди: «мисвок масаласида уламолар орасида ихтилоф

ҳар бир намоз олдидан мисвок ишлатишни буюрган³⁵ ва хуфтон намозини кечанинг учдан бирига таъхир этган (кечиктирган) бўлар эдим».

Абу Салама деди: «Зайд ибн Холид, худди котиб қаламини қулоғига қистиргандек, мисвокни қулоғининг устига қистирган ҳолда масжидда жамоат намозларига қатнашар, мисвокни ишлатмасдан намозга турмас, кейин мисвокланиб, яна уни жойига қистириб қўяр эди».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

19-БОБ

МАВЗУ: УЙҚУДАН ТУРГАН КИШИ ҚЎЛИНИ ЮВМАСДАН ТУРИБ ИДИШГА БОТИРМАСИН

٢٤ - حَدَّثَنَا أَبُو الْوَلِيدِ أَحْمَدُ بْنُ بَكَّارٍ الدَّمَشْقِيُّ: يُقَالُ: هُوَ مِنْ وَتَدٍ
بِئْسَ بِنِ أَرْطَاءَ صَاحِبِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَدَّثَنَا الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ عَنِ
الْأَوْزَاعِيِّ عَنِ الرَّهْرِيِّ عَنِ سَمِيدِ بْنِ الْمُسَبِّبِ
رَأَى سَلَمَةَ عَنِ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: « إِذَا اسْتَيْمَقَ
أَحَدُكُمْ مِنَ اللَّيْلِ فَلَا يَدْخُلُ يَدُهُ فِي الْإِنَاءِ حَتَّى يُغْرِغَ عَلَيْهَا مَرَّتَيْنِ أَوْ
ثَلَاثًا ، فَإِنَّهُ لَا يَذْرَى أَنْ يَأْتَتْ يَدُهُ » .

қилинди. Исҳоқ, мисвокнинг вожиб эканлигини ва кимки мисвок ишлатишни қасдан тарк этса, намозни қайта ўқиши лозим бўлади, деган фикрни илгари сурди, Шофийий мисвок ишлатиш таҳоратнинг суннатларидан, деди. Молик эса оғиз ўзгарган бир ҳолатда мисвок ишлатиш мустаҳаб эканини айтди. Энди, ҳадиснинг зоҳири (ташқи маъноси) мисвок вожиб деган сўз ботил (бекор), деган мазмундадир. Суннат ёки мустаҳаб эканлиги эса ҳар кимга маълум гап. Суннат эканлиги қувватлироқ.

³⁵Хуфтон намозини таъхир этиш (кечроққа суриш) масаласи намоз бобларида баён этилади.

24. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки, «Агар сизлардан бирор киши тунги уйқудан³⁶ уйғонса, қўлини икки марта ёки уч марта сув тўкиб ювмасдан туриб сув идишига ботирмасин, чунки у қўли қаерда тунаганини билмайди»³⁷.

Бу бобда Ибн Умар, Жобир ва Оиша (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Шофиъий айтадики, «Хоҳ кундузги уйқу бўлсин, хоҳ бошқа уйқу бўлсин, уйқудан турган ҳар бир киши қўлини ювмасдан таҳорат сувига ботирмаслигини хуш кўраман, мабодо, ювмасдан олдин ботирса, буни унинг учун қариқ деб ҳисоблайман»... Ҳолбуки, қўлни ботириш, агар қўлида нажосат бўлмаса, сувни бузмайди.

Аҳмад ибн Ҳанбал айтадики, «Тунги уйқудан турганда қўлини ювмасдан олдин таҳорат сувига ботирса, ўша сувни тўкиб ташлагани маъқулроқ деб ҳисоблайман».

Исҳоқ эса бундай дейди: «Тунги ёки кундузги уйқудан уйғонганида қўлини ювмасдан туриб таҳорат сувига ботирмасин».

³⁶Термизий ва Ибн Можа ривоятларида шундай («Тунги уйқудан») деб келган. Бухорий ва Муслимда: «Бирортангиз уйқудан уйғонсангиз» дейилиб, «тунги» деб зикр қилинмаган.

³⁷Ан-Нававий, Имоми Шофиъийдан ва бошқа имомлардан нақл этиб, бундай дейди: «Ҳижоз халқи тош билан покланар эди. Иссиқ иқлимда яшаганлари учун, ухлаганларида терлаб кетишар ва қўллари нажосат жойларига теккан-тегмаганини билиб бўлмас эди». Турбаштий, бу ҳадис тош билан покланганлар ва қўллари нажосат жойларида кезиши мумкин бўлган аҳволда ухлаганлар ҳақида эканлигини айтади. Кўпчиликнинг фикрига кўра, бу ўринда ворид бўлган наҳй (қайтарув) таҳрим учун эмас, балки танзих (тоза тутиш) учундир.

20-БОБ

МАВЗУ: ТАҲОРАТНИ «БИСМИЛЛОҲ»
БИЛАН БОШЛАМОҚ

٢٥ — حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ الْجَمْهِيُّ، وَبِشْرُ بْنُ مُعَاذِ الْقَعْدِيِّ، قَالَا حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ الْمُفَضَّلِ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ حَرَمَةَ عَنْ أَبِي نِفَالِ الرَّمِيِّ عَنْ رَبِيعِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي سُفْيَانَ بْنِ حَوْثَابِ بْنِ حَدَنَةَ عَنْ أَبِيهَا قَالَتْ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «لَا وَضُوءَ لِمَنْ لَمْ يَذْكُرْ اسْمَ اللَّهِ عَلَيْهِ».

25. Рабоҳ ибн Абдуллаҳмон ибн Абу Суфён ибн Хувайтиб (розияллоҳу анҳу) момоси орқали бобокалонидан (момосининг отасидан)³⁸ ривоят қилади: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, айтдиларки, «Таҳоратда Аллоҳнинг исмини айтмаган («бисмиллоҳ» деб бошламаган) кишининг таҳорати йўқ»³⁹

Бу бобда Оиша, Абу Саъид, Абу Хурайра, Саҳл ибн Саъд ва Анас (розияллоҳу анҳу)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган. Аҳмад ибн Ханбал: «Бу бобда исноди жайид (мустаҳкам) бирор ҳадисни билмайман», деди.

³⁸ Ал- Байҳақий «Сунан» китобида момосининг номи «Асмо» эканини айтган. Ибн Ҳажар, «Ат-талхис» асарида ҳам Байҳақий ва Ҳокимдан нақл этиб, бу хотиннинг исми Асмо деб қайд этган. (Аҳмад Муҳаммад Шокир).

³⁹ Шайх Валиюллоҳ Деҳлавий «Ҳужжатуллоҳил-балиғоҳ» асарида бундай дейди: Бу ҳадис «Бисмиллоҳ»нинг бир рукн ёки шарт эканига далилдир. Буни, таҳоратдан фақат камол сифатини юксалтириш (юқори кўтариш) деб айтиш ҳам мумкин. Аммо мен бундай таъвилни хуш кўрмайман. Чунки, бу лафзга зид келадиган узоқ бир таъвилдир». Бу ҳадисни камолнинг (камол сифатини) нафй этиш (рад этиш, йўқ қилиш) маносида таъвил қилган кимсалар бошқа ҳадислар билан далил-исбот қилишган. Негаки, «Масжидга қўшни бўлган киши учун масжиддан ташқарида намоз йўқ» деган ҳадис камолнинг нафйи маъносида таъвил қилинган.

Исҳок: «Бисмиллоҳ»ни қасдан тарк этса, қайта таҳорат олиш керак бўлади, унутиб ёки таъвилга бориб тарк этса, таҳорати жоиздир (маъқулдир)» дейди. Муҳаммад ибн Исмоил (Бухорий) эса бундай дейди: «Рабоҳ ибн Абдурраҳмоннинг ҳадиси бу бобда ворид бўлган ҳадисларнинг энг яхшисидир».

Рабоҳ ибн Абдурраҳмоннинг бобокалони (момосининг отаси) исми – Саъид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайл, Абу Сифол Ал-Муррийнинг исми эса – Сумома ибн Ҳусайн. Баъзилар бу ҳадисни «Абу Бакр ибн Ҳувайтибдан», деб ривоят қилишган ва уни бобосига мансуб деб айтишган.

٢٦ — حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْخَلَوَانِيُّ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هُرُونَ عَنْ يَزِيدَ بْنِ عِيَّاضٍ عَنْ أَبِي نِصَالٍ الرَّمِّيِّ عَنْ زَبَّاحِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي سُفْيَانَ بْنِ حُوَيْطِبٍ عَنْ جَدِّهِ بِنْتِ سَيْدٍ بْنِ زَيْدٍ عَنْ أَبِيهَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : مِثْلَهُ .

26. Абу Сифол Ал-Мурридан, Рабоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Абу Суфён Ҳувайтибдан, унинг Саъид ибн Зайд қизи бўлмиш момосидан, унинг отасидан, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинди. (Ўтган ҳадиснинг айни ўзи).

21-БОБ

МАВЗУ: МАЗМАЗА ВА ИСТИНШОҚ (ОФИЗ ЧАЙҚАШ ВА БУРУНГА СУВ ОЛИБ ҚОҚИШ)

٢٧ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا سَعَادُ بْنُ زَيْدٍ وَجَرِيرٌ عَنْ مَنْصُورٍ عَنْ هِلَالِ بْنِ يَسَارٍ عَنْ سَلَمَةَ بْنِ قَبْسٍ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « إِذَا تَوَضَّأْتَ فَأَنْتِزِ ، وَإِذَا اسْتَجَمَرْتَ فَأَوْتِرْ » .

27. Салама ибн Қайс (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар таҳорат олсанг, бурнингни (сув олиб) мишир, агар (қазои ҳожат этиб) истинжо қилсанг, кесакни (ёки тошни) тоқ ишлат»⁴⁰ (яъни учта ёки бешта).

Бу бобда Усмон, Лоқут ибн Собира, Ибн Аббос, Ал-Микдам ибн Маъзиқориб, Вобил ибн Хужр ва Абу Хурайра (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Салама ибн Қайснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳли, мазмаза ва истиншоқ (яъни, оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб мишириш) борасида ихтилоф қилишган. Баъзилари, таҳорат қилганда мазмаза ва истиншоқни (оғиз чайқаш ва сув олиб бурун қоқишни) тарк этган ҳолда намоз ўқиса, намозни иода қилади (қайтадан ўқийди), деган ва мазмаза ва истиншоқни (оғиз чайқаш ва сув олиб бурун қоқишни) тарк этган бўлса, хоҳ таҳорат, хоҳ гусл бўлсин, қайтадан қилади, деган фикрга эга бўлишган. Ибн Аби Лайло, Абдуллоҳ ибн Ал-Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир. Аҳмад: истиншоқ (сув олиб бурун қоқиш) — мазмазадан (оғиз чайқашдан) кўра таъкидлироқ, дейди. Илм аҳлидан бир тоифаси бундай дейди: «Таҳоратни қайта олмайди, аммо гуслни қайтадан қилади»⁴¹.

⁴⁰Яъни, учта ёки бешта кесак ёки тош билан поклангин, дейилмоқда. Абу Хурайранинг ривоятида эса ушбу қўшимча ўрин олган. «Тош билан покланган киши тошни тоқ ишлатсин. Кимки шундай қилса, яхши иш қилган бўлади. Қилмаса, зарари йўқ». Бу ҳадисни Аҳмад (ибн Ханбал), Абу Довуд ва Ибн Можа таҳриж қилишган. Ҳофиз Ибн Ҳажар, «Фатҳ-ул-борий» китобида бу қўшимчанинг исноди ҳасан эканини таъкидлаб, Абу Ҳанифа ва Молик шу ривоятни олганларига, тош (кесак) билан покланганда санок эмас, фақатгина тоқ бўлиши мўътабар (муҳим) эканига қоил бўлганларини ишорат қилади.

⁴¹Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ва у кишига эргашганларнинг қавли ҳам шудир. Буларнинг фатвосига кўра мазмаза ва

Суфён Ас-Саврий ва Куфа фақиҳларидан айримларининг қавли шудир. Бир тоифа эса бундай дейди: На таҳоратни, на ғулсни қайтадан қилади, чунки мазмаза (оғиз чайқаш) ва истиншоқ (бурунга сув олиб қоқиш) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатидир, шунинг учун таҳоратда ва ғулда тарк этса, иода (қайтадан қилиш) лозим эмас. Молик ҳамда кейинчалик Шофиъий шу қавлга эга бўлишган.

22-БОБ

МАВЗУ: ОҒИЗ ВА БУРУННИ БИР ҲОВУЧ СУВ БИЛАН ЧАЙҚАШ

۲۸ — حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى حَدَّثَنَا إِزَاهِيمُ بْنُ مُوسَى الرَّازِيُّ حَدَّثَنَا حَالِدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ ثَمْرَةَ بْنِ يَحْيَى عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ قَالَ: «رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَضْمَضًا وَأَسْتَلْشَقَّ مِنْ كَفِّ وَاحِدٍ، فَقَالَ ذَلِكَ ثَلَاثًا» .

28.Абдуллоҳ ибн Зайд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим, оғиз ва бурунларини бир ҳовуч сув билан чайқадилар ва буни уч марта (такрор) қилдилар»⁴².

истиншоқ (оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб қоқиш) таҳоратда – суннат, ғулда бўлса – фарз.

⁴²Яъни, аввал бир ҳовуч сувдан оғзига, бурнига сув олиб, кейин иккинчи ҳовуч сувдан оғзига ва бурнига сув олади, кейин учинчи ҳовуч сувдан оғзига ва бурнига сув олади, шундай қилиб, мазмаза ва истиншоқни биргаликда уч марта қилган бўлади. Баъзи илм кишиларининг ва машҳур қавлга кўра, Шофиъийнинг қавли ана шундай. (Имоми Шофиъий кейинчалик бошқа фикрга келган). Ҳофиз Ибнул-Қаййум «Зодул-маъод» китобида: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннати мазмаза ва истиншоқни бир-бирдан ажратмаслик эди», дейди. Абу Ҳанифа эса, мазмаза ва истиншоқни (оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб қоқишни) бир-бирдан ажратиб, алоҳида-алоҳида қилиши керак, деган хулосада

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоху анҳумо)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абдуллоҳ ибн Зайднинг ҳадиси ҳасан-ғариб. Молик, Ибн Уйайна ва яна бошқалар бу ҳадисни Амр ибн Яҳёдан ривоят қилдилар, лекин «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бир ҳовуч сувдан оғиз ва бурунларига сув олдилар» деган жумлани зикр этишмади. Бу жумлани битта Холид ибн Абдуллоҳ зикр этади. Холид ибн Абдуллоҳ эса муҳаддислар наздида сика (сўзи ишончли) ва ҳофиздир.

Баъзи илм аҳли бундай дейди: «Бир ҳовуч сувдан ҳам оғизга, ҳам бурунга сув олмоқ етарлидир». *Баъзилари эса:* «Мазмаза ва истиншоқни (оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб қоқишни) бир-биридан ажратиб (алоҳида-алоҳида) қилмоқ биз учун севимлироқ», дейдилар. *Шофиъий айтадики,* «Мазмаза ва истиншоқни бир ҳовуч сувдан қилса, бу жоиз. Аммо буларни бир-биридан ажратиб (алоҳида-алоҳида) қилиш, бизнингча, янада мақбулроқ»⁴³.

бўлганлар. Абу Ҳанифа бундай хулоса қилишда айрим ҳадислардаги: «Уч марта оғизларига ва уч марта бурунларига сув олдилар», деган ибораларга асосланганлар. Бир ҳовучдан мазмаза ва истиншоқ қилганларини билдирган ҳадислар, ҳанафий олимларнинг хулосасига кўра таъвил этилмоқда ва буларнинг таъвилида икки хил фикр илгари сурилмоқда: биринчи фикрга кўра, бу ҳадислар шундан далолат берадики, Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам оғиз чайқаш ва бурунга сув олганда икки қўлларини эмас, фақатгина бир қўлларини ишлатганлар, иккинчи фикрга кўра, оғиз чайқаш ва бурунга сув олишни фақат ўнг қўл билангина қилганлар. Ал-Айний, «мазмаза ва истиншоқни бир сув билан қилдилар», деган ривоят бундай таъвилларга мойил эмас, деган фикрни илгари суради. Аммо, бу масалада имомлар ўртасидаги ихтилоф, таъвил жоиз ёки жоиз эмаслиги борасида эмас, балки, афзалият борасидадур. Афзаллик, устунлик борасида Имоми Аъзамнинг хулосаси юқори эканлиги ўз-ўзидан маълум.

⁴³Шофиъийнинг бу масалада икки хил сўзи бор: Биринчиси Абу Ҳанифанинг сўзига мувофиқдирки, Термизий бу ўринда шуни нақл этганлар. Иккинчиси, машҳур бўлган қавлидирки, буни олдинги изоҳда баён этдик.

23-БОБ

**МАВЗУ: СОҚОЛНИ ХИЛОЛ ҚИЛИШ
(ОРАЛАРИГА СУВ ТЕККИЗИШ)**

۲۹ — حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا مُغِيَّانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ عَبْدِ الْكَرِيمِ بْنِ أَبِي الْمُخَارِقِ أَبِي أُمَيَّةَ عَنْ حَسَّانِ بْنِ بِلَالٍ قَالَ : «رَأَيْتُ عَمَّارَ بْنَ بَاسِرٍ تَوَضَّأَ فَخَلَّلَ لِحْيَتَهُ ، فَقِيلَ لَهُ ، أَرَأَيْتَ قَالَ : فَقُلْتُ لَهُ : أَتُخَلِّلُ لِحْيَتَكَ ؟ قَالَ : وَمَا يَمْنَعُنِي ؟ وَلَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُخَلِّلُ لِحْيَتَهُ .»

29. Ҳассон ибн Билолдан ривоят қилинди; айтди: «Аммор ибн Ёсирни кўрдим, таҳорат олди ва соқолини хилол қилди (ораларига сув теккизди). Шунда ундан сўралди ёки мен ундан сўрадим, деди: «Соқолингни хилол қияпсанми? (яъни, ораларига сув теккизяпсанми?)» (Аммор) айтди: «Не монелик бор? Мен, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам соқолларини хилол қилганларини (ораларига сув теккизганларини) ўз кўзим билан кўрганман».

۳۰ — حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا ابْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ صَمِيدِ بْنِ أَبِي عَرُوبَةَ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ حَسَّانِ بْنِ بِلَالٍ عَنْ عَمَّارٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : مَثَلُهُ .

30. Ибн Абу Умардан, Ибн Уйайнадан, Саъид ибн Аби Арубадан, Қатодадан, Ҳассон ибн Билолдан, Аммордан (розияллоҳу анҳум), Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинди. (Ўша ҳадис).

Бу бобда Усмон, Оиша, Умму Салама, Анас, Ибн Аби Авфа ва Абу Аййуб (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган. Исҳоқ ибн Мансурдан эшит-

дим, Аҳмад ибн Ханбалнинг Ибн Уйайнадан нақл этиб, унинг бундай деганини айтди: «Абдулкарим хилолламоқ ҳадисини Ҳассон ибн Билолдан эшитган». Муҳаммад Ибн Исмоил (Ал-Бухорий) айтдики, «Бу бобда ривоят қилинган энг саҳиҳ ҳадис Омир ибн Шақиқнинг Абу Воилдан, Усмондан ривоят қилган ҳадисидир».

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан бўлган илм аҳлининг аксарияти қавли ушбудир: Соқолнинг орасига сув теккизилиши керак, деб ҳисоблайдилар⁴⁴. Шофиъийнинг ҳам қавли шудир.

Аҳмад: «Соқоли орасига сув теккизишни унутган бўлса, таҳорати жоиз» (яъни таҳоратли), дейди. Исҳоқ эса бундай дейди: «Унутиб ёки таъвил қилиб тарк этса, таҳорати жоиз, аммо қасдан тарк этса, иода қилади» (қайтадан таҳорат олади).

۳۱ — حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ عَنْ إِسْرَائِيلَ

عَنْ عَامِرِ بْنِ شُعَيْبٍ عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ عُمَانَ بْنِ عَفَّانَ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَحْتَلُُّ إِحْيَاةَهُ . »

31. Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам соқолларини хилол қилар (ораларига сув теккизар) эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

⁴⁴Соқолни хилол қилиш мустаҳаб эканини айтдилар. Соқолни хилол қилиш ҳўл бармоқлари билан соқолларини тараш (орасига киритиш) тарзида бажарилади. Шофиъий, Абу Ҳанифа, Ас-Саврий, Аҳмад ибн Ханбал, Ал-Авзойи, Ал-Лайс ва Исҳоқ ҳамда илм аҳлидан кўпчилиги соқолни хилол қилиш ғуслда фарз, таҳоратда мустаҳаб деган фикрдадилар. Баъзилари ғуслда ҳам, тааҳоратда ҳам фарз, деган фикрга эга бўлишган.

24-БОБ

**МАВЗУ: БОШГА ОЛДИДАН (ПЕШОНАДАН)
БОШЛАБ ОРҚАГА ҚАРАБ
(ЭНСАСИГАЧА) МАСҲ ТОРТМОҚ**

۳۲ — حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مُوسَى الْأَنْصَارِيُّ حَدَّثَنَا مَعْنُ بْنُ عَبَّاسٍ
الْقَزَّازُ حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ عَنْ تَعْرُوبِ بْنِ يَحْيَى عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ
ابن زَيْدٍ « أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَسَحَ رَأْسَهُ يَبْدِيهِ ، فَأَقْبَلَ
بِهَا وَأَدْبَرَ : بَدَأَ بِمُقَدَّمِ رَأْسِهِ ، ثُمَّ ذَهَبَ بِهَا إِلَى قَفَاهُ ، ثُمَّ رَدَّهَا
حَتَّى رَجَعَ إِلَى الْمَكَانِ الَّذِي بَدَأَ مِنْهُ ، ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَيْهِ » .

32.Абдуллоҳ ибн Зайд (розияллоху анху)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бошларига икки қўллари билан масҳ тортдилар:⁴⁵ қўлларини олдинга ва орқага юргиздилар: (аввал) пешоналаридан бошладилар, кейин энсаларигача суриб бордилар, кейин яна то бошлаган жойларигача қайтариб келдилар, ундан кейин оёқларини ювдилар».

Бу бобда Муовия, Ал-Микдам ибн Маъдикариб ва Оиша (розияллоху анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абдуллоҳ ибн Зайднинг ҳадиси бу бобда ривоят қилинган энг саҳиҳ ва энг ҳасан ҳадисдир. Шофийий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу.

⁴⁵Ибнут-Таббоъ ҳамда Ибн Хузайма ривоятида «Бошларининг ҳаммасига масҳ тортдилар» дейилади.

25-БОБ

МАВЗУ: БОШГА МАСҲ ТОРТИШНИ
ОРҚАДАН (ЭНСАДАН) БОШЛАМОҚ

۳۳ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا بَشْرُ بْنُ الْمُنْضَلِ عَنِ عَبْدِ اللَّهِ
ابن مُحَمَّدِ بْنِ عَقِيلٍ عَنِ الرَّبِيعِ بْنِ مَعْوِذٍ بْنِ عَفْرَاءَ : « أَنَّ النَّبِيَّ
صلى الله عليه وسلم مَسَحَ بِرَأْسِهِ مَرَّتَيْنِ : بَدَأَ بِمَوْخِرِ رَأْسِهِ ثُمَّ بِمُقَدَّمِهِ
رَكَعَتَيْهَا : ظَهْرَهَا وَبَطْنُهَا » .

33. Муъаввиз ибн Афро қизи Ар-Рубайийъ (розиллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларига икки марта масҳ тортдилар:⁴⁶ аввал бошларининг орқасидан (энсадан) бошладилар, кейин олдидан (пешонадан) бошладилар: иккала кафтларининг ичи ва орқаси билан масҳ тортдилар».

Бу ҳадис ҳасандир. Абдуллоҳ ибн Зайднинг ҳадиси, иснод жиҳатдан бу ҳадисдан кўра саҳиҳроқ ва яхшироқ. Куфа аҳлидан баъзилари бу ҳадисни эгаллаганлар. Воқиб ибн Ал-Жарроҳ шулардан биридир.

⁴⁶Шундай усул бор. Мақбули эса масҳ тортишни олдан (пешонадан) бошламоқдир. Ҳадисдаги «бошларига икки марта масҳ тортдилар» деган сўздан мақсад «аввал бошларининг орқасидан (энсадан) бошладилар, кейин (пешонадан) бошладилар» деган сўз билан (изоҳланган) ва очилган. Йўқ, бу икки марта масҳ тортиш маъносидан эмас. Ажабки, ҳадиснинг ровийси масҳ тортишда қўлларини олдинга ва орқага юргизганларини «икки марта масҳ тортдилар» деб ифодалаган.

26-БОБ

МАВЗУ: БОШГА БИР МАРТА МАСҲ
ТОРТМОҚ

٣٤ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا بَكْرُ بْنُ مُضَرَ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنْ
عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ عَقِيلٍ عَنِ الرَّبِيعِ بْنِ مَرْثَدٍ عَنْ عَفْوَةَ : « أَنَّهَا
رَأَتْ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَوَضَّأُ ، قَالَتْ : مَسَحَ رَأْسَهُ ، وَمَسَحَ
مَا أَقْبَلَ مِنْهُ وَمَا أَدْبَرَ ، وَصَدَّعَ عَيْنَيْهِ وَأَذْنَيْهِ مَرَّةً وَاحِدَةً . »

34.Муъаввиз ибн Афро қизи Ар-Рубайийй (розиллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди: У Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламни таҳорат олаётганларида кўрди: дейдики, «Бошларига масҳ тортдилар, бошларининг олди ва орқасига, икки чаккаларига ва қулоқларига (бирданига) бир марта масҳ тортдилар».

Бу бобда Али (карромаллоҳу ваҷҳаҳу) ва Талҳа ибн Мусарриф ибн Амрнинг бобосидан ҳам ҳадис ривоят қилинган. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «бошларига бир марта масҳ тортганлари» мутааддид ваҳждлардан ривоят қилинади. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан бўлмиш илм аҳлининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир. Жаъфар ибн Муҳаммад, Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир: «Бошга бир марта масҳ тортилади», деган гўхтамдалар⁴⁷. Муҳаммад ибн Мансур

⁴⁷«Шарҳус-сунна» китобида бундай дейилади: «Бошга масҳ тортишни такрор қилиш суннатми-йўқми эканлиги борасида ихтилоф қилинди. Илм аҳлининг кўпчилиги ва уч мазҳаб имомлари бошга бир марта масҳ тортилади, деган фикрдалар. Шофиъийнинг машҳур сўзига кўра эса бошга масҳ уч бармоқ ва уч янги сув билан тортилади. «Ал-Мирқот» китобида ҳам шундай дейилган». Аммо бошга масҳ тортиш борасида Шофиъийнинг икки хил сўзи

Ал-Маккий бизга сўзлаб берди, айтдики, Суфён ибн Уйайнадан эшитдим, бундай деди: «Жаъфар ибн Муҳаммадан: «Бир марта (масҳ тортиш) кифоями?» деб бошга масҳ тортишни сўрадим, у: «Валлоҳи (Аллоҳ хақи), албатта!» деди.

27-БОБ

МАВЗУ: БОШГА МАСҲ ТОРТИШ УЧУН ЯНГИ СУВ ОЛМОҚ

۳۵ - حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ خَشْرَمٍ أَحْبَبْنَا عَدُّ اللَّهِ بْنِ وَهَبٍ حَدَّثَنَا عَمْرُو
ابْنُ الْخَارِثِ عَنْ حَبَّانَ بْنِ وَاسِعٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ : « إِنَّهُ
رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَوَّضًا ، وَإِنَّهُ مَسَّحَ رَأْسَهُ بِمَاءٍ غَيْرِ قَصَصٍ
يَدْبِيهِ » .

35. Абдуллоҳ ибн Зайд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «У Набий саллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳорат олганларини кўрган. У киши қўларини ювишдан ортган сувдан бошқа (янги) сув олиб, бошларига масҳ тортидилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ибнул-Лоҳиъйя бу ҳадисни Ҳаббон ибн Восийдан, унинг отасидан, Абдуллоҳ ибн Зайддан ривоят қилди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олдилар ва қўларидан ортган сувдан бошқа сув олиб, бошларига масҳ тортидилар».

борлиги англашилади: Тавҳид (бир марта) ва Таслис (уч марта). Биринчи қавлни имоми Термизий, иккинчисини эса «Шарҳус-сунна» муаллифи очиб берган. «Таслис» тарафдорлари таянган ҳадислар маъқул ва муътабар бўлиш даражасига кўтарилган эмас. (Аш-Шавқоний).

Амр ибн Ал-Ҳориснинг Ҳаббондан қилган ривояти янада саҳиҳроқ. Чунончи, ушбу ҳадис Абдуллоҳ ибн Зайддан ва бошқалардан мутааддид ваҷҳлардан ривоят қилинган: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларига масҳ тортиш учун янги сув олдилар».

Илм аҳлидан кўпларининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: бошга масҳ тортиш учун янги сув олинад, деган тўхтамдалар.

28-БОБ

МАВЗУ: ҚУЛОҚЛАРНИНГ ИЧИГА ВА СИРТИГА МАСҲ ТОРТМОҚ

۳۶ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ إِدْرِيسَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَمْرٍو
عَنْ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ عَنْ عَطَاءِ بْنِ عَبَّاسٍ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
سَحَّ بِرَأْسِهِ وَأُذُنَيْهِ : ظَاهِرِيهَا وَبَاطِنِيهَا » :

36. Ато ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларига ҳамда қулоқларига: қулоқларининг сиртига ва ичига масҳ тортдилар»⁴⁸.

Бу бобда Ар-Рубаййидан ҳам ҳадис ривоят қилинган. Ибн Аббоснинг (келтирган) ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳлидан кўпларининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: қулоқларнинг ичини ва сиртини масҳ қилмоқ керак, деган фикрдалар.

⁴⁸Бу ҳадисни айни вақтда Ан-Насоий, Ибн Можа, Ал-Ҳаким ва Ал-Байҳақий ривоят қилишган. Ан-Насоийнинг ифодаси бундай: «Кейин бошларига ва қулоқларига масҳ тортдилар: қулоқларининг ичини шаҳодат бармоқлари билан, сиртини эса бош бармоқлари билан (масҳ қилдилар)».

29-БОБ

**МАВЗУ: ҚУЛОҚЛАР(НИ МАСҲ ҚИЛИШ)
БОШ (МАСҲИ) ЖУМЛАСИДАНДИР
(ЯЪНИ БИРДАНИГА МАСҲ
ТОРТИЛАДИ)**

۳۷ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ سَيِّدِ بْنِ رَبِيعَةَ عَنْ
شَهْرِ بْنِ حَوْشَبٍ عَنْ أَبِي أَمَامَةَ قَالَ : « تَوَضَّأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
فَفَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثًا ، وَيَدَيْهِ ثَلَاثًا ، وَمَسَحَ بِرَأْسِهِ ، وَقَالَ : الْأَذَانُ
مِنَ الرَّأْسِ » .

37.Абу Умома (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; деди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам таҳорат олдилар; юзларини уч марта, қўлларини уч марта ювдилар; бошларига масҳ торгдилар ва дедиларки, «Қулоқлар (масҳи) бош жумласидандир».

Қутайба айтади: «Ҳаммод бундай деди: «Бу («Қулоқлар (масҳи) бош жумласидандир» сўзи) Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг сўзларими ёки Абу Умоманинг гапими, шуни билмадим».

Бу бобда Анас (розияллоху анху)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис ҳасан.

Исноди эса унчалик сиҳҳат эмас. Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиийндан бўлмиш илм аҳлининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир: Қулоқларни масҳ қилиш бош масҳига дохилдир. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Шофибий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шундай. Илм аҳлидан баъзиларининг фикрига кўра, қулоқларнинг олд тарафи - юзга, орқа тарафи эса бошга тегишлидир. Исҳоқ айтадики, «Қулоқларнинг олд томонини юзни ювганда масҳ этишни, орқасини эса бош билан бирга масҳ қилишни ихтиёр этаман». Шофибий эса

бундай дейди: «Қулоқларни мунфарид (алохида) масх қилмоқ суннатдир ва уларга янги сув билан масх тортилади»⁴⁹.

30-БОБ

МАВЗУ: БАРМОҚЛАРНИ ХИЛОЛ ҚИЛМОҚ (ОРАЛАРИГА СУВ ЕТКАЗМОҚ)

۳۸ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَهَنَّادٌ قَالَ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ شَيْبَانَ عَنْ أَبِي هَانِئٍ عَنْ عَامِرِ بْنِ لَيْعِطِ بْنِ صَبْرَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « إِذَا تَوَضَّأْتَ فَخَلَّلِ الْأَصَابِعَ » .

38. Осим ибн Лақийт ибн Собиранинг отаси (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; деди: Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Таҳорат олганинда бармоқларингни хилол қил (ораларига сув етказ)».

Бу бобда Ибн Аббос, Шаддод Ал-Фихрийнинг ўғли Ал-Муставрид ва Абу Аййуб Ал-Ансорий (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳли наздида амал шу ҳадис асосидадир: таҳоратда оёқ бармоқлари орасига сув етказилади. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир. Исҳоқ айтадики, «Таҳоратда қўл ва оёқ бармоқларининг орасига сув етказилади».⁵⁰

⁴⁹ Аҳмад (ибн Ханбал) ва (Имоми) Моликнинг қавли ҳам шундай. Абу Ханифа эса бошга ва қулоқларга бир сув билан масх тортилади деган фикрга эга бўлган. Ибн Абдулбар шу қавл саҳобалар ва тобиъийларнинг баъзиларидан ривоят қилинганини қайд этади...

⁵⁰ Ибн Саййидиннос, «Сунани Термизий» шарҳида бундай дейди: «Биродарларимизнинг фикрича, оёқларни юганда бармоқлари орасига сув етказиш таҳоратнинг суннатларидандир. Сув ўзи ўтса, хилол қилиш суннат бўлади. Аммо сув бармоқлари орасига фақат хилол қилиш йўли билан ўтадиган бўлса, унда хилол қилиш вожиб; фақатгина лизотиҳи (ўзи учун) эмас, ювиш фарзини адо қилиш учун вожибдир». Аш-Шавқоний, Ибн Саййидинноснинг

Абу Хошимнинг исми – Исмоил ибн Касир Ал-Маккий.

۳۹ — حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ سَعِيدٍ هُوَ ابْنُ وَهْبٍ حَدَّثَنَا سَنَدُ بْنُ عَبْدِ الْجَيْدِ بْنِ جَنْفَرٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ أَبِي الزِّنَادِ عَنْ ثُمُوسِ بْنِ عُقَبَةَ عَنْ صَالِحِ مَوْلَى التَّوَاتَمَةِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: « إِذَا تَوَضَّأْتَ فَخَلَّلَ بَيْنَ أَصَابِعِ يَدَيْكَ وَرِجْلَيْكَ »

39. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Таҳорат олганингда қўллари ва оёқларинг бармоқлари орасига сув етказ”.

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

۴۰ — حَدَّثَنَا عُقَيْبَةُ حَدَّثَنَا ابْنُ لَهَيْعَةَ عَنْ يَزِيدَ بْنِ عَمْرٍو عَنْ أَبِي عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْجُبَيْلِيِّ عَنِ الْمُتَوَرِّدِ بْنِ شَدَّادِ الزَّهْرِيِّ قَالَ: « رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا تَوَضَّأَ ذَلِكَ أَصَابِعِ رِجْلَيْهِ يَخْتَصِرُهُ »

40. Ал-Муставрид ибн Шаддод Ал-Фихрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у деди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламни таҳорат олганларида кўрдим, жимжилоқлари⁵¹ билан оёқ бармоқлари (ораси)ни ишқаб ювдилар».

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

сўзини наъл этгандан кейин, айтадики, «Хилол қилиш мутлоқ вожиб эканлиги ҳақида ҳадислар сариҳдир (очиқ-равшандир). Бармоқлар орасига сув ўзича етиши ёки хилол қилиш йўли билан тегиши орасида, шунингдек, хилол қилишда қўл ва оёқ бармоқлари орасида фарқ йўқлиги Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам қавллари, ҳам феъллари билан собитдир. Хилол қилишни фақат оёқ бармоқларига хос деб айтиш ёки сув ўзича тегади деб қайд этиш далилсиз уринишдир».

⁵¹ Чап қўллари билан жимжилоқлари (кичик бармоқлари) билан ювганлар. (Муборакфурий).

Буни фақатгина Ибн Лаҳийъанинг ривоятидан биламиз.

31-БОБ

**МАВЗУ: ЖАҲАННАМ ОЛОВИДАН
ТОВОНЛАРНИНГ ҲОЛИГА ВОЙ!**

٤١ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ قَالَ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزِيزِ بْنِ مُحَمَّدٍ عَنْ هِشَلِ

ابْنِ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
قَالَ : « وَنَيْلٌ لِلْأَعْقَابِ مِنَ النَّارِ »

41.Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди: *Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* «Дўзах оловидан товонларнинг ҳолига вой!...»

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амр, Оиша, Жобир, Жазъ Аз-Зубайлвийнинг ўғли Абдуллоҳ ибн Ал-Ҳорис, Муайкиб, Халид ибн Ал-Валид, Шуроҳбил ибн Ҳасана, Амр ибн Ал-Ос ва Язид ибн Абу Суфён (розияллоҳу анхум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган. Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганлари ҳам ривоят қилинади. «Дўзах оловидан товонларнинг ва оёқ тагларининг ҳолига вой!» Бу ҳадиснинг фикҳий ҳукми ушбудир: Маҳси ёки қатин пайлоқ кийилмаган яланғоч оёққа масҳ тортмоқ жоиз эмас.

32-БОБ

**МАВЗУ: ТАҲОРАТ АЪЗОЛАРИНИ БИР
МАРТАДАН ЮВМОҚ**

٤٢ - حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ وَهَنَّادٌ وَقُتَيْبَةُ قَالُوا : حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ

سُفْيَانَ ح قَالَ : وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ قَالَ حَدَّثَنَا

سُفْيَانُ عَنْ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَسَارٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ : أَنَّ

النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ مَرَّةً مَرَّةً . «

42.Ибн Аббос (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир

марта-бир мартадан (тахорат аъзоларини ювиб) таҳорат олдилар»⁵²

Бу бобда Умар, Бурайда, Абу Рофиъ ва Ибнул-Фақиҳ (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинди. Ибн Аббоснинг (келтирган) ҳадиси ушбу бобда ворид бўлган ҳадисларнинг энг ҳасан ва энг саҳиҳидир. Ришдийн ибн Саъд ва бошқалар бу ҳадисни Ад-Дахҳоқ ибн Шуроҳбилдан, Зайд ибн Асламдан, унинг отасидан, Умар ибн Ал-Хаттобдан ривоят қилишган: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир мартадан (тахорат аъзоларини ювиб) таҳорат олдилар». Бу ривоятнинг сихҳатдан насиби йўқ. Саҳиҳ бўлган ривоят, Ибн Ажлон, Хишом ибн Саъд, Суфён Ас-Саврий ва Абдулазиз ибн Муҳаммаднинг Зайд ибн Асламдан, Ато ибн Йасардан, Ибн Аббосдан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривоятларидир.

33-БОБ

МАВЗУ: ТАҲОРАТ АЪЗОЛАРИНИ ИККИ МАРТАДАН ЮВМОҚ

٤٣ - حَدَّثَنَا أَبُو كَرَيْبٍ وَمَعْدُ بْنُ رَافِعٍ قَالَ حَدَّثَنَا زَيْدُ بْنُ حَبَابٍ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ ثَابِتِ بْنِ ثَوْبَانَ قَالَ : حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْفَضْلِ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ هُرَيْرَةَ هُوَ الْأَعْوَجُ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ مَرَّتَيْنِ مَرَّتَيْنِ » .

43.Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят

⁵²Ҳадис таҳорат аъзоларини бир мартадан ювиш фарз эканига далолат қилади. Икки ёки уч марта ювиш фарз бўлса эди, Пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир марта ювиш билан қаноатланмас эдилар. Ан-Нававий: «Таҳорат аъзоларини бир мартадан ювиш фарз, уч мартадан ювиш суннат эканлиги борасида бутун мусулмонлар иттифок қилишган», дейди.

қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки мартадан (таҳорат аъзоларини ювиб) таҳорат олдилар».

Бу бобда Жобирдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Буни ёлғиз Ибн Савбоннинг Абдуллоҳ ибн Ал-Фазлдан қилган ривояти орқали биламиз. Бу эса ҳасан-саҳиҳ бир иснод.

Хаммом (ибн Ҳорис), Омир Ал-Ахвалдан, Атодан, Абу Хурайрадан «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уч мартадан (таҳорат аъзоларини ювиб) таҳорат олганлар»ини ривоят қилади.

34-БОБ

МАВЗУ: ТАҲОРАТ АЪЗОЛАРИНИ УЧ МАРТАДАН ЮВМОҚ

٤٤ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ عَنْ
سُقَيْانَ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ عَنْ أَبِي حَبِيَّةَ عَنْ عَلِيٍّ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ ثَلَاثًا ثَلَاثًا » .

44. Ҳазрати Али (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам уч мартадан (таҳорат аъзоларини) ювиб таҳорат олдилар».

Бу бобда Усмон, Оиша, Ар-Рубайийъ, Ибн Умар, Абу Умома, Абу Рофиъ, Абдуллоҳ ибн Амр, Муовия, Абу Хурайра, Жобир, Абдуллоҳ ибн Зайд ва Убай ибн Каъб (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Алининг ҳадиси бу бобдаги энг ҳасан ва энг саҳиҳ ҳадисдир. Чунки, бу ҳадис Али (розияллоҳу анҳу)дан мутааддид ваҳҳлардан ривоят этилган.

Илм ахлининг асосий кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир: таҳорат аъзоларини бир мартадан ювиш кифоя, икки марта ювиш афзал, ва энг афзали уч мартадан ювмоқдирки, бундан ўтадигани йўқдир.

Ибнул-Муборак айтадики, «Таҳоратда уч марта-

дан ортиқ ювинса, гуноҳкор бўлади, деб қатъий айтолмайман». Аҳмад ва Исҳоқ: «Фақат васвасали (иккиланган) киши уч мартадан ортиқ ювади», дейдилар.

35-БОБ

МАВЗУ: ТАҲОРАТ АЪЗОЛАРИНИ БИР МАРТАДАН, ИККИ МАРТАДАН ВА УЧ МАРТАДАН ЮВИШ МУМКИНЛИГИ

٤٥ - حدثنا إسماعيلُ بنُ موسىَ القزَّاريُّ حدثنا شريكٌ عن ثابتِ
ابنِ أبيِ صَفيَّةَ قال : قلتُ لأبي جعفر : حدثك جابرٌ : « أن النبيَّ
صلى الله عليه وسلم تَوَضَّأَ مَرَّةً مَرَّةً ، وَمَرَّتَيْنِ مَرَّتَيْنِ ، وَثَلَاثًا ثَلَاثًا ؟
قال : نعم . »

45. Собит ибн Абу Сафийядан ривоят қилинди;
дедики: Абу Жаъфардан: «Жобир сенга Набий саллал-
лоҳу алайҳи ва саллам бир мартадан, икки мартадан,
уч мартадан (таҳорат аъзоларини ювиб) таҳорат олди-
лар, деб ҳадис айтганмиди?» деб сўрадим; «Ҳа!», деди.

٤٦ - قال أبو عيسى : زُرَوِيٌّ وَكَيْعٌ هَذَا الْخَبْرُ عَنْ ثَابِتِ
ابنِ أَبِي صَفيَّةَ قال : قلتُ لأبي جعفر : حدثك جابرٌ : « أن النبيَّ
صلى الله عليه وسلم تَوَضَّأَ مَرَّةً مَرَّةً ؟ قال : نعم . » وحدثنا بذلك هنادُ
وَقُتَيْبَةُ . قالوا : حدثنا وَكَيْعٌ عن ثابتِ بنِ أبيِ صَفيَّةَ .

46.Вакиъ (розияллоҳу анҳу) Собит ибн Абу Суфён (розияллоҳу анҳу)дан ушбу ҳадисни ривоят қилган: Абу Жаъфардан: Жобир сенга: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир мартадан (таҳорат аъзоларини ювиб) таҳорат олдилар» деб ҳадис айтганми?», деб сўрадим; «Ҳа!», деди.

Буни бизга Ҳаннод ва Қутайба сўзлаб бердилар ва ўзларига эса Собит ибн Абу Сафийядан Вакиъ сўзлаганини айтдилар. Бу ҳадис Шорикнинг ҳадисидан кўра саҳиҳроқ. Чунки, бу Вакиънинг ривоятига ўхшатиб Собитдан мутааддид ваҳҳлардан ривоят қилинган: Шорик эса хатоси кўп кишидир. Собит ибн Абу Сафиййа – Абу Ҳамза Ас-Суммолийдир.

36-БОБ

МАВЗУ: ТАҲОРАТ ОЛГАНДА АЪЗОЛАРДАН БИРИНИ ИККИ МАРТА ВА БИРИНИ УЧ МАРТА ЮВМОҚ

٤٧ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا هُمَيَّانُ بْنُ غَيْرَانَ عَنْ عَمْرٍو
ابْنِ يَعْقَبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
تَوَضَّأَ : فَمَسَّ وَجْهَهُ ثَلَاثًا ، وَغَسَلَ يَدَيْهِ مَرَّتَيْنِ مَرَّتَيْنِ ، وَمَسَّ
رَأْسَهُ ، وَغَسَلَ رِجْلَيْهِ مَرَّتَيْنِ .

47.Абдуллоҳ ибн Зайд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олдилар: юзларини уч марта ювдилар, қўлларини икки мартадан ювдилар, бошларига масҳ тортдилар ва оёқларини икки мартадан ювдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бошқа ҳадисларда «Расулуллоҳ саллаллоҳу

алайҳи ва саллам таҳорат аъзоларидан бирини бир марта, бирини эса уч марта ювиб таҳорат олганлар»и зикр қилинган. Баъзи илм аҳли ушбуга рухсат беришган: Таҳорат аъзоларидан бировини уч марта, бировини икки марта ёки бир марта ювиб таҳорат олишнинг зарари йўқ, деб ҳисоблайдилар.

37-БОБ

**МАВЗУ: РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛАЛЛОҲУ
АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ҚАНДАЙ
ТАҲОРАТ ОЛГАНЛАР?**

٤٨ - حَدَّثَنَا هَنَادٌ وَقُتَيْبَةُ قَالَ قَالَ حَدَّثَنَا أَبُو الْأَخْوَصِ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ
عَنْ أَبِي حَيَّةَ قَالَ : « رَأَيْتُ عَيْنًا تَوَضَّأَ فَغَسَلَ كَفَّيْهِ حَتَّى أَثْقَلَهَا ، ثُمَّ
مَضَمَمٌ ثَلَاثًا ، وَاسْتَمْتَشَقَ ثَلَاثًا ، وَغَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثًا ، وَذِرَاعَيْهِ ثَلَاثًا ،
وَمَسَحَ بِرَأْسِهِ مَرَّةً ؛ ثُمَّ غَسَلَ قَدَمَيْهِ إِلَى السَّكْمَيْنِ ، ثُمَّ قَامَ فَأَخَذَ
فَضْلَ طَهُورِهِ فَشَرِبَهُ وَهُوَ قَائِمٌ ،
ثُمَّ قَالَ : أَحَبِّبْتُ أَنْ أُرِيكُمْ كَيْفَ كَانَ طَهُورُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ . »

48.Абу Ҳаййа (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у деди: «Али (розияллоҳу анҳу)нинг таҳорат олганини кўрдим: кафтларини токи топ-тоза бўлгунча ювди, кейин уч марта мазмаза қилди (оғиз чайқади), уч марта истиншоқ қилди (бурунга сув олиб қокди), уч марта юзларини ювди, уч марта қўлларини (тирсаклари билан кўшиб) ювди, бир марта бошига масҳ тортди, кейин оёқларини тўпиклари билан ювди, кейин ўрнидан тураётиб таҳоратдан ортган сувни олди, тик туриб ичди; кейин бундай деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қандай таҳорат олишларини сизларга кўрсатгим келди».

Бу бобда Усмон, Абдуллоҳ ибн Зайд, Ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр, Ар-Рубаййиъ, Абдуллоҳ ибн Унайс ва Оиша (розияллоху анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

٤٩ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَهَنَّادٌ قَالَ حَدَّثَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ
عَنْ عَبْدِ خَيْرٍ : ذَكَرَ عَنِ عَلِيٍّ مِثْلَ حَدِيثِ أَبِي حَيَّةَ ، إِلَّا أَنَّ
عَبْدَ خَيْرٍ قَالَ : « كَانَ إِذَا فَرَّغَ مِنْ طَهْوَرِهِ أَخَذَ مِنْ فَضْلِ طَهْوَرِهِ
بِكَلِمَةٍ فَتَبَّهَ »

49. Абду Хайр (розияллоху анху)дан ривоят қилинди: у Абу Хайъанинг Ҳазрати Алидан ривоят қилган ҳадисини айнан нақл этади, фақат Абду Хайр (ҳадис охирида) бундай дейди: «Таҳоратдан фориг бўлгач, таҳоратдан орган сувдан кафтига олиб ичди».

Абу Исҳоқ Ал-Ҳамдоний, Ҳазрати Алининг бу ҳадисини, Абу Хайъа, Абул-Хайр ва Ал-Ҳориснинг ҳар биттаси орқали Ҳазрати Алидан ривоят қилган. Қудамо ва яна бошқалар Холид ибн Алқамадан, Абду Хайрдан, Ҳазрати Али (розияллоху анху)дан таҳорат ҳадисини тўлиқ матни билан ривоят қилишган.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

(Шуъба шу ҳадисни Холид ибн Алқамадан ривоят қилади. Аммо ҳадисни ривоят қилган кишининг исми ва отасининг исмида янглишгани учун бундай дейди: «Молик ибн Урфугадан, Абду Хайрдан, Ҳазрати Алидан...»)

Абу Авонанинг ривоятида «Холид ибн Алқамадан, Абду Хайрдан, Ҳазрати Алидан» дегани ривоят қилиниши билан бирга, худди Шуъбадек, у ҳам «Молик ибн Урфуга»дан дегани алоҳида ривоят қилинган. Тўғриси «Холид ибн Алқам»дир.

38-БОБ

МАВЗУ: ТАҲОРАТДАН КЕЙИН ЭТАККА (ИЧ КИЙИМГА) СУВ СЕПМОҚ

۵۰ - حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ الْجَنْدِيُّ وَأَحْمَدُ بْنُ أَبِي عَيْسَى اللَّهُ السَّلْمِيُّ الْبَصْرِيُّ قَالَ حَدَّثَنَا أَبُو قَتَيْبَةَ سَلْمُ بْنُ قَتَيْبَةَ عَنْ تَمِيمِ بْنِ عَلِيٍّ الْهَاشِمِيِّ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْأَعْرَجِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ «جَاءَنِي جِبْرِيلُ فَقَالَ: يَا مُحَمَّدُ، إِذَا تَوَضَّأْتَ فَأَنْتَضِحْ»

50. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жаброил (алайҳиссалом) олдимга келди ва деди: «Ё Муҳаммад! Таҳорат олганингда сув сеп!»⁵³

⁵³Қози Абу Бакр ибн Ал-Арабий, Термизий асарларига ёзган «Оридат ул-аҳвазий», номли шарҳида бундай дейди: «Уламои киром бу ҳадиснинг шарҳида тўрт хил қавлга эга бўлишган:

1. Биринчи қавлга кўра ҳадиснинг маъноси бундай: таҳорат олаётганда сувни ювиладиган аъзонинг устига қуй ва ювилиши керак бўлган аъзони масҳ қилиш билан кифояланма.

2. Артиш ва силкитиш билан таҳорат аъзосини қурит.

3. Тош билан покланган киши таҳорат олаётган пайтда сув билан тозаланмоғи лозим.

4. Закаридан томчи томдими-томмадими, деган васвасани кетказиш учун эагага (ич кийимига) озгина сув сепиши лозим». Ҳадисда қўлланган «фанзих» ибораси шу тўрт маънода келганлиги эҳтимол. Ал-Ҳаттобий «Маъолим-ус-сунавн» асарида, бу ибора шу ўринда сув билан истинжо қилиш маъносида келганини айтади. Аммо шайтоннинг васвасасини кетказиш учун этакка сув сепилади, деб таъвил қилиш ҳам мумкин эканлигини билдиради. Ан-Нававий, бу ўринда иккинчи маъно, яъни, этакка сув сепиш лозим, деган маъно қасд қилинганини, ҳамманинг қавли сифатида зикр қилган. Термизийнинг шарҳловчиси Шайх Муборакфурий ҳам шу фикрни устун кўяди ва бундай дейди: «Ҳақиқат шуки, бу ҳадисда ворид бўлган «интизах» дейилишидан мурад, закаридан сув томди, деган васвасани ҳайдаш учун таҳоратдан кейин этакка (ич кийимга) бир оз сув сепишдир. Чунки, бу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг кўпидаги лафзлар шунга далолат қилади».

Бу ҳадис ғариб. Муҳаммад (Ал-Бухорий)дан эшитдим, дедики, «Ҳасан ибн Ал-Ҳошимийнинг ҳадиси мункардир (рад қилингандир)».

Бу бобда Абул-Ҳакам ибн Суфён, Ибн Аббос, Зайд ибн Ҳориса, Абу Саъид Ал-Худрий (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Баъзи муҳаддислар Суфён ибн Ал-Ҳакам ибн Суфён, дейишиб, бу ҳадисда чалкашликка тушганлар.

39-БОБ

МАВЗУ: ТАҲОРАТНИ МУКАММАЛ ОЛМОҚ

۵۱ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ أَخْبَرَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ جَعْفَرٍ عَنِ الْمَلَاءِ
ابْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « أَلَا أَدُلُّكُمْ عَلَى مَا يَمْحُو اللَّهُ بِهِ الْأَطْطَابَا وَيَرْفَعُ بِهِ
الذَّرِّيَّاتِ ؟ قَالُوا : بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ . قَالَ : إِسْبَاحُ الْوُضُوءِ عَلَى الْكَارِهِ
وَكِتَابَةُ الْإِنِّطَا إِلَى الْمَآجِدِ ، وَانْتِظَارُ الصَّلَاةِ بَعْدَ الصَّلَاةِ ، فَذَلِكَ
الرِّبَاطُ » .

51. Абу Хурайра (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ хатоларни нима билан ювмоғини ва даражаларини нима билан юксалтирмоғини сизларга хабар қилайинми?». Айтишди: «Ҳа, ё Расулulloҳ! (хабар қилинг!)». Дедиларки, «Қийинчиликларга қарамай таҳоратни тўлиқ олмоқ, масжидлар сари қадамни кўпайтирмоқ, намоздан кейин намозни кутмоқ; мана, сизлар учун рибот (боғлиқлик, Ҳақ йўлидаги доимий жиҳод) ана шудир!»

۵۲ - وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْقَزِيزِ بْنِ مُحَمَّدٍ عَنِ الْقَلَاءِ
نَعْوَهُ، وَقَالَ قُتَيْبَةُ فِي حَدِيثِهِ: فَذَلِكَ الرِّبَاطُ، فَذَلِكَ الرِّبَاطُ،
فَذَلِكَ الرِّبَاطُ، فَلَا تَأْمَنُ.

52.Кутайба худди шу ҳадисни бизга Абдулазиз ибн Муҳаммаддан, Ал-Аълодан, унинг отасидан, Абу Хурайра (розияллоху анху)дан, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан айнан айтиб берди ва ўз ҳадисида: «**Мана, рибот ана шудир; мана, рибот ана шудир; мана, рибот ана шудир**», деб уч марта айтди.

Бу бобда (Ҳазрати) Али, Абдуллоҳ ибн Амр, Ибн Аббос, Обида – уни Убайда ҳам дейишади – ибн Амр, Оиша, Абдуррахмон ибн Оис Ал-Ҳадрабий ва Анас (розияллоху анхум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган. Абу Хурайранинг бу бобдаги ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Ал-Аъло ибн Абдуррахмон, бу – Яъқуб Ал-Жуҳаний Ал-Хуроқийнинг ўғли бўлиб, у муҳаддислар наздида сика (сўзи ишончли)дир.

40-БОБ

МАВЗУ: ТАҲОРАТДАН КЕЙИН СОЧИҚ ИШЛАТМОҚ

۵۳ - حَدَّثَنَا مَعْيَانُ بْنُ وَكَيْعٍ بْنِ الْبُرَّاجِ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ
عَنْ زَيْدِ بْنِ حُبَابٍ عَنْ أَبِي مَسْأَدٍ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ عُرْوَةَ عَنْ كَالِثَةَ
قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خِرْقَةً يُنَشَفُ بِهَا يَسَدُ
الْوُضُوءَ .

53.Оиша (розияллоху анҳо онамиз)дан ривоят қилинди; дедилар: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг бир сочиқлари бор эди, таҳоратдан кейин ўша билан артинар эдилар».

Бу бобда Муъоз ибн Жабалдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

٥٤ — حَدَّثَنَا فَتْيَبَةُ حَدَّثَنَا رِشْدِيْنُ بْنُ سَعْدٍ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ زِيَادٍ
ابْنِ أَيْمَمٍ عَنْ عُنْبَةَ بْنِ مُحَمَّدٍ عَنْ عُبَادَةَ بْنِ نُسَيْبٍ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ غَنَمٍ عَنْ
مُتَّازِ بْنِ جَبَلٍ قَالَ «رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا تَوَضَّأَ مَسَحَ وَجْهَهُ
بِعَرْفِ نَوْبِهِ» .

54. Муъоз ибн Жабал (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; у деди: «Набий саллаллоху алайҳи ва салламни кўрдим, таҳорат олгач, юзларини этакларининг учи билан артдилар».

Бу ҳадис ғариб ҳамда исноди заиф. Ришдийн ибн Саъд ва Абдурраҳмон ибн Зиёд ибн Анъум Ал-Иффрикий ҳадис бобида заиф эканликлари қайд этилган.

Оиша (онамиз)нинг бу ҳадиси билан истидлол (далил-исбот) қилиш қоим эмас. Бу бобда Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан саҳиҳ бир ривоят деярли йўқ.

Муҳаддислар, Абу Муъознинг Сулаймон ибн Арқом эканлигини айтадилар. Бу киши муҳаддислар наздида заифдир.

Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан бўлган илм аҳлларидан баъзилари, таҳоратдан кейин сочиқ ишлатишга рухсат берганлар. Артишни қариқ деб ҳисоблаганлар «таҳорат (мезонда) тортилади» деган сўзга биноан қариқ деб ҳисоблашган. Бу эса Саъид ибн Мусаййаб ва Аз-Зухрийдан ривоят қилинди: Аз-Зухрий бундай дейди: «Таҳоратдан кейин сочиқ ишлатиш макруҳ деб қаралишининг ягона сабаби шуки, таҳорат (амал тарозусида) тортилгайдир».

41-БОБ
 МАВЗУ: ТАҲОРАТДАН КЕЙИН
 УҚИЛАДИГАН ДУО

۵۵ — حَدَّثَنَا جَعْفَرُ بْنُ مُحَمَّدٍ بْنِ عِمْرَانَ الشَّامِيُّ السُّكُونِيُّ حَدَّثَنَا زَيْدُ
 ابْنُ حَبَابٍ عَنْ مَمْلُوكَةٍ بِنِ صَالِحٍ عَنْ رَبِيعَةَ بِنِ يَزِيدِ الدَّمَشْقِيِّ عَنْ أَبِي إِدْرِيسَ
 التَّمُوزِيِّ، وَأَبِي عَمْرَانَ عَنْ عُمَرَ بْنِ الظُّطَابِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
 عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ الوُضُوءَ ثُمَّ قَالَ: أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ
 وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ. اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ
 التَّوَّابِينَ، وَاجْعَلْنِي مِنَ الْمُتَطَهِّرِينَ. - فُتِّحَتْ لَهُ مَمَارِجَةُ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ بِدَبْحَلٍ
 مِنْ أَيَّهَا شَاءَ»

55.(Ҳазрати) Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Расулulloҳ сал- лаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «**Кимки таҳорат олганда чиройли таҳорат олса ва кейин:**

أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا

54 «عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ. اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ التَّوَّابِينَ، وَاجْعَلْنِي مِنَ الْمُتَطَهِّرِينَ

деса, (яъни, «Мен шоҳидманким, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, у якка-ю яғонадир, шернги йўқдир ва мен шоҳидманким, Муҳаммад унинг бандаси ва элчисидир. Аллоҳим, мени (ҳақиқий) тавба қилганлардан айлагин ва покланганлардан айлагин! деса,) унга Жаннатнинг саккиз эшиги очилгайдир ва у хоҳлаган эшигидан киргайдир!»...

Бу бобда Анас ва Уқба ибн Омир (розияллоҳу анхумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ҳазрати Умарнинг ҳадисида ровийлардан Зайд

⁵⁴ Дуонинг маъноси ҳадис ичида келтирилди.

ибн Ҳубоба борасида мухолафат қилинган. Абдуллоҳ ибн Солиҳ ва яна бошқалар бу ҳадисни «Муовия ибн Солиҳдан, Робиъа ибн Язиддан, Абу Идрийсдан, Уқба ибн Омирдан, (Ҳазрати) Умардан» деб ва айнаи вақтда «Робиъадан, Абу Усмондан, Жубайр ибн Нуфайрдан, (Ҳазрати) Умардан» деб ривоят қилишган.

Бу ҳадиснинг санадида чалкашлик бор. Чунончи, бу бобда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ бир нарса ривоят қилинмаган.

Муҳаммад (Ал-Бухорий): «Абу Идрийс (Ҳазрати) Умарнинг ўзидан ҳеч бир ҳадис эшитган эмас», дейди.

42-БОБ

МАВЗУ: БИР МУДД (ТАХМИНАН БИР ЛИТР) СУВ БИЛАН ТАҲОРАТ ОЛМОҚ

٥٦ - حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ وَعَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ قَالَا حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ عُلَيَّةَ عَنْ أَبِي رَيْحَانَةَ عَنْ سَعِيدَةَ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَتَوَضَّأُ بِالْمُدِّ ، وَيَنْتَقِلُ بِالصَّاعِ » .

56. Сафина (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир мудд сув билан таҳорат олиб, бир соъ сув билан ғусл қилар эдилар»⁵⁵

Бу бобда Оиша (онамиз), Жобир ва Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган. Сафинанинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Абу Райҳонанинг исми - Абдуллоҳ ибн Матор.

Шундай қилиб, илм аҳлидан баъзилари таҳоратни

⁵⁵Мудд - $1\frac{1}{3}$ (бир бутун, учдан бир) ратл ёки 675 грамм, ёҳуд 0.688 литр сув.

бир мудд сув билан, ғулни эса бир соъ сув билан қилинади, деган фикрдалар. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ бундай дейишади: «Бу ҳадиснинг маъноси, шундан кўпи ёки ози жоиз эмас» деган тарздаги бир таҳдид ёки чеклаш эмас, фақат етарли бўладиган миқдорни билдиради, холос.

43-БОБ

МАВЗУ: ТАҲОРАТДА СУВНИ ИСРОФ

ҚИЛИШ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ

۵۷ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ حَدَّثَنَا خَارِجَةُ ابْنُ مُصْتَمَبٍ عَنْ يُونُسَ بْنِ عَبْدِ عَنِ الطَّحْسَنِ عَنْ عُمَيْرِ بْنِ ضَمْرَةَ السَّمْعَانِيِّ عَنْ أَبِي بِنِ كَثْبٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ «إِنَّ لِلْوَضُوءِ شَيْطَانًا يُقَالُ لَهُ: الْوَهَّاتَانُ، فَانْقُوا وَسْوَاسَ الْمَاءِ» .

57. Убай ибн Каъбдан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Таҳоратнинг бир шайтони бор, уни Валаҳан дейишади. Сувнинг восвосидан (яъни, шайтонидан, шубҳага берилиб, сувни исроф қилишдан) сақланингизлар».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амр ва Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан ҳам ҳадис ривоят қилинган. Убай ибн Каъбнинг ҳадиси гарибдир ва бу ҳадиснинг исноди муҳаддислар наздида саҳиҳ ва соғлом эмас. Чунки, Хорижадан бошқа бу ҳадисни иснод этган (марфуъ тарзида ривоят қилган) кишини билмаймиз.

Бу ҳадис Ҳасандан мутааддид ваҳждлардан ривоят қилинди: Холбуки, бу бобда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ бир ҳадис ривоят қилинмаган. Хорижа, биродарларимизнинг назарида, соғлом ровий эмас. Ибнул-Муборак, Хорижанинг (ҳадис бобидан) заиф эканини қайд этган.

44-БОБ

МАВЗУ: ҲАР БИР НАМОЗ УЧУН АЛОҲИДА
ТАҲОРАТ ОЛМОҚ

۵۸ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ حُمَيْدٍ الرَّازِيُّ حَدَّثَنَا سَلَمَةُ بْنُ الْقَضَائِيٍّ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْمَاعِيلَ عَنْ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ أَنَسٍ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَتَوَضَّأُ لِكُلِّ صَلَاةٍ طَاهِرًا أَوْ غَيْرَ طَاهِرٍ . قَالَ : قُلْتُ لِأَنَسٍ : فَكَيْفَ كُنْتُمْ تَصْنَعُونَ أَنْتُمْ ؟ قَالَ : كُنَّا نَتَوَضَّأُ وَضُوءًا وَاحِدًا »

58. Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир намоз учун таҳорат олар эдилар, хоҳ таҳоратли бўлсинлар, хоҳ таҳоратли бўлмасинлар». (Хумайд айтади): «Анасга дедимки, «Сизлар қандай қилар эдингизлар?» (Анас) деди: «Бизлар битта таҳорат олар эдик (таҳоратли бўлганда қайта таҳорат олмоқни лозим кўрмас эдик)».

Хумайднинг Анасдан қилган ривояти бу важдан ҳасан гарибдир. Муҳаддисларнинг наздида машҳур бўлгани – Амр ибн Омир Ал-Ансорийнинг Анасдан қилган ривоятидир. Баъзи илм аҳли ҳар бир намоз учун (алоҳида) таҳорат олмоқни вожиб эмас, балки мустаҳаб деб ҳисоблашади⁵⁶.

⁵⁶Ҳатто илм аҳлининг кўпчилиги ҳар намоз учун таҳорат олишни мустаҳаб деб ҳисоблайдилар. Таҳовий, «Ал-осор» шарҳида бундай дейди: «Баъзиларнинг фикрича, муқим кишиларга ҳар намоз учун (алоҳида) таҳорат олиш вожибдир. Лекин уламонинг кўпчилиги таҳоратнинг фақат ҳадас (таҳорат бузилиши) туфайли вожиб эканини айтишган».

Ҳофиз Ибнул-Ҳажар «Фатҳ-ул-борий» асарида бундай дейди: «Намозга турганингизда юзларингизни ювингизлар», деган ояти карима тафсирида салаф олимлари ихтилоф қилишди: «Кўплари, бу оятда; «Намозга турмоқчи бўлганингизда агар таҳоратсиз бўлсангиз» деган маънони бердилар. Кимдир эса оятнинг зоҳирига ёпишиб, авваллари ҳар бир намоз учун таҳорат олиш вожиб эканини айтган, кейин эса бундай ҳукмнинг насх (бекор) бўлгани ёки истим-

۵۹ — وَقَدْ رَوَى فِي حَدِيثٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: «مَنْ تَوَضَّأَ عَلَى طَهْرٍ كَتَبَ اللَّهُ لَهُ بِرَّ عَشْرٍ حَسَنَاتٍ»

59. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Таҳорат устига таҳорат олган кишига Аллоҳ бу туйфайли ўн ҳасана (савоб) ёзгайдир»⁵⁷.

Бу ҳадисни Ал-Ифрикий, Абу-Ғутайфдан, Ибн Умардан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади. Хусайн ибн Хурайс ал-Марвизий бу ҳадисни бизга Ал-Ифрикийдан, Муҳаммад ибн Язид Ал-Воситий орқали айтиб берди.

Бу иснод заиф⁵⁸. Али ибн Ал-Маданий, Яҳё ибн Саъид Ал-Қаттондан нақл этиб, бундай дейди: «Бу ҳадис Ҳишом ибн Урвага зикр қилинганида, «Бу бир Машриқ (Шарқ) иснодидир»⁵⁹, деди.

Аҳмад ибн Ҳасандан эшитдим, дедик, «Аҳмад

сор (доимий) бўлгани ҳақида ихтилоф қилишган...»

Ижмоъ (олимлар жамоаси иттифоқи) эса: «ҳар намоз учун таҳорат олиш вожиб эмас, балки фақат мустаҳаб» деган ҳукм асосида қатъий фикрдадир.

⁵⁷Ибн Раслон айтдики, «Ўн ҳасана»дан мурод – ўн таҳорат савоби эканлиги мувофиқ тушади. Чунки, Аллоҳ таоло бир ҳасанага (яхшиликка) камида ўн ҳасана билан жавоб қайтаришни ваъда қилган».

«Шарҳ-ус-сунна»да белгиланишича, таҳоратни янгилаш, эски таҳорат билан намоз ўқиган бўлса, мустаҳабдир, акс ҳолда баъзилар бунинг макруҳ эканини айтишган. Ал-Қорий, кароҳат бўлишига сабаб қилиб исроф эҳтимоли борлигини уқтиради.

Ҳофиз Ал-Муизирий, «Ат-тартиб» китобида ҳам: «Таҳорат устига таҳорат олиш нур устига нурдир» деган сўз Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисидан эканини хотирлай олмайман, балки салафлардан биронтасининг сўзидир», дейди.

⁵⁸Чунки Ал-Ифрикий заиф ва Абу Ғутайф мажҳулдир. (Муборакфурий).

⁵⁹Яъни бу ҳадиснинг ровийлари машриқликлар (шарқликлар)дир. Айрим ҳошияларда шарҳланишига кўра, машриқликлар Куфаликлар ва Басраликлардир. (Муборакфурий)

ибн Ҳанбал: «Кўзим Яҳё ибн Саъид Ал-Қаттон кўргани каби кўрмади», деганини унинг ўзидан эшитдим.

٦٠ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ ، وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ هُوَ ابْنُ مَهْدِيٍّ قَالَا حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ سَعِيدٍ عَنْ عَمْرِو بْنِ عَامِرٍ الْأَنْصَارِيِّ قَالَ : سَمِعْتُ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ يَقُولُ : « كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَدْوَضًا عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ . قُلْتُ : فَأَنْتُمْ مَا كُنْتُمْ تَصْنَعُونَ ؟ قَالَ : كُنَّا نَصَلِّي الصَّلَاةَ كُلَّهَا بِوَضُوءٍ وَاحِدٍ مَا لَمْ نُنْحَدِثْ . »

60. Амр ибн Омир Ал-Ансорий (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; у айтди: Анас ибн Моликдан эшитдим, у дедими, «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам ҳар намоз олдидан таҳорат олар эдилар». (Анасдан): «Сизлар нима қилар эдингизлар?» деб сўрадим. (Анас) деди: «Биз то таҳоратимиз бузилмагунча, ҳамма намозларни битта таҳорат билан ўқийверардик».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Хумайд Анасдан ривоят қилган ҳадис эса ҳасан-ғариб.

45-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗЛАРНИ БИР ТАҲОРАТ БИЛАН ЎҚИМОҚ

٦١ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ عَنْ سُفْيَانَ عَنْ عَلْقَمَةَ بْنِ مَرْثَدٍ عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ رَبِيعَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ : « كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَدْوَضًا لِكُلِّ صَلَاةٍ ، فَلَمَّا كَانَ عَامَ الْفَتْحِ صَلَّى الصَّلَاةَ كُلَّهَا بِوَضُوءٍ وَاحِدٍ وَمَسَحَ عَلَى خَفَتَيْهِ فَقَالَ عُمَرُ : إِنَّكَ فَقَلْتَ شَيْئًا لَمْ تَكُنْ قَمَاتَهُ ؟ قَالَ : عَمْدًا فَمَلَأْتُهُ . »

61.(Сулаймон ибн Бурайданинг отаси) Бурайда (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; у деди: «Набий

саллаллоху алайҳи ва саллам ҳар бир намоз учун (яни) таҳорат олар эдилар; (Макка) фатҳ(и) йили бўлганда эса ҳамма намозларни бир таҳорат билан ўқидилар ва маҳсилари устига масҳ торгдилар. *Шунда (Ҳазрати) Умар: «(Ё Расулуллоҳ!) Илгари қилмаган бир ишни қилдингиз-ку?» деди. Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: «Буни атай қилдим!» дедилар.*

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Бу ҳадисни Али ибн Қозим, Суфён Ас-Саврийдан ушбу кўшимча билан ривоят қилади: «(Таҳорат аъзоларини) бир мартадан ювиб таҳорат олдилар».

Суфён Ас-Саврий, айни вақтда бу ҳадисни Муҳориб ибн Дисордан, Сулаймон ибн Бурайдадан ривоят қилади: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам ҳар бир намоз учун (алоҳида) таҳорат олар эдилар».

Вакиъ, Суфёндан, Муҳорибдан, Сулаймон ибн Бурайдадан, унинг отасидан шу ҳадисни ривоят қилди. Абдурраҳмон ибн Маҳдий ва бошқалар, Суфёндан, Муҳориб ибн Дисордан, Сулаймон ибн Бурайдадан, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан шу ҳадисни мурсал тарзида ривоят қилдилар. Бу ривоят Вакиънинг ривоятидан кўра саҳиҳдир.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: Таҳорат бузилмагунча, намозларни бир таҳорат билан ўқийверади.

Кимдир эса мустаҳаб сифатида ҳамда фазилатга эришишни қасд этиб, ҳар намоз учун янги таҳорат олар эди.

Ал-Ифриқийдан, Абу Футайфдан, Ибн Умардан, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилинади; айтдиларки: «Кимки таҳорат устига таҳорат олса, бу таҳоратига жавобан Аллоҳ унга ўн ҳасана (савоб) ёзгайдир».

Бу иснод заиф. Бу бобда Жобир ибн Абдуллоҳдан ушбу ҳадис ривоят қилинган: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам пешин ва аср намозларини бир таҳорат билан ўқидилар».

46-БОБ

**МАВЗУ: ЭР БИЛАН ХОТИННИНГ БИР
ИДИШДАН ЮВИНМОҚЛАРИ**

٦٢ - حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ عَمْرِو بْنِ دِينَارٍ عَنْ أَبِي الشَّمَاءِ عَنْ أَبِي عَبَّاسٍ قَالَ : حَدَّثَنِي مَيْمُونَةُ قَالَتْ : « كُنْتُ أُغْتَسِلُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ إِيَادٍ وَاحِدَةٍ مِنَ الْجَنَابَةِ » .

62.Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; у деди: «(Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари) Маймуна (розияллоҳу анҳо) айтдилар: «Мен ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобатдан покланишда бир идишдан ғусл таҳорати қилар эдик»

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Барча фақиҳларнинг қавли будир: Эр билан хотиннинг бир идишдан ғусл қилишларида зарар йўқ.

Бу бобда Али, Оиша, Анас, Умму Ҳоний, Умму Субайя Ал-Жуханийя, Умму Салама ва Ибн Умар (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абуш-Шаъшаънинг исми – Жобир ибн Зайд.

47-БОБ

**МАВЗУ: ХОТИН КИШИНИНГ
ТАҲОРАТИДАН ОРТГАН СУВ
КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ**

٦٣ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ قَالَ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ سُفْيَانَ عَنْ سُلَيْمَانَ التَّمِيمِيِّ عَنْ أَبِي سَاجِبٍ عَنْ رَجُلٍ مِنْ بَنِي عَفَّارٍ قَالَ : نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ فَيْضِ طَهُورِ الْمَرْأَةِ .

63. Бани Фифордан бўлмиш бир кишидан⁶⁰ ривоят қилинди; у деди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам хотин кишининг таҳоратидан ортган сув (билан таҳорат олиш)дан қайтардилар».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Саржисдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Айрим фақиҳлар хотин кишининг таҳоратидан ортган сув билан таҳорат олмоқни макруҳ деб ҳисоблайдилар. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли мана бундай: (улар) хотин кишининг таҳоратидан ортган сув макруҳ эканини айтадилар, аммо ичган сувидан ортганининг зарари йўқ, деб ҳисоблайдилар.

٦٤ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ وَتَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ قَالَا حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ
عَنْ شُعْبَةَ عَنْ قَاسِمٍ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا حَاجِبٍ يُحَدِّثُ عَنِ الْحَكَمِ بْنِ عَمْرٍو
الغفاريّ « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَعَى أَنْ يَتَوَضَّأَ الرَّجُلُ بِمَنْضَلِ
طَهْرٍ الرَّأْوِ » أَوْ قَالَ : يَسْؤُرُهَا .

64. Ал-Ҳакам ибн Амр Ал-Фифорийдан ривоят қилинди: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам эркакни хотин кишининг таҳоратидан – ёки ичмоғидан, деди – ортган сув билан таҳорат олишдан қайтардилар».

Бу ҳадис ҳасан.

Абу Ҳожибнинг исми – Савада ибн Осим. Муҳаммад ибн Башиар ўз ҳадисиди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам эркакни хотин кишининг таҳоратидан ортган сув билан таҳорат олмоқдан қайтардилар» дейди ва (бу хусусда) шак (шубҳа)га бормайди.

⁶⁰Ҳофиз ибн Ҳажар бу кишининг Ал-Ҳакам ибн Амр эканлигини айтади.

48-БОБ

**МАВЗУ: ХОТИН КИШИНИНГ
ТАҲОРАТИДАН ОРТГАН СУВ
БИЛАН ТАҲОРАТ ОЛИШГА
РУХСАТ БОРЛИГИ**

٦٥ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا أَبُو الْأَمْوَصِ عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ
عَنْ عِكْرِمَةَ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ : « اغْتَسَلَ بَعْضُ أَرْوَاحِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي جَفْنَةٍ ، فَأَرَادَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يَتَوَضَّأَ
بِهَا ، فَقَالَتْ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنْ كُنْتُ جُنُبًا ، فَقَالَ : إِنْ أَسَاءَ
لَا يَجْنِبُ » .

65. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; у деди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти мутаҳҳараларидан битгалари жафнада(тоғорада) гусл қилдилар, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша идишдан таҳорат олмоқчи бўлган эдилар, аёллари айтдилар: «Ё Расулуллоҳ! Мен жунуб эдим...»⁶¹. Шунда (Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сув жунуб эмас-ку!» дедилар.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ⁶².

⁶¹Яъни, «Бу идишдаги сув менинг гусл таҳоратимдан ортган сув»дир, демоқчилар.

⁶²Аҳмад, Абу Довуд ва Ан-Насоий бу ҳадисни таҳриж қилишган. Аҳмад ва Муслим Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жуфти поклари Маймуна (розияллоҳу анҳо)нинг гусл таҳоратидан ортган сув билан ювинганларини, Ибн Аббосдан ривоят қилишади. Бу ривоятда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти мутаҳҳаралари Маймуна (розияллоҳу анҳо) эканлиги билдирилмоқда. Шу ҳадисга таяниб, ўтган бобда ворид бўлган наҳий (қайтариш) танзих учун эканлиги айtilган. Шунингдек, бу борада бундай дейилади: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам жуфти поклари Маймунанинг гусл таҳоратидан ортган сувга

Суфён Ас-Саврий, Молик ва Шофиънинг қавли шудир.

49-БОБ

МАВЗУ: (КЎП ВА ОҚАР) СУВНИ ҲЕЧ НАРСА БУЛҒАЙ ОЛМАЙДИ

٦٦ - حَدَّثَنَا هَنَّادٌ وَالْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ انْتِلَالُ وَغَيْرُ وَاحِدٍ قَالُوا :
 حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ عَنْ الْوَلِيدِ بْنِ كَثِيرٍ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ كَثْبٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ
 ابْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ رَافِعِ بْنِ خَدِيجٍ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ « قِيلَ :
 يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أُنْتَوَصَّا مِنْ بَيْتِ بُضَاعَةَ ، وَهِيَ بَيْتٌ يُنْتَقَى فِيهَا الْحَيْضُ
 وَالْحَوْمُ الْكِلَابِ وَالنَّتْنُ ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ
 الْمَاءَ طَهُورٌ لَا يَنْجَسُهُ شَيْءٌ » .

66.Абу Саъид Ал-Худрий (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди:

«Айтилдики, «Ё Расулуллоҳ! Бузоъа кудугидан таҳорат олаверайликми? У қудуққа ҳайз латгалари, итларнинг ўлиги ва сассиқ нарсалар ташланган?!»⁶³ Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Муҳаққики, (кўп) сувни ҳеч нарса булғай олмай-

таҳорат олмоқчи бўлганларида, Маймуна (розияллоҳу анҳо)нинг: «Мен жунуб эдим» дейишлари, наҳийнинг (маън этишнинг) анча олдинроқ мавжуд эканига далолат қилади. Бу ҳолатда жавоз (ижозат) ҳадиси наҳий (тақиқ) ҳадисининг ҳукмини насх этувчи (бекор қилувчи)дир.

⁶³Бузоъа, Хазраж қабиласининг бир уруғи бўлмиш Бани Саида (Саида ўғиллари)га мансуб бир оиланинг номидир. Қудуқ (ўра) шу оиллага нисбат берилган. Ат-Тоййибий, ўша нопок ва мурдор нарсалар мусулмонлар томонидан қудуққа ташланмаган, балки сел ва шамоллар оқизиб ва учириб келтирган, деган эҳтимолни баён этади. Муборакфурий кўпгина илм кишилари шундай фикрда эканлигини билдириб, «Зоҳир ва муқаррар гап шудир!» дейди.

ди!»

Бу ҳадис ҳасан.

Абу Усома бу ҳадисни жайид (сара) дейди. Абу Саъиднинг Бузоъа қудуғи ҳақидаги ҳадисини, Абу Усо-манинг ривоятидан кўра ҳасан (чиройлироқ) қилиб ҳеч ким ривоят қилмаган. Бу ҳадис Абу Саъиддан мутааддид ваҳҳлардан ривоят қилинган деб топилади.

Бу бобда Ибн Аббос ва Оиша (онамиз)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.⁶⁴

⁶⁴Муборакфурий, Термизий асарларига ёзган «Тухфат-ул-аҳвозий» номли шарҳида бу ҳадис билан боғлиқ бир қанча фойда-ни (изоҳ, маълумотни) зикр қилади. Бу ўринда шу фойдаларга юз-ланмоқ фойдали бўлар деб ўйлаймиз. Шунинг учун мухтасар қилиб шарҳлаб ўтамыз.

А) Бузоъа қудуғи (ҳовузи) Мадинада таниқли бир чоҳ эди. Кўл эмас, полизларни суғорадиган ҳовуз ҳам эмасди. Шундай бўлса эди, асосан қудуқ (арабча «бийр») деб аталмасди. Қудуқ оғзининг ўлчами (диаметри) олти аршин эди. «Ҳидоя» муаллифи Бузоъа қудуғи суви полизларга окқанини айтган. Шунингдек, Таҳовийнинг «Полизларга борадиган сув Бузоъа қудуғидан келарди», деган даъвоси ҳам далилсиз ва асоссиздир.

Б) Сувнинг қатъиян, ҳатто ичига тушган нажосат тунфайли ҳам ранги, таъми ёки ҳиди ўзгарса ҳам, булганмаган деб айтадиган зоҳирийлар, шу бобдаги ҳадис билан далил-исбот қилишади. Зоҳирийлардан бошқа барча мазҳабликлар бу ҳадиснинг умумий маъносини (ҳукмининг миқёсини) белгилашган.

Абу Умома марфуъ тарзида ривоят қилган ҳадис билан Ибн Можа томонидан таҳриж қилинган бу ҳадис бундай: «Сувни ҳеч нарса булғай олмайди, фақат ҳидини, таъминини ва рангини ўзгартирса, (шунда сув булганган) бўлади». Моликийлар (Имоми Молик тарафдорлари) шу ҳадисга таяниб, сувнинг ранги ё таъми ёки ҳиди ўзгарса, булганган бўлади, деб иқроф бўлишган.

Шофийийлар бу ҳадиснинг умумий маъносини «қуллатайн» (икки қулла) ҳадиси билан белгилашган. У ҳадис саҳиҳдир ва Ҳазрати Термизий ушбу бобдаги ҳадиснинг кетидан ўша ҳадисни зикр қилади. («Қуллатайн» (икки қулла) истилоҳининг изоҳи кей-инги ҳадисда келади.) Сув «қуллатайн», яъни икки қулла миқдоридан бўлса, ранги, таъми ёки ҳиди ўзгармагунча, булганмайди, аммо икки қулладан оз бўлса, уч сифатидан биронта-си ўзгармаса ҳам, булганани.

Ханафийлар эса ҳадиснинг умумий маъносини нуқтаи назар ва ижтиҳод билан белгилашган. Нажосат қўшилмаган сувнинг миқдорини аниқлаш ва белгилашда ханафийларнинг ўн икки, ҳатто ўн тўрт қавли бор. Имоми Муҳаммад «Ал-Муваттаъ» китобининг 66-саҳифасида бундай дейди: «Ҳовуз катта бўлиб, бир учи чайқатилганда нариги учи тебранмаса, (яъни, ҳовузнинг бир учида пайдо бўлган тўлқин иккинчи учига қадар етмаса), бу ҳовузга тушган нопок нарса сувни нопок қилмайди: борди-ю, ҳидини ёки таъминини ўзгартирса, унда сув булғанади. Агар ҳовуз кичик бўлса-ю, бир учи чайқатилганда иккинчи учи тебранса, у ҳовуздан итлар сув ичса ёки унга нопок нарса тушса, ундан таҳорат олинмайди. Бу айтганларимнинг ҳаммаси Имоми Абу Ханифанинг қавлидир». Ханафийлар чайқатиш йўли билан тайин ва таҳдид қилган қавл ана шу. Улардан олдинги олимлар ана шу қавлга эга бўлишган. Ханафий уламолар иттифоқидан кейинги мазҳаблар ўнга-ўн ʻашара (ʻашара фий ʻашара – ўн газга ўн газ) деб, белгилашган; бир газ 72 см бўлиб, ҳовузнинг бўйи ҳам, эни ҳам камида 7 метру 20см.дан бўлиши керак. (Таржимон)

В) Аҳамиятига кўра қудук сувларининг тозалиги ва нопоклиги ҳақида мазҳаблар қавлини бир-бир шарҳлайлик:

1.Зоҳирия мазҳаби. Бу мазҳаб фикрича, қудук суви хоҳ оз, хоҳ кўп бўлсин, ранги ёки таъми, ёхуд ҳиди хоҳ ўзгарсин, хоҳ ўзгармасин, ичига нажосат тушгани билан нопок бўлмайди.

2.Моликийлар мазҳабининг сўзи будир: Ранги ёки таъми, ҳиди ўзгарса нопок бўлади, йўқса, нопок бўлмайди. Моликийлар сувнинг озлиги ёки кўпчилигига қарамайди, тозалик ёки нопоклик ҳукмини уч сифатидан биронтаси ўзгартиш-ўзгармаслигига қарайди.

3.Шофийлар мазҳабининг сўзи будир: Қудук суви қуллатайн (икки қулла)дан оз бўлса, нопок бўлади. Икки қулла ёки ундан кўп бўлса, ранги, таъми ёки ҳиди ўзгармагунича, нопок бўлмайди.

4.Ханафий уламоларининг аввалгилари қавли: сатҳи бир учи ҳаракатланганда (чайқатилганда) бошқа учи тебранмайдиган даражада кенг бўлса, сув нопок бўлмайди, тор бўлса, нопок бўлади.

5.Ханафийларнинг кейинги уламолари қавли: Сатҳи ўн газга ўн газ бўлса, нопок бўлмайди, йўқса нопок бўлади.

6.Бу олтинчи қавл Имоми Муҳаммаддан ривоят қилинади: у айтадики, «Абу Юсуф билан мен, қудук сувини оқар ҳукмида бўлиши борасида бир тўхтамага келдик. Зеро, қудук суви тагидан қайнаб чиқади ва устидан олинади. Бу ҳолда қудук ҳаммом қувурларга ўхшайдики, бир томонидан ичига сув оқиб туради, иккинчи томонидан сув чиқиб туради». («Фатҳ-ул-Қодир»).

50-БОБ

**МАВЗУ: ЎТГАН МАСАЛА (ЯЪНИ КЎП
СУВНИ ҲЕЧ НАРСА НОПОК
ҚИЛМАСЛИГИ)**

٦٧ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ حَدَّثَنَا عَبْدَةُ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَاقَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ جَعْفَرِ بْنِ الزُّبَيْرِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: «سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يُسْأَلُ عَنِ الْمَاءِ يَكُونُ فِي النَّوْلَةِ مِنَ الْأَرْضِ وَمَا يَنْوُبُهُ مِنَ السَّبَاجِ وَالذَّوَابِّ؟ قَالَ: قَالَ: رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا كَانَ لِلْمَاءِ قَلْعَيْنِ لَمْ يَخْمَلِ الْخَبْثَ».

66. Ибн Умар (розияллоху анҳумо)дан ривоят қилинди; у деди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан эшитдим, у кишига, эгасиз ерлардаги йиртқич ва турли ҳайвонлар қўноғи (булоғи) бўлган сув ҳақида савол қилинди; шунда Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар сув куллатайн (икки кулла)⁶⁵миқдорида бўлса, у ҳеч нарсадан бўлганмайди»⁶⁶.

Абда, Муҳаммад ибн Исҳоқдан нақл этиб, бундай дейди: «Кулла» деб катта сув хумлари ва айни вақтда, сув ичиладиган улкан жомга айтилади.

Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ушбу: айтдиларки, сув икки кулла миқдорида бўлса, ҳиди ёки таъми ўзгармагунча, уни ҳеч нарса нопок қилмайди. Бу миқдор салкам беш тулум эканини айтишади.

⁶⁵Кулла – улкан куб (хум) маъносидадир. Уламолар икки куллани беш тулум деб қарор қилишган. Баъзилар эса беш юз ратл эканини айтишади. Шу нуқтан назардан, кулла 250 литрлик хумдир. (Таржимон иловаси): «Ғиёс-ул-луғот» китобида бундай дейилган: «Куллатайн – икки улкан хум маъносидадирки, унга бир минг икки юз ироқий ратл сув сиғади.

⁶⁶Имом ат-Термизий бу ҳадис борасида гапирмаган, фақатгина шу ҳадис билан амал қилган олимларнинг қавллари зикр қилиш билан кифояланган.

51-БОБ

МАВЗУ: ТУРГУН СУВДА СИЙИШ КАРОҲАТ
ЭКАНЛИГИ

٦٨ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ عَنْ مَعْمَرٍ عَنْ هَمَّامِ بْنِ مُنْبِهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « لَا يَبُولَنَّ أَحَدُكُمْ فِي الْمَاءِ الدَّائِمِ ثُمَّ يَتَوَضَّأُ مِنْهُ »

68.Абу Хурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди; Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирортангиз зинҳор турғун сувда пешоб қилиб, кейин ундан таҳорат олмасин!»⁶⁷

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу бобда Жобирдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

52-БОБ

МАВЗУ: ДЕНГИЗ СУВИ ТОЗАДИР

٦٩ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ عَنْ مَالِكِ بْنِ مَالِكٍ حَدَّثَنَا الْأَنْصَارِيُّ إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى حَدَّثَنَا مَعْمَرٌ حَدَّثَنَا مَالِكٌ عَنْ صَفْوَانَ بْنِ شَلْبَةَ عَنْ سَعِيدِ بْنِ سَلَةَ مِنْ آلِ ابْنِ الْأَزْرَقِ أَنَّ النُّعَيْرَةَ بْنَ أَبِي بُرْدَةَ - وَهُوَ مِنْ بَنِي عَبْدِ الدَّارِ - أَخْبَرَهُ أَنَّهُ سَمِعَ أَبَا هُرَيْرَةَ يَقُولُ : « سَأَلَ رَجُلٌ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ؛ إِنَّا نَرَكِبُ الْبَحْرَ وَنَحْمِلُ مَعَنَا الْقَلِيلَ مِنَ الْمَاءِ ؛ فَإِنْ تَوَضَّأْنَا بِهِ عَطِشْنَا ، أَفَنَتَوَضَّأُ مِنْ مَاءِ الْبَحْرِ . فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : هُوَ الطَّهْرُ مَاؤُهُ ، الْحِلُّ مَيْتَتُهُ » .

⁶⁷Ҳадис зоҳирий жиҳатдан умумий маънони ифодалайди. Ҳоҳ оз бўлсин, хоҳ кўп бўлсин, турғун сув мутлақо нопок эканлигидан далолат қилади, аммо ҳадиснинг бу умумий ҳукми билиттифик белгиланган. (64-изоҳ қаранг).

69. Абу Хурайра (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у бундай дейди: «Бир киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўради: «Ё Расулуллоҳ! Биз денгизда йўл юрамиз ва ўзимиз билан бирга оз сув олиб юрамиз. Ундан таҳорат олсак чанқаб қоламиз. Шу аҳволда денгиз сувидан таҳорат олсак бўладими?» Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «У(денгиз суви) тоза сувдир ва ўлимтиги ҳалолдир»⁶⁸

Бу бобда Жобир ва Ал-Фиросийдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис ҳасан-саҳих.

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлмиш фикҳ одамларидан

⁶⁸Шайх Муҳаммад ибн Исмоил «Субул-ус-салом» китобида бундай дейди: «Денгизнинг ўлимтиги»дан мурод денгизда ўлган ҳар қандай ҳайвон эмас, балки фақат денгизда яшаган ва охири денгизда ўлган жонивордир. Ҳадиснинг зоҳирий маъноси денгизда яшаб, денгизда ўлган ҳар қандай ҳайвон, ҳатто денгиз кучуги ва денгиз тўнғизининг ҳалол эканига далолат этади. Шайх Муборақфурий, илм аҳллари балиқдан бошқа денгиз ҳайвонлари борасида ихтилоф қилишганини билдириб, кейин баъзи имомларнинг бу масаладаги қарашларини баён қилади. Чунончи, ханафийлар наздида балиқдан бошқасининг гўшти ҳаром.

Имом Аҳмад фикрича, қурбақа ва тимсоҳдан бошқа барча денгиз жониворларининг гўшти ейилади.

Имом Молик ва ибн Лайло, денгизда яшаган ҳамма нарса (гўшти) мубоҳ эканлигини айтади.

Имоми Шофиъийдан бу масалада бир қанча қавл ривоят қилинади. Ҳофиз ибн Ҳажар «Фатҳ-ул-борий» китобида, балиқнинг барча турлари ҳалол эканлиги борасида уламолар орасида ихтилоф йўқлигини, фақат инсон, ит, тўнғиз ва илон сингари қуруқликда яшайдиган жонзодларга ўхшаш денгиз ҳайвонлари борасида ихтилоф бўлганини айтади. Бошқа бир қавлда эса, Имом Моликдай, денгизда яшаган ҳамма нарса мубоҳ эканини таъкидлайди. Денгиз жонзодларидан қуруқликда ўхшаши борлари ҳақида Шофиъий бундай дегани ривоят қилинади: «Қуруқликда ўхшаши борлари мубоҳ бўлса, унинг гўшти ҳам мубоҳ, агар ҳаром бўлса, унинг гўшти ҳам ҳаром».

кўпчилигининг қавли бундай; улар орасида Ҳазрати Абу Бакри Сиддик, Ҳазрати Умар, Ибн Аббос (розияллоҳу анҳум) ҳам борлар: «Денгиз сувида монёълик йўк». Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан баъзилари эса денгиз сувида таҳорат олишни макруҳ деб ҳисоблашган. Ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн Амр ана шулардан. Абдуллоҳ ибн Амр денгиз сувини « У оловдир!» дейди...

53-БОБ

МАВЗУ: СИЙДИК БОРАСИДА ҚАТЪИЙ ҲУКМ

۷۰ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ وَقَتَيْبَةُ وَأَبُو كُرَيْبٍ، قَالُوا: حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنِ الْأَعْمَشِ قَالَ: سَمِعْتُ مُجَاهِدًا يُعَدِّتُ عَنْ طَاوُسٍ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ: «أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ عَلَى قَبْرَيْنِ، فَقَالَ: إِنَّهُمَا يُعَذَّبَانِ، وَمَا يُعَذَّبَانِ فِي كَيْفٍ: أَمَّا هَذَا فَكَانَ لَا يَسْتَعِزُّ مِنْ بَوْلِهِ، وَأَمَّا هَذَا فَكَانَ يَمْسِي بِالنِّسَاءِ».

70.Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қабр ёнидан ўтдилар ва айтдилар: «Бу иккови ҳам азобланмоқда ва лекин катта бир ишдан азобланаётгани йўк»⁶⁹. Аммо мана бу (биттаси) сийдикдан эҳтиёт бўлмас эди, мана бу (иккинчиси) эса чақимчилик қилиб гап ташиб юрар эди».

Бу бобда Абу Ҳурайра, Абу Мусо, Абдурахмон ибн Ҳасана, Зайд ибн Собит ва Абу Бакр (розияллоҳу

⁶⁹Ибн Рақиқи л-Ийд, ҳадисдаги «катта иш» иборасини тафсир қилиб, бу ишнинг гуноҳи, шубҳасиз, оғир гуноҳ эканлигини Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларига таяниб, маълум қилади ва бундаги «катта бир ишдан азобланаётгани йўк» сўзидан, қабрда азоб мусталзим (лозим қилувчи) бўлган салбий ишдан (манъ этилган бу гуноҳдан) сақланиш осонлиги мурод этилганини айтади.

анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Мансур бу ҳадисни Мужоҳиддан, Ибн Аббосдан ривоят қилади ва санадида «Товусдан» деб айтади. Ал-Аъмашнинг ривояти янада саҳиҳроқ.

Вакиънинг мустамиъи (тингловчиси, котиби) Абу Бакр Муҳаммад ибн Аббон Ал-Балхийдан эшитдим, дейдики, «Вакиъдан бундай деганини эшитдим: «Ал-Аъмаш Иброҳимнинг иснодини Мансурдан кўра яхшироқ қайд этган».

54-БОБ

МАВЗУ: ЭМИЗИКЛИ БОЛАНИНГ СИЙДИГИ УСТИГА СУВ ТЎКИБ ТОЗАЛАМОҚ

٧١ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَأَمْحَدُ بْنُ مَنِيعٍ ، قَالَ : حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَيْرَةَ عَنْ أُمِّ قَيْسِ بِنْتِ مُحَمَّدٍ قَالَتْ « دَخَلْتُ بِأَبْنِ بْنِ عَلِيٍّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : يَا سَكْرَةَ الطَّامِمِ ، فَبَالَ عَلَيْهِ ، فَدَعَا بِمَاءٍ فَرَشَهُ عَلَيْهِ » .

71. Умму Қайс бинти Муҳсан (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; у дедики, «Эмизикли (ҳали овқат емайдиган) ўғилчамни олиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига кирдим. Бола у кишининг (қўйниларида туриб) кийимларини ҳўл қилиб қўйди. Шунда (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам) сув сўраб келтиртириб, сийдик теккан жойга сепдилар»⁷⁰.

⁷⁰Бу ҳадисни Бухорий ва Муслим ҳам ривоят қилишган. Фарқи шуки, Термизий, гўдак сийдиги устига сув сепганларини айтган бўлса, Бухорий ва Муслим, сийдик теккан жойга бутунлай сув тўкканларини айтишади. Ҳофиз ибн Ҳажар, икки маъно ораси-

Бу бобда (Ҳазрати) Али, Оиша, Зайнаб, Лубоба бинти Ал-Ҳарс, у Абдулмуттолибнинг ўғли бўлмиш Аббоснинг ўғли Фалднинг онасидир, Абус-Самх, Абдуллох ибн Амр, Абу Лайло ва Ибн Аббос (розияллоху анхум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобиъийндан ва табаъи тобиъийндан бўлган илм кишиларидан кўпининг қавли ушбудир. Аҳмад ва Исҳоқ ҳам шулар орасида бор; айтадиларки, «Ўғил боланинг сийдиги устига сув тўкилади, қиз боланинг сийдиги бўлса ювиб ташланади»⁷¹.

Бу ҳукм, ҳали овқат ея бошламаган эмизикли болаларга оид. Овқат ея бошлаганларида ҳар иккисининг ҳам сийдиги ювилади.

да, яъни «сув сепмоқ» маъносида келган «рошш» сўзи билан, сув тўкмоқ маъносида келган «надҳ»сўзи орасида қарама-қаршилик йўқлигини, чунки аввал томизиб-томизиб тўкишдан бошлаб, кейин оқизиб тўкканини баён этади. Термизий бу ҳадисни «рошш» ривояти билан таҳриж қилган ҳолда, шу бобнинг сарлавҳасида «надҳ» иборасини қўллаётир. Дикқат қилинса, таржимада бу хусусга риоя қилинган.

⁷¹Ҳофиз ибн-ул-Қаййум «Аълам-ул-мувакқийн» китобида бундай дейди: «Бу масалада фақиҳларнинг уч қавли бор: иккаласининг сийдиги ҳам ювилади; иккисининг ҳам сийдиги устига сув тўкилади; қиз боланинг сийдиги ювилиб, ўғил боланинг сийдиги устига сув тўкилади, Ибнул-Қаййим, ўғил боланинг сийдиги билан қиз боланинг сийдиги ораси ажратилишига асосан уч сабаб кўрсатади ва айтадики, «Ўғил бола қиз боладан уч жиҳатдан фарқлидир:

1)ўғил бола қўйинларда (қучоқларда) кўпроқ айланади ва шу сабабдан сийдигини ювишликда қийинчилик ва машаққат пайдо бўлади;

2)қиз боладек сийдигини бир жойга оқизмайди, у ер-бу ерга оқизади;

3)қиз боланинг сийдиги ёмонроқ ҳид чиқаради. Бу фарқ эркакнинг ҳарорати ва қиз боланинг рутубати (намчишлиги) туфайли юзага келади. Чунончи, эркакнинг ҳарорати рутубатни қуритади ва сийдикнинг ҳидланишини озайтиради.

55-БОБ

МАВЗУ: ГҮШТИ ЕЙИЛАДИГАН ҲАЙВОН
СИЙДИГИ

۷۲ — حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ مُحَمَّدٍ الرَّعَقَرَانِيُّ حَدَّثَنَا عَفَانُ بْنُ نَسْرِ حَدَّثَنَا
 حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ حَدَّثَنَا حَمِيدٌ وَقَتَادَةُ وَنَابِتٌ عَنْ أَنَسٍ : « أَنَّ نَاسًا مِنْ عَرَبِيَّةٍ
 قَدِمُوا الْمَدِينَةَ فَأَجْتَمَعُواهَا ، فَبَعَثَهُمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي إِبِلٍ
 لَصَدَقَةٍ ، وَقَالَ : أَشْرَبُوا مِنْ ألبَانِهَا وَأَبْوَالِهَا . فَقَتَلُوا رَسُولَ اللَّهِ
 صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَأَسْتَأْفُوا الْإِبِلَ ، وَأَرْتَدُّوا عَنِ الْإِسْلَامِ ، فَأَتَى يَوْمَ
 النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَطَعَ أَيْدِيَهُمْ وَأَرْجُلَهُمْ مِنْ خِلَافٍ ، وَتَمَرَّ
 أَعْيُنَهُمْ ، وَأَقَامَهُمْ بِالْحَرَوِ . قَالَ أَنَسٌ : فَكُنْتُ أَرَى أَحَدَهُمْ يَكْدُ الْأَرْضَ
 بِفِيءٍ ، حَتَّى مَاتُوا » . وَرَبَّنَا قَالَ حَمَّادٌ : « يَكْدُمُ الْأَرْضَ بِفِيءٍ ، حَتَّى
 مَاتُوا » .

72. Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:
 «Урайнадан (баъзи) инсонлар Мадинага келишди ва бу
 ер ҳавосини оғир кўришди. (Қорин оғриғига учраб
 қолишди). Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам
 садақа (закот) туяларини уларга кўшиб (шаҳар
 ташқарисига) жўнатдилар ва «Буларнинг сутидан ва
 сийдикларидан ичинглар», дедилар. Улар эса (ичиб,
 соғайгач) Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам-
 нинг туябоқарини ўлдиришди, туяларини ҳайдаб ке-
 тишди, Ислом динидан чиқишди. Сўнг (ушланиб) На-
 бий саллalloҳу алайҳи ва салламга келтирилдилар.
 Шунда (жиноятларининг жазоси ўларoқ) уларнинг
 кўл-оёқларини қарама-қаршисига (ўнг кўл билан чап
 оёқ ёки чап кўл билан ўнг оёқ тарзида) кесдилар;
 кўзларини ўйдилар ва Ҳарро⁷² (деган тошлоқ ер)га

⁷²Ҳарро Мадинадаги маълум бир жойдир. Луғавий маъноси
 «Қора тошли жой» демакдир. Муборакфурий, бу ерга тапшланиш-

ташлаб қўйдилар. Анас айтадики, «Улардан биттаси оғзи билан ерни кўпораётганини кўрардим. Ниҳоят, ўлдилар»... Чамаси, Ҳаммод (ҳадис охирини) бундай баён қилади: «(Улардан биттаси) ер тишлаётганини кўрардим. Ниҳоят, ўлдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Анасдан мутааддид важҳлардан ривоят қилинган. Илм кишиларидан кўпининг қавли ушбудир: «Гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг сийдиги(ни ичмоқлик)да монелик йўқ.

۷۳ — حَدَّثَنَا الْفَضْلُ بْنُ سَهْلٍ الْأَعْرَجِيُّ الْبَغْدَادِيُّ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غِيْلَانَ قَالَ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ حَدَّثَنَا سَلْمَانَ التَّمِيمِيُّ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: «إِنَّمَا سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَعْيَنَهُمْ لِأَنَّهُمْ سَمِعُوا أَعْيَنَ الرَّعَاةِ» .

73. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у деди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам у (жиноятчи)ларнинг кўзларини ўйганликларига ягона сабаб шуки, улар туябоқарларнинг кўзларини ўйишган эди».

Бу ҳадис ғариб.

Бу ҳадисни, Шайх (Яҳё ибн Ғайлон)дан бошқа киши Язид ибн Зубайрдан ривоят қилганини билмаймиз. «Жароҳатларга ҳам қасос олинади» деган оятнинг маъноси шудир⁷³. Муҳаммад ибн Сийрийндан бундай

ларининг сабабига ишорат қилиб, «чунки улар жиноятларини шу ерга яқин жойда содир этишган эди» дейди.

⁷³Бу «Моида» сурасининг 45 — оятидир. Оятнинг маъноси бундай: «Унда (яъни Тавротда) уларга (Бани Исроилга) «Жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, қулоққа қулоқ, тишга тиш ва (яна бошқа барча) жароҳатларга ҳам қасос олинади», деб ёзиб қўйдик». Яъни, жонга қасд қилганнинг жонига қасд қилинади, кўз ўйганнинг кўзи ўйилади, бурун кесганнинг бурниси кесилади, қулоқ узганнинг қулоғи узилади, тиш синдирганнинг тиши синдирилади ва жароҳатлар учун ҳам, мумкин бўлса, қасос олинади. Масалан, қўл, оёқ, таносил аъзолари каби аъзоларда қасос олиш мум-

дегани ривоят қилинади: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам уларни бу жазога тортишлари фақат шаръий жазолар нозил бўлишидан олдин содир бўлган эди».

56-БОБ

МАВЗУ: ЕЛ ЧИҚАРГАНДА ҲИДИ СЕЗИЛСА,
ТАҲОРАТ ОЛИШ ЛОЗИМ БЎЛАДИ

٧٤ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَهَدَّادٌ قَالَا حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ شُعْبَةَ عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا وَضُوءَ إِلَّا مِنْ صَوْتِ أَوْ رِيحٍ».

74.Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Фақатгина (ел туфайли чиққан) овоз ёки ҳиддан таҳорат олиш лозим бўлади».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٧٥ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ مُحَمَّدٍ عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا كَانَ أَحَدُكُمْ فِي السُّجْدِ فَوَجَدَ رِيحًا بَيْنَ أَلْيَتَيْهِ فَلَا يَخْرُجُ حَتَّى يَسْمَعَ صَوْتًا أَوْ يَجِدَ رِيحًا».

75.Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Агар сизлардан биронтангиз масжидда бўлиб, икки бути орасидан бирор ҳид сезса, токи ел овозини эшитмагунича ёки ҳидини пайқамагунича чиқиб кетмасин»⁷⁴

кин. Бу ҳукм Бани Исроил борасида зикр қилинган бўлса-да, аммо (Қуръонда келгани учун) Ислom шариятида ҳам муқаррардир.

⁷⁴Имом Ан-Нававий бу ҳадис тўғрисида бундай дейди: «Бу ҳақиқий ҳадислардан биридир ва диний қоидалардан улкан бир қоидадир. Дарвоқе, ҳар нарсанинг хилофи (акс ҳоли) аниқ маълум

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Зайд, Али ибн Толқ, Оиша, Ибн Аббос, Ибн Масъуд ва Абу Саъид (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис ҳасан-саҳих.

Умоманинг қавли ушбудир: «Фақат ҳадас (ел чиқиши) туфайли таҳорат олиш лозим бўлади, чунончи ел овозини эшитиши ёки ҳидини пайқаши керак». Абдуллоҳ ибн Муборак бундай дейди: «Таҳоратим бузилди, деб шубҳа қилса, унда қасам ичадиган даражада аниқ билмагунича, таҳоратини янгилаши вожиб эмас. Хотин кишининг олдидан ел чиқса, таҳорат олиши вожиб бўлади». Шофиъий ва Исҳоқнинг қавли шудир⁷⁵.

۷۶ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنْ
 هَمَّامِ بْنِ مَثَبٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « إِنْ أَلَّهَ
 لَا يَقْبَلُ صَلَاةَ أَحَدِكُمْ إِذَا أَحْدَثَ حَتَّى يَتَوَضَّأَ » .

76.Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят

бўлмагунича, асл ҳоли сақланиб қолган, деб ҳукм қилинади ва бу асл (ҳолат) шубҳа-гумон ва иккиланиш билан йўқ бўлмайди. Шу қоидага кўра, таҳорат олганини аниқ билиб тургач, таҳоратига шубҳа қилган киши таҳоратлидир, деб ҳукм қилинади».

⁷⁵Абу Ҳанифа, аёлниг олдидан ел чиқса, таҳорат олиши лозим эмас, деб ҳисоблайди. Чунки, бу камдан-кам учрайдиган бир ҳолатдирки, инсон буни билишга қодир эмас. Ибнул-Хумом закардан чиққан ел, аслида ел эмас, балки бир ихтилож (андомнинг сакраши) эканини айтиб, «Бу таҳоратни бузмайди» дейди. Шундай қилиб, бу масалада икки хил қавл устида ихтилоф қилинган:

1.Хотин кишининг ва эркак кишининг олдидан чиққан ел таҳоратни бузади. Чунки, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: олд ва орқа йўлларида чиққан ҳар қандай нарса таҳоратни бузади, деб уқтирганлар. Сабабнинг хусусиятига эмас, балки лафзнинг умумий маъносига эътибор қилинади. Яъни, ел ҳам бир нарсадир, у ҳам таҳоратни бузади. Шофиъийнинг қавли ана шундай.

2.Хотин ёки эркак кишининг олдидан чиққан ел таҳоратни бузмайди. Чунки, бу аслида ел эмас, балки бир ихтилождан иборатдир. Абу Ҳанифа ана шу қавлга эга бўлганлар.

қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирор кишининг таҳорати бузилса, то таҳорат олмагунича, намозини Аллоҳ қабул қилмайди».

Бу ҳадис ғариб-ҳасан-саҳиҳ.

57-БОБ

МАВЗУ: УХЛАСА, ТАҲОРАТ ОЛМОҚ ЛОЗИМ БЎЛИШИ

۷۷ - حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ مُوسَى - كوفي - وَهَنَادٌ وَمُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ
 الْحَارِثِيِّ، اللَّعْمِيُّ وَاحِدٌ، قَالُوا: حَدَّثَنَا عَبْدُ السَّلَامِ بْنُ حَزْبِ الْمَلَائِكِ عَنْ أَبِي حَالِدِ
 الدَّالَائِيِّ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ أَبِي الْعَالِيَةِ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ: «أَنَّكَ رَأَى النَّبِيَّ
 صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَامَ وَهُوَ سَاجِدٌ، حَتَّى غَطَّ أَوْ نَفَعَ، ثُمَّ قَامَ بَصَلَى،
 فَصَلَّتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّكَ قَدْ نِمْتَ؟ قَالَ: إِنْ الْوُضُوءَ لَا يَجِبُ إِلَّا
 عَلَى مَنْ نَامَ مُضْطَجِعًا، فَإِنَّهُ إِذَا اضْطَجَعَ اسْتَرْخَتْ مَفَاصِلُهُ.»

77.Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди: У киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сажда қилган ҳолда ухлаб қолганларини кўрди. «Ҳатто хуриллай бошладилар ёки пишиллай бошладилар. Кейин туриб намоз ўқидилар. Шунда мен: «Ё Расулulloҳ, Сиз ҳақиқатан ухлагингиз-ку?» дедим. Айтдиларки, «Фақат ётиб (чўзилиб) ухлаган кишига таҳорат олиш лозим бўлади, чунки у чўзилганида бўғимлари ўзини қўйиб юборади».

Абу Холиднинг исми - Язид ибн Абдулрахмон. Бу бобда Оиша, Ибн Масъуд ва Абу Хурайра (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

۷۸ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ عَنْ شُعْبَةَ

عَنْ قَتَادَةَ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ : « كَانَ أَصْحَابُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : يَنَامُونَ ثُمَّ يَقُومُونَ فَيُصَلُّونَ ، وَلَا يَتَوَضَّؤْنَ . »

78. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари (ўтириб) ухлашар, кейин туриб намозларини ўқишар, таҳорат олишмас эди.⁷⁶

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Солиҳ ибн Абдуллоҳдан эшитдим, бундай деди: «Абдуллоҳ ибн Ал-Муборақдан, ўтирган жойида суяниб ухлаган киши ҳақида сўрадим, «Унга таҳорат лозим бўлмайди», деди.

Саъид ибн Абу Аруба, Ибн Аббоснинг ҳадисини Қатодадан, Ибн Аббосдан зикр қилиб, Абул-Олияни зикр қилмаган ҳамда ҳадисни рафъ этмаган. (Расулulloҳгача юксалтирмаган).

Уламолар, уйку туфайли бўладиган таҳорат масаласида ихтилоф қилдилар. Кўплари, ўтирган жойида ёки тик туриб ухлаган кишига, то у ётмагунича, таҳорат лозим бўлмайди, деб ҳисоблайдилар. Ас-Саврий, Ибнул-Муборақ ва Аҳмаднинг қавли шудир. Баъзилари эса бундай дейди: «Агар ақлига ҳоким бўлмайдиган даражада уйкуга толса, таҳорат олмоғи лозим».

Исҳоқнинг қавли шудир. Имоми Шофиъийнинг фикрича ўтириб ухлаган киши, уйқусида туш кўрса ёки маъқади (орқаси) ёки ўриндиғи уйку таъсирида силжиса,

⁷⁶ Абу Довуднинг ривоятида бундай дейилади: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари хуфтон намозини кутиб, бошлари букилиб кетар, кейин намоз ўқишар, таҳорат олишмасди». Бу ривоятдан саҳобалар ўтирган жойларида ухлаганлари тушунилади.

таҳорат олиши лозим бўлади*.

58-БОБ

**МАВЗУ: ОЛОВДА ПИШГАН ТАОМ (ЕЙИШ)
ТУФАЙЛИ ТАҲОРАТ ЛОЗИМЛИГИ**

٧٩ - حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي نَعْمَانَ قَالَ حَدَّثَنَا سُؤْيَبَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ مُحَمَّدِ
ابْنِ عَمْرٍو عَنْ أَبِي سَلَمَةَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « الْوُضُوءُ مِمَّا مَسَّتِ النَّارُ ، وَأَوُّ مِنْ مَوْرِ أَقِطٍ . قَالَ :
فَقَالَ لَهُ ابْنُ عَبَّاسٍ : يَا أَبَا هُرَيْرَةَ ، أَتَوَضَّأُ مِنَ الدُّهْنِ ؟ أَتَتَوَضَّأُ
مِنَ الْحَمِيمِ ؟ قَالَ : فَقَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ : يَا ابْنَ أَخِي ، إِذَا تَمَمْتَ حَدِيثَنَا
عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَا تَضْرِبْ لَهُ مَثَلًا . »

79.Абу Хурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди: у деди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олов теккан ҳамма нарса, ҳатто пишлоқ парчаси (ейиш) туфайли ҳам таҳорат олиш лозим бўлади», – деб айтдилар. Шунда Ибн Аббос: «Ё Або Хурайра! Ёғ (ейиш) туфайли ҳам таҳорат оламизми? Қайноқ сув (ичиш) туфайли ҳам таҳорат оламизми?...» – деб сўради. Шунда Абу Хурайра айтди: «Эй биродарзодам! Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир ҳадис эшитдингми, унга мисол топишга уринма!»⁷⁷. Бу

*Таржимон иловаси: «Мухтасар ул-виқоя»нинг ўзбекча шарҳида бундай фатво баён қилинган: «Ва бир нимарсага суяниб ухламоқ таҳоратни бузгай, агар суянган нарсани олганда йиқилиб кетар эҳтимоли бўлса. Аммо ул суянган нарсасини олганда ўлтириб қолса, таҳоратни бузмас. Намозда тик турган ҳолда ва рукуьда, саждада ухламоқ таҳоратни синдирмагай. Ушбудек, «Мухит» китобида мазкурдир»).

⁷⁷Баъзи илм аҳллари оловда пишган таом ейиш туфайли таҳорат лозим бўлади, деб айтишган. Уларнинг далили – шу ҳадис.

бобда Умму Ҳабиба, Умму Салама, Зайд ибн Собит, Абу Талҳа, Абу Аййуб ва Абу Мусо (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган. Баъзи илм кишилари, оловда пишган таом (ейиш) туфайли таҳорат олиш лозим, деган фикрга эга бўлишган. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобиъийндан ва табаъа тобиъийндан бўлмиш илм одамларининг кўпи эса, таҳорат олиш лозим эмас, деган фикрдалар.

59-БОБ

МАВЗУ: ОЛОВДА ПИШГАН ТАОМ (ЕЙИШ) ТУФАЙЛИ ТАҲОРАТ ЛОЗИМ ЭМАСЛИГИ

۸۰ — حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ قَالَ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُحَمَّدِ بْنِ عَقِيلٍ تَمِيمَ جَابِرًا ، قَالَ سُفْيَانُ : وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ ابْنُ الْمَكْدِيِّ عَنْ جَابِرٍ قَالَ : « خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنَا مَعَهُ ، فَدَخَلَ عَلَى امْرَأَةٍ مِنَ الْأَنْصَارِ ، فَذَبَحَتْ لَهُ شَاةً فَأَكَلَ ، وَأَتَتْهُ بِقِنَاعٍ مِنْ رُطْبٍ فَأَكَلَ مِنْهُ ، ثُمَّ تَوَضَّأَ وَصَلَّى ، ثُمَّ أَنْصَرَفَ ، فَأَتَتْهُ بِمِلَاحٍ مِنْ عِلَالَةِ الشَّاةِ ، فَأَكَلَ ، ثُمَّ عَلَى الْعَصْرِ وَإِلَيْهِ تَوَضَّأَ » .

80. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам чикдилар ва мени ёнларига олиб Ансорийлардан бўлмиш бир хотиннинг уйига кирдилар. Хотин у кишига бир қўй сўйди ва у киши (қўй гўшtidан) едилар. Кейин бир идишда янги хурмо келтирди, ундан ҳам едилар. Кейин таҳорат олиб, намоз ўқидилар. Намоз ўқиб бўлганларидан сўнг, хотин у кишига қўйнинг

Аммо илм аҳлининг кўпи, кейин шархланганидек, бу ҳадиснинг (ҳукми) мансух (бекор) бўлганини айтишади. Ёғ ва қайноқ сув деганда оловда пиширилган ёғ ва қайнатилган (иситилган) сув назарда тутилган.

қолган гўшгидан яна келтирди ва (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам) едилар. Кейин эса (янги) таҳорат олмасдан, аср намозини ўқидилар».

Бу бобда Абу Бакр Сиддик, Ибн Аббос, Абу Ҳурайра, Ибн Масъуд, Абу Рофиъ, Уммул-Ҳақам, Амр Ибн Умаййа, Умму Амир, Сувайд ибн Ан-Нуъмон ва Умму Салама (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Ҳазрати Абу Бакрнинг бу бобдаги ҳадиси исноди жиҳатидан саҳиҳ эмас, ёлғиз Хусом ибн Мисоқ бу ҳадисни Ибн Сийрийндан, Ибн Аббосдан, Абу Бакрдан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади. Саҳиҳ ҳадис эса Ибн Аббосдан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилинган ривоятдир. Ҳадис ҳофизлари ана шундай ривоят қилишган. Чунончи, бу ҳадис Ибн Сийрийндан, Ибн Аббосдан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мутааддид ваҳҳлардан ривоят қилинган. Ато ибн Ясор, Икрима, Муҳаммад ибн Амр ибн Ато, Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос ва яна бошқалар буни Ибн Аббосдан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилдилар ва «Абу Бакр Сиддикдан» демадиларки, бу ривоят янада саҳиҳроқдир.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобиъийндан ва табаъи тобиъийндан бўлган илм одамларининг кўпи наздида амал шу ҳадис асосидадир. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ ҳам шулардандир: Олов теккан таом туфайли таҳорат лозим эмас, деган тўхтамдалар.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган икки ҳукмнинг охиргиси шудирки, бу ҳадис биринчи ҳадисдаги «олов теккан ҳамма нарса туфайли таҳорат олиш лозим бўлади», деган ҳукми бекор қилувчи моҳиятга эгадир.

60-БОБ

МАВЗУ: ТУЯ ГҶШТИ (ЕЙИШ) ТУФАЙЛИ
ТАҲОРАТ ЛОЗИМ БЎЛИШИ

۸۱ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الرَّازِي عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي كَيْلِبٍ عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ قَالَ «سُئِلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْوُضُوءِ مِنَ لُحُومِ الْإِبِلِ؟ فَقَالَ: تَوَضَّؤُوا مِنْهَا. وَسُئِلَ عَنِ الْوُضُوءِ مِنَ لُحُومِ النَّمْرِ؟ فَقَالَ: لَا تَتَوَضَّؤُوا مِنْهَا.»

81. Ал-Барро ибн Озиб (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди; у деди:

«Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан, Туя гўшти еганда таҳорат (олиш) лозим бўладими? - деган савол сўралди. Шунда айтдилар: «Ундан еганда таҳорат олингизлар!» (Сўнг) Қўй гўшларидан (еганда) ҳам таҳорат олинадими? – деб сўралди. Шунда бундай дедилар: «Қўй гўшларидан еганда (агар таҳоратли бўлсангизлар) таҳорат олмангизлар!»

Бу бобда Жобир ибн Самура ва Усайд ибн Хузайрдан ҳадис ривоят қилинган. Ал-Ҳажжож ибн Артоа бу ҳадисни Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳдан, Абдуррахмон ибн Абу Лайлодан, Ал-Барро ибн Озибдан ривоят қилади. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Убайда Ад-Даббнй эса, Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Ар-Розийдан, Абдуррахмон ибн Абу Лайлодан, Зул-Фурро Ал-Жуханийдан ривоят қилади.

Ҳаммод ибн Салама эса Ал-Ҳажжож ибн Артоадан ривоят қилади ва исмда янглишиб, «Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ибн Абу Лайлодан, унинг отасидан, Усайд ибн Хузайрдан», дейди. Саҳиҳ ривоят ушбу: Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Ар-Розийдан, Абдуррахмон ибн Аби Лайлодан, Ал-Барро ибн Озибдан».

Бу бобда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва сал-

ламдан иккита ҳадис саҳиҳ бўлиб келган: Ал-Барронинг ҳадиси билан Жобир ибн Самураинг ҳадиси.

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Тобиъийндан ва табаъи тобиъийндан баъзи илм одамлари, туя гўшти туфайли таҳорат лозим бўлмайди, деган фикрда эканлари ривоят қилинган. Суфён Ас-Саврий ва Куфа фақиҳларининг қавли ҳам шудир⁷⁸.

61-БОБ

МАВЗУ: ЗАКАРИГА ҚЎЛ ТЕККИЗГАНДА ТАҲОРАТ ЛОЗИМ БЎЛИШИ

۸۴ — حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ قَالَ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ الْقَطَّانُ
عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ قَالَ أَخْبَرَنِي أَبِي عَنْ بُرَيْرَةَ بِنْتِ صَوَّانٍ أَنَّ النَّبِيَّ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « مَنْ مَسَّ ذَكَرَهُ فَلَا يَصِلُ حَتَّى يَتَوَضَّأَ » .

⁷⁸«Туя гўшти еганда таҳорат лозим бўлиш-бўлмаслиги борасида олимлар ихтилоф қилишди. Кўшлари, туя гўшти ейиш таҳоратни бузмайди, деган фикрга эга бўлишган. Хулафои рошидийн — Ҳазрати Абу Бакр Сиддик, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон, Ҳазрати Али, шумингдек, (Абдуллох) Ибн Масъуд Убай ибн Каъб, Ибн Аббос, Абуд-Дардо, Абу Талха, Омир ибн Робияъа, Абу Умома, (розияллоху анҳум ажмаъийн) тобиъийларнинг ҳаммаси, Молик, Абу Ҳанифа, Шофиъий ва биродарларининг қавли шудир. Аҳмад ибн Ханбал, Исҳоқ ибн Раҳовайх, Яҳё ибн Раҳовайх, Яҳё ибн Яҳё, Абу Бакр ибн Ал-Мунзир ва Ибн Хузаймаинг фикрича, туя гўшти таҳоратни бузади. Ҳофиз Абу Бакр Ал-Байхақий ҳам шу қавлини танлаган. Булар Ал-Барро ибн Озибнинг ҳадиси билан истидлол (далил-исбот) этишади.

Бу йўл, жумҳурнинг муҳолафатига (қаршилигига) қарамай, далил жиҳатдан кучлироқ. Жумҳур эса, оловда пишган таом туфайли таҳорат лозим бўлмайди, деган ҳадис билан тамассук (сабр-таҳаммул) қилмоқдаки, Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилинган энг охири ҳукм шудир. Аммо бу ҳадис ҳадиси омма (оммавий, умумий) ва туя гўшти еганда таҳорат лозим бўлади, деган ҳадис — ҳадиси хосдир. (Ан-Нававий).

82. Бусро бинти Софван (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимки закарига қўл теккизса, токи таҳорат олмагунича, намоз ўқимасин».

Бу бобда Умму Ҳабиба, Абу Аййуб, Абу Хурайра, Арво бинти Унайс, Оиша, Жобир, Зайд ибн Холид ва Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинди.

Бу ҳадис саҳих. Буни мутааддид кишилар шу тарзда Ҳишом ибн Урвадан, унинг отасидан, Бусродан ривоят қилишган.

۸۳ — وَرَوَى أَبُو أُسَامَةَ وَغَيْرُهُ وَاحِدٍ هَذَا الْحَدِيثَ عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ مَرْوَانَ عَنْ بُشَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَحْوَهُ . حَدَّثَنَا بِذَلِكَ إِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ هَذَا .

83. Абу Усома ва бошқалар шу ҳадисни Ҳишом ибн Урвадан, унинг отасидан, Марвондан, Бусродан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан айнан ривоят қилдилар. Шу ҳадисни бизга, Абу Усомадан нақл этиб, Исҳоқ ибн Мансур сўзлаб берди.

۸۴ — وَرَوَى هَذَا الْحَدِيثَ أَبُو الزُّنَادِ عَنْ عُرْوَةَ عَنْ بُشَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ . حَدَّثَنَا بِذَلِكَ عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ قَالَ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ أَبِي الزُّنَادِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عُرْوَةَ عَنْ بُشَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَحْوَهُ .

84. Худди шу ҳадисни Абуз-Занод Урвадан, Бусродан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган. Шу ҳадисни бизга Али ибн Ҳижр сўзлаб берди ва айтдики, «Бизга Абдурраҳмон ибн Абуз-Занод ўз отасидан, Урвадан, Бусродан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан келтириб сўзлаб берди». Ўтган ҳадиснинг ўзи.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъидан мугааддид кишиларнинг қавли шудир. Авзойи, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳокнинг қавли ҳам шудир. Муҳаммад⁷⁹ айтадики, «Бу бобдаги энг саҳиҳ ҳадис Бусронинг ҳадисидир».

Абу-Зуръо, «Умму Ҳабибанинг бу бобдаги ҳадиси саҳиҳдир», дейди. Бу ҳадис Ал-Аъло ибн Ал-Ҳорис, Макхулдан, Анбаса ибн Абу Суфъндан, Умму Ҳабибадан ривоят қилган ҳадисдир.

Муҳаммад (Ал-Бухорий) бундай дейди: «Макхул Анбаса ибн Абу Суфъндан эшитмаган. Макхул бошқа бир ҳадисни Анбасадан бир ровий орқали ривоят қилаётир». Муҳаммад бу ҳадисни саҳиҳ деб кўрмагани тушунилмоқда.

62-БОБ

МАВЗУ: ЗАКАРГА ҚЎЛ ТЕККИЗИШ ТУФАЙЛИ ТАҲОРАТ ЛОЗИМ ЭМАСЛИГИ

80 — حَدَّثَنَا هَذَا ، حَدَّثَنَا مَلَايِمُ بْنُ عَمْرٍو عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بَدْرِ عَنْ قَيْسِ بْنِ طَلْحَةَ بْنِ عَلِيٍّ هُوَ أَحْسَنُ عَنْ أَبِيهِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « وَهَلْ هُوَ إِلَّا مَضْمَةٌ مِنْهُ ؟ أَوْ بَضْمَةٌ مِنْهُ ؟ » .

85. (Ҳазрати) Али (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «У (закар) инсондан бир гўшт парчаси ёки унинг бир қисмидир, холос!».

Бу бобда Абу Умомадан ҳадис ривоят қилинган. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир қанча саҳобаларидан ва айрим тобиъийлардан, закарни ушлаганда таҳорат лозим эмас, деган фикрда эканликлари ривоят қилинади. Куфа аҳлининг ва Ибнул-Муборакнинг қавли шудир⁸⁰. Бу ҳадис ушбу бобда риво-

⁷⁹ Имом Бухорий назарда тутилган.

⁸⁰ Ал-Хозимий «Китоб ул-эйтибор»нинг 40-саҳифасида бундай

ят қилинган ҳадисларнинг энг ҳасанидир. Аййуб ибн Утба ва Муҳаммад ибн Жобир шу ҳадисни Қайс ибн Толқдан, унинг отасидан ривоят қилишган. Баъзи муҳаддислар, Аййуб ибн Утба билан Муҳаммад ибн Жобирни танқид қилишади. Мулозим ибн Амрнинг Абдуллоҳ ибн Бадрдан ривоят қилган ҳадиси саҳиҳ ва янада ҳасандир.

63-БОБ

МАВЗУ: ҲАҚИҚАТ ТУФАЙЛИ ТАҲОРАТ ЛОЗИМ ЭМАСЛИГИ

۸۶ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ ، وَهَنَّادٌ ، وَأَبُو كُرَيْبٍ ، وَأَبُو إِسْحَاقَ بْنِ عَمَّارٍ ، وَأَبُو عَمْرٍو بْنُ حَرْبٍ قَالُوا : حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ حَبِيبِ بْنِ أَبِي ثَابِتٍ ، عَنْ عُرْوَةَ عَنِ عَائِشَةَ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبِلَ بَعْضَ نِسَائِهِ ، ثُمَّ خَرَجَ إِلَى الصَّلَاةِ وَلَمْ يَتَوَضَّأْ . قَالَ : قَدْتُ : مَنْ مِنْي إِلَّا أَنْتِ ؟ قَالَ : فَضَحِكَتْ . »

86. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:*
«Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам жуфти

дейди: «Илм одамлари бу масалада ихтилоф қилишган. Бировлари Толқ ибн Алининг ҳадисига амал қилиб, закарни ушлаш туфайли таҳорат лозим эмас, деб айтишган. (Ҳазрати) Али ибн Абу Толиб, Аммор ибн Ёсир, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббос, Хузайфа ибн Ал-Ямон, Имрон ибн Хусайн, Абду-Дардо, Саъд ибн Абу Ваққос (икки ривоятдан бирига биноан), Саъид ибн Ал-Мусаййаб (икки ривоятдан бирига биноан), Саъид ибн Жубайр, Иброҳим Ан-Наҳоий, Робиъа ибн Абдурраҳмон, Суфён Ас-Саврий, Абу Ҳанифа ва биродарлари, Яҳё ибн Маййн ва Куфа аҳлининг шу тўхтамда эканликлари ривоят қилинган». Булар, Толқ ибн Алининг шу бобдаги ҳадиси билан истидлол (далил-исбот) қиладилар. Ибнул-Хумом, Софваннинг қизи Бусронинг ҳадиси ҳақида (ўтган 61-бобнинг ҳадиси) бундай дейди: «Толқ ибн Алининг ҳадиси ундан устундир. Чунки, эркакларнинг хотира ва қамровлари соғломроқ бўлганидан, ривоятлари ҳам кучлироқдир. Ана шу сабаб билан икки аёлнинг шохидлиги бир эркакнинг гувоҳлиги мартабасида тугилган».

ҳаллолларидан бирини ўпдилар ва таҳорат олмасдан, намозга чиқдилар». (*Урва айтади*): «У сиздан бошқа ким бўларди?!»-дедим. Шунда Оиша (розияллоху анҳо) кулдилар».

Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан мутааддид илм кишилари шу фикрда эканликлари ривоят қилинган. Суфён Ас-Саврий ва Куфа аҳлининг қавли ушбудир; улар ўпиш туфайли таҳорат лозим бўлмайди, деган тўхтамдалар⁸¹.

Молик ибн Анас, Авзойи, Шофийи, Аҳмад ва Исҳок, ўпганда таҳорат олиш кераклигини айтадилар. Бу эса Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан мутааддид илм одамларининг қавлидир⁸².

Оиша (онамиз розияллоху анҳо) Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисни биродарларимиз тарк этганининг ягона сабаби - ҳадиснинг иснод жиҳатидан аҳволини саҳиҳ деб кўрмаганларидир.

⁸¹Ҳазрати Али, Ибн Аббос, Ато, Товус ва Абу Ҳанифа шу қавлга эга бўлганлар. Буни Оиша онамизнинг шу бобдаги ҳадиси билан истидлол (далил-исбот) қиладилар. Бу ҳадис заиф бўлиши билан бирга бир-бирини тақвия этадиган (қувватлайдиган) бир қанча йўлдан ривоят қилинган.

⁸²Ибн Масъуд, Ибн Умар ва Аз-Зухрий шу қавлга эга бўлганлари ривоят қилинган. Булар «Моид» сурасининг 6-оятда келган: «Ёки хотинларингизга теккан бўлсаларингиз» қавли билан истидлол (далил-исбот) қиладилар. Бу ўринда оятдаги «ламс» ва «муломаса» «қўл билан тегинмоқ» маъносида эканини баён қилмоқдалар. Ҳофиз Имомуддин, имом ва муфассирлар, бу оят тафсирида икки қавлга эга бўлганларини, бир гуруҳлари «қўл билан тегинмоқ» деб, бир гуруҳлари эса «жимоъ (яъни қўшилмоқ, хотин билан жинсий муомала қилмоқ)» маъносида деб тафсир қилганларини айтади. Бу орада, Ибн Аббос ушбу оятни «жимоъ (қўшилмоқ)» деб тафсир қилгани баён этилганки, Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг дуосига сазовор бўлган бу зотнинг тафсири ишонч ва эътимод (таянч) бергувчидир. Негаки, Ҳазрати Али (қарромаллоху ваҳҳаху) ва кўпгина саҳобалар шу қавлни ёқлашган. Шайх Муборакфурий ҳам «Тухфат-ул-аҳвзий» номли Ат-Термизий китоби шарҳида шу қавлни афзал кўрган.

Абу Бакр Ал-Аттор Ал-Басрийнинг Али ибн Ал-Маданийдан нақлан бундай деганини эшитдим: «Яҳё ибн Саъид Ал-Қатгон бу ҳадисни чиндан заиф деб топди ва унинг йўқ ҳукмида (ҳукми йўқ) эканини айтди. Бошқа томондан, Муҳаммад ибн Исмоил (Ал-Бухорий) бу ҳадисни заиф деб топганини ва «Ҳабиб ибн Абу Собит, Урвадан эшитган» деганини унинг ўзидан эшитдим.

Иброҳим Ат-Таймийдан, Оиша (онамиз)дан бундай деб ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оишани ўпганлар ва таҳорат олмаганлар». Бу ҳадис ҳам саҳиҳ эмас. Чунки, Иброҳим Ат-Таймийнинг Оиша (онамиз)дан ҳадис эшитганини билмаймиз.

Бу бобда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ тарзида бирон ҳадис ривоят қилинмаган.

64-БОБ

МАВЗУ: ҚУСГАНДА ВА БУРУН ҚОНАГАНДА ТАҲОРАТ ЛОЗИМ БЎЛИШИ

۸۷ — حَدَّثَنَا أَبُو عُبَيْدَةَ بْنُ أَبِي السَّمَرِ ، وَهُوَ أَحَدُ بَنِي عَبْدِ اللَّهِ
الْهَمْدَانِيِّ السَّكُونِيِّ وَإِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ ، قَالَ أَبُو عُبَيْدَةَ : حَدَّثَنَا ،
وَقَالَ إِسْحَاقُ : أَخْبَرَنَا عَبْدُ الْمَسْدِيِّ بْنُ عَبْدِ الْوَارِثِ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ حُسَيْنِ
الْمَعْلَمِيِّ عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ قَالَ : حَدَّثَنِي عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ عَمْرِو الْأَوْزَاعِيِّ
عَنْ بَيْشَانَ بْنِ الْوَلِيدِ التَّمَزُزِيِّ عَنْ أَبِيهِ عَنْ مَعْدَانَ بْنِ أَبِي طَلْحَةَ
عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ : « أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : فَافْتَرَأَ
فَنَوَّضًا ، فَلَقِيتُ ثَوْبَانَ فِي مَسْجِدِ دِمَشْقَ ، فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لَهُ ، فَقَالَ :
صَدَقَ . أَنَا صَبَّيْتُ لَهُ وَضُوءَهُ » .

87. Абуд-Дардо (розияллоху анху)дан ривоят қилинди:

«Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам қайт қилдилар, шунда рўзаларини очдилар ва (янгитдан) таҳорат олдилар». (Маъдан ибн Абу Талҳа айтадики), Дамашқ (Шом) масжидада Савбон билан учрашиб қолдим ва унга бу ҳадисни баён қилдим. Дедик, «Рост айтибди, мен (ўшанда) Расулуллоҳнинг қўлларига таҳорат суви қуйиб турган эдим».

Исҳок ибн Мансур «Маъдан ибн Талҳа» деб айтади. Холбуки, «Маъдан ибн Абу Талҳа» дегани тўғрироқ.

Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан мутааддид илм одамларининг хулосаси шу нуктададир: Қусганда ва бурун қонаганда таҳорат лозим бўлади, деган фикрга эга бўлганлар. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Бошқа бир илм кишилари эса бундай дейди: «Қусганда ва бурун қонаганда таҳорат (янгилаш) йўқ». Бу эса Молик ва Шофиъийнинг қавлидир.

Хусайн Ал-Муаллим бу ҳадиснинг жайид (сара) эканини қайд этган. Хусайннинг ҳадиси ушбу бобда ворид бўлган ҳадисларнинг энг саҳихидир.

Маъмар бу ҳадисни Яҳё ибн Касирдан ривоят қилади ва санадида янглишиб, бундай дейди: «Ваиш ибн Ал-Волиддан, Холид ибн Маъдандан, Абуд-Дардодан». Бир томондан, санадда «Ал-Авзой»ни зикр этмаса, иккинчи томондан «Холид ибн Маъдан» дейди; Холбуки, у «Маъдан ибн Абу Талҳа»дир.

65-БОБ

**МАВЗУ: НАБИЗ (ХУРМО ҚИЁМИ) БИЛАН
ТАҲОРАТ ОЛМОҚ**

۸۸ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا شَرِيكٌ عَنْ أَبِي فَرَازَةَ عَنْ أَبِي زَيْدٍ عَنْ

عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ : « سَأَلَنِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : مَا فِي إِدَاوَتِكَ ؟ فَقُلْتُ : نَبِيذٌ . فَقَالَ : تَمْرَةٌ طَيِّبَةٌ وَمَاءٌ طَهُورٌ : قَالَ : فَمَوْضِعًا مِنْهُ . »

88. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у деди: Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам мендан: «Тулумингда нима бор?» деб сўрадилар. «Набиз», дедим. Шунда: «Покиза хурмо ва тоза сув!» дедилар. «Сўнг шу билан таҳорат олдилар», дейди.

Бу ҳадис танҳо Абу Зайддан, Абдуллоҳдан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинди. Абу Зайд эса муҳаддислар наздида мажҳул кишидир. Унинг шу ҳадисдан бошқа ривояти маълум эмас.

Илм одамларидан айримлари шарбат билан таҳорат олиш мумкин деган фикрдалар. Суфён Ас-Саврий ва яна бошқалар шулардандир. Бошқа илм одамлари эса: «Шарбат билан таҳорат олинмайди!» — дейишади. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Исҳоқ айтадики, «Киши шу вазиятга тушса, шарбат билан таҳорат олишидан таяммум қилмоғи, менимча, янада маъқулроқ».

«Шарбат билан таҳорат олинмайди» деганларнинг сўзи Куръони карим ҳукмига яқинроқ ва мувофиқроқдир: «Сув топа олмасангиз, покиза тупроқ билан таяммум қилингиз...» деб марҳамат қилинган⁸³.

⁸³ «Ал-Моидда», 6-оятда, сув топилмаса, таяммум қилиш буюрилган. (Ҳасан Басрий набиз билан таҳорат олишни макруҳ деганлар. Ато ибн Абу Рабоҳ: «Менга, набиз ёки сут билан таҳорат қилгандан, таяммум қилмоқ афзалроқ», деганлар.

66-БОБ

МАВЗУ: СУТ ИЧГАНДАН КЕЙИН ОҒИЗ
ЧАЙҚАМОҚ

۸۹ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ عَنْ عَقِيلٍ عَنِ الرَّهْرِيِّ عَنْ
عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ : « أَنْ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
شَرِبَ لَبَنًا فَذَعَا بِمَاءٍ فَمَضْمَعَنَ ، وَقَالَ : إِنَّ لَهُ دَسْمًا » .

89.Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам сут ичдилар ва сув келтиртириб, оғиз чайқадилар, сўнг: «Сутда ёғ бор», дедилар.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм одамлари, сут ичгач, оғиз чайқаш керак, деган фикрдалар. Бизнингча, бу мустаҳабдир. Айримлар эса, оғиз чайқаш лозим, деган фикрга қўшилмайдилар.

67-БОБ

МАВЗУ: ТАҲОРАТ УШАТАЁТГАНДА
САЛОМГА依ЛИК ОЛМОҚ КАРОҲАТ
ЭКАНЛИГИ

۹۰ — حَدَّثَنَا نَعْرُ بْنُ عَلِيٍّ وَوَحْدُ بْنُ يَشَّارٍ قَالَا : حَدَّثَنَا أَبُو أَحْمَدَ
وَوَحْدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الرَّزَيْزِيُّ عَنْ سُمَيَانَ عَنِ الضَّحَّاكِ بْنِ عَثَانَ عَنْ نَافِعِ
عَنِ ابْنِ عُمَرَ : « أَنْ رَجُلًا سَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يَبُولُ
فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيْهِ » .

90.Ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешоб қиляётган эдилар, бир киши салом берди; саломига依лик олмадилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бизнингча, фақат катта ва кичик қазои ҳожат

қилаётган вазиятда бўлса, салом бермоқ макруҳ⁸⁴. Баъзи муҳаддислар шундай тафсир (таъвил) қилишган.

Бу ҳадис ушбу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг чиройлисидир. Айниқса, бу бобда Ал-Муҳожир ибн Кунфуз, Абдуллоҳ ибн Ҳанзала, Алқама ибн Ал-Фағво ҳамда Ал-Барродан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

68-БОБ

МАВЗУ: ИТНИНГ САРҚИТИ

٩١ — حَدَّثَنَا سَوَّادُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الصَّنَعِيُّ حَدَّثَنَا الْمُتَمِرُ بْنُ سُلَيْمَانَ قَالَ : سَمِعْتُ أُيُوبَ بَحْدَثَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ سَبْرِينَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ : « يُنْتَسَلُ الْإِنَاءُ إِذَا وَلَّغَ فِيهِ الْكَلْبُ سَبْعَ مَرَّاتٍ : أَوْلَاهُنَّ ، أَوْ أَخْرَاهُنَّ بِالزَّأَبِ . وَإِذَا وَلَّغْتَ فِيهِ الْهَرَّةُ غَيْلَ مَرَّةٍ » .

91.Абу Ҳурайра (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Расулulloҳ, саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ит теккан идиш етти марта ювилади, биричи ва охириги мартаси тупроқ билан ювилади. Мушук ялаган идиш эса бир марта ювилади».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Бу ҳадис Абу Ҳурайрадан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу шаклда ривоят қилинган, аммо «Мушук ялаган идиш бир марта ювилади» деган жумласи зикр қилинмаган.

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан ҳам ҳадис

⁸⁴Аммо қазои ҳожат қилиб бўлган ва ўрнидан турган бўлса, саломига алик олиш қароҳат эмас. Бу бобда ҳадисга қараб сарлавҳа қўйдик. Термизий эса «Таҳоратсиз ҳолда саломга алик олмоқнинг қароҳат эканлиги» деб сарлавҳа қўйганлар. Бу ҳолатда сарлавҳа умумий (омма учун), ҳадис эса ҳосдир. Ҳадис билан сарлавҳа орасида мутобақат (мувофиқлик) кўринмайди.

ривоят қилинган.

69-БОБ

МАВЗУ: МУШУКНИНГ САРҚИТИ

٩٢ — حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مُوسَى الْأَنْصَارِيُّ حَدَّثَنَا مَعْنُ حَدَّثَنَا مَالِكُ
ابْنُ أَنَسٍ عَنْ إِسْحَاقَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي طَلْحَةَ عَنْ مُحَمَّدَةَ بِنْتِ عَبْدِ
ابْنِ رِفَاعَةَ عَنْ كَبْشَةَ بِنْتِ كَنْبَرِ بْنِ مَالِكٍ، وَكَانَتْ عِنْدَ ابْنِ أَبِي قَتَادَةَ
أَنَّ أَبَا قَتَادَةَ دَخَلَ عَلَيْهَا، قَالَتْ: فَكَانَتْ لَهُ وَضُوءًا، قَالَتْ:
فَجَاءَتْ مَرَّةً تَشْرَبُ، فَأَضْمَتُ لَهَا الْإِنَاءَ حَتَّى شَرِبَتْ، قَالَتْ كَبْشَةُ:
فَرَأَيْتِ أَنْظَرُ إِلَيْهِ! فَقَالَ: أَلَمْ تُجِيبِي يَا بِنْتَ أَخِي؟ فَقُلْتُ: نَعَمْ،
قَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّهَا لَيَسْتَبْجَسُ،
إِنَّمَا هِيَ مِنَ الطَّوَافِينِ عَلَيْكُمْ، أَوْ الطَّوَافَاتِ.»

92. Каъб ибн Моликнинг қизи Кабшадан ривоят қилинди: У (Кабша) Абу Қатоданинг ўғли ҳузурида (никоҳида) эди⁸⁵. Абу Қатода (бир куни) уларнинг уйига кирди. (Кабша) айтадики, «У кишига таҳорат суви келтирдим. Шу пайт сувсаган бир мушук келиб қолди. (Абу Қатода) идишни элтиб, мушукка сув ичирди. Менинг қараб қолганимни кўриб, айтдики, «Эй биродаримнинг қизи!»⁸⁶ (Бундан) ажабландингми?» «Ҳа», дедим. (Шунда) деди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мушук нажас эмас. Чунки, у

⁸⁵Абу Қатоданинг ўғли Ал-Ҳорис Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг суворийларидан эди. Ҳаббон, Ал-Ҳориснинг хотини Кабша ҳам саҳобалардан эканини айтади.

⁸⁶Бу ўриндаги «биродарлик»дан мурод — Ислоҳ ва дин биродарлигидир. Бегона бўлса ҳам бировга: «Эй биродарзодам!» деб ёки «Эй жияним (амакиваччам)» деб хитоб қилиш арабларнинг одатидир. (Муборакфурий).

ҳамиша атрофингизда айланиб юрадиган жониворлардандир».

Баъзилар, Кабша — Абу Қатоданинг хотини эканини Моликдан ривоят қиладилар. Холбуки, у Абу Қатоданинг ўғли (никоҳи)да бўлгани тўғридир.

Бу бобда Оиша ва Абу Ҳурайра (розияллоху анхумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобиъийндан ва табаъи тобиъийндан бўлмиш кўпчилик илм одамларининг қавли шу. Шофийий, Аҳмад ва Исҳоқ шулардандир. Мушукдан қолган сувни зарарсиз, деб ҳисоблайдилар.

Бу ҳадис ушбу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг яхшисидир. Молик бу ҳадисни Исҳоқ ибн Абдуллоҳ ибн Абу Талҳадан энг яхши шаклда ривоят қилган ва буни Моликдан кўра яхшироқ ривоят қилган киши бўлган эмас.

70-БОБ

МАВЗУ: МАҲСИЛАР УСТИГА МАСҲ ТОРТМОҚ

۹۳ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنِ إِبْرَاهِيمَ عَنِ
عَمْرِو بْنِ الْغَارِثِ قَالَ : « بَالَ جَرِيرٌ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ ثُمَّ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى
خَفِيئِهِ . فَقِيلَ لَهُ : أَنْتُمْ هَذَا ؟ قَالَ : وَمَا بَيْنِي ، وَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَفْعَلُهُ . قَالَ إِبْرَاهِيمُ : وَكَانَ يُنَجِّبُهُمْ حَدِيثُ جَرِيرٍ ،
لِأَنَّ إِسْلَامَهُ كَانَ بَعْدَ تَرْوِيلِ لَسَانِهِ . هَذَا قَوْلُ إِبْرَاهِيمَ ، بَيْنِي
كَانَ يُنَجِّبُهُمْ . »

93. Ҳаммом ибн Ҳорисдан ривоят қилинди; у деди: «Жарир ибн Абдуллоҳ пешоб қилди. Кейин таҳорат олди ва маҳсилари устига масҳ тортди. Унга: «Нега бундай қилдинг?» дейилди. Айтдики, «Бундай қилишимга нима монелик бор? Мен Расулуллоҳ сал-

лаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай қилганларни кўрдим». *Иброҳим айтди:* «Улар **Жарирнинг** ҳадисини яхши кўришарди. Чунки у (Жарир) «Моида» (сураси) нозил бўлганидан кейин Исломога кирган»⁸⁷. «Улар **Жарирнинг** ҳадисини яхши кўришарди» жумласи **Иброҳимнинг** сўзидир.

Бу бобда (Ҳазрати) Умар, Ҳазрати Али, Ҳузайфа, Ал-Муғйра, Билол, Саъд, Абу Аййуб, Салмон, Бурайда, Амр ибн Умаййа, Анас, Саҳл ибн Саъд, Яъло ибн Мурра, Убода ибн Ас-Сомит, Усома ибн Шорик, Абу Умома, Жобир, Усома ибн Зайд, Ибн Убода – уни Ибн Умора деб аташади – ва Убай ибн Умора (розияллоҳу анҳум ажмаъийн)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Жарирнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

٩٤ — وَرُبُّوْى عَنْ شَهْرِ بْنِ حَوْشَبٍ قَالَ : « رَأَيْتُ جَرِيرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ تَوَضَّأَ وَنَسَحَ عَلَى خُفَيْوِ . فَقُلْتُ لَهُ فِي ذَلِكَ ؟ فَقَالَ : رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ وَنَسَحَ عَلَى خُفَيْوِ . فَقُلْتُ لَهُ : أَقْبَلَ النَّاسُ أُمَّهُ تَبَدُّوا لَهَا . فَقَالَ : مَا أَتَيْتُ إِلَّا تَبَدُّوا لَهَا . حَدَّثَنَا بِذَلِكَ قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا خَالِدُ بْنُ زَيْدِ بْنِ أَبِي عَمْرٍو حَدَّثَنَا عَنْ مِقَاتِلِ بْنِ حَفَّانَ عَنْ شَهْرِ بْنِ حَوْشَبٍ عَنْ جَرِيرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ »

94. *Шаҳр ибн Ҳавшабдан ривоят қилинди; у деди:* «Жарир ибн Абдуллоҳни кўрдим, таҳорат олди ва маҳсилари устига масҳ торгди. Ундан бу иш ҳақида

⁸⁷ «Ал-Моида» сураси, 6-оят. Бу оятда оёқларни ювишга буюрилган. Жарир, бу оят нозил бўлишидан аввал Исломога кирган бўлса эди ва ўшанда бу ҳадисни эшитган бўлса эди, бу оят маҳсилар устига масҳ тортиш ҳукмини бекор қилган бўларди. Аммо бу оят тушишидан кейин мусулмон бўлгани учун, ҳадис оятнинг умумига (тўяик) тегишли эканини билдирмоқда. (Яъни, бу ҳадис маҳсига масҳ тортиш мумкин ва бу суннат эканини исботламоқда).

сўраган эдим, айтдики, «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим, таҳорат олдилар ва маҳсиларни устига масҳ тортдилар». *Жарирдан сўрадим (дейди ровий): «Бу ҳол «Моида» (сурасидаги оят)дан олдин бўлганмиди ёки «Моида»дан кейинми? Шунда у бундай деди: «Мен асли «Моида»дан кейин Исломга кирганман».*

Бу ҳадисни Кутайба бизга Холид ибн Зиёд Ат-Термизийдан, Муқотил ибн Ҳаййандан, Шаҳр ибн Ҳавшабдан, Жарирдан баён қилди.

Бу ҳадис тафсирга (таъвилга) мавзу бўлди. Чунки, маҳси устига масҳ тортишни қабул қилмаганлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг маҳсилари устига масҳ тортишлари «Ал-Моида» сураси нозил бўлишидан олдин бўлган деб таъвил қилишади. Жарир ўз ҳадисиди, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Моида» нозил бўлишидан кейин маҳсилари устига масҳ тортганларига гувоҳ эканини билдирмокда.

71-БОБ

МАВЗУ: МУСОФИР ВА МУҚИМ

КИШИЛАРНИНГ МАҲСИ УСТИГА МАСҲ ТОРТМОҚЛАРИ

٩٥ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ عَنْ سَعِيدِ بْنِ مَسْرُوقٍ عَنْ
إِبْرَاهِيمَ النَّخَعِيِّ عَنْ تَمْرَةَ بْنِ مَيْمُونٍ عَنْ أَبِي عَبْدِ اللَّهِ الْجَدَلِيِّ عَنْ خُرَيْمَةَ
ابْنِ ثَابِتٍ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « أَتَى سَيْلٌ عَنِ النَّسْحِ عَلَى
الْخَبِيثِ . فَقَالَ . لِلْمَسَافِرِ ثَلَاثَةٌ ، وَ لِلْمُقِيمِ يَوْمٌ »

95.Хузайма ибн Собитдан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан маҳсилари устига масҳ тортиш ҳақида савол қилнди. Шунда айтдилар: «Мусофир учун – уч кун, муқим киши учун – бир кун».

Хузайма ибн Собитнинг масҳ тортиш ҳақидаги

ҳадисини Яҳё ибн Маийн саҳиҳ, деб айтгани зикр қилинган. Абу Абдуллоҳ Ал-Жабалийнинг исми – Абд ибн Абд, унинг Абдуррахмон ибн Абд экани ҳам айтилади.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу бобда (Ҳазрати) Али, (Ҳазрати) Абу Бакр, Абу Хурайра, Софван ибн Ассал, Авф ибн Молик, Ибн Умар ва Жарир (розияллоҳу анҳум ажмаъийн)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

٩٦ - حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا أَبُو الْأَخْوَصِ عَنْ عَاصِمِ بْنِ أَبِي النَّجُودِ عَنْ زُرَّ بْنِ حَبِيشٍ عَنْ صَفْوَانَ بْنِ عَسَّالٍ قَالَ : « كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْمُرُنَا إِذَا كُنَّا سَفَرًا أَنْ لَا تَنْزِعَ خِفَانَا ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ وَلِلرِّجَالِ إِلَّا مِنْ جَنَابَتِهِ ، وَلَكِنْ مِنْ عَائِطٍ وَبَوَالٍ وَنَوْمٍ . »

96. Софван ибн Ассал (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга, сафарда бўлган чоғимизда, уч кечакундуз маҳсиларимизни ечмасликни, илло жунуб бўлгандагина ечишни, лекин катта қазои ҳожат, пешоб қилиш ва ухлаганлик туфайли ечмасликни амр қилдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ал-Ҳакам ибн Утайба ва Ҳаммод бу ҳадисни Иброҳим Ал-Наҳоийдан, Абу Абдуллоҳ Ал-Жабалийдан, Хузайма ибн Собитдан ривоят қилишдики, бу ривоят саҳиҳ эмас. Али ибн Ал-Маданий айтадики, Яҳё ибн Саъид, Шуъбадан нақл этиб, бундай дейди: «Абу Абдуллоҳ Ал-Жабалийдан Иброҳим Ан-Наҳоий масх ҳадисини эшитмаган».

Зоида Мансурдан нақлан бундай дейди: «Иброҳим Ат-Таймийнинг ҳужрасида эдик, Иброҳим Ан-Наҳоий ҳам биз билан бирга эди. Иброҳим Ат-Таймий бизга масх ҳадисини Амр ибн Маймундан, Абу Абдуллоҳ Ал-Жабалийдан, Хузайма ибн Собитдан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақл этди».

Муҳаммад ибн Исмоил (Ал-Бухорий) айтадики, «Софван ибн Ассал Ал-Муродийнинг ҳадиси бу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг чиройлисидир».

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобиъийндан илм одамларининг кўплари ва кейингиларидан Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ каби фикҳ аҳлининг қавли ушбудир: «Муқим киши бир кеча-кундуз, мусофир киши эса уч кун, яъни уч кеча-кундуз маҳсиларига масҳ тортишлари мумкин».

Илм аҳлидан баъзилари, масҳ тортиш учун вақт белгиланмаганлигини ривоят қилишади⁸⁸. Молик ибн Анаснинг қавли ҳам шундай. Аммо тавқид (вақт белгилангани) саҳиҳроқдир.

Бу ҳадис Осимнинг ривоятидан бошқа ваҳждан ҳам Софван ибн Ассалдан ривоят қилинган.

72-БОБ

МАВЗУ: МАҲСИЛАРНИНГ УСТИГА ВА ТАГИГА МАСҲ ТОРТМОҚ

۹۷ — حَدَّثَنَا أَبُو الزَّيْدِ الدَّمَشَقِيُّ حَدَّثَنَا الزَّيْدُ بْنُ مَسْلَمَةَ أَخْبَرَنِي نَوْدُ بْنُ يَزِيدَ عَنْ رَجَاءِ بْنِ حَيَوَةَ عَنْ كَاتِبِ الْمَغِيرَةِ عَنِ الْمَغِيرَةِ بْنِ شُعْبَةَ « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَسَحَ أَعْلَى الْخُفِّ وَأَسْفَلَهُ » .

97.Ал-Мугийра ибн Шуъба (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам маҳсиларнинг устига ва остига масҳ тортидилар».

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг

⁸⁸Имоми Молик ва Лайс фикрича, маҳсиларга масҳ тортишнинг муаяян бир муддати йўқ. Покланган қолда маҳсисини кийган киши, хоҳ сафари бўлсин, хоҳ муқим бўлсин, (уч кун ва бир кун орасида) истаган муддатгача маҳсиларига масҳ тортиши мумкин. Ҳазрати Умар ибн Ал-Хаттоб, Уқба ибн Омир, Абдуллоҳ ибн Умар ва Ҳасан Ал-Басрий ҳам шу фикрда эканликлари ривоят қилинган. (Шавқоний).

саҳобаларидан, тобиъийндан ва кейинги фақиҳлардан (фикҳ аҳлидан) мутааддид кишиларнинг қавли шудир. Молик, Шофийий ва Исҳоқ ҳам шу тўхтамга келишган. Ҳолбуки, бу ҳадис маълум (иллатли)дир. Уни Савр ибн Язиддан, Волид ибн Муслимдан бошқаси иснод этмаган (санадини тўлдирмаган).

Абу Зуръа ва Муҳаммад ибн Исмоил (Ал-Бухорий)дан бу ҳадис ҳақида сўрадим, улар: «Саҳиҳ эмас» дедилар. Чунки, Ибнул-Муборак буни Саврдан, Ражо ибн Ҳайвадан ривоят қилади ва Ражо: «Ал-Муғйиранинг котиби томонидан айтиб ўтилдим», дейдики, демак, ҳадис Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан мурсал тарзида ривоят қилинган ва ҳадисда Ал-Муғйиранинг номи ўтмаган.

73-БОБ

МАВЗУ: МАҲСИЛАРНИНГ ЮЗИГА МАСҲ ТОРТМОҚ

٩٨ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حَجْرٍ قَالَ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ أَبِي الزَّوَادِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عُرْوَةَ بْنِ الزُّبَيْرِ عَنِ الْمُنْبَرِيِّ بْنِ شُعْبَةَ قَالَ: «رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْسَحُ عَلَى الْخُفَّيْنِ: عَلَى ظَاهِرِيهَا» .

98. Ал-Муғйира ибн Шуъба (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у деди: «Набий саллalloҳу алайҳи ва салламни кўрдим, маҳсиларининг юзига масҳ тортдилар».

Ал-Муғйиранинг ҳадиси ҳасан.

Бу ҳадис Абдурахмон ибн Абиз-Зиноднинг ўз отасидан, Ал-Муғйирадан қилган ривоятидир. Урвадан, Ал-Муғйирадан ривоят қилганлар орасида юзига (сиртига, зоҳирига) сўзини Абдурахмондан бошқа зикр қилган кишини билмаймиз.

Илм одамларидан мутааддид кишиларнинг қавли шудир. Суфён Ас-Саврий ва Аҳмад шундай дейишган.

Муҳаммад айтадики, «Молик ибн Анас, Абдур-

раҳмон ибн Абиз-Зинодни заиф деб кўрсатди».

74-БОБ

МАВЗУ: (ҚАЛИН) ПАЙПОҚ ВА НАЪЛ (ПОЙАБЗАЛ) УСТИГА МАСҲ ТОРТМОҚ

۹۹ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ وَتَمِيمُ بْنُ غَيْلَانَ قَالَا: حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ سُهَيْبَانَ
عَنْ أَبِي قَيْسٍ عَنْ هُرَيْبِ بْنِ شُرَحْبِيلَ عَنِ النَّبْرِ بْنِ شُعْبَةَ قَالَ:
« تَوَضَّأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَسَحَ عَلَى الْجُوزَيْنِ وَالنَّمْلَيْنِ » .

99. Ал-Мугийра ибн Шуъбадан ривоят қилинди; у деди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олдилар, пайпоқлари ва наъллари (пойабзаллари) устига масҳ тортдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм одамларидан мутааддид кишиларнинг қавли шудир. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг ҳам қавли ушбудир: «Қалин пайпоқлар устига, товонсиз (пошнасиз) бўлса ҳам, масҳ тортилади», дейдилар.

Бу бобда Абу Мусодан ҳадис ривоят қилинган.

Солиҳ ибн Муҳаммад Ат-Термизийдан эшитдим; у Абу Муқотил Ас-Самарқандийдан эшитганини айтди; дейдики, Абу Ҳанифанинг вафотлари билан яқунланган касаллик пайтларида у кишининг олдиларига кирдим. Сув келтиртириб, таҳорат олдилар. Оёқларида пайпоқ бор эди, пайпоқларининг устига масҳ тортдилар ва кейин бундай дедилар: «Олдин ҳеч қилмаган ишимни бугун қилдим; товонсиз (пошнасиз) бўлишига қарамай, пайпоқларим устига масҳ тортдим⁸⁹»

⁸⁹Муборакфурий бу ҳадис билан боғлиқ айрим баҳсларга

тўхталлади. Аҳамияти борлигига қараб, бу баҳсларнинг қисқача изоҳини келтиришни зарур деб ҳисоблаймиз.

1. Термизий, бу бобнинг ҳадисини ҳасан-саҳиҳ дейди. Ҳолбуки, имомларнинг кўпи бу ҳадиснинг заиф эканини қайд этишади. Шу билан бирга пайпоқ устига масх тортиш ҳақида марфуъ ва саҳиҳ тарзида бирор ҳадис ривоят қилинмаган. Барча ривоятлар борасида танқидий сўз қилинган.

2. «Жавраб» («жўроб», «пайпоқ») калимаси тафсири ҳақида уламолар орасида ихтилоф бўлган. Мажиддин Фирузободий «Қомус» (луғат) китобида ва Абул Файз Муртазо «Тож-ул-арус» китобида «жавроб» (жўроб)нинг оёқ кийими эканини айтиб, Ат-Тоййибий, «теридан тикилган бир оёқ кийими», бўлиб, тиззагача кийилади ва бу маҳси деб танилган», дейди. Фирузободийнинг тафсири умумий (оммавий) ва оёққа кийиладиган ҳамма нарсага тегишлидир. У хоҳ теридан бўлсин, хоҳ жун, ё қилдан ёки ҳар қандай нарсдан тўқилган бўлсин, кейин, хоҳ қалин бўлсин, хоҳ юпка бўлсин, ҳатто тикилган ёки тикилмаган оёқ кийимларига ҳам тегишлидир. Ат-Тоййибий, Шавқоний ва Шайх Абдулҳакнинг тафсириларига биноан, «жавроб», жид (тери) маҳсулоти бўлиб маҳсининг бир туридир ва маҳсидан катгароқдир.

Абу Бакр Ибнул-Арабий ва Ал-Айнийнинг тафсириларига биноан, юнгдан тўқилган оёқ кийими «жавроб» дейилади. Ҳанафий имомларидан бўлган Шамс-ул-Анима Ал-Ҳулвоний фикрича, «жавроб» (жўроб) беш хилдир: теридан, жундан, қилдан, юпка теридан ва пахтадан қилинади. Каноп ва ипак тўқималар пахта газ-моллари туридан ҳисобланган. «Жавроб» тафсиридаги ихтилоф икки жиҳатдандир: биринчиси, «жавроб» қайси матоддан (моддадан) қилингани, иккинчиси эса «жавроб»нинг ҳажми (ўлчами) ҳақидадир. Луғатшуносларнинг бу сўз устидаги ихтилофлари, «жавроб»нинг (пайпоқнинг шакли ва саноати (тўқилиши), мамлакатларга қараб ўзгарганлигидан келиб чиққан бўлиши мумкин: баъзи ўлкаларда теридан, баъзи юртларда жундан ва қайсидир ўлкаларда ҳар хил нарсалардан қилинади. Ҳар бир луғатчи «жавроб»ни ўз ўлкасида тўқилган шаклга қараб тафсир қилган. Бирови эса, Фирузободий каби, ҳар бир юрда бўладиган ҳар хил, турига тегишли қилиб, тафсир этган.

3. «Жавроб» (пайпоқ) устига масх тортиш борасида имомлар мазҳабининг хулосларига келсак, Имом Абу Юсуф ва Муҳаммад, қалин (зич) ва маҳкам тўқилган пайпоқлар устига масх тортишда зарар йўқ, деб ҳисоблайдилар. Оёқда боғсиз (боғичсиз) тура оладиган даражада қалин бўлишини кўзда тутганлар. Имоми Абу Ҳанифа соҳибайн (икки биродари, Имоми Абу Юсуф ва Муҳаммад) қавлига ружуъ этгани ривоят қилинади. Имоми Молик Имом Аъзамнинг эски қавлига эга бўлиб, пайпоқлар устига масх

75-БОБ

МАВЗУ: АМОМА (САЛЛА) УСТИГА МАСҲ
ТОРТМОҚ

۱۰۰ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَمِيدٍ الطَّعْلَانِيُّ عَنْ
سَيِّدِ بْنِ أَبِي عَدِيٍّ عَنْ بَكْرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الرَّزَّازِيِّ عَنِ ابْنِ الْمُبَرِّقِ
ابْنِ شُعْبَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: «تَوَضَّأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَسَحَ عَلَى
أُظْفَافِهِ وَالْمِصَامَةِ» .

тортиш жонз бўлиши учун, пайпоқлар қалин бўлиши кераклигини ва айнаи вақтда, тағларига теридан товон (пошна) урилиши лозимлигини шарт қилиб қўяди. Шофиъий ва Аҳмад (ибн Ҳанбал) мазҳабига келсак, Термизий бу мазҳаб фикрини ҳадиснинг изоҳида шарҳлаб ўтди. (Муҳтарам китобхонга, «Мухтасар ул-Виқоя»нинг ўзбекча шарҳи («Мажмаъ ул-мақсуд») китобининг «Бу фаслда масҳнинг баёни» бобини ўқиб амал қилишликни эҳтиёт юзасидан тавсия қиламиз. — Таржимон иловаси).

4. Ҳадиси шарифда «пайпоқларнинг ва пойабзалларнинг устига масҳ тортдилар» дейилмоқда. Бу ўринда «Пойабзал» деб таржима қилинган «наъл» сўзи аслида оёқни ердан сақлаган ҳар турли оёқ кийимига итлоқ (тааллуқли) қилинади. Аммо тўпиклардан паст бўлган оёқ кийими устига масҳ тортмоқ жонз эмас. Бунинг устига, Ат-Тоййибий пойабзални пайпоқларнинг устидан кийган, деган маъно берган. Ал-Ҳаттобий, «Ал-маъолим» китобида «зоҳир бўлган (юзага чиққан) маъно шу», дейди. Таҳовий, «Шарҳ ул-осор» китобининг «Пойабзал устига масҳ тортмоқ» бобида бундай дейди: «Остидан (ичидан) пайпоқ кийилган пойабзаллар устига масҳ тортди ва бунни қилганда пайпоқларни ният қилиб, бажарди. Негаки, пойабзал бўлмаса, пайпоқлар устига масҳ тортиши мумкин эди. Аммо нияти, фақатгина пайпоқлари устига масҳ тортиш бўлгани ҳолда, ҳам пайпоқларнинг, ҳам пойабзалнинг устига масҳ тортди. Бунда мўътабар (эътиборли) бўлган масҳ пайпоқлар устига тортиладиган масҳдир, шу билан бирга, пойабзал устига масҳ тортилиши эса устундир». Ҳадис ҳақида бошқа тафсир ва таъвиллар ҳам бор. Буларнинг ҳеч бири такаллуфдан ва инсонга, эҳтимоли бўлмаган маъно юкламоқдан холи эмас.

100. Ал-Муғйра ибн Шуъба (розиаллоху анҳу) отасидан ривоят қилиб, деди: «**Набий саллаллоху алайҳи ва саллам таҳорат олдилар, маҳсилари ва амолари (саллалари) устига масҳ қилдилар**».

Ҳадиснинг ровийларидан Бакр, «Ал-Муғйранинг ўғлидан эшитдим», деган.

Муҳаммад ибн Башшор, бошқа бир ерда, шу ҳадисда ушбу жумлани зикр қилган: «**Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам пешона сочлари ва саллалари устига масҳ қилдилар**».

Бу ҳадис, Ал-Муғйра ибн Шуъбадан мутааддид важҳлардан ривоят қилинган. Биров «пешона сочлари ва саллалари устига масҳ қилдилар», деб зикр қилмоқда, биров эса «пешона сочлари»ни зикр қилмаётир.

Аҳмад ибн Ҳасандан эшитдим, у Аҳмад ибн Ҳанбал бундай деганини эшитдим, дейди: «Кўзим Яҳё ибн Ал-Қаттон кўрган каби кўрмади».

Бу бобда Амр ибн Умайя, Салмон, Савбон ва Абу Умомадан ҳадис ривоят қилинган. Ал-Муғйра ибн Шуъбанинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан Ҳазрати Абу Бакр, Ҳазрати Умар ва Анас (розиаллоху анҳум) сингари мутааддид зотларнинг қавли шудир. Ал-Авзойи, Аҳмад ва Исҳоқ: «салла устига масҳ қилинади» дейдилар.

Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан мутааддид кишилар эса бундай дейдилар: «**Фақат салланинг ўзинигина масҳ қилмай, аммо салла билан бирга бош(нинг бир қисми)ни ҳам масҳ қилади**». Суфён Ас-Саврий, Молик ибн Анас, Ибнул-Муборақ ва Шофиъийнинг қавли шудир.

Ал-Жоруд ибн Муоздан эшитдим, айтадики, «Вакиъ ибн Ал-Жарроҳнинг бундай деганини унинг

ўзидан эшитдим: «Фақат салланинг ўзигагина масх қилинса, асарга (ҳадисга) мустанид бўлгани (асослангани) учун етарлидир⁹⁰.

۱۰۱ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ سُوَيْبٍ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنِ ابْنِ أَبِي حَتْمَةَ عَنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي تَيْلَى عَنِ كَثْبِ بْنِ هَجْرَةَ عَنِ بِلَالِ بْنِ رِبْعَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَسَحَ عَلَى الْخَطْمَيْنِ وَالْإِخْتَارِ .

101. Ҳазрати Билол (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:

«Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам маҳсиларига ва химорларига (бош чодирларига) масх қилдилар».

۱۰۲ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا يَشْرُ بْنُ الْقَضِّ عَنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ إِسْحَاقَ هُوَ الْقُرَشِيُّ عَنِ أَبِي عُبَيْدَةَ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ عَمَّارِ بْنِ يَاسِرٍ قَالَ : سَأَلْتُ جَابِرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ عَنِ الْمَسْحِ عَلَى الْخَطْمَيْنِ ؟ قَالَ : أَمْسَأَ الشُّمَّةُ يَا ابْنَ أَخِي . قَالَ : وَسَأَلْتُهُ عَنِ الْمَسْحِ عَلَى الْعِمَامَةِ ؟ قَالَ : أَمْسَأَ الشُّمَّةَ الْمَاءَ .

102. Абу Убайда ибн Муҳаммад Аммор ибн Ёсирдан ривоят қилинди; у деди: «Жобир ибн Абдуллоҳдан маҳсилар устига масх тортмоқ ҳақида сўрадим. Дедики, «Суннатдир, эй биродарзодам!» Сўнг ундан саллага масх қилишни сўрадим. «Сувни сочинга теккиз» деди».

⁹⁰Термизийнинг изоҳидан ҳам англашилганидек, салланинг устига масх қилишни Имоми Аҳмад, Ал-Авзойи, Довуд ва бошқалар, ушбу бобда ривоят этилган ҳадисларга таяниб, айни вақтда, маҳсиларга қиёсан, қабул қилганлар. Молик, Шофийий ва Абу Ханифа Ҳазратлари буни рад этадилар.

76-БОБ

**МАВЗУ: ЖУНУБЛИКДАН ПОКЛАНМОК
(ЖИМОЪДАН КЕЙИН ЧЎМИЛМОК)**

١٠٣ — حدثنا هنادٌ حدثنا وكيعٌ عن الأعمشٍ عن سالم بن أبي الجندب عن كريبٍ عن ابن عباسٍ عن خالدٍ ميمونةَ قالت : « وصمتُ للنبيِّ صلى الله عليه وسلم غسلًا فأنزلَ من الجنابةِ : فأكفأُ الإناءَ بِسِجَالِهِ عَلَى يَمِينِهِ ، فَغَسَلَ كَفِّيهِ ، ثُمَّ أَدْخَلَ يَدَهُ فِي الْإِنَاءِ فَأَقَاضَ عَلَى فَرْجِهِ ثُمَّ ذَلِكَ بِيَدِهِ الْخَائِطَ ، أَوْ الْأَرْضَ ، ثُمَّ مَضَمَنَ وَاسْتَنْشَقَ ، وَغَسَلَ وَجْهَهُ وَذِرَاعَيْهِ ، ثُمَّ أَقَاضَ عَلَى رَأْسِهِ نَلَاكَ ، ثُمَّ أَقَاضَ عَلَى سَائِرِ جَسَدِهِ ، ثُمَّ تَنَحَّى فَغَسَلَ رِجْلَيْهِ . »

103. *Ибн Аббоснинг холаси Маймуна (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга ғусл учун сув қўйдим. (Аввал) жанобатдан покландилар, чап қўллари билан идишни эгиб, ўнг қўлларига сув олдилар ва икки қўлларини (бўғинигача) ювдилар. Кейин қўллари билан идишдан сув олиб, фаржларига тўкдилар (мустаҳаб қилдилар), кейин қўлларини деворга ёки ергами ишқаб, ювиб ташладилар. Сўнг оғиз ва бурун чайқадилар, юзларини ва қўлларини (тирсаклари билан қўшиб) ювдилар. Сўнг бошларига уч марта сув қуйдилар. Кейин бутун баданларига сув қуйдилар. Сўнг четга чиқиб, оёқларини ювдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ушбу бобда Умму Салама, Жобир, Абу Саъид, Жубайр ибн Мутъим ва Абу Хурайра (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

١٠٤ - حدثنا ابنُ أبي نُعمَرَ حَدَّثَنَا سَعِيدَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ هِشَامِ
 ابْنِ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ : « كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
 إِذَا أَرَادَ أَنْ يَغْتَسِلَ مِنْ الْجَنَابَةِ بَدَأَ فَغَسَلَ يَدَيْهِ قَبْلَ أَنْ يُدْخِلَهُمَا
 الْإِنَاءَ ، ثُمَّ غَسَلَ فَرْجَهُ ، وَتَوَضَّأَ وَضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ ، ثُمَّ يَشْرِبُ شَفْرَةَ
 الْمَاءِ ، ثُمَّ يَغْتَنِي عَلَى رَأْسِهِ ثَلَاثَ حَقِيَّاتٍ . »

104. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобатдан покланмоқчи (ғусл қилмоқчи) бўлсалар, аввало қўллари идишга ботирмасдан олдин ювар эдилар, кейин фаржларини ювар (мустаҳаб қилар) ва намозга таҳорат олгандек таҳорат олар эдилар. Кейин сочларини таг-тагигача ҳўлар эдилар. Кейин бошларидан бутун баданларига уч марта сув қуярдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм одамлари жанобатдан покланишда (ғусл қилишда) шу (усул)ни ихтиёр этишган: намозга таҳорат олгандек таҳорат олади. Кейин бошига уч марта сув қуяди. Кейин баданининг ҳаммаёғига сув қуяди. Кейин оёқларини ювади.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Айтадиларки, жунуб киши (намозга таҳорат олгандек) таҳорат олмасдан сувга чўмилса, (покланмоғи учун) шу ҳам унга етарли. Шофийий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

77-БОБ

**МАВЗУ: АЁЛ КИШИ ҒУСЛ ҚИЛГАНДА
СОЧИНИНГ ЎРИМИНИ ЁЯДИМИ?**

١٠٥ — حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا سَفِيَانُ عَنْ أَبِي ثَوْبَانَ بْنِ مَوْسَى عَنْ سَيِّدِ الْقَبْرِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ رَافِعٍ عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ قَالَتْ : « قُلْتُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنِّي أَمْرَأَةٌ أَشَدُّ صَفَرًا رَأْسِي ، أَفَأَنْقَضُ لِفَسْلِ الْجَنَابَةِ ؟ قَالَ : لَا ، إِنَّمَا يَكْفِيكَ أَنْ تَحْتَبِينَ عَلَى رَأْسِكَ ثَلَاثَ حَتَّيَاتٍ مِنْ مَاءٍ ، ثُمَّ تَبْيِضِينَ عَلَى سَائِرِ جَسَدِكَ الْمَاءَ فَتَطْهَرِينَ . أَوْ قَالَ : فَإِذَا أَنْتِ قَدْ تَطَهَّرْتِ » .

105. Умму Салама (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Дедимки, «Ё Расулуллоҳ! Мен сочини маҳкам ўриб юрадиган аёлман. Жанобат ғуслини қилаётганда сочининг ўримини ечаманми?». Айтдиларки, «Йўк! Бошинга сувдан уч марта куймоғинг сенга кифоя! Кейин баданингни қолган ҳамма ёғига сув қуясан. Бас, покланган бўласан» ёки «Бас, ана, покландинг!» дедилар.

Бу ҳадис ҳасан-саҳих.

Илм одамларининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: Хотин киши сочининг ўримини бузмай туриб ғусл қилса, бошига сув тўқканидан кейин, шу унга кифоя.

78-БОБ

**МАВЗУ: ҲАР БИТТА СОЧ ТОЛАСИ ОСТИДА
ЖУНУБЛИК БОР**

١٠٦ — حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ حَدَّثَنَا الطَّائِبِيُّ بْنُ وَجِيهِ قَالَ حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ دِينَارٍ عَنْ عَبْدِ بْنِ سَيْرِينَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « تَحْتَ كُلِّ شَعْرَةٍ جَنَابَةٌ ، فَغَسِلُوا الشَّعْرَ وَأَنْقَرُوا النَّبْشَ » .

106.Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳар битта соч толаси остида жунублик бор. Сочни ювинг ва бетингизни (терингизни) тозаланг!».

Бу бобда Ҳазрати Али ва Анас (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ал-Ҳорис ибн Важийҳнинг ҳадиси гариб. Чунки, бу ҳадисни танҳо унинг ривоятидан биламиз. У жуда кучли шайх эмас. Ҳолбуки, имомлардан мутааддид кишилар ундан ривоят қилишган. Бу ҳадисни Молик ибн Динордан ёлғиз унинг ўзи ривоят қилди. У, «Ал-Ҳорис ибн Важийҳ ўгли Ҳорис» дейилганидек, «Важбаънинг ўгли» ҳам дейилади.

79-БОБ

МАВЗУ: ҒУСЛДАН КЕЙИН ТАҲОРАТ ОЛМОҚ МАСАЛАСИ

١٠٧ — حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ مُوسَى حَدَّثَنَا شَرِيكَ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ
عَنِ الْأَسْوَدِ عَنْ عَائِشَةَ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ لَا يَتَوَضَّأُ
بِفَدِّ الْفُئْلِ »

107.Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғуслдан кейин таҳорат олмас эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан бўлмиш илм одамларидан кўпларининг қавли шудир: «Ғуслдан кейин таҳорат олинмайди», деган тўхтамдалар.

80-БОБ

МАВЗУ: ЭР-ХОТИННИНГ ОЛАТЛАРИ БИР-БИРИГА ТЕГСА, ҒУСЛ ВОЖИБ БЎЛАДИ

۱۰۸ — حَدَّثَنَا أَبُو مُوسَى عَمْدُ بْنُ الشَّيْخِ حَدَّثَنَا الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ عَنْ الْأَوْزَاعِيِّ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْقَاسِمِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ : « إِذَا جَاوَزَ الْخِتَانُ الْخِتَانَ فَقَدْ وَجِبَ الْغُسْلُ ، فَقَعْنَهُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَعْتَلْنَا » .

108. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдиларки: «Эркакнинг хатнаси хотиннинг хатнасини очса, ғусл вожиб бўлади. Мен ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай ҳолатда ғусл қилганмиз».*

Бу бобда Абу Хурайра, Абдуллоҳ ибн Амр, Рофиъ ибн Ходиж (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

۱۰۹ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ سَفْيَانَ عَنْ عَلِيِّ بْنِ زَيْدٍ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « إِذَا جَاوَزَ الْخِتَانُ الْخِتَانَ وَجِبَ الْغُسْلُ » .

109. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Хатна хатнани очганда, ғусл вожиб бўлади», дедилар.*

Оиша (розияллоҳу анҳо)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Бу ҳадис Оиша (онамиз)дан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мутааддид ваҳҳлардан ривоят қилинган. «Хатна (суннат олати) хатнани очганда ғусл

Баъзи иссиқ иқлимларда аёлларнинг ҳам хатнаси (суннат кертиги) борлиги айтилади.

вожиб бўлади», дедилар.

Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлган илм одамларининг кўпининг қавли шудир. (Ҳазрати) Абу Бакр, (Ҳазрати) Умар, (Ҳазрати) Усмон, (Ҳазрати) Али ва Оиша (розияллоху анҳум) шулар орасидадир.

Тобиъийндан ва кейингилардан бўлган фақиҳларнинг қавли ҳам шундай, Суфён Ас-Саврий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ каби фақиҳлар, хатналар (суннат олатлари) бир-бирига тегса, гусл вожиб бўлади, деганлар.

81-БОБ

МАВЗУ: «СУВ» БОИС СУВ КЕРАК

۱۱۰ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ أَخْبَرَنَا
يُونُسُ بْنُ يَزِيدَ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنِ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ عَنِ أَبِي بِنِ كَثْبٍ
قَالَ: «إِنَّمَا كَانَ الْمَاءُ مِنَ الْمَاءِ رُخْصَةً فِي أَوَّلِ الْإِسْلَامِ، ثُمَّ نُهِيَ
عَنْهَا»

110. Убай ибн Каъб (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; айтдики: «Сув боис сув керак эмас, деган рухсат Исломининг аввалида берилган рухсат эди, кейин бекор қилинди».

۱۱۱ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ أَخْبَرَنَا
مَسْرُورٌ عَنِ الزُّهْرِيِّ، بِهَذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَهُ:

111. Айнан шу ҳадис қуйидаги иснод билан ривоят қилинди: Аҳмад ибн Маниъ, Абдуллоҳ ибн Муборақ, Маъмар, Аз-Зухрий.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Маний тўқилмаса, ғусл қилиш керак эмас, деган рухсат Исломининг бошланғич даврида эди, кейинчалик бекор қилинди. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан мутааддид зотлар ана шундай ривоят қилдилар. Убай ибн Каъб ва Рофиъ ибн Ходиж булар орасида бор.

Илм аҳлидан кўпларининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: «Эр агар хотини билан мужомаат қилса, маний тўқмаган тақдирда ҳам, ҳар иккалови ғусл қилиши вожиб бўлади».

۱۱۲ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ أَخْبَرَنَا شَرِيكَ عَنْ أَبِي الْجَعْفَرِ
عَنْ عِكْرَمَةَ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ : « إِنَّمَا الْمَاءُ مِنَ الْمَاءِ فِي
الْأَحْتِلَامِ »

112. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдики: «Сув боис сув лозимлиги ихтилом бўлган ҳолдадир».

Ал-Жоруд Вакиъдан бундай деганини эшитдим: «Бу ҳадисни фақат Шорикда учратдик»⁹¹.

Абул-Жаҳҳафнинг номи - Довуд ибн Абу Авф.

Суфён ас-Саврийнинг бундай дегани ривоят қилинади: «Абул-Жаҳҳаф бизга бу (ҳадис)ни айтиб берди, ўзи мақбул киши эди».

Бу бобда Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Аз-Зубайр, Талҳа, Абу Аййуб ва Абу Саъид (розияллоҳу анҳум)дан алоҳида-алоҳида ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки: «Сув сув боис вожиб бўлади».

⁹¹Яъни, бу ҳадисни Абул-Жаҳҳафдан ёлғиз Шорик ривоят қилади. Шорик эса Абдуллоҳ Куфийнинг ўғлидир. Ҳоят дуруст киши бўлиши билан бирга кўп янглишган. Куфага волий бўлгандан кейин хотираси ўзгарган.

82-БОБ

МАВЗУ: УЙҚУДАН УЙҒОНИБ, (ЭТАГИДА)
НАМ КЎРМОҚ ВА ИҲТИЛОМ
БЎЛГАНИНИ (УЙҚУСИДА
БУЛҒАНГАНИНИ) ЭСЛАЙ
ОЛМАСЛИК

۱۱۳ - حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ خَالِدٍ التَّمِيمِيُّ عَنْ
عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ هُوَ الْعَمَرِيُّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ عَنِ الْقَاسِمِ بْنِ مُحَمَّدٍ عَنْ
عَائِشَةَ قَالَتْ: «سُئِلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الرَّجُلِ يَجِدُ الْبَلَلَ
وَلَا يَذْكُرُ أَحْتِلَامًا؟ قَالَ: يَنْتَسِلُ. وَعَنِ الرَّجُلِ يَرَى أَنَّهُ قَدْ أَحْتَلَمَ وَلَمْ
يَجِدْ بَلَلًا؟ قَالَ: لَا غَسْلَ عَلَيْهِ. قَالَتْ أُمُّ سَلَمَةَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَلْ عَلَى
الرِّأْوِ تَرَى ذَلِكَ غَسْلًا؟ قَالَ: نَعَمْ، إِنْ النِّسَاءَ شَقَانِقُ الرَّجَالِ.»

113. Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди;
айтдилар: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам-
дан, (этагида) нам топган, аммо иҳтилом бўлганини эс-
лай олмаган киши ҳақида савол сўралди. «Ғусл
қилади», дедилар. Ва яна иҳтилом бўлганини
пайкаган, аммо (этагида) нам топмаган киши ҳақида
сўралди. «Унда ғусл қилмайди», дедилар. Умму Салама
дедики, «Ё Расулуллоҳ! Агар аёл киши ҳам иҳтилом
бўлиб қолса, ғусл лозимми?» «Ҳа, — дедилар, — чунки
аёллар (яратилиш ва табиатда) эркакларга
ўхшашдир».

Бу ҳадисни, яъни Оиша (розияллоҳу анҳо)нинг
«нам топган, аммо иҳтилом бўлганини эслай олмаган
киши» ҳақидаги ҳадисини ёлғиз Абдуллоҳ ибн Умар,
Убайдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилди. Лекин Яҳё ибн

Саъид, Абдуллоҳ ибн Умарни ҳадис бобида хотираси жиҳатдан заиф деб билади.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан бўлган кўпгина илм аҳлининг қавли будир: уйқудан уйғонганда, этагида нам топган киши ювинади (ғусл қилади). Суфён Ас-Саврий ва Аҳмаднинг қавли ҳам шудир.

Тобиъийндан бўлган баъзи илм кишилари бундай дейди: Агар нам нутфа (маний) нами бўлса, ғусл лозим бўлади, Шофиъий ва Исҳоқ шунда тўхтамдалар.

Ихтимол бўлганини пайқаса-ю, лекин этагида намлик топмаса, илм аҳлининг ҳукмига кўра, ғусл лозим бўлмайди.

83-БОБ

**МАВЗУ: МАНИЙ ВА МАЗИЙ (ОЛАТ УЧИГА
МАНИЙДАН ОЛДИН КЕЛАДИГАН
ОҚИМТИР НАМ)**

۱۱۴ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَمْرٍوٌ لِلشَّوَالِیِّ الْبَلْخِیِّ حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ عَنْ
یَزِيدَ بْنِ أَبِي زِيَادٍ ح قَالَ وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ حَدَّثَنَا حُسَيْنُ
الْجَنْبِيُّ عَنْ زَائِدَةَ عَنْ یَزِيدَ بْنِ أَبِي زِيَادٍ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي كَثِيْرٍ عَنْ
عَلِيٍّ قَالَ : « سَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ الْمَذْيِ ؟ فَقَالَ : مِنْ الْمَذْيِ
الْوَضوءُ ، وَبَيْنَ الْمَذْيِ وَالْقَتْلُ » .

114. (Ҳазрати) Али (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; дедиларки: Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мазий ҳақида сўрадим. Айтдиларки: «Мазий келса, таҳорат олмоқ, маний келса, ғусл қилмоқ лозим бўлади».

Бу бобда Ал-Микдад ибн Ал-Асвад ва Убай ибн Каъбдан ҳадис ривоят қилинган.

84-БОБ

**МАВЗУ: КИЙИМГА ТЕККАН МАЗИЙ
(ОҚИМТИР НАМ)**

۱۱۵ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ حَدَّثَنَا عُبَيْدَةُ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَاقَ عَنْ سَعِيدِ بْنِ عُبَيْدٍ ، هُوَ ابْنُ السَّبْعِيِّ ، عَنْ أَبِيهِ عَنْ سَهْلِ بْنِ حَنْبَلٍ قَالَ : « كُنْتُ أَلْقَى مِنَ الَّذِي شِدَّةَ وَعَنَاءٍ ، فَكُنْتُ أَكْثَرُ مِنْهُ النَّسْلَ . فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَسَأَلْتُهُ عَنْهُ ؟ فَقَالَ : « إِنَّمَا يُعْزِمُكَ مِنْ ذَلِكَ الْوَضُوءُ . فَقُلْتُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، كَيْفَ يَمَأُ يُصِيبُ نُورِي مِنْهُ ؟ قَالَ : « يَكْفِيكَ أَنْ تَأْخُذَ كَفًّا مِنْ مَاءٍ فَتَنْضَحَ بِهِ نَوْبَكَ حَيْثُ تَرَى اللَّهُ أَصَابَ مِنْهُ » .

115. Саҳл ибн Хунайф (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: у деди: «Мазийдан қийналиб, озор чекар эдим, кўп (тез-тез) ғусл қилардим. Бу аҳволни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтдим ва бу ҳақда савол сўрадим. Айтдиларки, «Бу (мазий)дан таҳорат олсанг, бас». Шунда: «Ё Расулуллоҳ! Кийимга теккан мазий нима бўлади?» дедим. «Бир ҳовуч сув олиб, кийимингнинг мазий теккан жойига қуйсанг, кифоя!» — дедилар.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Буни фақат Муҳаммад ибн Исҳоқнинг мазий бобидаги ривоятдан биламиз, холос. Илм аҳли кийимга теккан мазий борасида ихтилоф қилишган. Баъзилари юрчишиш (ғусл) кераклигини айтган. Шофибий ва Исҳоқнинг қавли шудир. Баъзилари эса устига сув сепмоқ кифоя, деган фикрга эга бўлган. Аҳмад айтадики: «Сув сепмоқ етарли эканидан умидим бор».

85-БОБ

МАВЗУ: КИЙИМГА ТЕККАН МАНИЙ

۱۱۶ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا أَبُو مُسَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنِ إِبْرَاهِيمَ
عَنْ هَمَّامِ بْنِ الْحَارِثِ قَالَ : سَأَلَتْ عَائِشَةَ صَنِيفٌ ، فَأَمَرَتْهُ بِسِلْحَتَيْهِ صَفْرَاءَ
فَقَامَ ، فَاسْتَعْتَمَ ، فَاسْتَحْيَا أَنْ يُرْسِلَ بِهَا إِلَيْهَا وَبِهَا أَنْزَلَ الْأَحْلَامَ ،
فَنَمَسَهَا فِي النَّهْرِ ، ثُمَّ أَرْسَلَ بِهَا ، فَقَالَتْ عَائِشَةُ : يَا أُمَّتَ قَلْبِنَا تَوْبِنَا ؟ إِنَّمَا
كَانَ بِتَكْيِيدِ أَنْ يَفْرَسَهُ بِأَصَابِيهِ . وَرَبَّنَا قَرَسَتْهُ مِنْ تَوْبِ رَسُولِ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِأَصَابِيهِ .

116. Ҳаммом ибн Ҳорисдан ривоят қилинди; у де-ди: «Оиша (розияллоху анҳо)нинг уйларига бир меҳмон келди, Оиша (онамиз) унга бир сарик чодар (адёл)ни беришни буюрдилар. Меҳмон (чодарни ёпи-ниб) ётиб, кечаси ихтилом бўлиб қолди. Чодарни ихтилом асари бўлган ҳолда қайтаришдан уялиб, уни сувга ботириб ювди, кейин қайтариб берди. Шунда Оиша (онамиз розияллоху анҳо) айтдиларки, «Чодаримизни нега бузди? Бармоқлари орасида ишқалаб ташласа, кифоя эди-ку!» (Бундай ҳолларда) мен Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг кийимларидан бармоқларим билан ишқалаб ташлар эдим».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобиъийндан ва Суфён Ас-Саврий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ сингари кейинги фақиҳлардан кўпларининг қавли шудир. Кийимга теккан маний ҳақида бундай дейдилар: ишқалаб ташлаш кифоя, ювиш шарт эмас.

Мансурдан, Иброҳимдан, Ҳаммом ибн Ал-Ҳорисдан, Оиша (розияллоху анҳум)дан худди шундай, Ал-Аъмош ривоятидек ривоят қилинган. Абу Маъшар бу ҳадисни Иброҳимдан, Оиша (онамиз)дан ривоят қилади. Ал-Аъмашнинг ривояти саҳиҳроқ.

86-БОБ

**МАВЗУ: КИЙИМГА ТЕККАН МАНИЙНИ
ЮВИБ ТАШЛАМОҚ**

۱۱۷ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ قَالَ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنْ عَمْرِو
ابْنِ مَيْمُونِ بْنِ مِهْرَانَ عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ يَسَّارٍ عَنْ عَائِشَةَ : « أَتَاهَا غَسَلَتْ مِثْيَا مِنْ
تَوْبِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ » .

117. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:*
Оиша онамиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кийимларидан манийни ювиб ташлаганлар.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Бу бобда Ибн Аббосдан ҳадис ривоят қилинган. Оиша (розияллоҳу анҳо) «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кийимларидан манийни ювиб ташладилар» деган ҳадис ишқалаб ташлаш ҳақидаги ҳадисга зид эмас. Чунки, ишқалаб ташлаш етарли бўлса-да, киши кийимида маний доғини кўрса, нохуш бўлиши мумкин. Ибн Аббос бундай дейди: «Маний шилимшиқ бир моддадир. Бўёқ суртиб бўлса ҳам, уни эгнингдан кеткиз»(яъни, доғини йўқот).

87-БОБ

**МАВЗУ: ЖУНУБ КИШИНИНГ
ЮВИНМАСДАН УХЛАШИ**

۱۱۸ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ عَيَّاشٍ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ
أَبِي إِسْحَاقَ عَنِ الْأَسْوَدِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ : « كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
يَنَامُ وَهُوَ جُنْبٌ وَلَا يَمْسُ مَاءً » .

118. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди;*
айтдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жунуб ҳолда ухлар, сувга қўл теккизмас эдилар».

۱۱۹ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ سُهَيْبَانَ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ :

نَعْوَةٌ

119. Ханнод бизга Вакиъдан, Суфёндан, Абу Исҳоқдан нақл этди: ўтган ҳадиснинг ўзи...

Саъид ибн Ал-Мусаййиб ва яна бошқаларнинг қавли шудир.

Бошқа томондан эса «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйқудан олдин таҳорат олганлар»ини Оиша (онамиздан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мутааддид кишилар ривоят қилишган. Бу ривоят Абу Исҳоқнинг Ал-Асваддан қилган ривоятидан кўра саҳиҳроқ.

Бу ҳадисни Абу Исҳоқдан, Шуъба, Ас-Саврий ва яна бошқалар ривоят қилишади ва бунда Абу Исҳоқ бир янглишган, деб ҳисоблашади⁹²

88-БОБ

МАВЗУ: УҲЛАМОҚЧИ БЎЛГАН ЖУНУБ КИШИНING ТАҲОРАТ ОЛИБ ЎТМОҒИ

۱۲۰ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ لُقْتِ حَدَّثَنَا بِحْتَمٍ بْنُ سَعِيدٍ عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ

بْنِ عُمَرَ عَنْ نَافِعٍ عَنْ أَبِي عُمَرَ عَنْ عُمَرَ : « أَلَا تَسْأَلُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ

عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَبْنَامُ أَحَدِنَا وَهُوَ جُنُبٌ ؟ قَالَ : نَعَمْ ، إِذَا تَوَضَّأَ . »

120. Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: у киши Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Бироргамиз жунуб ҳолатда ухласак бўладими?» деб сўрадилар: «Ҳа, агар таҳорат олса», дедилар (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам).

Бу бобда Аммор, Оиша, Жобир, Абу Саъид ва Умму Салама (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ри-

⁹²Уларнинг фикрича, Абу Исҳоқ бу ҳадисни узун бир ҳадисдан ривоят қилган, аммо қисқартирганда янглишган.

воят қилинган. Ҳазрати Умарнинг ҳадиси ушбу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг ҳасани ва энг саҳиҳидир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан кўпчилигининг қавли шудир. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг ҳам қавли шу. Жунуб ҳолатдаги киши ухламоқчи бўлса, ётишдан олдин таҳорат олади, дейдилар.

89-БОБ

**МАВЗУ: ЖУНУБ КИШИНИНГ
МУСОФАҲАСИ (ҚҮЛ БЕРИБ
КҮРИШМОҒИ)**

۱۲۱ — حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ حَدَّثَنَا بِحْتَىٰ بْنِ سَعِيدٍ الْقَطَّانُ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ الطَّوِيلُ عَنْ يَكْرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الزُّبَيْ عَنِ أَبِي رَافِعٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: «أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَقِيَهِ وَهُوَ جُنُبٌ، قَالَ فَأَنْعَسَتْ أَعْيُنِي فَأَنْعَسَتْ فَأَنْعَسَتْ، ثُمَّ جِئْتُ، فَقَالَ: أَيْنَ كُنْتَ؟ أَوْ: أَيْنَ دَخَبْتَ؟ قُلْتُ: إِنْ كُنْتُ جُنُبًا. قَالَ: إِنْ لَسْتَ لَا يَنْجُسُ.»

121.Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: у киши жунуб ҳолатда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга йўлиқиб қолди. Айтадики, «Мен орқага тисландим, яъни орқага чекиниб, бориб ғул қилдим, кейин қайтиб келдим. Шунда: «Қаерда эдинг?» ёки «Қаёққа кетдинг?» дедилар. «Мен жунуб эдим», дедим. Ул зот: «Батаҳқиқ, мусулмон киши нажас бўлмайди», дедилар.

Бу бобда Ҳузайфа ва Ибн Аббосдан ҳадис ривоят қилинган. Абу Хурайранинг жунуб ҳолатда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга учраб қолгани ҳақидаги ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлидан мутааддид кишилар жунуб ҳолатдаги одам билан мусофаҳага (кўришмоққа) рухсат берганлар.

Хоҳ жунуб киши, хоҳ ҳайз кўрган аёл бўлсин, уларнинг терлаши зарарсиз, деб ҳисоблаганлар.

90-БОБ

**МАВЗУ: ХОТИН КИШИНИНГ ЭРКАК
КИШИДЕК ТУШ КЎРИШИ (ЯЪНИ
УЙҚУСИДА ИХТИЛОМ БЎЛИШИ)**

۱۲۲ — حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ عَنْ أَبِي بَرْدٍ عَنْ زَيْنَبَ بِنْتِ أَبِي سَلَمَةَ عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ قَالَتْ : «جَاءَتْ أُمَّ سَلِيمٍ بِنْتُ يَلْحَانَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَعِينِي مِنَ الْخَلْقِ قَهْلٌ عَلَى التَّرَاوِيحِ - تَعْنِي فَعَلًا - إِذَا هِيَ رَأَتْ فِي النَّوَامِ مِثْلَ مَا يَرَى الرَّجُلُ ؟ قَالَ : نَعَمْ ، إِذَا هِيَ رَأَتْ النَّوَامَ فَتَنْتَنِي . قَالَتْ أُمُّ سَلَمَةَ : قُلْتُ لَهَا : فَصَحَّتِ النِّسَاءُ يَا أُمَّ سَلِيمٍ ! !» .

122. Умму Салама (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинди; дедики: «Милҳон қизи (Абу Талҳанинг хотини) Умму Сулайм Набий саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, айтдики: «Ё Расулulloҳ! Аллоҳ таоло ҳақ нарсдан уялмоқни буюрмайди! Агар хотин киши уйқусида эркак киши кўрган нарсани кўрса (яъни ихтилом бўлиб қолса), ғул лозим бўладими?» (Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам): «Ҳа, агар сув (маний) келганини кўрса, ғул қилсин», дедилар. Умму Салама айтади: Унга: «Эй Умму Сулайм! Аёлларни уятга қўйдинг-ку! – дедим».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Фақиҳларнинг яқдил (умумий) қавли будир: Аёл киши ихтилом бўлса ва маний келса, ғул қилмоғи керак. Ас-Саврий ва Шофиъийнинг қавли шу.

Бу бобда Умму Сулайм, Ҳавла, Оиша ва Анас (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

91-БОБ

МАВЗУ: ҲУСЛДАН КЕЙИН АЁЛИ БИЛАН
ИСИНМОҚ

۱۲۳ — حَدَّثَنَا هُنَادٌ حَدَّثَنَا وَكِيعٌ عَنْ حُرَيْثٍ عَنِ الشَّعْبِيِّ عَنْ
سُرُوقٍ عَنْ مَائِثَةَ قَالَتْ: «رُبَّمَا أُغْتَسَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ
الْجَنَابَةِ ثُمَّ جَاءَ فَاسْتَدْفَأَ بِي فَصَنَنْتُهُ إِلَى وَطْنِ أَغْنَيْلٍ» .

123. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди;*
айтдилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам
баъзан ҳусл қилиб жанобатдан поклангач, мен билан
исинар эдилар, мен ювинмаган ҳолда бўлсам-да, у ки-
шини бағримга босар эдим».

Бу ҳадиснинг иснодида нуқсон йўқ. Пайғамбар
саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва то-
бийийндан бўлган илм аҳлидан мутааддид кишиларнинг
қавли будир: Ҳусл қилиб покланган эркак ҳали ювинма-
ган аёлининг ётоғига қайтиб, у билан исиниши мумкин.
Суфён Ас-Саврий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг
қавли шудир.

92-БОБ

МАВЗУ: СУВ ТОПОЛМАГАН ЖУНУБ
КИШИНING ТАЯММУМ
ҚИЛМОҒИ

۱۲۴ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ وَتَعَمُّودُ بْنُ غَيْلَانَ قَالَا: حَدَّثَنَا
أَبُو أَحَدَةَ الرَّبِيعِيُّ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ خَالِدِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ أَبِي ذَرٍّ أَنَّ رَسُولَ
اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ الصَّعِيدَ الطَّيِّبَ طَهَّرَ الْمُسْلِمَ، وَإِنْ
لَمْ يَجِدِ الْمَاءَ عَشْرَ سِنِينَ، فَإِذَا وَجَدَ الْمَاءَ فَلْيَمِئْهُ بِشَرَّتِهِ، فَإِنَّ
ذَلِكَ خَيْرٌ» .

وَقَالَ تَعَمُّودٌ فِي حَدِيثِهِ: «إِنَّ الصَّعِيدَ الطَّيِّبَ وَضَوْءَ الْمُسْلِمِ» .

124. *Абу Зарр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Албатта, тоза тупроқ мусулмон кишини покловчидир, ҳатто у ўн йил сув топа олмаса ҳам! Сув топган тақдирда ҳам тоза тупроқни баданига (терисига) сурсин, албатта ана шу хайрлироқдир!»*

Маҳмуд ўз ривоятида «Тоза тупроқ мусулмон кишининг поклик сувидир», дейди.

Бу бобда Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Амр, Имрон ибн Ҳусайн (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Ушбу ҳадисни Холид Ал-Ҳаззодан, Абу Қилобадан, Амр ибн Буждодан, Абу Заррдан (розияллоҳу анҳум) биттадан кўп киши шу тарзда ривоят қилишди.

Аййуб эса бу ҳадисни Абу Қилобадан, Омир ўғилларидан бўлмиш бир кишидан, Абу Заррдан ривоят қилади ва Омир ўғилларига мансуб кишининг исмини келтирмайди.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Фақиҳларнинг яқдил қавли будир: Жунуб бўлган эркак ва аёл ҳамда ҳайз кўрган аёл сув топмаса, таяммум қилишади ва намозларини ўқишади.

Ибн Масъуд, сув топа олмаган жунуб киши учун таяммум йўқ, деган фикрда эканлиги ривоят қилинди. Аммо сўзидан қайтиб «Сув топгунича таяммум қилади» деб айтгани алоҳида ривоят этилади.

Суфён Ас-Саврий, Молик, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

93-БОБ

МАВЗУ: ИСТИҲОЗА

١٢٥ - حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا تَوْكَيْعٌ وَهَبِيْدُهُ وَأَبُو سَعُوْدِيَّةَ عَنْ هِشَامِ
 ابْنِ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ ثَابِتَةَ قَالَتْ : دَجَعْتُ فَاطِنَةَ بَيْتِ أَبِي حُبَيْشٍ
 إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ : يَا رَسُولَ اللهِ ، إِنِّي امْرَأَةٌ اسْتَحْضَتْ
 فَلَا أَطْمَئِنُّ ، أَفَادَعُ الصَّلَاةَ ؟ قَالَ : لَا ، إِنَّمَا ذَلِكَ عِرْقٌ ، وَلَيْسَتْ
 بِالْحَيْضَةِ ،
 فَإِذَا أَقْبَلَتْ أَطْمَئِنَّةً فَدَعِيَ الصَّلَاةَ ، وَإِذَا أُدْبِرَتْ فَاغْبِطِي مَعَكَ الدَّمَ وَمَسَّلِي .
 قَالَ أَبُو سَعُوْدِيَّةَ فِي حَدِيثِهِ : « وَقَالَ : تَوَسَّئِي لِكُلِّ صَلَاةٍ حَتَّى
 يَجِيءَ ، ذَلِكَ أَلْوَقْتُ » .

125. Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди;
 айтдилар: «Фотима ибн Абу Хубайш Набий саллал-
 лоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, «Ё Ра-
 сулуллоҳ! Мен истиҳоза кўрадиган аёлман, бундан ҳеч
 покланмайман. Намозни тарк этайинми?» – деди.
 «Йўқ, – дедилар (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва
 саллам) – бу томир қонидир, ҳайз қони эмас. Ҳайз
 кўрадиган кунларинг намозни тарк эт, ҳайз
 (муддати)дан поклангач, ғул қилгин ва намозингни
 ўқийвергин».

Абу Муовия ўз ривоятида бундай дейди:
 «Айтдиларки, «Ҳар вақт намози учун алоҳида таҳорат
 ол, то ўша вақт (ҳайз вақти) келгунича».

Бу бобда Умму Саламадан ҳадис ривоят
 қилинган.

Оиша (розияллоҳу анҳо)нинг «Фотима келиб» де-
 ган ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи

ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан бўлмиш мутааддид илм аҳлларининг қавли шудир. Суфён Ас-Саврий, Молик, Шофиъий ва Ибнул-Муборак ушбу қавлга эга бўлишган: Истиҳоза кўрган аёл, ҳайз кунлари ўтгач, ювинади ва ҳар вақт намози учун (алоҳида) таҳорат олади.

94-БОБ

**МАВЗУ: ИСТИҲОЗА КЎРГАН АЁЛ ҲАР БИР
ВАҚТ НАМОЗИ УЧУН ТАҲОРАТ
ОЛАДИ**

۱۲۶ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا شَرِيكٌ عَنْ أَبِي الْيَعْقَانِ عَنِ عَدَى
ابن نَابِتٍ عَنْ جَدِّهِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ فِي الْمُسْتَعَاضَةِ :
« تَدْعُ لِلصَّلَاةِ أَيَّامَ أَقْرَانِهَا الَّتِي كَانَتْ تَحِيضُ فِيهَا ، ثُمَّ تَمْسِلُ وَتَتَوَضَّأُ
عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ ، وَتَصُومُ وَتُصَلِّيُ . »

126. Адий ибн Собитнинг бобосидан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам истиҳоза кўрадиган аёл борасида бундай дедилар: «Ой кўриши кунлари олдиндан белгили бўлган аёллар ҳайз кунларида намозни тарк этади, кейин ғусл қилади ва ҳар вақт намози олдидан таҳорат олади, рўзасини тутиб, намозини ўқийверади».

۱۲۷ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ أَخْبَرَنَا شَرِيكٌ عَنْ عَمْرٍو بْنِ مَرْثَدٍ .

127. Али ибн Хужр худди шу ҳадис маъносини Шорикдан нақл этиб, бизга баён қилди.

Бу ҳадисни Абул-Йақзондан фақатгина Шорик ривоят қилган. Муҳаммад (Ал-Бухорий)дан бу ҳақда сўраб, «Ҳадиснинг санадида Адий ибн Собитдан, унинг

отасидан, бобосидан, дейилади, Адийнинг бобосининг оти нима?» дедим. Муҳаммад унинг исмини билмади. Бир гал Муҳаммадга: «**Яҳё ибн Майин, унинг исми Динор деб айтяпти**», десам, у бунга эйтибор бермади.

Аҳмад ва Исҳоқ истиҳоза кўрадиган аёл борасида бундай дейишади: «**Хар бир намоз вақтида ювинса (ғул қилса) ўзи учун эҳтиёткор бўлган бўлади, хар вақт намози учун фақатгина (янги) таҳорат олса, кифоя. Бир таҳорат билан икки вақт намозни жамъ қилса, жоиздир**».

95-БОБ

МАВЗУ: ИСТИҲОЗА КЎРГАН АЁЛ БИР ҒУСЛ БИЛАН ИККИ ВАҚТ НАМОЗНИ ЖАМЪ ҚИЛИБ ЎҚИМОҒИ

١٦٨ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ - دَنَا أَبُو قَامِرٍ الْمَقْدِسِيُّ - دَنَا زُهَيْرُ
 ابْنِ عَدِيٍّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ عَقِيلٍ عَنْ إِبْرَاهِيمَ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ طَلْحَةَ
 عَنْ عَبْدِ عِرْمَانَ بْنِ طَلْحَةَ عَنْ أُمِّ سَخْنَةَ بِنْتِ جَعْفَرِ بْنِ جَعْفَرِ بْنِ
 أَسْتَحْضَتْ حَيْضَةً كَثِيرَةً شَدِيدَةً ، فَأَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَسْتَشْفِيهِ
 وَأَخْبِرُهُ . فَوَجَدْتُهُ فِي بَيْتِ أَخِي زَيْنَبِ بْنِ جَعْفَرِ بْنِ جَعْفَرِ بْنِ جَعْفَرِ بْنِ
 يَارَسُولَ اللَّهِ ، إِذِ اسْتَحْضَتْ حَيْضَةً كَثِيرَةً شَدِيدَةً ، فَمَا تَأْمُرُنِي فِيهَا ،
 قَدْ مَنَعْتَنِي الصِّيَامَ وَالصَّلَاةَ ؟ قَالَ : أَنْتُ لَكَ الْكَرْسُفُ ، فَإِنَّهُ يُذْهِبُ
 أَلْذَمَ قَالَتْ : هُوَ أَكْثَرُ مِنْ ذَلِكَ ؟ قَالَ : فَتَلْجِئِي . قَالَتْ : هُوَ
 أَكْثَرُ مِنْ ذَلِكَ ؟ قَالَ : فَاتَّخِذِي ثَوْبًا . قَالَتْ : هُوَ أَكْثَرُ مِنْ ذَلِكَ
 إِنَّمَا أَتَيْتُ نَعْمًا ؟ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : سَأَلْتُكَ جَاءَتْكَ مِنْ
 أَيِّهَا صَنَعْتَ أَجْزَأَ عِنْدَكَ ، فَإِنْ قَوَيْتِ عَلَيْهِمَا فَأَنْتِ أَعْلَمُ . قَالَ :

إِنَّمَا رَكْعَةٌ مِنَ الشَّيْطَانِ ، فَتَحْيِي سِتَّةَ أَيَّامٍ أَوْ سَبْعَةَ أَيَّامٍ فِي
عِلْمِ اللَّهِ ، ثُمَّ اغْتَسَلِ ، فَإِذَا رَأَيْتَ أَنَّكَ قَدْ طَهَّرْتَ وَأَسْتَنْقَأْتَ
فَقُلْ أَرْبَعًا وَعِشْرِينَ لَيْلَةً ، أَوْ ثَلَاثًا وَعِشْرِينَ لَيْلَةً وَأَيَّامَهَا ، وَصُورِي
وَصَلِّ ، فَإِنَّ ذَلِكَ يُجْزِئُكَ ، وَكَذَلِكَ فَأَقْمَلِي ، كَمَا تَحِيضُ النِّسَاءُ
وَكَأَيُّهُنَّ ، لِيَقَاتِ حَيْضِينَ وَطَهْرَهُنَّ ، فَإِنَّ قَوِيَّتَ عَلَى أَنْ تُوَخَّرِي
الظَّهْرَ وَتُعْجَلِي التَّصَرُّعَ جَيِّمًا ، ثُمَّ تُوَخَّرِينَ الْمَرْبِ ، وَتَمُجِّلِينَ الْمِشَاءَ ،
ثُمَّ تَمْتَسِلِينَ ، وَتَجْمَعِينَ بَيْنَ الصَّلَاتَيْنِ - فَأَقْمَلِي ، وَتَمْتَسِلِينَ مَعَ
الشَّعْبِ وَتَمْتَسِلِينَ ، وَكَذَلِكَ فَأَقْمَلِي ، وَصُورِي إِنْ قَوِيَّتَ عَلَى ذَلِكَ فَقَالَ :
رسول لله صلى الله عليه وسلم : وهو أعجبُ الأمورِ إليّ .

128. Ҳамна бинти Жаҳш (розияллоҳу анҳо)дан ри-
воят қилинди; айтди: «Ой кўриш муддатидан зиёд, кўп
оғир ҳайз кўрар эдим. Набий саллаллоҳу алайҳи ва
салламнинг хузурларига келдим; аҳволимни билдир-
моқчи ва фатво сўрамоқчи эдим. Ул зотни эгачим Зай-
наб бинти Жаҳшнинг⁹³ уйида топдим ва дедимки: «Ё
Расулulloҳ! Мен ой кўриш муддатидан зиёд, кўп оғир
ҳайз кўргувчиман! Бу ҳақда менга нимани амр
қиласиз? Чунки, бу мени рўзадан ва намоздан
қолдирди». Айтдиларки: «Сенга пахтани тавсия
қиламан, чунки пахта қонни кетказди». Ҳамна деди:
«Пахта асқотмайдиган даражада кўп қон келади».
(Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар:
«(Қон оқиши ва ёйилишини ушлайдиган) бир боғич
тутгин». Ҳамна деди: «Қон бундан ҳам кўп келади».
(Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам) «Бирор бу-
юм (кийим) тутгил», – дедилар. Ҳамна: «Қон бундан

⁹³Ҳазрати Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг зав-
жан мутаҳхараларидан.

ҳам кўп келади, тўхтовсиз оқиб туради», – деди. Шунда *Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар*: «Сенга икки нарсани буюраман, қайси бирини қила олсанг, шу сенга кифоя. Агар икковини қила олсанг ҳам, ўзинг биласан. Бу, албатта, фақат шайтоннинг бузғунчилигидир. Буни Аллоҳу таолонинг илмига ҳавола этиб, олти кун ёки етти кунни ҳайз кунлари ҳисоблагин, кейин ғусл қилгин, агар тозаланганинг ва покланганингни кўрсанг, йигирма тўрт кун ёки йигирма уч – кун кеча ва кундуз намоз ўқи⁹⁴, рўзангни тут, намозингни ҳам ўқийвер. Ўша ғусл (бу муддат учун) сенга етади! Аёллар одатда қай вақтда ой кўриб, қай вақтда ҳайздан покланса, сен ҳам ўшандай қил. Агар кучинг етсаки, пешинни орқароққа суриб ва асрни илдамлатиб, унга уласанг, бу орада поклансанг (қон тўхтаганини кўрсанг), ғусл қилиб, пешин билан аср намозларини жамъ қилиб ўқи, (ва агар кучинг етсаки), кейин шомни кечиктириб ва ҳуфтонни илдамлатсанг, кейин ғусл қилиб, бу икки намозни ҳам жамъ қилиб ўқисанг, шундай қил. Бомдод намози учун (алоҳида) ғусл қилиб, намозингни ўқийсан. Ана шундай қилгин. Агар рўза тутмоққа кучинг етса, рўзангни ҳам тутавер». Шундан сўнг (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдиларки: «Бу икки ишдан менга ажиброғи шунисидир»⁹⁵.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Убайдуллоҳ ибн Амр Ар-Роккий, Ибн Журайҳ ва Шорик бу ҳадисни Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Оқилдан, Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Талҳадан, у амалкиси Имрондан, у онаси Ҳамнадан ривоят қиладилар. Ажабки, Ибн Журайҳ «Умар ибн Талҳа» дейди.

⁹⁴Олти кунни ҳайз кунлари деб ҳисобласа, 24 кун, етти кунни ҳайз кунлари деб ҳисобласа, 23 кун – кеча ва кундуз намозини ўқийверади ва рўза тутаверади.

⁹⁵Пайғамбар (с.а.в.) таърифлаган тарзда, бир ғусл билан икки вақт намозини ўқиш кўзда тутилган.

Ҳолбуки, саҳиҳ сўз – «Имрон ибн Талҳа»дир.

Муҳаммад (Ал-Бухорий)дан бу ҳадис ҳақида сўрадим, «Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ» деди.

Истиҳоза кўрган аёл ҳақида Аҳмад ва Исҳоқ бундай дейишади: «Кошки ҳайзнинг муддатини, қоннинг келиши ва тугаши билан билса, чунки қоннинг келиши қора бўлмоғи ва тугаши эса сарикқа ўзгарувидир; ана шу тақдирда Фотима ибн Хубайшнинг ҳадисига биноан фатво берилади. Агар, истиҳоза кўрган аёлнинг истиҳозадан аввал муайян (белгили ҳайз кўриш) кунлари бўлса, намозни ҳайз кунларида тарк этади; кейин ғусл қилиб, ҳар намоз учун (янги) таҳорат олиб, намозини ўқийди. Қон давом этса-ю, аёлнинг муайян (ҳайз) кунлари бўлмаса, ҳайзини қоннинг келиши ва кетиши билан билмаса, бу ҳолатда Ҳамна ибн Жаҳш ҳадиси асосида фатво берилади».

Абу Убайда ҳам шундай дейди.

Шофиъий айтадики, истиҳоза кўрган аёл, агар илк ҳайз кўрганида қон давом этса ва бу ҳол чўзилиб кетса, ҳайз бошланган кун билан (бирга) ўн беш кун орасида намозни тарк этади. Борди-ю, ўн беш кунда ёки ундан олдинроқ покланса, шу муддат унинг ҳайз кунларидир. Агар ўн беш кундан ортиқ қон кўрса, ўтган ўн тўрт куннинг намозини қазо қилади ва ҳайз муддатининг энг ози бўлган бир кун ва бир кечанинг намозини тарк этади.

Ҳайз муддатининг ози ва кўпи борасида илм аҳли ихтилоф қилишган: бирови энг оз уч кун ва энг кўпи ўн икки кун эканини айтади. Суфён Ас-Саврий ва Куфа аҳлининг (ҳанафийларнинг) қавли шундай. Ибнул-Муборак шу қавлга эга бўлган, айтилиши вақтда, бошқа бир фикрга эга бўлгани ҳам ривоят қилинган. Орасида Ато ибн Абу Рабоҳ бўлган баъзи илм аҳли ҳайз муддатининг энг ози бир кеча-кундуз деб, энг кўпи 15 кун деб айтдилар. Молик, Ал-Авзойи, Шофиъий, Аҳмад, Исҳоқ ва

Абу Убайданинг қавли шудир.

96-БОБ

**МАВЗУ: ИСТИҲОЗА КЎРГАН АЁЛ ҲАР ВАҚТ
НАМОЗИ УЧУН ҒУСЛ ҚИЛАДИ**

۱۲۹ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا اللَّيْثُ عَنْ ابْنِ شِهَابٍ عَنْ عُرْوَةَ عَنْ
رَبِيعَةَ أَنَّهَا قَالَتْ : « اِسْتَعْتَمْتُ اُمَّ حَبِيبَةَ ابْنَةَ جَعْفَرِ بْنِ رَسُوْلِ اللهِ صَلَّى اللهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، قَالَتْ : اِنِّي اِسْتَحْضَاؤُ فَلَآ اَطْمَهُرُ ، اَفَادَعُ الصَّلَاةَ ؟ قَالَتْ :
لَا ، اِنَّمَا ذَلِكْ عِرْقٌ ، فَاغْتَسِلِي نِمَّ حَلٌّ . فَكَانَتْ تَغْتَسِلُ لِكُلِّ
صَلَاةٍ . »

129. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдиларки: «Умму Ҳабиба бинти Жаҳи, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан фатво истаб, деди: «Мен истиҳоза кўраман, ҳеч покланмайман (қон тўхтамайди); намозни тарк этайинми?» Шунда (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Йўқ! Бу фақат томир (қони)дир. Ғусл қил ва намозингни ўқийвер!» Шунга кўра (Умму Ҳабиба) ҳар бир вақт намози учун ғусл қиларди».*

Қутайба айтадики, Ал-Лайс бундай деди: «Ибн Шиҳоб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир намоз учун ғусл қилмоқни Умму Ҳабибага амр этганларини зикр қилади. Аёлнинг бу ҳаракати ўз-ўзича қилган ишидир».

Бу ҳадис «Аз-Зухрийдан, Амрадан, Оишадан» деган иснод билан ҳам ривоят қилинган.

Айрим илм аҳли: «Истиҳоза кўрган аёл ҳар вақт намози учун ғусл қилади», дейишади.

Ал-Авзойи бу ҳадисни Аз-Зухрийдан, Урва ҳамда Амрадан, Оишадан ривоят қилади.

97-БОБ

МАВЗУ: ҲАЙЗ КЎРГАН АЁЛ НАМОЗИНИНГ
ҚАЗОСИНИ ЎҚИМАЙДИ

۱۳۰ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا سَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ أَبِي يُوسُفَ عَنْ أَبِي قِلَابَةَ
عَنْ مُعَاذَةَ : « أَنْ أَمْرَأَةً سَأَلَتْ عَائِشَةَ ، قَالَتْ : أُنْقَضِيَ إِحْدَانًا صَلَاتُهَا
أَبَامَ تَحِيضِهَا ؟ قَالَتْ أَحْرُورِيَّةُ أَنْتِ ؟ أَلَا قَدْ كَانَتْ إِحْدَانًا تَحِيضُ
فَلَا تُؤْمَرُ بِقَضَاءِ » .

130.Муъоз (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:
«Бир аёл Оиша (онамиз)га савол бериб, дедики,
«Бироргамиз (ҳайздан поклансак), ҳайз кунларида
ўқимаган намозларимизнинг қазосини ўқиймизми?»
Шунда (Оиша онамиз) айтдилар: «Сен
ҳарураликмисан?»⁹⁶ (яъни, аҳли суннатга зид хавориж-
ларданмисан?) Ҳеч кайси биримизга ҳайз кўрганда
ўқимаган намозларнинг қазосини ўқиш буюрилма-
ган!».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ҳоиз (ҳайз кўрган аёл) намозни қазо қилмаслиги
(кейин адо этмаслиги) Оиша (розияллоҳу анҳо)дан мута-
аддид ваҳҳлардан ривоят қилинган. Фақиҳларнинг уму-
мий қавли шудир: Ҳоиз рўзани қазо қилади (кейин ту-

⁹⁶Ҳарура — Куфадан икки мил масофада бўлган бир қасабанинг номи. Хорижийлар (Ховориж) мазҳабидан бўлганлар ҳаруралик дейилади. Чунки, Ҳазрати Али (карромаллоҳу ваҳҳаҳу)га қарши чиққан хаворижларнинг биринчи фиркаси ўша ерда тушланган эди. Хаворижлар турли фиркаларга бўлинган. Бирок ҳаммалари иттифоқ қилган асос масалалардан бири Куръоннинг амрига буйсунмоқ, аммо ҳадиснинг Куръонда топилмаган амрини рад этмоқдир. Оиша (розияллоҳу анҳо) «Сен ҳарураликмисан?» дейишлари ана шунинг учундир. (Муборакфурий)

тиб беради), аммо намозни қазо қилмайди, деган фикр борасида ораларида ихтилоф йўқ.

98-БОБ

МАВЗУ: ЖУНУБЛИК ВА ҲАЙЗ ҲОЛАТИДА ҚУРЪОН ҲИЛМАЙДИ

۱۳۱ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ وَابْنُ عُرْفَةَ قَالَا :
 حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ عَيَّاشٍ عَنْ مُوسَى بْنِ عُقْبَةَ عَنْ نَافِعٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ
 أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « لَا تَقْرَأُوا الْحَائِضُ ، وَلَا الْجُنُبُ شَيْئًا
 مِنَ الْقُرْآنِ » .

131. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ҳайз кўрган аёл ва жунуб бўлган инсон Қуръондан ҳеч бир нарса ўқимасин!»

Бу бобда Али (розияллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Умарнинг ҳадисини ёлғиз Исмоил ибн Аййашнинг Мусо Ибн Уқбадан, Нофиъдан, Ибн Умардан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривояти орқали биламиз.

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобиъийдан ва кейингилардан бўлган илм аҳли кўпчилигининг қавли шудир. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ: «Ҳайз кўрган аёл ва жунуб киши Қуръондан ҳеч бир нарса ўқимасин, аммо бир оятнинг четини ёки бир ҳарфни ва шу кабиларни ўқиши мумкин», дейишади; шу билан бирга ҳайзли аёл ва жунуб киши тасбиҳ ва таҳлил келтирмоқларига рухсат беришади.

Муҳаммад ибн Исмоил (Ал-Бухорий)дан эшит-

димки, бундай деди: «Исмоил ибн Аййаш, Хижоз ва Ироқ аҳлидан мункар (ёлгон) ҳадислар ривоят қилади». (Ал-Бухорий) мазкур Исмоилнинг Хижоз ва Ироқ аҳлидан ёлғиз ўзи қилган ривоятини заиф деб топади ва бундай деб давом этади: «Исмоил ибн Аййашнинг (ушбу) ривояти фақат Шом аҳлидандир⁹⁷».

Аҳмад ибн Ҳанбал айтадики: «Исмоил ибн Аййаш Бақиййадан кўра тузукроқ. Бақиййанинг сиқа (ишончли) кишилар (номи)дан қилган мункар ҳадислари бор». Аҳмад ибн Ҳасан менга нақл этиб, «Бу сўзни Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ўзидан эшитдим», деди.

99-БОБ

**МАВЗУ: ҲАЙЗ КЎРГАН ХОТИН БИЛАН
БИРГА ЁТМОҚ**

۱۳۴ = حَدَّثَنَا بَدْرُ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ عَنْ سَفْيَانَ
عَنْ مَنْصُورٍ عَنْ إِبْرَاهِيمَ عَنِ الْأَسْوَدِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: «كَانَ رَسُولَ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا حِضَّتْ يُأْمُرُنِي أَنْ أُتَرِّبَ، ثُمَّ يُبَاشِرُنِي.»

132. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдиларки: «Ҳайз кўрган пайтимда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга изор (лунги) боғлаб олмоқни (ҳайз кийими кийиб олмоқни) буюрардилар, кейин мен билан бирга мубошарат^{*} қилардилар».*

Бу бобда Умму Салама ва Маймуна (оналаримиз)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

⁹⁷Имом Бухорий, Исмоил ибн Аййашнинг, Шом аҳлидан ривоят қилган ҳадисларини саҳиҳ ва фойдаланиш учун яроқли, деб ҳисоблайди. Термизий, Бухорийнинг бу зот ҳақидаги фикрини изохламокда.

^{*}Мубошарат – эркалаб ўлмоқлик.

Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиийндан мутааддид илм аҳлининг қавли шудир. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган.

100-БОБ

МАВЗУ: ҲАЙЗ КЎРГАН ХОТИНИ БИЛАН БИРГА ОВҚАТЛАНМОҚ ВА ҲАЙЗЛИ АЁЛ (ТАҲОРАТИ)ДАН ОРТИБ ҚОЛГАН СУВ

۱۳۳ — حَدَّثَنَا مَبَّاسُ الْمَنْبَرِيُّ وَ مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْأَعْلَى قَالَا حَدَّثَنَا
عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مُهْدِيٍّ حَدَّثَنَا مُعَاوِيَةُ بْنُ صَالِحٍ عَنِ الْعَلَاءِ بْنِ الْخَارِثِ
عَنْ حَرَامِ بْنِ مُعَاوِيَةَ عَنْ عَمْرِو عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَعْدٍ قَالَ : « سَأَلْتُ النَّبِيَّ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ مَوَاكِلَةِ الْخَائِضِ ؟ فَقَالَ : وَ أَسْأَلُهَا . »

133.Абдуллоҳ ибн Саъид (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; дедики: «Набий саллаллоху алайҳи ва салламдан ҳайз кўрган хотин билан бирга овқатланмоқ борасида сўрадим. «У билан биргаликда еявергин!» деб айтдилар.

Бу бобда Оиша ва Анас (розияллоху анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абдуллоҳ ибн Саъиднинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

Илм аҳлидан барчаларининг қавли шудир: Ҳайз кўрган хотин билан бирга овқатланмоқ зиёнсиз, деб ҳисоблайдилар.

Хотиннинг таҳоратидан ортан сув борасида ихтилоф қилинган. Бирови бунга рухсат берса, бирови макруҳ деб ҳисоблаган.

101-БОБ

**МАВЗУ: ҲАЙЗ КЎРГАН АЁЛНИНГ
МАСЖИДДАН БИРОР НАРСА
ОЛИБ БЕРМОҒИ**

۱۳۴ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا عَيْبَةُ بْنُ حُنَيْدٍ عَنْ الْأَعْمَشِ
عَنْ ثَابِتِ بْنِ عُبَيْدٍ عَنِ الْقَاسِمِ بْنِ مُحَمَّدٍ قَالَ : قَالَتْ لِي عَائِشَةُ : « قَالَ لِي
رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : تَأْوِيلِي أَنْكُرَةَ مِنَ النَّجْدِ . قَالَتْ :
قُلْتُ : إِي حَائِضٌ : قَالَ : إِنْ حَبَّضَكَ لَبَسْتَ فِي يَدِكَ » :

134. *Оиши (розияллоҳу анҳо)дин ривоят қилинди:*
«Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга:
«Масжиддан жойнамозни олиб бергин», дедилар. «Мен
ҳайз кўрганман», дедим. «Сенинг ҳайзинг қўлингда
эмас-ку!» дедилар.

Оиша (онамиз)нинг ҳадиси – ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлидан барчаларининг қавли шудир. Бу ма-
салада ораларида ихтилоф бўлганини билмаймиз. Ҳайз
кўрган хотин (қўлини узатиб) масжиддан бирор нарсани
олишида зиён йўқ, деб ҳисоблайдилар.⁹⁸

⁹⁸Бу ҳадис, ҳайз кўрган хотин қўлини узатиб, масжиддан би-
рор нарса олиши жоиз эканига ҳамда бир уйга ёки бир масжидга
кирмайман, деб қасам ичган киши, танасининг бир қисмини ўша
уйга ёки ўша масжидга суққанида қасами бузилмаслигига далил-
дир.

102-БОБ

**МАВЗУ: ҲАЙЗ КЎРГАН ХОТИНГА
ЯҚИНЛИК ҚИЛМОҚ ҚАРОҲАТ
ЭКАНЛИГИ**

۱۳۵ - حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ وَبَهْرُ بْنُ أَسَدٍ قَالُوا : حَدَّثَنَا سَمَاءُ بْنُ سَلَةَ عَنْ حَكِيمِ الْأَثَرَمِ عَنْ أَبِي تَمِيمَةَ الْمَجَشِيمِيِّ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « مَنْ أُنِيَ حَائِضًا أَوْ امْرَأَةً فِي دُبُرِهَا أَوْ كَاهِنًا : قَدْ كَفَّرَ بِمَا أَنْزَلَ عَلَى مُحَمَّدٍ » صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

135.Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Кимки ҳайз кўрган хотинга ёки хотиннинг орқасига яқинлик қилса ва ёки қоҳинга (фолбинга) борса, ундай кимса Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)га нозил қилинган нарсага куфр келтирган бўлади».

Бу ҳадисни танҳо Ҳоким Ал-Асрамнинг Абу Тамима Ал-Ҳужаймийдан, Абу Ҳурайрадан қилган ривояти орқали биламиз. Илм аҳлининг фикрига кўра, ҳадис ташдид (орттириш, шиддатлантириш) маъносини ифода этади. Нечукким, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ҳайз кўрган хотинга яқинлик қилган киши бир динор садақа берсин», деган ҳадис ҳам ривоят қилинган. Агар ҳайзли аёлга яқинлик қилиш куфр бўлса эди, бу ўринда каффорат (эваз) бериш буюрилмас эди.

Муҳаммад (Ал-Бухорий) бу ҳадисни исноди жиҳатдан заиф деб топган.

Абу Тамима Ал-Ҳужаймийнинг номи - Ториф ибн Мужолид.

103-БОБ

**МАВЗУ: ҲАЙЗ КЎРГАН ХОТИНГА
ЯҚИНЛИК ҚИЛГАНДА КАФФОРАТ
БЕРИШ**

۱۳۶ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ أَخْبَرَنَا شَرِيكَ عَنْ خُصَيْفٍ عَنْ مِقْسَمٍ
عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « فِي الرَّجُلِ يَتَمَعُ
عَلَى امْرَأَتِهِ وَهِيَ حَائِضٌ ، قَالَ : يَتَصَدَّقُ بِنِصْفِ دِينَارٍ . »

136.Ибн Аббос (розиаллоху анҳумо)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам, ҳайз кўрган хотинга яқинлик қилган кимса ҳақида: «Ярим динар садақа беради», дедилар.

۱۳۷ — حَدَّثَنَا الْحُسَيْنُ بْنُ سُرَيْثٍ أَخْبَرَنَا الْقَضْلِيُّ بْنُ مُوسَى
عَنْ أَبِي تَمْرَةَ السُّكْرِيِّ عَنْ عَبْدِ الْكَرِيمِ عَنْ مِقْسَمٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ
عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « إِذَا كَانَ دَمًا أَحْمَرَ قَدِيبًا ، وَإِذَا
كَانَ دَمًا أَصْفَرَ فَنِصْفُ دِينَارٍ . »

137.Ибн Аббос (розиаллоху анҳумо)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам: «Агар қон қизил бўлса, бир динар, агар қон сарғиш бўлса, ярим динар (садақа беради)», дедилар.

Ҳайз кўрган хотинга яқинлик қилганда каффорат бериш борасидаги ҳадис Ибн Аббосдан марфуъ ва мавкуф тарзида ривоят қилинган.

Айрим илм аҳлининг қавли шудир. Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган. Ибнул-Муборак: «Парвардигоридан мағфират талаб этади, бунда каффорат лозим бўлмайди», дейди. Тобиъийндан баъзилари Ибнул-Муборак фикрида эжанликлари ривоят қилинади. Саъид ибн Жубайр ва Иброҳим Ан-Наҳойй шулардандир. Бутун амсор («миср», катта шаҳарлар) уламосининг қавли шудир.

104-БОБ

**МАВЗУ: КИЙИМГА ТЕККАН ҲАЙЗ
ҚОНИНИ ЮВМОҚ**

۱۳۸ - حَدَّثَنَا أَبُو أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ
هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ عَنْ فَاطِمَةَ بِنْتِ الْمُنْذِرِ عَنْ أَسْمَاءَ بِنْتِ أَبِي بَكْرٍ :
« أَنْ أَمْرَأَةً سَأَلَتِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ التَّوْبِ بِصُدْيَةِ الدَّمِ
مِنَ الْخَيْضَةِ ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : حُتْبِي ، ثُمَّ اقْرَئِيهِ
بِالنَّاءِ ، ثُمَّ رُشِّيهِ ، وَصَلِّي فِيهِ . »

138. Асмо бинти Абу Бакрдан ривоят қилинди:
«Бир хотин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кийимга ҳайз қони тегиб қолиши борасида сўради. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аввал қонни ишқаб ташла, кейин сув билан (хўллаб) юв, кейин устига сув қуйиб тозала, сўнг ўша кийимда намоз ўқийвергин».

Бу бобда Абу Ҳурайра ва Умму Қайс ибн Миҳсондан ҳадис ривоят қилинган.

Асмонинг ҳайз қонини ювиш ҳақидаги ҳадиси – ҳасан-саҳиҳ.

Кийимга қон текканда уни ювмасдан намоз ўқиган киши ҳақида илм аҳли ихтилоф қилишди. Тобиъийндан баъзилари, «қон бир дирҳам (танга) микдорида бўлса, уни ювмасдан намоз ўқиса, намозини қайтиб ўқийди», дейишди. Бировлари эса: «Қон бир дирҳам (танга)⁹⁹ микдоридан кўп бўлса, намозини қайта

⁹⁹Дирҳам деб эскидан қўлланиб келган тангага айтилади. Ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинишича, у киши қоннинг микдорини тирноқлари билан кўрсатган эканлар. «Ал-муҳит» китобида шарҳланишича, Ҳазрати Умарнинг тирноғи салкам бизнинг кафтимизча эди. Ана шу (далил) кийимга теккан қон дирҳамдан оз бўлса, намозга монъелик қилмаслигига далилат этади. (Ал-Айний).

ўқийди», дейишади. Суфён Ас-Саврий ва Ибнул-Муборакнинг қавли шудир. Тобиъийндан ва бошқалардан баъзи илм аҳлининг фикрича, қон бир дирхам (танга) миқдордан кўпроқ бўлса ҳам, намозини қайтиб ўқиш лозим бўлмайди. Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган. Шофиъий айтадики, «**Бир дирхам (танга) миқдоридан оз бўлса ҳам, ювилмоғи керак**». Бу хусусда у киши ташдид (муболаға) қилган.

105-БОБ

МАВЗУ: НИФОС (ТУҒИШДАН КЕЙИНГИ ҚОН КЕЛИШ)НИНГ МУДДАТИ

۱۳۹ — حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ الْجَنْهَضِيُّ حَدَّثَنَا شُعَاعُ بْنُ الْوَلِيدِ أَبُو بَدْرٍ عَنْ عَلِيِّ بْنِ عَبْدِ الْأَعْلَى عَنْ أَبِي سَهْلٍ عَنْ مَعْنَى الْأَزْدِيِّ عَنْ أُمِّ مَكَّةَ قَالَتْ : « كَانَتْ الْفَسَاءُ تَجْلِسُ عَلَيَّ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرْبَعِينَ يَوْمًا ، فَكُنَّا نَطْلِي وَجُوهَنَا بِالْوَرَسِ مِنَ الْكَلْبِ » . . .

139. Умму Салама (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; дедик: «Нифос кўрган (туққан) аёл Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида қирқ кун ўгирар эди. Рангимиз қочганлигидан юзларимизга варс (заъфарон ўсимлиги)дан ишқаб, сурардик».

Бу ҳадис ғариб.

Буни фақатгина Абу Саҳлнинг Мусса Ал-Аздийядан, Умму Саламадан қилган ривояти орқали биламиз. Абу Саҳлнинг номи - Касир ибн Зиёд.

Мухаммад Ибн Исмоил (Ал-Бухорий) айтадики, «Али ибн Абдул-Аъло ва Абу Саҳл сиқа (ишонарли) кишилардир».

Мухаммад (Ал-Бухорий) бу ҳадисни ёлғиз Абу Саҳлнинг ривоятидан билади.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан илм аҳллари ва кейинги

олимлар, тукқан (нифос кўрган) хотин қирқ кун намозини тарк этади, деб иттифоқ қилишган. Фақатгина шу муддатдан олдин покланса, гусл қилиб, намозини ўқийверади.

Қирқ кундан кейин қон кўрса, илм аҳлларининг кўпи: «**Қирқ кундан кейин намозини тарк этмайди**», дейди. Фақиҳлардан кўпининг ҳам фикри шудир. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган. Ҳасан Ал-Басрийнинг бундай деб айтгани ривоят қилинган: «**Агар покланмаса, намозини эллик кун тарк этади**». Ато ибн Абу Рабоҳ ва Аш-Шаъбийнинг «Олтмиш кун» деганлари ривоят қилинган.

106-БОБ

МАВЗУ: КИШИНИНГ БИР НЕЧТА ЖИНСИЙ АЛОҚАДАН КЕЙИН БИР МАРТА ЧЎМИЛМОҒИ

۱۴۰ — حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا أَبُو أَحْمَدَ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ
عَنْ مَعْمَرٍ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ أَنَسٍ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَغْتُوْفُ
كَلَى نِسَائِهِ فِي غُسْلٍ وَاحِدٍ . »

140. Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир гусл билан (ҳамма) аёлларига айланиб чиқар эдилар».

Бу бобда Абу Рофиъдан ҳадис ривоят қилинган.

Анасининг: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир гусл билан (ҳамма) аёлларига айланиб чиқар эдилар», деган ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Турли илм аҳлларининг қавли шудир. Ҳасан Ал-Басрий ҳам шулар сафидадир. Таҳорат олишдан олдин жинсий муносабатга киришишнинг зиёни йўқ, деб ҳисоблайдилар¹⁰⁰.

¹⁰⁰Термизий, «Таҳорат олишдан олдин...» деяётир. Ҳолбуки, ушбу бобга ва ҳадисга муносиб бўлган таъбир: «Гусл қилишдан олдин» дейилиши керак эди. Бизнингча, Термизий ишорат қилган

Муҳаммад ибн Юсуф бу ҳадисни Суфъндан, Абу Урвадан, Абул-Хаттобдан, Анасдан ривоят қилади.

Абу Урванинг исми - Маъмар ибн Рошид. Абул-Хаттобнинг исми эса - Қатода ибн Диома.

Баъзилари эса, «Муҳаммад ибн Юсуфдан, Суфъндан, Ибн Абу Урвадан...» деб ривоят қилишган. Бу ҳатодир. Тўғриси «Абу Урвадан».

107-БОБ

МАВЗУ: ЖУНУБ КИШИ (ЯНА ЖИНСИЙ МУОМАЛАГА) ҚАЙТМОҚЧИ БЎЛСА, ТАҲОРАТ ОЛАДИ

۱۴۱ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا حَنْصَلُ بْنُ غِيَاثٍ عَنْ تَمِيمٍ الْأَحْوَلِ
عَنْ أَبِي التَّوَكُّلِ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
قَالَ: «إِذَا أَتَى أَحَدُكُمْ أَهْلَهُ ثُمَّ أَرَادَ أَنْ يَبْعُدَ فَلْيَتَوَضَّأْ بَيْنَهُمَا وَضُوءًا» .

141. Абу Саъид Ал-Худрий (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар бирор бир киши аёлига яқинлик қилиб, кейин такрор (муомалага) қайтмоқчи бўлса, икки (муомала)си орасида таҳорат олсин!».

Бу бобда (ҳазрати) Умар (розияллоху анҳу) дан ҳам ҳадис ривоят қилинган. Абу Саъиднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Умар ибн Ал-Хаттобнинг қавли ҳам шудир. Илм ахлидан мутааддид кишилар шу қавлга эга бўлишган: «Эр хотинига яқинлик қилганидан кейин такрор (муомалага) қайтмоқчи бўлса, қайтишдан олдин таҳорат олади», дейдилар.

Абул-Мутаваккилнинг исми - Али ибн Довуд.

илм ахллари ва шулардан бири бўлмиш Ҳасан Ал-Басрий ҳазратлари, икки марта муносабат орасида таҳорат олинишига қаршидилар. Энди Термизийнинг «Таҳорат олишдан олдин...» деган таъбирни кўллаши шу хусусни ифода этмоқ учундир. Негаки, бу калима билан келгуси ҳадисга муносабат ва замин ҳозирлаган бўлди.

Саъид Ал-Худрийнинг исми эса - Саъид ибн Молик ибн Синон.

108-БОБ

**МАВЗУ: НАМОЗГА ҚОМАТ АЙТИЛСА-Ю,
БИРОРТАНГИЗ ҲОЖАТХОНАГА
БОРИШ ЭҲТИЁЖИНИ ТУЙСА,
АВВАЛ ҲОЖАТГА БОРСИН**

١٤٢ - حَدَّثَنَا هَنَّادُ بْنُ السَّرِيِّ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْأَرْقَمِ قَالَ أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ فَأَخَذَ بِيَدِ رَجُلٍ قَدَّمَهٗ ، وَكَانَ إِمَامًا تَوَمَّيْهٖ ، وَقَالَ : تَمَمْتُمْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : « إِذَا أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ وَوَجَدَ أَحَدُكُمْ الْخَلَاءَ فَلْيَبْدَأْ بِالْخَلَاءِ » .

142. Абдуллоҳ ибн Арқом (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди. Урва айтадики, «Намозга қомат айтилди, қавмнинг имоми бўлган Абдуллоҳ ибн Ал-Арқом бир кишининг қўлидан ушлаб, имомликка ўтказди ва деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганман, айтганларки, «Намозга қомат айтилса-ю, бирортангиз ҳожатга бориш эҳтиёжини сезса, аввал ҳожатга борсин», дедилар.

Бу бобда Оиша, Абу Ҳурайра, Савбон ва Абу Умома (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абдуллоҳ ибн Ал-Арқомнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Молик ибн Анас, Яҳё ибн Саъид Ал-Қаттон ва ҳадис ҳофизлари (ёд билувчилари)дан биттадан кўп кишилар бу ҳадисни худди шу йўсин Хишом ибн Урвадан, унинг отасидан, Абдуллоҳ ибн Ал-Арқомдан ривоят қилдилар.

Вухайб ва яна бошқалар Хишом ибн Урвадан, унинг отасидан, бир кишидан, Абдуллоҳ ибн Ал-Арқомдан ривоят қиладилар.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан мутааддид кишиларнинг

қавли шудир. Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлиб, бундай дейдилар: «Озгина бўлса ҳам кичик ёки катта қазои ҳожатга эҳтиёж сезса, намозни бошламайди. Аммо намозга киришганидан кейин ҳис этса, то фикрини машғул қилмагунича намоздан чиқмайди».

Баъзи илм аҳлининг фикрига кўра, кичик ёки катта қазои ҳожат қилишга эҳтиёжманд бўлса, аҳвол фикрини машғул қиладиган даражада бўлмаса, намозини ўкиб олиши мумкин (яъни, шу ҳолатда намозни бошламоғида ёки намозда турган бўлса, уни давом эттирмоғида зарар йўқ, деб ҳисоблайдилар).

109-БОБ

**МАВЗУ: ИФЛОС ЖОЙНИ БОСГАНДА
ПОКЛАНИШ ЛОЗИМЛИГИ**

۱۴۳ — حَدَّثَنَا أَبُو رَبِيعَةَ : قَتَيْبَةُ حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ عَنْ مُحَمَّدِ

ابْنِ عُمَارَةَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ زُرَّاهِمٍ عَنْ أُمِّ وَالِدَةَ بِنْتِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ قَالَتْ :
قُلْتُ لِمَ سَلَّ : « إِنِّي أَمْرَأَةٌ أُطِيلُ ذَيْبِي وَأَمْسِي فِي الْمَكَانِ الْقَدِيرِ ؟
قَالَتْ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : يُطَهِّرُهُ مَا بَعْدَهُ . »

143. Абдурраҳмон ибн Авф фарзандининг онасидан (яъни ундан фарзанд кўрган жориясидан) ривоят қилинди; айтди: «Умму Салама (розияллоҳу анҳо)га дедимки, «Мен этаги узун ва (баъзан) ифлос жойни босиб юрадиган бир аёлман-ку?...». Шунда (Умму Салама) айтдики, «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Этакни кейинги (тоза) ер поклайди», дедилар.

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ҳам ҳадис ривоят қилинди, у киши айтадики, «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бўлар эдик ва нотоза ерни босганда ювинмас эдик».

*Ханафий мазҳабидагилар учун: танг ҳолда намоз ўқиш ҳалол бўлмайди.

Бу, илм аҳлидан биттадан кўп кишининг қавлидир. Айтадиларки, «Киши ифлос жойни босганида оёғини ювиши лозим бўлмайди, аммо ифлослик ҳўл бўлса, унда булганган жойини ювади».

Абдуллоҳ ибн Ал-Муборак шу ҳадисни Молик ибн Анасдан, Муҳаммад ибн Иброҳимдан, Худ ибн Абдурахмон ибн Авфнинг фарзанд кўрган жориясидан, Умму Саламадан ривоят қилади. Бу ўринда янглишлик бор. Чунки Абдурахмон ибн Авфнинг Худ деган ўғли йўқ. Фақатгина: «Иброҳим ибн Абдурахмон ибн Авфнинг ундан фарзанд кўрган жориясидан, Умму Саламадан» деган тарзида бўлиши керак. Тўғри ифода ана шу.

110-БОБ

МАВЗУ: ТАЯММУМ

١٤٤ — حَدَّثَنَا أَبُو حَنَسٍ عَمْرُو بْنُ عَلِيٍّ الْقَلَّاسُ حَدَّثَنَا بَرِيدُ بْنُ رَبِيعٍ حَدَّثَنَا سَعِيدٌ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ عَزْرَةَ عَنْ سَعِيدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي عَمْرٍو عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَمَّارِ بْنِ يَاسِرٍ « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَهُ بِالتَّيْمُمِ لِلْوُجُوِّ وَالسَّكْفَيْنِ » .

144.Аммор ибн Ёсир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам унга юзига ва икки кўлига таяммум қилмоқни буюрдилар».

Бу бобда Оиша ва Ибн Аббос (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди. Аммор (розияллоҳу анҳу)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Бу ҳадис Аммордан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган.

Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан мутааддид илм аҳлининг қавли шудир. Ҳазрати Али, Аммор ва ибн Аббос (розияллоҳу анҳум) ана шулардандир. Тобиъийндан ораларида Аш-Шаъбий,

Ато ва Макхул ҳам бор бўлган мутааддид кишилар шунга қарор беришган. Айтадиларки, «Таяммум - юзга ва икки қўлга масҳ қилиши учун (тоза тупроққа) бир уришдир, (яъни, бир марта (тоза тупроққа қўл) уриш билан юзга ва икки қўлга масҳ қилишдан иборатдир)».

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Ибн Умар, Жобир, Иброҳим ва Ал-Ҳасан сингари баъзи илм аҳллари бундай дейдилар: «Таяммум - юзга масҳ қилиш учун (қўлни тупроққа) бир уриш ва икки қўлни тирсақларгача масҳ қилиш учун (иккинчи) бир уришдан иборат». Суфён Ас-Саврий, Молик, Ибнул-Муборак ва Шофиъий шу қавлга эга бўлишган.

Амморнинг: «Юзига ва икки қўлига таяммум қилмоқ» деган ҳадиси у кишидан бир қанча ваҳждардан ривоят қилинган.

Аммордан, мана бундай деганлари ҳам ривоят қилинади: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам билан биргаликда ўмузларгача ва қўлтиқларгача (масҳ тортиб) таяммум қилдик». Айрим муҳаддислар, Аммордан «ўмузлар ва қўлтиқлар» ҳадиси ривоят қилинган, «юзига ва икки қўлига таяммум қилмоқ» борасидаги Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳадиснинг заиф эканлигини қайд этишган.

Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Маҳлад Ал-Ҳанзалий айтадики, «Таяммум юз ва икки қўлга масҳ қилишдан иборат эканлиги борасидаги Амморнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. «Ўмузлар ва қўлтиқ остлари» деган ҳадис эса «юз ва икки қўл» ҳадисига қарши эмас. Чунки Аммор таяммумда ўмузларгача ва қўлтиқларгача масҳ тортиш кераклигини Пайгамбар саллalloҳу алайҳи ва саллам буюрганлар, деб айтаётгани йўқ, фақат «биз шундай қилдик» деяётир, холос. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан сўралганида, у зот юзга ва икки қўлга масҳ қилишни буюрганлар ва у ҳам Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ўзига ўргатганларидек, юз ва ик-

ки қўлга масх тортиш, деб қарор қилган. Бунинг далили ушбудир: Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг вафотларидан кейин у киши «юз ва икки қўлга масх тортиш» деб фатво берган. Бу фатво, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам у кишига юз ва икки қўлга масх тортиш деб таълим қилганларини ва у киши, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан ўрганган масала устида қарор қилганини кўрсатади.

Абу Зуръа Убайдуллоҳ ибн Абдулкаримдан бундай деб нақл қилганини эшитдим: «Ушбу уч кишидан: Али ибн Ал-Маданий, Ибн-уш-Шозакуний ва Амр ибн Али Ал-Фаллосдан ҳам кўра хотираси кучлироқ кишини кўрмадим».

Абу Зуръа айтадики, «Аффон ибн Муслим, Амр ибн Али Ал-Фаллосдан ҳадис ривоят қилган».

١٤٥ — حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ سَلْبَانَ حَدَّثَنَا هُثَيْمٌ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ خَالِدٍ الرَّاشِيِّ عَنْ دَاوُدَ بْنِ حُصَيْنٍ عَنْ عِكْرَمَةَ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ : « أَنَّهُ سِئِلَ عَنِ الْقَيْشِمِ ؟ فَقَالَ : إِنَّ اللَّهَ قَالَ فِي كِتَابِهِ حِينَ ذَكَرَ الْوَضُوءَ : ﴿ فَاغْسِقُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ ﴾ ، وَقَالَ فِي الْقَيْشِمِ : ﴿ فَامْسَحُوا بِوُجُوهِكُمْ وَأَيْدِيكُمْ ﴾ وَقَالَ : ﴿ وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا ﴾ فَكَانَتِ الثَّنَاءُ فِي الْقَطْعِ الْكَفَيْنِ ، إِنَّمَا هُوَ الْوَجْهُ وَالْكَفَّانِ ، بَعْنَى الْقَيْشِمِ . »

145. Ибн Аббос (розияллоҳу анху) дан ривоят қилинди; у кишидан таяммум борасида сўралди. Шунда айтдики, «Аллоҳ таоло Ўз Китоби (Қуръони Карим)да таҳоратни зикр этиб, «юзларингизни ва қўлларингизни тирсаклари билан қўшиб ювингизлар» деб марҳамат қилади. Таяммумда эса: «Юзларингизни ва қўлларингизни масх қилингизлар» деб марҳамат қилади. Ва яна: «Ўғрилиқ қилган эркак ва аёлларнинг

қўлларини кесингизлар!» деб буюради. Чунончи, қўлларнинг билақдан кесилмоғи (яъни, панжалар кесилмоғи) суннат эди. Демак, бу, яъни таяммумдаги му-род – юзлар ва қўллардир».

Бу ҳадис ҳасан-ғариб-саҳиҳ.

111-БОБ

МАВЗУ: ЖУНУБЛИҚДАН ТАШҚАРИ ҲАР ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ҚУРЪОН ЎҚИЛАДИ

۱۴۶ — حَدَّثَنَا أَبُو سَعِيدٍ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ سَعِيدٍ الْأَشَجِيُّ حَدَّثَنَا
سُلَيْمَ بْنَ عِيَاضٍ وَعَقْبَةُ بْنُ حَامِدٍ قَالَا : حَدَّثَنَا الْأَعْمَشُ وَأَبْنُ أَبِي تَيْفَلٍ
عَنْ قَتْرِبَةَ بْنِ مَرْثَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَلْتَةَ عَنْ قَالِي قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ الْقُرْآنَ عَلَى كُلِّ تَحَالٍ مَا لَمْ يَكُنْ جُنْبًا .

146. Ҳазрати Али (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жунубликдан ташқари ҳар қандай ҳолатда бизга Қуръон ўқитар эдилар».

Ҳазрати Алининг бу ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиийндан биттадан кўп илм аҳлларининг қавли шудир. Айтадиларки, «Киши таҳоратсиз ҳолда Қуръон ўқиши мумкин, аммо Қуръонни юзидан (китобдан) фақатгина пок (таҳоратли) ҳолатдагина ўқийди.*

Суфён Ас-Саврий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

*«Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди» китобида, Қуръони Каримни таҳоратсиз ҳолда ёддан ўқиш мумкин, дейилса-да, одоби Исломиёга хилоф иш қилган бўлади, деб уқтирилади. (Мутаржим изоҳи).

112-БОБ

МАВЗУ: СИЙДИК ЕРФА СИНГМОҒИ

١٤٧ — حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ وَسَعِيدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْمَخْزُومِيُّ قَالَا :
 حَدَّثَنَا سَفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ
 قَالَ : « دَخَلَ أَهْرَابُ الْمَسْجِدِ ، وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَالِسٌ ، فَصَلَّى ،
 فَلَمَّ فَرَّخَ قَالَ : اللَّهُمَّ ارْحَمِي وَمُحَمَّدًا وَلَا تَرْحَمِي مَعَنَا أَحَدًا ، فَانْتَفَتَ إِلَيْهِ
 النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : لَقَدْ تَحَجَّرَتْ رَأْسِي ، فَلَمْ يَلَيْثَ أَنْ بَالَ
 فِي الْمَسْجِدِ ، فَأَمْرَعُ إِلَيْهِ لِمَنْسُ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَهْرَبُوا
 عَلَيَّ سِجْلًا مِنْ مَاءٍ ، أَوْ دَلْوًا مِنْ مَاءٍ ، ثُمَّ قَالَ : إِنَّمَا بُعِثْتُ مَبْسُورِينَ وَلَمْ
 تُبْعَثُوا مُتْسِرِينَ . »

147.Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; у киши айтди: «Бир аъробий (бадавий) масжидга кириб келди. Набий саллаллоху алайҳи ва саллам ўтирган эдилар. У намоз ўқиди. Намоздан фориг бўлгач, «Ё Аллоҳим! Мени ва Муҳаммадни раҳмат қил! Биз билан бирга бошқа ҳеч кимга раҳмат қилма!» деди. Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам унга қайрилиб: «Жуда қаттиқ кетдинг!» дедилар. Сўнг аъробий (ўрнидан туриб) масжид(нинг бир чеккаси)га сийди. Одамлар (дарғазаб бўлиб) унинг бошига тўпланишди. Шунда Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам: «(Индамангизлар). Сийдиги устидан бир челақ сув қуйингизлар» дедилар. Сўнг айтдиларки, «Сизлар фақат осонлаштирувчи қилиб юборилгансизлар, қийинлаштирувчи қилиб юборилганингиз йўқ!»

١٤٨ — قَالَ سَعِيدٌ : قَالَ سَفْيَانُ : وَحَدَّثَنِي يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ عَنْ
 أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ نَحْوَ هَذَا .

148.Саъид, Суфёндан, Яҳё ибн Саъиддан, Анас ибн Моликдан шу ҳадиснинг ўзини ривоят қилган.

Бу бобда Абдуллох ибн Масъуд, Ибн Аббос, Ва-

сила ибн Ал-Аскодан биттадан ҳадис ривоят қилинди.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Аҳмад ва Исоқнинг қавли шудир.

Юнус ушбу ҳадисни Аз-Зухрийдан, Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳдан, Абу Хурайрадан ривоят қилади.

ТАҲОРАТ БОБЛАРИ ТУГАДИ .



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

НАМОЗ БОБЛАРИ

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра
ат-Термизий айтади(лар)...

РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА
САЛЛАМДАН РИВОЯТ ҚИЛИНАДИ

113-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗ ВАҚТЛАРИ

۱۴۹ — حَدَّثَنَا هَنَادُ بْنُ السَّرِيِّ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ أَبِي الزُّنَادِ
عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْجُرَيْثِ بْنِ عِيَّاشِ بْنِ أَبِي رَيْمَةَ عَنْ حَكِيمِ بْنِ حَكِيمٍ ،
وَهُوَ ابْنُ عَبَّادِ بْنِ حَنْبَلٍ ، أَخْبَرَنِي نَافِعُ بْنُ جَبْرِ بْنِ مُطِيعٍ قَالَ أَخْبَرَنِي أَبُو
عَبَّاسٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « أَمِّي حَبْرِيْلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ عِنْدَ الْبَيْتِ
مَرَّةً ثَلَاثِينَ ، فَصَلَّى الظُّهْرَ فِي الْأَوَّلَى مِنْهَا حِينَ كَانَ النَّبِيُّ مِثْلَ الشَّرَائِكِ ،
ثُمَّ صَلَّى الْمُصْرَةَ حِينَ كَانَ كُلُّ شَيْءٍ مِثْلَ ظِلِّهِ ، ثُمَّ صَلَّى التَّغْرِبَ حِينَ
وَجَبَتْ الشَّمْسُ وَأَطْرَقَ الصَّائِمُ ، ثُمَّ صَلَّى الْمِشَاءَ حِينَ غَابَ الشَّمْسُ ،
ثُمَّ صَلَّى النَّجْرَ حِينَ بَرَقَ النَّجْمُ وَحَرَّمَ لَطْعَامُ عَلَى الصَّائِمِ . وَصَلَّى الْمَرَّةَ الثَّلَاثَةَ
لِلظُّهْرِ حِينَ كَانَ ظِلُّ كُلِّ شَيْءٍ مِثْلَهُ ، لَوَقْتِ التَّصَرُّفِ بِالْمَسِّ ، ثُمَّ
صَلَّى الْمُصْرَةَ حِينَ كَانَ ظِلُّ كُلِّ شَيْءٍ مِثْلَيْهِ ، ثُمَّ صَلَّى التَّغْرِبَ
لَوَقْتِهِ الْأَوَّلِ ، ثُمَّ صَلَّى الْمِشَاءَ الْآخِرَةَ حِينَ ذَهَبَ نُكْتُ اللَّيْلِ ، ثُمَّ صَلَّى
الْمُشَبَّحَ حِينَ اسْتَفْرَتِ الْأَرْضُ ، ثُمَّ التَّفَتَّ إِلَى جَبْرِيلَ فَقَالَ : يَا مُحَمَّدُ ، هَذَا
وَقْتُ الْأَنْبِيَاءِ مِنْ قَبْلِكَ وَالْوَقْتُ فِيمَا بَيْنَ هَذَيْنِ الْوَقْتَيْنِ . »

149. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* «**Жаброил алайҳиссалом Байтуллоҳ ёнида менга икки марта имомлик қилди. Биринчи мартасида пешин намозини ҳар нарсанинг сояси буткул қисқариб, узая бошлаган пайтда ўқиб берди. Кейин аср намозини ҳамма нарсанинг сояси ўз бўйи баробар чўзилган вақтда ўқиб берди. Кейин шом намозини айнаи куёш ботган ва рўзадорлар оғиз очадиган пайтда ўқиб берди. Кейин хуфтон намозини шафақ йўқолган вақтда ўқиб берди.¹⁰¹ Кейин бомдод намозини айнаи тонг отган ва рўзадор кишининг (сахарлик вақти тугаб) таом ейиши харом қилинган вақтда ўқиб берди. Иккинчи мартасида, пешин намозини ҳамма нарсанинг сояси ўз бўйи баробар чўзилган ва кечаги аср вақти кирган вақтда ўқиб берди. Кейин аср намозини ҳамма нарсанинг сояси ўзидан икки баробар чўзилган вақтда ўқиб берди. Кейин шом намозини айнаи аввалги вақтида ўқиб берди. Кейин хуфтон намозини кечанинг учдан бир қисми ўтиб, шу қисмнинг охиrhoғида ўқиб берди. Кейин бомдод намозини айнаи тонг оқарган вақтда ўқиб берди. Кейин Жаброил менга ўтирилиб айтдики, «Ё Муҳаммад! Сендан олдин ўтган пайғамбарларнинг (намоз) вақти ана шудир, ана шу икки вақтнинг орасидир»¹⁰².**

¹⁰¹Шомдан, яъни кун ботганидан кейин кунботар уфқида кўринган қизиллик ёки бу қизилликдан кейинги оклик. Биринчиси – Шофиъий билан фақиҳ ва луғатчиларнинг умумий фикридир. Абу Ҳанифа, Ал-Музаний ва баъзи фақиҳлар ҳамда луғатчиларнинг фикрича, «шафақ»нинг қизиллигидан кейинги оклик орасидир. Имом Абу Ҳанифанинг бу қавлга ружуъ қилишлари «Ан-наҳр» ва «Ад-дурр» китобларида очиб берилган.

¹⁰²Ибнул-Арабий, «Оридат-ул-аҳвазий» номли Термизий китобида битилган шарҳида: «Сендан олдин ўтган пайғамбарларнинг (намоз) вақти ана шудир...» жумласини бундай изоҳлайди: «Бу сўз зоҳирий жиҳатдан бу намозлар шу вақтларда бошқа пайғамбарлар учун машруъ эканлигини ифодалайди. Ҳолбуки, бу намозлар шу вақтларда фақатгина бу умматга хос қилинган. Бу ҳолатда кўзда

Бу бобда Абу Ҳурайра, Бурайда, Абу Мусо, Абу Масъуд Ал-Ансорий, Абу Саъид, Жобир, Амр ибн Ҳазм, Ал-Барро ва Анас (розияллоху анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

١٥٠ - أَخْبَرَنِي أَحَدُ بَنِ مُحَمَّدِ بْنِ مُوسَى أَخْبَرَنَا عَبْدُ أَهْدَى بْنِ الْبَارِكِيِّ
أَخْبَرَنَا حُسَيْنُ بْنُ عَلِيٍّ بْنِ حُسَيْنِ أَخْبَرَنِي وَهْبُ بْنُ كَيْسَانَ بْنِ جَابِرِ
ابْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَمِنِي جِبْرِيْلُ» فَذَكَرَ
نَحْوَ حَدِيثِ ابْنِ عَبَّاسٍ بِمَعْنَاهُ، وَلَمْ يَذْكُرْ فِيهِ «لَوْ قَتَلْتَهُ لَمَتَّعْتَهُ بِالْأَنْسِ».

150. Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Жаброил менга имомлик қилди...»(Ровий) Ибн Аббоснинг ҳадисини айнан маъноси билан нақл этади, лекин «кечаги аср вақти кирган вақтда»деган жумлани зикр қилмайди.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Ибн Аббоснинг ҳадиси эса ҳасан-саҳиҳ.

Муҳаммад айтадики, «Намоз вақтлари борасида ворид бўлган ҳадисларнинг энг саҳиҳи Жобирнинг Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисидир».

Жобирнинг намоз вақтлари ҳақидаги ҳадисини Ато ибн Аби Рабоҳ, яна Амр ибн Динор ва Абуз-Зубайр, Ваҳд ибн Кайсоннинг Жобирдан, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан қилган ривоятига яқинлаштириб, Жобир ибн Абдуллоҳнинг ўзидан, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилган.

тутилган маъно ушбудир: Бу намозлар сенга кенг ва икки вақт орасида чегарали қилиб машруъ этиб берилганидек, сендан олдинги пайгамбарларга ҳам шундай қилиб белгилаб берилган эди...»

114-БОБ
 МАВЗУ: ЎТГАН МАСАЛА (ЯЪНИ НАМОЗ
 ВАҚТЛАРИ)

١٥١ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ قُسَيْبٍ عَنِ الْأَمَشِيِّ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « إِنْ لِلصَّلَاةِ أَوْلَى وَأَخْرَأَ ، وَإِنْ أَوْلَى وَقْتِ صَلَاةِ الظُّهْرِ حِينَ تَزُولُ الشَّمْسُ ، وَأَخْرَأَ وَقْتِهَا حِينَ يَدْخُلُ وَقْتِ الصُّبْرِ ، وَإِنْ أَوْلَى وَقْتِ صَلَاةِ الصُّبْرِ حِينَ يَدْخُلُ وَقْتِهَا ، وَإِنْ أَخْرَأَ وَقْتِهَا حِينَ تَصْفَرُ الشَّمْسُ ، وَإِنْ أَوْلَى وَقْتِ الْمَغْرِبِ حِينَ تَغْرُبُ الشَّمْسُ ، وَإِنْ أَخْرَأَ وَقْتِهَا حِينَ يَمِيبُ الْأَفْقُ ، وَإِنْ أَوْلَى وَقْتِ الْمَاءِ الْآخِرَةِ حِينَ يَمِيبُ الْأَفْقُ ، وَإِنْ أَخْرَأَ وَقْتِهَا حِينَ يَنْتَصِفُ اللَّيْلُ ، وَإِنْ أَوْلَى وَقْتِ الْفَجْرِ حِينَ يَطْلُعَ النَّجْمُ ، وَإِنْ أَخْرَأَ وَقْتِهَا حِينَ تَطْلُعُ الشَّمْسُ » .

151.Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; дедики; «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Намоз вақтларининг бошланиш ва тугаш муддатлари бор. Пешин намозининг бошланиш вақти қуёшнинг оғишидир ва тугаш вақти аср вақтининг киришидир. Аср намозининг бошланиши ўз вақти киришидир¹⁰³ ва тугаш вақти қуёшнинг сарғайишидир. Шом намозининг бошланиш вақти қуёшнинг ботишидир ва тугаш вақти уфқнинг йўқолишидир¹⁰⁴. Хуфтон намозининг бошланиш вақти

¹⁰³Бу сўздан аср намозининг уларнинг ўзларга маълум бўлган вақти борлиги англашилади. Шу боисдан Расули ақрам саллalloҳу алайҳи ва саллам аср вақти киришини тайин этишларига зарурат сезмаганлар.

¹⁰⁴Уфқ бу ўринда шафақ маъносида қўлланган. (101-изоҳга қarang).

уфқ йўқолганидан сўнгдир ва тугаш вақти кечанинг ярим бўлишидир¹⁰⁵. Бомдод намозининг бошланиш вақти тонг отишидир, тугаш вақти эса қуёшнинг чиқишидир».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амрдан ҳадис ривоят қилинган. Муҳаммад (Ал-Бухорий)дан эшитдим, айтдики, «Намоз вақтлари борасида Ал-Аъмашнинг Мужоҳиддан қилган ривояти Муҳаммад ибн Фузайлнинг Ал-Аъмашдан қилган ривоятидан кўра саҳиҳроқдир».

Ҳаннод бизга Абу Усомадан, Абу Исҳоқ Ал-Фазорийдан, Ал-Аъмашдан, Мужоҳиддан нақл этиб, етказди: «Намоз вақтларининг бошланиш ва тугаш муддатлари бор, дейилар эди» деди ва Муҳаммад ибн Фузайлнинг Ал-Аъмашдан ривоят қилган ҳадисини тақрибан шу маъноси билан зикр қилди.

115-БОБ

МАВЗУ: ЎТГАН МАСАЛА (НАМОЗ · ВАҚТЛАРИ)

١٥٢ - حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ وَالْحَسَنُ بْنُ الْعَبَّاسِ الْبَزْزَارُ وَأَحْمَدُ
ابْنُ مُحَمَّدٍ بْنِ مُوسَى ، الثَّمَنِيُّ وَاحِدٌ ، قَالُوا : حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ يُونُسَ
الْأَزْرَقِيُّ عَنْ سُلَيْمَانَ الثَّوْرِيِّ عَنْ عُلَيْقَةَ بْنِ مَرْثَدٍ عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ بُرَيْدَةَ
عَنْ أَبِيهِ قَالَ : « أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلٌ قَسَاهُ عَنْ مَوَاقِيَتِ
الْمَلَأَةِ فَقَالَ : أَيْنَ مَتَانِ إِنْ شَاءَ اللَّهُ ، فَأَمَرَ بِإِلَآءِ فَأَقَامَ حِينَ مَلَعَتِ النَّجْرُ ،
مُمَّ أَمْرَهُ فَأَقَامَ حِينَ زَالَتِ الشَّمْسُ فَصَلَّى الظُّهْرَ ، ثُمَّ أَمْرَهُ فَأَقَامَ فَصَلَّى الْمَغْرِبَ

¹⁰⁵Хуфтон намози вақтини ярим кечагача чўзиш ихтиёрийдир. Хуфтоннинг жоиз вақти эса то иккинчи тонг, яъни субҳи козибдан (ёлгон тонгдан) ўтиб, субҳи содиққача чўзилади. Абу Қатога (розияллоҳу анху)дан бу фикрни тайин этадиган ҳадис ривоят қилинган.

وَالشَّمْسُ بِبَيْضَاءٍ مُرْتَفِعَةٍ ، ثُمَّ أَمْرَهُ بِالْمَغْرِبِ حِينَ وَقَعَ تَحَابُّ الشَّمْسِ ،
 ثُمَّ أَمْرَهُ بِالْمِشَاءِ فَأَقَامَ حِينَ غَلَبَ الشَّقِيُّ ، ثُمَّ أَمْرَهُ وَنَ اللَّيْلِ فَتَوَرَّ بِالْمَجْرِبِ ،
 ثُمَّ أَمْرَهُ بِالظَّهْرِ فَأَبْرَدَ وَأَنْتَمَ أَنْ يَبْرَدَ ، ثُمَّ أَمْرَهُ بِالْمَقْصَرِ فَأَقَامَ وَالشَّمْسُ
 آخِرَ وَكَيْفَا فَوْقَ مَا كَانَتْ ، ثُمَّ أَمْرَهُ فَأَخْرَجَ الْقَرِيبَ إِلَى قَبِيلِ أَنْ يَهْتَبَ
 الشَّقِيَّ ، ثُمَّ أَمْرَهُ بِالْمِشَاءِ فَأَقَامَ حِينَ ذَهَبَ ثُلُثُ اللَّيْلِ . ثُمَّ قَالَ : ابْنُ السَّائِلِ
 عَنْ مَوَاقِيتِ الصَّلَاةِ ؟ قَالَ الرَّجُلُ : أَنَا ، فَقَالَ : مَوَاقِيتُ الصَّلَاةِ كَمَا
 بَيَّنَّ هَذِينَ . »

152.Бурйда (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у деди: «Бир киши Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келиб, намоз вақтлари (ҳақида) савол берди. Шунда (Расулуллоҳ): «Бизлар билан қолиб намозларни бирга ўқи, иншааллоҳ (кўриб, билиб оласан)!»¹⁰⁶ дедилар. Ва Билолга буюрдилар, тонг отиши билан у азон айтди. (Ва бомдод намозини ўқиб бердилар). Кейин унга буюрдилар, қуёш тиккадан оғиши билан у азон айтди ва Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозини ўқиб бердилар. Кейин унга буюрдилар, у азон айтди, қуёш ҳали оппоқ ва (анча) тепада эканида аср намозини ўқиб бердилар. Кейин қуёш ботиши билан шом намозига буюрдилар. Шундан сўнг хуфтон намозига амр қилдилар, шафақ йўқолиши билан у (Билол) азон айтди. Кейин эртанги намозларни унга буюрдилар ва бомдод намозида атрофнинг оқармоғини (тонг ёруғи пайдо бўлишини) кутди. Кейин пешин намозини буюрдилар ва (Билол) ҳавонинг салқинлашмоғини кутди. Кейин аср намозини буюрдилар ва қуёш сўнгги вақтда бўладиган жойнинг устида (уфқдан тепарокда) турганида у азон айтди. Кейин унга буюрдилар, шом намозини шафақ йўқолишига озгина вақт қолгунча кечиктирди. Кейин хуфтон намозини бу-

¹⁰⁶Бу ўринда «иншааллоҳ» таъбири важиз (қисқалик) санъати билан айтылган: Худо хоҳласа, кўриб-билиб оласан, демоқчилар.

юрдилар ва у кечанинг учдан бири ўтганда азон айтди. Сўнгра: «Намоз вақтларини сўраган киши қани? дедилар. У киши: «Менман», деди. Шунда (Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Намоз вақтлари ана шу икки вақтнинг орасидир!»

116-БОБ

МАВЗУ: БОМДОД НАМОЗИНИ ТОНГ ҒИРА-ШИРАСИДА ЎҚИМОҚ

۱۵۳ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ عَنْ مَالِكِ بْنِ أَنَسٍ قَالَ : وَحَدَّثَنَا الْأَنْصَارِيُّ حَدَّثَنَا مَنْ حَدَّثَنَا مَالِكٌ عَنْ يَحْيَى بْنِ سَعِيدٍ عَنْ عُرَّةَ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ : إِنْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيُصَلِّي الْمَضْبِجَ قَبْلَ تَبْرِفِ النِّسَاءِ قَالَ الْأَنْصَارِيُّ : قَوْمُ النِّسَاءِ مُتَلَفِّفَاتٍ بِمُرُوطِهِنَّ مَا يُعْرَفْنَ مِنَ النَّاسِ وَقَالَ قُتَيْبَةُ : « مُتَلَفِّفَاتٍ » .

153. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозини ўқиб берар ва (мусулмон) аёллар (масжиддан уй-уйларига) тарқалишар эди». *Ал-Ансорий айтди:* «Аёллар паранжиларига ўраниб олиб қайтаётганларида ғира-ширада уларни таниб бўлмасди». *Қутайба эса:* «Чодирларига бурканиб олиб» дейди.

Бу бобда Ибн Умар, Анас ва Қайла бинти Маҳрама (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган. Оиша (онамиз)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Аз-Зухрий бу ҳадисни Урвадан, Оиша (онамиз)дан айнан ривоят қилади.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, ораларида (Ҳазрати) Абу Бакр ва (Ҳазрати) Умар (розияллоҳу анҳумо) бор бўлган мутааддид илм аҳли ва тобиғийндан айрим олимларнинг қавли шудир. Шофиғий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган: улар бомдод намозини тонг ғира-ширасида

Ўқимоқликни мустаҳаб деб ҳисоблайдилар.

117-БОБ

МАВЗУ: БОМДОД НАМОЗИНИ ТОНГ
ОҚАРГАНДА ЎҚИМОҚ

١٥٤ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا عَبْدُهُ هُوَ ابْنُ سَلْبَانَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَاقَ
عَنْ عَائِمِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ قَتَادَةَ عَنْ عُمُودِ بْنِ لَيْثٍ عَنْ زَائِعِ بْنِ خَدِيجٍ
قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : « أَشْفَرُوا بِالْفَجْرِ ، فَإِنَّهُ
أَعْظَمُ لِلْأَجْرِ » .

154.Рофиъ ибн Ходиж (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деб айтганларини эшитдим: «Бомдод намозида кунни оқартиринг, чунки бунинг ажр-савоби улуроқдир!»

Шуъба ва Ас-Саврий бу ҳадисни Муҳаммад ибн Исҳоқдан ривоят қилган. Муҳаммад ибн Ажлон ҳам Осим ибн Умар ибн Қатодадан ривоят қилади.

Бу бобда Абу Барза Ал-Асламий, Жобир ва Билол (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан мутааддид илм аҳллари бомдод намози кун оқарганда (тонг ёруғи пайдо бўлганда) ўқилади, деган фикрдалар. Суфён Ас-Саврийнинг қавли шудир.¹⁰⁷

¹⁰⁷ Абу Ханифа бомдод намози атроф оқарганда ва ёришганда ўқилади, деган фикрдалар. Бу қавлга эга бўлганлар ўз сўзларини ушбу 117-бобнинг ҳадиси билан ва айни вақтда Бухорий ва Муслим ривоят қилган Ибн Масъуднинг ҳадиси билан далиллайдилар. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)нинг ҳадиси ушбудир: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, икки намоздан бошқа биронта намозни вақтидан ташқарида ўқиганларини кўрмадим. Шом билан хуфтон намозини жамъ қилдилар ва бомдод намозини вақтидан олдин ўқидилар», дейди. Ибнун-Туркмоний «Ал-жавҳар ун-накийя»

Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ айтадиларки, «Исфар» (яъни, «оқармоқ»)нинг маъноси тонг шубҳа қилинмайдиган даражада аниқ бўлишидир. Аммо намозни таъхир этиш (кечиктириш) маъносида эмас.

118-БОБ

**МАВЗУ: ПЕШИН НАМОЗИНИ ВАҚТЛИ
ЎҚИМОҚ**

۱۵۵ — حَدَّثَنَا هَنَّادُ بْنُ السَّرِيِّ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ سُفْيَانَ عَنْ حَكِيمِ بْنِ جَبْرِ عَنْ إِبْرَاهِيمَ بْنِ الْأَسْوَدِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: «مَا رَأَيْتُ أَحَدًا كَانَ أَشَدَّ تَفْجِيلًا لِقُدْرَةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: وَلَا مِنْ أَبِي بَكْرٍ وَلَا مِنْ عُمَرَ» .

155. *Оиша (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Пешин намозини Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан, (Ҳазрати) Абу Бакрдан ва (Ҳазрати) Умардан ҳам кўра вақти кириши билан ўқиган бирон кишини кўрмадим».

Бу бобда Жобир ибн Абдуллоҳ, Ҳаббоб, Абу Барза, Ибн Масъуд, Зайд ибн Собит, Анас ва Жобир ибн Самура (розияллоху анҳум)дан битадан ҳадис ривоят қилинган.

Оиша (онамиз)нинг ҳадиси ҳасан. Хоҳ Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, хоҳ кейингилардан бўлсин, илм аҳлининг таржихи (афзал кўргани) шудир.

Али ибн Ал-Маданий, Яҳё ибн Саъиддан нақл этиб, бундай дейди: «Ҳаким ибн Жубайр, Ибн Масъуд орқали Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят этган «Ҳар кимки ўзи муҳтож бўлмаган нарсани

китобида: «Яъни бомдод намозини одатдаги вақтидан олдин ўқидилар», дейди. Чунки бомдод намозини тонг отишидан олдин ўқиганларини тасаввур қилиб бўлмайди ва бу жоиз эмас. Унда муътод вақтидан олдин ўқиганлари назарда тугилади. Бу эса бомдод намозининг муътод вақти субҳи содиқ бўлганидан кейинги атроф оқарган вақт эканлигини кўрсатади.

инсонлардан тиласа...» деган ҳадис сабабли, Шуъба у ҳақда (танқидий) сўз қилган. Яҳё: «Суфён ва Зоида, Ҳаким ибн Жубайрдан ривоят қилишди» дейди ва унинг ҳадисидан зарар йўқ деб ҳисоблайди.

Муҳаммад (Ал-Бухорий) айтадики, «Пешин намо- зини вақтли ўқиш борасида Ҳаким ибн Жубайрдан, Саъид ибн Жубайрдан, Оиша (онамиз)дан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис ривоят қилинган».

١٥٦ — حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْحُلَوَانِيُّ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنِ الزُّهْرِيِّ قَالَ: أَخْبَرَنِي أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ: «أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى الظُّهْرَ حِينَ زَالَتْ الشَّمْسُ.»

156. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозини қуёш оған вақтда ўқидилар».

Бу ҳадис саҳиҳ ва бу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг чиройлисидир. Бу бобда Жобирдан ҳадис ривоят қилинган.

119-БОБ

МАВЗУ: ПЕШИН НАМОЗИНИ ЖАЗИРАМА КУНЛАРДА ТАЪХИР ҚИЛИБ (КЕЧИКТИРИБ, ЯЪНИ САЛҚИН ТУШМОҒИНИ КУТИБ) ЎҚИМОҚ

١٥٧ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا اللَّيْثُ عَنْ ابْنِ شِهَابٍ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ وَأَبِي سَلَمَةَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا اشْتَدَّ الْحَرُّ فَأَبْرِدُوا عَنِ الصَّلَاةِ فَإِنَّ شِدَّةَ الْحَرِّ مِنْ قَبْلِ جَهَنَّمَ.»

157. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кун қаттиқ қизиб кетганда пешин намо- зини салқин тушириб ўқингизлар. Чунки жазирама

иссиқнинг шиддати жаҳаннам нафасидандир».¹⁰⁸

Бу бобда Абу Саъид, Абу Зарр, Ибн Умар, Ал-Муғйра, Савфон, Абу Мусо, Ибн Аббос ва Анас (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

(Ҳазрати) Умар (розияллоҳу анҳу) орқали Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ушбу бобда битта ҳадис ривоят қилинган; (аммо) саҳиҳ эмас.

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлидан баъзилари, жазирама кунларда пешин намозини таъхир қилмоқ (кечиктирмоқ) жиҳатини таржиҳ этадилар (устун кўрадилар). Ибнул-Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. *Шофиъий айтадики*, «Пешин намозини салқин тушгунча таъхир этмоқ (андак кечиктирмоқ) фақатгина жамоати узоқ жойдан

¹⁰⁸Ҳадисда туш пайтидаги жазирама жаҳаннам ҳарорати туфайли эканлиги билдирилмоқда. Буни ҳақиқат деб айтганлар бор, шунингдек туш пайтидаги жазирама жаҳаннам оловига ўхшатишган, мажозий бир таъбир, деб уқтирганлар ҳам бор. «Ал-урф-уш-шазийй» муаллифи бу борада айнан бундай дейди: «Бу ўринда ақлий бир савол чиқади: Ҳароратнинг кучайиши ва пасайиши, дунёмизнинг қуёшга бўлган яқинлиги ва узоқлиги билан мутаносиб эканлиги тажриба билан собит бўлган экан, жазираманинг шиддати жаҳаннам ҳарорати ёйилиши туфайлидир, деб қандай айтиб бўлади?!» Муаллиф ўз саволига бундай деб жавоб беради: «Ашённинг (нарсаларнинг) зоҳир сабаблари бўлганидек, тагин ботин сабаблари бор. Шарият, табиат ҳодисаларининг фақатгина ботин сабабларини изоҳлайди; зоҳир сабабларини ҳам инкор қилмайди». Бу жавоб, зоҳир сабаблар билан ботин сабаблар ўртасида тафовут бўлмаган тақдирда, тўғри. Лекин шарият ҳукми билан эски ва янги фалсафий назариялар ўртасида тафовут бўлса, борди-ю бу назариялар илман ва тажриба билан собит бўлган яқин даражада бўлмаса, унда заруратан шарият ҳукмини олмоқ керак. Агар яқин даражада бўлса, унда шарият ҳукми келишувни (мутаносибликни) таъминлайдиган тарзда таъвил қилинади.

Шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, илман ва тажриба билан собит бўлган табиат ҳақиқатлари билан бу ҳақиқатларга доир шарият фикр-қарашини ўртасида зиддият йўқ ва бўлмайди ҳам. Чунки табиат Аллоҳнинг яратган нарсаси ва ҳукм ҳам Аллоҳнинг ҳукмидир. Аллоҳ таоло Ўзи яратган нарса ҳақида янглиш ҳукм бергувчи эмас. Мабодо, бирор зиддият ёки тафовут кузатилса, бу фақатгина биз бандаларнинг тушунчаларимизга оиддир.

келадиган масжид учундир. Аммо якка ўзи ёки ўз ноҳияси масжидида намоз ўқийдиган кишилар учун жазирама иссиқларда ҳам пешин намозини таъхир қилмаслик, менимча, маъқулроқ».

Жазирама иссиқ кунларида пешин намозини таъхир этмоқ (андак кейинроқ ўқимоқ) керак, деб айтганларнинг ҳолати авло ва суннатга иттибоъ қилмоққа (эргашмоққа) янада яқинроқдир. Шофиъий рухсати, узоқдан келганлар учун ва машаққат чекиш сабаби биландир, деган қавлига келсак, Абу Заррнинг ҳадисида Шофиъийнинг бу ижтиҳодига муҳолиф (қарши) бўлган бир маъно бор. *Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) айтадики: «Бир галги сафарда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эдик. Билол пешинга азон айтди. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ё Билол! Салқинлатгил! Яхшигина салқинлатгил!»* дедилар. Агар масала Шофиъий айтганидек бўлса эди, пешин намозини салқин тушгунига қадар таъхир этмоқликда маъно қолмас эди. Чунки ҳаммалари бир жойда эдилар ва намозга келмоқ учун узоқ масофани босиб ўтмоққа эҳтиёж йўқ эди.

۱۵۸ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ قَالَ :
 أَنبَأَنَا شُعْبَةُ عَنْ مُهَاجِرِ أَبِي الْمَسْنِينِ عَنْ زَيْدِ بْنِ وَهَبٍ عَنْ أَبِي دَرْدَةَ : « أَنَّ
 رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ فِي سَمَرِ وَمَتْنَهُ بِلَالٌ ، فَأَرَادَ ، أَنْ
 يُعِيمَ ، فَقَالَ : أُرِيدُ ، ثُمَّ أَرَادَ أَنْ يُعِيمَ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
 وَسَلَّمَ أُرِيدُ فِي الظُّهْرِ ، قَالَ : حَتَّى زَأْبِنَا نَزَّ الثُّغُولُ ، ثُمَّ أَقَامَ قَسْلًا ،
 فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : إِنَّ شِدَّةَ الْحَرِّ مِنْ فَيْحِ جَهَنَّمَ ،
 فَأَبْرِدُوا عَنِ الصَّلَاةِ . »

158. Абу Зарр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир сафарда эдилар, Билол ҳам у киши билан бирга эди. Билол (пешинга) азон айтмоқчи бўлган эди,

(Расулulloх): «Салқинлатгил! (Яъни, салқин тушмоғини кутгил!)» дедилар. Кейинроқ у яна азон айтмоқчи бўлди, *Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Пешин намозида ҳавони салқинлатгил!»* дедилар. (Абу Зарр) айтади: «Хатто тепаликлар ёнида соялар пайдо бўлганни кўра бошладик. Кейин (Билол) азон айтди ва намоз ўқидилар. *Сўнгра Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жазирама иссиқнинг шиддати жаҳаннам нафасидандир. Намозни салқинлатиб ўқингизлар».*

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

120-БОБ

МАВЗУ: АСР НАМОЗИНИ ВАҚТЛИ ЎҚИМОҚ

۱۵۹ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا اللَّيْثُ عَنْ أَبِي شِهَابٍ عَنْ عُرْوَةَ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّهَا قَالَتْ : « مَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ التَّصْمِرَ وَالشَّسُّ فِي حُجْرَتِهَا ، لَمْ يَطْهَرِ لَيْلِي مِنْ حُجْرَتِهَا » .

159. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам аср намозини куёш ҳужрамга тушиб турганида, ҳали соя ҳужрамдан юксалмай туриб ўқидилар».*¹⁰⁹

Бу бобда Анас, Абу Арво, Жобир ва Рофиъ ибн Ходиж (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган. Яна Рофиъ тариқи билан Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламдан аср намозини таъхир этиш ҳақида битта ҳадис ривоят қилинган, саҳиҳ эмас.

Оиша (онамиз)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг

¹⁰⁹Бу ҳадиси шариф, Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам аср намозини вақти кириши билан (бошланиш вақтида) ўқиганларига далолат қилади. Чунки куёшнинг ҳали ҳужра ичига тушиб туриши кунботар тарафдаги девор сояси кунчиқар томондаги деворга тушмаган ва бу деворга кўтарила бошламаган вақтни кўрсатади. Шу ҳолда деворнинг сояси ўз бўйи билан баробардир. (Ан-Нававий).

саҳобаларидан баъзи илм аҳллари таржих этган ҳукм шу. (Ҳазрати) Умар, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Оиша (онамиз) ва Анас (розияллоҳу анҳум) ана шулардандир. Тобиъийндан мутааддид илм аҳллари шу қавлни таржих этганлар. Аср намози барвақт ўқилмоғига тўхталадилар ва таъхир этмокни қариҳ деб ҳисоблайдилар. Абдуллоҳ ибн Ал-Муборак, Шофий, Аҳмад ва Исҳоқнинг ҳам қавли шудир.

١٦٠ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ جَعْفَرٍ عَنِ الْمَلَاءِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ « أَنَّهُ دَخَلَ عَلَى أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ فِي دَارِهِ بِالْبَصْرَةِ حِينَ أَنْصَرَفَ مِنَ الظُّهْرِ ، وَدَارُهُ بِجَنْبِ الْمَسْجِدِ ، قَالَ : فَرَمُوا فَصَلُّوا لَتَنْصُرَ ، قَالَ : فَفَعَلْنَا فَصَلَّيْنَا ، فَلَمَّا أَنْصَرَفْنَا قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : يَقُولُ : تِلْكَ صَلَاةُ الْمُنَافِقِ ، يَجْلِسُ يَرْقُبُ الْبَيْتَ حَتَّى إِذَا كَانَتْ بَيْنَ قَرْنَيْ الشَّيْطَانِ قَامَ فَتَفَرَّ أَرْبَعًا لَا يَذْكُرُ اللَّهَ فِيهَا إِلَّا قَلِيلًا » .

160. Ал-Аъло ибн Абдурахмондан ривоят қилинди: Пешин намозини ўқиб тарқалишгандан кейин у Анас ибн Моликнинг Басрадаги уйига кирди. Унинг уйи масжиднинг ёнбошида эди. Шунда Анас (аср вақти киргач): «Турингизлар, асрни ўқингизлар!», деди. (Ал-Аъло) айтадики, «Биз туриб, намозни ўқидик. Намозни ўқиб бўлгач, (Анас) бундай деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, айтдиларки: «Мунофиқнинг намози улдирки, (ўтириб) қуёшни кузатади, қуёш то шайтоннинг икки шохи орасига киргунича¹¹⁰ қарайди, (сўнг) туриб, худ-

¹¹⁰Қуёш, шайтоннинг икки шохи орасига кириши – кун бота-ёзганидан киноядир. Бу таъбирдан, қароҳат вақти киргани кўзда тутилган бўлиши мумкин. Суйутий, «Кут-ул-муғтазий» китобида, бу бир мажоз эмас, балки ҳақиқат эканлигини таъкидлайди ва бундай дейди: «Қуёш ботаётганда ва чиқаётганда шайтон қуёшнинг ёнида туради. Токи, қуёшга сажда қилаётганлар гўё шайтонга сажда қилаётгандек бўлишсин».

ди дон чўкигандек, тўрт ракъат намоз ўқийди ва бу ракъатларда Аллоҳни жуда оз зикр қилади» (жуда қисқа ўқийди).

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

121-БОБ

**МАВЗУ: АСР НАМОЗИНИ ТАЪХИР
ҚИЛМОҚ**

١٦١ - حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ حَدَّثَنَا إِسْرَائِيلُ بْنُ أَبِي أَيْوبَ عَنْ أَبِي بِنْدَةَ عَنْ أَبِي مُسَيْبَةَ عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ أَنَّهَا قَالَتْ «كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَشَدَّ تَعْجِيلًا لِلظُّهْرِ مِنْكُمْ، وَأَنْتُمْ أَشَدُّ تَعْجِيلًا لِلْمَعْرِ مِنْهُ» .

161. Умму Салама (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинди; айтдиларки: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам пешин намозини сизлардан кўра эртароқ ўқир эдилар, сизлар эса аср намозини у кишидан кўра эртароқ ўқир экансизлар».

Бу ҳадис Исмоил ибн Улаййадан, Ибн Журайждан, Ибн Абу Мулайкадан, Умму Саламадан айнан ривоят қилинган.

١٦٢ - وَوَجَدْتُ فِي كِتَابِي: أَخْبَرَنِي عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ إِدْرِيسَ عَنِ ابْنِ جُرَيْجٍ .

162. Ўз китобимда (қўлёзмаларимда) шуни топдим: Али ибн Хужр менга Исмоил ибн Иброҳимдан, Ибн Журайждан нақл этиб, билдирди...

١٦٣ - وَحَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ مُعَاذٍ الْبَصْرِيُّ قَالَ: حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ ابْنِ جُرَيْجٍ بِهَذَا الْإِسْنَادِ نَعْوَهُ وَهَذَا أَحْسَنُ .

163. Бишр ибн Муъоз Ал-Басрий худди шу ҳадисни «Исмоил ибн Улаййадан, Ибн Журайждан...» деган иснод билан нақл этдики, бу иснод янада саҳиҳроқ.

122-БОБ

МАВЗУ: ШОМ НАМОЗИНИНГ ВАҚТИ

١٦٤ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا حَاتِمُ بْنُ إِسْمَاعِيلَ عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي عُبَيْدٍ عَنْ مَلَةَ بْنِ الْأَسْوَعِ قَالَ: «كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي التَّغْرِبَ إِذَا غَرَبَتِ الشَّمْسُ وَتَوَارَتْ بِالْحِجَابِ» .

164. Салама ибн Ал-Акваъ (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам шом намозини куёш ботган ва пардага яширинган вақтда ўқир эдилар».¹¹¹

Бу бобда Жобир, Ас-Сунобиҳий, Зайд ибн Холид, Анас, Рофиъ ибн Ходиж, Абу Аййуб, Умму Ҳабиба, Аббос ибн Абдулмутғалиб ва Ибн Аббос (розияллоху анхум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган. Аббоснинг ҳадиси унинг ўзида мавкуф бўлган тарзда ривоят қилинадики, шу энг саҳиҳ ҳадисдир. Ас-Сунобиҳий эса Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан эшитмаган. У Абу Бакр (розияллоху анху)нинг биродаридир.

Салама ибн Ал-Акваънинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан бўлмиш илм аҳлларидан кўпчилигининг фикри ушбудир: Шом намозини эрта ўқишликни таржиҳ қилиб (афзал кўриб), таъхир этмоқликни қарих деб ҳисоблайдилар. Ҳатто айрим илм аҳллари бундай дейдилар: «Шом намози учун фақат биттагина вақт бор». Жаброил (фаришта алайҳиссалом) имом бўлиб, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламга

¹¹¹ Ҳадисда ворид бўлган «пардага яширинган вақтда» жумласи (куёш ботган вақтда деган) биринчи жумланинг тафсиридир.. Баъзиларнинг фикрича, шом намозининг вақти куёш ботган вақт бўлиб, бу вақтнинг боши ва охири йўқ, фақатгина намоз ўқиб олгулик бир вақтдир. Бошқа олимларнинг фикрича шом намозининг бошланиш вақти – куёш ботган вақт, охири эса – шафақ йўқолган вақт. («шафақ» истилоҳи учун 101-изоҳга қаранг).

намоз ўқиб бергани борасидаги ҳадисга асосланганлар.
Ибнул-Муборак ва Шофиъийнинг қавли шудир.

123-БОБ

МАВЗУ: ХУФТОН НАМОЗИНИНГ ВАҚТИ

١٦٥ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ أَبِي الشَّوَّازِ حَدَّثَنَا
أَبُو عَوَّانَةَ عَنْ أَبِي بَشِيرٍ عَنْ بَشِيرِ بْنِ ثَابِتٍ عَنْ حَبِيبِ بْنِ سَالِمٍ عَنْ
الثَّمَّانِ بْنِ بَشِيرٍ قَالَ : «أَنَا أَعْلَمُ النَّاسِ بِوَقْتِ هَذِهِ الصَّلَاةِ : كَانَ
رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّيهَا لَسُقُوطِ الْقَمَرِ لِنَائِلَةِ .»

165. Ан-Нуъмон ибн Башир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Бу намознинг вақтини мен (бошқа) инсонлардан кўра яхшироқ биламан. Расул-луллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни (хуфтонни) ойнаинг учинчи кечасидаги ой ботиши палласида ўқир эдилар»¹¹².

¹¹²Бу ҳадис, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам арабий ойнаинг учинчи кечасидаги ой ботиши палласида хуфтон намозини ўқиганларига далолат қилади. Шофиъий уламосидан баъзилари хуфтон намозининг вақтли ўқилишини шу ҳадис билан истидлол қилишади (далиллашади). (Ан-Нававийнинг «Ал-Мажмуъ» асари, 55–58/3).

Ибнут-Туркмоний «Ал-Жавҳар-ун-накййа» (450/1)асарида Шофиъийларнинг бу истидлолини ўринсиз деб билиб, бундай дейди: «Арабий ойнаинг учинчи кечасида ойнаинг ботиши, ўн икки соатга бўлинган ўша кечаниннг соатларидан икки соату ўттиз тўрт дақиқа кейин содир бўлади. Қизил шафақ эса бу вақтдан анчагина олдин ботиб кетади. Бас, бу ҳадисда хуфтон намозини эрта ўқишлик ҳақида ишорат йўқ».

Аҳмад Муҳаммад Шокир, Ибнут-Туркмонийнинг бу сўзи ҳақида бундай дейди: «Ушбу ҳадисда хуфтон намозини эрта ўқишликка доир далил йўқлиги жиҳати тўғри. Аммо ойнаинг ботиши янглиш ҳисоб қилинган. Миср ҳукуматининг расмий тақвимида (турли) арабий ойналарнинг учинчи кечаларида ой турли хил вақтларда ботиши кўрсатилган»...

١٦٦ — حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ مُحَمَّدُ بْنُ أَبَانَ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ سَعِيدٍ عَنْ أَبِي عَوَّانَةَ ، بِهَذَا الْإِسْنَادِ نَحْوَهُ .

166.Абу Бакр Муҳаммад ибн Абон бизга худди шу ҳадисни «Абдуррахмон ибн Маҳдийдан, Абу Авонандан...» деган иснод билан сўзлаб берди.

Ҳушайм бу ҳадисни Бишрнинг отасидан, Ҳабиб ибн Солимдан, Ан-Нуъмон ибн Баширдан ривоят қилади ва бу ривоятда «Башир ибн Собитдан» деган жойини зикр қилмайди.

Абу Авонанинг ҳадиси, бизнингча, янада саҳиҳроқ. Чунки, Язид ибн Ҳорун, Шуъбадан, Бишрнинг отасидан, Абу Авонанинг ривоятидек ривоят қилган.

124-БОБ

МАВЗУ: ХУФТОН НАМОЗИНИ ТАЪХИР ҚИЛМОҚ

١٦٧ — حَدَّثَنَا هُنَادٌ حَدَّثَنَا عَبْدَةُ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُتْمَرَ عَنْ سَعِيدِ الْقُبَيْرِيِّ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « لَوْلَا أَنْ أَشَقَّ عَلَى أُمَّتِي لِأَمْرِهِمْ أَنْ يُؤَخَّرُوا الْمَشَاءَ إِلَى ثَلَاثِ اللَّيْلِ أَوْ يَصِفُوهُ . »

167.Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; дедики, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Умматимга машаққат бўлишидан хавотирланмасам эдим, хуфтон намозини кечанинг учдан бир қисмигача ёки ярмигача таъхир қилмоқни буюрган бўлар эдим».

Бу бобда Жобир ибн Самура, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абу Барза, Ибн Аббос, Абу Саъид Ал-Худрий,

Таржимон иловаси: «Хуфтон намозининг вақти шафақ ботгандан кейин бўлур. Витр намозининг вақти хуфтон намозидан кейин то тонг отгунча бўлур. Тонг вақти эса субҳи содиқ (чин тонг)дур, субҳи козиб (ёлгон тонг) эмасдур. Бу айтилган вақт хуфтон намози ва витр намозларининг вақтидур». («Мухтасар ул-виқоя», 72-бет).

Зайд ибн Холид ва Ибн Умар (розияллоху анхум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хурайрининг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобиъийндан ва кейингилардан бўлмиш илм аҳлларининг кўпчилиги ушбу қавлни ихтиёр этганлар: Хуфтон намози таъхир қилиб ўқилади деган фикрдалар. Аҳмад ва Исҳокнинг қавли шудир.

125-БОБ

МАВЗУ: ХУФТОНДАН ОЛДИН УХЛАМОҚ ВА ХУФТОНДАН КЕЙИН ГАПЛАШИБ ЎТИРМОҚНИНГ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ

۱۶۸ - حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ أَخْبَرَنَا عَوْفٌ .
 قَالَ أَحْمَدُ : وَحَدَّثَنَا عُبَادُ بْنُ عَبْدِ هُوَ الْمُهَلَّبِيُّ وَإِسْمَاعِيلُ بْنُ عُلَيْبَةَ :
 جَمِيعًا مِنْ عَوْفٍ مِنْ سَيَّارِ بْنِ سَلَامَةَ هُوَ أَبُو النَّهْلِ الرَّيَّاحِيُّ مِنْ
 أَبِي بَرَزَةَ قَالَ : « كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : يَكْرَهُ النَّوْمَ قَبْلَ
 الْمَاءِ وَالْحَدِيثَ بِمَدَّهَا . »

168.Абу Барза (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтдики, «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам хуфтондан олдин ухламоқни ва хуфтондан кейин гурунглашиб ўтирмоқни макруҳ дер эдилар».

Бу бобда Оиша (онамиз), Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Анас (розияллоху анхум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Барзанинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

*Таржимон иловаси: «Хуфтон намозини кечасининг учдан бир қисмигача таъхир қилмоқ (кечиктирмоқ) мустаҳабдур, агар кечасининг ярмигача узр бирла таъхир қилса, макруҳ бўлмас, агар узрсиз кечанинг ярмидан ўтса, макруҳдир». («Мухтарсар ул-виқоя» шарҳидан).

Илм аҳлининг кўпчилиги хуфтондан олдин ух-лашни ва хуфтондан кейин ўтириб суҳбат қилишни ка-рих деб биладилар. Кимдир эса бунга рухсат беради. Абдуллоҳ ибн Ал-Муборак айтадики, «Суҳбатларнинг кўпи кароҳат устидадур». Айрим илм аҳллари эса Ра-мазон ойида хуфтондан олдин ухлаб олишга рухсат бе-ришган.

Сайёр ибн Саламанинг куняси — Абул-Минҳол Ар-Риёхий.

126-БОБ

**МАВЗУ: ХУФТОНДАН КЕЙИН ГАПЛАШИБ
ЎТИРИШГА РУХСАТ БОРЛИГИ**

۱۶۹ — حَدَّثَنَا أَحَدُ بَنِي مَيْمُونَةَ حَدَّثَنَا أَبُو مُوَايَةَ عَنِ الْأَعْمَشِيِّ عَنِ
إِبْرَاهِيمَ عَنِ عُلَمَاءَ عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْتَبْرُؤُ مَعَ أَبِي بَكْرٍ فِي الْأَمْرِ مِنْ أَمْرِ الْمُسْلِمِينَ وَأَنَا مَعَهُمَا .

169. Умар Ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)дан ри-воят қилинди; айтдиларки, «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонларнинг ишларидан бўлмиш бирор масалада Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) билан гаплашиб қолар ва мен ҳам улар билан бирга бўлар эдим».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амр, Авс ибн Хузайфа ва Имрон ибн Хусайдан биттадан ҳадис ривоят қилинган. (Ҳазрати) Умарнинг ҳадиси ҳасан.

Бу ҳадисни Хасан ибн Убайдуллоҳ, Иброҳимдан, Алқамадан, Жуф аширатидан (ақрабосидан) бўлмиш Қайс ёки Ибн Қайс деган бир кишидан, (Ҳазрати) Умардан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан узун бир ҳикоя тарзида ривоят қилади.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобиъийндан ва кейингилардан бўлмиш илм аҳллари хуфтон намозидан кейин гаплашиб ўтириш борасида ихтилоф қилдилар. Баъзилари хуфтон намози-дан кейин гурунглашиб ўтирмоқни карих деб

хисоблайди. Баъзилари эса, илм ёки бошқа зарурий эҳтиёж маъносида бўлса, гаплашмоққа рухсат беради. Ҳадисларнинг кўпи ҳам рухсати мутазамминдир (яъни, рухсатни ўз ичига олгандир).

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганлари ҳам ривоят қилинган: «Мусомара (суҳбатлашув) фақатгина (кечаси) намоз ўқиган ёки йўлга чиққан киши учундир».

127-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗНИ ВАҚТИНИНГ АВВАЛИДА (ВАҚТИ КИРГАН ЗАҲОТИ) ЎҚИШНИНГ ФАЗИЛАТИ

۱۷۰ — حَدَّثَنَا أَبُو هُرَيْرَةَ الْحَمَّانِيُّ بْنُ حُرَيْثٍ حَدَّثَنَا الْفَضْلُ بْنُ مُوسَى عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ الْمَعْرِيِّ عَنِ الْقَاسِمِ بْنِ عَنَامٍ عَنْ عَمَّتِهِ أُمِّ قُرَوَةَ ، وَكَانَتْ مِمَّنْ بَايَعَتِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَتْ : « سَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَيُّ الْأَعْمَالِ أَفْضَلُ ؟ قَالَ : الصَّلَاةُ لِأَوَّلِ وَقْتِهَا . »

170. Умму Фарва (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди, у Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилган аёллардан биридир; дедики, «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Амалларнинг қайси бири афзалроқ?» деб сўралди. «Вақтининг аввалида (вақти кирган заҳоти) ўқилган намоз», — дедилар».¹¹³

۱۷۲ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ قَالَ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهَبٍ عَنْ سَمِيعِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الْجَمْنِيِّ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عُمَرَ بْنِ حُلَيْبِ بْنِ أَبِي طَالِبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَهٗ : « يَا عَلِيُّ ، ثَلَاثٌ لَا تُوَخَّرُهَا : الصَّلَاةُ إِذَا آتَتْ ، وَالْجَنَازَةُ إِذَا حَضَرَتْ ، وَالْأَيْمُ إِذَا وَحَدَّتْ لَهَا كُفُّنًا »

¹¹³Термизий кейинроқда таъкидлаганидек, бу ҳадис заиф бўлиб, нима учун заиф эканлигини изоҳлайди.

171. Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга айтдилар: «Ё Али! Уч нарсани таъхир қилма (кечиктирма): вақти кирган намозни; ҳозир бўлган жанозани; тенгини топганингда бўйига етган қизни (узатмоқни)».

Бу ҳадис ғариб-ҳасан.

١٧٢ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ أَبِي كَثِيرٍ حَدَّثَنَا أَبُو بَرْدٍ بْنُ أَبِي مُرَّةٍ عَنْ أَبِي بَرْدٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « الْوَقْتُ الْأَوَّلُ مِنَ الصَّلَاةِ رِضْوَانُ اللَّهِ ، وَالْوَقْتُ الْآخِرُ عَفْوُ اللَّهِ » .

172. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Намознинг бошланиш вақти (аввали) – Аллоҳнинг ризосидир; намознинг охириги вақти – Аллоҳнинг афвидир».

Бу ҳадис ғариб.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу), Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан шунга ўхшаш ҳадис ривоят қилган.

Бу бобда (Ҳазрати) Али, Ибн Умар, Оиша (онамиз) ва Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинди.

Умму Фарванинг ҳадиси фақат Абдуллоҳ ибн Умарнинг ривоятдан келаётир. Абдуллоҳ эса ҳадис аҳли наздида қувватли эмас. Ушбу ҳадисда у ҳақда чигалликка дуч келишган. Гарчи у тўғри киши бўлса ҳам, Яҳё ибн Саъид, хотираси жиҳатидан уни танқид қилган.

١٧٣ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا مَرْوَانُ بْنُ مُعَاوِيَةَ الْقَزَائِيُّ عَنْ أَبِي يَنْفُورٍ عَنِ الْوَلِيدِ بْنِ الْعِزَّارِ عَنْ أَبِي نَعْمَانَ الشَّيْبَانِيِّ: «أَنَّ رَجُلًا قَالَ لِابْنِ مَسْعُودٍ: أَيُّ الْعَمَلِ أَفْضَلُ؟ قَالَ سَأَلْتُ عَنْهُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ فَقَالَ: الصَّلَاةُ عَلَى مَوَاقِيتِهَا قُلْتُ: وَمَاذَا بَارَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: وَبِرِّ الْوَالِدَيْنِ. قُلْتُ: وَمَاذَا بَارَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: وَالْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ.»

173.Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: Бир киши Ибн Масъуддан: «Қайси амал афзалроқ?» деб сўради. Шунда у айтдики, «Буни мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрадим, «Намозларни вақтида ўқимок», дедилар. «Тағин нима, ё Расулуллоҳ?» дедим. «Ота-онага яхшилик қилмоқ», дедилар. «Тағин нима, ё Расулуллоҳ?» дедим. «Фийсабилиллоҳ (Аллоҳ йўлида) жиҳод қилмоқ», дедилар.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ал-Масъудий, Шуъба, Сулаймонки, бу зот Абу Исҳоқ Аш-Шайбонийдир ва яна бошқалар ушбу ҳадисни Ал-Валид ибн Ал-Айзордан ривоят қилишган.

١٧٤ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا اللَّيْثُ عَنْ خَالِدِ بْنِ بَرِيدٍ عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي هِلَالٍ عَنْ إِسْحَاقَ بْنِ عَمْرٍو عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: «مَا صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَاةً لَوْ قَتَلَهَا الْآخِرُ مَرَّتَيْنِ حَتَّى قَبَعَهُ اللَّهُ.»

174.Оиша (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Аллоҳ у кишидан омонатини олгунига қадар (яъни умрларининг сўнгигача) бирорта намозни икки марта охирги (туғаш) вақтида ўқиган эмаслар».¹¹⁴

¹¹⁴Ҳазрати Мулла Алий ал-Қорий ушбу ҳадиснинг изоҳи ҳақида бундай дейди: «Балки Оиша (онамиз) бунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўрганмоқ учун Жаброил

Бу ҳадис ҳасан-ғариб ва исноди муттасил эмас.

Шофиъий айтадики, «Намоз вақтининг аввали (бошланиш вақти) афзалроқ. Аввалги вақтининг охири вақтидан кўра фазилатлироқ эканига далолат қилган хусуслардан бири эса Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, (Ҳазрати) Абу Бакр ва (Ҳазрати) Умар (розияллоҳу анҳумо) таржиҳ этган нарсадирки, фақат афзал нарсани таржиҳ этган ва фазилатни қўлдан бермаган бу зотлар вақтнинг аввалида намоз ўқир эдилар».

Шофиъийнинг бу сўзини Абул-Валид Ал-Маккий бизга айтиб берди.

128-БОБ

**МАВЗУ: ПАРИШОНХОТИРЛИК БИЛАН АСР
НАМОЗИНИНГ ВАҚТИНИ
ЎТКАЗИБ (ҚАЗО ҚИЛИБ) ҚЎЙМОҚ**

۱۷۵ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ عَنْ نَافِعٍ عَنِ ابْنِ مَرْزُوقٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « الَّذِي تَدْرَأُهُ صَلَاةَ التَّصْمِيعِ قَسَاؤُنَا وَمِزْرَ أَغْلِهِ زَمَانَهُ » .

175.Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аср намозини қазо қилиб қўйган киши худди аҳли оиласи ва мол-дунёсидан айрилган кабир».

Бу бобда Бурайда ва Навфал ибн Муовиядан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Аз-Зухрий эса бу ҳадисни Солимдан, унинг отаси Умардан, Расулulloҳ

(алайҳиссалом) билан ва ўргатмоқ учун савол берган бир киши билан ўқиган намозларини ҳисобга олмагандирлар. Фақатгина Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам барча намозларини ихтиёрий вақтларда ўқишни одат қилганларини, (аммо) нодиран ва зарурий бир сабаб билан баъзи намозларни охириги вақтигача таъхир этганларини таъкидламоқчи бўлгандирлар».

лоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган.

129-БОБ

**МАВЗУ: ИМОМ ТАЪХИР ЭТГАН ТАҚДИРДА
НАМОЗНИ ВАҚТЛИ ҲАҚИБ ОЛМОҚ**

۱۷۶ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ مُوسَى الْبَصْرِيُّ حَدَّثَنَا جَعْفَرُ بْنُ سُلَيْمَانَ
الضَّبِّيُّ عَنْ أَبِي عِمْرَانَ الْجَوْنِيِّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الصَّامِتِ عَنْ أَبِي ذَرٍّ
قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَا أَبَا ذَرٍّ، أَمْرَاهُ يَسْكُونُونَ بِشِدِّي
يُيَسِّتُونَ الصَّلَاةَ، فَصَلِّ الصَّلَاةَ لَوْ قُبِيهَا. كَأَنَّكَ لَكَ نَافِلَةٌ، وَإِلَّا كُنْتَ قَدْ
أَخْرَزْتَ صَلَاتَكَ.»

176.Абу Зарр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Ё Або Зарр! Мендан кейин шундай амирлар (бошлиқлар) келадик, намозни ўлдиришади.¹¹⁵ Сен намозларни вақтида ўқигил! Агар вақтида ўқилса, (улар билан қайта ўқиганинг) сенга нафл бўлади. Агар вақтида ўқилмаса, сен албатта ўз намозингни сақлаб қолган бўласан»¹¹⁶.

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Убода ибн Ас-Сомит (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

¹¹⁵Намозни мухтор бўлган вақтидан таъхир этиб, уни жонсиз ўликдай қилиб кўядилар.

¹¹⁶Ан-Нававийнинг фикрича, ҳадиснинг маъноси бундай: «Бу амирлар намозни мухтор бўлган вақтидан таъхир этиб, кечиктиришларини аҳволларидан фахмлайсан ва ўз намозингни вақтнинг аввалида ўқиб оласан. Кейин улар намозни мухтор бўлган вақтида ўқишса, улар билан бирга қайта ўқийсан ва нафл намози савобини қўлга киритасан. Мабодо мухтор бўлган вақтида ўқимаса, яна ҳам кечиктиришса, сен ўз намозингни ўқиб олган ва ихроз этган (сақлаб қолган) бўласан». Бу ҳадис, агар бир вақт намози икки марта ўқилса, биринчиси фарз ва иккинчиси нафл бўлишига далолат қилади. Шунингдек, бу ҳадис, имом намозни кечиктирган тақдирда, маъмун (ҳимоя остидаги киши) ўз намозини вақтининг аввалида ўқиб олишига изн беради. Шундай қилиб, аввалги вақтнинг фазилатига эришади, кейин жамоат билан ҳам ўқиса, жамоат савобини олади.

Абу Заррнинг ҳадиси ҳасан. Илм аҳлларидан биттадан кўп кишининг қавли ушбудир: Имом намозни таъхир этган тақдирда, киши ўз намозини вақтида ўқиб олишини ва кейин имом билан бирга қайта ўқишини мустаҳаб деб биладилар. Бундай ҳолатда фарз бўладиган намоз, илм аҳлларининг кўпчилиги наздида, биринчи намоздир.

Абу Имрон Ал-Жавнийнинг исми – Абдумалик ибн Ҳабиб.

130-БОБ

МАВЗУ: УХЛАБ ҚОЛИБ НАМОЗНИ ЎТКАЗИБ ЮБОРМОҚ

۱۷۷ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا سَعَادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ نَابِتِ بْنِ النَّبَّاسِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ رَبَاحِ الْأَنْصَارِيِّ عَنْ أَبِي قَتَادَةَ قَالَ : « دَرَّكَرُوا لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَوْمَهُمْ عَنِ الصَّلَاةِ ؟ قَالَ : إِنَّهُ لَيَسَّرَ فِي النَّوْمِ تَقْرِيْبَهُ ، إِنَّمَا التَّقْرِيبُ فِي الْيَقَظَةِ ، فَإِذَا نَسِيَ أَحَدُكُمْ صَلَاةً أَوْ نَامَ فَلْيُصَلِّهَا إِذَا ذَكَرَهَا » .

177.Абу Қатода (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга, ухлаб қолиб намозни ўтказиб юборишгани ҳақида айтиб беришди. Шунда айтдиларки, «Тафрит (айб) уйқуда эмас. Тафрит (айб) фақат уйғоклик ҳолатидадир. Сизлардан бирортангиз намозни унутса ёки ухлаб қолиб ўтказиб юборса, ёдига тушган заҳоти дарҳол ўқиб олсин».

Бу бобда Ибн Масъуд, Абу Марям, Имрон ибн Хусайн, Жубайр ибн Мутъим, Абу Жухайфа, Абу Саъид, Амр ибн Умаййа Ад-Дармий, Зу Миҳбарки, Ан-Нажошийнинг биродарзодаеи бўлган бу зотни Зу Миҳмар ҳам дейдилар, (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Қатоданинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Ухлаб қолиб ёки унутиб намозни ўтказиб юборган ва кейин бошқа намоз вақтида, куёш чиқаётганда ёки ботаётганда уйғонган ёхуд эсига тушган киши ҳақида илм аҳллари ихтилоф қилишди: Бирови: «Куёш чиқаётганда ёки ботаётганда бўлса ҳам, уйғонган заҳоти ёки ёдига тушган заҳоти ўша намозни ўқийди», дейди.

Аҳмад, Исҳоқ, Шофиъий ва Моликнинг қавли шу. Баъзилар эса: «Куёш чиқиб бўлгунча ёки ботиб бўлгунча ўқимай туради», дейди.¹¹⁷

131-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗНИ УНУТИБ ЎТКАЗИБ ЮБОРГАН КИШИ

۱۷۸ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَبِشْرُ بْنُ مُكَازٍ قَالَا : حَدَّثَنَا أَبُو عَرَوَةَ عَنْ
قَادَةَ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ :
« مَنْ تَيْسَ صَلَاةً فَلْيُصَلِّهَا إِذَا ذَكَرَهَا » .

178. Анас ибн Молик (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки намозни унутса, ёдига тушган заҳоти дарҳол ўқиб олсин».

Бу бобда Самура ва Абу Қатода (розияллоҳу анхумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Али ибн Абу Толиб (карромаллоҳу ваҷҳаҳу)дан, намозни унутган киши ҳақида бундай деганлари ривоят қилинади: «У намозни, вақтими ёки кечми, эсига тушган маҳал ўқийди». Шофиъий, Аҳмад ибн Ҳанбал ва

¹¹⁷ Абу Ҳанифа (рахматуллоҳи алайҳ)нинг қавли шудир. Куёш чиқаётган бўлса, то чиқиб бўлгунча ва ботаётган бўлса, то ботиб бўлгунча намоз ўқилмайди. Имом Бухорий (Ҳазрати) Умар (розияллоҳу анху)дан ривоят қилган бир ҳадис билан истидлол қилади (далил келтирилади). Ҳадис ушбудир: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Куёшнинг қоши кўринган маҳал (ёй шаклидаги бош қисми чиққан маҳал) то кўтарилгунига қадар намозни таъхир қилинг, куёшнинг қоши ботган бўлса, то (тўлик) ботгунча намозни таъхир қилинг».

Исҳоқнинг қавли шудир.

Абу Бакра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Абу Бакра аср намозида ухлаб қолибдиларда, куёш ботаётганда уйғонибдилар. Куёш ботиб бўлгунича намозни ўқимай турибдилар.

Куфа фақиҳларининг баъзилари шу қавлга эга бўлганлар. Аммо биродарларимиз Али ибн Абу Толибнинг қавлини олаётирлар.

132-БОБ

**МАВЗУ: БИР НЕЧТА НАМОЗНИ ЎТКАЗИБ
ЮБОРГАН КИШИ (ҚАЗОСИНИ
ЎҚИШНИ) ҚАЙСИ НАМОЗДАН
БОШЛАЙДИ?**

۱۷۹ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ حَدَّثَنَا هُثَيْمٌ عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ عَنْ نَافِعِ بْنِ جُبَيْرِ بْنِ مُطِيمٍ عَنْ أَبِي عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبِيدَةَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ : قَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مَسْعُودٍ : « إِنَّ لِلشَّرِكَينَ شُكْلًا وَسُؤْلَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ أَرْبَعِ صَلَوَاتٍ يَوْمَ أَنْتَدِقِ حَتَّى ذَهَبَ مِنَ اللَّيْلِ مَا شَاءَ اللَّهُ ، فَأَمَرَ بِإِلَّا فَأَذَّنَ ، ثُمَّ أَقَامَ فَصَلَّى الظُّنْبَرِ ، ثُمَّ أَقَامَ فَصَلَّى التَّضَرُّ ، ثُمَّ أَقَامَ فَصَلَّى التَّنُوبِ ، ثُمَّ أَقَامَ فَصَلَّى الْمِشَاءِ » .

179.Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Хандақ (уруши) кунда мушриклар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни тўрт вақт намоздан қолдирдилар¹¹⁸. Хатто кеч тушди, вақт алламаҳал бўлгач, Билолга (азон ва қомат айтишни) буюрдилар, у азон айтди, кейин такбир келтирди, пешин намози (қазоси)ни ўқидилар. Кейин такбир айтди, аср намози (қазоси)ни ўқидилар. Кейин такбир айтди, шом намози (қазоси)ни ўқидилар. Кейин такбир айт-

¹¹⁸Бу ўринда «тўрт намоз» сўзи янглишдир. Чунки хуфтон намози қазо қилиб эмас, балки, вақтида ўқилган. Чунончи, муътод вақтидан таъхир қилингани (кечиктирилгани) учун қазо намозларига қўшилиб қолди.

ди, хуфтон намозини ўқидилар».¹¹⁹

Бу бобда Абу Саъид ва Жобир (розияллоху анхумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абдуллоҳнинг ҳадиси иснодида зарар йўқ. Чунончи, Абу Убайда Абдуллоҳдан эшитган.

Ўтган намозлар қазосини ўқишлик борасида илм аҳллари ихтиёр этган ҳукм ушбудир: Киши ўқийдиган ҳар бир қазо намози учун алоҳида такбир айтади. Такбир айтмаса ҳам, жоиздир. Шофиъийнинг қавли шу.

١٨٠ — وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ بُنْدَارُ حَدَّثَنَا مُعَاذُ بْنُ هِشَامٍ حَدَّثَنَا
أَبِي عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ حَدَّثَنَا أَبُو سَلَةَ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ تَبَارِ
بِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ : « أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ قَالَ يَوْمَ الْاْتْلَفَدَقِ ، وَجَعَلَ يَسُبُّ
كَفَّارَ قَوْمَيْهِ ، قَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ اِمَّا كَذَبْتَ اَصْلَ الْمُفْرَجِ حَتَّى تَنْفُوْبَ الشَّمْسُ ،
فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : وَاللَّهِ اِنْ صَلَّيْتَهَا قَالَ : فَتَرَلْنَا
بَطْلَانَ ، فَتَوَجَّأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَتَوَضَّأَ ، فَصَلَّى رَسُولُ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمُفْرَجَ بَعْدَ مَا هَرَبَتِ الشَّمْسُ ثُمَّ صَلَّى بَعْدَهَا الْمُفْرَجَ . »

¹¹⁹Ҳадис, қазо намозларини аввал биринчисидан бопшлаб, тартиб билан ўқилиши кераклигига далолат қилади. Ҳофиз ибн Ҳажар, «Аксарият, уламо билиб ёки унутиб қазо қилинган намозлар ўртасида тартиб вожибдир деган фикрда», дейди. Шофиъий эса, ўтган (қазо) намозларда тартиб вожиб эмас, дейди. Айни пайтда, вақти торайиб қолган адо намози пайтида фавт бўлган, ўтган намозни эсламоқ масаласида олимлар ихтилоф қилишган. Адо намозининг вақти чиқса ҳам, аввал қазо намозини ўқийдими ёки (аввал) адо намозини ўқийдими? Ёки намозхон бу икки намоз ўртасида ихтиёрли қилинадими? Имоми Молик биринчи қавлга эга бўлганлар: Ҳанафийлар, Шофиъийлар ва муҳаддисларнинг кўпчилиги иккинчи қавлни ёқлаганлар. Ашҳаб: «Икки намоз ўртасида мухаййар (ихтиёрли) қилинади» дейди. Қози Йёз айтдики, «Бу масалада ихтилоф нуқтаси соҳиби тартиб бўлган кишидир. Соҳиби тартиб бўлмаган киши олдин адо (вақтидаги) намозни ўқиб олишлиги борасида ихтилоф йўқ. Фақатгина «соҳиби тартиб»ликдан чиқарадиган озгина ҳадни белгилаш борасида ихтилоф қилинган: бировнинг фикрича бир кунлик намоз ва бировнинг фикрича эса тўрт вақт намозидир».

180. *Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Ҳандақ кунда Умар ибн Ал-Хаттоб гапириб, Қурайш мушрикларини сўка бошлади ва дедики, «Ё Расулуллоҳ! Сал қолдики, қуёш ботгунича аср намозини ўқиёлмай қолардим!».* Шунда *Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ ҳақи, мен аср намозини ўқий олмадим!»* дедилар. Жобир айтади: «Сўнг Бутҳон (водийси)га тушдик. (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат олдилар, бизлар ҳам таҳорат олдик. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қуёш ботганидан кейин аср намозини ўқидилар, сўнг унинг кетидан шом намозини ўқидилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

133-БОБ

МАВЗУ: (ҚУРЪОНИ КАРИМДА ЗИКР ҚИЛИНГАН) «СОЛАТИ ВУСТО» (ЯЪНИ «ЎРТА НАМОЗ») – АСР НАМОЗИ ЭКАНЛИГИ, У ПЕШИН НАМОЗИ, ДЕБ ҲАМ (ФИКР) АЙТИЛГАНИ

۱۸۱ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ وَأَبُو النَّضْرِ عَنْ عَبْدِ بْنِ طَلْحَةَ بْنِ مُصَرِّفٍ عَنْ زَيْدِ بْنِ مَرْثَدَةَ عَنْ مَرْثَدَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْمُودٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «صَلَاةُ الْوَسْطَى صَلَاةُ الْعَصْرِ».

181. *Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Ўрта намоз – аср намозидир».*

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

۱۸۲ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا عَبْدَةُ عَنْ سَعِيدٍ عَنْ قَتَادَةَ عَنِ ابْنِ الْمُنْكَدِمِ عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدُبٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ : « صَلَاةُ الْعَصْرِ . »

182. Самура ибн Жундуб (розияллоху анху)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ўрта намоз – аср намозидир».

Бу бобда Али, Абдуллох ибн Масъуд, Зайд ибн Собит, Оиша (онамиз), Ҳафса(онамиз), Абу Ҳурайра ва Абу Ҳошим ибн Утба (розияллоху анхум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Муҳаммад, Али ибн Абдуллоҳдан нақл этиб, бундай дейди: «Ал-Ҳасаннинг Самура ибн Жундубдан ривоят қилган ҳадиси – саҳиҳ, Ҳасан Самурадан эшитган».

Самуранинг «Солати вусто» («Ўрта намоз») борасидаги ҳадиси ҳасан. Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан бўлмиш илм аҳллари кўпчилигининг қавли шу.

Зайд ибн Собит ва Оиша (онамиз) (розияллоху анхумо) «Ўрта намоз – пешин намозидир» дейдилар.

Ибн Аббос ва Ибн Умар (розияллоху анхум) эса ўрта намоз – бомдод намози эканлигини айтадилар.

Абу Мусо Муҳаммад ибн Ал-Мусаннаъ бизга Қурайш ибн Анас орқали, Ҳабиб ибн Аш-Шаҳиддан сўзлаб берди. Ҳабиб айтадики, «Муҳаммад ибн Сийрийн менга «Ал-Ҳасандан сўра-чи, Ал-Ақиқа ҳадисини кимдан эшитибди?» деди. Шунда ундан сўрадим, у: «Буни Самура ибн Жундубдан эшитдим», деди.

Муҳаммад ибн Исмоил менга хабар бериб айтдики, «Али ибн Абдуллох ибн Маданий бу ҳадисни (сўзни) Қурайш ибн Анасдан нақл этиб бизга етказди».

Муҳаммад ибн Исмоил, Алидан нақл этиб, «Ҳасаннинг Самурадан эшитгани тўғри» дейди ва бу ҳадисни далил сифатида қабул қилади.

134-БОБ

**МАВЗУ: АСР ВА БОМДОД НАМОЗИДАН
КЕЙИН НАМОЗ ЎҚИШ КАРОҲАТ
ЭКАНЛИГИ**

۱۸۳ - حدثنا أحمد بن مَنِيعٍ حدثنا هُشَيْمٌ أَخْبَرَنَا مَنْصُورٌ ، وَهُوَ ابْنُ زَادَانَ عَنْ قَتَادَةَ قَالَ : أَخْبَرَنَا أَبُو الْمَالِيَةِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ : سَمِعْتُ غَيْرَ وَاحِدٍ مِنْ أَهْلِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : مِنْهُمْ مُحَمَّدُ بْنُ الْخَطَّابِ ، وَكَانَ مِنْ أَحَبِّهِمْ إِلَيَّ : « أَنْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنِ الصَّلَاةِ بَعْدَ الْفَجْرِ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ ، وَعَنِ الصَّلَاةِ بَعْدَ الْغَمْرِ حَتَّى تَغْرُبَ الشَّمْسُ » .

183.Ибн Аббос (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан биттадан ортиқ кишидан эшитдим; менга жуда севимли бўлмиш Умар ибн Ал-Хаттоб ҳам шулар орасида бор; «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам, бомдод намозидан кейин то қуёш чикқунича намоз ўқимокдан ва аср намозидан кейин то қуёш ботгунича намоз ўқимокдан қайтардилар».

Бу бобда Али, Ибн Масъуд, Уқба ибн Омир, Абу Хурайра, Ибн Умар, Самура ибн Жундуб, Абдуллох ибн Амр, Муъоз ибн Афро, Ас-Сунобиҳий (Расулulloхнинг ўзларидан эшитмаган), Салама ибн Ал-Акваъ, Зайд ибн Собит, Оиша, Каъб ибн Мурра, Абу Умома, Амр ибн Абаса, Йаъло ибн Умаййа ва Муовия (розияллоху анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Аббос (Ҳазрати) Умардан (розияллоху анҳумо) ривоят қилган ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан бўлмиш фақиҳларнинг кўпчилиги фикри ушбудир: Бомдод намозидан кейин то қуёш ботгунича ва аср намозидан кейин то қуёш чикқунича намоз

ўқишни макруҳ дейдилар. Аммо қазо намозлари асрдан кейин ва бомдоддан кейин ўқилишида зарар йўқ.

Али ибн Ал-Маданий, Яҳё ибн Саъид тариқи билан (яъни шу киши орқали) Шуъбадан нақл этиб, бундай дейди: Қатода, Абул-Алийадан фақат учта ҳадис эшитган: (Ҳазрати) Умарнинг «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аср намозидан кейин то қуёш ботгунича ва бомдод намозидан кейин то қуёш чиққунича намоз ўқишдан қайтардилар», деган ҳадисини, Ибн Аббоснинг «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки, «Мени, Маттоънинг ўғли Юнусдан кўра хайрлироқ деб айтмоқлик ҳеч кимга ярашмайди» деган ҳадисини ҳамда Алининг: «Қозилар учтадир...» деган ҳадисини (эшитган, холос).

135-БОБ

МАВЗУ: АСР НАМОЗИДАН КЕЙИН НАМОЗ (БОРМИ?)

۱۸۴ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ عَنْ عَطَاءِ بْنِ السَّائِبِ عَنْ سَمِيعِ بْنِ جَبْرِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: «إِنَّمَا صَلَّى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الرُّكُوعَيْنِ بَدَأَ التَّصْمِيمَ لِأَنَّهُ آتَاهُ مَا لَمْ يَشْعُرْهُ عَنِ الرُّكُوعَيْنِ بَعْدَ الظُّهْرِ، فَصَلَّاهُمَا بَدَأَ التَّصْمِيمَ، ثُمَّ لَمْ يَمُدَّ لَهُمَا».

184. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам аср намозидан кейин икки рақъат намоз ўқиганларининг ягона сабаби шуки, у кишига бир мол келтирилиб, у зотни пешиннинг икки рақъат намозидан қолдирган эди. Асрдан кейин ўша икки рақъатни ўқиб олдилар ва кейин зинҳор бу икки рақъатга қайтмадилар».¹²⁰

¹²⁰Бу ривоят билан (Ҳазрати) Оиша (онамиз (розияллоҳу анҳу)дан келган ривоятлар орасида муораза бор. Чунончи, Оиша онамиз, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам аср намозидан

Бу бобда Оиша, Умму Салама, Маймуна ва Абу Мусо (розияллоху анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинди.

Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан.

Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам асрдан кейин икки ракъат намоз ўқиганларини биттадан кўп кишилар ривоят қилган. Бу ривоят, Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам, асрдан кейин то куёш ботгунича намоз ўқишдан қайтарганлари ҳақидаги ривоятга муҳолифдир...

Ибн Аббоснинг ҳадиси янада саҳиҳроқ, чунки у: **«кейин зинҳор бу икки ракъатга қайтмадилар»** дедимокда. Ибн Аббоснинг ҳадисидек яна бир ҳадис Зайд ибн Собитдан ривоят қилинган. Оиша (онамиз)дан бу бобда мутааддид ривоятлар келган; шулардан бирида бундай дейилади: **«Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам асрдан кейин Оиша (розияллоху анҳо онамиз)нинг хузурларига борганларида ҳар ҳолатда икки ракъат намоз ўқир эдилар»**. Бошқа бир ривоятда Оиша, Умму Салама (розияллоху анҳумо) тариқи билан Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам аср намозидан кейин то куёш ботгунича ва бомдод намозидан кейин то куёш чиққунича намозни манъ этганларини айтадилар.

Бинобарин, илм аҳлларининг кўпчилиги, асрдан кейин то куёш ботгунича ва бомдод намозидан кейин то куёш чиққунича намоз ўқиш кароҳат, деган тўхтамда

кейин Оиша онамизнинг ёнларига келганларида ҳар ҳолда икки ракъат намоз ўқиганларини ва бу ҳол Пайғамбаримизнинг вафотларигача давом этганини таъкидлаганлар. Имоми Бухорий ва бошқалар бу хабарларни таҳриж қилганлар. Бу ҳолатда Ибн Аббоснинг **«кейин бирор марта бу икки ракъатга қайтмадилар»** деган сўзи, Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам бу икки ракъатни масжидда ўқимасдан, (Ҳазрати) Оиша онамизнинг хузурларида ўқиганлари ва Ибн Аббос буни кўрмагани сабаблидир. Чунки Имом Бухорийнинг бир ривоятида ҳазрати Оиша онамиз (розияллоху анҳо) бундай дейдилар: **«Умнатларига машаққат бўлишдан хавотирланиб, бу икки ракъатни масжидда ўқимас эдилар»**.

мутобик (фикрдош) қолганлар. Шу билан бирга бу қоидадан истисно қилинган ўринлар ҳам бор. Масалан, асрдан кейин то қуёш ботгунича Маккада (Каъба ва тавофидан кейин) намоз ўқилади ва бомдод намозининг орқасидан тавофдан кейин то қуёш ботгунича намоз ўқиладики, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бунга рухсат берганлари ривоят қилинган. Пайгамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингиларидан бўлмиш илм аҳлларидан бир қисмининг қавли шудир. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг ҳам қавли шундай. Пайгамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан бўлмиш бир қисм илм аҳллари эса аср ва бомдод намозидан кейин Маккада бўлса ҳам намоз ўқилишини макруҳ деб айтганлар. Суфён Ас-Саврий, Молик ибн Анас ва Куфа аҳлидан баъзиларининг қавли шудир.

136-БОБ

МАВЗУ: ШОМ НАМОЗИНИНГ ФАРЗИДАН ОЛДИНГИ НАМОЗ

۱۸۵ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ كَثْمَةَ بْنِ الْحَسَنِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بَرْبَدَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُتَعَلِّ بْنِ النَّسْبِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « بَيْنَ كُلِّ أَذَانٍ صَلَاةٌ لِمَنْ شَاءَ » .

185.Абдуллоҳ ибн Муғаффал (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳар бир азон билан такбирн қомат ўртасида хоҳлаган киши учун намоз бор».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Аз-Зубайрдан ҳадис ривоят қилинган. Абдуллоҳ ибн Муғаффалнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайгамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари шом намозининг фарзидан олдин намоз бор-йўклиги ҳақида ихтилоф қилдилар. Баъзилари, шомнинг

фарзидан олдин намоз йўқ, деган фикрладир. Бу орада, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан биттадан ортиқ кишидан ривоят қилинганки, улар шомнинг фарзидан олдин азон билан такбири комат ўртасида икки ракъат намоз ўқирдилар.

Аҳмад ва Исҳоқ бундай дейишади: «Бу икки ракъатни ўқиса, қандай яхши!». Улар бу икки ракъатни мустаҳаб деб қабул қилаётирлар.

137-БОБ

**МАВЗУ: ҚУЁШ БОТИШИДАН ОЛДИН АСР
НАМОЗИНИНГ БИР РАҚЪАТИГА
УЛГУРГАН КИШИ**

۱۸۶ — حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مُوسَى الْأَنْصَارِيُّ حَدَّثَنَا مَعْنٌ حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ عَنْ زَيْدِ بْنِ أَسْمَ عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَسَارٍ وَعَنْ بُشَيْرِ بْنِ سَعِيدٍ وَعَنْ الْأَعْرَجِ يُحَدِّثُونَهُ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « مَنْ أَدْرَكَ مِنَ الصُّبْحِ رَكْعَةً قَبْلَ أَنْ تَطْلُعَ الشَّمْسُ فَقَدْ أَدْرَكَ الصُّبْحَ ، وَمَنْ أَدْرَكَ مِنَ الْمَصْرِ رَكْعَةً قَبْلَ أَنْ تَغْرُبَ الشَّمْسُ فَقَدْ أَدْرَكَ الْمَصْرَ » .

186. *Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қуёш чиқишидан олдин бомдод намозининг бир ракъатига улгурган киши, албатта, бомдод намозига улгурган ва қуёш ботишидан олдин аср намозининг бир ракъатига улгурган киши, албатта, аср намозига улгурган бўлади».

Бу бобда Оиша (онамиз розияллоҳу анҳо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Биродарларимизнинг Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Уларнинг фикрича, бу ҳадиснинг маъноси ухлаб қолиб ёки унутиб, қуёш чиқадиган пайтда ёки ботади-

ган пайтда уйғонган ёки эслаб қолган киши сингари соҳиби узр бўлган киши учундир.

138-БОБ

**МАВЗУ: ҲАЗАРДА (МУҚИМЛИҚДА) ИККИ
ВАҚТ НАМОЗИНИ ЖАМЪ
ҚИЛМОҚ**

۱۸۷ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ حَبِيبِ
ابْنِ أَبِي تَابِتٍ عَنْ سَعِيدِ بْنِ جُبَيْرٍ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ : « ذُجِّعَ رَسُولُ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَ الظُّهْرِ وَالْعَصْرِ ، وَبَيْنَ التَّغْرِبِ وَالْعِشَاءِ بِالْمَدِينَةِ ، مِنْ غَيْرِ
خَوْفٍ وَلَا تَطَرٍّ .
قَالَ : قَبِيلَ لِبْنِ عَبَّاسٍ : مَا أَرَادَ بِذَلِكَ ؟ قَالَ : أَرَادَ أَنْ لَا يَخْرُجَ أَتَهُ . »

187.Ибн Аббос (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам, хавф-хатар ва ёмғир бўлмағи туриб, Мадинада пешин билан аср намозини ҳамда шом билан хуфтон намозини жамъ қилдилар (қўшиб ўқидилар)»

Ибн Аббосдан: «Бу билан (Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам) нимани мурод этдилар? деб сўралди. Айтди: «Умнатларига қийинчилик бўлмаслигини мурод этдилар»¹²¹

¹²¹ Ҳофиз ибн Ҳажар «Фатҳ-ул-борий» китобида бундай дейди: «Уламодан бир гуруҳи бу ҳадиснинг зоҳир маъноси билан амал қилиш жиҳатига соҳиб бўлиб, ҳазарда (муқимликда) мутлоқ эҳтиёж сабаби билан жамъ қилмоқни жоиз кўрдилар. Фақат бунн одат қилиб олмасликни шарт қиладилар. Ибн Сийрийн, Робия, Ашҳаб, Ибн-ул-Мунзир ва бошқалар шулар жумласидандир. Ал-Хаттобий, муҳаддислардан баъзилари шу фикрда эканликларини қайд этган». Жумхурнинг (кўпчиликнинг) фикрича, жамъ қилмоқ, узрсиз ҳолда, жоиз эмас. Жумхур Ибн Аббоснинг ҳадисига бир қанча жавоблар беради. Шулардан баъзиларини қуйида баён этамиз.

Бу бобда Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ҳадис ривоят қилинган. Ибн Аббоснинг ҳадиси у кишидан ваҳждардан ривоят қилинган. Буни Жобир Ибн Зайд, Саъид ибн Жубайр ва Абдуллох ибн Шақиқ Ал-Уқайлий ривоят қилганлар.

Тағин Ибн Аббос тариқи билан Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламдан шу ҳадиснинг акси ривоят қилинган.

۱۸۸ — حَدَّثَنَا أَبُو سَلَمَةَ يَحْيَى بْنُ خَلْفِ بْنِ الْبَصْرِيِّ حَدَّثَنَا الشَّيْخُ

بْنُ سَلْمَانَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ حَنْشَلٍ عَنْ عِكْرَمَةَ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ جَمَعَ بَيْنَ الصَّلَاتَيْنِ مِنْ غَيْرِ عُدْرٍ فَقَدْ آتَى أَبَا مِنْ أَبْوَابِ الْكِبَائِرِ» .

1.Мазкур жамъ қилмоқ бетоблик туфайли бўлганди. Ҳофиз ибн Ҳажар, бу жавобнинг изоҳталаб эканини айтади. Чунки Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам, агар бетоблик сабаби билан жамъ қилган бўлса эдилар, ўзларида бетоблик узри бўлган кишилар у кишининг орқаларида намоз ўқиб, узрсиз кишилар ўқишмас эди. Ҳолбуки, Ибн Аббос икки вақт намозини саҳобалари билан бирга жамъ қилганларини айтмоқда.

2.Мазкур жамъ қилмоқ ёмғир сабаби билан эди. Аммо бу «ёмғир» ривояти ҳадисда таъкидланган «хавф-хатар ва ёмғир бўлмайд туриб» деган ривоятдан заифдир.

3.Мазкур жамъ қилмоқ, хавонинг булутли бўлиши сабаби билан эди. Бинобарин, Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам, пешин намозини ўқиганларидан кейин ҳаво очилган ва аср вақти кирганини аниқлагач, дарҳол орқасидан аср намозини ўқиганлар. Бу жавоб ҳам тўғри эмас. Чунки, пешин билан асрда бу борада заиф бир эҳтимол бўлса-да, шом билан хуфтонда бундай эҳтимол зинҳор ворид эмас.

4.Мазкур жамъ қилмоқ шаклийдир. Яъни, Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам пешинни охириги вақтигача таъхир қилиб, аср вақтининг аввалида ўқиганлар. Ан-Нававий: «Бу эҳтимол заиф ёки ботилдир, чунки ҳадиснинг зоҳир маъносига тўғридан-тўғри зиддир». Ҳофиз Ибн Ҳажар, Нававий заиф ёки ботил деб билган бу эҳтимолни, Куртубий, Имом-ул-Ҳарамайн ва бошқалар маъқуллаганини, ҳатто Ибн Саййидиннос кучли, деб топганини айтади. (Кейинги изоҳга қаранг).

188. *Ибн Аббос (розияллоҳу аанҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Икки намозни узрсиз ҳолда жамъ қилса (қўшиб ўқиса), шубҳасиз, у гуноҳи кабираларнинг эшикларидан биттасига қадам босган бўлади».*¹²²

Ҳадис ровийлари орасида учраган Ханашнинг куняси – Абу Али Ар-Раҳобий, исми эса – Хусайн ибн Қайсдирки, у муҳаддислар наздида заифдир. Аҳмад ва яна бошқалар унинг заиф эканлигини қайд этишган.

Илм аҳллари наздида амал шу ҳадис асосидадир.

Икки вақт намозини қўшиб бир пайтда ўқишлик фақатгина сафарда ёки Арафотдадир. Тобиъийндан бўлмиш айрим илм аҳллари бемор киши учун икки вақт намозини жамъ қилишига рухсат берганлар. Аҳмад ва Исҳокнинг қавли шудир.

Айрим илм аҳллари эса, «Ёмғирли ҳавода икки вақт намозини жамъ қилади», дейдилар. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳокнинг қавли шундай. Бироқ Шофиъий, бемор киши икки вақт намозини қўшиб ўқийди, деган фикрда эмас.

¹²² Жамъ қилмоқ-икки вақт намозини бир вақтда ўқимоқ дегани. Жамъ қилмоқ фақат пешин билан аср ҳамда шом билан хуфтон намоzlари орасида мумкин. Ё тақдим ёки таъхир йўли билан қилинади. Яъни аср намози олдинга сурилиб, пешин вақтида пешин намози билан бирга ўқилиши мумкин ёки пешин намози орқага сурилиб, аср вақтида аср намози билан бирга ўқилиши мумкин. Шом ва хуфтон намоzlарида ҳам ҳолат шундай: Кейин жамъни машруъ қиладиган сабабалар бор. Булардан айримлари суннат, айримлари рухсатдир. Арафот билан Муздалифада жамъ қилиниши суннат, сафарда, беморликда, ёмғир ва хавф-хатар сингари ҳолатларда эса рухсатдир. Баъзи имомлар бу рухсатларнинг ҳаммасини, айримлари эса бир қисмини қўллаш йўлини тутган. Абу Ханифа (рахматуллоҳу алайҳ) Арофат ва Муздалифадан бошқа ҳеч қаерда ва ҳеч қандай ҳолда жамъ қилмоқ машруъ эмаслигини айтадилар.

139-БОБ

МАВЗУ: АЗОННИНГ БОШЛАНИШИ

۱۸۹ — حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ يَتْفِي بْنِ سَعِيدِ الْأَمْوِيِّ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا
عُمَرُ بْنُ إِسْحَاقَ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ بْنِ الْحَارِثِ الْقَمِيِّ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ
ابْنِ زَيْدٍ عَنْ أَبِيهِ قَالَ : « لَمَّا أَصْبَحْنَا أَتَيْتَنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ،
فَأَخْبَرَنَاهُ بِالرُّؤْيَا ، فَقَالَ : إِنَّ هَذَا لِرُؤْيَا حَقٍّ ، فَقَمَّ مَعَ بِلَالٍ ، فَإِنَّهُ أُنْذِيَ
وَأَمَدُ صَوْتِنَا مِنْكَ ، فَأَلْفِي عَلَيْهِ مَا قِيلَ لَكَ ، وَلِيُقَادَ بِذَلِكَ ، قَالَ فَلَمَّا سَمِعَ هَمْرُ
ابْنِ الْغَطَابِ نِدَاءَ بِلَالٍ بِالصَّلَاةِ خَرَجَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَهُوَ
يَسْجُرُ إِزَارَهُ ، وَهُوَ يَقُولُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ ، لَقَدْ رَأَيْتُ
مِثْلَ الَّذِي قَالَ ، قَالَ : فَقَالَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : فِيهِ الْخُتْبُ ،
فَذَلِكَ الْكَلِمَةُ . »

189. Абдуллоҳ ибн Зайд (розиаллоху анху) ўз отасидан ривоят қилиб айтди: «Тонг отиб, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдик ва мен (азон ҳақидаги) тушимни у кишига хабар қилдим. Шунда у зот: «Албатта, бу ҳақ тушдир! Билол билан бирга тургил, чунки у сендан кўра узун бўйлик ва овози ҳам баланд. Сенга (тушингда) айтилган сўзларни унга айтиб тур, у эса шу билан (мусулмонларни намозга) чақирсин!» — дедилар. (Абдуллоҳ ибн Зайд) айтди: «Шунда Умар ибн Ал-Хаттоб, Билолнинг азонини эшитиб, изорларини кўтарган ҳолда, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига чиқиб келдилар ва дедиларки: «Ё Расулуллоҳ! Сизни ҳақ билан юборган Аллоҳга қасамки, мен ҳам худди шундоқ туш кўрдим!» Шунда Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: «Аллоҳга ҳамд бўлсин! Шу билан (азон) исбот бўлди!» — дедилар».

Бу бобда Ибн Умардан ҳадис ривоят қилинган.
Абдуллоҳ ибн Зайднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Иброҳим ибн Саъд бу ҳадисни Муҳаммад ибн Исҳоқдан бояғидан кўра тугал ва узун қилиб ривоят этади ҳамда бу ҳадисда азоннинг сўзларини икки мартадан, такбири қомат сўзларини эса бир мартадан айтилганини зикр қилади.

Абдуллоҳ ибн Зайд бу - Ибн Абдироббихдир. Ибн Абдирроб, дейилиши ҳам баён қилинган. Унинг азон ҳақида ривоят қилган ушбу битта ҳадисдан бўлак Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқа бир саҳиҳ ҳадис ривоят қилганини билмаймиз. Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим Ал-Мозиний эса Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мутааддид ҳадислар ривоят қилган: у Аббод ибн Тамимнинг амакисидир.

١٩٠ — حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ النَّضْرِ بْنِ أَبِي النَّضْرِ حَدَّثَنَا حَجَّاجُ ابْنُ مُحَمَّدٍ قَالَ : قَالَ ابْنُ جُرَيْجٍ : أَخْبَرَنَا نَافِعٌ عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ : « كَانَ الْمَلَكُ حِينَ قَدِمُوا الْمَدِينَةَ يَحْتَمُونَ فَيَحْتَمُونَ الصَّلَاتِ ، وَلَيْسَ يَنَادِي بِهَا أَحَدٌ ، فَسَكَتُوا يَوْمًا فِي ذَلِكَ ، فَقَالَ بَعْضُهُمْ : اتَّخَذُوا نَاقَوْمًا مِثْلَ نَاقُوسِ النَّصَارَى ، وَقَالَ بَعْضُهُمْ : اتَّخَذُوا قِرْنًا مِثْلَ قَرْنِ الْيَهُودِ ، قَالَ : فَقَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ : أَوْلَا تَيْمَنُونَ رَجُلًا يَنَادِي بِالصَّلَاةِ ؟ قَالَ : فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : يَا بِلَالُ قُمْ فَنادِ بِالصَّلَاةِ . »

190. Ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Мусулмонлар Мадинага келганларида тўпланишар ва намоз вақтларини мўлжаллаб олишар эди. Уларнинг бирон чақирувчиси йўқ эди. Бир куни намозга чақириш ҳақида гаплашиб қолдилар. Баъзилари: «Насоролар кўнгироқ чалганидек кўнгироқ чалингизлар», деса, баъзилари: «Яхудийлар бурғу чалганидек бурғу чалингизлар», — дейишди. (Ҳазрати) Умар ибн Ал-Хаттоб: «Намозга чақирадиган бирор кишини юбора олмайсизларми?» — дедилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ё Билол! Тургил, (мусулмонлари) намозга

чақиргил!» дедилар.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ ҳамда Ибн Умарнинг ривоятидан ғариб.

140-БОБ

МАВЗУ: «АЗОНДА ТАРЖИЪ (ИККИ ШАҲОДАТ КАЛИМАСИНИ ИККИ ҚАЙТА АЙТМОҚ)

١٩١ — حَدَّثَنَا يَسْرُ بْنُ مُعَاذٍ الْبَحْرِيُّ حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ عَبْدِ التَّوَيْبِ بْنِ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ أَبِي تَحْدُورَةَ قَالَ : أَخْبَرَنِي أَبِي وَجَدَنِي سَجِيحًا عَنْ أَبِي تَحْدُورَةَ : « أَنْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَقَمَدَهُ وَالَّتِي عَلَيْهِ الْأَذَانُ حَرْفًا حَرْفًا . قَالَ إِبْرَاهِيمُ : وَفَعَلَ أَذَانَنَا . قَالَ يَسْرٌ . قُلْتُ لَهُ : أَعَدَّ عَلَى قَوْمِ الْأَذَانِ بِالْتَّزْجِيعِ . »

191.Абу Маҳзура (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни утиргезиб, азонни унга ҳарфма-ҳарф ўргатдилар. Иброҳим: «Бизнинг азонимиз сингари», деди. Бишр айтдики, «Унга, «Азонни менга такрор қилиб бер», дедим, у азонни таржиъ (икки қайтарув) билан васфлантириб ўқиди».

Абу Маҳзуранинг азон ҳақидаги ҳадиси саҳиҳ. Унинг тарафидан мутааддид важҳлардан ривоят қилинган. Макка аҳолисининг амали шу ҳадис асосидадир. Шофиъийнинг қавли ҳам шудир.

١٩٢ — حَدَّثَنَا أَبُو مُوسَى يَحْيَى بْنُ يَحْيَى حَدَّثَنَا هَفَانُ حَدَّثَنَا هَمَّامٌ عَنْ هَامِرِ بْنِ عَبْدِ الْوَاحِدِ الْأَحْوَلِ عَنْ مَسْكَوْنٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ أَبِي تَحْدُورَةَ : « أَنْ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيْهِ الْأَذَانُ سَبْعَ عَشْرَةَ كَلِمَةً ، وَالْإِقَامَةُ سَبْعَ عَشْرَةَ كَلِمَةً . »

192.Абу Маҳзура (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам азонни ўн тўққизта калима билан ва тақбири қоматни ўн ет-

тита калима билан унга ўргатдилар».¹²³

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

¹²³Ҳадис, азонда таржиъ (икки қайтарув) суннат эканига очик далилдир. Азоннинг калималари таржиъ билан бирга ўн тўққизта

калима: «الله أكبر الله أكبر الله أكبر الله أكبر الله أكبر» (Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!) бу тўртта калима.

«أشهد أن لا إله إلا الله» (Ашҳаду ан-ла илаҳа иллаллоҳ) икки марта паст товуш билан ва икки марта баланд товуш билан айтилгани учун тўртта калима. Ҳар икки ҳолда иккинчи калима таъкид учун.

«أشهد أن محمدا رسول الله» (Ашҳаду анна Муҳаммадан Расулуллоҳ) калимаси ҳам икки марта паст товуш билан, икки марта баланд товуш билан айтилгани учун тўрт калимадир. Ҳар икки ҳолатда

иккинчи калима таъкид учун. «حسبى على الصلاة» (Ҳаййа ʔалас-солаҳ) икки марта айтилгани учун икки калима ва иккинчиси

таъкид учун. «حسبى على الفلاح» (Ҳаййа ʔалал-фалаҳ) икки марта айтилгани учун икки калима ва иккинчиси таъкид учун.

«الله أكبر الله أكبر» (Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!) икки калима.

«لا إله إلا الله» (Ла илаҳа иллаллоҳ) бир калима. Жами ўн тўққиз калима бўлади. Қоматга эса таржиъ йўқ.

«حسبى على الفلاح» (Ҳаййа ʔалал-фалаҳ)дан кейинги икки марта «قد قامت الصلاة» (Қадди-қоматис-солаҳ) иловаси билан 17 калима бўлади. Шофиъий ва Молик азонда таржиънинг борлигига тўхталганлар. Абу Ҳанифанинг фикрларича, азоннинг калималари ўн бешта ва қоматнинг калималари ўн еттита. Имоми Молиқнинг фикрича, қоматнинг калималари ўн битта. Чунки Имоми Молик

«الله أكبر» (Аллоҳу Акбар) ва «قد قامت الصلاة» (Қадди-қоматис-солаҳ) калималаридан бошқасини бир мартадан ва шу икки калиманигина икки марта ўқийди. Бу ҳам Абу Маҳзурадани қилинган бир ривоятдир. Абу Маҳзура машҳур саҳоба бўлиб, Макканинг муаззинидир. Ҳижратнинг 59-йилида Маккада вафот этган.

(Илова: азонда таржиънинг суннат эканлиги Шофиъий мазҳабидагилар учун. Ҳанафий мазҳабидагилар учун таржиъ йўқ.)

Абу Маҳзуранинг исми - Самура ибн Миъйар Айрим илм аҳллари азон борасида шу қавлга эга бўлганлар.

Абу Маҳзура, иқоматнинг калималарини бир мартадан ўқигани ҳам ривоят қилинган.

141-БОБ

МАВЗУ: ИҚОМАТ КАЛИМАЛАРИНИ БИР-МАРТАДАН АЙТМОҚ

١٩٣ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَهَّابِ الثَّقَفِيُّ وَزَيْدُ بْنُ دُرَيْبٍ
عَنْ خَالِدِ بْنِ الْإِسْمَاعِيلِ عَنْ أَبِي فِلَالَةَ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ : هُوَ أَمِيرٌ يَلِدُ
أَنْ يَشْفَعَ الْأَذَانَ وَيُورِثُ الْإِمَانَةَ .

193. Анас ибн Молик (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Билолга азонни жуфт ва иқоматни тоқ айтмоғи амр қилинди».

Бу бобла Ибн Умар (розияллоху анху)дан ҳадис ривоят қилинган.

Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан баъзи илм аҳлларининг қавли шу. Молик, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган.

142-БОБ

МАВЗУ: ИҚОМАТ КАЛИМАЛАРИ ЖУФТ-ЖУФТДИР

١٩٤ — حَدَّثَنَا أَبُو سَعِيدٍ الْأَشَجِيُّ حَدَّثَنَا عُبَيْدُ بْنُ خَالِدٍ عَنْ ابْنِ أَبِي قَتْلِبٍ
عَنْ حَمْرِ بْنِ مُرَّةَ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي قَتْلِبٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ
قَالَ : هُوَ كَانَ أَذَانَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَفَعًا فِي الْأَذَانِ
وَالْإِمَانَةِ .

194. Абдуллоҳ ибн Зайд (розияллоху анху)дан ри-

воят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг азонлари, хоҳ азонда бўлсин, хоҳ иқоматда бўлсин, жуфт-жуфт айтилар эди».

Вакиъ; Абдуллоҳ ибн Зайднинг ҳадисини Ал-Аъмашдан, Амр ибн Муррадан, Абдурраҳмон ибн Абу Лайлодан ривоят қилган: Абдурраҳмон: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари Абдуллоҳ ибн Зайд тушида азонни кўрганини бизларга сўзлаб бердилар», деди.

Шуъба, Амр ибн Муррадан, Абдурраҳмон ибн Аби Лайлодан бундай деб ривоят қилади: «Абдуллоҳ ибн Зайд тушида азонни кўрди». Бу ривоят Ибн Аби Лайлонинг ривоятидан кўра саҳихроқ.

Абдурраҳмон ибн Аби Лайло, Абдуллоҳ ибн Зайднинг ўзидан эшитмаган.

Айрим илм аҳллариининг фикрича, азон икки мартадан, иқомат ҳам икки мартадан (жуфт-жуфт) айтилади. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак ва Куфа аҳлининг қавли шу.

Ибн Аби Лайло - Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Лайлодир. У Куфанинг қозиси эди. Отасидан ҳеч қандай ҳадис эшитмаган. Фақат бошқа киши воситасида отасидан ривоят қилган.

143-БОБ

МАВЗУ: АЗОННИ ЧЎЗИБ АЙТМОҚ

١٩٥ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ الْحَسَنِ حَدَّثَنَا الْمُعَلَّى بْنُ أَسَدٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْمُنْعِمِ هُوَ صَاحِبُ السَّقَاءِ ، قَالَ : حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُسْلِمٍ عَنِ الْحَسَنِ وَعَطَاءٍ عَنِ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِبَلَالٍ : « يَا بَلالُ ، إِذَا أَدْنَيْتَ فَتَرَسَّلَ فِي أَدَانِكَ ، وَإِذَا أَقَمْتَ فَأَحْدَرْ ، وَاجْمَلْ بَيْنَ أَدَانِكَ وَإِقَامَتِكَ قَدْرَ مَا يَفْرُغُ الْأَكْلُ مِنْ أَكْلِهِ ، وَالشَّارِبُ مِنْ شُرْبِهِ ، وَالْمُنْتَصِرُ إِذَا دَخَلَ لِقَضَاءِ حَاجَتِهِ ، وَلَا تَقُومُوا حَتَّى تَرَوُنِي » .

195. *Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Билолга айтдилар: «ع Билол! Агар азон айтсанг, баҳузур чўзиб айт. Агар иқомат айтсанг, қисқа ва чаққон айт.¹²⁴ Азон билан иқоматнинг ўртасида (таом) еяётган киши (таомини) еб олгулик, ичимлик ичаётган киши (неъматини) ичиб олгулик, ҳожатга кирган киши қазон ҳожатини қилиб олгулик бир муддат қолдир. Ва токи мени кўрмагунча ўринларингиздан турмангизлар!...»*

— حَدَّثَنَا عَبْدُ بْنُ مُحَمَّدٍ حَدَّثَنَا يُونُسُ بْنُ مُحَمَّدٍ عَنْ عَبْدِ النَّعِيمِ تَمَّوَهُ . ۱۹۶

196. *Абу ибн Хумайд бизга Юнус ибн Муҳаммад тариқи билан Абдул-Мунъимдан нақл этди: айнан ўша ҳадис.*

Жобирнинг ҳадисини фақат шу ваҳждан, Абдул-Мунъимнинг ривоятидан биламиз. Бу эса мажхул бир иснод.¹²⁵

Абдул-Мунъим Басралик бир шайхдир.

¹²⁴Муаззин азоннинг ҳар бир жумласини бир нафас билан ўқийди. Азоннинг бошидаги тўрт такбирни тўрт нафас билан ўқийди. «Аллоҳу акбар!» деб, нафас олади; яна «Аллоҳу акбар!» деб нафас олади ва шундай давом этади. Имом Ан-Нававий: «Муаззин учун мустаҳаб бўлган нарса - икки такбир билан ўқимоқдир», дейди. Шу қавлга кўра азоннинг бошидаги тўрт такбирни икки нафас билан ва охиридаги икки такбирни бир нафас билан ўқийди.

¹²⁵Ҳадиснинг санадида Яҳё ибн Муслим Ал-Басрий борки, бу киши мажхулдир.

144-БОБ

МАВЗУ: АЗОН АЙТГАНДА БАРМОҚНИ
ҚУЛОҚҚА ТИҚМОҚ

١٩٧ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَمَلَانَ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ
الثَّوْرِيُّ عَنْ عَمْرِو بْنِ أَبِي جَعْفَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ : رَأَيْتُ بِلَالَ بْنَ الْوَدْدِ يُؤَدِّنُ وَيُدْرِرُ ،
وَيُنْبِغُ فَاذَّاهَا وَهَاهُنَا ،
وَاصْبَاهُ فِي أذُنَيْهِ ، وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مِخْبَةِ لَهُ تَحْرَاهُ ، أَرَاهُ ،
قَالَ : مِنْ أَدِيمٍ ، فَخَرَجَ بِلَالٌ بَيْنَ يَدَيْهِ بِالتَّنْزِيهِ فَوَكَرَّهَا بِالْبَطْلَاءِ ،
فَعَلَى إِلَيْهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَمَرٍّ بَيْنَ يَدَيْهِ الْكَلْبُ وَالْحِمَارُ ،
وَعَلَيْهِ حَلَّةٌ تَحْرَاهُ ، كَأَنِّي أَنْظَرُ إِلَى بَرِيذِ حَاتِيهِ ، قَالَ سُفْيَانُ : فَرَأَاهُ حَبْرَةَ .

197.Абу Жухайфа (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Билолни азон айтаётганида кўрдимки, азон айтаётиб қайрилар ва оғзини у ёқ бу ёққа айлангирар эди. Икки бармоғини икки қулоғига тикқан эди. Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам ўзлари учун қуриб (тикиб) берилган қирмизи куббада (чодирда) эдилар». Чамамда (Абу Жухайфа ўша куббани) «Теридан эди», дейди. «Билол учи иайзали ҳассани икки қўлида ушлаб, (Расули Акраминиинг олдиларидан) олиб чиқди-да, уни Батҳо (қуми)га санчиб қўйди. Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам ҳассаниинг рўпарасида намоз ўқидилар. Олдиларидан (ҳассаниинг нариги томонидан) ит ва эшаклар ўтаверарди. Эгниларидан қирмизи хулла бўлиб, гўеки болдиларининг ялтирашини кўриб тургандек эдим». Суфён: «Бу (хулла) Яманий хирқадир, деган фикрда-миз», дейди.

Абу Жухайфаниннг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳллариининг фикрича, амал шу ҳадис асосидадир. Муаззин азон айтаётганда икки бармоғини қулоғига тикишини мустаҳаб деб ҳисоблайдилар. Айрим илм аҳллари «Иқоматда ҳам икки бармоғини икки қулоғига

тиқади», дейдилар. Ал-Авзойнинг қавли ҳам шу.

Абу Жуҳайфанинг исми - Ваҳб ибн Абдуллоҳ Ас-Сувоий»

145-БОБ

МАВЗУ: БОМДОД НАМОЗИДА ТАСВИБ
ҚИЛМОҚ

١٩٨ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ حَدَّثَنَا أَبُو أَحْمَدَ الزَّيْتِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو إِسْرَائِيلَ عَنِ الْحَسَنِ بْنِ أَبِي لَيْلَى عَنْ بِلَالٍ قَالَ : قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « لَا تَتَوَيَّبَنَّ فِي شَيْءٍ مِنَ الصَّلَاةِ إِلَّا فِي صَلَاةِ النَّجْرِ »

198.Билал (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бундай дедилар: «Бомдод намозидан бошқа ҳеч бир намозда тасвиб қилмагин!».

Бу бобда Абу Маҳзурадан ҳам ҳадис ривоят қилинган. Билалнинг ҳадисини ёлғиз Абу Исроил Ал-Мулоийнинг ривоятдан биламиз. Абу Исроил эса бу ҳадисни Ал-Ҳакам ибн Утайбадан эшитган. Абу Исроилнинг исми — Исмоил ибн Аби Исҳоқ. Бу зот муҳаддислар наздида жуда ҳам соғлом (ишончли) эмас.

التَّوَيَّبِ «**«Ат-тасвиб»**» калимасининг тафсири хусусида илм аҳллари ихтилоф қилдилар. Айримлари «тасвиб» калимасининг маъноси бомдод азонида айтиладиган: «**الْمَلَأَةُ خَيْرٌ مِنَ التَّوَيَّبِ**»¹²⁶ («Ас-солату хойрун минан-навм») ибораси эканини айтади. Ибнул-Муборак ва Аҳмаднинг қавли шудир.

Исҳоқ эса «тасвиб» калимасига бошқа маъно бе-

¹²⁶«Намоз уйқудан яхшидир».

риб, бундай дейди: «Макруҳ бўлмиш бир тасвиб борки, бу Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин инсонлар ўйлаб топган бир нарсадир. Чунончи, муаззин азон айтганда жамоатни куттириб кўяди ва кейин азон

билан иқомат ўртасида «حَيَّ عَلَى الصَّلَاةِ حَيَّ عَلَى الْفَلَاحِ»
 «قَدْ قَامَتِ الصَّلَاةُ»¹²⁷ дейди.

Демак, Исҳоқ айтган тасвиб ана шу бўлиб, бу илм аҳллари макруҳ кўрган тасвибдирки, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин ўйлаб топилгандир.

Ибнул-Муборак ва Аҳмад, «тасвиб» калимасини,

муаззин бомдод азонида айтиладиган «الصَّلَاةُ خَيْرٌ مِنَ النَّوْمِ»
 (Ас-солату хойрун минан-навм) деб тафсир қилганларига келсак, ушбу қавл саҳиҳ ва бу ҳам «тасвиб» дейилади. Илм аҳллари таржиҳ этган (устун кўрган) ва қабул қилган қавл шудир. Абдуллоҳ ибн Умардан, (у киши)

бомдод азонида «الصلاة خير من النوم» (Ас-солату хойрун-минан-навм) деганлари ривоят қилинган. Мужоҳиддан унинг бундай дегани ривоят қилинган. «Абдуллоҳ ибн Умар билан бирга масжидга кирдим. Масжидда азон айтилган ва биз у ерда намоз ўқимоқчи эдик. Шу орада муаззин тасвиб (азон билан иқомат ўртасида намоз учун чакирик) қилиб қолди. Шунда Абдуллоҳ ибн Умар масжиддан чиқди ва: «Юр, бу бидъатчининг ёнидан чиқайлик», — деди. Намозни ўша масжидда ўқимади». Абдуллоҳ, фақатгина инсонлар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин пайдо қилган тасвибни карих кўрган.

¹²⁷ «Намоз бошланди: намозга келинг, нажотга келинг»

146-БОБ

**МАВЗУ: АЗОН АЙТГАН КИШИ ИҚОМАТ
КЕЛТИРАДИ**

١٩٩ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا عَهْدَةً وَيَبْنِي بْنُ عَبِيدٍ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ
بْنِ زِيَادِ بْنِ أَنَسٍ الْإِفْرِيقِيُّ عَنْ زِيَادِ بْنِ نُعَيْمٍ الْمَصْرِيِّ عَنْ زِيَادِ بْنِ
الْحَارِثِ الْمُدَائِنِيِّ قَالَ : « أَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ أُؤَدِّنَ
فِي صَلَاةِ النَّجْرِ ، فَأَذَنْتُ ، فَأَرَادَ بِلَالٌ أَنْ يُعَيِّمَ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : إِنْ أَمَّا صَدَاةٌ قَدْ أُذِّنَ ، وَمَنْ أُذِّنَ فَهِيَ يُعَيِّمُ » .

199. Зиёд ибн Ал-Ҳорис Ас-Судий (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам менга бомдод намозига азон айтмоқни буюрдилар ва мен азон айтдим. Сўнг Билол иқомат келтирмоқчи бўлган эди, шунда Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Судий биродар азон айтди. Азонни ким айтса, иқоматни ўша келтиради».

Бу бобда Ибн Умар (розияллоху анҳумо)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Зиёднинг ҳадисини ёлғиз Ал-Ифрикийнинг ривоятдан биламиз. Ал-Ифрикий эса муҳаддислар наздида заифдир. Яхё ибн Саъид ва яна бошқалар унинг заиф эканини қайд этганлар. Аҳмад: «Ал-Ифрикийнинг ҳадисини ёзмайман», дейди.

Муҳаммад ибн Исмоил унинг аҳволини тақвия қилганини (қувватлаганини) кўрдим. Ал-Ифрикий ҳақида бундай дейди: «У ҳадис ривоятида ўрта даражададир».

Илм аҳлларининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир: «Азонни ким айтса, иқоматни ўша келтиради», дейдилар.

147-БОБ

**МАВЗУ: ТАҲОРАТСИЗ АЗОН АЙТМОҚ
КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ**

۲۰۰ — حَدَّثَنَا هَلِي بْنُ حُبَيْرٍ حَدَّثَنَا الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ يَحْيَى الْعَدَنِيِّ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « لَا يُؤَدَّنُ إِلَّا مُتَوَضِّئًا . »

200.Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Азонни фақатгина таҳоратли киши айтади!», — дедилар».

۲۰۱ — حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهَبٍ عَنْ يُونُسَ عَنِ ابْنِ شِهَابٍ قَالَ : قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ : لَا يَبْنَأِي بِالْمَلَأَةِ إِلَّا مُتَوَضِّئًا

201.Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Намозга фақатгина таҳоратли жарчи чақиради!»

Бу ҳадис биринчи ҳадисдан кўра саҳихроқ. Ибн Ваҳб, Абу Хурайранинг ҳадисини Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалтирмаган. Бу ҳадис Ал-Валид ибн Муслимнинг ҳадисидан кўра саҳихроқ!¹²⁸. Аз-Зухрий, Абу Хурайрадан эшитмаган.

Илм аҳллари таҳоратсиз азон айтмоқ борасида ихтилоф қилдилар: Баъзилари макруҳ эканини айтдилар. Шофибий ва Исҳокнинг қавли шудир. Баъзилари эса таҳоратсиз азон айтмоққа рухсат берадилар. Суфён Ас-

¹²⁸Ҳадис икки ҳолатда ҳам заиф. Аммо иккинчи ривоятнинг заъфи биринчи ривоятдагидан кўра озроқ. Чунончи, иккинчи ривоятда фақатгина бир иллат бор ва бу иллат инқитодир. Биринчи ривоятда эса икки иллат учраётир: ровийлардан Муовия ибн Яҳё Ас-Садафий ҳадис бобида заифдир ва айни вақтда ривоятда, инқитод бор. Бу инқитод Аз-Зухрийнинг ҳадисни Абу Хурайрадан эшитмаганлиги туфайли юз бераётир.

Саврий, Ибнул-Муборак ва Аҳмаднинг қавли шудир.

148-БОБ

**МАВЗУ: ИҚОМАТ (ВАҚТИНИ ТАЙИНЛАШ)
КЎПРОҚ ИМОМНИНГ ҲАҚҚИДИР**

٢٠٢ - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا إِسْرَائِيلُ
أَخْبَرَنِي سِمَاكُ بْنُ حَرْبٍ سَمِعَ جَابِرَ بْنَ سَمُرَةَ يَقُولُ: «كَانَ مُؤَدِّنُ رَسُولِ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُبْمِلُ فَلَا يَقِيمُ، حَتَّى إِذَا رَأَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ
خَرَجَ أَقَامَ الصَّلَاةَ حِينَ يَرَاهُ.»

202. *Жобир ибн Самура (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдики: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муаззинлари (азондан кейин) тўхтар, токи Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг чиққанларини кўрмагунча иқомат келтирмай турарди, албатта у зотни кўргач, намозга иқомат келтирарди».*

Жобир ибн Самуранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Исроилнинг Симақдан қилган ривоятини ёлғиз шу важҳдан биламиз.

Илм аҳлларида баъзилари бундай дейишади: «Муаззин – азонга, имом эса – иқоматга кўпроқ молиқдир».¹²⁹

¹²⁹Худди шу сўз Абу Хурайрадан ҳадис сифатида ривоят қилинган. «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки, «Муаззин – азонга, имом эса – иқоматга кўпроқ молиқдир». «Булуғ-ул-маром»да бу ҳадиснинг заиф эканлиги қайд этилган. Амир Муҳаммад ибн Исмоил: «Субул-ус-салом»да ушбу ҳадиснинг шарҳида бундай дейди: «Муаззин – азонга кўпроқ молиқдир», яъни азон борасида муаззинга ҳамният қилиниб, азоннинг вақти унга топширилган; «Имом – иқоматга кўпроқ молиқдир», яъни иқомат фақат имомнинг ишорати билан келтирилади».

149-БОБ

МАВЗУ: КЕЧАСИ АЙТИЛГАН АЗОН

٢٠٣ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا اللَّيْثُ عَنْ أَبِي نِيْهَابٍ عَنْ سَالِمٍ عَنْ أَبِيهِ
 أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ بِلَالَ بْنَ رِبْعَةَ لَيُؤَدِّنُ بِلَيْلٍ، فَكَلَّمُوا وَاشْرَبُوا حَتَّى
 تَسْتَمُوا تَأْذِينَ ابْنِ أُمِّ مَكْتُومٍ.»

203. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Билол кечаси азон айтади. Сизлар то Ибн Умми Мактумнинг азонини эшитмагунча, еб-ичверингизлар».*

Бу бобда Ибн Масъуд, Оиша, Унайса, Анас, Абу Зарр ва Самура (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳллари кечаси азон айтмоқ борасида ихтилоф қилганлар. Айримлари: «Кечаси (тонг отишидан олдин) азон айтса, бомдод азони ўрнига ўтади ва иода қилмайди (қайта азон айтмайди)», дейди. Молик, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Айримлари эса: «Кечаси (тонг отишидан олдин) азон айтса, иода қилади (қайта айтади) деганлар. Суфён Ас-Саврийнинг қавли шудир.

Ҳаммод ибн Салама, Аййубдан, Нофиъдан, Ибн Умардан (бундай деб) ривоят қилади: «Билол кечаси азон айтди ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Банда уйкуга толди», деб чакирмоғини амр этдилар!»». Бу ҳадис маҳфуз эмас (танланган эмас). Саҳиҳ бўлмиш ҳадис – Убайдуллоҳ ибн Умарнинг ва яна бошқаларнинг Нофиъдан, Ибн Умардан ривоят қилган ҳадисидирки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам

ушбу ҳадисда бундай деб айтдилар: «Билол кечаси азон айтади. Сизлар то Ибн Умми Мактумнинг азонини эшитмагунча еб-ичаверингизлар».

Абдулазиз ибн Абу Раввод, Нофиъдан бундай ривоят қилган: «Умарнинг бир муаззини кечаси азон айтди ва Умар унга азонни иода қилмоғини (қайта айтмоғини) амр этди».

Бу ҳадис ҳам саҳиҳ эмас. Чунки, Нофиъдан, Умардан ривоят қилинганки, мунқотиъдир. Балки Ҳаммод шу ҳадисни мурод этгайдир.¹³⁰

Саҳиҳ бўлган ҳадис – Убайдуллоҳ ва яна бошқаларнинг Нофиъдан, Ибн Умардан ҳамда Аз-Зухрийнинг Солимдан, Ибн Умардан ривоят қилган, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Билол кечаси азон айтади» деган ҳадисдир. Ҳаммоднинг ҳадиси саҳиҳ бўлса эди, бу ҳадиснинг маъноси қолмасди. Чунончи, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Билол кечаси азон айтади» деган вақтларида уларга келажакда бўладиган нарсани билдиргандирлар ва Билолнинг кечаси азон айтишини таъкидлагандирлар. Расули Акрам, Билолга тонг отишидан олдин айтган азонини иода қилмоқни буюрсалар эди, «Билол кечаси азон айтади» демас эдилар.

Али ибн Маданий айтадики, «Ҳаммод ибн Саламанинг Аййубдан, Нофиъдан, Ибн Умардан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадиси маҳфуз (танланган) эмас, Ҳаммод ибн Салама бу ҳадисда янглишган.

¹³⁰ Яъни, Ҳаммод ибн Салама, (Ҳазрати) Умарга мавкуф бўлган бу асарни сўзлаб бермоқчи бўлганида янглишиб ва ваҳмга берилиб, «Билол кечаси азон айтади» деган бўлиши эҳтимол. Бу бир эҳтимол. Термизий бунинг бир эҳтимол эканини «балки» сўзи билан ифода этиб ўтганлар.

150-БОБ

**МАВЗУ: АЗОНДАН КЕЙИН МАСЖИДДАН
ЧИҚМОҚ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ**

٢٠٤ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ سَفْيَانَ عَنْ إِبْرَاهِيمَ بْنِ
لُحَّاجٍ عَنْ أَبِي الشَّعْبَاءِ قَالَ : « خَرَجَ رَجُلٌ مِنَ الْمَسْجِدِ بِنَدَى مَا لُدُنَ
فِيهِ بِالْتَّمَسْرِ ، فَقَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ : أَمَا هَذَا فَقَدْ عَمِيَ أَبَا الْقَاسِمِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ » .

204. *Абуш-Шаъсодан ривоят қилинди; айтди:* «Аср намозига азон айтилганидан кейин бир киши масжиддан чиқди. Шунда Абу Хурайра (розияллоху анху): «Бу одам Абул-Қосим саллаллоху алайҳи ва салламга осий бўлди»¹³¹, деди.

Бу бобда (Ҳазрати) Усмон (розияллоху анху)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан бўлмиш илм аҳлларининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Азондан кейин ҳеч бир киши узрсиз ҳолда масжиддан чиқмаслиги керак, деган фикрдалар. Фақат таҳоратсиз бўлса ёки зарур бир иши чиқиб қолса, чиқиши мумкин.

Иброҳим Ан-Наҳойидан бундай деб айтгани ривоят қилинади: «Муаззин иқоматни бошлагунича, чиқиши мумкин». Бизнинг наздимизда эса бу ҳукм масжиддан чиқмоққа узри бўлган киши учундир.

Абуш-Шаъсонинг исми – Сулайм ибн Асвад. Бу зот Ашъас ибн Абиш-Шаъсонинг отасидир. Ашъас ибн Абиш-Шаъсо бу ҳадисни отасидан ривоят қилган.

¹³¹Бу ҳадисни «кутуби ситта» имомларидан имом Бухорий ривоят қилмаган. Аммо бошқа имомлар ва Имом Аҳмад ривоят қилган.

151-БОБ

МАВЗУ: САФАРДА АЗОН АЙТМОҚ

٢٠٥ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ سُفْيَانَ عَنْ حَالِدِ بْنِ أَسَدٍ عَنْ أَبِي قَلَابَةَ عَنْ تَالِبِ بْنِ الْحَوْرِيثِ قَالَ : « قَدِمْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَا وَابْنُ عَبَّاسٍ ، فَقَالَ لَنَا : إِذَا سَأَرْنَا فَأَذَّنَا وَأَقْبَا ، وَلِيُؤَسِّكَا أَكْبْرُكَا . »

205. Молик ибн Ал-Хувайрис (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Мен амакимнинг ўли билан бирга Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг хузурларига келдим. Шунда бизга айтдиларки, «Сафарга чикқанингизда азон айтингизлар, иқомат келтирингизлар ва катталарингиз сизларга имом бўлсин».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир: Сафарда азон айтилмоғини ихтиёр қилганлар. Баъзилари эса фақат иқоматнинг ўзи етарли бўлиб, азон фақат жамоатини тўпламоқчи бўлган киши учун зарур эканини айтишади. Биринчи қавл саҳиҳроқ. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

152-БОБ

МАВЗУ: АЗОННИНГ ФАЗИЛАТИ

٢٠٦ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ مُحَمَّدٍ الرَّازِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو ثَمِيْلَةَ حَدَّثَنَا أَبُو عَمْرٍو عَنْ جَابِرِ بْنِ جَاهِدٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ قَالَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « مَنْ أَدَّيْنِ سَبْعَ سِنِينَ مُخْتَلِفًا كَتَبَتْ لَهُ بَرَاءَةٌ مِنَ النَّارِ . »

206.Ибн Аббос (розияллоху анхумо)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: «Кимки етти йил мутгасил (Ҳақ ризоси учун) азон айтса, унга жаҳаннамдан қутулиш ҳақида барот (ёрлик) ёзилади».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд, Савбон, Муовия, Анас, Абу Хурайра ва Абу Саъид (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Аббоснинг ҳадиси ғариб.

Абу Тумайлаънинг исми – **Яҳё ибн Возиҳ**.

Абу Ҳамза Ас-Суккарийнинг исми – **Муҳаммад ибн Маймун**.

Жобир ибн Язид, Ал-Жуъфийнинг заиф эканини қайд этган. Яҳё ибн Саъид ва Абдурраҳмон ибн Маҳдий уни(нг ҳадисини) тарк этганлар.

Ал-Жоруддан эшитдим, Вакиъдан нақл этиб, айтдики, «Жобир Ал-Жуъфий бўлмаса эди, Куфа халқи ҳадиссиз қолар эди ва Ҳаммод бўлмаса эди, фикҳсиз қолар эди».

153-БОБ

МАВЗУ: ИМОМ – ЗОМИН, МУАЗЗИН – МУЪТАМАНДИР.*

٢٠٧ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ حَدَّثَنَا أَبُو الْأَخْوَصِ وَأَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي مُرَيْرَةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الإمام ضامنٌ والمؤذن مؤتمنٌ، اللهم أرسد الأئمة وأغفر للمؤذنين».

207. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Имом – зомин, муаззин – муътамандир. Ё Аллоҳим! Имомларни иршод айлагин ва муаззинларни мағфират қилгин!»

Бу бобда Оиша, Саҳл ибн Саъд ва Уқба ибн Омир (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган. Абу Хурайранинг ҳадисини Суфён Ас-

*Зомин – бировнинг кафиллигини олувчи, кафил бўлувчи, бошқаларни ўз паноҳига олувчи, амин бўлувчи киши. Муътаман – ишонилган, ишончли, амин, иътимод этиладиган киши.

Саврий, Ҳафс ибн Ғиёс ва яна бошқалар Ал-Аъмашдан, Абу Солиҳдан, Абу Ҳурайрадан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиладилар.

Асбат ибн Муҳаммад, Ал-Аъмашнинг: «Менга Абу Солиҳдан, Абу Ҳурайрадан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан баён қилинди», деб айтганини ривоят қилади.

Нофиъ ибн Сулаймон бу ҳадисни Муҳаммад ибн Аби Солиҳдан, унинг отасидан, Оишадан (розияллоҳу анҳум), Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган.

Абу Зуръадан бундай деганини эшитдим: «Абу Солиҳнинг Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадиси – Оиша (онамиз)дан ривоят қилган ҳадисидан кўра саҳиҳдир».

Муҳаммад (Бухорий)дан эшитдим, «Абу Солиҳнинг Оиша (онамиз)дан қилган ривояти янада саҳиҳроқ», дейди. Муҳаммад (Бухорий), Абу Солиҳнинг ушбу бобда Абу Ҳурайрадан ҳам ва Оиша (онамиз)дан ҳам ривоят қилган ҳадисини Али ибн Ал-Маданий қайд этмаганини айтади.

154-БОБ

МАВЗУ: АЗОН АЙТИЛАЁТГАНДА ҚИЛИНАДИГАН МУҚОБАЛА

۳۰۸ — حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى الْأَنْصَارِيُّ حَدَّثَنَا مَتْنٌ حَدَّثَنَا مَالِكٌ قَالَ: حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ عَنْ مَالِكٍ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَزِيدَ اللَّيْثِيِّ عَنْ أَبِي سَيْدٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا تَمَّعْتُمُ النَّدَاءَ فَقُولُوا مِثْلَ مَا يَقُولُ الْمُؤَدِّنُ».

208. Абу Саъид (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Азон садоесини эшитганингизда муаззин айтаётган сўзларни айтиб турунгизлар».

Бу бобда Абу Рофиъ, Абу Ҳурайра, Умми

Ҳабиба, Абдуллоҳ ибн Амр, Абдуллоҳ ибн Робиъа, Оиша (онамиз), Муъоз ибн Анас ва Муовия (розияллоху анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Саъиднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Маъмар ва яна бошқалар шу тарзда Аз-Зухрийдан, Моликнинг ривоятидек ривоят қилишган. Абдурраҳмон ибн Исҳоқ бу ҳадисни Аз-Зухрийдан, Саъид ибн Ал-Мусаййабдан, Абу Ҳурайрадан, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади. Моликнинг ривояти янада саҳиҳ.

155-БОБ

МАВЗУ: МУАЗЗИННИНГ АЗОН УЧУН ҲАҚ ОЛМОҒИ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ

۳۰۹ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ حَدَّثَنَا أَبُو زَيْدٍ وَهُوَ عَبِيدُ بْنُ الْقَاسِمِ عَنْ
أَشْعَثَ بْنِ إِسْحَاقَ بْنِ أَبِي الْمَاصِي قَالَ : هُوَ مِنْ آخِرِ مَا عَوَدَ
إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ آخِذَ مُؤَدَّتَنَا لَا يَأْخُذُ عَلَيَّ إِذَانِهِ
أَجْرًا»

209.Усмон ибн Абил-Ос (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг менга айтган охириги аҳдлари (шартлари) шу бўлди: «Бир муаззин тутгилки, у азон учун ҳақ олмасин».

Усмоннинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Муаззин азон учун ҳақ олмоғини макруҳ деб ҳисоблашган ва азон муқобилсиз, Аллоҳ ризоси учун айтилмоғини мустаҳаб деб қараганлар.¹³²

¹³²Ҳадис муаззин айтган азони муқобилида ҳақ олмоғи макруҳ эканига далолат қилади. Ибн Хуббон, Яҳё Ал-Баққолийдан таҳриж қилган; айтадики, «Бир одам Ибн Умарга: «Мен сени Аллоҳ учун яхши кўраман», деб айтганини эшитдим. Ибн Умар: «Мен эса Аллоҳ учун сени ёмон кўраман» деб жавоб берди. У одам: «Субҳаналлоҳ! Мен сени Аллоҳ учун яхши кўрсам-у, сен мени Аллоҳ учун ёмон кўрасанми?!» – деди. Ибн Умар: «Ҳа, – деди, – чунки сен азон учун ҳақ олсан»... Бу орада азонга муқобил ҳақ

156-БОБ

**МАВЗУ: МУАЗЗИН АЗОН АЙТГАНДА
(ЭШИТГАН) КИШИ ҲҚИЙДИГАН
ДУО**

۲۱۰ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا اللَّيْثُ عَنْ الْحَكِيمِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ
ابْنِ قَيْسٍ عَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدٍ عَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « مَنْ قَالَ حِينَ يَسْتَعِزُّ بِاللَّهِ : وَأَنَا أَشْتَدُّ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ
وَحَدَّهُ لِأَشْرِيكَ لَهُ ، وَأَنْ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ ، رَضِيَتْ بِأَللَّهِ رَبًّا وَبِمُحَمَّدٍ
رَسُولًا وَبِالْإِسْلَامِ دِينًا ، غُفِرَ لَهُ ذَنْبُهُ . »

210. Саъд ибн Аби Ваққос (розияллоху ануху)дан ривоят қилинди: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимки муаззинни (нг шаҳодат келтирганини) эшитганда:

« وَأَنَا أَشْتَدُّ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحَدَّهُ لِأَشْرِيكَ لَهُ ، وَأَنْ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ

« (Ва ана ашҳаду анла илаҳа иллаллоху ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ ва анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ. Розийту биллаҳи Роббан ва би Муҳаммадин Расулан ва бил Ислами дийнан)¹³³ - деб айтса, унинг гуноҳлари кечирилади».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Буни фақат Лайс ибн Саъднинг Ҳукайм ибн Абдуллоҳ ибн Қайсдан қилган ривоятдан биламиз.

олганлик учун жазо берганлар ҳам бор. Аш-Шавқоний, «Ҳақ олмоқ фақат шарт қўйилса – ҳаром, сўрамаган ҳолда берилса, ҳаром эмас», деб икки томонни келиштирадиган бир фикрни илгари сурган.

¹³³ «Мен ҳам шохидлик бераманким, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, У яқка-ю-яғонадир, шериги йўқдир ва Муҳаммад Унинг бандаси ва Расулидир. Аллоҳни Роббим деб, Муҳаммадни Расул деб ва Исломни дин деб рози бўлдим (қабул қилдим)».

157-БОБ

МАВЗУ: ЎТГАН МАСАЛА (ЯЪНИ АЗОН
ДУОСИ)

۲۱۱ — حدثنا محمد بن سهل بن عسكر البغدادي وإبراهيم
ابن يعقوب قالا : حدثنا علي بن عياش الحمصي حدثنا شعيب بن
أبي نخزة حدثنا محمد بن النسكر عن جابر بن عبد الله قال : قال
رسول الله صلى الله عليه وسلم : من قال حين يسمع النداء : اللهم رب
هذه الدعوة التامة والصلاة القائمة آت محمد الوسيلة والفضيلة وأبنته
مقاما محمودا الذي وعدته - إلا حلت له الشاعة يوم القيامة .

211. *Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кимки азонни эшитганда:*

اللَّهُمَّ رَبِّ هَذِهِ الدَّعْوَةِ التَّامَّةِ وَالصَّلَاةِ الْقَائِمَةِ آتِ مُحَمَّدًا الْوَسِيلَةَ
وَالْفَضِيلَةَ وَأَبْنَتَهُ مَقَامًا مَحْمُودًا الَّذِي وَعَدْتَهُ
(«Аллоҳумма Робба ҳа-
зиҳид-даъватит-таммати вас-солатил қоимаҳ ати
Муҳаммадан васийлата вал-фазийлаҳ, ва-бъасху
мақомам Маҳмуда-ниллазий ваъадтаҳ») ¹³⁴ деса, Қиёмат
кунида унга шафоат ҳал бўлур!»

Жобирнинг ҳадиси, Муҳаммад ибн Ал-Мунқадир ривояти сифатида саҳиҳ-ҳасан-ғариб. Бу ҳадисни Шуайб ибн Аби Ҳамзadan бошқа, Муҳаммад ибн Ал-Мунқадирдан ривоят қилган кишини билмаймиз. Абу Ҳамзанинг исми – Динор.

¹³⁴ «Эй ушбу мукамал даъват ва абадий намоз соҳиби бўлган Аллоҳим! Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)га васийла ва фазилат ато эт ва у зотни Ўзинг ваъда қилган мақоми Маҳмудга етказ!»

158-БОБ

**МАВЗУ: АЗОН БИЛАН ИҚОМАТ ОРАСИДА
ҚИЛИНГАН ДУО
ҚАЙТАРИЛМАГАЙ**

۲۱۲ - حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ غَيْلَانَ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ وَعَبْدُ الرَّزَّاقِ وَأَبُو أَحْمَدَ
وَأَبُو تَيْمٍ قَالُوا . حَدَّثَنَا سَعْيَانُ عَنْ زَيْدِ الْقَيْسِيِّ عَنْ أَبِي إِبْرَاهِيمَ مُعَاوِيَةَ
ابن قُرَّةَ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ :
« الدُّعَاءُ لِأَرْزُوقِ بْنِ الْأَذْنَرِ وَالْإِقَامَةِ » .

212. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Азон билан иқомат орасидаги дуо рад этилмагай».

Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Абу Исҳоқ Ал-Ҳамдоний бу ҳадисни Бурайд ибн Аби Марямдан, Анасдан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан айнан ривоят қилган.

159-БОБ

**МАВЗУ: АЛЛОҲ БАНДАЛАРИГА НЕЧА ВАҚТ
НАМОЗ ФАРЗ ҚИЛГАН?**

۲۱۳ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَحْيَى النِّسَابِيُّ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ
أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنْ الزُّهْرِيِّ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ : « فَرَضَتْ عَلَى النَّبِيِّ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْلَةَ أُسْرِي بِدِ الصَّلَاةِ خَمْسِينَ ، ثُمَّ نُفِصَتْ حَتَّى
جُعِلَتْ خَمْسًا ، ثُمَّ نَوْدِيَ : يَا مُحَمَّدُ : إِنَّهُ لَا يُبَدَلُ الْقَوْلُ لَدَيَّ ، وَإِنَّ لَكَ بِهَذَا
الْخَمْسِ خَمْسِينَ » .

213. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга «Исро» кечасида элик вақт намоз фарз қилинди. Кейин беш вақтга туширилди. Кейин бундай деб идио қилинди: «Ё Муҳаммад! Энди сўз қатғийдур, ўзгартирилмас! Сен учун шу беш вақт намозда элик вақт намоз савоби бордур!».

Бу бобда Убода ибн Ас-Сомит, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Абу Зарр, Абу Қатода, Молик ибн Саъсаа ва Абу Саъид Ал-Худрий (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

160-БОБ

МАВЗУ: БЕШ ВАҚТ НАМОЗНИНГ ФАЗИЛАТИ

٢١٤ - حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ أَخْبَرَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ جَعْفَرٍ عَنِ النَّوَّافِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْمَوْتَاتُ الْخَمْسُ وَالْجَنَّةُ إِلَى الْجُمُعَةِ كَفَّارَاتٌ لِمَا بَيْنَهُنَّ، مَا لَمْ تُغْفَرَ الْكَبَائِرُ» .

214. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Беш вақт намоз ҳамда жумъагача бўлган жумъа намози, гуноҳи кабиралар қилинмаса, ораларидаги гуноҳларга каффоратдир».

Бу бобда Жобир, Анас ва Ханзала Ал-Усайдий (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

161-БОБ

**МАВЗУ: ЖАМОАТ БИЛАН ҶҚИЛАДИГАН
НАМОЗНИНГ ФАЗИЛАТИ**

٢١٥ — حَدَّثَنَا هُنَادٌ حَدَّثَنَا عَبْدَةُ عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ عَنْ نَافِعٍ
عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « صَلَاةُ الْجَمَاعَةِ تَفْضَلُ
عَلَى صَلَاةِ الرَّجُلِ وَحْدَهُ بِسَبْعٍ وَعِشْرِينَ دَرَجَةً » .

215.Ибн Умар (розияллоху анхумо)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллалoху алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Жамоат намози киши ёлғиз ўқиган намоздан йигирма етти даража ортиқдир».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб, Муъоз ибн Жабал, Абу Саъид, Абу Хурайра ва Анас ибн Молик (розияллоху анхум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайгамбар саллалoху алайҳи ва салламнинг: «Жамоат билан ўқиган намоз киши ёлғиз ўқиган намоздан йигирма етти даража ортиқдир», деган сўзларини Нофиъ, Ибн Умардан, Расули Акрамдан шу тарзда ривоят қилган. Бу бобда Пайгамбар саллалoху алайҳи ва салламдан ҳадис ривоят қилганларнинг ҳаммаси «йигирма беш (даража)» дегани ҳолда, ёлғиз Ибн Умар «йигирма етти (даража)» деб айтган.

٢١٦ — حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مُوسَى الْأَنْصَارِيُّ حَدَّثَنَا مَنْحَدَّثَنَا مَالِكٌ
عَنِ ابْنِ شَيْبَانَ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيْبِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « إِنَّ صَلَاةَ الرَّجُلِ فِي الْجَمَاعَةِ تَزِيدُ عَلَى صَلَاتِهِ وَحْدَهُ بِمِائَتَةٍ وَعِشْرِينَ جُزْأً » .

216.Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кишининг жамоат билан ўқиган намози ёлғиз ўқиган намозидан йигирма беш ҳисса ортиқдир».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

162-БОБ

МАВЗУ: АЗОННИ ЭШИТИБ, УНГА ИЖОБАТ ҚИЛМАГАН КИШИ

٢١٧ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ حَدَّثَنَا وَكِيعٌ عَنْ جَعْفَرِ بْنِ بُرْقَانَ عَنْ يَزِيدَ بْنِ الْأَسَمِّ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ «لَقَدْ تَمَمْتُ أَنْ أَمَرَ فَنَيْتِي أَنْ يَجْمَعُوا حُرْمَةَ الْخَطِّبِ ، ثُمَّ أَمَرَ بِالصَّلَاةِ فَتَقَامَ ، ثُمَّ أَحْرَقَ عَلَى أَقْوَامٍ لَا يَشْهَدُونَ الصَّلَاةَ .»

217.Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Дарҳақиқат, одамларимга: «Ўтин йиғингизлар!» деб буюрсаму ўтин йиғсалар, кейин намозга буюрсаму бирови имомлик қилса, кейин намозга келмаганлар(нинг уйлари)га бориб, устларидан ўт ёқиб юборсам!...»

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абуд-Дардо, Ибн Аббос, Муъоз ибн Анас ва Жобир (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан биттадан кўп киши: «Азонни эшитиб туриб, ижобат қилмаган кишининг намози йўқ!» деб айтганлари ривоят қилинган. Айрим илм аҳллари бу ҳукм тағлиз ва ташдид (қаттиқлик ва талабчанлик) моҳиятида эканига тўхталишган. Шунга қарамай, узрсиз ҳолда ҳеч ким учун жамоатни тарк этмоққа руҳсат йўқ.

٢١٨ - قَالَ مُجَاهِدٌ : « وَسَيَلُ ابْنُ عَبَّاسٍ عَنْ رَجُلٍ يَصُومُ النَّهَارَ وَيَقُومُ اللَّيْلَ ، لَا يَشْهَدُ جُمُعَةَ وَلَا بَجَاعَةَ ؟ قَالَ : هُوَ فِي النَّارِ » قَالَ : حَدَّثَنَا بِذَلِكَ هَذَا حَدَّثَنَا الْمُخَارِيزِيُّ عَنْ لَيْثٍ عَنْ مُجَاهِدٍ :

218. *Мужоҳид айтади:* Ибн Аббосдан, кундузи рўза тутиб, кечалари уйғоқ намоз ўқийдиган, аммо жумъа намозига ҳам, жамоатга ҳам келмайдиган киши хақида сўралди. «У Жаҳаннамдадир!» деб жавоб берди. Ҳаннод шундай ҳадисни бизга Ал-Мухорибийдан, Лайдан, Мужоҳиддан баён қилди.

Ҳадисда хоҳламасдан, ҳаққини камситиб ва йўқ хисоблаб, жамоатга ва жумъага қатнамаслик назарда тутилмоқда.

163-БОБ

МАВЗУ: ЯККА ХОЛДА НАМОЗИНИ ЎҚИГАНДАН КЕЙИН ЖАМОАТГА КЕЛГАН КИШИ

٢١٩ - حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ حَنْبَلٍ حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ أَخْبَرَنَا يَحْيَى بْنُ عَمْرٍو حَدَّثَنَا جَابِرُ بْنُ يَزِيدَ بْنِ الْأَسْوَدِ الْقَامِرِيُّ عَنْ أَبِيهِ قَالَ : « شَهِدْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَجَّتَهُ ، فَصَلَّيْتُ مَعَهُ صَلَاةَ الشُّبْحِ فِي مَسْجِدِ الْكَلْبِ ، قَالَ : فَلَمَّا قَضَى صَلَاتَهُ وَانْحَرَفَ إِذَا هُوَ بِرَجُلَيْنِ فِي أُخْرَى الْقَوْمِ لَمْ يَصَلِّيَا مَعَهُ ، فَقَالَ : هَلَىٰ بِهِمَا ، فَعِىءَ بِهِمَا تَرْعُدُ فَرَأَيْتُمَا ، فَقَالَ : مَا مَنَعَكُمَا أَنْ تَصَلِّيَا مَعَنَا ؟ فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنَّا كُنَّا قَدْ صَلَّيْنَا فِي رِمَالِنَا ، قَالَ : فَلَا تَفْعَلَا . إِذَا صَلَّيْنَا فِي رِمَالِكُمَا ثُمَّ أَتَيْتُمَا مَسْجِدَ بَجَاعَةَ فَصَلِّيَا مَعَهُمْ ، فَإِنَّهَا لَكُمَا نَافِلَةٌ » .

219. *Язид ибн Ал-Асвад (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳажларида у киши билан бирга ҳозир бўлдим ва Ал-Хойф масжидида у зот билан бирга бомдод намозини ўқидим. Намозни адо этиб бўлгач, қайрилиб, қавмнинг охирида турган ва ўзлари билан бирга намоз ўқимаган икки кишини кўрдилар-да: «Уларни менга келтирингизлар», дедилар. Уларни келтиришди. (Кўрқувдан) уларнинг баданлари дир-дир титрар эди. (Расули Акрам): «Биз билан намоз ўқимокдан сизларни нима тўсди?» дедилар. Улар: «Ё Аллоҳнинг Расули! Биз чодирларимизда намозимизни ўқиб олган эдик», дейишди. «Бундай қилмангизлар, – дедилар (Расули Акрам). – Агар намозингизни чодирларингизда ўқиб, кейин бир жамоатнинг масжидига келсангизлар, улар билан ҳам бирга намоз ўқингизлар, бу сизлар учун нафл намози бўлади».*

Бу бобда Мухжан Ад-Дийлий ва Язид ибн Омидан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Язид ибн Ал-Асваднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларида биттадан ортиқ кишининг қавли шудир. Суфён Ас-Саврий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган. Айтадиларки, «Якка ҳолда намозни ўқиганидан кейин жамоатга етган киши ўқиган намозини жамоат билан иода қилади (қайта ўқийди)». Шом намозини ёлғиз ўзи ўқиган ва кейин жамоатга етган киши ҳақида бундай дейдилар: «Шом намозини улар билан бирга ўқийди ва (охирида ўзи) бир ракъат кўшиб, жуфт қилади». Бу илм аҳлларининг фикрича фарз бўлган намоз якка ўзи ўқиган (биринчи) намоздир. (Кейингиси нафл).

164-БОБ

**МАВЗУ: БИР МАРТА НАМОЗ ҲАМ
МАСЖИДА ИККИНЧИ ЖАМОАТ
НАМОЗИ**

۲۲۰ - حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي عَرُوبَةَ عَنْ سَلِيمَانَ
التَّائِبِيِّ البَصْرِيِّ عَنْ أَبِي الْمُتَوَكِّلِ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ قَالَ : جَاءَ رَجُلٌ وَقَدْ صَلَّى
رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : أَبْشِرْكُمْ بِتَجَرُّ عَلَى هَذَا ؟ فَقَامَ رَجُلٌ
فَقَالَ : نَعَمْ .

220.Абу Саъид (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам намоз ўқиб бўлганларидан кейин бир киши келиб қолди. Шунда айтдиларки, «Қайси бирингиз бу кишидан ажр олмоқчисиз? (яъни у киши билан бирга жамоат бўлиб, савобга эришмоқчисиз?)» Шунда бир одам ўрнидан туриб¹³⁵, у киши билан бирга намоз ўқиди».

Бу бобда Абу Умома, Абу Мусо ва Ал-Ҳакам ибн Умайр (розияллоху анхум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган. Абу Саъиднинг ҳадиси ҳасан. Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан мутааддид илм аҳлларининг қавли шудир. Айтадиларки, биринчи марта жамоат билан намоз ўқилган масжидда иккинчи марта жамоат билан намоз ўқимокликда зарар йўқ.

Аҳмад ва Исҳоқнинг ҳам қавли шудир. Бошқа илм аҳллари «Ҳар ким намозини якка ҳолда ўқиса», дейдилар. Суфён, Ибнул-Муборак, Молик, Шофиъий шу қавлини маъқул кўрганлар.

Сулаймон Ан-Ножий басраликдир ва у «Сулаймон ибн Ал-Асвад» деб юритилади. Абул-Мутаваккилнинг номи – Али ибн Довуд.

¹³⁵Аз-Зайлоъий «Насб-ур-ройа» китобида бу киши (Ҳазрати) Абу Бакр Сиддик (розияллоху анху) эканликларини айтади. Чунончи, Байҳақийнинг ривоятларида ҳам Абу Бакр эканликлари таъкидланган.

165-БОБ

**МАВЗУ: ХУФТОН ВА БОМДОД
НАМОЗЛАРИНИ ЖАМОАТ БИЛАН
ЎҚИМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ**

۲۲۱ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ الشَّرِيِّ حَدَّثَنَا
سُفْيَانُ عَنْ عُثْمَانَ بْنِ حَكِيمٍ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي عَمْرَةَ عَنْ هُثَيْبِ بْنِ
عَفَّانَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « مَنْ شَهِدَ الْمِشَاءَ فِي جَمَاعَةٍ
كَانَ لَهُ قِيَامٌ نِصْفَ لَيْلَةٍ ، وَمَنْ صَلَّى الْمِشَاءَ وَالْفَجْرَ فِي جَمَاعَةٍ كَانَ لَهُ
كَقِيَامِ لَيْلَةٍ . »

221.(Ҳазрати) Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди; айтдилар: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки хуфтон намози жамоатида ҳозир бўлса, унга кечанинг ярмини бедор ўтказганлик савоби берилади. Кимки хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан бирга ўқиса, унга бутун кечани бедор ўтказганлик савоби берилади».

Бу бобда Ибн Умар, Абу Ҳурайра, Анас, Умаро ибн Рувайда, Жундуб ибн Абдуллоҳ ибн Суфён Ал-Бажалий, Убай ибн Каъб, Абу Мусо ва Бурайда (розияллоҳу анхум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

(Ҳазрати) Усмоннинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Бу ҳадис Абдурраҳмон ибн Аби Амра тариқи билан (Ҳазрати) Усмондан мавкуф тарзида ҳам ривоят қилинган. Айни вақтда (Ҳазрати) Усмондан марфуъ тарзида мутааддид ваҳҳлардан ривоят қилинган, деб топилмоқда.

۲۲۲ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هُرُونَ أَخْبَرَنَا دَاوُدُ
ابْنُ أَبِي هِنْدٍ عَنِ الْحَسَنِ بْنِ جُنْدَبٍ بْنِ سُفْيَانَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
قَالَ : « مَنْ صَلَّى الْمِشَاءَ فَهُوَ فِي ذِمَّةِ اللَّهِ ، فَلَا تُخْفَرُ وَاللَّهُ فِي ذِمَّتِهِ . »

222. *Жундуб ибн Суфён (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимки бомдод намозинин ўқиса, у Аллоҳнинг зиммасида (аҳду омонатида)дир. Бас, Аллоҳнинг зиммасини (олгач) бузмангизлар!...».*

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

۲۲۳ — حَدَّثَنَا عَيْسَىٰ التَّمِيمِيُّ حَدَّثَنَا يَحْيَىٰ بْنُ كَثِيرٍ أَبُو عَتَانَ التَّمِيمِيُّ عَنْ إِسْمَاعِيلَ الكَعْبَلِيِّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَوْسٍ الخَزَائِمِيِّ عَنْ بَرِيذَةَ الْأَسَدِيِّ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « بَشِّرِ التَّائِبِينَ فِي الظُّلْمِ إِلَى المَسَاجِدِ بِالنُّورِ التَّامِّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ » .

223. *Бурайда Ал-Асламий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қоронғуда масжидлар сари юрганларга Қиёмат кунидаги тугал нур башорати (хушхабар)ни бер!»*

Бу ҳадис ушбу ваҳдан марфуъ тарзида ғариб. Аммо, Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламгача юк-салтирилмай у кишининг саҳобаларига муснад ва мавкуф бўлган тарзда саҳиҳдир.

166-БОБ

МАВЗУ: БИРИНЧИ САФНИНГ ФАЗИЛАТИ

۲۲۴ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزِيزِ بْنُ مُحَمَّدٍ عَنْ سَهْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « خَيْرُ صُفُوفِ الرِّجَالِ أَوْلَمَا ، وَشَرُّهَا آخِرُهَا ، وَخَيْرُ صُفُوفِ النِّسَاءِ آخِرُهَا ، وَشَرُّهَا أَوْلَمَا » .

224. *Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва сал-*

лам бундай дедилар: «Эркаклар сафининг энг яхшиси – биринчиси ва энг ёмони охиргисидир. Аёллар сафининг энг яхшиси – охиргиси ва энг ёмони биринчиси-дир»

Бу бобда Жобир, Ибн Аббос, Ибн Умар, Абу Саъид, Убай, Оиша (онамиз), Ал-Ирбоз ибн Сория ва Анас (розияллоху анхум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг «биринчи саф учун уч марта ва иккинчи саф учун бир марта истиғфор айтганлари» ривоят қилинган.

۲۲۵ — وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « تَوَّأَنَّ النَّاسَ يَتَلَوْنَ مَا فِي النَّدَاءِ وَالصَّفِّ الْأَوَّلِ ثُمَّ لَمْ يَجِدُوا إِلَّا أَنْ يَسْتَهْمُوا عَلَيْهِ لَأَسْتَهْمُوا عَلَيْهِ » .

225.Набий саллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Инсонлар азон айтмоқликда ва биринчи сафда туриб намоз ўқимоқликда қанчалик фазилат борлигини билсалар эди, қуръадан бошқа чора топа олмасалар, ҳеч йўқса, қуръа ташлаб бўлса ҳам, бунга эришган бўлар эдилар»¹³⁶

Исҳоқ ибн Мусо Ал-Ансорий бу ҳадисни бизга Маъндан, Моликдан, Сумайдан, Абу Солиҳдан, Абу Хурайрадан (розияллоху анхум), Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан шу тарзда баён қилдилар.

۲۲۶ — وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ عَنْ مَالِكٍ نَعْوَهُ .

226.Қутайба айнан шу ҳадисни бизга Моликдан баён этди.

¹³⁶Яъни, азонни ким айтади деб ва биринчи сафда ким туради деб қуръа ташлаб аниқлаган бўлардилар.

167-БОБ

МАВЗУ: САФЛАРНИ ТЎҒРИЛАМОҚ

۲۲۷ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ عَنِ
الثَّمَالِيِّ بْنِ بَشِيرٍ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُسَوِّي صُفُوفَنَا ،
فَخَرَجَ يَوْمًا فَرَأَى رَجُلًا تَخَارِبًا مَدْرُهُ عَنِ الْقَوْمِ ، فَقَالَ : لَنْتَوْنَ
صُفُوفَكُمْ أَوْ كَيْخَالَيْنَ اللَّهُ بَيْنَ وُجُوهِكُمْ .

227. Ан-Нуъмон ибн Башир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафларимизни тўғрилар эдилар. Бир куни, кўкси қавмдан ташқарига чиқиб турган бир кишини кўрдилар ва бундай дедилар: «Ё сафларингизни тўғрилангизлар ёки бўлмаса, Аллоҳ юзларингизни (қалбларингизни) бир-бирига муҳолиф қилиб қўяди!»¹³⁷.

Бу бобда Жобир ибн Самура, Ал-Барро, Жобир ибн Абдуллоҳ, Анас, Абу Хурайра ва Оиша (онамиз) (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Ан-Нуъмон ибн Баширнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Шунингдек, Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деб йитганлари ҳам ривоят қилинди: «Сафни тўғриламоқ намознинг мукамаллигидандир (яъни, намознинг мукамал бўлиши шартларидандир)».

Умар (розияллоҳу анҳу)дан бундай деб ривоят қилинади: У киши (Ҳазрати Умар) баъзи кишиларни сафларни тўғрилашга маъмур қилиб қўяр эдилар ва сафлар тузатилгани ҳақида хабар олмагунларича намозни бошламас эдилар».

(Ҳазрати) Али ва (Ҳазрати) Усмон (розияллоҳу

¹³⁷Яъни, ичларингизга душманлик ва ғараз оралайди.

анхумо)дан ҳам бундай деб ривоят қилинган: «(Улар) сафларни тўғриламоқни шахсан ўз зиммаларига олган эдилар ва: «Сафларни тўғрилангизлар!» дер эдилар.

(Ҳазрати) Али (розияллоҳу анҳу): «Эй фалончи, олдинга ўт! Эй фалончи, орқароқ тур!» дер эдилар.

168-БОБ

**МАВЗУ: «ЕТУК ВА АҲЛИ ДОНИШ
КИШИЛАР ОРҚАМДА (БИРИНЧИ
САФДА) ТУРСИНЛАР...»**

۲۲۸ — حَدَّثَنَا نَضْرُ بْنُ عَلِيٍّ الْجَنْدِيُّ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ حَدَّثَنَا خَالِدُ بْنُ الْحَذَّاءِ عَنْ أَبِي مَعْمَرٍ عَنْ إِبْرَاهِيمَ عَنْ عَلْقَمَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لِيَلَيْقَ مِنْكُمْ أَوْلُو الْأَحْلَامِ وَالنَّهْيُ، ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ، ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ، وَلَا تَخْتَلِفُوا فَبَخْتَلَفَتْ قُلُوبُكُمْ، وَإِيَابًا كُمْ وَهَيْبَاتِ الْأَسْوَاقِ .

228.Абдуллоҳ (ибн Масъуд розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан етук ақл ва аҳли дониш кишилар орқамда (биринчи сафда) турсинлар; сўнг уларнинг ортидан келганлар, сўнг уларнинг ортидан келганлар (турсинлар). Ихтилоф қилмангизлар, йўкса қалбларингиз (бир-бирига нисбатан) ўзгаради. Кўчакўй биродарлигидан ғоят сақланингизлар!».

Бу бобда Убай ибн Каъб, Абу Масъуд, Абу Саъид, Ал-Барро ва Анас (розияллоҳу анхум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Масъуднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Шунингдек, Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деб ривоят қилинади: «Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам, муҳожирлар ва ансорийлар у зотдан (намозда қироат қилганларини) ёдлаб олмоқ учун дарҳол орқаларидан жой олмоқларидан мамнун бўлар эдилар».

Холид Ал-Хаззо - Холид ибн Михрон бўлиб, Абул-Мунозил куняси билан тилга олинади.

Муҳаммад ибн Исмоил (Бухорийдан) бундай деганини эшитдим: «Айтишларича, Холид Ал-Хаззо (Хаззо – этикдўз дегани) ҳеч қачон этикдўзлик қилмаган. Шунчаки, бир этикдўзнинг ёнида ўтирар эди, ушбу сабадан шу касбга мансуб қилинди».

Абу Маъшарнинг номи – Зиёд ибн Кулайб.

169-БОБ

МАВЗУ: ИККИ УСТУН ОРАСИДА САФ ТОРТМОҚ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ

۲۲۹ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ سَفْيَانَ عَنْ يَعْقُبَ بْنِ هَالِيَةَ بْنِ عُرْوَةَ الزَّرَدِيِّ عَنْ عَبْدِ الْمُحَيْدِ بْنِ عَمْرٍو قَالَ: «صَلَّيْنَا خَلْفَ أَبِيهِ مِنَ الْأَمْرَاءِ فَاضْطَرَّ النَّاسُ فَصَلَّيْنَا بَيْنَ السَّارِيَتَيْنِ، فَلَمَّا صَلَّيْنَا قَالَ أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ: كُنَّا نَنْفِي هَذَا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ»

229. *Абдулҳамид ибн Маҳмуддан ривоят қилинди; айтди:* «Амирлардан бировининг орқасида намоз ўқидик. Инсонлар (кўплиги) бизларни икки устун орасида намоз ўқишга мажбур қилди. Намозимизни ўқиб бўл. ач, Анас ибн Молик бундай деди: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида бундан сақланар эдик».¹³⁸

Бу бобда Курра ибн Иёз Ал-Музанийдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Анас ибн Моликнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

¹³⁸ Абу Бакр ибн Ал-Арабий, икки устун орасида намоз ўқимокнинг макруҳлиги ё сафнинг узилиши туфайли ёки бу ерлар пойабзалда юриладиган жой эканлиги туфайли, деб айтади. Ибн Саййидиннос биринчи сабабнинг мақбул, аммо иккинчи сабаб муҳдас (кейин пайдо бўлган гап) эканлигини айтади. Яъни, устунлар орасида пойафзал жойи қилдиниши. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин бўлган.² Ал-Қуртубий, «Жин тоифасидан бўлмиш мўъминларнинг намозгоҳи бўлгани бонс, бу жойларда намоз ўқиш макруҳ эканлиги ривоят қилинган», дейди.

Баъзи илм аҳллари, устунлар орасида саф тортмоқни қариқ деб қараганлар. Аҳмад ва Исоқнинг қавли шудир. Айрим илм аҳллари эса бунга рухсат бердилар.

170-БОБ

**МАВЗУ: САФНИНГ ОРҚАСИДА ЯККА
ҲОЛДА НАМОЗ ЎҚИМОҚ**

۲۳۰ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا أَبُو الْأَخْوَصِ عَنْ حُصَيْنٍ عَنْ هِلَالِ بْنِ يَسَافٍ قَالَ : أَخَذَ زَيْدُ بْنُ أَبِي الْجَمْدِ يَدِي وَتَحَنُّنٌ بِالرَّوْفَةِ فَقَامَ بِي عَلَى شَيْخٍ يُقَالُ لَهُ وَابِصَةُ بْنُ مَتَبَدٍ مِنْ بَنِي أَسَدٍ فَقَالَ زَيْدٌ : حَدَّثَنِي هَذَا الشَّيْخُ ۞ أَنَّ رَجُلًا صَلَّى خَلْفَ الصَّفِّ وَحَدَّهُ - وَالشَّيْخُ يَسْمَعُ - فَأَمَرَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُعِيدَ الصَّلَاةَ ۞ .

230. Хилол ибн Йисофдан ривоят қилинди; айтди: «Биз Ар-Раққо (деган шаҳар)да эканимизда, Зиёд ибн Аби Жаъд кўлимдан тутди-да, мени Бани Асад (қавми)дан бўлмиш Вобиса ибн Маъбад деган бир шайхнинг хузурига олиб борди. Зиёд айтадики, «Мана шу шайх менга ушбу ҳадисни айтиб берди: «Бир киши сафнинг орқасида якка ўзи намоз ўқиди, – шайх эшитиб турар эди – шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга намозини иода этмоқни (қайта ўқимоқни) буюрдилар».

Бу бобда Али ибн Шайбон ва Ибн Аббос (розияллоху анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Вобисанинг ҳадиси - ҳасан.

Баъзи илм аҳллари сафнинг орқасида якка ҳолда намоз ўқимоқни макруҳ деб ҳисоблаганлар ва: «Сафнинг орқасида якка ҳолда намоз ўқиса, иода қилади (қайта ўқийди) деганлар». Аҳмад ва Исоқнинг қавли шу. Айрим илм аҳллари эса бундай дейдилар:

«Сафнинг орқасида якка ҳолда намоз ўқиса, иода қилиш (қайта ўқиш) лозим бўлмайди. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак ва Шофийнинг қавли шу.

Куфа аҳлидан бир жамоат эса Вобисанинг ҳадисига эга бўлиб, «Сафнинг орқасида якка ҳолда намоз ўқиса, иода қилади (қайта ўқийди)» деганлар. Хаммод ибн Аби Сулаймон, Ибн Аби Лайло ва Вакиъ шулар орасида борлар.

Хусайннинг Ҳилол ибн Йисофдан ривоят этган ҳадисини биттадан кўп киши, Абул-Аҳвоснинг Зиёд ибн Абул-Жаъддан, Вобиса ибн Маъбаддан қилган ривояти-дек ривоят қилган.

Хусайннинг ҳадисида Ҳилолнинг Вобиса билан кўришганлигига далолат қилган ишорат бор. Муҳаддислар бу ҳадис борасида ихтилоф қилганлар.

Айримлари бундай дейишади: «Амр ибн Мурранинг Ҳилол ибн Йисофдан, Амр ибн Рошиддан, Вабиса ибн Маъбаддан қилган ривояти саҳиҳроқ».

Айримлари эса айтадики, «Хусайннинг Ҳилол ибн Йисофдан, Зиёд ибн Абил-Жаъддан, Вабиса ибн Маъддан қилган ривояти саҳиҳроқ».

Менимча, бу ҳадис Амр ибн Мурранинг ҳадисидан кўра саҳиҳдир. Чунки, Ҳилол ибн Йисофнинг Зиёд ибн Абил-Жаъддан, Вобисадан қилган ривоятидан бошқа важҳдан ҳам ривоят қилинган.

۲۳۱ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ
 قُتَيْبِ بْنِ مَرْثَدَةَ عَنْ هِلَالِ بْنِ إِسَافٍ عَنْ قُتَيْبِ بْنِ مَرْثَدَةَ عَنْ رَاشِدِ بْنِ رَاشِدٍ عَنْ وَائِلَةَ بْنِ مَرْثَدَةَ :
 « أَنَّ رَجُلًا عَلَى خَلْفِ الْمَغْفِ وَحَدَّهُ فَأَمَرَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُبَيِّدَ
 . الصلاة .

231. Вобиса ибн Маъбаддан ривоят қилинди:

«Бир киши сафларнинг орқасида якка намоз ўқиди. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга намозни иода қилмоқни (қайта ўқимоқни) буюрдилар».

Ал-Жобирдан эшитдим, айтдики, «Вакиънинг бундай деганини унинг ўзидан эшитдим: «Бир киши сафларнинг орқасида якка ўзи намоз ўқиса, иода қилади (қайта ўқийди)».

171-БОБ

**МАВЗУ: БИР КИШИГА ИМОМ БЎЛГАН
ОДАМ**

۲۳۲ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ حَدَّثَنَا دَاوُدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ التَّمَلُّزِيُّ عَنْ قَتَادَةَ بْنِ دِينَارٍ عَنْ كُرَيْبِ مَوْلَى ابْنِ عَبَّاسٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: «صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ لَيْلَةٍ، فَقُمْتُ مِنْ بَسَائِرِهِ، فَأَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِرَأْسِي مِنْ وَرَائِي فَجَعَلَنِي عَنْ يَمِينِهِ.»

232. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Бир кеча Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқидим, чап томонларида турган эдим, бошимнинг орқасидан ушлаб, ўнг томонларига ўтказиб қўйдилар».*

Бу бобда Анас (розияллоҳу анҳу)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан бўлмиш илм арбоблари наздида амал шу ҳадис асосидадир: «Имом билан бир киши бўлса, имомнинг ўнг томонида туради», деганлар.

172-БОБ

**МАВЗУ: ИККИ КИШИГА ИМОМ БЎЛГАН
ОДАМ**

۲۳۳ - حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي عَدْرِىٍّ قَالَ :
أَتَيْنَا إِسْحَمِيلَ بْنَ مُسْلِمٍ عَنِ الْحَسَنِ عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ قَالَ : « أَمَرَنَا
رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كُنَّا ثَلَاثَةً أَنْ يَتَقَدَّمَ أَحَدُنَا » .

233.«Самура ибн Жундуб (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бизга, агар уч киши бўлсак, битта-миз олдинга ўтмоғимизни амр қилардилар».

Бу бобда Ибн Масъуд, Жобир ва Анас ибн Молик (розияллоху анхум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Самуранинг ҳадиси – ҳасан-ғариб.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: «Уч киши бўлсалар, икки киши имомнинг орқасида туради», дейдилар.

Ибн Масъуддан бундай деб ривоят қилинган:

«Ибн Масъуд, Алқама билан Ал-Асвадга имом бўлди-да, битталарини ўнг томонида, битталарини чап томонида турғазди». Ибн Масъуд бу ҳадисни Расули Акрам саллаллоху алайҳи ва салламга юксалтиради.

Баъзи муҳаддислар Исмоил ибн Муслим Ал-Маккий борасида, хотираси жиҳатдан, (танқидий) сўз қилишган.

173-БОБ

МАВЗУ: ЭРКАКЛАР БИЛАН АЁЛЛАРГА
ИМОМ БЎЛГАН ОДАМ

۲۳۴ — حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ الْأَنْصَارِيُّ حَدَّثَنَا مَعْنٌ حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ
عَنِ إِسْحَاقَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي طَالْحَةَ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ : « أَنَّ جَدَّتَهُ
مَلَيْكَةَ دَعَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِطَعَامٍ صَدَقْتُهُ ، فَأَكَلَ مِنْهُ ،
عَمَّ قَالَتْ : قَوْمُوا فَلَنُصَلَّ بِكُمْ ، قَالَ أَنَسٌ . تَقَدَّمْتُ إِلَى حَصِيرِ لَنَا قَدْ
اشْتَدَّ مِنْ طَوْلِ مَالِكِ ، فَتَضَخْتُ بِالْمَاءِ ، فَتَمَّ عَلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
وَسَلَّمَ وَصَفَّقْتُ عَلَيْهِ أَنَا وَالْيَتِيمُ وَرَأَاهُ ، وَالْمَجُوزُ مِنْ وَرَائِهِ ، فَصَلَّ بِنَارِ كَتَيْبِ
عَمَّ انصرف . »

234. Анас ибн Молик (розияллоху анху)дан ривоят қилинди: «Унинг (Анаснинг) бувиси Мулайка Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламни у киши учун тайёрланган таомга таклиф қилди. (Расули Акрам) таомдан едилар. Кейин: «Турингизлар, сизлар билан намоз ўқиймиз», дедилар. Анас айтдики, «Узоқ вақт ишлатилмаганидан қорайиб қолган бир бўйрамиз(ни ёймок) учун турдим ва уни сув сепиб ювдим. Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бўйрада турдилар, мен билан бир етим бола у кишининг орқаларида саф турдик, кекса момо эса бизнинг орқамизда турди. (Расули Акрам) бизга икки ракъат намоз ўқиб бердилар. Кейин кетдилар».

Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир: Имом билан бирга бир эркак ва бир аёл бўлса, эркак киши имомнинг ўнг томонида туради, аёл киши эса уларнинг орқасида туради, дейдилар.

Айрим илм аҳллари эса: сафнинг орқасида якка ҳолда намоз ўқиган кишининг намози ўтади, дейдилар ва буни бояғи ҳадис билан истидлол қилиб (далиллаб) бундай дейдилар: «Бола учун намоз йўқ ва Анас гўеки,

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида сафда ёлғиз туриб намоз ўқигандек бўлди». Ҳолбуки, масала улар айтгандек эмас. Бола учун намоз бўлмаса эди, Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам болани Анас билан бирга турғизмас эдилар ва муҳаққак, Анасни ўнг томонларида турғизган бўлардилар.

Мусо ибн Анасдан, Анасдан (розияллоҳу анҳумо) бундай ривоят қилинган: «Анас Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқиди ва Расули Акрам у кишини ўнг томонларида турғиздилар».

Бу ҳадис Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (жамоат бўлиб) нафл намози ўқиганларига ва уларнинг уйларига барокат киритмоқчи бўлганларига далолат қилади.

174-БОБ

**МАВЗУ: ИМОМЛИК ҚИЛМОҚҚА КЎПРОК
КИМ ҲАҚЛИ?**

۲۳۵ — حَدَّثَنَا هُنَادٌ حَدَّثَنَا أَبُو مَعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ رَجَاهُ اللَّهُ وَحَدَّثَنَا عُمَرُ بْنُ غِيْلَانَ حَدَّثَنَا أَبُو مَعَاوِيَةَ وَابْنُ كَثِيرٍ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنِ إِسْمَاعِيلَ بْنِ رَجَاهٍ الْهَرَبِيِّ عَنِ أَوْسِ بْنِ ضَمَجٍ قَالَ : سَمِعْتُ أَبَا مَعَاوِيَةَ الْأَنْصَارِيَّ يَقُولُ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ الْقَوْمِ أَقْرَبُكُمْ لِكِتَابِ اللَّهِ فَإِنْ كَانُوا فِي الْفِرَاقَةِ سَوَاءً ، فَأَعْلَمُهُمْ بِالسَّيِّئَةِ ، فَإِنْ كَانُوا فِي السَّنَةِ سَوَاءً ، فَأَقْدَمُهُمْ هِجْرَةَ ، فَإِنْ كَانُوا فِي الْهِجْرَةِ سَوَاءً ، فَأَكْبَرُهُمْ سِنًا ، وَلَا يُؤْمُ الرِّجْلُ فِي سُلْطَانِهِ ، وَلَا يُجْلَسُ عَلَى تَكْوِينِهِ فِي بَيْتِهِ إِلَّا بِإِذْنِهِ . قَالَ مُحَمَّدٌ : قَالَ ابْنُ كَثِيرٍ فِي حَدِيثِهِ : أَقْدَمُهُمْ سِنًا .

235.Абу Масъуд Ал-Ансорий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтади: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Қавмга Аллоҳнинг Китобини энг яхши қироат қиладиган (аҳкомларидан яхши воқиф бўлган) киши имомлик қилади; қироатда

тенг бўлсалар, суннатни энг яхши билган киши имом бўлади; суннатда баробар бўлсалар, муқаддам ҳижрат қилган киши имом бўлади. Кишига унинг мулкида имомлик қилинмайди ва кишининг уйида уй эгаси ўлтирадиган (махсус) жойга ўлтирилмайди, илло ўзи изн берса, (мумкин)». Маҳмуд айтдики, «Ибн Нумайр

ўз ҳадиси (ривояти)да: « *أقدمهم بيتنا* : » «Ёш жиҳатидан энг муқаддамлари», дейди.

Бу бобда Абу Саъид, Анас ибн Молик, Молик ибн Ал-Хувайрис ва Амр ибн Салама (розияллоху анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Масъуднинг ҳадиси – ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Айтадиларки, инсонлар орасида имомликка энг лойиғи – Аллоҳнинг Китобини энг яхши қироат қиладиган ва Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатини энг яхши билган кишидир.

Шунингдек, «Уй эгаси имомликка кўпроқ лойиқ», дейдилар.

Айрим илм аҳлларининг фикрича: «Уй эгаси изн берса, бошқа киши унга имом бўлмоқлигида зарар йўқ». Баъзилари буни макруҳ деб қарайдилар ва бундай дейдилар: «Суннат – намозни уй эгаси ўқиб бермоғидир».

Аҳмад ибн Ҳанбал айтадики, «Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг: «Кишига унинг мулкида имомлик қилинмайди ва кишининг уйида уй эгаси ўлтирадиган (махсус) жойга ўлтирилмайди, илло ўзи изн берса, (мумкин)» деган сўзларига таяниб, «Уй эгаси изн берса, бу изн ҳаммасига (уй эгасига имом бўлмоққа ва унинг жойига ўтирмоққа ҳам) тегишли бўлади, деб умид қиламан», дейди.

Аҳмад ибн Ҳанбал, агар уй эгаси изн берса, бошқа киши унга имом бўлмоғи безарар», деб ҳисоблайди.

175-БОБ

**МАВЗУ: «СИЗЛАРДАН БИРОР КИШИ
ОДАМЛАРГА ИМОМ БЎЛСА,
НАМОЗНИ ЕНГИЛ ЎҚИБ БЕРСИН»**

۲۳۶ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا الْمُبَيْرَةُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ أَبِي الزِّنَادِ عَنِ الْأَعْرَجِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : إِذَا أُمَّ أَحَدُكُمْ النَّاسَ فَأَيِّدْهُمْ ، فَإِنَّ فِيهِمُ الصَّغِيرَ وَالْكَبِيرَ وَالضَّمِيمَ وَالرَّيِيضَ ، فَإِذَا صَلَّى وَحْدَهُ ، فَلْيَصِلْ كَيْفَ شَاءَ »

236.Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирортангиз одамларга имом бўлса, (намозни) енгил ўқиб берсин. Чунки улар орасида кичиклар бор, кексалар бор, заифлар бор, беморлар бор. Агар якка ўзи ўқиса, ўзи хоҳлаганидек ўқийверсин».

Бу бобда Адий ибн Хотим, Анас, Жобир ибн Самура, Молик ибн Абдуллох, Абу Вокид, Усмон ибн Абил-Ос, Абу Масъуд, Жобир ибн Абдуллох ва Ибн Аббос (розияллоху анхум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларида кўпчилигининг қавли шудир: Заиф, кекса ва бетоб кишиларга оғирлик қилмаслиги учун намозни чўзиб юбормаслик жихатини афзал кўрганлар.

Абуз-Зиноднинг исми – Абдуллох ибн Зақвон. Ал-Аърож бу – Абдурраҳмон ибн Хурмуз Ал-Мадийний бўлиб, Абу Довуд кунyasi билан аталади.

۲۳۷ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا أَبُو عَوَّانَةَ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ أَنَسٍ قَالَ : « كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَخَفَّ النَّاسِ صَلَاةً فِي تَمَامٍ » .

237.Анас ибн Молик (розияллоху анху)дан ривоят қилинди: айтди: «Инсонларга намозни энг енгил қилиб мукамал ўқиб берган зот Расулуллох саллаллоху

алайҳи ва саллам эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Абу Авонанинг исми – Ваддох. Қутайбадан: «Абу Авонанинг исми нима?» деб сўрадим. «Ваддох», деди. «Кимнинг ўғли?» дедим. «Билмадим. Басрада бир хотиннинг кули эди», деди.

176-БОБ

**МАВЗУ: НАМОЗНИНГ ТАҲРИМИ ВА
ТАҲЛИЛИ**

۲۳۸ — حَدَّثَنَا شُعْبَانُ بْنُ وَكَيْعٍ حَدَّثَنَا عُمَرُ بْنُ قُضَيْبٍ عَنْ أَبِي شُعْبَانَ طَرِيفِ السَّمْدِيِّ عَنْ أَبِي نَصْرَةَ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ قَالَ: « قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مِفْتَاحُ الصَّلَاةِ الطُّمُورُ، وَتَحْرِيمُهَا التَّكْبِيرُ، وَتَحْمِيلُهَا النَّسِيمُ، وَلَا صَلَاةَ لِمَنْ لَمْ يقرأ بِالْحَمْدِ وَسُورَةٍ، فِي قَرْبَعَةٍ أَوْ غَيْرِهَا. »

238. Абу Саъид (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Намознинг калити – таҳорат, таҳрими – такбир, таҳлили эса саломдир. Фарз (намозлари)да ва бошқа намозларда «Алҳамду»ни ва яна бир сурани ўқимаган кишининг намози йўқ!».

Бу ҳадис – ҳасан.

Бу бобда (Ҳазрати) Али ва Оиша (розияллоҳу анҳумо)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган. (Ҳазрати) Алининг бу бобдаги ҳадиси иснод жиҳатдан Абу Саъиднинг ҳадисидан кўра жайид ва саҳиҳ. Бу ҳадисни «Таҳорат боблари»нинг бошида зикр қилиб ўтдик.

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан бўлмиш илм аҳллари наздида амал шу ҳадис асосидадир. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир: намознинг таҳрими такбирдир. Киши фақат такбир билан намозга кирган бўлади.

Вакиънинг котиби Абу Бакр Муҳаммад ибн Абондан эшитдим; айтадики, Абдурахмон ибн

Махдийнинг бундай деганини унинг ўзидан эшитдим: «Киши, Аллоҳу таолонинг исмларидан етмиштасини айтиб намозни очса-ю, такбир айтмаса, бу такбир ўрнига ўтмайди. Ва салом беришдан олдин таҳорати бузилса, унга таҳорат олмоғини ва кейин жойига қайтиб, салом бермоғини амр қиламан. Чунки ҳукм ҳадиснинг очиқ ва зоҳир маъносига қараб чиқарилади».¹³⁹

Абу Нодранинг исми – Ал-Мунзир ибн Молик ибн Қутоа.

177-БОБ

МАВЗУ: ТАКБИР АЙТГАНДА

БАРМОҚЛАРНИ ОЧИҚ ТУТМОҚ

۲۳۹ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ وَأَبُو سُوَيْدٍ الْأَشْعِيُّ قَالَا : حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَمَانَ عَنْ
ابْنِ أَبِي ذَرِّيبٍ عَنْ سُوَيْدِ بْنِ سَمَانَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : « كَانَ رَسُولُ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كَبَّرَ لِلصَّلَاةِ نَشَرَ أَصَابِعَهُ » .

239.Абу Хурайра (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди: айтди: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам (намозни бошлаётиб) такбир (и таҳрима) айтганларида бармоқларини очиқ тутар эдилар».

Абу Хурайранинг ҳадиси – ҳасан.

¹³⁹Бунда таъвилга бормасликни ва ҳадиснинг зоҳир маъносига қараб хулоса қилишни кўзда тутмоқда. Имом Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммаднинг фикрларича, Аллоҳу таолонинг соф таъзимга далолат қиладиган ҳар қандай исми билан намозни очмоқ жоиз. Чунки, эътибор лафзларга эмас, маъноларга (қаратилган)дир.

(Изоҳдаги «ҳар қандай исм билан» иборасини бундай тушунмоқ мумкин: «Мухтасар ул-виқоя» шарҳида айтилади: «Аллоҳу таолонинг улуғлигига далолат қиладиган лафз (сўз)лар билан намозга кирмоқ дурустдир. Масалан, «Аллоҳу акбар», «Аллоҳу ажалл» ёки «Ар-Роҳману акбар» ёхуд «Ла иллаҳа иллаллоҳ»га ўхшаган сўзлар билан. Бу лафзлар ёки Аллоҳ таолонинг исмларидан бўлган лафз бўлмай. Аллоҳу таолонинг улуғлигига далолат қиладиган лафзини дуо қиладиган лафзга қўшмагай, қўшса намози раво бўлмас. Масалан, «Аллоҳу акбар»нинг ўрнига «Аллоҳума мағфирлий» деса бўлмас...» (Таржимон иловаси).

Биттадан кўп киши бу ҳадисни Ибн Аби Зийбдан, Саъид ибн Симъондан, Абу Хурайрадан шу тарзда ривоят қилган. «Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга кираётганларида панжаларини очиб қўлларини кўтарар эдилар». – Бу, Яхё ибн Ал-Йамоннинг ривоятидан кўра саҳиҳдир. Яхё ибн Ал-Йамон бу ҳадисда янглишган.

٢٤٠ — حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الْعَظِيمِ:

الْحَنَفِيُّ حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي ذَنْبٍ عَنْ سَعِيدِ بْنِ سَمْعَانَ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا هُرَيْرَةَ يَقُولُ :

« كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَامَ إِلَى الصَّلَاةِ رَفَعَ يَدَيْهِ مَدًّا . »

240. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга турганларида қўлларини очиб кўтарар эдилар».

Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон айтиди: «Бу ҳадис Яхё ибн Ал-Йамоннинг ҳадисидан саҳиҳ; Яхё ибн Ал-Йамон ҳадиси (нинг сўзи) янглиш».¹⁴⁰

178-БОБ

МАВЗУ: БИРИНЧИ ТАКБИРНИНГ ФАЗИЛАТИ

٢٤١ — حَدَّثَنَا عُثْمَانُ بْنُ مُكْرِمٍ . وَنَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ قَالَا : حَدَّثَنَا سَلْمُ

ابْنُ قُتَيْبَةَ عَنْ طُعْمَةَ بْنِ مَرْوَانَ عَنْ حَبِيبِ بْنِ أَبِي ثَابِتٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ :

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « مَنْ صَلَّى اللَّهُ أَرْبَعِينَ يَوْمًا فِي جَمَاعَةٍ بِدِرْكَ

الْكَبِيرَةِ الْأُولَى كَتَبَ لَهُ بِرَاهَنٌ : بِرَاهَةٌ مِنَ النَّسْرِ ، وَبِرَاهَةٌ مِنَ

الْقَطَايِقِ . »

¹⁴⁰ Яъни, «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга турганларида қўлларини очиб кўтарар эдилар» деган ҳадис саҳиҳ; Яхё ибн Йамон ривоят қилган: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (намоз бошлаётиб) тақбир айтганларида бармоқларини очиб турардилар» деган ҳадис янглиш, дейилмоқда.

241. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки қирқ кун Аллоҳ учун жамоат билан намоз ўқиса, (ҳар намозида) биринчи такбирга улгурса, унга икки барот (ёрлик) ёзилгайдир: жаҳаннамдан қутулиш бароти ва нифокдан қутулиш бароти!».

Бу ҳадис мавқуф тарзида ривоят қилинган. Салм ибн Қутайбанинг Туъма ибн Амрдан, Ҳабиб ибн Аби Собитдан, Анасдан қилган ривоятдан бошқа, бу ҳадисни Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалтирган бирон кишини танимаймиз.

Бу ҳадис Ҳабиб ибн Аби Ҳабиб Ал-Важалий тариқи билан Анас ибн Моликдан унинг ўз сўзи сифатида ривоят қилинди.

Ҳаннод ушбуни бизга баён этди: Вакиъ, Холид ибн Таҳмондан, Ҳабиб ибн Аби Ҳабиб Ал-Важалийдан, Анасдан айна шу ҳадисни нақл этган, лекин уни Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалтирмаган.

Исмоил ибн Айяш бу ҳадисни Умаро ибн Ғозийядан, Анас ибн Моликдан, Умар ибн Ал-Хаттобдан (розияллоҳу анҳум), Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган. Бу ҳадис махфуз (рожиҳ) эмас, мурсал. Чунки, Умаро ибн Ғозийя, Анас ибн Моликка уланмаган.

Муҳаммад ибн Исмоил (Ал-Бухорий) айтади: «Ҳабиб ибн Аби Ҳабиб «Абул-Қашусо» деган кунyasi билан аталади ва уни Абу Умайра ҳам дейишади».

179-БОБ

**МАВЗУ: БИРИНЧИ ТАКБИРДАН КЕЙИН
ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

٢٤٢ — حدثنا محمد بن موسى البعري حدثنا جعفر بن سليمان الضبيعي عن علي بن علي الرفاعي ، عن أبي التوكل عن أبي سعيد الخدري قال : « كان رسول الله صلى الله عليه وسلم إذا قام إلى الصلاة بالليل كبر ثم يقول : سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ ، وَتَمَّالَى جَدُّكَ ، وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ ، ثم يقول : اللَّهُ أَكْبَرُ كَبِيرًا ، ثم يقول : أَعُوذُ بِاللَّهِ السَّمِيعِ الْعَلِيمِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ ، مِنْ هَمَزِهِ وَتَفْخِهِ وَنَفْسِهِ . »

242.Абу Саъид Ал-Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тунги намозга турганларида такбир айтгач,

141 « سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ ، وَتَمَّالَى جَدُّكَ ، وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ ، »
(Субҳанака - аллоҳумма ва би ҳамдика ва табарока-смука ва тааъла жаддука ва илаҳа ғойрук) дер эдилар,

кейин « اللَّهُ أَكْبَرُ كَبِيرًا »¹⁴² (Аллоҳу акбару кабир) дер эдилар; Кейин: « أَعُوذُ بِاللَّهِ السَّمِيعِ الْعَلِيمِ . »

143 «Аъувузи биллаҳи самий-ил-ъалими минаш-шайтонир-рожим, мин ҳамзиҳи ва нафҳиҳи ва нафсиҳи») дер эдилар».

Бу бобда Али, Оиша (онамиз), Абдуллоҳ ибн

¹⁴¹Ё Аллоҳим, сени ҳамдинг билан поклаб, тасбиҳ ва танзиҳ этгайман. Исминг табаррук-муборақ, азаматинг олий-юксак, сендан бошқа илоҳ йўқ!

¹⁴² Аллоҳ улуғликда энг улуғдир!

¹⁴³Ҳақ раҳматидан қувилган шайтондан, унинг васвасасидан, жодусидан ва зугумидан асрамоғини сўраб, эшитгувчи ва билгувчи Аллоҳдан паноҳ тилайман!

Масъуд, Жобир, Жубайр ибн Мутъим ва Ибн Умар (розияллоху анхум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Саъиднинг ҳадиси бу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг машҳури. Илм аҳлларидан айримлари шу ҳадис билан амал қилган. Аммо уламонинг кўпчилиги Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ушбу ҳадисни эгаллашган:

«Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам:
 «سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ ، وَتَمَالَى جَدُّكَ ، وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ»

(«Субҳанака-аллоҳумма ва биҳамдика, та табарокасмука ва тааъла жаддука ва илаҳа ғайрук») дер эдилар. Умар ибн Ал-Хаттоб ва Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоху анхумо) шундай деб ривоят қилишган. Тобиъийндан ва кейингилардан илм аҳллариининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир.

Абу Саъиднинг ҳадиси борасида (танқидий) сўз қилинган. Яҳё ибн Саъид, Али ибн Али Ар-Рифоийни танқид қилар эди. Аҳмад: «Бу ҳадис саҳиҳ эмас», дейди.

٢٤٣ — حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَرَفَةَ وَيَحْيَى بْنُ مُوسَى قَالَا : حَدَّثَنَا أَبُو مَعَارِبَةَ عَنْ حَارِثَةَ بْنِ أَبِي الرَّجَالِ عَنْ عَمْرَةَ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ : «كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا افْتَتِحَ الصَّلَاةَ قَالَ : سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ ، وَتَمَالَى جَدُّكَ ، وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ» .

243.Оиша (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам намозни очган (бошлаган) пайтларида:

«سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ ، وَتَمَالَى جَدُّكَ ، وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ» .

(«Субҳанака-ллоҳумма ва биҳамдика ва табарокасмука ва таъала жаддука ва ла илаҳа ғоруйк»), дер эдилар».

Бу ҳадисни Оиша (онамиз)нинг ривоятларидан

(бири) сифатида ёлғиз шу важдан биламиз. Ҳориса ҳақида, хотираси жиҳатидан, (танқидий) сўз қилинган. Абу-Рижолнинг исми – Муҳаммад ибн Абдулрахмон Ал-Мадиний.

180-БОБ.

МАВЗУ: «БИСМИЛЛАҲИР-РОҲМАНИР-РОҲИЙМ»НИ ИЧДА АЙТМОҚ

٢٤٤ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ حَنْبَلٍ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ حَدَّثَنَا سَمِيدُ الْجَوَازِيُّ عَنْ تَيْسِ بْنِ عَبْقَابَةَ عَنْ ابْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَعْقَلٍ قَالَ . « سَمِعْتُ أَبِي وَأَنَا فِي الصَّلَاةِ أَقُولُ (بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ) فَقَالَ لِي : أَيُّ بَيْتٍ تُحَدِّثُ بِأَيْكٍ وَاتَّخَذْتَ ، قَالَ : وَلَمْ أَرِ أَحَدًا مِنْ أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُبْفِضُ إِلَيْهِ الْخَلْفَةَ فِي الْإِسْلَامِ ، يَمِينِي مِنْهُ ، وَقَالَ : وَقَدْ صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ . وَمَعَ أَبِي بَكْرٍ وَعُمَرَ وَعُمَانَ فَلَمْ أَسْمَعْ أَحَدًا مِنْهُمْ يَقُولُهَا ، فَلَا تَحْتَلِبُهَا ، إِذَا أَنْتَ صَلَّيْتَ قُلْتَ (الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ) .

244. Абдуллоҳ ибн Мугоффалнинг ўғлидан ривоят қилинди; айтди: «Отам намозда менинг

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ» («Бисмиллаҳир-Роҳманир-Роҳийм») деганимни эшитди ва менга бундай деди: «Эй ўғлим! (Бу) бидъат, бидъатдан ҳамиша сақлангил! Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан кўра, Ислолда бидъатдан, қаттиқроқ нафратланган бирор кишини кўрмадим». Ва айтдики, «Албатта, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан, Абу Бакр, Умар ва Усмон (розияллоҳу анҳум) билан бирга намоз ўқидим. Лекин бироргалари «Бисмиллоҳ»ни (ошкор) айтганларини эшитмадим. Сен ҳам (ошкор) айтмагил ва намоз ўқиганигда «Алҳамдуллоҳи Роббил

Ъаламийн» дегил».

Абдуллоҳ ибн Муғаффалнинг ҳадиси - ҳасан. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлмиш илм арбобларидан кўпчилиги фикрича, амал шу ҳадис асосидадир. Абу Бакр, Умар, Усмон, Али (розияллоҳу анҳум) ва яна бошқалар ҳамда айрим тобиъийн уламулари шулар жумласидандир. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир: «Бисмиллоҳ» ошкор айтилади, деган фикрда эмаслар, «Бисмиллоҳ» махфий айтилади, деган тўхтамни қабул қилганлар.

181-БОБ

МАВЗУ: «БИСМИЛЛОҲ» ОШКОР АЙТИЛАДИ, ДЕБ ҚАБУЛ ҚИЛГАН КИШИЛАР

٢٤٥ — حدثنا أحمد بن عبيدة حدثنا الميمون بن سليمان قال - حدثني إسماعيل بن حماد عن أبي خالد عن ابن عباس قال : « كان النبي صلى الله عليه وسلم يفتتح صلاته بيسم الله الرحمن الرحيم » .

245. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни « *يسم الله الرحمن الرحيم* » («Бисмиллаҳир-Роҳманир-Роҳийм») билан очар эдилар».

Бу ҳадиснинг исноди унча соғлом эмас. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан мутааддид кишилар шу қавлга эга бўлишган. Абу Хурайра, Ибн Умар, Ибн Аббос, Ибнуз-Зубайр (розияллоҳу анҳум) ва тобиъийндан баъзи илм аҳллари, «Бисмиллоҳ» ошкор айтилади, деб қарайдилар. Шофийийнинг қавли ҳам шу.

Исмоил ибн Ҳаммод — Ал-Сулаймоннинг ўгли.

Абу Холид Ал-Воълибийнинг исми – Хурмуз бўлиб, куфалиқдир.

182-БОБ

МАВЗУ: КИРОАТНИ «**الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ**»
 («АЛҲАМДУЛИЛЛАҲИ РОББИЛ-
 ҲАЛАМИЙН») БИЛАН БОШЛАМОҚ

٢٤٦ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ أَنَسٍ قَالَ : « كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ وَعُمَانُ يَنْتَبِهُونَ الْقِرَاءَةَ بِالْحَمْدِ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ » .

246. Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр, Умар ва Усмон (розияллоҳу анҳум) қироатни «**الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ**» («Алҳамдулиллаҳи Роббил-ҳаламиийн») билан бошлар эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобиғийндан ва кейингилардан бўлмиш илм аҳлларининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир: Қироатни «**الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ**» («Алҳамдулиллаҳи Роббил ҳаламиийн») билан очар эдилар.

Шофиъий айтадики, «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр, Умар, Усмон (розияллоҳу анҳум) қироатни «**الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ**» («Алҳамдулиллаҳи Роббил-ҳаламиийн») билан бошлар эдилар деган ҳадиснинг маъноси – «Улар «Фотиҳа»ни (зам) сурадан олдин ўқир эдилар» демақдир, «Бисмиллоҳ»ни айтишмас эди, деган маънода эмас...». Шофиъий

раҳимахуллоҳ, қироатни «Бисмиллоҳ» билан бошланади, жаҳрий қироатда эса «Бисмиллоҳ» ҳам ошкор айтилади, деб ҳисоблайди.

183-БОБ

МАВЗУ: «ФОТИҲА»СИЗ АСЛО НАМОЗ ЙЎҚ

٢٤٧ — حدثنا ابن أبي عمير وعلي بن حنبل قالوا : حدثنا صفيان عن الزهري عن عمود بن الربيع عن عبادة بن الصامت عن النبي صلى الله عليه وسلم قال « لا صلاة لمن لم يقرأ بفاتحة الكتاب » .

247. Убода ибн Сомит (розияллоху анху)дан ривоят қилинди: Набий саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Қуръони Карим очқичи («Фотиҳа» сураси)ни ўқимаган кишининг намози йўқ!».

Бу бобда Абу Хурайра, Оиша (онамиз), Анас, Абу Қатода ва Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоху анхум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Убоданинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан илм аҳлларининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир: Умар ибн Ал-Ҳаттоб, Али ибн Абу Толиб, Жобир ибн Абдуллоҳ, Имрон ибн Хусайн (розияллоху анхум) ва яна бошқалар шулар жумласидандир. Намоз фақатгина «Фотиҳа»ни ўқишлик билан жоиз бўлади, деб қабул қилганлар.

Ибнул Муборак, Шофиъий ва Исҳоқнинг қавли шу.¹⁴⁴

¹⁴⁴Бу имомларнинг фикрича, намознинг фарзларидан бири «Фотиҳа» сурасини ўқимокдир. Ҳанафийлар наздида мутлоқ фарз – қироат, «Фотиҳа» сурасини ўқиш эса вожибдир.

184-БОБ

МАВЗУ: «ФОТИХА» ДАН КЕЙИН «ОМИН»
ДЕМОК

٢٤٨ - حدثنا بُنْدَارٌ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَمِيْعٍ وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ
قَالَ: حَدَّثَنَا سَفِيَانُ عَنْ سَلَمَةَ بْنِ كَهْدَلٍ عَنْ حُجْرِ بْنِ عَمْبَسٍ عَنِ الْوَالِدِ بْنِ
حُجْرٍ قَالَ: «سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَرَأَ (غَيْرَ النَّصُوبِ عَلَيْهِمْ
وَلَا الضَّالِّينَ) وَقَالَ آمِينَ، وَمَدَّ بِهَا صَوْتَهُ.»

248. Воил ибн Хужр (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоху алайҳи ва салламдан эшитдим, «*غَيْرِ النَّصُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ*» («ғойри мағзуби ғалайҳим ва лаззоллийн»)ни ўқигач, «Омин» дедилар ва бунда овозларини баландлатдилар».¹⁴⁵

Бу бобда Али ва Абу Хурайра (розияллоху анхумо)дан ҳам ҳадис ривоят қилинди.

Воил ибн Хужрнинг ҳадиси – ҳасан.

Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг

¹⁴⁵Бу ҳадисни саҳиҳ бир иснод билан ривоят қилган Абу Довуд

«*مَدَّ*» («мадда») сўзи ўрнига «*جَهْرًا*» («жаҳаро») деб айтади. (Имоми Аъзам мазҳабларида «Омин»нинг суннат эканлигини таъкидлаган ҳолда, уни оҳиста айтмоқни раво кўрганлар. Чунки Имом Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) таъбирларича, «Омин» – «Илоҳим, шундай бўлсин» деган маънодаги дуодир. Дуонинг махфийси тезроқ қабул бўлади. Ҳанафий мазҳабида оид китобларда бу ҳақда қатор далил-асослар бор. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Махмуд ибн Мавдуд ал-Мусиллий ал-Ҳанафийнинг «Ал-ихтиёр ли-таълилил-мухтор» китобида бундай дейилади: «Имом: «валаззоолийн»ни айтгач, «Омин» дейди ва буни махфий айтади. Чунки Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламдан бундай деганлари ривоят қилинади: «Имом «валаззоолийн» деганида, бас, сизлар «Омин» денглар. Чунки имом «омин» дейди».

Воил ибн Хужр (розияллоху анху) Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг «Омин»ни махфий айтганларини ривоят қилган». 50-саҳифа).

249-ҳадисга диққат қилинг.

саҳобаларидан, тобиъийндан ва кейингилардан мутаад-дид илм аҳлларининг қавли шу: эркак киши «Омин» деганда овозини кўтармоғи ва уни махфий айтмаслиги керак, деб ҳисоблайдилар. Шофий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

٢٤٩ — وَرَوَى شُعْبَةُ هَذَا الْحَدِيثَ عَنْ حَلَةَ بْنِ كَثِيرٍ عَنْ حُجْرٍ أَبِي الْمُنْبِسِ عَنْ عَمْرِوَةَ بْنِ وَائِلٍ عَنْ أَبِيهِ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَرَأَ (غَيْرِ الْمَضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ) فَقَالَ: آمِينَ، وَخَفَّضَ بِهَا صَوْتَهُ .

249. Шуъба ушбу ҳадиси Салама ибн Куҳайлдан, Хужр Абул-Анбасдан, Алқама ибн Воилдан, унинг отасидан бундай деб ривоят қилади: «Набий саллаллоху

алайҳи ва саллам: « *غَيْرِ الْمَضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ* » («ғойри мағзуби ғалайҳим ва лаззолийн»)ни ўқигач, «Омин» дедилар ва бу сўзда овозларини пастлатдилар».

Муҳаммаддан бундай деганини эшитдим: «Бу бобда Суфённинг ҳадиси Шуъбанинг ҳадисидан кўра саҳиҳроқ. Шуъба бу ҳадиснинг бир қанча жойида янглишиб «Хужр Абул-Андас» дейди. Ҳолбуки, у Хужр ибн Андас бўлиб, «Абус-Сакан» куняси билан аталади. Кейин: «Алқама ибн Воилдан», дейди. Ҳолбуки, ҳадиснинг санадида Алқама йўқ ва у «Воил ибн Хужр» бўлади. Кейин «Бу сўзда овозларини пастлатдилар» дейди, ваҳоланки, «бу сўзда овозларини баландлатдилар» бўлади.

Абу Зуръодан бу ҳадис ҳақида сўрадим, айтдики, «Бу бобда Суфённинг ҳадиси Шуъбанинг ҳадисидан кўра саҳиҳроқ. Ал-Аъло ибн Солиҳ Ал-Асадий ҳам Салама ибн Куҳайлдан Суфённинг ривоятидек ривоят қилган».

Абу Бакр Муҳаммад ибн Абон бизга Абдуллоҳ ибн Нумайрдан, Ал-Аъло ибн Солиҳ Ал-Асадийдан, Салама ибн Куҳайлдан, Хужр ибн Анбасдан, Воил ибн Хужрдан, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан баён қилди; (бу) Суфён, Салама ибн Куҳайлдан ривоят

қилган ҳадиснинг ўхшашидир.

185-БОБ

**МАВЗУ: «ФОТИҲА» ДАН КЕЙИН «ОМИН»
ДЕМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ**

٢٥٠ — حَدَّثَنَا أَبُو سُرَيْبٍ مُحَمَّدُ بْنُ التَّلَادِ حَدَّثَنَا زَيْدُ بْنُ حُبَابٍ قَالَ :
حَدَّثَنِي مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ حَدَّثَنَا الزُّهْرِيُّ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ وَأَبِي سَلَمَةَ عَنْ أَبِي
مُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : إِذَا أَمَّنَ الْإِمَامُ فَأَمَّنُوا ، فَإِنَّهُ مَنْ
مَنْ وَافَقَ تَأْمِينَهُ تَأْمِينَ الْمَلَائِكَةِ ، غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ .

250. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Имом «Омин» деганда сизлар ҳам «Омин» денглар, зеро кимнинг «Омин»и малонкаларнинг «Омини»га тўғри келиб қолса, у кишининг ўтган гуноҳлари кечирилади».

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

186-БОБ

**МАВЗУ: НАМОЗДАГИ ИККИ САКТА
(ТЎХТАБ, ТИН ОЛМОҚ)**

٢٥١ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا عَبْدُ الْأَعْلَى عَنْ سَعِيدِ بْنِ قَتَادَةَ
عَنِ الْحَسَنِ بْنِ سَمُرَةَ قَالَ : « سَكَتَانِ حَفِظْتُهُمَا عَنِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَأَنْكَرَ ذَلِكَ عُمَرَانُ بْنُ حُصَيْنٍ قَالَ : حَفِظْنَا سَكْتَةَ ، فَكَتَبْنَا إِلَى
أَبِي بَرَكَةَ بْنِ كَثِيرٍ بِالْمَدِينَةِ ، فَكَتَبَ أَبُو بَرَكَةَ أَنْ « حَفِظَ سَمُرَةَ » . قَالَ سَعِيدٌ : فَحَدَّثَنَا
لِقَتَادَةَ : مَا هَاتَاكَ السَّكْتَانِ ؟ قَالَ : إِذَا دَخَلَ فِي صَلَاتِهِ . وَإِذَا فَرَغَ مِنْ
الْقِرَاءَةِ ، ثُمَّ قَالَ بِمَدِّ ذَلِكَ : وَإِذَا قَرَأَ ﴿ وَلَا الضَّالِّينَ ﴾ قَالَ : وَكَانَ يُعْجِبُهُ إِذَا
فَرَغَ مِنَ الْقِرَاءَةِ أَنْ يَسْكُتَ حَتَّى يَتَرَادَّ إِلَيْهِ نَفْسُهُ .

251. Самура (розияллоҳу анҳу)дан ривоят

қилинди: у: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан икки сактани (ўрганиб) эслаб қолдик», деди. Имрон ибн Ҳусайн буни инкор қилиб, «Бир сактани ёд олдик», деди. Шунда Мадинада яшаётган Убай ибн Каъба мактуб ёзди. Убай ўз жавобида: «Самура эслаб қолибди», деб ёзди. Саъид айтади: «Қатоодадан: «Бу икки сакта нима?» деб сўрадик. Айтдики, биринчи сакта (тўхтаб, тин олмоқ) намозни бошлаган пайтда ва иккинчиси – қироатни тугатган пайтдадир». Кейин эса:

«*ولا الضالين*» ни айтганда», деди. Айтадики, «Қироатни тугатган пайтларида, то ўзларини жамлаб (бўғинлари жой-жойига тушиб) олгунларича сукут қилиб, тин олардилар».

Бу бобда Абу Ҳурайрадан ҳадис ривоят қилинган.

Самуранинг ҳадиси – ҳасан.

Илм аҳлидан биттадан кўп кишининг қавли шудир. Имом намоз бошлаганидан кейин ва тагин қироатни тугатганидан кейин сакта қилмоғини (тўхтаб, тин олмоғини) мустаҳаб деб қарайдилар. Аҳмад, Исҳоқ ва биродарларимизнинг ҳам қавли шу.

187-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗДА (ҚИЁМДА) ЎНГ ҚЎЛНИ ЧАП ҚЎЛНИНГ УСТИГА ҚЎЙМОҚ

۲۵۲ — حدثنا قتيبة أخبرنا أبو الأحوص عن سماك بن حرب عن قبيصة
ابن هبيب عن أبيه قال: «كان رسول الله صلى الله عليه وسلم يؤمنا فبأخذ
شماله بيمينه.»

252. Хулб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга имомлик қилардилар ва ўнг қўларини чап билакларининг устига қўяр эдилар».

Бу бобда Воил ибн Хужр, Футайф ибн Ал-Ҳорис, Ибн Аббос, Ибн Масъуд ва Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу

анхум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Ҳулбнинг ҳадиси –ҳасан.

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобиъийндан ва кейингилардан бўлмиш илм аҳлларининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Киши намозда (қиёмда) ўнг кўлини чап кўлининг устига қўяди, деган тўхтамдалар.

Айрим илм аҳлларининг фикрича, кўлларини киндигининг устига ва айримларининг фикрича, киндигининг остига қўяди. Ҳар иккиси ҳам уламолар наздида маъқул ва мўътабардир.

Ҳулднинг исми – Язид ибн Кунофа Ат-Тоий.

188-БОБ

МАВЗУ: РУКУЪГА ВА САЖДАГА БОРАЁТИБ ТАКБИР АЙТМОҚ

۲۵۳ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ : أَخْبَرَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ ، عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْأَسْوَدِ عَنْ عَلْقَمَةَ ، وَالْأَسْوَدِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ : « كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُكَبِّرُ فِي كُلِّ خُفْمَيْ وَرَأْسِهِ وَرُقِيَامٍ وَمَعْوِدٍ ، وَأَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ » .

253.Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам, Абу Бакр билан Умар ҳам, ҳар гал эгилишда ва кўтарилишда, қиёмда ва куъудда (тик туришда ва ўтиришда) такбир айтар эдилар».

Бу бобда Абу Ҳурайра, Анас, Ибн Умар, Абу Молик Ал-Ашъарий, Абу Мусо, Имрон ибн Ҳусайн, Воил ибн Ҳужр, Ибн Аббос (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларининг амали шу ҳадис асосидадир. Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва яна бошқалар (розияллоҳу анҳум) шулар орасида борлар. Тобиъийннинг, уламо ва фуқаҳонинг (олимлар ва фақиҳларнинг) барчаларининг

қавли шудир.

۲۵۴ — حدثنا عبدُ الله بنُ مُنِيرٍ ، قال : سمعتُ عليَّ بنَ الحُسَيْنِ ، قال :
أبناؤنا عبدُ الله بنُ المباركِ ، عن ابنِ جُرَيْجٍ عن الزُّهْرِيِّ ، عن أبي بصيرِ بنِ
عبدِ الرحمنِ ، عن أبي هريرةَ : « أن رسولَ الله صلى الله عليه وسلم كان يُكبِّرُ
وهو يتبَّوى » .

254.Абу Хурайра (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (қиёмдан) эгилаётиб такбир айтар эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан бўлмиш илм аҳлларининг қавли шудир: Киши рукуъга ва саждага бораётиб такбир айтади, деб қабул қилганлар.

189-БОБ

МАВЗУ: РУКУЪГА БОРАЁТИБ ҚЎЛЛАРНИ КЎТАРМОҚ

۲۵۵ - حدثنا قُتَيْبَةُ وابنُ عمرَ قالا : ثنا سفيانُ بنُ عيينَةَ عن
الزُّهْرِيِّ عن سالمٍ عن أبيه قال : « رأيتُ رسولَ الله صلى الله عليه وسلم إذا
افتتح الصلاةَ يرفعُ يديه حتى يُحاذِيَ مَنْكِبَيْهِ ، وإذا ركعَ ، وإذا رفعَ رأسه
من الركوعِ » وزاد ابنُ عمرَ في حديثه « وكان لا يرفعُ بين السجدةِ »

255.Ибн Умар (розиаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим, намозни бошлаб, рукуъга бораётганларида ва рукуъдан қайтганларида қўлларини елка баробарида кўтарар эдилар». Ибн Аби Умар ўз ҳадисида кўшимча қилиб, «Икки сажда орасида (қўлларини) кўтармас эдилар», дейди.

٢٥٦ — قال أبو عيسى : حدثنا الفضل بن الصباح البغدادي ، حدثنا
سفيان بن عيينة ، حدثنا الزهري بهذا الإسناد نحو حديث ابن أبي عمير .

256. Ал-Фазл ибн Ас-Соббах Ал-Бағдодий бу ҳадисни худди шу иснод билан Ибн Аби Умар ҳадисига ўхшаш тарзда ривоят қилган.

Бу бобда Умар, Али, Воил ибн Хужр, Молик ибн Ал-Хувайрис, Анас, Абу Хурайра, Абу Хумайд, Абу Усайд, Саҳл ибн Саъд, Муҳаммад ибн Маслама, Абу Қатода, Абу Мусо Ал-Ашъарий, Жобир ва Умар Ал-Лайсий (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан айрим илм аҳлларининг қавли шу. Ибн Умар, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абу Хурайра, Анас, Ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Аз-Зубайр, тагин бошқалар шулар орасида бор. Тобиъийндан Ҳасан Ал-Басрий, Ато, Товус, Мужоҳид, Нофиъ, Солим ибн Абдуллоҳ, Саъид ибн Жубайр ва тагин бошқаларнинг қавли шу. Молик, Маъмар, Ал-Авзой, Ибн Уйайна, Абдуллоҳ ибн Ал-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган.

Абдуллоҳ ибн Ал-Муборак, Аз-Зухрийнинг Солимдан, унинг отасидан ривоят қилган ҳадисини зикр қилиб, бундай дейди: «Қўлларини кўтарган кишининг ҳадиси собитдир ва Ибн Масъуднинг «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам фақат биринчи мартасида (намоз бошида) қўлларини кўтарар эдилар» деган ҳадиси собит эмас». Абдуллоҳ ибн Ал-Муборакнинг бу сўзини Аҳмад ибн Абда Ал-Амулий, Ваҳб ибн Замъадан, Суфён ибн Абдумаликдан, Абдуллоҳ ибн ал-Муборакдан бизга етказган.

Яҳё ибн Мусо, Исмоил ибн Аби Увайсдан нақл

этиб, бизга баён қилди ва айтадики, «Молик ибн Анас, намозда қўлларини кўтариш фикрида эди».

Шунингдек, Яхё, Абдурраззоқдан нақл этиб, бундай дейди: «Маъмар намозда қўлларини кўтариш фикрида эди».

Ал-Жоруд ибн Муъоздан бундай деганини эшитдим: «Суфён ибн Уйайна, Умар ибн Хорун ва Ан-Назр ибн Шумайл намозни бошлаганда, рукуъга бораётганда ва рукуъдан қайтаётганларида қўлларини кўтарар эдилар».

190-БОБ

МАВЗУ: РАСУЛИ АКРАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ФАҚАТГИНА (НАМОЗНИНГ) БОШЛАНИШИДА ҚЎЛЛАРИНИ КЎТАРАР ЭДИЛАР

٢٥٧ — حَدَّثَنَا هَنَلَا حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ ، عَنْ صَفِيَّانَ ، عَنْ طَاوَسِ بْنِ كَثِيْبٍ ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْأَسْوَدِ عَنْ عَلْقَمَةَ قَالَ : قَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مَسْعُودٍ : « أَلَا أُصَلِّي بِكُمْ صَلَاةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَلَمْ يَرْفَعْ يَدَيْهِ إِلَّا فِي أَوَّلِ سُرَّةٍ » .

257. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у киши: «Сизларга Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларидек намоз ўқиб берайинми?» деди. Сўнг ўқиб берди ва қўлларини фақатгина биринчи такбирда (такбири таҳримада) кўтарди».*

Бу бобда Ал-Барро ибн Озибдан ҳадис ривоят қилинган.

*Бу ҳадис Ер юзи мусулмонларининг кўпчилиги амал қиладиган Ҳанафий мазҳаби учун ҳужжат қилиб олинган. Чунки ҳадис саҳобаларнинг энг қадимгиларидан, энг илғорларидан ва фақиҳларидан бўлмиш Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан энг сўнроқ ривоят қилинган.

Ибн Масъуднинг ҳадиси ҳасан. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан биттадан кўп илм аҳлларининг қавли шудир. Суфён Ас-Саврий ва Куфа олимлари шу қавлга эга бўлганлар.

191-БОБ

**МАВЗУ: РУКУЪДА ҚҮЛЛАРНИ ТИЗЗАЛАР
КЎЗИГА ҚҮЙМОҚ**

٢٥٨ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ عَيَّاشٍ حَدَّثَنَا أَبُو حَصِينٍ عَنْ أَبِي عَبْدِ الرَّحْمَنِ الثَّلَثِيِّ قَالَ : قَالَ لَنَا عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ « إِنَّ الرُّكْبَ سُنَّتٌ لَكُمْ فَخُذُوا بِأَرْكَبِ » .

258. Умар ибн Ал-Хаттоб (розияллоҳу анҳу) дан ривоят қилинди; айтдилар: «Тиззалар(га сунмок) сизларга суннатдир. Бас, тиззаларни тутингизлар!».

Бу бобда Саъд, Анас, Абу Хумайд, Абу Усайд, Саҳл ибн Саъд, Муҳаммад ибн Маслама ва Абу Масъуд (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

(Ҳазрати) Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобиъийндан ва кейингилардан илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Бу хусусда ораларида ихтилоф йўқ. Фақат Ибн Масъуд ва баъзи биродарлари, рукуъда панжаларини бириктирган ҳолда тиззалари ўртасига қўйганлари ривоят қилинган. Илм аҳлларининг фикрига кўра «тадбик» деб аталган бу ҳаракат насх этилган (бекор қилинган).

Саъд ибн Аби Ваққос айтадики, «Биз шундай қилар эдик, кейин бундан қайтарилдик ва бизга кафтларимизни (панжаларимизни) тиззалар кўзига қўймоқлик буюрилди». Кутайба бу ҳадисни бизга Абу Авонадан,

Абу Йаъфурдан, Масъуд ибн Саъддан, унинг отаси Саъд ибн Аби Ваққосдан баён қилди.

Абу Хумайд Ас-Саъиднинг исми – Абдурахмон ибн Саъд ибн Ал-Мунзир. Абу Усайд Ас-Саъиднинг исми – Молик ибн Робийа. Абу Ҳасийннинг исми – Усмон ибн Осим Ал-Асадий. Абу Абдурахмон Ас-Сулаймийнинг исми – Абдуллоҳ ибн Ҳабиб. Абу Йаъфурнинг исми эса – Воқид, Вақдон экани ҳам айтилади. Абдуллоҳ ибн Аби Авфдан ривоят қилган киши шудир. Иккалалари ҳам куфалиқдир.

192-БОБ

**МАВЗУ: РУКУЪДА ҚўЛЛАР ҚўЛТИҚДАН
АЖРАЛМОҒИ**

٢٥٩ — حَدَّثَنَا بُنْدَلَرٌ حَدَّثَنَا أَبُو عَامِرٍ الْقَدِيدِيُّ حَدَّثَنَا فَاتِحُ بْنُ سَلِيَانَ حَدَّثَنَا هَبَّاسُ بْنُ سَهْلٍ قَالَ: «اجتمع أبو حنيفة وأبو أسيد وسهل بن سعد وعبد ابن مسleme فذكروا صلاة رسول الله صلى الله عليه وسلم ، فقال أبو حنيفة : أنا أخذكم بصلاة رسول الله صلى الله عليه وسلم : إن رسول الله صلى الله عليه وسلم ركع فوضع يديه على ركبتيه كأنه قابض عليهما ، ووتر يديه فتعاهبا عن جنبتيه .»

259. Аббос ибн Саҳлдан ривоят қилинди; айтди: «Абу Хумайд, Абу Усайд, Саҳл ибн Саъд ва Муҳаммад ибн Маслама тўпланишиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларини музокара қилдилар. Шунда Абу Хумайд айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларини энг яхши билган кишингиз менман. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъга бордилар, икки қўлларини (панжаларини) икки тиззалари (кўзи)га қўйдилар, худди тиззаларини чангаллаб тутгандек қилдилар, қўлларини кериб, қўлтиқларидан ажратди-

лар».

Бу бобда Анас (розияллоҳу анҳу)дан ҳам ривоят бор.

Абу Хумайднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илим аҳли шуни ихтиёр этган: Эркак киши рукуъда ва саждада қўлларини қўлтиқларидан ажратади.

193-БОБ

МАВЗУ: РУКУЪ ВА САЖДА ТАСБИҲЛАРИ

۳۶۰ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ أَنبَأَنَا عَيْسَى بْنُ يونسَ عَنْ ابْنِ أَبِي ذَثْبٍ -
عَنِ إِسْحَاقَ بْنِ يَزِيدَ الْهَدَلِيِّ عَنْ عَوْفِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُتْبَةَ عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ أَنَّ
الَّذِي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « إِذَا رَكَعَ أَحَدُكُمْ فَقَالَ فِي رُكُوعِهِ : سُبْحَانَ
رَبِّيَ الْمُعْظِمِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ قَدَّمَ رُكُوعَهُ ، وَذَلِكَ أَدْنَاهُ ، وَإِذَا سَجَدَ فَقَالَ فِي
سَجُودِهِ : سُبْحَانَ رَبِّيَ الْأَعْلَى ثَلَاثَ مَرَّاتٍ ، قَدَّمَ سَجُودَهُ ، وَذَلِكَ أَدْنَاهُ . »

260.Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бирортангиз рукуъга борганда, рукуъда уч марта

«سُبْحَانَ رَبِّيَ الْمُعْظِمِ»¹⁴⁶ деса, рукуъси тўлиқ бўлади, бу энг камидир; ва саждага бор-

ганда саждада уч марта «سُبْحَانَ رَبِّيَ الْأَعْلَى»¹⁴⁷ деса, саждаси тўлиқ бўлади, бу энг камидир».

Бу бобда Хузайфа ва Уқба ибн Омирдан ҳам ривоят бор.

Ибн Масъуд ҳадисининг исноди муттасил эмас.

¹⁴⁶Улуғ Роббим пок ва муназаҳдир.

¹⁴⁷Энг юксак (олий) Роббим пок ва муназаҳдир.

Чунки Авн ибн Абдуллоҳ ибн Утба, Ибн Масъуд билан учрашмаган. Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: Киши рукуъда ва саждада уч мартадан оз тасбиҳ айтмоғини қабул қилмаганлар. (Яъни камида уч марта тасбиҳ айтмоғи керак).

Ибнул-Муборақдан бундай деб айтгани ривоят қилинади; «Имом беш марта тасбиҳ айтмоғини мен мустаҳаб кўраман. Токи орқасида унга эргашганлар уч марта тасбиҳ айтишга улгурсинлар».

٢٦١ — حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ غَيْلَانَ حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ قَالَ أَنْبَأَنَا شُعْبَةُ عَنْ الْأَعْمَشِ قَالَ: سَمِعْتُ سَعْدَ بْنَ عُبَيْدَةَ يَخْتَلِفُ عَنِ الشَّوْزِيِّ عَنِ صَالَةَ بْنِ زُوَيْرٍ عَنْ حَذِيفَةَ: «أَنَّ صَاحِبَ مَعَ أَبِي صَالَةَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَكَانَ يَقُولُ فِي رُكُوعِهِ: سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ، وَفِي سُجُودِهِ: سُبْحَانَ رَبِّيَ الْأَعْلَى، وَمَا أَنَّى عَلَى آيَةِ رَحْمَةٍ إِلَّا رَفَعَتْ وَسَأَلَتْ، وَمَا عَلَيَّ آيَةٍ عَذَابٍ إِلَّا وَقَفْتُ وَمَوَّذًا».

261.Хузайфа (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «У (Хузайфа) Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқиди. Рукуъда:

«سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ» («Субҳана Роббийал-аъзим»), саждада эса «سُبْحَانَ رَبِّيَ الْأَعْلَى» («Субҳана Роббийал-аъла») дер эдилар. (Қироатлари асносида) раҳмат оятига келганларида тўхтаб, (Аллоҳдан) раҳмат тилар эдилар; азоб оятига келганларида тўхтаб, (Аллоҳдан) паноҳ тилар эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٢٦٢ — وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ عَنْ شُعْبَةَ نَحْوَهُ.

262.Шуъба (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди.

(Шу ҳадиснинг ўзи).

194-БОБ

**МАВЗУ: РУКУЪДА ВА САЖДАДА ҚУРЪОН
ҚИРОАТ ҚИЛИНМАЙДИ**

۲۶۳ - حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مَوْسَى الْأَنْصَارِيُّ حَدَّثَنَا مَعْنٌ حَدَّثَنَا مَالِكٌ
وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ عَنْ مَالِكٍ عَنْ نَافِعٍ عَنْ إِبْرَاهِيمَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ حَنْزَلٍ عَنْ
أَبِيهِ عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ: «أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَنَسَّى عَنْ لَبْسِ
التَّسْبِيءِ، وَالْمَتَشَفَّرِ وَمَنْ تَغَنَّمَ الذَّهَبَ، وَعَنْ قِرَاءَةِ الْقُرْآنِ فِي الرُّكُوعِ.»

263.(Ҳазрати) Али ибн Абу Толиб (розияллоху анху)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам ипак матоҳ ва муъасфар (сарикқа бўялган) кийим киймоқдан, олтин узук тақмоқдан ва рукуъда Қуръон ўқимоқдан қайтардилар».

Бу бобда Ибн Аббос (розияллоху анхумо)дан ҳам ривоят бор.¹⁴⁸

(Ҳазрати) Алининг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлмиш илм аҳллари ва саҳобаларидан кейин келган олимларнинг қавли шу.

Рукуъда ва саждада (Қуръон) қироат қилмоқни макруҳ деб ҳисоблашган.

¹⁴⁸Муслим, Абу Довуд ва Ан-Насоий томонларидан таҳриж қилинган бу ҳадисда бундай дейилади: «Диққат қилингандайки, мен, рукуъда ва саждада туриб Қуръон ўқимоқдан қайтарилдим. Бас, рукуъда Роббингизга таъзим қилинганлар ва саждада эса дуога машғул бўлинганларким, дуоларингиз қабул қилинмайдир».

195-БОБ

**МАВЗУ: РУКУЪДА ВА САЖДАДА БЕЛИНИ
ТЎКИС БУКМАГАН КИШИ**

٢٦٤ — حدثنا أحمدُ بنُ مَنِيسِرٍ حدثنا أبو صَافِيَةَ عن الأعمشِ عن عُمارةِ
ابنِ عُمَيْرٍ عن أبي مَتَّيْرٍ عن أبي مَسْعُودٍ الأَنْصَارِيِّ قالَ : قالَ رسولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عليه وَسَلَّمَ : « لَا تُجْزِيهِ صَلَاةٌ لَا يُقِيمُ الرَّجُلُ فِيهَا بِنِي صَلَاتِهِ فِي الرُّكُوعِ
وَفِي السُّجُودِ » .

264.Абу Масъуд Ал-Ансорийдан ривоят қилинди; айтди: «*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Намозда тўлиқ текисланмаган, яъни рукуъда ва саждада белини текис букмаган эркак кишининг намози дуруст эмас!»*

Бу бобда Али ибн Шайбон, Анас, Абу Хурайра ва Рифоъа Аз-Зуроқий (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Масъуднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайгамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан илм аҳлининг ва улардан кейинги олимларнинг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Эркак киши рукуъда ва саждада белини тўлиқ текис букмоғи керак деган жиҳатга эга бўлганлар.

Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ, Пайгамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг: «Намоз ўқиётиб рукуъда ва саждада белини тўлиқ текис букмаган эркак кишининг намози дуруст эмас», деган ҳадисларига таяниб, рукуъда ва саждада тўлиқ тўғриланмаган (теқисланмаган) кишининг намози дуруст эмас, деб қабул қилишган.

Абу Маъмарнинг исми — Абдуллоҳ ибн Саҳбара. Бадрлик Абу Масъуд Ал-Ансорийнинг исми — Уқба

ибн Амр.¹⁴⁹

196-БОБ

**МАВЗУ: НАМОЗХОН РУКУЪДАН БОШ
КЎТАРГАНДА НИМА ДЕЙИШИ
КЕРАК?**

٢٦٥ - حدثنا محمود بن غفران حدثنا أبو داود الطيالسي أخبرنا عبد العزيز بن عبد الله بن أبي سنانة للجيشون حدثنا عتي عن عبد الرحمن الأعمش عن حميد الله بن أبي رافع عن علي بن أبي طالب قال : « كان رسول الله صلى الله عليه وسلم إذا رقع رأته من الركوع قال : سمع الله لمن حمده ، ربنا ولك الحمد ميلء السماوات والأرض ، وميلء ما بينها ، وميلء ما شئت من شيء . »

265.(Ҳазрати) Али ибн Абу Талиб (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъдан бош кўтарганларида: бундай дер эдилар:

¹⁴⁹Бу ғимолар фикрича, таъдили аркон ва рукуларда мукам-маллик (тўлиқ бажаришлик) – фарз. Имоми Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммаднинг фикрларича, бу вожиб эканлиги баён қилинган. Шунингдек, суннат эканлиги ҳам баён қилинган. Чунончи, Таҳовийнинг сўзидан кўпроқ вожиб эканлиги англашилади. Ҳанафийлар, таъдили аркон фарз бўлмай, вожиб эканлигига доир келтирган далилларидан бири ушбудир: «Аллоҳу таоло:

« يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لِرُكُوعِكُمْ وَإِسْجُدِكُمْ » («Эй ғимон келтирганлар, рукуъ ва сужуд қилингизлар!») деб марҳамат этган. Ояти жалиллада рукуъ ва сажда қилмоққа амр қилинмоқда. «Рукуъ» ва «сужуд» маънолари маълум бўлган хос атамалардир. Рукуънинг маъноси – эгилмоқ ва сажданинг маъноси тиз чўкмоқдир. Мазкур ояти жалиланинг ҳукмига кўра қиёмдан мутлоқ тарзда эгилмоқ ва қўлини ерга қўймоқ фарздир. Зеро, хабари воҳид билан Куръоннинг ит-лоқини насх этиш (бекор қилиш) жоиз эмас.

سَمِعَ اللهُ لِمَنْ سَجَدَهُ، رَبَّنَا وَلَكَ

الْحَمْدُ مِنْ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ ، وَمِنْ مَا بَيْنَهُمَا ، وَمِنْ مَا شِئْتَ مِنْ شَيْءٍ

«Самнаъглоҳу лиман ҳамидаҳ, Роббана ва ла-ка-л-ҳамд, милъа-с-самавати вал арз ва милъа ма бай-наҳума ва милъа ма шиъта мин шайин баъду...»¹⁵⁰

Бу бобда Ибн Умар, Ибн Аббос, Ибн Аби Авф, Абу Жухайфа ва Абу Саъид (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

(Ҳазрати) Алининг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Баъзи илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир.

Имоми Шофиъийнинг қавли ҳам шу. Шофиъийнинг фикрига кўра, хоҳ фарзда, хоҳ нафл намозларида бўлсин, шу сўзлар айтилади.

Куфа фақиҳларидан баъзиларининг фикрича, буни фақат нафл намозида айтади, фарз намозларида айтмайди.

197-БОБ

МАВЗУ: ЎТГАН МАСАЛА (ЯЪНИ НАМОЗХОН РУКУЪДАН БОШ КЎТАРГАНДА НИМА ДЕЙДИ?)

٣٧٦ — حدثنا الأنصاري حدثنا من حدثنا مالك عن نبتى عن أبي

صالح عن أبي هريرة أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال : « إذا قال الإمام :
سَمِعَ اللهُ لِمَنْ سَجَدَهُ ، قُولُوا : رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ ، فَإِنَّهُ مِنْ وَاقِعِ قَوْلِهِ قَوْلٌ
لِللَّاسِكِرِ فَمَنْ لَمْ يَتَقَدَّمْ مِنْ ذُنُوبِهِ . »

¹⁵⁰ Аллоҳ, ҳамд айтган кишининг ҳамдини эшитгайдир (қабул қилгайдир). «Ё Раббимиз! Сенга осмонлар ва ерларни тўлдиргулик, улар орасини тўлдиргулик ва Ўзинг хоҳлаган (арш ва курси каби чексиз) борлиқни тўлдиргулик ҳамдлар бўлсин!»

266. Абу Хурайра (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Имом **سَمِعَ اللهُ لِمَنْ عَجَّدَهُ** (Самиъаллоҳу ли-ман ҳамидах) деганда, «**رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ** (Роббана ва лака-л-ҳамд!)» деб айтгингизлар. Чунки, кимнинг айтгани малоикаларнинг айтганига тўғри келиб қолса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади».¹⁵¹

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг баъзи саҳобаларидан илм аҳлларининг ва саҳобаларидан кейин келган олимлардан баъзиларининг наздида амал

шу ҳадис асосидадир. Имом: «**سَمِعَ اللهُ لِمَنْ عَجَّدَهُ**» («Самиъаллоҳу ли-ман ҳамидах») – дейди, имомнинг орқасидагилар эса: «**رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ**» («Роббана-лака-л-ҳамд!») дейдилар.

Имоми Аҳмаднинг қавли ҳам шу. Ибн Сийрийн ва бошқаларнинг фикрига кўра, имомнинг

орқасидагилар имом айтганидек: «**سَمِعَ اللهُ لِمَنْ عَجَّدَهُ**» «**رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ**» («Самиъаллоҳу ли-ман-ҳамидах, Роббана ва лака-л-ҳамд») дейишади. Шофиъий билан Исҳоқнинг қавли шундай.

¹⁵¹ Ҳадиснинг зоҳири, барча гуноҳларнинг кечирилишига далолат қилади. Аммо уламо, буни кичик гуноҳларга тегишли, деб ҳисоблашган. Инсоннинг айтгани малоикаларнинг айтганига тўғри келиб қолиши «Роббана ва лака-л-ҳамд!» малоикалар билан айна бир вақтда айтилмоғидир.

198-БОБ

МАВЗУ: САЖДАГА БОРАЁТИБ ҚЎЛЛАРНИ
ТИЗЗАЛАРДАН ОЛДИН ЕРГА
ҚЎЙМОҚ¹⁵² (МУМКИНМИ?)

۳۶۷ — حَدَّثَنَا حَلَّةُ بْنُ شَيْبَةَ وَعَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُنِيرٍ وَأَحْمَدُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ
الدَّوْرَقِيِّ وَالْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْمَلَوَانِيُّ وَغَيْرُ وَاحِدٍ، قَالُوا: حَدَّثَنَا بَزِيدُ بْنُ هَارُونَ
حَدَّثَنَا شَرِيكٌ عَنْ حَاصِمِ بْنِ كَثْبَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ وَائِلِ بْنِ سَجْرَةَ قَالَ: رَأَيْتُ
رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا سَجَدَ بَضَعُ رُكْبَتَيْهِ قَبْلَ يَدَيْهِ، وَإِذَا نَهَضَ
رَفَعَ يَدَيْهِ قَبْلَ رُكْبَتَيْهِ.

267. Воил ибн Хужр (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламни (намоз ўқиётганларида) кўрдим, саждага бораётиб тиззаларини қўлларидадан олдин ерга қўйдилар ва қиёмга тураётиб қўллари тиззаларидан олдин кўтардилар».

Ҳасан ибн Алининг ҳадисида ушбу қўшимча ўрин олган: Язид ибн Хорун айтадики, «Шорик, Осим ибн Кулайбдан танҳо шу ҳадисни ривоят қилган».

Бу ҳадис ғариб-ҳасан. Шорикдан бошқа бу ҳадисни ривоят қилган кишини билмаймиз. Илм аҳлининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир. Киши тиззаларини қўлларидадан олдин ерга қўяди, деб қарайдилар.

Қиёмга тураётганда қўллари тиззаларидан олдин кўтаради (ердан олади).

Ҳаммом бу ҳадисни Осимдан мурсал тарзида ривоят қилган; санадида Воил ибн Хужрни зикр этмаган.

¹⁵² «Баъзи нусхаларда бу боб «Тиззаларни қўллардан олдин ерга қўймоқ» тарзида келган ва бу бобда «зикр қилинган ҳадисга мувофиқ келадигани ҳам шу сарлавҳа»дир деб изоҳ берилган.

199-БОБ

МАВЗУ: ЎТГАН МАСАЛА

٢٦٨ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ نَافِعٍ عَنْ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْحَسَنِ عَنْ أَبِي الزُّنَادِ عَنِ الْأَعْرَجِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : «يَمِيدُ أَحَدُكُمْ قَبِيرًا فِي صَلَاتِهِ بِرَأْسِهِ يَجْلَسُ ١٩» .

268.Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Қайси бировииз намозда тўя чўккалагандек чўккалайди?!»¹⁵³

Абу Хурайранинг ҳадиси ғариб.

Бу ҳадисни Абуз-Зиноднинг ривоятидан танҳо шу ваҳждан биламиз.

Бу ҳадис Абдуллох ибн Саъид Ал-Мақбурийдан, унинг отасидан, Абу Хурайрадан, Расулуллох саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилинган.

Яҳё ибн Саъид Ал-Каттон ва бошқалар, Абдуллох ибн Саъид Ал-Мақбурийнинг (ҳадис бобида) заиф эканлигини қайд этишади.

200-БОБ

**МАВЗУ: ПЕШОНА ВА БУРУН БИЛАН
САЖДА ҚИЛМОҚ**

٣٦٩ — حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ حَدَّثَنَا أَبُو عَامِرٍ حَدَّثَنَا فُلَيْحُ بْنُ سُلَيْمَانَ قَالَ: حَدَّثَنِي هُبَيْرُ بْنُ سَبْلٍ عَنْ أَبِي نُحَيْدٍ السَّامِيُّ: «أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا سَجَدَ أَسْكَنَ أَنْفَهُ وَجِبَّتَهُ الْأَرْضَ، نَحَى يَدَيْهِ عَنِ جَنْبَيْهِ، وَوَضَعَ كَفَّيْهِ حَذْوَ تَنَكُّبَيْهِ» .

¹⁵³Шориҳ юқоридаги изоҳларда айтганидек, фақат Имоми Моликнинг мазҳабларида аввал қўлларни ерга қўйиб саждага борилади. Аммо қолган уч имом – (Ҳазрати) Имоми Аъзам – Абу Ҳанифа, Имом Шофийий ва Имом Аҳмад Ҳанбалий мазҳабларида саждага бораётиб, тиззаларни қўллардан олдин ерга қўйиш буюрилган.

269. Абу Хумайд Ас-Саъидий (розияллоҳу анху дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам саждага борганларида бурунларини ва пешоналарини ерга яхшилаб босар, қўлларини қўлтиқларидан ажратар ва панжаларини елкаларининг тўғрисиغا кўяр эдилар».

Бу бобда Ибн Аббос, Воил ибн Хужр ва Абу Саъид (розияллоҳу анхум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хумайднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир.

Киши пешонаси ва бурниси билан сажда қилмоғи керак. Агар бурнини ердан узиб, фақат пешонаси билан сажда қилса, илм аҳлидан баъзилари сажданинг дуруст эканлигига иқрор бўлишган; баъзилари эса ҳам пешона, ҳам бурун билан сажда қилмагунича, саждаси дуруст бўлмайди, деб айтишади.

201-БОБ

МАВЗУ: КИШИ САЖДАГА БОРГАНДА ЮЗИНИ ҚАЕРГА ҚЎЯДИ?

۲۷۰ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا حَسَنُ بْنُ غِيَاثٍ عَنِ الْجَبَّارِ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ قَالَ: «فَلْتُ لِبَرَاءِ بْنِ طَارِبٍ: ابْنُ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَضَعُ وَجْهَهُ إِذَا سَجَدًا فَقَالَ: بَيْنَ كَفْتَيْهِ».

270. Абу Исҳоқдан ривоят қилинди; айтди: «Барро ибн Озибдан: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда қилганларида юзларини қаерга кўяр эдилар?»деб сўрадим. «Икки қўлларининг орасига», деди.

Бу бобда Воил ибн Хужр ва Абу Хумайд (розияллоҳу анхумо)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Барронинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

Баъзи илм аҳли шунини ихтиёр этишган. Яъни (саждада) қўллари кулоқларига яқин туришини маъқуллашган.

202-БОБ

**МАВЗУ: ЕТТИТА АЪЗО БИЛАН САЖДА
ҚИЛМОҚ**

٢٧١ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا بَكْرُ بْنُ مُصَرِّعٍ عَنْ ابْنِ الْمَدَائِدِيِّ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْرَائِيلَ عَنْ عَلِيِّ بْنِ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ عَنِ الْمُبَارِقِيِّ بْنِ عَبْدِ الطَّلِبِ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِذَا سَجَدَ الْعَبْدُ سَجْدًا مَعَهُ سَبْعَةُ أَرَابٍ: وَجْهَهُ وَكَفَاهُ وَرُكْبَتَاهُ وَقَدَمَاهُ.»

271. Ал-Аббос ибн Абдулмуттолиб (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди; у Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитган: «Банда сажда қилганида у билан бирга еттита аъзоси сажда қилади: юзи, икки қўли, икки тиззаси, икки оёғи».

Бу бобда Ибн Аббос, Абу Хурайра, Жобир ва Абу Саъид (розияллоҳу анхум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир».

٢٧٢ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ مَرْوَانَ بْنِ دَبْلَانَ عَنْ طَاوُسٍ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: «أَمَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يَسْجُدَ عَلَى سَبْعَةِ أَعْضَاءٍ وَلَا يَكُفُّ شَعْرَهُ وَلَا يَنْبِأَهُ.»

272. Ибн Аббос (розияллоҳу анхумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга етти аъзо билан сажда қилмоқлик, соч ва кийимларни орқага қайтармаслик буюрилди».¹⁵⁴

¹⁵⁴Ерга тегмасин деб сочини ва кийимини орқага қайтармаслик ва шимармоқлик назарда тутилади. Ҳадиснинг зоҳир маъноси, бу ҳаракатлар намоз асносида қилинмаслиги кераклигини аңлатади. Қози Йёз, намозга киришдан олдин ва намоз асносида ҳам бундай ҳаракат макруҳ эканлигини айтади ва бу барчанинг қавли эканлигига ишорат қилади. Ҳофиз Ибн Ҳажар бундай дейди: «Бу ҳаракат намозни фосид қилмаслиги устида бир тўхтамга келганлар. Аммо Ибнул-Мунзир, Ҳасандан нақл этиб, намозни иода қилиши (қайта

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

203-БОБ

МАВЗУ: САЖДАДА ҚЎЛЛАРНИ

ҚЎЛТИҚЛАРДАН АЖРАТМОҚ

۲۷۳ — حدثنا أبو كريب حدثنا أبو خالد الأحمر عن داود بن قيس عن عبيد الله بن عبد الله بن أنس المزني عن أبيه قال: كنت مع أبي بفتح من نيرة فزيت ركبته ، فإذا رسول الله صلى الله عليه وسلم قام يصلي قال فكنت أنظر إلى عفرتي إنبطيت إذا سجد وأرى يافته .

273. Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Арқом Ал-Хузозий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Отам билан бирга Намийра водийсида эдим. Бир қофила (карвон) дуч келди. Қарасам, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга турган эканлар» (Абдуллоҳ) айтди: «Сажда қилганларида қўлтиқларига назар ташладим, қўлтиқ остларининг оппоқлиги кўриниб турар эди».¹⁵⁵

Бу бобда Ибн Аббос, Ибн Бухайна, Жобир, Аҳмар ибн Жазъ, Маймуна, Абу Ҳумайд, Абу Усайд, Абу Масъуд, Саҳл ибн Саъд, Муҳаммад ибн Маслама, Ал-Барро ибн Озиб, Адий ибн Амира ва Оиша (онамиз) (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абдуллоҳ ибн Арқомнинг ҳадиси - ҳасан. Бу ҳадисни ёлғиз Довуд ибн Қайснинг ривоятидан биламиз. Абдуллоҳ ибн Арқомнинг, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан, шундан бошқа ҳадис ривоят қилгани маълум эмас.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир.

ўқиши) лозим бўлади, дейди. Бунинг ҳикмати эса ушбундир: Ерга тегмасин деб кийинини ва сочини орқага қайтариш билан мутакаббир кишиларга ўхшаб қолади».

¹⁵⁵ Ҳадис қўлларни қўлтиқлардан ажратиш кераклигига далолат қилади. Чунки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини биқинларига ёпиштирган бўлсалар эди, қўлтиқлари тагини кўриш мумкин бўлмасди.

Аҳмар ибн Жазъ – Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлиб, бир қанча ҳадиси бор.

Абдуллоҳ ибн Арқом аз-Зухрий – Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу)нинг котиби. Абдуллоҳ ибн Арқом Ал-Хузозийга келсак, унинг Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривояти сифатида битта шу ҳадис маълум.

204-БОБ

МАВЗУ: САЖДАДА МЎЪТАДИЛЛИК

۲۷۴ - حَدَّثَنَا هَنَادٌ أَبُو مَعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنِ أَبِي سَفْيَانَ عَنِ جَابِرِ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا سَجَدَ أَحَدُكُمْ فَلْيَعِدُّ لِقَلْبِهِ وَلَا يَفْتَرِشْ ذِرَاعَيْهِ إِنْ تَرَشَّ الْكَلْبِ» .

274. *Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бирортангиз сажда қилганда мўътадил (ўртача) сажда қилсин. Ит ётиш қилиб билақларини ерга чўзиб олмасин».*

Бу бобда Абдуррахмон ибн Шибл, Ал-Барро, Анас, Абу Хумайд ва Оиша (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Жобирнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Саждада мўътадилликни маъқуллаб, йиртқич хайвонлардек чўзилиб олишни макруҳ деб ҳисоблайдилар.

۲۷۵ - حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ عَمِيْلَانَ أَخْبَرَنَا أَبُو دَاوُدَ أَخْبَرَنَا شُعْبَةُ عَنِ قَتَادَةَ قَالَ: سَمِعْتُ أَنَسًا يَقُولُ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «اعْتَدِلُوا فِي السُّجُودِ وَلَا يَبْسُطَنَّ أَحَدُكُمْ ذِرَاعَيْهِ فِي الصَّلَاةِ بَسَطَ الْكَلْبِ» .

275. *Қатода (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Анасдан эшитдимки, Расулulloҳ сал-*

лаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Саждада мўътадил (ўртача) бўлингизлар. Бирортангиз намозда, ит чўзилганига ўхшаб, билакларни ерга чўзиб олмасин».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

205-БОБ

**МАВЗУ: САЖДАДА ҚЎЛЛАРНИ ЕРГА
ҚЎЙМОҚ ВА ОЁҚЛАРНИ ТИК
ТУТМОҚ**

۲۷۶ — حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ بْنُ أَسِيدٍ أَخْبَرَنَا
وَهَبٌ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَجَلَانَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْرَائِيلَ عَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدٍ عَنْ أَبِيهِ :
« أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَ بِرُضْعِ الْيَدَيْنِ وَنَضْبِ الْقَدَمَيْنِ » .

276. Омир ибн Саъднинг отасидан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қўл (кафтлари)ни ерга ётқизмоқни ва икки оёқни тик тутмоқни буюрдилар».

۲۷۷ — قَالَ عَبْدُ اللَّهِ : وَقَالَ اللَّيْثُ : أَخْبَرَنَا حَمَّادُ بْنُ مَسْعَدَةَ عَنْ مُحَمَّدِ
ابْنِ عَجَلَانَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْرَائِيلَ عَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدٍ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
أَمَرَ بِرُضْعِ الْيَدَيْنِ » فَذَكَرَ نَحْوَهُ ، وَلَمْ يَذْكُرْ فِيهِ « عَنْ أَبِيهِ » .

277. Омир ибн Саъддан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам (саждада) икки қўлни (кафтлари) ётқизмоқни буюрдилар». Бунда ўша ҳадис айнан зикр этилган, аммо «отасидан» деб зикр қилинмаган.

Яҳё ибн Саъид Ал-Каттон ва мутааддид кишилар Муҳаммад ибн Ажлондан, Муҳаммад ибн Иброҳимдан, Омир ибн Саъддан: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қўл (кафтлари)ни ётқизмоқни ва икки оёқни

тик тутмоқни буюрдилар» деб ривоят қилган ҳадислари – мурсал. Бу ҳадис Вухайбнинг ҳадисидан кўра саҳиҳдир.

Илм аҳли шу ҳадисга тўхталиб, (мутобиқ қолиб) шуни ихтиёр қилганлар.

206-БОБ

**МАВЗУ: САЖДАДАН ВА РУКУЪДАН БОШ
КЎТАРГАНДА БЕЛНИ (ҚОМАТНИ)
ТИК ТУТМОҚ**

۲۷۸ — حدثنا أحمد بن محمد بن موسى أخبرنا ابن المبارك أخبرنا شعبة عن الحكم عن عبد الرحمن بن أبي تيمى عن الزبّاء بن عازب قال : « كانت صلاة رسول الله صلى الله عليه وسلم إذا ركع وإذا رفع رأسه من الركوع ، وإذا سجد وإذا رفع رأسه من السجود قريباً من السواء »

278. Барроъ ибн Озибдан ривоят қилинди: айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозлари, рукуъга борганларида ва рукуъдан бош кўтарганларида, саждага борганларида ва саждадан бош кўтарганларида белларини (қоматларини) типпатик тутмоққа яқин эди».

Бу бобда Анас (розияллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

۲۷۹ — حدثنا محمد بن بشر أخبرنا محمد بن جعفر أخبرنا شعبة عن الحكم نحوه .

279. Муҳаммад ибн Баширдан, Муҳаммад ибн Жаъфардан, Шуъбадан ва Ҳакамдан айни шу ҳадис ривоят қилинган.

Ал-Барронинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

207-БОБ

МАВЗУ: РУКУЪДА ВА САЖДАДА ИМОМДАН
ОЛДИН ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚ
МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

۲۸۰ — حدثنا يندارٌ حدثنا عبد الرحمن بن مهدي - أخبرنا سفيان عن أبي إسحاق عن عبد الله بن يزيد قال : حدثنا البراء - وهو غير كذاب - قال : «كُنَّا إِذَا صَلَّيْنَا خَلْفَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَرَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرُّكُوعِ لَمْ يَتَّخِزْ رَجُلٌ مِنَّا ظَهْرَهُ حَتَّى يَسْجُدَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَتَسْجُدَ .»

280. Ал-Барро (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди; (у киши ёлгон сўзламайди)¹⁵⁶: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида намоз ўқиганимизда у киши рукуъдан бошларини кўтаргач, то саждага бормагунларича бизлардан бирор киши белини эгмас эди, сўнг саждага борар эдик».

Бу бобда Анас, Муовия, Соҳиби Жайш Ибн Масъада ва Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Ал-Барронинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлининг қавли ҳам шу. Имомнинг орқасида турганлар у қилган ҳаракатга тобеъ бўладилар (эргашадилар). Имом рукуъга борганидан кейин рукуъга борадилар ва қад ростлайдилар. Бу хусусда илм аҳли орасида ихтилоф кўрмадик.

«وهو غير كذاب»¹⁵⁶

«У ёлгон сўзламайди» айнан таржимаси – «У ёлгончи эмас») бу таъриф ҳадис ровийлардан бири Абдуллоҳ ибн Язиднинг сўзи бўлиб, Ар-Баррони кўзда тутгани англашилмоқда. Яхё ибн Маййн, бу сўздан Ал-Барро эмас, балки Абдуллоҳ ибн Язиднинг ўзи назарда тутилганини айтади. Чунки Ал-Барро – саҳоба, Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бири ҳақида «У ёлгончи эмас» дейилмайди. Бу ибора фақат адолати, тўғрилигига шубҳа қилинган кишилар ҳақида айтилади. *Ҳолбуки, саҳобаларнинг ҳаммаси (розияллоҳу анҳум) одил, тўғри кишилардир ва кишининг оқловига муҳтож эмасдирлар...

208-БОБ

**МАВЗУ: ИККИ САЖДА ЎРТАСИДА
ТОВОНЛАРНИ ТИКЛАБ ЎТИРМОҚ
МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ**

٢٨١ - حدثنا عبدُ اللهِ بن عبد الرحمن أخبرنا عبيدُ اللهِ بن موسى أخبرنا إسرائيلُ عن أبي إسحاق عن الحارثِ بن عليٍّ قال : قال لي رسولُ اللهِ صلى اللهُ عليه وسلم : « يا عليُّ ، أحبُّ لك ما أحبُّ لنفسِي ، وأكرهُ لك ما أكرهُ لنفسِي ، لا تُفترق بين السجدينِ . »

281. (Ҳазрати) Али (қарромаллоҳу ваҷҳаҳу)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бундай дедилар: «Ё Али! Ўзим учун севган нарсамни сен учун ҳам севарман, ўзим учун ёмон кўрган нарсамни сен учун ҳам ёмон кўрурман; икки сажда ўртасида товларингни тикиб (ўрнатиб) ўтирмагил».¹⁵⁷

Бу ҳадис (Ҳазрати) Али (қарромаллоҳу ваҷҳаҳу)нинг ривоятдан эканлигини ёлғиз Абу Исҳоқнинг Ал-Ҳорис тариқи билан (Ҳазрати) Алидан қилган ривоятдан биламиз. Баъзи илм аҳли бир кўзли Ал-Ҳориснинг заиф эканлигини қайд этишган.

Илм аҳлининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир. Товонларни тикиб (ўрнатиб) ўтирмоқни макруҳ деб ҳисоблаганлар.

¹⁵⁷ «الإتاء» сўзининг тафсирида хийла ихтилоф қилинган.

Ан-Наввий «الإتاء» сўзи икки хил (ўтириш маъносида) эканлигини қабул қилишга мажбурмиз», дейди ва буни қуйидагича изоҳлайди: Биринчиси – итнинг ўтиришидек совларини ерга ёпиштириб, тиззаларини тиклаб, қўлларини ерга ёпиштириб ўтириш ҳолатидирки, ҳадисда манъ этилган нарса шудир. Иккинчиси эса – икки сажда орасида товларни тиклаб (ўрнатиб) ўтирмоқдир». (Бу тафсирдаги биринчи ҳолат (Ҳазрати) Али (қарромаллоҳу ваҷҳаҳу)га) мутлақо хос бўлмаган ҳолатдирки, бу изоҳ кишининг қалбида ҳақли эътироз уйғотади. (Таржимон).

Бу бобда Оиша (онамиз), Анас ва Абу Хурайра (розияллоху анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

209-БОБ

МАВЗУ: ТОВОНЛАРНИ ТИКЛАБ

ЎТИРМОҚҚА РУХСАТ БОРЛИГИ

٢٨٢ — حدثنا يحيى بن موسى أخبرنا عبد الرزاق أخبرنا ابن جريج قال أخبرني أبو الزبير أنه سمع طاووساً يقول : « قلنا لابن عباس في الإغماء على القدمين؟ قال : هي السنة ، قلنا : إنا كنا نراه جفاءً بالرَّجُلِ ؟ قال هي سنة نبيكم .

282.Абуз-Зубайрдан ривоят қилинди; У Товуснинг бундай деганини эшитган: «Ибн Аббосдан товонларни тикиб ўтириш ҳақида сўрадик. «Бу суннат» деди. «Биз буни кишига заҳмат бўлади, деб қараймиз-ку?» дедик. Бу Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатидир», деди».

Бу ҳадис - ҳасан.

Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан айрим илм аҳли шу ҳадисни эгаллашган. Товонларни тикиб ўтирмоқликда зарар йўқ деб ҳисоблайдилар.

Макка аҳлидан айрим олим ва фақиҳларнинг қавли ҳам шундай. Илм аҳлининг кўпчилиги эса икки сажда орасида товонларни тикиб ўтирмоқни макруҳ кўрганлар.

210-БОБ

МАВЗУ: ИККИ САЖДА ЎРТАСИДА ДУО

٢٨٢ — حدثنا سلمة بن شبيب أخبرنا زيد بن حباب عن كامل أبي العلاء عن حبيب بن أبي ثابت عن سعيد بن جبير عن ابن عباس : « أن النبي صلى الله عليه وسلم كان يقول بين السجدين : اللهم اغفر لي وارحمني واجبرني وانصرتني وارزقني .

283. Ибн Аббос (розияллоҳу аңху)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки

сажда ўргасида: «*اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي وَارْحَمْنِي وَاجْبُرْنِي وَاهْدِنِي وَأَرْزُقْنِي*» («Аллоҳумма-мағфирлий, варҳамний, ва-жбурний, ваҳдиний, ва-рзуқний»¹⁵⁸ дер эдилар».

۲۸۴ — حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ أَخْلَطُ أَخْبَرَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ عَنْ زَيْدِ بْنِ حَبَابٍ عَنْ كَامِلِ أَبِي الْعَلَاءِ : نَحْوَهُ

284. Ал-Ҳасан ибн Али Ал-Холлоддан, Язид ибн Хорундан, Зайд ибн Ҳубобдан, Комил Абул-Аълодан ривоят қилинди. Ўтган ҳадиснинг эгизи.

Бу ҳадис ғариб бўлиб, Алидан шу тарзда ривоят қилинган.

Имоми Шофиъий, имоми Аҳмад ва Исоҳқнинг қавли шу. Хоҳ фарз, хоҳ нафл намозида бўлсин, буни жоиз деб ҳисоблайдилар. Баъзилар эса бу ҳадисни Комил Абул-Аълодан мурсал тарзида ривоят қилган.

211-БОБ

МАВЗУ: САЖДАДА ТАЯНМОҚ

۲۸۵ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا الْيَاقُوتُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنْ سَمِيِّ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ أَبِي سَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : « اشْتَبَكَ أَحْمَابُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَشَقَّةَ السُّجُودِ عَلَيْهِمْ إِذَا تَفَرَّجُوا قَتَالَ : اسْتَمِينُوا بِالرُّكْبِ » .

285. Абу Ҳурайра (розияллоҳу аңху)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам-

¹⁵⁸ «Аллоҳим! Мени мағфират қил, менга раҳм қил, айбимни кетказ, ҳидоят қил ва ризқлантир!».

нинг саҳобалари очилганларида (қўларини биқиндан ажратиб, тирсақларни ердан олганларида) сажданинг машаққатли бўлишидан шикоят қилишди. *Шунда (Расули Акрам): «Тиззалар билан ёрдамлашингизлар»* дедилар.

Бу ҳадис, Абу Солиҳнинг Абу Хурайрадан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривояти эканлигини бу жиҳатдан, Лайснинг Ибн Ажлондан қилган ривоятдан билаётирмиз. Суфён ибн Увайна ва бошқалар бу ҳадисни Сумайдан, Нуъмон ибн Аби Аййашдан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилишган. Буларнинг ривояти Лайснинг ривоятдан кўра саҳиҳроқ кўринади.

212-БОБ

МАВЗУ: САЖДАДАН ҚИЁМГА ТУРМОҚ

٢٨٦ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ أَخْبَرَنَا هُثَيْمٌ عَنْ خَالِدِ بْنِ الْحَدَّادِ عَنْ أَبِي قِلَابَةَ عَنْ مَالِكِ بْنِ الْحُوَيْرِثِ النَّبِيِّ: «أَنَّ زَايَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي، فَكَانَ إِذَا كَانَ فِي وَتْرٍ مِنْ صَلَاتِهِ لَمْ يَنْهَضْ حَتَّى يَسْتَوِيَ جَالِسًا.»

286. Молик ибн Ал-Хувайрис Ал-Лайсийдан ривоят қилинди: «У Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни намоз ўқиётганларида кўрди: у киши намоздан тоқ рақъатни ўқиганларида, бир оз ўрнашиб ўтирмасдан қиёмга турмас эдилар».¹⁵⁹

¹⁵⁹Яъни, биринчи ва учинчи рақъатларда бироз ўрнашиб ўтирмасдан ўринларидан турмас эдилар. Бунинг номи истироҳат ўтириш дейилади. Имоми Шофийий ва ҳадисчилардан бир гуруҳи шу қавлга эга бўлишган. Лекин аксарият фақиҳлар ва Ҳанафий мазҳаби уламоси бу истироҳат ўтирмоқликни қабул қилмаганлар. Термизий, «Биродарларимизнинг қавли ҳам шудир», деганда —

Молик ибн Ал-Хувайриснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Биродарларимизнинг қавли ҳам шудир.

213-БОБ

МАВЗУ: ЎТГАН МАСАЛА

٢٨٧ — حدثنا يحيى بن موسى أخبرنا أبو معاوية ، أخبرنا خالد
ابن إلياس .

«ويقال خالد بن إلياس ، عن صالح مولى التوامة ، عن أبي هريرة قال : «كان
النبي صلى الله عليه وسلم ينهض في الصلاة هل صدور قدسيه .»

287.Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда (тоқ рақъатларда) икки оёқларининг сирти ерга тегмасдан, (яъни ўтирмасдан) қиёмга турар эдилар».¹⁶⁰

Илм аҳлининг амали Абу Хурайранинг ҳадиси асосидадир: Киши намознинг тоқ рақъатларида (биринчи ва учинчи рақъатда) оёқларининг сиртини ерга теккизмасдан қиёмга туради, деб ихтиёр қилганлар. Холид ибн Иёс, муҳаддислар фикрича заифдир. Уни Холид ибн Илёс ҳам дейишади. Ат-Тавъаманинг мавлоҳси (озод этилган қули) Солиҳ - Солиҳ ибн Абу Солиҳдир. Абу Солиҳнинг исми – Набҳон Маданий.

муҳаддисларни назарда тутганлар. (Кейинги 287-ҳадисга ва 160-изохга диққат қилинг).

¹⁶⁰Истироҳат жалсаси (ўтириш)ни қабул қилмаган Ҳанафий олимлар шу ҳадис билан истиддол қиладилар (далиллайдилар). Ҳадис Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтирмасдан қиёмга турганларига далолат қилади.

214-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗДА ТАШАХХУД

۲۸۸ - حدثنا يعقوبُ بن إبراهيمَ الدورقيُّ أخبرنا عبيدُ الله الأَشَجِيُّ عن سفيانِ الثوريِّ عن أبي إسحاقَ عن الأسودِ بن يزيدَ عن عبد الله بن مسعود قال : « عَلِمْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَدَّمْنَا فِي الرُّكُوعَيْنِ أَنْ نَقُولَ : التَّحِيَّاتُ لِلَّهِ ، وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّبَاتُ ، السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ ، السَّلَامُ عَلَيْنَا وَهَلْ عِبَادَ اللَّهِ الصَّالِحِينَ ، أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ . »

288. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розиаллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бизларга ҳар икки ракъат оралиғида ўтирганимизда бундай деб айтмоқни ўргатдилар:

التَّحِيَّاتُ لِلَّهِ ، وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّبَاتُ
السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ ، السَّلَامُ عَلَيْنَا وَهَلْ عِبَادَ اللَّهِ
الصَّالِحِينَ ، أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ»¹⁶¹
(«Ат-тахиййату лиллаҳи, вас-солавату ват-тоййибат. Ас-саламу ғалайка аййухан-набиййу ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Ас-саламу ғалайна ва ғала ғибадиллаҳис-солиҳийн. Ашҳаду анла илаҳа иллаллоху ва ашҳаду анна Муҳаммадан ғабдуху ва росулух».¹⁶¹

¹⁶¹Маъноси: «Таъзим – таҳиййати, барча тоат-ибодатлармиз ва мадху олқишларимиз Аллоҳга бўлсин! Эй Пайғамбар! Сенга саломлар, Аллоҳнинг раҳмати ва барокати бўлсин! Саломлар бизга ва Аллоҳнинг барча солиҳ бандаларига бўлсин! Мен шохидлик бераманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Ва мен шохидлик берманки, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир». «Ат-тахиййот» Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламдан шу ҳолда баён қилинган., «Саҳиҳи Бухорий»нинг «Азон» бобида бу ҳадис Абу Маъмар тариқи билан Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинган. «Ташаххуд» ҳадисини баён қилгач, у: «Пайғамбар орамизда бўла туриб шундай дер эдик, аммо вафотларидан кейин: Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламга саловат айтадиган бўлдик», дейди.

Бу бобда Ибн Умар, Жобир, Абу Мусо ва Оиша (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Масъуднинг ҳадиси ундан бир қанча важдан ривоят қилинган. Ташаҳхуд борасида Набий саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилинган энг саҳиҳ ҳадис шудир.

Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийдан бўлмиш илм аҳллари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир.

Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

215-БОБ

МАВЗУ: ЎТГАН МАВЗУ (ЯЪНИ ТАШАҲХУД)

٢٨٩ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ عَنْ سَمِيعِ بْنِ جَبْرِ
وِطَاوُسٍ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ : « كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُتْلِنَا التَّشَهُدَ
سَمَا يُتْلِنَا الْقُرْآنَ ، فَكَانَ يَقُولُ : الدَّعِيَّاتُ الْمُبَارَكَاتُ الصَّلَوَاتُ الْعُلْيَا تُلِيهِ ،
سَلَامٌ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ ، سَلَامٌ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ ،
أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ . »

Илова: Ҳазрати шайх Муҳаммад Кўтқу «Аҳли суннат вал-жамоат» китобининг Алиййул Қори ҳазратларининг шарҳига асосланган «Шарҳи Омолий» қисмида Таҳиййот аслида Мерож воқеаси эканлигини баён қилганлар. «Ат-таҳиййату лиллаҳи ва соловату ват тоййибат» – ўша Мерож кечасида Ҳазрати Пайғамбармиз Аллоху таолога юзланиб айтган таҳиййатдир. «Ас-саламу ғалайка аййуханнабиййу ва роҳматуллоҳи ва баракатуҳ» жумласи эса Аллох таолонинг ўз ҳабибига жавобидир. Шунда Пайғамбар жанобимиз: «Ас-саламу ғалайна ва ғала ъбадиллаҳис-солиҳийн!» (Аллоҳнинг саломи бизга ва барча солиҳ бандаларига бўлсин!) деб умуман барча солиҳ бандаларига ҳам саломни ёйдилар. Бу эса ул зотнинг улуғлиги аломатини намоён этади. «Ашҳаду анла илаҳа иллаллоху ва ашҳаду анна Муҳаммадан ғабдуху ва росулух» шаҳодати эса фаришта Жаброил алайҳиссаломнинг шаҳодатидир». (95-саҳифа).

289. Ибн Аббос (розиаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга худди Куръон ўргатгандек ташаххудни ўргатар эдилар ва бундай дер эдилар:

التَّحِيَّاتُ

لِلْبَارِكَاتِ الصَّلَوَاتِ الطَّيِّبَاتِ اللَّهُ، سَلَامٌ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ، سَلَامٌ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ، أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ»¹⁶²

(«Ат-тахийятул-муборакатус-салаватут-тоййибату лиллаҳи. Саламун алайка аййуан-набиййу ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Саламун алайна ва ʼала ʼабадиллаҳис-солиҳийн. Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва расулуҳ»).¹⁶²

Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Абдурахмон ибн Хумайд Ар-Руосий бу ҳадисни Лайс ибн Саъднинг ривоятидек, Абуз-Зубайрдан ривоят қилган.

Аймон ибн Нобил Ал-Маккий бу ҳадисни Абуз-Зубайрдан, Жобирдан ривоят қилган. Бу эса маҳфуз эмас.

Имоми Шофиъий Ибн Аббоснинг ташаххуд бора-сидаги ҳадисини танлаган.

216-БОБ

МАВЗУ: ТАШАХХУДНИ МАХФИЙ ӲҚИМОҚ

٢٩٠ — حدثنا أبو سعيد الأشجّ أخبرنا يونس بن بكّير عن محمد بن إسحاق

عن بصير الرحمن بن الأستود عن أبيه عن ابن مسعود قال : « من التفت أن يحقّ التستود » .

¹⁶²«Муборак, чексиз ва нуқсонсиз таъзим таҳийятлар, тоат-ибодат ва мадҳу олқишларимиз Аллоҳга бўлсин!». (Қолгани 161-изоҳдагидек).

290. Ибн Масъуд (розиаллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Ташаххудни махфий айтмоқ суннатдир».

Ибн Масъуднинг ҳадиси ҳасан ва ғариб. Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир.

217-БОБ

МАВЗУ: ТАШАХХУД УЧУН ҚАНДАЙ ЎТИРИЛАДИ?

٢٩١ — حدثنا أبو كريبٍ أخبرنا عبدُ الله بن إدريسَ عن عاصم بن كَثيبٍ عن أبيه عن وائلِ بنِ حجرٍ قال : « قَدِمْتُ الْمَدِينَةَ ، قُلْتُ : لَا تُنْظَرَنَّ إِلَى صَلَاةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَلَا جُلْسَ - يَعْنِي لِتَشْهَدَ - أَفْتَرَسَ رِجْلَهُ الْيُسْرَى ، وَوَضَعَ يَدَهُ الْيُسْرَى - يَعْنِي عَلَى فَخِذِهِ الْيُسْرَى - وَنَصَبَ رِجْلَهُ الْيُمْنَى . »

291. Воил ибн Хужр (розиаллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг намозларини кўраман, деб Мадинага келдим. Ўтирганларида — яъни ташаххуд учун ўтирганларида — чап оёқларини ётқизиб, чап қўлларини қўйдилар — яъни чап сонларининг устига қўйдилар, — ўнг оёқларини тик тутдилар (чап оёқларининг устига ўтирдилар)».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир.

Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак ва Куфа фақиҳларининг қавли шудир.

218-БОБ

МАВЗУ: ЎТГАН МАВЗУ (ЯЪНИ
ТАШАХХУДГА ЎТИРМОҚ)

۳۹۴ — حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ أَخْبَرَنَا أَبُو عَامِرٍ السَّعْدِيُّ أَخْبَرَنَا فَتَيْحُ بْنُ سُلَيْمَانَ
الْدَّقِيُّ أَخْبَرَنَا عَبَّاسُ بْنُ سَهْلٍ السَّعْدِيُّ قَالَ : « اجْتَمَعَ أَبُو نُجَيْدٍ وَأَبُو أُسَيْدٍ وَسَهْلُ
ابْنِ سَعْدٍ وَعُمَرُ بْنُ مَسْلَةَ ، فَذَكَرُوا صَلَاةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَالَ
أَبُو نُجَيْدٍ : أَنَا أَعْلَمُكُمْ بِصَلَاةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، إِنَّ رَسُولَ
لِلَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَلَسَ - يَمِينِي لِلشَّهَادَةِ - فَاقْتَرَشَ رِجْلَهُ الْيُسْرَى ، وَأَقْبَلَ
بَصَدْرَ الْيَمِينِي عَلَى قِبْلَتِهِ ، وَوَضَعَ كَفَّهُ الْيَمِينِي عَلَى رُكْبَتِهِ الْيَمِينِي ، وَكَفَّهُ الْيُسْرَى
عَلَى رُكْبَتِهِ الْيُسْرَى ، وَأَشَارَ بِأَصْبُعِهِ ، يَمِينِي السَّبَابَةَ . »

292. Аббос ибн Саҳл Ас-Содиийдан ривоят қилинди; айтди: «Абу Хумайд, Абу Усайд Саҳл ибн Саъд ва Муҳаммад ибн Маслама тўпланишиб, Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламнинг намозларини музокара қилдилар. Абу Хумайд айтди: Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламнинг намозларини энг яхши билган кишингиз менман. Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам ташаххудга (мана бундай) ўтирдилар: чап оёқларини (букиб) ётқизиб (устига ўтирдилар), ўнг оёқларининг сиргини (устини) қиблага қаратдилар, ўнг қўлларини ўнг тиззалари устига, чап қўлларини чап тиззалари устига қўйдилар, бармоқлари, яъни шаҳодат бармоқлари билан ишора қилдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳлининг қавли шу.

Шунингдек, бу Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг ҳам қавлидир. Фақатгина охирги ташаххудда сонлари устига ўтиради, дейдилар. Абу Хумайднинг ҳадисига таяниб, биринчи ташаххудда ўнг оёқни тиклаб, чап оёғи устига ўтирмоқни қабул қилишган.

219-БОБ

МАВЗУ: ТАШАХХУДДА БАРМОҚНИ
КЎТАРМОҚ

٣٩٣ — حدثنا محمود بن غيلان ويحيى بن موسى قالا أخبرنا عبد الرزاق
عن مغيرة عن عبيد الله بن عمر من نافع عن ابن عمر: « أن النبي صلى الله عليه
وسلم كان إذا جلس في الصلاة وضع يده اليمنى على ركبته ورفع أصبته التي تلي
الإبهام يدها، ويده اليسرى على ركبته باسطها عليه » .

293. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ташаххудга) ўтирганларида ўнг қўларини тиззалари устига қўяр, дуо қиларкан, бош бармоқларидан кейинги (шаҳодат) бармоқларини кўтарар эдилар, чап қўларини ёйиб тиззаларининг устига қўяр эдилар».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Аз-Зубайр Ал-Хузобий, Абу Ҳурайра, Абу Ҳумайд ва Абу Воил ибн Хужр (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-ғариб. Бу ҳадис Убайдуллоҳ ибн Умарнинг ривоятидан эканлигини ёлғиз шу жиҳатдан биламиз.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва* салламнинг саҳобаларидан ва тобиийндан айрим илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Ташаххудда бармоқни кўтармоқни ихтиёр этганлар.

Биродарларимизнинг қавли ҳам шудир.

*Ишоран сабоба Ҳанафий мазҳабида суннат, аммо ташаххудда бош бармоқ билан ўрта бармоқ боши бириктирилиб, халқа қилинади ва «ла илаҳа...» дейилганда шаҳодат бармоғи кўтарилади. (Савияда, эътиқод билимида ҳамма баробар эмас. Тўғри бажара олмаслик хавфи борлиги учун бўлса керак, баъзи китобларда ишорани макруҳ деб, ҳатто ҳаром деб ижтиҳод қилинган). Ҳозир баъзи биродарларимизда кўрилатган бармоқ айлантириш, ликкиллатиш каби ҳаракатлар эса хатодир.

220-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗДА САЛОМ

٢٩٤ — حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ سُوَيْدٍ أَخْبَرَنَا شُعْبَانُ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ عَنْ أَبِي الْأَحْوَسِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَنَّهُ كَانَ يُسَلِّمُ عَنْ يَمِينِهِ وَعَنْ بَاسِئِهِ : السَّلَامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَالسَّلَامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ .

294.Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ, Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ» деб ўнг томонларига ва чап томонларига салом берар эдилар».

Бу бобда Саъд ибн Аби Ваққос, Ибн Умар, Жобир ибн Самура, Ал-Барро, Аммор, Воил ибн Хужр, Адий ибн Омира ва Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Масъуднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳли кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир.

Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

221-БОБ

МАВЗУ: ЎТГАН МАВЗУ

٢٩٥ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَحْيَى النَّيْسَابُورِيُّ أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي سَلَمَةَ عَنْ وَهْبِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَائِشَةَ : « أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُسَلِّمُ فِي الصَّلَاةِ تَسْلِيمَةً وَاحِدَةً يَتْلَاهَا وَجْهَهُ ، ثُمَّ يَمِيلُ إِلَى الشِّقِّ الْأَيْمَنِ تَسْلِيمًا

295.Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда тўғриларига қараб битта салом берар эдилар, кейин ўнг томонларига озгина мойил бўлар эдилар».

Бу бобда Саҳл ибн Саъддан ҳадис ривоят қилинган.

Оиша (розияллоҳу анҳонинг ҳадисини марфуъ сифатида ёлғиз шу ваҳддан биламиз.

Муҳаммад ибн Исмоъил (Ал-Бухорий): «Шом халқи Зубайр ибн Муҳаммаддан мункар ҳадислар ривоят қилишади; ирокликларнинг ундан қилган ривояти мақбулроқ», дейди.

Муҳаммад, Аҳмад ибн Ханбалдан нақл этиб, бундай дейди: «Худди, улар (Шом халқи)нинг олдига келган Зухайр ибн Муҳаммад Ирокда (ҳадислар) ривоят қилган киши эмасдек, гўёки у номи бошқа қўйиб олинган кишидекдир»... Айрим илм аҳллари намозда салом бермоқ ҳақида бундай дейдилар: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан келган ривоятларнинг энг тўғриси – икки саломдир». Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан илм арбоблари ва саҳобаларидан кейин келган тобиъийн уламосининг кўпчилиги шуни (икки саломни) таржиҳ этганлар (маъқуллаганлар)».

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобиъийндан ва бошқалардан баъзи кишилар, фарз намозларида бир салом берилади, деган фикрдалар.

Шофиъий: хоҳласа бир салом, хоҳласа икки салом беради», дейди.

222-БОБ

МАВЗУ: САЛОМНИ ЧЎЗМАСЛИК СУННАТ ЭКАНЛИГИ

٢٩٦ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ جُبَيْرٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ وَالْمِقْلُ بْنُ زَيْلَادٍ
عَنِ الْأَوْزَاعِيِّ عَنْ قُرْبَةَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ أَبِي سَلَمَةَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ
قَالَ: «حَدَّثَنَا السَّلَامُ سَعْدٌ.»

296.Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Саломни ҳазф қилмоқ (мад қилган ҳолда чўзмаслик) суннатдир».

Али ибн Хужр, ушбу ҳадисни Ибнул-Муборак бун-

дай деб тафсир қилганини айтади: «Яъни саломни мад қилган ҳолдэ чўзмасликдир».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илим аҳли шуни мустаҳаб кўрган.

Иброҳим Ан-Наҳойидан бундай деб айтгани ривоят қилинган: «Такбир — жазм ва салом жазмдир».¹⁶³ (Қатъий ва аниқ).

Ҳикл — Ал-Авзоъийнинг котиби эканлиги айтилади.

223-БОБ

МАВЗУ: САЛОМДАН КЕЙИН ҲАҚИЛАДИГАН ДУО

٢٩٧ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ حَنْبَلٍ حَدَّثَنَا أَبُو مَعَاوِيَةَ عَنْ عَامِرِ بْنِ الْأَحْوَلِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْحَارِثِ بْنِ عَائِشَةَ قَالَتْ: «كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا سَلَّمَ لَا يَقْدُمُ إِلَّا بِمِقْدَارِ مَا يَقُولُ اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلَامُ ، وَمِنْكَ السَّلَامُ ، تَبَارَكْتَ ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ .»

297. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам

салом бергач, اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلَامُ ، وَمِنْكَ السَّلَامُ ، تَبَارَكْتَ ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ » («Аллоҳумма анта-с-салом ва минка-с-

¹⁶³ Яъни такбир ва саломда мад қилинмайди ва охири сокин (сукунли) қилинади. Ҳофиз ибн Ҳажар, «Ат-талхис», (184-саҳифа)да бундай дейди: «Саломни ҳазф қилмоқнинг маъноси — уни қаттиқ айтмоқдир». «Салом — жазмдир» сўзидан кўзда тутилган маъно ҳам шудир. (Жазм — қатъий, аниқ, муқаррар маъносидадир. (Таржимон).

салом, таборақта, зал-жалали вал-икром») дейдиган миқдорда ўлтирар эдилар, холос».¹⁶⁴

٢٩٨ - حَدَّثَنَا هَنَّادٌ حَدَّثَنَا مَرْوَانُ بْنُ مَعَاوِيَةَ وَأَبُو مَعَاوِيَةَ عَنْ عَامِرِ
الْأَسْوَدِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ نَعْوَهُ، وَقَالَ: «تَبَارَكَتْ يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ»

298.Ханнод, Марвон ибн Муовиядан, Абу Муовиядан, Осимдан, худди шу иснод билан ўтган ҳадисни бизга баён этди ва: «*تباركت يا ذا الجلال والإكرام*» («Таборақта йа зал-жалали ва икром») деб айтди.

Бу бобда Савбон, Ибн Умар, Ибн Аббос, Абу Саъид, Абу Хурайра ва Ал-Муғййра ибн Шувба (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

.Оиша (онамиз)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам намоздан кейин:

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْخَلْقُ يُحْيِي وَيُمِيتُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ الْإِنَّمِ لَا يَمَانَعُ لَنَا أَنْعَطَيْتْ وَلَا مُنْعَى لَنَا مَنَنْتْ وَلَا يَنْفَعُ ذَا الْجِدِّ بِنِكَ أَجَلًا

(«Ла илаҳа иллагаллоху ваҳдаду ла шарика лах, лахул мулку ва лахул ҳамду, йухийй ва йумийту ва ҳува ʔала кулли шайин қодир! Аллоҳумма ла мааниʔа ли-ма аʔтойта, ва ла муʔтийа ли-ма манаʔта, ва ла йанфаʔу зал-жадди минка-л-жадду»)¹⁶⁵ деб айтганлари ривоят

¹⁶⁴«Ё Аллоҳим! Салом (офат ва айблардан мубарро, холи) Сенсан, саломат Сендандир (бергувчи ҳам, олгувчи ҳам Сенсан). Эй Жалол ва икром соҳиби! Сен таборақсан – Сенинг қудсиятинг олий ва тенгсиздир!»

¹⁶⁵Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. У якка-ю ягонадир, шериги йўқ, мулк Униқидир, ҳамд Унга хосдир. У тирилтиргай ва ўлдиргай. У ҳар ишга қодир зотдир! Ё Аллоҳим! Сен ато этган нарсани ҳеч ким манʔ этолмас. Сен манʔ этган нарсани ҳеч ким ато этолмас.

қилинган.

Шунингдек, саломдан кейин:

« سبحان ربك رب العزة عما يصفون وسلام على المرسلين والحمد لله رب العالمين . »

(Субҳана Роббика Роббил-ъиззати ʻамма йасифун ва саламун ʻалал-мурсалийн, вал-ҳамдулиллаҳи Роббил ʻаламийн)¹⁶⁶ деганлари ҳам ривоят қилинган.¹⁶⁷

۲۹۹ — حدثنا أحمد بن محمد بن موسى قال أخبرني ابن المبارك حدثنا الأوزاعي أخبرنا شداد أبو همام قال حدثني أبو أسامة الزحبي قال حدثني ثوبان مولى رسول الله صلى الله عليه وسلم قال : « كان رسول الله صلى الله عليه وسلم إذا أراد أن يتصرف بين صلاتي صلاتي ثلاث مرات ثم قال : أنت السلام وميتك السلام تبركت إذا الجلال والإكرام . »

299.Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мавлоси (озод этилган қули) Савбондан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни адо қилиб қайрилмоқчи бўлганларида уч марта истиғфор айтар эдилар, кейин эса:

« أَنْتَ السَّلَامُ وَمَيْتِكَ السَّلَامُ تَبَارَكْتَ يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ . » («Антас-салом ва минка-с-салом, таборақта йа зал-жалали вал-икром») дер эдилар.

(Сенинг ҳузурингда) куч-қувватли кимсанинг куч-қувватидан наф йўқ!(Ҳақат солих амаллари унга фойда бериши мумкин).

¹⁶⁶Иzzат (қудрат ва ғолиблик) Роббиси бўлмиш сенинг Роббинг (Парвардигоринг) уларнинг сифатларидан пок зотдур. (Барча) Расулларга (Аллоҳдан) салом бўлгай! Ҳамду санолар – бутун оламлар Парвардигори Аллоҳ учундир.

¹⁶⁷Бу ҳадис «Мажмаъ-уз-завоид» китобида (2/147-148) Абу Хурайранинг Абу Саъид Ал-Худрийдан қилган ривояти сифатида таҳриж қилинган ва кишиси (ровийси) сиқа (ишончли) эканлиги қайд этилган.

Бу ҳадис саҳиҳ.

Абу Амморнинг исми – Шаддод ибн Абдуллоҳ.

224-БОБ

**МАВЗУ: ЁНГ ТОМОН БИЛАН ЁКИ ЧАП
ТОМОН БИЛАН ЎТИРИЛМОҚ**

۳۰۰ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ عَنْ يَمَّاكِ بْنِ حَرْبٍ عَنْ قَبِيصَةَ
ابْنِ هُلَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ قَالَ : « كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا قَتَمَتْهُ
هَلْ جَانِبَيْهِ جَمِيعًا عَلَى تَيْمِنِهِ وَعَلَى شِمَالِهِ » .

300.Қобийса ибн Хулбнинг отасидан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга имом бўлар эдилар ва (намозни битиргач), ҳар икки томонлари билан: ёнғ томонлари билан ҳам, чап томонлари билан ҳам (меҳробдан) қайрилаверад эдилар».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд, Анас, Абдуллоҳ ибн Умар ва Абу Хурайра (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Хулбнинг ҳадиси ҳасан.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир.

(Имом) икки томоннинг биронтаси билан қайрилиши мумкин. Хоҳласа ёнғ томони, хоҳласа чап томони билан қайрилади.

Ҳар икки ҳадис ҳам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ тарзида ривоят қилинган.

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу)дан бундай деб айтганлари ривоят этилади: «Ҳожати ёнғ томондан бўлса, ёнғ томони билан туради. Агар ҳожати чап томондан бўлса, чап томони билан қайрилади».

225-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗНИНГ СИФАТИ

۳۰۱ — حدثنا علي بن حُبَيْرٍ حدثنا إسماعيل بن جعفر عن يحيى بن علي بن يحيى بن خلاد بن رافع الزُرِّيِّ عن جده عن رِفاعَةَ بنِ رافعٍ « أن رسول الله صلى الله عليه وسلم بيئماً هو جالسٌ في المسجد يوماً ، قال رِفاعَةُ : ونحن معه . إذ جاءه رجلٌ كالأبديريِّ ، فصلى ، فأخفَّ صلاته ، ثم انصرف فلم يَلَى النبي صلى الله عليه وسلم فقال النبي صلى الله عليه وسلم : وهلكك ، فأرجع فصل فإنك لم تُصَلِّ فارجع فصل ، ثم جاء فصله عليه ، فقال : وهلكك ، فأرجع فصل فإنك لم تُصَلِّ ، مرتين أو ثلاثاً ، كُنْ ذلك يَأَيُّ النبي صلى الله عليه وسلم فبَسَمُ على النبي صلى الله عليه وسلم ، فيقول النبي صلى الله عليه وسلم : وهلكك ، فأرجع فصل فإنك لم تُصَلِّ ، ضاف الناسُ وكبَّرَ عليهم أن يكونَ مَنْ أخفَّ صلاته لم يُصَلِّ ، قال الرجلُ في آخرِ ذلك : فأرني وعَدَسِي ، فإننا أنا بشرٌ وأخطيء ، فقال : أجل ، إذا قُنتَ إلى الصلاة فتَوْضَأُ كما أمَرَكَ اللهُ به ، ثُمَّ نَسَّهْدُ فَأَقِمُّ أيضاً ، فإن كان معك قُرْآنٌ فَأَقْرَأْ ، وإلَّا فاحْتَدِرِ اللهُ وَكَبِّرْهُ وَهَلِّهِ ، ثُمَّ ارْكَعْ فَأَطْمِئِنَّ رَاكِعاً ، ثم اعتدل قائماً ، ثم اسجد فاعتدل ساجداً ، ثم اجلس فاطمئن جالساً ، ثم قم ، فإذا قمتَ ذلك فقد تمتَّ صلاتُكَ ، وإن انتقصتَ مِنْهُ شيئاً انتقصتَ مِنْ صلاتِكَ ، قال : وكان هذا أهْوَنَ عليهم من الأولى أنه من انتقص من ذلك شيئاً انتقص من صلاته ؛ ولم يذهب كلها .

301. *Рифоъа ибн Рофиъдан ривоят қилинди:*
 «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни масжидда ўтирган эдилар. – Рифоъа: «Бизлар ҳам у киши билан бирга эдик», дейди. – Бадавийга ўхшаган бир киши келди-да, намоз ўқиди. Намозини енгил-елпи адо қилди. Кейин келиб, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: « وَعَلَيْكَ »¹⁶⁸ деб алик олдилар-да, «Қайтгил, намоз ўқигил, чунки сен намоз ўқимадинг» дедилар. У қайтиб, намоз ўқиди. Кейин келиб, у зотга салом берди. (Расулуллоҳ): « وَعَلَيْكَ », деб алик олдилар-да, «Қайтгил, намоз ўқигил, чунки сен намоз ўқимадинг», дедилар. Бу ҳол икки марта ёки уч марта такрорланди. Ҳар гал Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: « وَعَلَيْكَ » деб алик олиб, «Қайтгил, намоз ўқигил, чунки сен намоз ўқимадинг», дер эдилар. Намозини енгил ўқиган кишининг намоз ўқимаган бўлиб чиқиши (у ердаги) одамларни қизиқтириб қолди ва (бу ҳукм) уларга оғир ботди. Ниҳоят, бояги киши бундай деди: «Менга кўрсатинг ва ўргатинг, чунки мен ҳам бир инсонман, тўғри қилишим мумкин, хато қилишим мумкин...» Шунда (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам): « وَعَلَيْكَ » «Албатта! – дедилар – намозга турсанг, (аввал) худди Аллоҳ буюрганидек таҳорат ол. Кейин шаҳодат келтир ва иқомат ҳам келтир (такбири таҳрима айт). Кейин Қуръондан билганингни ўқи. Йўқса, Аллоҳга ҳамд айт, такбир айт ва таҳлил айт! Кейин хотиржам, астойдил рукуъ қил, кейин мўътадил миқдорда қоматингни тик тут, кейин мўътадил ҳолда (астойдил) сажда қил; Кейин астойдил ўтир ва қиёмга тургил. Ана шундай адо қилсанг, намозинг тўлиқ бўлади. Шу-

¹⁶⁸ «Сенга ҳам»

лардан бирор нарса камайтирсанг (нуқсонга йўл қўйсанг) намозингдан камайтирган бўласан». (Рифоъа) айтди: «Бу ҳукм уларга аввалгисидан ҳам кўра осонроқ туюлди – «Кимки шулардан бирор нарса камайтирса, ўз намозидан камайтирган бўлади ва бутун намози ўтмайди».

Бу бобда Абу Хурайра ва Аммор ибн Ёсир (розияллоху анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Рифоъанинг ҳадиси ҳасан.

Бу ҳадис Рифоъадан тагин бошқа ваҳждан ҳам ривоят қилинган.

٣٠٢ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ الْقَطَّانُ حَدَّثَنَا
عَبِيدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ قَالَ : أَخْبَرَنِي سَعِيدُ بْنُ أَبِي سَعِيدٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ
أَبِي هُرَيْرَةَ :

« أن رسول الله صلى الله عليه وسلم دَخَلَ السُّجْدَ ، فَدَخَلَ رَجُلٌ فَصَلَّى ،
ثُمَّ جَاءَ فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَرَدَّ عَلَيْهِ السَّلَامَ ، فَقَالَ :
ارْجِعْ فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ ، فَرَجَعَ الرَّجُلُ فَصَلَّى كَمَا كَانَ صَلَّى ، ثُمَّ جَاءَ
إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَلَّمَ عَلَيْهِ ، فَرَدَّ عَلَيْهِ ، فَقَالَ لَهُ : ارْجِعْ
فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ ، حَتَّى فَعَلَ ذَلِكَ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ ، فَقَالَ لَهُ الرَّجُلُ :
وَالَّذِي بَيْنَكَ بِالْحَقِّ مَا أَحْسِنُ غَيْرَ هَذَا ، فَعَلَّمَنِي ، فَقَالَ : إِذَا قُمْتَ إِلَى
الصَّلَاةِ فَسَكِّرْ ، ثُمَّ اقْرَأْ بِمَا تَيَسَّرَ مَعَكَ مِنَ الْقُرْآنِ ، ثُمَّ ارْجِعْ
حَتَّى تَطْمَئِنَّ رَأْسَكَ ، ثُمَّ ارْجِعْ حَتَّى تَتَقَدَّرَ قَائِمًا ، ثُمَّ اسْجُدْ حَتَّى
تَطْمَئِنَّ سَاجِدًا ، ثُمَّ ارْجِعْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ جَالِسًا ، وَأَقْبَلْ ذَلِكَ فِي صَلَاتِكَ
كُلِّهَا . »

302. *Абу Хурайфа (розиаллоху анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам масжидга кирдилар, кетларидан бир киши кириб, намоз ўқиди. Кейин келиб, Набий саллalloҳу алайҳи ва салламга салом берди, саломига алик олдилар-да, «Қайтгил, намоз ўқигил, чунки сен намоз ўқимадинг!», дедилар. Ўша киши қайтиб, худди боягидек намоз ўқиди. Кейин яна келиб, Набий саллalloҳу алайҳи ва салламга салом берди. Саломига алик олдилар-да, унга яна: «Қайтгил, намоз ўқигил, чунки сен намоз ўқимадинг», дедилар. Буни уч марта такрор қилдилар. Шунда бояги киши: «Сизни ҳақ (дин) билан юборган зотга қасамки, бундан яхшироқ қилолмайман. Менга ўргатинг!» – деди. *Шунда (Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:* «Намозга турсанг, (аввал) такбир(и) таҳрима) айт; кейин Куръондан ўзингга осон бўлганини ўқи; кейин хотиржам, астойдил рукуъ қил, кейин туриб, мўътадил микдорда қаддингни тик тут; кейин хотиржам, астойдил сажда қил; кейин хотиржам, астойдил ўтир, сўнг қолган бутун намозингда ана шундай давом эт!»

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ибн Нумайр бу ҳадисни Убайдуллоҳ ибн Умардан, Саъид Ал-Мақбурийдан, Абу Хурайрадан ривоят қилган-у, Саъиднинг отасини зикр этмаган.

Яҳё ибн Саъиднинг Убайдуллоҳ ибн Умардан қилган ривояти янада саҳиҳроқ.

Саъд Ал-Мақбурий Абу Хурайранинг ўзидан эшитган ва отаси орқали ҳам Абу Хурайрадан ривоят қилган.

Абу Саъд Ал-Мақбурийнинг исми - Кайсон. Саъид Ал-Мақбурий эса Абу Саъд тарзида куня олган.

٣٠٣ - حدثنا محمد بن بشر ومحمد بن اللثمي قالا : أخبرنا يحيى بن سعيد القطان أخبرنا عبد الحميد بن جعفر أخبرنا محمد بن عمرو بن عطاء عن أبي سعيد الساعدي قال : سمعته وهو في عشرة من أصحاب النبي صلى الله عليه وسلم أحدهم أبو قتادة بن ربيعي يقول : أنا أعلمكم بصلوة رسول الله صلى الله عليه وسلم ، قالوا : ما كنت أفدمناً له صعبة ولا أكثرنا له إثياناً ، قال : بلى ، قالوا : فأعرض ، قال : كان رسول الله صلى الله عليه وسلم إذا قام إلى الصلاة اعتدل قائماً ورفعه يديه حتى يجازي بهما منكبيه ، فإذا أراد أن يركع رفع يديه حتى يجازي بهما منكبيه ، ثم قال : الله أكبر ، وركع ، ثم اعتدل ، فلم يصوب رأسه ولم يضيغ ، ووضع يديه على ركبتيه ، ثم قال : سبح الله لمن حمده ، ورفع يديه واعتدل ، حتى يرجع كل عظم في موضعه معتديلاً ، ثم هوى إلى الأرض ساجداً ، ثم قال : الله أكبر ، ثم جاف عضديه عن إبطيه ، وفتح أصابع رجليه ، ثم ثنى رجله اليسرى وقدم عليها ثم اعتدل حتى يرجع كل عظم في موضعه معتديلاً ثم هوى ساجداً ، ثم قال : الله أكبر ، ثم ثنى رجله وقدم واعتدل حتى يرجع كل عظم في موضعه ، ثم نهض ، ثم صنع في الركعة الثانية مثل ذلك ، حتى إذا قام من السجدين كبر ورفع يديه حتى يجازي بهما منكبيه كما صنع حين افتتح الصلاة ، ثم صنع كذلك حتى كانت الركعة التي تنتهي فيها صلواته آخر رجله اليسرى وقدم على شقه متوركاً ثم سلم

303. Абу Хумайд Ас-Совидийдан ривоят қилинди: «(Ровий Муҳаммад ибн Амр) айтди: «Набий саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ўн киши орасида, – шулардан биттаси Абу Қатода ибн Рибъий эди, – Абу Хумайднинг бундай деганини эшитдим: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламнинг намозларини энг яхши билган кишингиз менман...» Айтишдики, «(Лекин) сен у зотга суҳбатдошлик (саҳобалик) жиҳатидан энг қадимгимиз эмассан ва у кишига энг кўп қатнаган кишимиз ҳам эмассан» «Тўғри», деди (Абу Хумайд). «Унда баён эт!» дейишди. Шунда айтди: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам намозга турганларида мўътадил миқдорда қоматларини рост тутиб, қўлларини елкалари баробарида кўтарар эдилар. Рукуъ қилмоқчи бўлсалар, қўлларини елкалари

баробарида кўтарар, кейин «الله أكبر» («Аллоху акбар») деб рукуъга борар эдилар. Кейин (рукуъда) мўътадил миқдорда (бир оз) турар, бошларини на тик тутар ва на солннтирар, қўлларини тиззалари устига

кўяр эдилар. Кейин: «سبح الله لمن سجد» («Самиъаллоху ли ман ҳамида») деб, қўлларини кўтарар ва то ҳар бир бўғинлари жой-жойига тушгунича мўътадил миқдорда (бир оз) тик турар эдилар. Кейин саждага бориш учун

ерга эгилар эдилар, кейин «الله أكبر» («Аллоху акбар») дер эдилар, кейин қўлларини қўлтиқларидан ажратар ва оёқ бармоқларини очар (бўш кўяр) эдилар. Кейин чап оёқларини букиб ёйиб, устига ўлтирар, то ҳар бир бўғинлари жой-жойига тушгунича мўътадил миқдорда ўлтириб, кейин саждага борар эдилар. Кейин

«الله أكبر» («Аллоху акбар») дер эдилар; кейин оёқларини букиб ёйиб, то ҳар бир бўғинлари жой-жойига тушгунича мўътадил миқдорда ўлтирар эдилар.

Кейин қиёмга турар ва иккинчи ракъатда ҳам худди шундай қилар эдилар.

Икки саждадан (яъни илк икки ракъатдан) турганларида такбир айтиб, қўлларини елкалари баробарида кўтарар эдилар, худди намозни бошлаганларида қўлларини кўтарганларидек. Кейин намозларини шундай давом эттирар, намозларини якунлатаётган охириги ракъатни ўқиб бўлгач, чап оёқларини узатиб, шу оёқ ёнбоши устига ўлтирар, кейин салом берар эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

«Икки саждадан турганларида...» сўзининг маъноси «икки ракъат ўқигандан кейин учинчи ракъатга турганларида» деганидир.¹⁶⁹

٣٠٤ — حدثنا محمد بن بشر والحسن بن علي الطلواني وغير واحد قالوا : أخبرنا أبو حاتم أخبرنا عبد الحميد بن جعفر أخبرنا محمد بن عمرو ابن عطاء قال : سمعت أبا محمد الساعدي في مشرة من أصحاب النبي صلى الله عليه وسلم قههم أبو قتادة بن ربعي ، فذكر نحو حديث يحيى ابن حميد بمناه وزاد فيه [أبو حاتم عن عبد الحميد بن جعفر هذا الحرف] : قالوا : « صدقت هكذا صلى النبي صلى الله عليه وسلم » .

304.Муҳаммад ибн Амр ибн Атодан ривоят қилинди; айтди: «Абу Хумайд Ас-Соъиднийни(нг сўзини) Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлмиш ўн кишининг орасида эшитдим, улар орасида Абу Қатода ибн Рибъий ҳам бор эди...» Кейин Яхё ибн Саъид ҳадисининг худди ўзини (ўша) маъноси билан зикр қилади ва бунда кўшимча қилиб, «Абу Осим, Абдулҳамид ибн Жаъфардан риво-

¹⁶⁹Бу ҳадисни Абу Довуд, Ад-Дорамий ва Ибн Можа ҳам таҳриж қилганлар.

ят қилган ушбу: «Рост айтдинг. Набий саллаллоху алайҳи ва саллам шундай намоз ўқир эдилар», деган жумла киритилади.

226-БОБ

МАВЗУ: БОМДОД НАМОЗИДАГИ ҚИРОАТ

۳۰۵ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ أَخْبَرَنَا وَكَيْعٌ عَنْ مِسْتَمِرٍّ وَسَفِيَانَ عَنْ زَيْدِ بْنِ عَلَاءَةَ عَنْ مَهْمُودِ بْنِ قَطَبَةَ بْنِ مَالِكٍ قَالَ : « تَمَيَّزْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْرَأً فِي النَّجْرِ (وَالنَّخْلَ بِأَيْقَاتٍ) فِي الرُّكْعَةِ الْأُولَى »

305.Қутба ибн Моликдан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам бомдод

намозининг биринчи ракъатида « **وَالنَّخْلَ بِأَيْقَاتٍ** » («Ваннахла босиқотин...»)ни кироат қилганларини эшитдим».

Бу бобда Амр ибн Хурайс, Жобир ибн Самура, Абдуллох ибн Ас-Соиб, Абу Барзо ва Умму Салама (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Қутба ибн Моликнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Набий саллаллоху алайҳи ва саллам бомдод намозида 60 оятдан 100 оятгача ўқиганлари ривоят қилинган.

Набий саллаллоху алайҳи ва саллам

« **إِذَا الشَّمْسُ كُوِّرَتْ** » («Иза-ш-шамсу куввирот» сураси)ни ўқиганлари ҳам ривоят қилинади.

(Ҳазрати) Умар (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинишига қараганда, Умар, Абу Мусога бомдод намозида узун суралардан ўқимоғини ёзма равишда билдирганлар.

*Яъни «Қоф» сурасини.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак ва Шофиъийнинг ҳам қавли шудир.

227-БОБ

МАВЗУ: ПЕШИН ВА АСР НАМОЗЛАРИДАГИ ҚИРОАТ

٣٠٦ — حدثنا أحمدُ بن مَنِيعٍ أخبرنا يزيدُ بن هارونَ أخبرنا حمادُ ابنُ سلمةَ عن يَمّالِكِ بنِ حَرْبٍ عن جابرِ بنِ سمرةَ : « أن رسولَ الله صلى الله عليه وسلم كان يقرأ في الظهرِ والمصرِ بِالسَّمَاءِ ذَاتِ البروجِ ، وَالسَّمَاءِ وَالطَّارِقِ وَشِبْهَيْهَا . »

306. Жобир ибн Самура (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин ва аср намозларида «*والسّماء ذات البروج*», «*والسّماء والطارق*» («Вас-самаи затил-буруж» ҳамда «Вас-самаи ват-торик») ва шунга ўхшаш сураларни ўқир эдилар».

Бу бобда Ҳаббоб, Абу Саъид, Абу Қатода, Зайд ибн Собит ва Ал-Барро (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Жобир ибн Самуранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозида «Сажда» сураси қадарлик ўқиганлари ривоят қилинган. Пешиннинг биринчи рақъатида 30 оят ва иккинчи рақъатида 15 оят қадар ўқиганлари ҳам ривоят қилинади.

(Ҳазрати) Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: (У киши) Абу Мусога пешин намозида ўртача (миқдордаги) суралардан ўқилмоғини ёзма равишда билдирдилар.

Айрим илм аҳлининг ривоятига кўра аср намозининг кироати шом намозининг кироати сингаридир: қисқа суралардан ўқилади.

Иброҳим айтади: «Пешин намози кироатда аср намозининг тўрт баробарига етказилади».

228-БОБ

МАВЗУ: ШОМ НАМОЗИДАГИ ҚИРОАТ

۳۰۷ — حَدَّثَنَا هَتَّادٌ أَخْبَرَنَا عَبْدَةُ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَاقَ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنْ أُمِّهِ أُمِّ الْفَضْلِ قَالَتْ : « خَرَجَ إِلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ عَاصِبٌ رَأَيْتُهُ فِي مَرَضِهِ فَصَلَّى الْمَرْبُوبِ ، فَقَرَأَ بِالْمُرْسَلَاتِ ، فَاصْلَاهَا بَدَأُ حَقَّ لَيْلَى اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ . »

307. Умму Фазл (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам беморлик пайтларида бошларини боғлаган ҳолда бизларга (масжидга) чиқиб, шом намозини ўқиб бердилар ва «*المرسلات*» («Мурсалот» сураси)ни кироат қилдилар. Бошқа бирор марта шом намозини ўқимасларидан Аллоҳ ғазза ва жаллага қовушдилар».

Бу бобда Жубайр ибн Мутъим, Ибн Умар, Абу Аййуб ва Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Умму Фазлнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан, шом намозининг икки ракъатида «*الأعراف*» сурасини (бўлиб) ўқиганлари ривоят қилинган.

Тагин шом намозида «*الطور*» сурасини ўқиганлари ҳам ривоят қилинади.

Умар (розияллоху анху)дан ривоят эшитилишича, у киши, шом намозида қисқа суралардан ўқимоғини Абу Мусога ёзма равишда билдирганлар.

Абу Бакр (розияллоху анху)дан ҳам шом намозида қисқа суралардан ўқиганлари ривоят қилинди.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир.

Ибнул-Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу.

Шофиъий айтадики, «Шом намозида узун сураларни, «*الطور*» («Ват-Тур») ва «*المرسلات*» («Вал-Мурсалот») каби сураларни ўқимоқ макруҳ эканлиги Молиқдан ривоят қилинган. Менимча, макруҳ эмас. Аксинча, бу каби сураларни шом намозида ўқимоқни мустаҳаб деб қарайман».

229-БОБ

МАВЗУ: ХУФТОН НАМОЗИДАГИ ҚИРОАТ

308 — حَدَّثَنَا عَبْدَةُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ أَنْزَلَنِيهُ أَخْبَرَنَا زَيْدُ بْنُ الْحَبَابِ أَخْبَرَنَا ابْنُ وَائِدٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُرَيْدَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: «كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الْمِثَاءِ الْآخِرَةِ بِالشَّمْسِ وَضُحَاهَا وَغَرْمِهَا مِنَ الشُّورِ» .

308. Абдуллоҳ ибн Бурайданинг отасидан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва

«*وَالشَّمْسِ وَضُحَاهَا*» («Ваш-шамси ва зуҳаҳа») ва шу сингари сураларни ўқир эдилар».

Бу бобда Ал-Барро ибн Озибдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Бурайданинг ҳадиси ҳасан.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтон

намозида « **والتين والزيتون** » («Ват-тийни ваз-зайтун») су-
расини ўқиганлари ривоят қилинган.

(Ҳазрати) Усмон Ибн Аффон (розиаллоҳу
анҳу)дан бундай ривоят қилинди: «(У киши) бомдод

намозида « **النَّافِثِينَ** » (Мунофикийн) ва шу сингари су-
раларни ўқир эдилар».

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг
саҳобалари ва тобиъийнлар бундан кўпроқ ва озроқ
(микдорда) ўқиганлари келган ривоятлар орасида зикр
қилинган: Хуфтон намози қироатига таҳдид қўймаган
эдилар. Бу хусусда энг мақбул ривоят, Набий саллаллоҳу

алайҳи ва салламнинг « **والتين وضعاها** » («Ваш-шамси ва

зуҳаҳа) билан « **والتين والزيتون** » («Ват-тийни ваз-зайтун») су-
раларини ўқиганларига доир келган ривоятдир.

٣٠٩ — حدثنا هنادُ أخبرنا أبو معاوية عن يحيى بن سعيد الأنصاري
عن عدي بن ثابت عن البراء بن عازب : « أن النبي صلى الله
عليه وسلم قرأ في المشاء الآخرة بالتين والزيتون » .

309. Ал-Барро ибн Озиб (розиаллоҳу анҳу)дан ри-
воят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам

хуфтон намозида « **والتين والزيتون** » («Ват-тийни ваз-
зайтун») сурасини ўқир эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

230-БОБ

МАВЗУ: ИМОМНИНГ ОРҚАСИДА ҚИРОАТ ҚИЛМОҚ

۳۹۰ — حَدَّثَنَا هَنَّادٌ أَخْبَرَنَا عَبْدَةُ بْنُ سَلِيَانَ عَنْ عُمَرَ بْنِ إِسْحَاقَ
عَنِ مَسْكُودٍ عَنْ عَمْرٍو بْنِ الرَّبِيعِ عَنْ عَبَّادَةَ بْنِ الصَّامِتِ قَالَ : « صَلَّى
رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الصُّبْحَ ، فَتَقَلَّتْ عَلَيْهِ الْقِرَاءَةُ ، فَلَمَّا انْصَرَفَ
قَالَ : إِنِّي أَرَأَيْتُمْ تَقْرَأُونَ وَرَاءَهُ إِمَامِيكُمْ أَقَالَ : قُلْنَا : بَلِ رَسُولَ اللَّهِ
إِلَى وَآلِهِ ، قَالَ : لَا تَنْفَعُوا إِلَّا بِأَمِّ الْقُرْآنِ ، فَإِنَّهُ لِاصْلَاةٍ لِيَنْ لَمْ
يَقْرَأُ بِهَا » .

310.Убода ибн Сомит (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бомдод намозини ўқиб бердилар ва қироат у кишига оғирлик қилди. Намозни ўқиб бўлгач: «Кўряпманки, сизлар имомингизнинг орқасида қироат қилаётирсизлар-ку!» дедилар. «Ё Расулуллоҳ! Валлоҳи, шундоқ!» – дедик. «Ундай қилмангизлар, илло (фақатгина) «Уммул Куръон»ни (яъни «Фотиҳа» сура-сини) ўқингизлар. Чунки уни ўқимаган кишининг намози йўқ!» дедилар.

Бу бобда Абу Хурайра, Оиша (онамиз), Анас, Абу Қатода ва Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоху анхум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Убоданинг ҳадиси ҳасан.

Аз-Зухрий бу ҳадисни Маҳмуд ибн Ар-Робиъдан, Убода ибн Ас-Сомитдан, Набий саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: «Айтдиларки, «Фотиҳа»ни ўқимаган кишининг намози йўқ».

Бу ривоят саҳиҳроқ.

Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг

саҳобаларидан илм аҳлининг ва тобиъийн уламосининг кўпчилиги наздида, имомнинг орқасида қироат қилмоқ масаласида, амал шу ҳадис асосидадир.

Молик ибн Анас, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир: имомнинг орқасида қироат қилинади, деб қарайдилар.

231-БОБ

МАВЗУ: ИМОМ ЖАҲР (ОВОЗ ЧИҚАРИБ) ЎҚИГАНДА УНИНГ ОРҚАСИДАГИЛАР ҚИРОАТ ҚИЛМАСЛИГИ

٣١١ - حدثنا الأنصاريُّ أخبرنا متْنٌ أخبرنا مالكٌ عن ابنِ شهابٍ عن ابنِ أُكَيْمَةَ اللَّيْثِيِّ عن أبي هريرةَ : « أن رسولَ الله صلى الله عليه وسلم انصرفَ من صلاةٍ جهراً فيها بالقراءةِ ، فقال : هل قرأ مني أحدٌ منكم آتياً ؟ فقال رجلٌ : نعم يا رسولَ الله ، قال : إني أقولُ مالي أنزعَ القرآنَ ! قال : فأتتني الناسُ عن القراءةِ مع رسولِ الله صلى الله عليه وسلم فيما يجهرُ فيه رسولُ الله صلى الله عليه وسلم من الصَّلواتِ بالقراءةِ حين سمعوا ذلك من رسولِ الله صلى الله عليه وسلم .

311.Абу Ҳурайра (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам жаҳр ўқиб берган бир намозларини тугатдилар-да, қайрилгач: «Сизлардан биттангиз мен билан бирга қироат қилдими?» дедилар. Бир киши: «Шундоқ, ё Расулуллоҳ!» деди. Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам дедиларки, «Айтдим-а, мен ўқиётган Қуръонга нечун муқобала қилаётир деб». Инсонлар (саҳобалар) буни эшитгач, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам жаҳр ўқиган намозларда у киши билан бирга қироат қилишни бас қилдилар».

Бу бобда Ибн Масъуд, Имрон ибн Хусайн ва Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис ҳасан.

Ибн Укайма Ал-Лайснинг исми – Умаро бўлиб, уни Амр ибн Укайма ҳам дейишади.

Бу ҳадисни ривоят қилган аз-Зухрийнинг биродарларидан баъзиси қуйидаги жумлани зикр этиб, бундай дейди: «Инсонлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан буни эшитгач, қироат айламоқни бас қилдилар».

Бу ҳадисда имомнинг орқасида қироат қилмоқни кўзда тутганларни синдирадиган бир ҳолат йўқ. Чунки бу ҳадисни Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу), Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундоқ бир ҳадис ҳам ривоят қилган: «Кимки бир намоз ўқиса-ю, ўша намозда «Фотиҳа»ни ўқимаса, у намоз нуқсонлидир, тўқис эмас!» Шунда ҳадисни эшитган киши Абу Хурайрага: «Мен баъзан имомнинг орқасида туриб қоламан-ку? (Унда нима қиламан?)» деди. Абу Хурайра: «Фотиҳа»ни ичингда ўқи», деди.

Абу Усмон Ан-Наҳдий Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилган экан; айтадики: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Фотиҳа»сиз намоз йўқ эканлигини ҳайқириб эшиттирмоғимни менга амр қилдилар».

Муҳаддисларга келсак, имом жаҳр ўқиганда муқтадиъ қироат қилмайди, деб ихтиёр этадилар ва бундай дейдилар: «Имомнинг сакталарини (қироат асносида тўхтайдиган жойларини) кузатади».

Имомнинг орқасида қироат қилмоқ масаласида илм аҳли ихтилоф қилганлар. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийдан

илм аҳлининг кўпчилиги имомнинг орқасида қироат қилмоқни кўзда тутадилар.

Имом Молик, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

Абдуллоҳ ибн Ал-Муборакдан унинг бундай дегани ривоят қилинган: «Мен имомнинг орқасида қироат қиламан. Ҳамма ўқийди, фақат Куфа фақиҳларидан бир жамоа ўқимайди. Ўқимаганларнинг намози ҳам жоиз деб ҳисоблайман».

Илм аҳлидан баъзилари имомнинг орқасида бўлса ҳам, «Фотиҳа»ни ўқимаслик масаласида оғир ҳукмга бориб, бундай дейишган: «Хоҳ ёлғиз ўзи намоз ўқисин, хоҳ имомнинг орқасида бўлсин, «Фотиҳа»ни ўқимаса, намоз жоиз эмас». Булар: Убода ибн Ас-Сомитнинг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривоятга эга бўлишган (таянишган).

Убода ибн Ас-Сомит, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин, имомнинг орқасида қироат қилибди ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Фотиҳа»сиз намоз йўқ», деган сўзларини шарҳлабди.

Шофиъий, Исҳоқ ва айримларнинг қавли ҳам шу.

Имом Аҳмадга келсак, у бундай дейди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Фотиҳа»сиз намоз йўқ» деган сўзларининг маъноси – якка ўзи намоз ўқиган киши учундир». Имом Аҳмад, Жобир ибн Абдуллоҳнинг «Кимки бир ракъат намоз ўқиса-ю, унда «Уммул Қуръон»ни («Фотиҳа» сурасини) ўқимаса, намоз ўқимабди: илло имомнинг орқасида бўлса, (намози дурустдир)» деган ҳадисини далил сифатида кўрсатади ва бундай дейди: «Бу киши Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидандир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Фотиҳа»сиз намоз йўқ» деган сўзларини, якка ўзи намоз ўқиган кишилар учун, деб таъвил қилгандир».

Имоми Аҳмад, шу билан бирга, имомнинг орқасида кироат қилмоқни ва намозхон имомнинг орқасида бўлса ҳам, «Фотиҳа»ни ўқимоғи жиҳатини ихтиёр қилади.

۳۱۲— حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مُوسَى الْأَنْصَارِيُّ أَخْبَرَنَا مَتْنٌ أَخْبَرَنَا
مَالِكٌ عَنْ أَبِي نُعَيْمٍ وَهَبِ بْنِ كَيْسَانَ : أَنَّهُ سَمِعَ جَابِرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ
يَقُولُ : مَنْ صَلَّى رَكْعَةً لَمْ يَتْرَأْ فِيهَا بِأَمِّ الْقُرْآنِ قَلَّمَ يُصَلِّ إِلَّا أَنْ
يَكُونَ وَرَاءَ الْإِمَامِ .

312. Ваҳб ибн Кайсондан ривоят қилинди: У Жобир ибн Абдуллоҳнинг бундий деганини эшитди: «Қимқи бир рақъат намоз ўқиса-ю, унда «Уммул-Куръон»ни («Фотиҳа» сурасини) ўқимаса, у намоз ўқимабди. Фақат имомнинг орқасида бўлса, (намози дурустдир)».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

232-БОБ

МАВЗУ: МАСЖИДГА КИРАЁТГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

۳۱۳— حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ أَخْبَرَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ عَنْ لَيْثِ
عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْحَسَنِ عَنْ أُمِّ سُلَيْمَةَ بِنْتِ الْحَسَنِ عَنْ جَدَّتِهَا فَاطِمَةَ
السَّكْبَرِيَّيْنِ قَالَتْ : « كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ الْمَسْجِدَ
صَلَّى عَلَى مُحَمَّدٍ وَسَلَّمَ ، وَقَالَ رَبِّ اغْفِرْ لِي ذُنُوبِي وَافْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ ،
وَإِذَا خَرَجَ صَلَّى عَلَى مُحَمَّدٍ وَسَلَّمَ ، وَقَالَ : رَبِّ اغْفِرْ لِي ذُنُوبِي وَافْتَحْ لِي
أَبْوَابَ فَضْلِكَ . »

313. Фотимат-ул-Кубро (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам масжидга кирганларида Муҳаммадга (яъни ўзларига) салоту салом келтириб,

« رَبِّ اغْفِرْ لِي ذُنُوبِي وَافْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ » («Робба-ғфирлий зунубий, ва-фтаҳ лий абваба роҳматик») дер эдилар.¹⁷⁰

Масжиддан чиқаётганларида эса Муҳаммадга салоту салом келтириб, « رَبِّ اغْفِرْ لِي ذُنُوبِي وَافْتَحْ لِي أَبْوَابَ فَضْلِكَ » («Робба-ғфирлий зунубий, ва-фтаҳ лий абваба фазлик!»)¹⁷¹ дер эдилар.

314. وَقَالَ عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ : قَالَ إِسْمَاعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ : قَلَيْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنِ الْحُسَيْنِ بِمَسْجِدِ فَتَأْتُهُ مِنْ هَذَا الْحَدِيثِ فَحَدَّثَنِي بِهِ . قَالَ : « كَانَ إِذَا دَخَلَ قَالَ : رَبِّ افْتَحْ بَابَ رَحْمَتِكَ ، وَإِذَا خَرَجَ قَالَ : رَبِّ افْتَحْ لِي بَابَ فَضْلِكَ » .

314. Исмоил ибн Иброҳимдан ривоят қилинди; айтди: «Абдуллоҳ ибн Ҳасан билан Маккада учрашиб қолдим ва ундан бу ҳадис ҳақида сўрадим. Менга ҳадисни баён этди ва бундай деди: «Кираётганларида:

« رَبِّ افْتَحْ بَابَ رَحْمَتِكَ » («Робба-фтаҳ баба роҳматик») ¹⁷²

¹⁷⁰ «Ё Раббим! Гуноҳларимни мағфират қил ва менга раҳматинг эшикларини очгил!...» Аллоҳнинг Расулига муносиб салоту салом айтиш ҳақидаги оят. («Аҳзоб»-33) нозил бўлгач, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг амрини туғиб, ўзларига (биринчи бўлиб) ўзлари салоту салом келтирганлар. Бундаги салоту салом келтирмоқлик Аллоҳнинг амрини адо этиш билан бирга умматларига таълим учун ҳамдир. Ал-Қорий «Ал-миркот»да айтганидек, «Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига ниймон келтирмоқлари ва Пайғамбарлик шахсиятига таъзим сифатида ўзларига салоту салом келтирмоқлари вожиб қилинган».

¹⁷¹ «Ё Раббим! Гуноҳларимни мағфират қил ва менга фазлинг (неъматларининг) эшикларини очгил!» Масжидда ибодат билан машғул бўлингани учун раҳмат талаб қилмоқ ва масжиддан ташқарида бошқа кўп тирикчилик билан машғул бўлингани учун фазлини (неъматларини) талаб қилмоқ мувофиқдир.

¹⁷² «Ё Раббим! Раҳматинг эшигини менга очгил!»

« رَبِّ افْتَحْ لِي بَابَ فَضْلِكَ »
 дер эдилар ва чиқаётгаи ларида «
 («Робба-фтаҳ лий баба фазлик») дер эдилар»¹⁷³

Бу бобда Абу Хумайд, Абу Усайд ва Абу Хурайра (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Фотима (розияллоху анҳо)нинг ҳадиси - ҳасандир ва исноди муттасил мас. Чунки Хусайннинг қизи Фотима - Фотимаи Куброни кўрмаган, чунки Фотимаи Кубро Набий саллаллоху алайҳи ва салламдан кейин атиги бир неча ой яшаган, холос.

233-БОБ

МАВЗУ: ТАҲИЙЯТ-УЛ-МАСЖИД НАМОЗИ

۳۱۵ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ أَخْبَرَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ عَنْ عَامِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الزُّبَيْرِ عَنْ قَتَادَةَ بْنِ سَلِيمٍ الزُّرْقِيِّ عَنْ أَبِي قَتَادَةَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « إِذَا جَاءَ أَحَدُكُمْ الْمَسْجِدَ فَلْيَرْكَعْ رَكَعَتَيْنِ قَبْلَ أَنْ يَجْلِسَ »

315. Абу Қатода (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сизлардан бироргангиз масжидга келса, ўтирмасдан олдин икки рақъат намоз ўқиб олсин».

Бу бобда Жобир, Абу Умома, Абу Хурайра, Абу Зарр ва Каъб ибн Молик (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Қатоданинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Бу ҳадисни Муҳаммад ибн Ажлон ва мутааддид (бир қанча) кишилар, Молик ибн Анасинг ривоятига ўхшаш тарзда Омир ибн Абдуллоҳ ибн Аз-Зубайрдан ривоят қилганлар.

Суҳайл ибн Абу Солиҳ бу ҳадисни Омир ибн

¹⁷³ Ё Роббим! Фазлинг (неъматларинг) эшигини менга очгил!»

Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрдан, Амр ибн Сулаймдан, Жобир ибн Абдуллоҳдан, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади. Бу ҳадис махфуз эмас. Саҳиҳ ҳадис Абу Қатоданинг ҳадисидир.

Биродарларимизнинг амали шу ҳадис асосидадир: Киши масжидга кирганида, агар узрли бўлмаса, ўтирмасдан олдин икки ракъъат намоз ўқиб олиши мустаҳаб, деб қараганлар.

Али ибн Ал-Маданий айтадики, «Сухайл ибн Аби Солиҳнинг ҳадиси янглишдир». Исҳоқ ибн Иброҳим, буни менга Али ибн Ал-Маданийдан хабар берди.

234-БОБ

МАВЗУ: ҚАБРИСТОН ВА ҲАММОМДАН ТАШҚАРИ БУТУН ЕР ЮЗИ НАМОЗГОҲДИР

۳۱۶ — حدثنا ابن أبي عمير وأبو حمزة الثمالين بن حريش قال :
أخبرنا هبة بن العزير بن محو عن عمرو بن يحيى عن أبيه عن أبي سعيد
الخدري قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : « الأرض كلها مسجد
إلا للقبرة والحمام » .

316.Абу Саъид Ал-Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Қабристон ва ҳаммомдан ташқари, бутун ер юзи масжидир».

Бу бобда Али, Абдуллоҳ ибн Амр, Абу Умома ва Абу Зарр (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Айтадиларки, «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бутун ер юзи менга масжид ва таҳорат воситаси қилиб берилди».

Абу Саъиднинг ҳадиси Абдулазиз ибн Муҳаммаддан икки ривоят сифатида келди. Баъзилар Абу Саъидни зикр қилсалар, баъзилари эса зикр қилмайдилар. Бу ҳадисда чалкашлик бор.

Суфён Ас-Саврий, Амр ибн Яхёдан, унинг отасидан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мурсал тарзида ривоят қилган.

Ҳаммод ибн Салама, Амр ибн Яхёдан, унинг отасидан, Абу Саъиддан, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган.

Муҳаммад ибн Исҳоқ, Амр ибн Яхёдан, унинг отасидан ҳадисни ривоят қилади ва бундай дейди: «Яхёнинг ривояти умумият билан, Абу Саъид тариқи билан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан, дейилади». Чунончи, бу ўринда Абу Саъидни зикр қилган.

Ас-Саврийнинг Амр ибн Яхёдан, Яхёдан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривояти ҳамон-ҳамон собитроқ ва саҳихроқ.

235-БОБ

МАВЗУ: МАСЖИД ҚУРДИРМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ

۳۱۷ - حَدَّثَنَا مُبَدَّرٌ أَخْبَرَنَا أَبُو بَكْرِ الْحَقَنِيُّ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الْحَمِيدِ بْنِ جَعْفَرٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ كَيْسٍ عَنِ عُمَانَ بْنِ عَفَّانَ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : « مَنْ بَنَى لِي مَسْجِدًا بَنَى اللَّهُ لَهُ بِمَثَلِهِ فِي الْجَنَّةِ » .

317.(Ҳазрати) Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Кимки Аллоҳ учун бир масжид бино этса, Аллоҳ унинг учун жаннатда шунга ўхшаш бир қаср бино қилгайдир», деганларини эшитдим.

Бу бобда Абу Бакр, Умар, Али, Абдуллоҳ ибн Амр, Анас, Ибн Аббос, Оиша, Умму Ҳабиба, Абу Зарр, Амр ибн Абса, Васийла ибн Ал-Асқо, Абу Ҳурайра ва Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

(Ҳазрати) Усмоннинг ҳадиси ҳасан-саҳих.

۳۱۸- وقد رُوِيَ عن النبي صلى الله عليه وسلم قال : « مَنْ بَنَى
 لِي مَسْجِدًا صَئِيرًا كَانَ أَوْ كَبِيرًا بَنَى اللَّهُ لَهُ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ » . حَدَّثَنَا
 بِذَلِكَ قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ أَخْبَرَنَا نُوْحُ بْنُ قَيْسٍ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ مَوْلَى قَيْسٍ
 عَنْ زِيَادِ الثَّمَرِيِّ عَنْ أَنَسٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِهَذَا .

318. *Ва муҳаққақ Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинди; айтдилар:* «Кимки Аллоҳ учун хоҳ кичик, хоҳ катта бир масжид бино этса, Аллоҳ унинг учун жаннатда бир уй бино қилгайдир». Шу ҳадис Қутайба ибн Саъид, Нуҳ ибн Қайсининг мавлоси Абдуррахмон, Зиёд Ан-Нумайрий, Анас (розияллоҳу анҳум)дан ривоят қилинган.

Маҳмуд ибн Лабид Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан кўришган. Маҳмуд ибн Ар-Робий ҳам Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрган. Икковлари ҳам мадиналик бўлиб, ёш бола эдилар.

236-БОБ

МАВЗУ: ҚАБР УСТИДА МАСЖИД ҚУРМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

۳۱۹- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الْوَارِثِ بْنُ سَعِيدٍ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ
 جَعَادَةَ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ : « لَعَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
 عَلَيْهِ وَسَلَّمَ زَوَارِبَ الْقُبُورِ وَالْمُتَخَذِينَ عَلَيْهَا الْمَسَاجِدَ وَالشُّرُجَ » .

319. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, қабристонни зиёрат қилган аёлларни, қабрлар устида масжид қурганларни ва унда чироқ ёққанларни лаънатладилар»¹⁷⁴

¹⁷⁴Термизий, ушбу китобнинг «Жанозалар» бўлимида, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларни зиёрат қилган аёлларни лаънатлаганлари ҳақидаги айрим илм аҳлларининг қарашларини шарҳлаб, бундай дейдилар: «Бу (ҳадис) қабрларни

Бу бобда Абу Хурайра ва Оиша (розияллоху анхумо) дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан.

237-БОБ

МАВЗУ: МАСЖИДДА УХЛАМОҚ

۳۳۰ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزَاقِ أَخْبَرَنَا مَتَّى عَنْ
الزُّهْرِيِّ عَنْ سَالِمٍ عَنْ ابْنِ مَتَرٍ قَالَ : « كُنَّا نَقَامُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ
صلى الله عليه وسلم في المسجدِ وَتَنَصَّنُ شَهَابٌ » .

320. Ибн Умар (розияллоху анхумо) дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloх саллалллоху алайҳи ва салламнинг даврларида, унда бизлар ёш йигит эдик, масжидда ётиб қолар эдик».

Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлидан баъзилари масжидда ухламоққа изн

зиёрат қилишга рухсат берилишидан олдин (айтилган) эди. Қабрни зиёрат қилишга рухсат берилгач, бу рухсат эркаклар билан бирга аёлларга ҳам даҳлдордир. Айримлари эса, аёлларнинг сабри оз бўлиб, оху ноласи кўп бўлганидан, улар учун қабр зиёрати макруҳ қилинган, деган тўхтамдалар.

Қабрлар устида масжид қурилиши масаласини Ибнул-Молик бундай таъвил қилади: «Чунки бу яҳудий одатидир ва қабр устида қурилган масжидда намоз ўқиш яҳудийлар суннатига эргашмоқликдир». Ал-Қорий «Ал-мирқод» асарида бундай дейди: «Ҳадисда ворид бўлган «устид» деган қайд қабрлар ёнида масжид қурмоқнинг зарари йўқлигини кўрсатади. Чунончи, Расулulloх саллалллоху алайҳи ва саллам: Яҳудийлар ва насронийларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин: улар Пайғамбарларнинг ва солиҳ кишиларнинг қабрларини масжид қилиб олдилар» деган ҳадислари бу хусусни очмоқда». Муборакфурий: «Масжидларни қуриш қабрларга таъзим учун бўлса, хоҳ қабр устида бўлсин, хоҳ ёнида бўлсин, қуриш жоиз эмас», дейди.

Қабрларда чироқ ёқмоқ масаласига келсак, бу ишни қилганларга Пайғамбар саллалллоху алайҳи ва саллам тили билан лаънат ўқилиши сабаби эса «Мажмаъ-ул-бихор»да бундай таъкидланган: «Ё пул беҳуда исроф этилгани учун ёки қабрларга таъзим маъносида бўлгани учун Расули Акрам саллалллоху алайҳи ва саллам қабрларга чироқ (ёки шамъ ва ҳоказо) ёқмоқни манъ этганлар».

берганлар.

Ибн Аббос айтадики, «Масжидни доимий ётиш ва қайтула қилиш (пешин уйқуси) жойи қилиб олмаслик керак».

Илм аҳлидан баъзилари Ибн Аббоснинг сўзини эгаллашган.

238-БОБ

**МАВЗУ: МАСЖИДА ОЛДИ-СОТДИ
ҚИЛМОҚ, ЙЎҚОЛГАН НАРСАНИ
СЎРАМОҚ ВА ШЕЪР АЙТИШМОҚ*
КАРОХАТ ЭКАНЛИГИ**

۳۳۱ — حدثنا قتيبة أخبرنا التميمي عن ابن عجلان عن عمرو بن شعيب عن أبيه عن جده عن رسول الله صلى الله عليه وسلم : « أنه نعى عن تناشد الأشجار في السجدة ، وعن البيع والشراء فيه ، وأن يتعلق الناس في يوم الجمعة قبل الصلاة

321. *Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ал-Осдан ривоят қилинди:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидда шеър айтишмоқликдан, олди-сотди қилмоқликдан ва Жума куни намоздан олдин ҳалқа бўлиб (давра қуриб) ўтирмоқликдан манъ этдилар».

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ал-Оснинг ҳадиси ҳасан.

Амр ибн Шуъайб, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ал-Оснинг ўғли.

Муҳаммад ибн Исмоил (Ал-Бухорий) айтади: «Аҳмад ва Исҳоқ - бошқаларни ҳам зикр этди - Амр ибн Шуъайбнинг ҳадиси билан истидлол қилганларини кўрдим».

Муҳаммад айтади: «Шуъайб ибн Муҳаммад, Абдуллоҳ ибн Амрдан эшитган».

Амр ибн Шуъайбнинг ҳадиси ҳақида (танқидий)

*Бу ўринда шеър айтмоқ эмас, балки шеър айтишмоқ қарих дейишди. Чунки «Саҳиҳи Бухорий»да масжидда шеър айтмоқ бора-сида саҳиҳ ҳадис келган.

сўз қилганлар, фақатгина бобосининг саҳифасидан ҳадис ривоят қилгани учун уни заиф деб қараганлар. Улар билиттифоқ Амр ибн Шуъайб бу ҳадисларни бобосидан эшитмаган, деб хулоса қилишган.

Яҳё Саъиддан бундай дегани ривоят қилинди: *Али ибн Абдуллоҳ айтади: «Бизнингча, Амр ибн Шуъайбнинг ҳадиси чирикдир».*

Илм аҳлидан баъзилари масжидда олди-сотди қилмоқни макруҳ дейишган. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

Тобийин уламосидан айримлари масжидда олди-сотди қилмоққа изн берганлари ривоят қилинган.

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан, масжидда шеър айтмоққа рухсат борлигига доир бир қанча ҳадис ривоят қилинган.

239-БОБ

МАВЗУ: ТАҚВО АСОСИДА ҚУРИЛГАН МАСЖИД

۳۲۲ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا حَاتِمُ بْنُ إِسْمَاعِيلَ مِنْ أَنَسِ بْنِ أَبِي
يَعْقُوبٍ مِنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي سَمِيْعٍ الْكَلْبِيِّ قَالَ : « ائْتَرَى رَجُلًا مِنْ بَنِي
خُدْرَةَ وَرَجُلًا مِنْ بَنِي تَمِيمٍ بِنِ تَمِيمِ بْنِ تَمِيمٍ فِي الْمَسْجِدِ الَّذِي أُسِّسَ عَلَى النَّبِيِّ
قَالَ الْكَلْبِيُّ : هُوَ مَسْجِدُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَقَالَ الْآخَرُ
هُوَ مَسْجِدُ قَبَا ، فَأَتَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي ذَلِكَ ، فَقَالَ : هُوَ
هَذَا بَنِي مَسْجِدَهُ ، وَفِي ذَلِكَ خَيْرٌ كَثِيرٌ . »

322. Абу Саъид Ал-Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтади: «Бани Худро (қавми)дан бўлмиш бир киши билан Бани Авф (қавми)дан бўлмиш бир киши, «пойдевори тақво асосида қурилган масжид» борасида баҳслашиб қолди. Бани Худродан бўлгани: «Бу Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг масжидларидир», деса, униси: «Бу – Қубо масжиди!» деди. Шунда улар бу масалада Расулulloҳ

саллаллоху алайҳи ва салламга келиб мурожаат этдилар. (У зот) марҳамат қилиб айтдиларки, «Ўша масжид ушбудир, яъни ўз масжидларини айтдилар, ва унда кўп хайрлар бордир»...

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Абу Бакрий, Али ибн Абдуллоҳдан нақл этиб бундай дейди: «Яҳё ибн Саъиддан, Муҳаммад ибн Аби Яҳё Ал-Асламий ҳақида сўрадим. Унда зарар (ёмонлик) йўқ, биродари Унайс ибн Аби Яҳё ундан кўра саҳиҳроқ», деди.

240-БОБ

МАВЗУ: ҚУБО МАСЖИДИДАГИ НАМОЗ

۳۲۳ — حدثنا محمد بن التلاء أبو كريب ومفيان بن وكيع قالوا: أخبرنا أبو أسامة عن عبد الحميد بن جعفر أخبرنا أبو الأبرد مولى أبي خنثة أنه سمع أسيد بن ظهير الأنصاري وكان من أصحاب النبي صلى الله عليه وسلم . يُحدث من النبي صلى الله عليه وسلم قال « الصلاة في مسجد قبا كغمرؤ » .

323. Усайд ибн Зуҳайр Ал-Ансорийдан ривоят қилинди; у Набий саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан эди ва Набий саллаллоху алайҳи ва салламдан ҳадислар ривоят қилар эди. Айтдики, «Қубо масжидидаги намоз (битга) умрага тенгдир».

Бу бобда Саҳл ибн Хунайфадан ҳадис ривоят қилинган.

Усайднинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

Усайд ибн Зуҳайрнинг шу ҳадисидан бошқа мақбул бир ҳадисини билмаймиз. Шуни ҳам ёлғиз Абу Усоманинг Абдулҳамид ибн Жаъфардан қилган ривоятдан билиб олдик. Абул-Аброднинг исми – Зиёд Мадийний.

241-БОБ

МАВЗУ: МАСЖИДЛАРНИНГ ҚАЙСИ БИРИ
АФЗАЛРОҚ?

۳۲۴ - حَدَّثَنَا الْأَنْصَارِيُّ أَخْبَرَنَا مَنْ أَخْبَرَنَا مَالِكٌ [ج] وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ عَنْ مَالِكٍ عَنْ زَيْدِ بْنِ رَبَاحٍ وَعُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي عُبَيْدٍ اللَّهُ الْأَعْرَبِيُّ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « صَلَاةٌ فِي مَسْجِدِي هَذَا خَيْرٌ مِنْ أَلْبِ صَلَاةٍ فِيهَا سِوَاهُ إِلَّا لِلْجِدِّ الْحَرَامِ »

324.Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Менинг ушбу масжидимда ўқилган бир намоз, (Каъбатуллоҳдаги) Масжид ал-Ҳаромдан ташқари, бошқа (барча) масжидларда ўқилган минг намоздан хайрлироқдир».

Кутайба ўз ривоятида «Убайдуллоҳдан» демайди, фақат «Зайд ибн Рабоҳдан, Абу Абдуллоҳ Ал-Ағордан» дейди.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Абу Абдуллоҳ Ал-Ағорнинг исми – Салмон.

Бу ҳадис Абу Хурайра тариқи билан Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан, бошқа ваҳхдан ҳам ривоят қилинган.

Бу бобда Али, Маймуна, Абу Саъид, Жубайр ибн Мутъим, Абдуллоҳ ибн Аз-Зубайр, Ибн Умар ва Абу Зарр (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган.

۳۲۵ - حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي هُرَيْرَةَ أَخْبَرَنَا حَفِيَّانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ عُمَيْرٍ عَنْ قَزَعَةَ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « لَا تَشْدُ الرَّحَالُ إِلَّا إِلَى ثَلَاثَةِ مَسَاجِدَ : مَسْجِدِ الْحَرَامِ ، وَمَسْجِدِي هَذَا ، وَمَسْجِدِ الْأَقْصَى . »

325.Абу Саъид Ал-Худрий (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Карвонлар фақат уч масжидни кўзлаб йўл юради (фақат уч масжид учун йўлга чиқади): Масжид ал-Ҳаром, менинг ушбу масжидим ва масжид ал-Ақсо.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

242-БОБ

МАВЗУ: МАСЖИДГА ОҲИСТА ЮРИБ КЕЛМОҚ

۳۲۶ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي الشَّوَّازِ أَخْبَرَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ أَبِي سَلْتَةَ عَنْ أَبِي حُرَيْرَةَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « إِذَا أُيِّمَتِ الصَّلَاةُ فَلَا تَأْتَوْهَا وَأَنْتُمْ تَسْتَوْنُ ، وَلَكِنْ آتَوْهَا وَأَنْتُمْ تَنْشَوْنَ ، وَعَلَيْكُمْ السَّكِينَةُ ، فَاذْرَكْتُمْ فَصَلُّوا ، وَمَا قَاتِكُمْ فَأَنْتُوا » .

326.Абу Ҳурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Намозга такбири иқомат айтилаётган бўлса, югуриб—ҳовлиқиб келмангизлар, лекин вазминлик билан оҳиста юриб келингизлар. Етган жойингиздан (жамоатга қўшилиб) ўқийверинг, етолмаганингизни тўлдириб ўкиб олинг»¹⁷⁵.

Бу бобда Абу Катода, Убай ибн Каъб, Абу Саъид, Зайд ибн Собит, Жобир ва Анас (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган.

¹⁷⁵ Абу Ҳурайра (розияллоху анху)нинг бу ҳадиси Ал-Бухорий, Муслим ва бошқалар томонидан бир қанча ваҳҳлардан ва фарқли лафзлар билан ривоят қилинган. Имом билан бирга такбирга улгурмок учун ёки рукуъда имомга етиб олиб, бир ракъатга эришмок учун югуриб келадиганлар бўлар эди. Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам уларга виқор ва вазминлик билан юриб келмокни амр қилдилар

Бу масалада илм аҳли ихтилоф қилдилар. Айримлари, биринчи такбирни бой бермоқдан кўркса, шошилсин, деган фикрга эга бўлишган. Ҳатто баъзиларидан намозга чопиб боргани ривоят қилинади. Айримлари эса жадал юрмоқни макруҳ деб қараган, сокинлик ва виқор билан юрмоғини ихтиёр этган.

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу: айтадиларки, «Амал Абу Ҳурайранинг ҳадиси асосидадир». Исҳоқ айни вақтда бундай дейди: «Биринчи такбирни бой беришдан кўркса, жадал юрмоқлигида зарар йўқ».

۳۲۷ — حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ انْقِلَابًا أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ عَبْدِ بْنِ سَعِيدٍ عَنِ ابْنِ مَرْثَدَةَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِحَدِيثِ أَبِي سَلَمَةَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ بِمَعْنَاهُ

327. *Ҳасан ибн Али Ал-Холлал бизга Абдураззоқдан, Маъмардан, Аз-Зухрийдан, Саъид ибн Ал-Мусаййабдан, Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳум), Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан баён қилади: Абу Саламанинг Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадиси маъносида.*

Абдураззоқ (бу ривоятда) ушбу тарзда: «Саъид ибн Ал-Мусаййабдан, Абу Ҳурайрадан» дейди. Бу ривоят Язид ибн Зурайнинг ривоятидан саҳиҳроқ.

۳۲۸ — حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عَمْرٍو أَخْبَرَنَا سَفِيَّانُ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ عَبْدِ بْنِ سَعِيدٍ ابْنِ الْمَسْكِينِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَحْوَهُ .

328. *Ибн Умар бизга Суфёндан, Аз-Зухрийдан, Саъид ибн Мусаййабдан, Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳум), Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан баён этди: тақрибан ўтган ҳадис.*

243-БОБ

МАВЗУ: МАСЖИДА ЎТИРИБ, НАМОЗНИ
КУТМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ

۳۳۹ — حدثنا محمود بن غمیلان أخبرنا عبد الرزاق أخبرنا معمر
عن همام بن منبہ عن أبي هريرة قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم
« لَا يَزَالُ أَحَدُكُمْ فِي صَلَاةٍ مَا دَامَ يَنْتَظِرُهَا ، وَلَا تَزَالُ لِلْإِنْسَانِ
تَصَلَّى عَلَى أَحَدِكُمْ مَا دَامَ فِي السَّجْدِ : اللَّهُمَّ اغْفِرْ لَهُ ، اللَّهُمَّ لِرَجْعِهِ ، مَا لَمْ
يُحَدِّثْ . قَالَ رَجُلٌ مِنْ حَضْرَتِهِ : وَمَا الْخَدِثُ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ ؟ قَالَ :
فُتَاءٌ أَوْ ضُرَاطٌ »

329.Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Сизлардан бирортангиз намозга мунтазир бўлиб ўтирган муддати давомида намозда турган ҳисобланади. Сизлардан бирортангиз, ҳадас қилмасдан (таҳоратини синдирмасдан) (намоз ўқиш ниятида) масжидда қолган муддати давомида малоикалар:

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لَهُ اللَّهُمَّ لِرَجْعِهِ» («Аллоҳуммағ-фирлаҳу, Аллоҳуммарҳамху») деб¹⁷⁶ дуо қилиб туради...». Шунда Ҳазрамавтдан бўлмиш бир киши: «Ҳадас дегани нима, ё Або Хурайра?» деди. Абу Хурайра: «Ел чиқармоқ ёки (ел) овозини чиқармоқ», деб жавоб берди.

Бу бобда Али, Абу Саъид, Анас, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Саҳл ибн Саъд (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

¹⁷⁶Аллоҳим! Бу кишини мағфират қил! Аллоҳим! Бу кишини раҳмат қил!

244-БОБ

**МАВЗУ: ЖОЙНАМОЗ УСТИДА НАМОЗ
ЎҚИМОҚ**

۳۳۰ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا أَبُو الْأَسْوَمِيِّ عَنْ يَحْيَى بْنِ سَعْدٍ
عَنْ عِكْرِمَةَ بْنِ أَبِي جَبْرِ قَالَ : « كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
يُصَلِّي عَلَى الْخُمْرَةِ » .

330. *Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хумра (кичик бўйра) устида намоз ўқидилар».*

Бу бобда Умму Ҳабиба, Ибн Умар, Умму Салама, Оиша, Маймуна, Умму Кулсум бинти Аби Салама, Ибн Абдул-Асад (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳлининг қавли шу.

Аҳмад ва Исҳоқ айтади: «Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам жойнамоз устида намоз ўқиганлари собит бўлган».

«*الخُمْرَةِ*» («Ал-Хумра») кичик бўйрадир.

245-БОБ

**МАВЗУ: ҲАСИР* (БҮЙРА) УСТИДА НАМОЗ
ЎҚИМОҚ**

۳۳۱ — حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ أَخْبَرَنَا عَيْسَى بْنُ يونسَ عَنِ الْأَعْمَشِ
عَنْ أَبِي سَعْيَانَ عَنْ جَابِرٍ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
صَلَّى عَلَى حَمِيرٍ » .

331. *Абу Саъид (розияллоҳу анҳу)дан ривоят*

* Ҳасир луғатда — нақш солинган зийнатли мато ҳамда кийим маъносига ҳам келади.

қилинди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам буйра устида намоз ўқидилар».

Бу бобда Анас ва Ал-Муғира ибн Шуъба (розияллоху анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Саъиднинг ҳадиси ҳасан.

Илм аҳлининг кўпчили наздида амал шу ҳадис асосидадир. Шунга қарамай, баъзи илм аҳли ерда намоз ўқимокни ихтиёр этганлар.

246-БОБ

МАВЗУ: ШОЛЧА УСТИДА НАМОЗ ЎҚИМОҚ

۳۳۲ — حدثنا هنادٌ أخبرنا وكيعٌ عن شذبة عن أبي التياح البصبغى قال : سمعت أنس بن مالك يقول : « كان رسولُ الله صلى الله عليه وسلم يُخَالِفُنَا حتى كان يقولُ لِأَخِي لِي صَفِيرٍ : يَا أَبَا عُبَيْرٍ مَا قَتَلْتَ النَّعْبِرَ ؟ قال : وَنُضِحَ بِسَاطٍ لَنَا فَقَتَلْتُهُ عَلَيْهِ »

332. Анас ибн Молик (розияллоху анҳу)дан бундай деб айтгани ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бизлар билан ҳазил-мутойиба қилиб турар эдилар. Ҳатто бир куни менинг бир кичик укамга: «Эй Або Умайр! Булбулча нима қилди?» дедилар... (Анас) айтди: «Бир шолчамиз (бор эди) сув сепиб ювилди, ўшанинг устида намоз ўқидилар».

Бу бобда Ибн Аббос (розияллоху анҳумо)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламининг саҳобаларидан илм аҳлининг ва кейинги уламолардан кўпчилигининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: Шолча ва гилам устида намоз ўқимокнинг зарари йўқ, деган фикрдалар. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

Абут-Таййохнинг исми - Язид ибн Хумайд.

247-БОБ

МАВЗУ: ЎТЛОҚЛАРДА НАМОЗ ЎҚИМОҚ

۳۳۳ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ حَبْلَانَ حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ أَخْبَرَنَا ابْنُ أَبِي جَعْفَرٍ عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ عَنْ أَبِي الطَّفَيْلِ عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ : « أَنْ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَنْتَحِبُ الصَّلَاةَ فِي الْحَيْطَانِ » .

333.Муъоз ибн Жабал (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтлоқларда намоз ўқимокни мустаҳаб кўрар эдилар».

Абу Довуд айтадики, «الحيطان» («Ҳийтон») калимасидан ўтлоқлар кўзда тутилган.

Муъознинг ҳадиси ғариб. Бу ҳадисни ёлғиз Ал-Ҳасан ибн Абу Жаъфарнинг ривоятидан биламиз. Яҳё ибн Саъид ва бошқалар Ал-Ҳасан ибн Абу Жаъфарнинг заиф эканлигини қайд этганлар. Абуз-Зубайрнинг исми - Муҳаммад ибн Муслим ибн Тадрус. Абут-Туфайлнинг исми - Омир ибн Василя.

248-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗХОН РЎПАРАСИГА ТЎСИҚ ҚЎЙМОҒИ

۳۳۴ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَهَنَّادٌ قَالَا : أَخْبَرَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ عَنْ يَسْمَآكَ ابْنِ حَرْبٍ عَنْ مُوسَى بْنِ مَلْحَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ . « إِذَا وَضَعَ أَحَدُكُمْ بَيْنَ يَدَيْهِ مِثْلَ مُؤَخَّرَةِ الرَّحْلِ فَلْيَسَلْ وَلَا يُبَالِي مَنْ مَرَّ مِنْ رِوَاهُ ذَلِكَ » .

334.Талҳа (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сизлардан бирортангиз рўпарасига эгарнинг орқаси баробар бир нарсани қуйиб, намозини ўқийверсин, тўсиқнинг нариги томонидан ўтаётганларга чалғимасин».

Бу бобда Абу Хурайра, Саҳл ибн Ҳасма, Ибн Умар, Сабра ибн Маъбад, Абу Жуҳайфа ва Оиша (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Талҳанинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Айтадиларки, имомнинг олдидаги тўсиқ имомнинг орқасидаги намозхонлар учун ҳам тўсиқдир.

249-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗ ҲАҚИДАГИ ОДАМНИНГ ОЛДИДАН КЕСИБ ҲАМ ҲАМ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ

۳۳۵ — حدثنا الأَنْصَارِيُّ أَخْبَرَنَا مَعْنَى أَخْبَرَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ مِنْ أَبِي النَّضْرِ عَنْ بُشَيْرِ بْنِ سَعِيدٍ أَنَّ زَيْدَ بْنَ خَالِدٍ الْجُبَيْتِيَّ أُرْسِلَ إِلَى أَبِي جُبَيْرٍ بِسَأَلِهِ مَاذَا تَمِيعُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْمَاءِ بَيْنَ يَدَيْهِ الْمَضَى ؟ قَالَ أَبُو جُبَيْرٍ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : «لَوْ بَدَلْتُمُ الْمَاءَ بَيْنَ يَدَيْهِ الْمَضَى مَاذَا عَلَيْهِ لَكَانَ أَنْ يَقِفَ أَرْبَعِينَ خَيْرًا لَهُ مِنْ أَنْ يَمُرَّ بَيْنَ يَدَيْهِ » قَالَ أَبُو النَّضْرِ : لَا أُحَدِّثُ قَالَ أَرْبَعِينَ يَوْمًا أَوْ أَرْبَعِينَ شَهْرًا أَوْ أَرْبَعِينَ سَنَةً .

335. Бусро ибн Саъид (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: Зайд ибн Холид Ал-Жуханий, (Умар ибн Усайдulloҳнинг кули) Абун-Назри Абу Жуҳаймга юбориб, намоз ҳақидаги одамнинг олдидаги ҳақ қилинган бора-сида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан нима эшитганини сўратди. Абу Жуҳайм айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Намоз ҳақидаги одамнинг олдидаги ҳақ қилинган киши қандай (гуноҳ) иш қилаётганини билса эди, намозхоннинг олдидаги кесиб ҳақ қилмай, яхшиси, қирқ тўқтаб, кутиб турган бўлар эди». Абун-Назр айтдики, ўшанда қирқ кун дедиларми, қирқ ойми ёки қирқ йилми – билолмадим».

Бу бобда Абу Саъид Ал-Худрий, Абу Хурайра, Ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Амрдан ҳадис ривоят

қилинган.

Абу Жухаймнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан бундай деб айтганлари ҳам ривоят қилинган: «Сизлардан бирортангиз, намоз ўқиётган одамнинг олдидан кесиб ўтганидан кўра, юз йил тўхтаб, кутиб турмоғи яхшироқдир.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Намоз ўқиётган одамнинг олдидан кесиб ўтишни макруҳ деб қараганлар, лекин бу қилиқ намозхоннинг намозини бузмайди, деб қарор қилганлар.

250-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗХОН ОЛДИДАН ҲАҲ ҚАНДАЙ НАРСА ЎТСА ҲАМ, НАМОЗИ БУЗИЛМАЙДИ

۳۳۶ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي الشَّوَّازِ أَخْبَرَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ أَخْبَرَنَا ثَمَرٌ عَنْ الزُّهْرِيِّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّادَةَ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: كُنْتُ رَدِيفَ الْفَضْلِ عَلَى أَتَانٍ فَعِينَا وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَنْزِلٍ بِأَصْحَابِهِ بَيْنَ، قَالَ: فَزَلْنَا عَنْهَا، فَوَصَلْنَا الصَّفَّ فَفَرَّقَتْ بَيْنَ أَيْدِيهِمْ فَلَمْ تَمَطَّعْ صَلَاتَهُمْ .

336.Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Мен Фазл билан бир мода эшакка мингашиб олган эдим. Минога келсак, Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам саҳобалари билан Минода (олдиларига тўсиқ қўймай) намоз ўқиётган эканлар. Уловдан тушиб, сафга қўшилдик. Улов уларнинг олдидан кесиб ўтди ва (лекин) намозларини кесмади (бузмади)».

Бу бобда Оиша (онамиз), Ал-Фазл, Ибн Аббос ва Ибн Умар (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят

қилинган.

Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан илм аҳлининг ва тобиъийн уламоси кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир: «Намозни ҳеч қандай нарса кесмайди», дейдилар.

Суфён ва Шофиъийнинг қавли ҳам шудир.

251-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗНИ ФАҚАТ ИТ, ЭШАК ВА АЁЛ КИШИ КЕСМОҒИ

۳۳۷ - حدثنا أحمد بن منيع أخبرنا هشيم أخبرنا يونس ومنصور
 ابن زاذان عن محمد بن حلال عن عبد الله بن الصامت قال : سمعتُ
 أبا ذرٍّ يقول : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : « إذا صلى الرجلُ
 وليس بين يديه كَأَخِرَةِ الرَّجُلِ أَوْ كَوَاطِفَةِ الرَّجُلِ قَطَعَ سَلَاةَ الْكَلْبِ
 الْأَسْوَدِ وَالرَّأَةِ وَالْجَارِ » قُلْتُ لِأَبِي ذَرٍّ : مَا بَالُ الْأَسْوَدِ مِنَ الْأَخْمَرِ
 وَمِنَ الْأَيْتَمِيِّ ؟ قَالَ : يَا ابْنَ أَخِي سَأَلْتَنِي كَمَا سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
 عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « الْكَلْبُ الْأَسْوَدُ شَيْطَانٌ .

337.Абу Зарр (розияллоҳу анҳу)дан бундай деб айтгани ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бир киши рўпарасига эгарнинг орқаси баробар ёки ўртаси баробар нарсаин тўсиқ қилиб қўймасдан намоз ўқиётган бўлса, унинг намозини қора ит, аёл киши, эшак кесади. (Абдуллоҳ ибн Сомит) айтади: «Абу Заррға: «Қора итнинг қизил итдан ёки оқ итдан нима фарқи бор?» дедим. Айтдики, «Эй биродарзодам! Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўраган нарсаини мендан сўрадинг: (У зот): «Қора ит шайтондир!» деб айт-

ганлар».

Бу бобда Абу Саъид, Ал-Хакам Ал-Гифорий, Абу Хурайра ва Анас (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Заррнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳли шу фикрни эгаллаганлар ва бундай деганлар: Намозни эшак, аёл киши ва қора ит кесади. Аҳмад айтади: «Қора ит намозни кесмоғига шубҳам йўқ. Аммо эшак ва аёл киши намозни кесмоғидан бир оз шубҳам бор».

Исҳоқ айтади: «Намозни қора итдан бошқа ҳеч нарса кесмайди».

252-БОБ

МАВЗУ: БИР ҚАВАТ КИЙИМДА НАМОЗ ЎҚИМОҚ

۳۳۸ — حَدَّثَنَا قُتَيْبٌ أَخْبَرَنَا الْأَشْجَثُ عَنْ عِثَامِ بْنِ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عُمَرَ بْنِ أَبِي سَلَمَةَ أَنَّهُ رَأَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي فِي بَيْتِ أُمِّ سَلَمَةَ مُشْتَبِلًا فِي ثَوْبٍ وَاحِدٍ .

338. Умар ибн Аби Саламадан ривоят қилинди: «У, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам Умму Саламанинг уйларида бир (қават) кийимга ўралиб намоз ўқиётганларини кўрди».

Бу бобда Абу Хурайра, Жобир, Салама ибн Ал-Акваъ, Анас, Амр ибн Аби Усайд, Абу Саъид, Кайсон, Ибн Аббос, Оиша, Умму Хонийъ, Аммор ибн Ёсир, Талқ ибн Али ва Убода ибн Ас-Сомит Ал-Ансорий (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди.

Умар ибн Саламанинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобадаридан ва тобиъийндан бўлмиш илм аҳли ва

бошқа уламоларнинг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир. Битта кийимда намоз ўқимоқликда зарар йўқ, дейдилар.

Айрим илм аҳлининг фикрича, икки (қават) кийим кийиб намоз ўқилади.

253-БОБ

МАВЗУ: ҚИБЛАНИНГ КАЪБАГА ҚАРАБ ЎЗГАРИШИ

۳۳۹ - حَدَّثَنَا هَنَّادٌ أَخْبَرَنَا وَكَيْعٌ عَنْ إِسْرَائِيلَ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ
عَنِ اللَّيْثِ بْنِ عَازِبٍ قَالَ : لَمَّا قَدَّمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَدِينَةَ
صَلَّى نَحْوَ بَيْتِ الْمَقْدِسِ سِتَّةَ أَوْ سَبْعَةَ عَشَرَ شَهْرًا . وَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحِبُّ أَنْ يُوجَّهَ إِلَى الْكَعْبَةِ ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى : ﴿ قَدْ
نَزَّيْنَا قَلْبَكَ وَجْهَكَ فِي السَّمَاءِ فَلْتَوَلَّيْنِكَ قِبَلَةً تَرْضَاهَا ، قَوْلٌ وَمِنْ جَهَنَّمَ
شَطْرَ الْمَشْرِيقِ الْمَغْرِبِ ﴾ فَوُجَّهَ إِلَى الْكَعْبَةِ ، وَكَانَ يُحِبُّ ذَلِكَ . فَصَلَّى رَجُلٌ
مَعَهُ الْعَصْرَ ثُمَّ تَمَّ مَرَّةً عَلَى قَوْمٍ مِنَ الْأَنْصَارِ وَمِنْ رُكُوعٍ فِي صَلَاةِ الْعَصْرِ نَحْوَ
بَيْتِ الْمَقْدِسِ قَالَ هُوَ بِشَهْدِ أَنَّهُ صَلَّى مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
وَأَنَّهُ قَدْ وُجَّهَ إِلَى الْكَعْبَةِ .

339. Ал-Барро ибн Озиб (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам Мадинага келганларида ўн ой ёки ўн етти ой Байтил-Мақдисга (Қуддусдаги Масжид-ал-Ақсога) қараб намоз ўқидилар. Аслида Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам Каъбага юзланиб намоз ўқимоқни орзу қилар эдилар. Шунда Аллоҳ таоло: «Гоҳ юзингни (ваҳий кутиб) осмон бўйлаб сайр қилдирганингизни кўряпмиз. (Хотиржам бўлинг), Сизни ўзингиз рози бўладиган қиблага (Каъбага) юз ўгиртирамиз. Юзингни Масжиди Ҳаром (Каъба) то-

монга буринг!...»¹⁷⁷ деган ояти Каримани нозил қилди. Шундай қилиб, у кишининг юзи Каъбага ўтирилди, ўзлари шунини севар эдилар. Бир киши у зот билан бирга аср намозини ўқигач, кейин ансорийлардан бўлмиш бир қавм олдига борди; улар аср намозини ўқиётиб, Байтул-Макдисга қараб рукуъ қилиб туришган эди. У киши Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқиганига шохидлик бериб, у зот Каъбага юзланганларини айтди: «Шунда бутун қавм Каъбага қараб ўтирилди», деди.

Бу бобда Ибн Умар, Ибн Аббос, Амора ибн Авс, Амр ибн Авф Ал-Музаний ва Анас (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ал-Барронинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Суфён Ас-Саврий, Абу Исҳоқдан шундай деб ривоят қилган

۳۴۰ — حَدَّثَنَا هَنَّادُ أَخْبَرَنَا وَكَيْعٌ عَنْ سَفْيَانَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ دِينَارٍ
عَنْ ابْنِ عَمْرٍو قَالَ : كَانُوا رُكُوعًا فِي صَلَاةِ الصُّبْحِ .

340.Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдики: «Бомдод намозини ўқиётиб рукуъ қилиб туришган эди».

254-БОБ

МАВЗУ: МАШРИҚ БИЛАН МАҒРИБ ОРАСИ ҚИБЛАДИР

۳۴۱ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي مَعْشَرٍ أَخْبَرَنَا أَبِي عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ حَمْرٍو عَنْ
أَبِي سَلَةَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ :
« مَا بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ قِبْلَةٌ » .

341.Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва сал-

¹⁷⁷ «Ал-Бақара» сураси, 144-оят. Матн янги таржимадан – Абдулазиз Мансур таржимасидан олинди.

лам бундай дедилар: «Машрик билан Мағриб ораси қибладир».

حدثنا يحيى بن موسى أخبرنا محمد بن أبي معشر : مثله . ۳۴۲

342.Яхё ибн Мусодан, Муҳаммад ибн Аби Маъшардан ривоят қилинди: ўша ҳадиснинг ўзи.

Абу Хурайранинг ҳадиси мутааддид ваҳждардан ривоят қилинди. Баъзи илм аҳли, Абу Маъшарни хоти-раси жиҳатидан танқид қилган. Абу Маъшарнинг исми – Бани Ҳошим мавлоси Нужайх. Муҳаммад (Ал-Бухорий) айтади: «Мен ундан бирор нарса ривоят қилмайман, аммо бошқалар ривоят қилган. Абдуллоҳ ибн Жаъфар Ал-Маҳрабийнинг: «**Машрик билан мағриб ораси қибладир**» деган ҳадиси Усмон ибн Муҳаммад Ал-Аҳнасийдан, Саъид Ал-Мақбурийдан, Абу Хурайрадан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган. Унинг Абдуллоҳ ибн Жаъфар Ал-Маҳрабий дейилиши Ал-Мусвир ибн Маҳраманинг ўғли экани туфайлидир.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

«**Машрик билан мағриб ораси қибладир**» деган ҳадис Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан мутааддид кишилардан ривоят қилинган. (Ҳазрати) Умар ибн Ал-Хаттоб, (Ҳазрати) Али ибн Абу Толиб ва Ибн Аббос (розияллоҳу анҳум) шулар орасида борлар.

Ибн Умар айтади: «Мағрибн ўнг томонига ва машрикни чап томонига олиб, қиблага қараб йўналса, икковининг ораси қибладир».

Ибнул-Муборак айтади: «**Машрик билан мағриб ораси қибладир**» деган ҳадис машрик аҳли учундир».

Абдуллоҳ ибн Ал-Муборак, Марв аҳолиси чапга мойил бўлмоғи керак, деб ихтиёр қилган.¹⁷⁸

¹⁷⁸Ибнул-Муборакнинг «Машрик аҳлининг қибласи машрик билан мағриб орасидир» деган сўзи борасида Аш-Шавқоний бундай хулоса қилади: «Ибнул-Муборакнинг бу сўзида ишқал бор. Чунончи, машрикдаги кишининг қибласи мағрибдир. Чунки Макка маш-

255-БОБ

**МАВЗУ: БУЛУТЛИ ҲАВОДА ҚИБЛАДАН
БОШҚА ТОМОНГА ҚАРАБ НАМОЗ
ЎҚИМОҚ**

۳۴۳ - حدثنا محمود بن غيلان أخبرنا وكيع أخبرنا أشعث بن سعيد
السياني عن عاصم بن عبيد الله عن عبد الله بن عامر بن ربيعة عن أبيه
قال : كنا مع النبي صلى الله عليه وسلم في سفر في ليلة مظلمة فلم ندر أين
القبلة ، فصل كل رجل منا على جهالة ، فلما أصبحنا ذكرنا ذلك للنبي
صلى الله عليه وسلم فقرأ (فَأَيُّمًا تَوَلَّوْا قَمَّ وَجْهَ اللَّهِ) .

343. *Робийадан ривоят қилинди: айтди:*
«Қоронғу бир кечада Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга сафарда эдик. Қибла қайси то-

риқ билан мағриб орасида жойлашган. Бу ишқалнинг жавоби ушбулир: Ибнул-Муборак машриққа қарашли юртлардан Ироқ сингари номига машриқ дейиладиган ўлкаларни кўзда тутган, ҳақиқатан буларнинг қибласи машриқ билан мағриб орасидир». Марв аҳолиси учун эса бир оз чапга мойил бўлмоқни ихтиёр этмоқда. «Қомус»да Марв Эрондаги бир шаҳар эканлиги айтилади. Аллома Муҳаммад Тоҳир эса «Ал-Муғна»да Марв Хуросондаги бир шаҳар эканини айтади.

Улуғ аллома Ал-Мақризий, «Машриқ билан мағриб ораси қибладир» ҳадисининг шарҳида, жумладан, бундай дейди: «Чуқур фикрласанг, бу ҳадис Шом, Мадина ва хоҳ шимол, хоҳ жанубда шу минтақага қарашли ўлкаларга хос эканлигини англайсан. Чунки, ҳадисни бутун ер юзи учун деб қабул қилинишининг имкони йўқ. Айрим ўлкалар учун қибла машриқ билан мағриб ораси эмаслиги ҳақиқатдир. Жуғрофий маълумотингиз бўлса ва ўлкаларнинг ҳудудларидан воқиф бўлсангиз, билгайсизки, инсонлар Каъбага йўналганда марказнинг атрофини қуршаган доира сингаридир. Каъбанинг ғарбида бўлганлар намозларида шарққа йўналади, шарқда бўлганлар эса ғарбга йўналади. Шимолида бўлганлар жанубига, жанубида бўлганлар шимолига йўналади. Каъбанинг жанубий-шарқда бўлганлар учун қибла шимолий-ғарб, жанубий-ғарбида бўлганлар учун эса қибла шимолий-шарқдир. Каъбанинг шимолий-шарқдагилар учун қибла жанубий-ғарб, шимолий-ғарбидагилар учун эса қибла жанубий-шарқдир.

монда эканлигини билолмадик. Ҳар ким йўналган томонига қараб намоз ўқиди. Тонг отгач, бу ҳолатни Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтдик. Шунда: «Бас, қай тарафга юз бурсангиз, ўша жой Аллоҳнинг тарафидир», деган ояти карима нозил бўлди.¹⁷⁹

Бу ҳадиснинг исноди унча соғлом эмас. Уни ёлғиз Ашъас Ас-Саммон ривоятидан биламиз. Ашъас ибн Саъид Абур-Робийъ Ас-Саммон ҳадисда заиф эканлиги қайд этилган.

Илм аҳлининг кўпчилиги шу ҳадисни эгаллайдилар ва бундай дейдилар: Булутли ҳавода қиблани адаштириб намоз ўқиса ва кейин бошқа томонга қараб намоз ўқиганини аниқлаб қолса, намози жоиздир.

Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

256-БОБ

МАВЗУ: ҚАЕРДА, НИМАГА ҚАРАБ НАМОЗ ЎҚИМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

۳۴۴ - حدثنا محمودُ بنُ غيلانَ حدثنا المقرئُ قال أخبرنا يحيى بنُ
أيوبَ عن زيدِ بنِ جبيرةَ عن داودَ بنِ الحصينِ عن نافعٍ عن ابنِ عمرَ
أنَّ النَّبيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يُصَلَّى فِي سَبْعِ مَوَاطِنَ : فِي الْمَرْبِئَةِ
وَالْمَجْزَةِ وَالْمَقْبَرَةِ وَقَارِعَةِ الطَّرِيقِ وَفِي الْحَلَمِ ،
وَمَوَاطِنِ الْإِبِلِ ، وَفَوْقَ ظَهْرِ بَيْتِ اللَّهِ .

344.Ибн Имрон (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам етти жойда намоз ўқимокни манъ этдилар: ахлатхонада, қассобхонада (қушхонада), қабристонда, кўчанинг ўртасида, ҳаммомда, туяхонада, Байтуллоҳнинг тепаси-

¹⁷⁹ «Ал-Бақара» сураси, 115-оят.

да».¹⁸⁰

۳۴۵ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حَبْرٍ أَخْبَرَنَا سُوَيْدُ بْنُ عَبْدِ الْعَزِيزِ عَنْ زَيْدِ ابْنِ جَبْرِ عَنْ دَاوُدَ بْنِ سَعْدَانَ عَنْ نَافِعٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَنْهَاهُ وَنَعْوَهُ.

345. Бу ҳадис маъноси билан Ибн Умар (розияллоху анхумо) воситасида Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан шунга яқин тарзда ривоят этилган.

Бу бобда Абу Мирсад, Жобир ва Анас (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Умар ҳадиснинг исноди унча соғлом эмас. Зайд ибн Жабира хотираси жиҳатидан танқил қилинган.

Абу Лайс ибн Саъд бу ҳадисни Абдуллоҳ ибн Умар Ал-Умарийдан, Нофиъдан, Ибн Умардан, Умардан (розияллоху анхум), Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан айнан ривоят қилган.

Ибн Умарнинг Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан қилган ривояти Ал-Лайс ибн Саъиднинг ривоятидан кўра яқинроқ ва саҳиҳроқ. Чунки баъзи

¹⁸⁰Қози Абу Бакр ибн Ал-Арабий Термизий китоби шарҳида: «Намоз ўқимайдиган жойлар ўн учта», дейди ва ҳадисда ворид бўлган еттига жойга ушбуларни қўшади: 8. Қабрга қараб намоз ўқиш. 9. Деворига нажосат суртилган ҳожатхонага қараб туриш. 10. Калисо (черков). 11. Синагог (яхудийлар ибодатхонаси). 12. Ҳайкалларга қараб туриш. 13. Жазо минтақаси. Ал-Ироқий бу жойларни ўн тўққизтага етказади: 14. Босиб-талаб олинган тупроқ. 15. Ухлаётган ва гаплашаётган кишиларга қараб намоз ўқиш. 16. Водийнинг ичи (суви қуриган дарё ўзани). 17. Тортиб-талаб олинган уй. 18. Дирор масжиди (мунофиқлар қурган масжид). 19. Тандир... Бу жойлар саноғини яна кўпайтирганлар ҳам бор. Аммо бу ерларнинг ҳаммасида ёки кўпиди намоз ўқиш дуруст деб айтганлар ҳам бор. Булар: «Намоз қаерда сенга тўғри келса, дарҳол ўқиб ол!» деган ҳадисга таяниб, юқорида зикр этилган жойларда намоз ўқимаслик саҳиҳ ҳадисга асосланмаган кишиларнинг нуқтан-назари, деб ҳисоблашади.

муҳаддислар, Абдуллоҳ ибн Умар Ал-Умарий хотираси заиф эканини қайд этганлар. Яҳё ибн Саъид Ал-Қаттон шу муҳаддислар орасида бор.

257-БОБ

**МАВЗУ: ҚЎЙХОНА ВА ТУЯХОНАЛАРДА
НАМОЗ ЎҚИМОҚ**

۳۴۶ — حدثنا أبو كريبٍ أخبرنا يحيى بن آدم عن أبي بكر بن عياشٍ من هشامٍ عن ابن سيرين عن أبي هريرة قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم « صلوا في مراتب النعم ولا تصلوا في أعطن الإبل » .

346.Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Қўйхоналарда намоз ўқингизлар, аммо туяхоналарда намоз ўқимангизлар».

۳۴۷ — حدثنا أبو كريبٍ أخبرنا يحيى بن آدم عن أبي بكر بن عياش عن أبي حصين عن أبي صالح عن أبي هريرة عن النبي صلى الله عليه وسلم بئله أو بنحوه .

347.Абу Курайрдан, Яҳё ибн Одамдан, Абу Бакр ибн Аийашдан, Абу Хусайндан, Абу Солиҳдан, Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳум), Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу ҳадис айнан ёки шунга яқин тарзда ривоят қилинган.

Бу бобда Жобир ибн Самура, Ал-Барро, Сабра ибн Маъбад Ал-Жуханий, Абдуллоҳ ибн Муғаффал, Ибн Умар ва Анас (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Биродарларимизнинг амали шу ҳадис асосидадир.

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

Абу Хусайннинг Абу Солиҳдан, Абу Хурайрадан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривояти ғариб.

Исроил бу ҳадисни Абу Хусайндан, Абу Солиҳдан, Абу Хурайрадан мавкуф тарзида ривоят қилади ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга(ча) юксалтиради.

Абу Хусайннинг исми - Усмон ибн Осим Ал-Асадий.

۳۴۸ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ أَخْبَرَنَا يَحْيَى بْنُ سَمِيْعٍ عَنْ شُعْبَةَ بْنِ أَبِي الْفَيْحَاءِ الضَّبِّيِّ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُعَلِّقُ فِي سَابِضِ النَّخْلِ .

348. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўйхоналарда намоз ўқир эдилар».

Бу ҳадис саҳиҳ.

Абут-Таййохнинг исми – Язид ибн Хумайд.

258-БОБ

МАВЗУ: УЛОБ УСТИДА НАМОЗ ЎҚИМОҚ

۳۴۹ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ أَخْبَرَنَا وَكِيعٌ وَيَحْيَى بْنُ آدَمَ قَالَا: أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ عَنْ جَابِرٍ قَالَ : « بَشَّطَى النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَاجَةِ فِتْنَةٍ وَهُوَ يُعَلِّقُ عَلَى رِاحِلَتِهِ نَحْوَ الشَّرِيفِ وَالسُّجُودِ أَخْفَضُ مِنَ الرُّكُوعِ » .

349. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени бир иш билан юбордилар. Қайтиб келсам, у киши туяларининг устида машриққа қараб намоз ўқиётган экалар. Саждалари рукуъларидан кўра пастроқ эди».

Бу бобда Анас, Ибн Умар, Абу Саъид ва Омир ибн Робийъа (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди.

Жобирнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Жобирдан мутааддид ваҳҳлардан ривоят

қилинган.

Илм аҳлининг барчалари наздида амал шу ҳадис асосидадир. Ораларида ихтилоф учраганини билмаймиз. Киши улов устида нафл намози ўқимоклигида зарар йўқ деб қарайдилар. Қайси томонга йўналса-йўналсин, юзланган томони хоҳ қибла бўлсин, хоҳ бошқа томонга юзлансин, (улов кетаётган томонга қараб намоз ўқийверади).

259-БОБ

МАВЗУ: ТУЯГА ҚАРАБ (ТУЯНИ ТЎСИҚ ҚИЛИБ) НАМОЗ ЎҚИМОҚ

۳۵۰ - حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ وَكَيْعٍ أَخْبَرَنَا أَبُو خَالِدٍ الْأَحْمَرِيُّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَرْثَدَةَ عَنْ نَافِعٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى إِلَى بَيْتِهِ أَوْ رَاحِلَتِهِ وَكَانَ يَصِلُ عَلَى رَاحِلَتِهِ حَيْثَا تَوَجَّهَتْ بِهِ .

350.Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам туяларига қараб ёки урғочи туяларига қараб намоз ўқидилар. У киши туяларининг устида, кетаётган томонларига юзланиб, намоз ўқийверар эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳлининг қавли ҳам шу. Туяни тўсиқ қилиб, унга қараб намоз ўқимокнинг зарари йўқ, деган фикрдалар.

260-БОБ

МАВЗУ: КЕЧКИ ТАОМ БИЛАН ХУФТОН НАМОЗИ БИР ВАҚТГА ТЎҒРИ КЕЛИБ ҚОЛСА...

۳۵۱ - حَدَّثَنَا عُثَيْبَةُ أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ الزُّهْرِيِّ عَنْ أَنَسٍ يَبْلُغُ بِهِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « إِذَا حَقَّرَ الْمَشَاءُ وَأَقْبَمَتِ الصَّلَاةُ فَايْدَأُوا بِالْمَشَاءِ .

351. Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; ҳадиси Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга етказиб, бундай деди: «Кечлик таом ҳозир бўлганда хуфтон намозига иқомат айтилса, сизлар (аввал) кечлик таомдан бошлангизлар».

Бу бобда Оиша, Ибн Умар, Салама ибн Ал-Акваъ ва Умму Салама (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Анасинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан баъзи илм аҳли наздида амал шу ҳадис асосидадир. (Ҳазрати) Абу Бакр, Умар ва Ибн Умар (розияллоҳу анҳум) шулар орасида бор.

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шу: «Жамоат намозини бой берса ҳам, кечлик таомдан бошлайди», дейдилар.

Ал-Жоруддан эшитдим, Вакиънинг бу борада бундай деганини эшитдим, дейди: «Таомни айниб қолишидан кўрқса, кечлик таомдан бошлайди».

Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва бошқалардан баъзи илм аҳли бу борада эга бўлган фикр эргашилмоққа яқинроқ: Киши қалби фақатгина ҳар қандай бир нарса сабаби билан машғул бўлганида, намозга турмаслигини мурод этганлар.

Ибн Аббосдан бундай деб айтгани ривоят қилинган:

«Кўнглингизда бирор нарса бор бўлса, намозга турманг».

Ибн Умардан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганлари ривоят қилинган: «Кечлик таом сузилганида намозга иқомат айтилса, сизлар (аввал) кечлик таомдан бошлангизлар».

Ибн Умар имомнинг қироатини эшитиб туриб, кечлик таомни еди. Буни Ҳаннод бизга баён этди. Абда бу хабарни унга Убайдуллоҳдан, Нофиъдан, Ибн Умардан етказган.

261-БОБ

МАВЗУ: УЙҚУСИРАБ НАМОЗ ҲИМОҚ

۳۵۲ - حدثنا هارون بن إسحاق التميمي أخبرنا عبدة بن سليمان الكلابي عن هشام بن عروة عن أبيه عن عائشة قالت : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : « إذا نَسَّ أَحَدُكُمْ وهو يُصَلِّي فليُرُدَّهُ حتى يذهب عنه النوم فإنَّ أَحَدَكُمْ صَلَّى وهو يتنَسُّ فَلَمْ يَلَهُ يذهبُ لِيَسْتَغْفِرَ فِيهِمْ نَفْسَهُ ».

352. Оиша (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сизлардан бирортангизни намоз ўқиётиб уйқу қилса, уйқуси кетгунича ётиб ухласин. Чунки бирор киши уйқусираб намоз ўқиса, истиғфор айтаман деб ўз-ўзини сўкиб қўйиши мумкин».¹⁸¹

Бу бобда Анас ва Абу Хурайра (розияллоху анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Оиша (онамиз)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

¹⁸¹ Яъни намоз ўқиётган пайтда салом беради-да, намоздан чиқади, ётиб ухлайди. Баъзилар бу ҳадисни тунги намозга тегишли, дейдилар. Ан-Нававий, фарз ва нафл, кечки ва кундузги намозларнинг ҳаммасига тегишли эканлигини айтади. Хофиз ибн Ҳажар, «Фатҳ-ул-борий»да ҳадис махсус бир сабабга таянганини, аммо лафзи омма (ҳаммага тегишли) эканлигини таъкидлаганидан кейин, бундай дейди: «Фарз намозларида ҳам шу ҳадис билан амал қилинади, фақатгина намозни ўтказиб юбориш (қазо қилиб қўйиш) хавфи йўқ бўлса...»

262-БОБ

**МАВЗУ: БИР ҚАВМНИ ЗИЁРАТ ҚИЛГАН
КИШИ УЛАРГА ИМОМ БЎЛМАСИН**

۳۵۳ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ وَمَعْمُودُ بْنُ غِيْلَانَ قَالَا : أَخْبَرَنَا وَكَيْعٌ عَنْ أَبِي بَانَ بْنِ يَزِيدَ الطَّائِرِ عَنْ بُدَيْلِ بْنِ سَبِينَةَ الْمُعَلِّيِّ عَنْ أَبِي عَطِيَّةَ ، رَجُلٍ مِنْهُمْ قَالَ : كَانَ مَالِكُ بْنُ الْحَوَارِثِ يَأْتِينَا فِي مُصَلَّائِنَا يَتَحَدَّثُ فَخَفَّرَتِ الصَّلَاةُ يَوْمًا فَقُلْنَا لَهُ تَقَدَّمَ قَالَ : لِيَتَقَدَّمَ بِمَضْمُونِهِمْ . حَتَّى أُحَدِّثَكُمْ لَمْ لَا أَتَقَدَّمَ ، تَمَيَّنْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : « مَنْ زَلَّ رَجُلًا قَوْمًا فَلَا يُؤْمِنُهُمْ وَلِيَوْمِهِمْ رَجُلٌ مِنْهُمْ » .

353.Абу Атиййадан ривоят қилинди; айтди: «Молик ибн Ал-Хувайрис намозларимизга келиб бизлар билан суҳбатдош бўлиб турар эди. Бир кун намоз вақти киргач, унга: «Олдинга ўт!» дедик. Шунда айтдики, «Бирорталарингиз олдинга ўтсин, мен нима учун олдинга ўтмаганимни сизларга айтиб берайин. «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганман: «Кимки бирор қавмни зиёрат қилса, уларга имом бўлмасин. Уларга ўзларидан бирор киши имом бўлсин», — дедилар.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва бошқалардан илм аҳли кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир. Айтадиларки, «*Имомлик зиёратчидан кўра кўпроқ уй эгасининг ҳаққидир*».

Айрим илм аҳлининг фикрича, агар уй эгаси рухсат берса, зиёратчи имом бўлмоқлигида зарар йўқ.

Исҳоқ, Молик ибн Хувайриснинг ҳадисиини тутади ва уй эгаси рухсат берган тақдирда ҳам ҳеч ким уй эгасига имом бўлмайди, деб қатъий ҳукм қилади. Айтадики, «Масжидда ҳам шундай. Зиёрат қилган кишиларга масжидда ҳам имом бўлмайди, уларга ўзларидан бир киши имомлик қилади».

263-БОБ

МАВЗУ: ИМОМ ЁЛФИЗ ЎЗИ УЧУН ДУО
ҚИЛИШИ КАРОХАТ ЭКАНЛИГИ

۳۵۴ - حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ أَخْبَرَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ عِيَّاشٍ قَالَ : حَدَّثَنِي حَبِيبُ بْنُ صَالِحٍ عَنْ يَزِيدَ بْنِ شَرِيحٍ عَنْ أَبِي جَبْرِ لِلْوَدَّعِ الْخِمْصِيُّ عَنْ تَوْبَانَ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « لَا يَجِلُّ لِإِسْرَائِيلَ أَنْ يَنْظُرَ فِي جَوْفِ بَيْتِ إِسْرَائِيلَ حَتَّى يَسْتَأْذِنَ ، فَإِنْ نَظَرَ قَدْ دَخَلَ ، وَلَا يُؤْمَرُ قَوْمًا فَيُخْصَمُ نَفْسَهُ بِدَعْوَةِ دُونِهِمْ ، فَإِنْ قَتَلَ قَدْ خَانَهُمْ ، وَلَا يَقُومُ إِلَى الصَّلَاةِ وَهُوَ حَتَّى » .

354. Савбондан ривоят қилинди; Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Рухсат олмасдан туриб бир кишининг уйи ичига қарамоқ ҳеч кимга ҳалол эмас. Бас, қарадими, кирган бўлади. Бир дуони, бошқаларини кўйиб, фақат ўзи учун қилган киши қавмга имом бўла олмайди, шундай қилса, уларга хиёнат этган бўлади. Қистанган ҳолатда намозга турилмайди».

Бу бобда Абу Хурайра ва Абу Умома (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Савбоннинг ҳадиси ҳасан.

Бу ҳадис Муовия ибн Солиҳдан, Ас-Сафр ибн Нусайрдан, Язид ибн Шурайҳдан, Абу Умомадан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган.

Язид ибн Шурайҳ, Абу Хурайра, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳам ривоят қилинди.

Бу ҳадисда Язид ибн Шурайҳнинг муаззин Абу Ҳайдан, Савбондан қилган ривояти иснод жиҳатдан яхшироқ ва машҳурроқ кўринади.

264-БОБ

**МАВЗУ: ҚАВМ ХОҲЛАМАГАН КИШИНING
ҚАВМГА ИМОМ БЎЛМОҒИ**

۳۵۵ — حدثنا عبدُ الأعلى بنُ واصل السكونيُ أخبرنا محمدُ بنُ قاسمِ الأسيديُّ عن الفضلِ بنِ دهمٍ عن الحسنِ قال : سمعتُ أنسَ بنَ مالكٍ قال : « لمنَ رسولُ الله صلى الله عليه وسلم ثلاثةٌ : رجلٌ أمٌ قوماً وممٌ لهُ كارهونَ ، وامرأةٌ باتتَ وزوجها عليها ساخطٌ ، ورجلٌ سمعَ حيَّ عليَّ للنَّلاجِ . ثمَّ لم ينجِب »

355. Ал-Ҳасандан ривоят қилинди; айтди: «Анас ибн Моликдан эшитдим, бундай деди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уч кишини лаънатладилар: қавми ёқтирмасдан қавмга имом бўлган кишини; эрини ранжитган ҳолда кечани ўтказган хотинни; «حي على الفلاح» (Ҳаййа ғалал-фалаҳ!)ни эшитиб туриб, сўнг унга ижобат қилмаган кишини».

Бу бобда Ибн Аббос, Талҳа, Абдуллоҳ ибн Амр ва Абу Умома (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Анасининг ҳадиси саҳиҳ эмас. Чунки, бу ҳадис Ҳасандан, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мурсал тарзида ривоят қилинди. Аҳмад ибн Ханбал, Муҳаммад ибн Ал-Қосимни танқид қилиб, унинг заиф эканини қайд этган. У ҳофиз эмас.

Илм аҳлидан баъзилари киши ўзини хоҳламаган қавмга имом бўлмоғини макруҳ деб қараганлар. Ҳолбуки, имом ҳаддан ошган бир киши бўлмаса, гуноҳ фақат уни хоҳламаган кишиларгадир.

Аҳмад ва Исҳоқ бу борада бундай дейишади: «Имомни жамоатдан бир киши, икки киши ёки уч киши хоҳламаса, то қавмнинг кўпчилиги уни ёқтирар экан, қавмга имом бўлмоғида зарар йўқ».

۳۵۶ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ أَخْبَرَنَا جَرِيرٌ عَنْ مَنْصُورٍ بْنِ هَلَالٍ بْنِ يَسَافٍ عَنْ زِيَادِ بْنِ أَبِي الْجَمْدِ عَنْ عَمْرِو بْنِ الْحَارِثِ بْنِ الصَّلَاقِ قَالَ : « كَانَ يُقَالُ أَشَدُّ النَّاسِ عَذَابًا اثْنَانِ : امْرَأَةٌ عَصَتْ زَوْجَهَا وَإِمَامٌ قَوْمٍ وَهُمْ لَهُ كَارِهُونَ » .

356. Амр ибн Ал-Ҳорис ибн Мустолиқдан ривоят қилинди; айтди: «Дейилар эдики, инсонлардан азоби қаттиқ бўладигани икки кишидир: эрига осий бўлган хотин ва қавми ёмон кўрган имом».

Жарир айтади: «Мансур дедики: «Имом бора-сида савол берганимизда бизга бундай дейилди: «Бу билан, фақат ҳаддан ошган имомлар кўзда тутилган. Суннатни бажо қиладиган имомга келсак, гуноҳ уни ёқтирмаган кишиларгадир».

۳۵۷ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ إِسْمَاعِيلَ أَخْبَرَنَا هَالِيُّ بْنُ الْحَسَنِ أَخْبَرَنَا الْحَسِبُ بْنُ وَاقِدٍ قَالَ أَخْبَرَنَا أَبُو طَالِبٍ قَالَ : سَمِعْتُ أَبَا أَنَامَةَ يَقُولُ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « ثَلَاثَةٌ لَا تَجَاوِزُ صَلَاتَهُمْ آذَانَهُمْ : الْمَبْدُ الْآبِيُّ حَتَّى يَرْجِعَ وَامْرَأَةٌ بَاتَتْ وَزَوْجُهَا عَلَيْهَا سَاحِطٌ ، وَإِمَامٌ قَوْمٍ . وَهُمْ لَهُ كَارِهُونَ » .

357. Абу Фолибдан ривоят қилинди; айтди: «Абу Умомадан бундай деганини эшитдим: «Расулulloҳ сал-лаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Уч киши борки, уларнинг намози кулоқларидан (юқори) кўтарилмайдилар: қочган қул, токи қайтиб келгунича; эрини ғазаблангирган ҳолда кечани ўтказган хотин; қавми ёқтирмаган имом».

Бу ҳадис шу жиҳатдан ҳасан-ғариб.

Абу Толибнинг исми эса — Ҳозаввар.

265-БОБ

**МАВЗУ: «ИМОМ ЎТИРИБ НАМОЗ ЎҚИСА,
СИЗЛАР ҲАМ ЎТИРИБ
ЎҚИНГИЗЛАР»**

358 — حدثنا قتيبةٌ أخبرنا الأيثُّ عن ابنِ شهابٍ عن أنسِ بنِ مالكٍ قال : « حَرَّ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ فَرَسٍ فَبَشَّصُو فَصَلَّى بِنَا قَاعِدًا فَصَلَّيْنَا مَعَهُ قَعُودًا ، ثُمَّ انصَرَفَ فَقَالَ إِنَّمَا الْإِمَامُ أَوْ قَالَ : إِنَّمَا جُمِلَ الْإِمَامُ لِيُؤْتَمَّ بِهِ ، فَإِذَا كَبَّرَ فَكَبِّرُوا ، وَإِذَا رَكَعَ فَارْكَعُوا ، وَإِذَا رَفَعَ فَارْفَعُوا ، وَإِذَا قَالَ سَمِعَ اللهُ لِمَنْ حَمَدَهُ فَقُولُوا : رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ وَإِذَا سَجَدَ فَاسْجُدُوا ، وَإِذَا صَلَّى قَاعِدًا فَصَلُّوا قَعُودًا أَجْمَعُونَ . »

358. Анас ибн Молик (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам отдан йиқилдилар, бир ёнлари лат еб (ўнг томон) терилари шилинди. Бизга ўтирган ҳолда намоз ўкиб бердилар, бизлар ҳам ўтирган ҳолда у кишига эргшиб намоз ўкидик. Кейин намозни тугатгач, бизга ўтирилиб: «Имом иқтидо қилмоқлари учун имомдир» ёки «Имом иқтидо қилмоқлари учун имом қилингандир», – дедилар. – Агар у такбир айтса, такбир айтингизлар, рукуъ қилса, рукуъ қилингизлар, ўрнидан турса, турингизлар, агар:

« سَمِعَ اللهُ لِمَنْ حَمَدَهُ » (Самиғаллоху ли ман ҳамидах) деса,
« رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ » (Роббана лака-л-ҳамд!) деб айтингизлар; агар сажда қилса, сажда қилингизлар; агар ўтириб намоз ўқиса, ҳаммангиз ўтириб намоз ўқингизлар»

«Имом Бухорий айтдилар: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: «Имом ўтириб ўқиса, ўтириб ўқингизлар» деган сўзларини бундан илгари бетоблик пайтларида айтганлар, сўнгги касал бўлганларида эса Жаноби Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва

Бу бобда Оиша (онамиз), Абу Хурайра, Жобир, Ибн Умар ва Муовия (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Анаснинг: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам отдан йиқилдилар, терилари шилинди» деган ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан баъзилари шу ҳадисни эгаллашган. Жобир ибн Абдуллоҳ, Усайд ибн Худайр ва Абу Хурайра ҳамда бошқалар шулар орасида борлар. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шу.

Айрим илм аҳлининг фикрича, имом ўтириб ўқиса, орқасидагилар фақат тик туриб намоз ўқийди. Агар ўтириб намоз ўқишса, намозлари жоиз эмас.

Суфён Ас-Саврий, Молик ибн Анас, Ибнул-Муборак ва Шофиъийнинг қавли шудир.

266-БОБ

МАВЗУ: ЎТГАН МАВЗУ

— ۳۵۹ — حَدَّثَنَا عُمُودُ بْنُ غَيْلَانَ أَخْبَرَنَا شَبَابَةُ عَنْ شُعْبَةَ عَنْ نَعِيمِ بْنِ أَبِي هَنْدٍ عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ مَسْرُوقٍ عَنْ عَائِشَةَ .

قَالَتْ صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَلْفَ أَبِي بَكْرٍ فِي مَرْجِيهِ الَّذِي مَاتَ فِيهِ قَاعِدًا .

359. *Оиша (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам вафотлари билан яқунланган (охирги) бетобликларида Абу Бакрнинг ортларида ўтириб намоз ўқидилар».

Оиша (онамизнинг ушбу) ҳадиси ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Оиша (розияллоху анҳо)дан Расулуллоҳ саллал-

саллам ўтириб ўқиганлар, одамлар тик туриб ўқишган. Уларга ўтирмақни буюрмаганлар. Охиргиси ҳисобга олингайдир, зеро охиргиси жаноби Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг табиатларига мосдир». («Саҳиҳи Бухорий», 1-жилд)

лоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганлари ҳам ривоят қилинган: «Имом ўтириб намоз ўқиса, сизлар ҳам ўтириб намоз ўқингизлар».

Яна Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинган: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бетобликларида намозга чиқдилар. Абу Бакр (имомлик қилиб) намоз ўқиб бераётган эдилар. У киши Абу Бакрнинг ёнларида ўтириб намоз ўқиб бердилар. Абу Бакр тик туриб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилдилар, жамоат эса Абу Бакрга иқтидо қилган эди».

Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакрнинг ортларида ўтириб намоз ўқидилар».

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакрнинг ортларида ўтирган ҳолда намоз ўқидилар».

۳۶۰ — حدثنا بذلك عبد الله بن أبي زياد أخبرنا شعبة بن سوار أخبرنا

محمد بن طلحة عن حميد عن ثابت عن أنس قال: صلى رسول الله صلى الله عليه وسلم في مرضه خلف أبي بكر فاعيدأ في ثوب متوشعا به .

360. Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бетобликларида Абу Бакрнинг ортларида ўтириб, кийимларига ўралган ҳолда (қўлтиқлари остидан ўтказиб, елкаларига ташлаган ҳолда) намоз ўқидилар».

Бу ҳадис дасан-саҳиҳ.

Бу ҳадисни Яхё ибн Аййуб, Хумайддан, Анасдан шу тарзда ривоят қилган. Айни вақтда, буни Хумайддан, Анасдан мутааддид кишилар ривоят қилишган, аммо Собитни зикр қилишмаган. Собитдан зикр қилинган ҳадис янада саҳиҳ.

267-БОБ

**МАВЗУ: ИМОМ УНУТИБ ИККИНЧИ
РАКЪАТДА (ҚИЁМГА) ТУРИБ
КЕТСА**

٣٦٦ — حدثنا أحمد بن منيع أخبرنا هشيم أخبرنا ابن أبي ليلى عن الشعبي قال صلى بنا النخعي بن شعبة فنهض في الركعتين فستجح به القوم وسبح بهم فذا قضى صلاته سلم ثم سجد سجدتين للسهو وهو جالس ثم حدثهم: أن رسول الله صلى الله عليه وسلم فعل بهم مثل الذي فعل.

361. *Аш-Шаъбийдан ривоят қилинди; айтди:* «Ал-Муғйра ибн Шуъба бизга намоз ўқиб берди-да, иккинчи рақъатда (ўтирмасдан) туриб кетди. Қавм унга тасбиҳ айтди, яъни «*سبحان الله*» («Субҳаналлоҳ») деди; у ҳам қавмга «*سبحان الله*» («Субҳаналлоҳ») деб тасбиҳ айтди. Намозни адо этиб бўлгач, салом берди ва ўтирган жойида икки марта саждаи саҳв қилди. Кейин уларга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам худди шундай қилганларини ва у ҳам ана шунинг учун шундай қилганини сўзлаб берди».

Бу бобда Уқбаъ ибн Омир, Саъд ва Абдуллоҳ ибн Бухайнадан ҳадис ривоят қилинди.

Ал-Муғйра ибн Шуъбанинг ҳадиси ундан мутааддид ваҳҳлардан ривоят қилинган. Баъзи муҳаддислар Ибн Аби Лайлони хотираси жиҳатдан танқид қилишади. *Аҳмад айтадики:* «Ибн Аби Лайлонинг ҳадиси билан истидлол қилинмайди». Муҳаммад ибн Исмоил (Ал-Бухорий) эса бундай дейди: «Ибн Аби Лайло жуда тўғри киши. Аммо мен ундан ҳадис ривоят қилмайман. Чунки, у ҳадиснинг саҳиҳини чиригидан ажрата олмайди. Бундай кишиларнинг ҳеч бировидан ҳеч нарса ривоят қилмайман».

Бу ҳадис Ал-Муғйра ибн Шуъбадан мутааддид ваҳжлардан ривоят қилинган. Суфён – Жобирдан, Ал-Муғйра ибн Шубайлдан, Қайс ибн Аби Ҳозимдан, Ал-Муғйра ибн Шуъбадан шу ҳадисни ривоят қилди. Баъзи илм аҳли Жобир ибн Жаъфийнинг заиф эканлигини қайд этадилар. Яҳё ибн Саъид, Абдурахмон ибн Маҳдий ва тағин бошқалар уни тарқ этганлар.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Демакки, иккинчи рақъатда (ўтирмасдан) туриб кетса, намозини давом эттираверади ва (охирида) икки марта сажда(и саҳв) қилади. Айримлари саломдан олдин (сажда қилади) деса, айримлари саломдан кейин, деб айтган. Саломдан олдин деб айтувчиларнинг ҳадиси - Аз-Зухрий билан Яҳё ибн Саъид Ал-Ансорийнинг Абдурахмон Ал-Аъраждан, Абдуллоҳ ибн Буқонадан ривоят қилган ҳадисларига мутобақати (мувофиқлиги) сабабига кўра янада саҳихроқ.

۳۶۲ — حدثنا عبد الله بن عبد الرحمن أخبرنا يزيد بن هارون عن السعدي عن زياد بن علاقة قال: صلى بنا الميرة بن شعبة فلما صلى ركعتين قام ولم يجلس، فسبح به من خلقه فأشار إليهم أن قوموا، فلما فرغ من صلاته سلم وسجد سجدة في السهو وسلم، وقال هكذا صنع رسول الله صلى الله عليه وسلم.

362. Зиёд ибн Илоқадан ривоят қилинди; айтди: «Муғйра ибн Шуъба бизларга намоз ўқиб берди-да, икки рақъат ўқигач, ўтирмасдан туриб кетди.

Орқасидаги кишилар «*سبحان الله*» («Субҳаналлоҳ») дейишди, у эса уларга турингизлар деган ишорани қилди. Намоздан фориг бўлгач, салом берди-да, икки марта саждан саҳв қилди, (сўнг) салом берди. (Кейин) «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ана шундай қилган эдилар», – деди.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Ал-Муғййра ибн Шуъба тариқи билан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мутааддид ваҳҳлардан ривоят қилинган.

268-БОБ

**МАВЗУ: БИРИНЧИ ТАШАХҲУДДА ЎТИРМОҚ
МИҚДОРИ**

۳۶۳ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ فَيْلَانَ أَخْبَرَنَا أَبُو دَاوُدَ هُوَ الطَّيَالِسِيُّ أَخْبَرَنَا شُعْبَةُ
أَخْبَرَنَا سَعْدُ بْنُ أَبِي رَاهِمَةَ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا عَيْدَةَ بْنَ عَيْدٍ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ يَخْبُرُ
عَنْ أَبِيهِ قَالَ: «كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا جَلَسَ فِي الرُّكُوعَيْنِ
الْأُولَيَيْنِ كَانَهُ عَلَى الرَّضْفِ». قَالَ شُعْبَةُ نَمَّ حَرَكٌ سَعْدٌ شَفْتِيهِ بِشَيْءٍ فَأَقُولُ
حَقِّي بِغُيُومٍ فَيَقُولُ حَقِّي بِغُيُومٍ.

363. Саъд ибн Иброҳимдан ривоят қилинди; айтди: «Абу Убайда Ибн Абдуллоҳ ибн Масъуд отасидан ҳадис баён этганини эшитдим; айтдики, «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аввалги икки ракъатда (биринчи қаъдада) ўтирсалар, худди қизиган тош устида ўтиргандек ўтирардилар». Шуъба айтди: «Кейин Саъд бир нарса демоқчи бўлиб лабларини қимирлатди. Шунда мен: «То тургунларича», дедим, у ҳам: «То тургунларича», деди.

Бу ҳадис ҳасан. Чунончи, Абу Убайда отасидан эшитган.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Биринчи қаъдада ўтирмоқни чўзмасликни ва ташаҳҳуд устига бирор нарса қўшмасликни ихтиёр этганлар. Айтдиларки, «Ташаҳҳуд устига бирор нарса қўшса, саждаи саҳв қилмоғи лозим бўлади». Аш-Шаъбийдан ва бошқалардан шундай деб ривоят қилинган.

269-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗДА ИШОРАТ ҚИЛМОҚ

٣٦٤ — حدثنا قتيبة أخبرنا الليث بن سعد عن بكير بن عبد الله بن الأشج عن نابل صاحب الباعن ابن عمر عن صهيب قال : «مرت برؤس الله صلى الله عليه وسلم وهو يصل فقلت عليه قرداً إلى إشارة وقال لا أعلم إلا أنه قال إشارة بإصميه» .

364. *Суҳайб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга учрадим. Намоз ўқиётган эканлар. Салом бердим, у киши ишорат билан саломимга алик олдилар».

Лайс йбн Асад (ёки Нобил): «Илло бармоқлари билан ишорат қилиб» деганини билмайман», дейди.

Бу бобда Билол, Абу Хурайра, Анас ва Оиша (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

٣٦٥ — حدثنا محمود بن غيلان أخبرنا وكيع أخبرنا هشام بن سعد عن ثعلبة عن ابن عمر قال : قلت لبلال كيف كان النبي صلى الله عليه وسلم يرد عليهم حين كانوا يسلمون عليه وهو في الصلاة قال : كان يشير بيده .

365. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди:* «Билолдан, «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда турган пайтларида у кишига салом беришса, саломларига қандай алик олар эдилар?» — деб сўрадим. «Қўллари билан ишорат қилар эдилар», — деди».

Бу ҳадис ҳасан-саҳих.

Суҳайбнинг ҳадиси эса ҳасан, уни фақатгина Ал-Лайснинг Букайрдан қилган ривоятидан биламиз. Зайд ибн Аслам тариқи билан *Ибн Умардан ривоят қилганки,*

айтади: «Билолдан, «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Бани Амр ибн Авф масжидида у кишига салом берганларида, саломларига қандай алик олар эдилар?» — деб сўрадим. «Ишорат билан алик олардилар», — деди.

Менимча, иккала ҳадис ҳам саҳиҳ.

Ибн Умар (ишорат билан алик олмоқ ҳадисини) Суҳайб билан Билолнинг иккаловидан ҳам ривоят қилган бўлса-да, Суҳайбнинг ҳадиси ҳикояси бошқа ва Билолнинг ҳадиси ҳикояси бошқадир, демакки, икковларидан (алоҳида-алоҳида) эшитган бўлиши эҳтимоли бор.

270-БОБ

МАВЗУ: «(НАМОЗДА) ТАСБИҲ АЙТМОҚ ЭРКАКЛАРГА ХОС ВА ЧАПАК ЧАЛМОҚ АЁЛЛАРГА ХОС»

۳۶۶ — حَدَّثَنَا هُنَادٌ أَخْبَرَنَا أَبُو مَسْأُودٍ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنِ أَبِي صَالِحٍ عَنِ
أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «التَّبِيحُ لِرِجَالِ
وَالصَّنْفِيقُ لِلنِّسَاءِ» .

366.Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; *айтди:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «(Намозда) тасбиҳ айтмоқ

*Илова: Имом Ал-Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» китоби (1-жилд) «Намозда қилинадиган ҳаракатлар борасидаги боблар»нинг 15-боби «Намозда саломга алик олинмайди» деб номланади. Унда Абдуллоҳ ибн Масъуддан ва Жобир ибн Абдуллоҳдан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз пайтида саломга қатъиян алик олмаганлари ҳақида саҳиҳ ҳадислар баён қилинган. У зотнинг «Намоз ўқиётиб бошқа нарсаларга чалғимаслик керак» деган сўзлари келтирилган. (327–328-саҳифа). Шунингдек, бошқа китобларда «Намоз улуғ машғулоти» деган ҳадиси шариф ҳам зикр қилинган. Яна «Мухтасар-ул-виқоя» шарҳидан: «Саломга жавоб қайтармоқ ҳам намозни бузгай, хоҳ саҳв билан бўлсин, хоҳ қасд билан бўлсин, зероки жавобда хитоб бордир, сўзнинг ҳукмида бўлгай». (135-саҳифа). (Таржимон).

« *سبعان الله* » («Субҳаналлоҳ» демок) эркаклар учун ва чапак чалмоқ аёллар учундир».

Бу бобда Али, Саҳл ибн Саъд, Жобир, Абу Саъид ва Ибн Умар (розияллоҳу анҳумдан ҳадис ривоят қилинган. *(Ҳазрати) Али айтадилар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан киришга рухсат сўраганимда, намозда бўлсалар, « *سبعان الله* » дер эдилар.

Абу Хурайнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

271-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗДА ЭСНАМОҚ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ

۳۶۷ — *حدثنا علي بن حنبل بن حنبل أخيراً إسماعيل بن جعفر عن إسماعيل بن عبد الرحمن عن أبيه عن أبي هريرة وأن النبي صلى الله عليه وسلم قال التائب في الصلاة من الشيطان، فإذا تائب أحدكم فليكظم ما استطاع .*

367.Абу Хурайра (*розияллоҳу анҳу*)дан ривоят қилинди; *айтди:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадиларки, «Намозда эснамоқ шайтондандир ва агар бирортангизни эсноқ тутса, иложи борича қайтармоққа уринсин».

Бу бобда Абу Саъид Ал-Худрий ва Адий ибн Собитнинг бобосидан ҳадис ривоят қилинди.

Абу Хурайнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлидан баъзилари намозда эснамоқни макрух деб топганлар.

Иброҳим айтади: «Мен эснамоқни «иҳ-иҳ» деб йўталиб қайтараман».

*«Мухтасар ул-виқоя» шарҳидан: «Тухфат-ул-мулук»нинг шарҳи «Ҳадийятус-саълуқ» номли китобда ҳамёзани (эсноқни) қайтармоқ йўли ҳақида айтибдилар: «Албатта, Пайғамбар саллал-

272-БОБ

**МАВЗУ: ЎТИРИБ ЎҚИГАН КИШИНING
НАМОЗИ ТИК ТУРИБ ЎҚИГАН
КИШИ НАМОЗИНИНГ ЯРМИГА
ТЕНГ**

٣٦٨ — حدثنا علي بن حجرٍ أخبرنا عيسى بن يونسٍ أخبرنا الحسينُ المعلمُ عن عبدِ اللهِ بنِ بُرَيْدَةَ عنِ عمرانَ بنِ حصينٍ قال : «سألتُ رسولَ اللهِ صلى اللهُ عليه وسلم عن صلاةِ الرجلِ وهو قاعدٌ فقال : من صلى قائماً فهو أفضلٌ ومن صلاًها قاعداً فهو نصفُ أجرِ القائمِ ، ومن صلاًها نائماً فهو نصفُ أجرِ القاعدِ . » ٤

368.Имрон ибн Хусайн (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан ўтириб намоз ўқиган кишининг намози ҳақида сўрадим. Айтдиларки, «Кимки тик туриб намоз ўқиса, шу афзалроқ. Кимки ўтириб намоз ўқиса, унга тик туриб ўқиганининг ярмича ажр бор. Ва кимки ётиб намоз ўқиса, унга ўтириб ўқиганининг ярмича ажр бор».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Умар, Анас ва Ас-Соиб (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Имрон ибн Хуайннинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Бу ҳадис Иброҳим ибн Таҳмондан шу иснод билан ривоят қилинди, аммо у Иброҳим ибн Хусайннинг бундай деб айтганини қайд этади: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан бемор кишининг намози ҳақида сўрадим. «Тик туриб ўқи. Агар қувватинг етмаса, ўтириб ўқи. Агар (бунга ҳам) қувватинг етмаса, ёнбошлаб ўқи», дедилар.

лоҳу алайҳи ва саллам ҳаргиз эснаган эмаслар» деб кўнглига келтиргай. Қудурий айтдилар: «Кўп мартаба синадик, нафсу-л-амр эснамоқ қайтар экан». Ибнул-Обидин айтдилар: «Ўзим тажриба қилдим, яъни синадим, шундоқ экан». Чунончи, «Раддул-муҳтор»да мазкурдур».(137-саҳифа – Таржимон).

٣٦٩ — حدثنا بذلك هنادٌ أخبرنا وكيعٌ عن إبراهيم بن طهبان
عن حسين المعلم بهذا الإسناد

369. Шу (ҳадис)ни Ҳаннод - Вакиъ орқали бизга «Иброҳим ибн Таҳмондан, Ҳусайн Ал-Муъаллимдан» деб шу иснод билан баён қилди.

Ҳусайн Ал-Муъаллимдан Иброҳим ибн Таҳмоннинг ривоятига ўхшаш тарзда ривоят қилган кишини билмаймиз. Абу Усома ва тагин бошқалар Ҳусайн Ал-Муъаллимдан, Исо ибн Юнуснинг ривоятига ўхшаш тарзда ривоят қилдилар. Бу ҳадиснинг маъноси, айрим илм аҳлининг фикрича, нафл намозлар борасидадир.

Муҳаммад ибн Башшардан, Ибн Аби Адийдан, Ашъас ибн Абдулмаликдан, Ҳасандан ривоят қилинди; Ҳасан айтди: «Киши нафл намозини хоҳласа тик туриб, хоҳласа ўтириб, хоҳласа ётган жойида ўқийверади». Илм аҳли ўтириб намоз ўқимоққа қуввати етмаган беморнинг намози борасида ихтилоф қилдилар. Айримлари: ўнг томони билан ётиб намоз ўқийди, деди. Айримлари эса орқаси билан (чалқанча) ётиб, оёқларини қиблага қаратиб намоз ўқийди, деди.

Суфён Ас-Саврий: «Кимки намозни ўтириб ўқиса, унга тик туриб ўқиганнинг ярим савоби бор», деган ҳадис борасида бундай дейди: «Бу ҳукм соғлом ва узри бўлмаган киши учундир. Хасталиқдан ёки бошқа бир нарсадан узри бўлган киши ўтириб намоз ўқиса, унинг ажри тик туриб ўқиган кишининг ажри сингаридир». Баъзи ҳадисларда, Суфён Ас-Саврийнинг сўзидек ривоят қилинган.

273-БОБ

**МАВЗУ: ЎТИРГАН ЖОЙИДА НАФЛ НАМОЗ
ЎҚИГАН КИШИ**

۳۷. — حدثنا الأعمش عن أخينا مالك بن أنس عن ابن شهاب عن السائب بن يزيد عن المطلب بن أبي وداعة السهمي عن حفصة زوج النبي صلى الله عليه وسلم أنها قالت: «مارأيتُ رسولَ الله صلى الله عليه وسلم صلى في سُبْحَتِهِ قاعداً حتى كانَ قبلَ وفاتِهِ صلى الله عليه وسلم بماءٍ، فإنه كانَ يصلي في سُبْحَتِهِ قاعداً ويقرأ بالسورةِ ويرتلها حتى تكونَ أطولَ من أطولِ منها»

370. *Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари Ҳафса (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам то вафотларига бир йил қолгунича, нафл намозларини ўтириб ўқиганларини кўрмадим. Кейин нафл намозларини ўтириб (ҳам) ўқир эдилар. Унда бир сурани шундоқ тартийл билан қироат қилар эдиларки, у сура ўзидан узун бўлган сурадан ҳам кўра узунроқ бўлиб кетар эди».

Бу бобда Умму Салама, Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ҳафса (розияллоҳу анҳо)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинди: «Кечалари ўтириб намоз ўқир эдилар. Вақтики қироатларидан (бир рақъатнинг ҳиссасидан) ўтгиз ёки қирқ оят миқдори қолса, уни тик туриб ўқир эдилар. Кейин рукуъ ва сажда қилар эдилар. Кейин иккинчи рақъатда яна худди шундоқ қилар эдилар».

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деб айтганлари ҳам ривоят қилинган: «Ўтириб (ҳам) намоз ўқир эдилар. Тик туриб ўқисалар, рукуъ ва саждаларини тик туриб қилар эдилар; ўтириб ўқисалар, рукуъ ва саждаларини ўтирган ҳолда қилар эдилар...» *Аҳмад ва Исҳоқ айтишади:* «Иккала ҳадис

билан ҳам амал вориддир». Баён этилган ҳар икки ҳадисни саҳиҳ деб, ҳар бири билан амал қилинади, деб ҳисоблайдилар.

۳۷۱ — حدثنا الأنصارى أخبرنا من أخبرنا مالك عن أبي النضر عن أبي سارة عن عائشة : « أن النبي صلى الله عليه وسلم كان يمشي جالساً يقرأ وهو جالس ، فإذا بقي من قراءته قدر ما يكون ثلاثين أو أربعين آية فأمّ نهاراً وهو قائم ثم ركع وسجد ثم صنع في الركعة الثانية مثلاً ذلك ».

371. Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (охирги вақтларида) ўтириб намоз ўқир эдилар ва ўтирган ҳолларида қироат қилар эдилар. Вақтики, қироатларидан (бир рақъатнинг ҳиссасидан) ўттиз ёки қирқ оят миқдори қолса, уни тик туриб ўқир ва қироатни тик турган ҳолда битказар эдилар. Кейин рукуъ ва сажда қилар эдилар. Иккинчи рақъатда яна худди шундоқ қилар эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

۳۷۲ — حدثنا أحمد بن منيع أخبرنا هشيم أخبرنا خالد وهو الهذاه عن عبد الله بن شقيق عن عائشة قال : « سألتها عن صلاة رسول الله صلى الله عليه وسلم ، عن تطوعه قالت : « كان يمشي ليلاً طويلاً قائماً وليلاً طويلاً فاصداً فإذا قرأ وهو قائم ركع وسجد وهو قائم وإذا قرأ وهو جالس ركع وسجد وهو جالس ».

372. Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди. Абдуллоҳ ибн Шақиқ (розияллоҳу анҳу) айтади: Оишадан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нафл намозлари борасида савол қилдим. Оиша айтдилар: «(Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам) кечанинг узун ҳиссасида нафл намозларини тик туриб ўқир эдилар ва баъзи кечанинг узун ҳиссасида ўтириб ўқир эдилар. Қачон тик туриб қироат қилсалар, рукуъ

ва саждаларини тик турган ҳолда қилар эдилар. Ва қачон ўтириб қироат қилсалар, рукуъ ва саждаларини ўтирган ҳолда қилар эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

274-БОБ

МАВЗУ: РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ НАМОЗДА ЧАҚАЛОҚ ЙИҒИСИНИ ЭШИТИБ, ҚИРОАТНИ ҚИСҚА ҚИЛГАНЛАРИ

۳۷۳ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا مَرْوَانُ بْنُ مَعْلُوْبَةَ الْغَزَاوِيُّ عَنْ حَمِيْدٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: « وَاللَّهِ إِنِّي لَأَسْمَعُ بُكَاءَ الصَّبِيِّ وَأَنَا فِي الصَّلَاةِ فَأُخَفِّفُ مُخَافَةً أَنْ تَفْتَتِنَ أُمَّهُ » .

373. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Аллоҳ ҳақи, мен намозда туриб боланинг йиғисини аниқ эшитаман-да, онасига қийин бўлмоғидан хавфсираб, намозни енгилатаман».

Бу бобда Абу Қатода, Абу Саъид ва Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

275-БОБ

МАВЗУ: ОЙ КЎРА БОШЛАГАН (БАЛОҒАТГА ЕТГАН) ҚИЗНИНГ НАМОЗИ ЁПИНЧИҚСИЗ ҚАБУЛ БЎЛМАСЛИГИ

۳۷۴ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ أَخْبَرَنَا قَبِيصَةَ عَنْ حَمَادِ بْنِ سَلَمَةَ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ ابْنِ سَبْرِينَ عَنْ صَفِيَّةِ ابْنَةِ الْحَارِثِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: « قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا تَقْبَلُ صَلَاةَ الْخَائِضِ إِلَّا بِالْحَجْرِ » .

374. Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам

дедилар: «Хайз кўра бошлаган қизнинг намози ўраниб ўқисагина қабул бўлади».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амрдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Оиша онамизнинг ҳадиси ҳасан.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Қиз бола балоғатга етгач, сочининг бирор жойи очик ҳолда намоз ўқиса, намози жоиз эмас. *Шофийнинг қавли бундай: айтадики,* «Аёл кишининг намози, баданининг бирор жойи очик бўлса, жоиз эмас». Шунингдек, айтадики, «Оёқларининг сирти (оёқ панжалари) очик бўлса, намози жоиз эканлиги айтилган».

276-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗДА КИЙИМИНИ ОСИЛТИРИБ ОЛМОҚ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ

۳۷۵ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ أَخْبَرَنَا قَبِيصَةُ عَنْ حَادِ بْنِ سَلَةَ عَنْ عِثْلِ بْنِ سُهَيْبَانَ عَنْ عَطَاءٍ مِنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : « نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ السَّلْبِ فِي الْعَلَاءِ »

375.Абу Хурайра (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; *айтди:* «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам намозда кийимни осилтириб олмоқдан қайтардилар»¹⁸².

¹⁸²Аш-Шавқоний «Ан-найл»да айтадики, «السلب» (осилтирмоқ) — олди очик либоснинг икки томонини ёпмасдан, эркин ташлаб қўймоқдир. «Ан-нихоя» муаллифининг фикрича бу сўз — кишининг бир (қават) либосга ўраниб, қўлларини либос ичидан қолдириб, рукуъ ва саждани шу ҳолда қилмоғидир. Баъзиларнинг фикрича, изорнинг (лунгининг) ўрта жойини бош устига келтириб, икки учини ўнг ва чап томондан пастга осилтириб олмоқ ва елкаларига тўпламоқдир. Ал-Жавҳарийнинг фикрича, либоснинг этак учларини осилтириб олмоқдир. Ал-Хаттобий фикрича, кийим-

277-БОБ

**МАВЗУ: НАМОЗДА МАЙДА ТОШЛАРНИ
ТЕКИСЛАМОҚ КАРОХАТ
ЭКАНЛИГИ**

۳۷۶ — حدثنا سَعِيدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْخَزْرُمِيُّ أَخْبَرَنَا سَفِيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ
عَنْ الزُّهْرِيِّ عَنْ أَبِي الْأَحْوَسِ عَنْ أَبِي ذَرٍّ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
قَالَ: «إِذَا قَامَ أَحَدُكُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَلَا يَمْسَحُ الْحَصَى فَإِنَّ الرِّجَّةَ تَوَاجِهَةٌ» .

376.Абу Зарр (розияллоху анху)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирортангиз намозга турганида майда тошларни текисламасин, (яъни бу билан ўзини машгул қилмасин). Чунки (намоз пайти) унга раҳмат таважжух этгайдир (юзлангайдир)»¹⁸³.

۳۷۷ — حدثنا الحسين بن حُرَيْتٍ أَخْبَرَنَا الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ عَنِ الْأَوْزَاعِيِّ
عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ قَالَ: حَدَّثَنِي أَبُو سَلَمَةَ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ مَعْقِبِ بْنِ
قَالَ: «سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ مَسْحِ الْحَصَى فِي الصَّلَاةِ
فَقَالَ ابْنُ كَنْتَ لَا بُدَّ فَاغْلَاظُهَا وَاحِدَةً» .

377.Муъайқиб (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан намозда майда тошларни текисламоқ бора-

ни ерга тегадиган тарзда осилтирмоқдир. Ал-Ироқий эса «**السدل**» (осилтирмоқ) деганда сочни осилтирмоқ кўзда тутилган бўлиши эҳтимол, дейди. Аш-Шавқоний уламоларнинг «**السدل**» (осилтирмоқ) ҳақидаги фикрларини шу йўсин билдиргач, бундай дейди: «Ҳадис шу маъноларнинг ҳаммасини қамрамоқлигида монелик йўқ, шояд бу «**السدل**» калима шу барча маънолар учун муштарак бўлса, зеро соғлом йўл – муштарак маънода барча маъноларни қамрамоқликдир».

¹⁸³ Шағал тошлар, кум ва тушроқ ҳам шу ҳукмга дохил. Молик ибн Анаснинг бузда зарар йўқ деб қараши ривоят қилинади. Аммо олимларнинг кўпчилиги бу феълни макруҳ деб топишган.

сида сўрадим. Шунда айтдилар: «Жуда текисламоғинг зарур бўлса, бир марта текислаб қўйгин».

Бу ҳадис саҳиҳ.

Бу бобда Али ибн Абу Толиб, Ҳузайфа, Жобир ибн Абдуллоҳ ва Муъайқиб (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Заррнинг ҳадиси ҳасан.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда текисламоқни қариқ кўрганлар ва: «Жуда текисламоғинг зарур бўлса, бир марта текислаб қўйгин» деб айтганлари баён этилганки, гўё бир марта бажармоқ учун рухсат берилгани ривоят қилинмоқда. Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир.

278-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗДА ПУФЛАМОҚ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ

۳۷۸ — حدثنا أحمد بن منيع أخبرنا عباد بن العوام أخبرنا ميسون أبو حمزة عن أبي صالح مولى طلحة عن أم سلمة قالت: «رأى النبي صلى الله عليه وسلم غلاماً لنا يقال له أفلاج إذا سجد نفع فقال أفلاج رَبِّ وَجْهَكَ» قال أحمد بن منيع كرهه عبادٌ للفنّ في الصلاة وقال: إن نفع لم يقصص صلته قال أحمد بن منيع: وهو نأخذ.

378. Умму Салама (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Афлаҳ деган бир қулимиз сажда қилаётиб ерга пуфлаганини кўриб қолдилар. Шунда: «Ё Афлаҳ! Юзингнинг файзи кетди», дедилар».¹⁸⁴

Аҳмад ибн Маниъ айтди: «Аббод намозда пуфламоқни қариқ деб ҳисоблайди ва бундай дейди:

¹⁸⁴ Афлаҳ, сажда қиладиган жойидан чанг ва тупрокни кетказиш учун ерга пуфлади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурни Борийда (Аллоҳнинг ҳузурини туриб) бунга ўхшаш мутақаб-бирона ҳаракатларни тавозуъга зид деб топиб, манъ этганлар...

«Борди-ю, пуфласа, намози бузилмайди». Аҳмад ибн Маййн: «Биз ҳам шу (қавл)ни олаимиз», дейди.

Айримлар бу ҳадисни Абу Ҳамзадан ривоят қиладилар. Абу Ҳамза (ўз ривоятида) «Рабоҳ деган бир мавломиз (озод этилган қулимиз)», деди.

۳۷۹ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ عَبْدِ الصَّمِيِّ أَخْبَرَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ سَيْمُونِ أَبِي حَزْرَةَ بِهَذَا الْإِسْنَادِ نَحْوَهُ . وَقَالَ غُلَامٌ لَنَا جَاءَ لَهُ رِبَاحٌ .

379. Аҳмад ибн Абла Аз-Зоббий, Ҳаммод ибн Зайд орқали «Маймун Абу Ҳамзадан» деган иснод билан ўтган ҳадисни уйқаш тарзда бизга баён қилди ва: «Рабоҳ деган бир қулимиз», деди...

Умму Салама ҳадисининг исноди унча соғлом эмас. Айрим илм аҳли, Маймун Абу Ҳамзанинг заиф эканини қайд этган. Намозда пуфламоқ борасида илм аҳли ихтилоф қилдилар. Баъзилари: Намозда пуфласа, намозини қайтадан ўқийди», деди. Суфён Ас-Саврийнинг ва Куфа аҳлининг қавли шудир. Айримлар эса, намозда пуфламоқ макруҳ деб (ҳисоблаган) ва борди ю, пуфласа, намози бузилмайди, деб айтганлар. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу:

279-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗДА ҚЎЛНИ БЕЛГА ТИРАМОҚДАН ҚАЙТАРУВ

۳۸۰ — حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ أَخْبَرَنَا أَبُو إِسْمَاعِيلَ عَنْ هِشَامِ بْنِ حَسَّانٍ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ سِيرِينَ عَنْ أَبِي حَزْرَةَ « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يَبْلَغَ الرَّجُلُ مُخْتَصِرًا » .

380. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят

*«Мухтасар ул-виқоя» шарҳидан: «Яна «оҳ» демак, нола қилмоқ ва шунга ўхшаш нарсалар, «уф» ва «ух» қабилар намозни бузади. Ҳар бир нарсаки, хоҳ ундан ҳарф пайдо бўлсин, хоҳ ҳарф пайдо бўлмасин, намозни фосид қилур». (135-саҳифа – Таржимон).

қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам, киши-ни қўлини белига тираб намоз ўқишдан қайтардилар».

Бу бобда Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлидан айримлари намозда қўлни белга тирамоқни қариқ деб топганлар. Ҳадисда ворид бўлган

« *غصرا* » («Мухтасирон») лафзининг маъноси – киши намозда қўлини белининг устига қўймоғидир. Баъзилар эса, киши қўлини белига тираб юрмоғини қариқ деб қараганлар. Иблис юрганда қўлини белига тираб юриши ривоят қилинади.

280-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗДА СОЧНИ ЭНСАГА

(БОШНИНГ ОРҚАСИГА)

ТЎПЛАМОҚ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ

۳۸۱ — حدثنا يحيى بن موسى أخبرنا هبة الرزاق أن أبا ابن جريج عن
عمران بن موسى عن سعيد بن أبي سعيد السعدي عن أبيه عن أبي رافع أنه مرَّ
بالحسن بن علي وهو يصلي وقد عَصَ صَفْرَتَهُ فِي قَفَاهُ فَغَلَبَهَا فَالْتَمَتَ إِلَيْهِ
الحسنُ مُنْضِبًا فَقَالَ أَقْبِلْ قَلْبِي صَلَاتِكَ وَلَا تَنْقَسِبْ فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ ذَلِكَ كِفْلُ الشَّيْطَانِ .

381. *Абу Рофиъдан ривоят қилинади:* Ҳасан ибн Али, сочини тутамлаб энсасига (бошининг орқасига) тўплаган ҳолда намоз ўқиётган эди, Абу Рофиъ унинг олдига келиб, соч тутамини ёйиб юборди. Ҳасан хафа бўлиб унга қараган эди, Абу Рофиъ бундай деди: «Намозингга қара ва ғазабланма. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдимки, «Бушайтоннинг ҳиссасидир» дедилар».

Бу бобда Умму Салама ва Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Рофиънинг ҳадиси ҳасан. Илм аҳлининг ама-

ли шу ҳадис асосидадир. Киши сочини энсасига тўплаб намоз ўқимоғини макруҳ деб топганлар. Имрон ибн Му-со Макка (шаҳри)дан бўлиб, курайшийдир; Аййуб ибн Мусонинг биродаридир.

281-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗДА ХУШУЪ

۳۸۲ — حَدَّثَنَا سُوَيْدُ بْنُ تَصْرِمٍ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ أَخْبَرَنَا لَيْثُ بْنُ سَعْدٍ أَخْبَرَنَا عَبْدُ رَيْهَ بْنَ سَعِيدٍ عَنْ عِمْرَانَ بْنِ أَبِي أَنَسٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ تَافِعِ بْنِ الْعَمِيَاءِ عَنْ رِيحَةَ بْنِ الْحَارِثِ بْنِ النَّضْلِ بْنِ عَبَّاسٍ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « الصَّلَاةُ مَثَقٌ مَثَقٌ تَشْتَدُّ فِي كُلِّ رَكْعَتَيْنِ ، وَتَنْخَعُ وَتَضْرَعُ وَتَسْكُنُ وَتَقْتَمِعُ بِدَيْكَ . يَقُولُ تَرَفُّهُمَا إِلَى رَبِّكَ مُسْتَقْبِلًا بِطَوْنِهِمَا وَجْهَكَ وَتَقُولُ يَا رَبُّ يَا رَبُّ وَمَنْ لَمْ يَقْبَلْ ذَلِكَ فَهُوَ كَذَا وَكَذَا » .

382.Фазл ибн Аббосдан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Намоз икки ракъат – икки ракъатдандир. Ҳар икки ракъатда бир ташаҳхуд бор. Ва (намозда) хушуъ бор, тазарруъ бор, мискинлик бор! Қўлларингни хорлик-бечоралик билан кўтаргайсан». Айтдиларки, «Панжаларингни тўғрига қаратган ҳолда, қўлларингни Парвардигоринга кўтаргайсан ва: «Ё Раббим!» дегайсан..» Кимки ана шундай қилмаса, шундайдир ва шундайдир!...»

Ибнул-Муборакдан бошқаси бу ҳадисда: «Кимки ана шундай қилмаса, бу нуқсондир!» – дейди.

Муҳаммад ибн Исмоил (Ал-Бухорий)дан эшит-

«Мухтасар ул-виқоя» шарҳидан: «(Намозда) яна сочини бошининг атрофига ўрамоқ, ё бошининг ўртасига тўпламоқ, ё жамъ қилиб, ип билан боғлаб, бўйнининг орқасига ташлаб қўймоқ макруҳдир». (139-саҳифа – Таржимон).

дим, бундай деди: «Шуъба ушбу ҳадисни Абдуроббих ибн Саъиддан ривоят қилади ва айрим ўринларида янглишади. Масалан, «Абу Анас ибн Унайсдан» дейди; ҳолбуки, у Имрон ибн Аби Анасдир. «Абдуллоҳ ибн Ал-Хориждан» дейди, ҳолбуки, бу Абдуллоҳ ибн Нофий ибн Ал-Амйаънинг Робиъа ибн Ал-Ҳорисдан қилган ривоятидир. Шунингдек, Шуъба «Абдуллоҳ ибн Ал-Ҳорисдан, Ал-Муттолибдан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан» дейди, ҳолбуки, бу «Робиъа ибн Ал-Ҳорис ибн Абдулмуттолибдан, Ал-Фазл ибн Аббосдан, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан»дир.

Муҳаммад айтадики, Ал-Лайс ибн Саъиднинг ҳадиси Шуъбанинг ҳадисидан кўра саҳиҳроқ.

282-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗДА БАРМОҚЛАРНИ БИР-БИРИГА ЧАЛИШТИРМОҚ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ

۳۸۲ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا الْهَيْثُ بْنُ سَمْدٍ عَنْ ابْنِ عَجْلَانَ عَنْ سَمِيَةَ التَّمِيمِيَّةِ عَنْ رَجُلٍ عَنْ كَتَبِ بْنِ مَجْرَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا تَوَضَّأَ أَحَدُكُمْ فَأَحْسَنَ وُضوءَهُ ثُمَّ خَرَجَ عَامِداً إِلَى الْمَسْجِدِ فَلَا يَشُبُّكَ بَيْنَ أَصَابِعِهِ فَإِنَّهُ فِي صَلَاةٍ».

383. *Каъб ибн Ужрадан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сизлардан бирортангиз чиройли таҳорат олса, кейин масжидга келмоқ қасди ила (йўлга) чиқса, бармоқларини бир-бирига чалиштирмасин. Чунки, у намоздадир».¹⁸⁵

¹⁸⁵Киши таҳорат олиб, масжидга юзланиб чиққанидан эътиборан, хукман намозда ҳисобланади. Шунинг учун бармоқларни бир-

Каъб ибн Ужранинг ҳадисини Ибн Ажлондан мутааддид кишилар, Ал-Лайснинг ривояти сингари ривоят қилдилар. Шурайк, Муҳаммад ибн Ажлондан, унинг отасидан, Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳум), Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан худди шу ҳадисни уйқаш тарзда ривоят қилди. Шурайкнинг ҳадиси махфуз эмас.

283-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗДА ҚИЁМНИ УЗУН ҚИЛМОҚ

۳۸۴ — حدثنا ابنُ أبي عمَرَ أخيراً سفيانُ بنُ عُيينَةَ عن أبي الزبير عن جابر قال : « قيلَ للنبيِّ صلى اللهُ عليه وسلم أيُّ الصلاةِ أفضلُ ؟ قال طولُ القنوتِ . »

383. Жобирдан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Қайси намоз афзалроқ?» деб сўралди. «Қунути узун намоз»¹⁸⁶, дедилар».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Хубший ва Анас ибн Моликдан ҳадис ривоят қилинган.

Жобирнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Бу ҳадис Жобир ибн Абдуллоҳдан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган.

бирига чалиштирмакни макруҳ кўрганлар. Бу ишнинг карохати масжиддан қайтгунича давом этади.

¹⁸⁶ «القنوت» («Ал-қунут») бир неча маънода қўлланади. Ан-Нававий, бу ўринда «ал-қунут» сўзидан уламо иттифоқи билан қиём назарда тутилганлигини айтади. Чунончи, Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Хубшийдан таҳриж қилган ҳадисда «қиёми узун бўлган (намоз)» деган жумла ворид бўлган.

284-БОБ

МАВЗУ: РУКУЪ ВА СУЖУДНИ КЎП
ҚИЛМОҚ

۳۸۵ — حدثنا أبو عمار أخبرنا الوليدُ بنُ مسلمٍ عن الأوزاعي قال: حدثني الوليدُ بنُ هشامٍ التميميُّ قال: قال حدثني ممدانُ بنُ طلحةَ اليمصريُّ قال: لقيتُ ثوبانَ مولى رسولِ الله عليه وسلم فقلتُ له: دُلّني على عملٍ يتفقني اللهُ به ويُدخلني اللهُ الجنةَ؟ فسكتَ عني مليًّا ثم التفتَ إلى فقال: عليك بالسجودِ فإنِّي سمعتُ رسولَ الله صلى اللهُ عليه وسلم يقولُ: «ما مِنْ عبدٍ سجدَ لله سجدةً إلا رَفَعَهُ اللهُ بها درجةً وحَطَّ عنه بها خطيئةً».

385. Маъдан ибн Талҳа Ал-Йаъмурийдан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг мавлоси Савбонни кўриб қолдим ва унга дедимки, «Менга бир амални далолат қилгинки, Аллоҳ у бонс мени манфаатлангирсин ва Аллоҳ мени жаннатига киритсин». У бир оз сукут қилиб қолди, кейин менга қараб бундай деди: «Саждани давомли қил! Чунки мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан эшитдимки, айтдилар: «Қайси бандаки Аллоҳ учун бир сажда қилса, Аллоҳ шу бонс унинг мартабасини бир даража кўтаргайдир ва шу бонс унинг бир хатосини кечиргайдир».

Маъдан айтади: «Абуд-Дардони кўрдим ва Савбондан сўраган нарсамни ундан ҳам сўрадим. Айтдики, «Саждани давомли қил! Чунки Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан эшитдимки, айтдилар: «Қайси бандаки Аллоҳ учун бир сажда қилса, Аллоҳ ўша бонс, шубҳасиз, унинг мартабасини бир даража кўтаргайдир ва ўша бонс бир хатосини кечиргайдир».

Бу бобда Абу Ҳурайра ва Абу Фотимадан ҳадис ривоят қилинган.

Рукуъ ва сужудни кўпайтирмақ борасида Савбон ва Абуд-Дардодан ривоят қилинган ҳадис – ҳасан-

сахих.

Илм аҳли бу масалада ихтилоф қилганлар. Баъзилари, намозда қиёмни узун қилмоқ - рукуъ ва сужудни кўпайтирмақдан кўра фазилатли эканини айтса, айримлари эса рукуъ ва сужудни кўпайтирмақ қиёмни узун қилмоқдан кўра афзалроқ, деб қарор қилган.

Аҳмад ибн Ханбал айтади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу борада иккита ҳадис ривоят қилинган». Шунга қарамай, унинг ўзи бу борада ҳеч қандай ҳукм бермайди.

Исҳоқ бундай дейди: «Кундузги намозларда афзаллиқ — рукуъ ва сужудни кўпроқ қилмоқ, кечки намозларда эса қиёмни узун қилмоқдир. Фақат киши ҳар кеча (Қуръондан) бир жузъ хатм қилмоқни одат этган бўлса, бунда рукуъ ва саждани кўпайтирмоғи мен учун севимлироқ. Чунки ҳам бир жузъни хатм қилган бўлади, ҳам рукуъ ва сужудга эришган бўлади». Исҳоқ бу сўзни айтмоғининг бир сабаби шуки; Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тунги намозлари шу тарзда, қиёми узун ҳолатда сифатлантирилган. Кундузги намозларига келганда, бунинг қиёми худди кечки намозлардагидек, узун тарзда сифатлантирилган.

285-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗ ПАЙТИДА ИЛОН ВА ЧАЁННИ ЎЛДИРМОҚ

۳۸۷ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ أَخْبَرَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ عَلِيٍّ بْنِ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ «أَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِتَلْبِثِ الْأَسْوَدِيِّ فِي الصَّلَاةِ، الْحَيَّةِ وَالْمَقْرَبِ» .

386. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва

саллам намоз ичида икки қора (нарса)ʼни – илонни ва чаённи ўлдирмоқни буюрдилар».

Бу бобда Ибн Аббос ва Абу Рофиъ (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Набий саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийн уламосидан баъзиларининг амали шу ҳадис асосидадир. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу. Баъзи илм аҳли намозда илон ва чаённи ўлдирмоқни макруҳ деб топганлар. Иброҳим айтади: «Намозда (намознинг ўзига хос) машғулият бор!». Биринчи қавл саҳиҳроқ.

286-БОБ

МАВЗУ: САЛОМДАН ОЛДИН САЖДАИ САҲВ ҚИЛМОҚ

۳۸۷ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ عَنْ ابْنِ شِهَابٍ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْأَعْرَجِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُعَيْبَةَ الْأَسَدِيِّ حَافِيٍّ بِإِسْنَادِ الطَّلَبِيِّ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَامَ فِي صَلَاةِ الظُّمْرِ وَعَلَيْهِ جُلُوسٌ فَلَمَّا أَتَمَّ صَلَاتَهُ سَجَدَ سَجْدَتَيْنِ يَكْبَرُ فِي كُلِّ سَجْدَةٍ وَهُوَ جَالِسٌ قَبْلَ أَنْ يُسَلَّمَ ، وَسَجَدَ مَعَهُ النَّاسُ مَعَهُ مَكَانَ مَا تَبَيَّنَ مِنَ الْجُلُوسِ .

387. Бани Абдулмуттолиб иттифоқдоши – Асд қабиласига мансуб Абдуллоҳ ибн Бухайнадан ривоят қилинди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам пешин намозида (ташаҳхудга) ўтиришлари лозим бўлган ҳолда (ўтирмасдан) туриб кетдилар. Намозни тамом қилгач, салом беришдан олдин ўтирган жойларида икки марта саждаи саҳв қилдилар, ҳар бир сажда учун такбир айтдилар. Одамлар ҳам унутилган ташаҳхуд

*Асвадайн – икки қора (махлук). Аммо «асвад» сўзининг ўзи «қора илон» маъносига қўлланади. («Ғиёс-ул-луғот», 1, 55-саҳифа – Таржимон).

эвазига у киши билан бирга икки сажда қилишди».

Бу бобда Абдуррахмон ибн Афвдан ҳадис ривоят қилинган.

Муҳаммад ибн Башшар бизга Абдул-Аъло ва Абу Довуддан, Хишомдан, Яҳё ибн Аби Касирдан, Муҳаммад ибн Иброҳимдан нақл этиб, баён қилди: Абу Хурайра ва Ас-Соиб Ал-Қорий саждаи саҳвни саломдан олдин қилишар эди.

Ибн Бухайнанинг ҳадиси ҳасан.

Айрим илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Шофиъийнинг қавли шу. Саждаи саҳвни саломдан олдин қилмоқни маъқул кўради ва бундай дейди: «Бу ҳадис бошқа ҳадиснинг ҳукмини насх этувчи (бекор қилувчи)дир». Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг охириги феъллари ҳам шу ҳадисга мос эканлигини зикр қилади.

Аҳмад билан Исҳоқ айтади: «Киши иккинчи ракъатда (ўтирмай) туриб кетса, Ибн Бухайнанинг ҳадисига кўра, саждаи саҳвни саломдан олдин қилади».

Абдуллоҳ ибн Бухайнанинг отасининг исми – Молик. Бухайна эса - онаси бўлади. Буни Исҳоқ ибн Мансур менга шу тарзда маълум қилди.

Илм аҳли «Саждаи саҳв саломдан олдинми, саломдан кейинми?» деган масалада ихтилоф қилдилар.

Баъзилар саждаи саҳв саломдан кейин, деган фикрдадир. Суфён Ас-Саврий ва Куфа аҳлининг қавли шудир. Айримлари эса саждаи саҳв саломдан олдин, деб қарор қилади. Яҳё ибн Саъид, Робиъа ва бошқалар каби мадиналик фақиҳларнинг қавли шудир. Шофиъий бу қавлни маъқуллаган. Баъзилари эса бундай дейди: «Саждаи саҳвнинг сабаби намозда зиёдалик бўлса, саломдан кейин, камлик ўтган бўлса, саломдан олдин қилинади». Молик ибн Анаснинг қавли шу.

Аҳмад айтади: «Саждаи саҳв борасида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳар бир ҳадис ўз жиҳати (хусусияти) асосида қамралади. Ибн Бухайнанинг ҳадисига қараганда, икки ракъатда

(ўтирмасдан) туриб кетса, саждаи саҳвни саломдан олдин қилади. Агар пешин намозини беш рақъат ўқиб қўйса, саждаи саҳвни саломдан кейин қилади. Пешин ва аср намозларида икки рақъатда салом бериб қўйса, саждаи саҳвни саломдан кейин қилади. (Шу йўсин) ҳар бир ҳадис ўз жиҳати асосида қамралади. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам томонидан зикр қилинган ҳар қандай саҳвда саждаи саҳв саломдан олдиндир». Исҳоқ ҳам бу ўринларда буткул Аҳмаднинг қавлидек сўзлайди ва фақатгина қуйидагича фарқ қилади: Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам томонидан зикр қилинмаган ҳар қандай саҳвда, саждаи саҳвнинг сабаби намозда зиёдалиқ бўлса – саломдан кейин, камлик бўлса – саломдан олдин қилинади.

287-БОБ

МАВЗУ: САЛОМДАН ВА КАЛОМДАН КЕЙИН САЖДАИ САҲВ

۳۸۸ - حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مُهْدِيٍّ أَخْبَرَنَا شُعْبَةُ عَنِ الْحَكَمِ بْنِ إِبرَاهِيمَ عَنِ عَلْقَمَةَ عَنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى الظُّهْرَ خَمْسًا فَقِيلَ لَهُ : أَرِيدُ فِي الصَّلَاةِ أَمْ نَسِيتَ ؟ فَسَجَدَ سَجْدَتَيْنِ بَعْدَ مَا سَلَّمَ .

388. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам

Илова: «Саждаи саҳвни вожиб қиладиган сабаблар бештадир:

- 1) **руки такрори** – намоздаги рукилардан бирини такрорлаб қўйиш;
- 2) **руки тақдими** – бирор рукини олдинроқ бажариб қўйиш;
- 3) **руки таъхири** – бирор рукини кечроқ бажариш;
- 4) **тағйири вожиб** – бирор вожиб амални ўзгартириш;
- 5) **тарки вожиб** – вожиб амалдан бирортасини тарк этиб қўйиш. Намозхон унутиб, ана шу хатолардан бирини содир қилиб қўйса, бундай ҳолда унга сужуди саҳв қилмоқлик вожиб бўлади». (Ҳожи Аҳмаджон Маҳдум (раҳматуллоҳи алайҳ)нинг «Рисолаи сужуди саҳв» китобидан, 5-саҳифа).

пешин намозини беш ракъат ўқиб қўйдилар. У кишига айтилдики, («Ё Расулуллоҳ!) Намоз зиёда қилиндими ёки унутдингизми?» Шунда салом берганларидан кейин икки сажда қилдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

۳۸۹ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ وَعَمْرُو بْنُ غَيْلَانَ قَالَا: أَخْبَرَنَا أَبُو معاويةَ عَنِ الْأَعْمَشِيِّ عَنِ إِبْرَاهِيمَ عَنِ عَلْتَمَةَ عَنِ عَبْدِ اللَّهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَجَدًا سَجْدَتِي السَّهْوِ بَعْدَ الْكَلَامِ.

389.Абдуллоҳдан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам каломдан (сўзлашувдан) кейин саждаи саҳв қилдилар».

Бу бобда Муовия, Абдуллоҳ ибн Жаъфар ва Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди.

۳۹۰ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ أَخْبَرَنَا هُثَيْبٌ عَنِ هِشَامِ بْنِ حَسَنِ عَنِ عُمَرَ بْنِ سَيْرِينَ عَنِ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَجَدًا بَعْدَ السَّلَامِ.

390.Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам саждаи саҳвни саломдан кейин қилдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Аййуб ва мутааддид кишилар бу ҳадисни Ибн Сийрийндан ривоят қилган. Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳадиси ҳам ҳасан-саҳиҳ. Баъзи илм аҳли наздида амал шу ҳадис асосидадир. Айтадиларки, киши пешин намозини беш (ракъат) ўқиб қўйса, тўртинчи ракъатда ўтирмаган бўлса ҳам, намози жоиз бўлиб, саждаи саҳв қилади. Бу Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавлидир. Баъзиларнинг фикрича, пешин намозини беш (ракъат) ўқиб қўйса-ю, тўртинчи ракъатда ташаҳхуд микдорда ўтирмаса, намози фосиддир. Бу Суфён Ас-Саврийнинг ва айрим Куфа аҳлининг қавлидир.

288-БОБ

МАВЗУ: САЖДАИ САҲВАДА ТАШАҲХУД

۳۹۱ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَمْرِو بْنِ أَحْمَدَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الْأَنْصَارِيِّ قَالَ أَخْبَرَنِي أَشْهُتُ عَنْ ابْنِ سَيْرِينَ عَنْ خَالِدِ بْنِ الْحَزَّاءِ عَنْ أَبِي قِلَابَةَ عَنْ أَبِي الْمُهَلَّبِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ حَمْرَانَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى بِهِمْ قَسَبًا فَصَحَّدَ صَحَدَتَيْنِ مَشَاهِدًا مَسْجِدًا

391 *Имрон ибн Хусайннинг ривояти қилиниши*
«Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам жамоатга намоз ўқиб бердилар-да, саҳв қилдилар. Кейин икки сажда қилдилар, кейин салом бердилар».

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Ибн Сийрийн Абу Қилобанинг амакиси бўлмиш Абул-Муҳаллабдан бошқа ҳадис ҳам ривоят қилган.

Муҳаммад бу ҳадисни Холид Ал-Ҳаззоъдан, Абу Қилобадан, Абул-Муҳаллабдан ривоят қилган. Абул-Муҳаллабнинг исми - Абдурраҳмон ибн Умар бўлиб, уни Муовия ибн Амр ҳам дейишади.

Абдулваҳҳоб Ас-Сақафий Хушайм ва тағин бошқалар бу ҳадисни Холид Ал-Ҳаззоъдан, Абу Қилобадан узунлигича (бор магни билан) ривоят қиладилар. Ушбу ҳам Имрон ибн Хусайннинг ҳадисидир: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аср намозида учинчи ракъатда салом бериб кўйдилар. Ал-Ҳирбақ исмли бир киши турди...»

Илм аҳли саждаи саҳвнинг ташаҳҳуди масаласида ихтилоф қилдилар. Баъзиси, саждаи саҳва ташаҳҳудни ўқийди ва салом беради, деди. Баъзиси эса, «Саждаи саҳва ташаҳҳуд ва салом йўқ, саждаи саҳвни саломдан олдин қилса, ташаҳҳуд ўқилмайди», деди. Ушбу Аҳмад ва Исҳоқнинг қавлидир: «Саломдан олдин саждаи саҳв қилса, ташаҳҳуд ўқилмайди», дейишади.

289-БОБ

МАВЗУ: ОРТИҚЧА ЁКИ КАМ ЎҚИГАНИГА ШУБҲА ҚИЛГАН КИШИ

۳۹۲ — حدثنا أحمدُ بنُ تيميرٍ أخبرنا إسماعيلُ بنُ إبراهيمَ أخبرنا
 هشامُ الدستوائيُّ عن يحيى بنِ أبي كثيرٍ عن عياضِ بنِ هلالٍ قال :
 قلتُ لأبي سعيدٍ : أجدنا يصلي فلان يبرئ كيف صلى فقال : قال رسولُ الله
 صلى الله عليه وسلم « إذا صلى أحدُكم فلم يبرئ كيف صلى فليستجدَّ سجدتين
 وهو جالسٌ » .

392. Иёз ибн Хилолдан ривоят қилинди: «Абу Саъидга «Баъзиларимиз намоз ўқиймиз-у, қандай (қанча) ўқиганимизни билмай қоламиз?» дедим. Шунда айтдики, «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сизлардан бирортангиз намоз ўқиса-ю, қандай (яъни қанча) ўқиганини билмаса, ўтирган ҳолида икки сажда қилсин»¹⁸⁷.

Бу бобда Усмон, Ибн Масъуд, Оиша ва Абу Хурайра (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Абу Саъиднинг ҳадиси ҳасан. Бу ҳадис Абу Саъиддан бошқа ваҳждан ҳам ривоят қилинган.

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганлари ривоят қилинди: «Сизлардан бирортангиз бир ракъат билан икки ракъат ўртасида шубҳага борса, буни бир ракъат деб ҳисобласин; икки ракъат билан уч ракъат ўртасида шубҳага борса, буни икки ракъат деб ҳисобласин. Ва бундай ҳолларда са-

¹⁸⁷Яъни, шубҳани тарк этиб, чамалаган миқдори устидан (ўқипда) давом этсин ва кейин саломдан олдин икки сажда қилсин. Муслим ва бошқа имомларнинг ривоятларида (Расули Акрам) саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтадилар: «Сизлардан бирортангиз намозидида шубҳа қилса, неча ракъат – уч ракъатми, тўрт ракъатми ўқиганини билмаса, шубҳани тарк этсин ва чамалаган миқдори устидан адо этсин. Кейин салом бермасдан олдин икки сажда қилсин».

лом бермасдан олдин сажда қилсин».

Биродарларимизнинг амали шу ҳадис асосида-
дир¹⁸⁸.

Айрим илм аҳллари бундай дейишади: «Намозида шубҳага борса ва неча рақъат ўқиганини билмаса, намо-
зини иода қилсин (қайта ўқисин)».

۳۹۳ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ عَنْ ابْنِ شِهَابٍ عَنْ أَبِي سَلَةَ عَنْ
أبي هريرة قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم « إن الشيطان يأتي أحدكم
في صلاته فيبس عليه حتى لا يدري كم صلى فإذا وجد ذلك أحدكم فليستبذ
تجدت بين وهو جالس » .

393.Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Албатта, шайтон намоз пайтида ҳар бирингизга келади ва неча рақъат ўқиганини билмасин, деб фикрини чалғитади. Сизлардан бирортангиз шу ҳолга тушса, ўтирган ҳолатда икки сажда қилсин».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

۳۹۴ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بْنُ خَالِدٍ بْنُ هَتَمَةَ أَخْبَرَنَا
ابراهيم بن محمد قال : حدثني محمد بن إسحاق عن مكحول عن كريب عن ابن
عباس عن عبد الرحمن بن عوف قال : سمعت النبي صلى الله عليه وسلم يقول :
« إذا سها أحدكم في صلاته فلم يدر واحدة صلى أو اثنتين فليتن على واحدة ،
فإن لم يدر ثلثين صلى أو ثلاثاً فليتن على ثلثين ، فإن لم يدر ثلاثاً صلى أو أربعاً
فليتن على ثلاث وليستبذ - جدتين قبل أن يسلم » .

394.Абдурраҳмон ибн Авф (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деганларини эшитдим: «Сизлардан

¹⁸⁸Муҳаддислар заруратан амал қилган ҳадис — шубҳа қилинган микдорнинг энг ози устидан давом қилмоқликка берилган амрdir.

бирортангиз намозда саҳв қилса ва бир рақъатми ёки икки рақъатми ўқиганини билмаса, унда бир рақъат устида тўхталсини (яъни бир рақъат деб ҳисобласин); борди-ю, икки рақъатми ёки уч рақъатми ўқиганини билмай қолса, унда икки рақъат устида тўхталсини; борди-ю, уч рақъатми ёки тўрт рақъатми ўқиганини билмаса, унда уч рақъат устида тўхталсини ва салом бермасдан олдин икки сажда қилсин»¹⁸⁹.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Абдуorraҳмон ибн Авфдан, бошқа важдан ҳам ривоят қилинган. Аз-Зухрий бу ҳадисни Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утбадан, Ибн Аббосдан, Абдуorraҳмон ибн Авфдан, Расулуллоҳ сал-лаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилди.

290-БОБ

МАВЗУ: ПЕШИН ВА АСР НАМОЗЛАРИДА ИККИ РАҚЪАТДА САЛОМ БЕРИБ ҚЎЙГАН КИШИ

٣٩٥ — حَدَّثَنَا الْأَنْصَارِيُّ أَخْبَرَنَا مَعْنَى أَخْبَرَنَا مَالِكٌ عَنْ أَبِي بَرْبَةَ بْنِ أَبِي تَيْمِيَّةَ السَّخْتِيَانِيِّ عَنْ عَمْرِو بْنِ سِيرِينَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ «أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اتَّصَرَفَ مِنْ اثْنَتَيْنِ فَقَالَ لَهُ ذُو الْيَدَيْنِ: أَتُصَرِّفُ الصَّلَاةَ أَمْ نَسِيتَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَصَدَقَ ذُو الْيَدَيْنِ؟ فَقَالَ النَّاسُ: نَعَمْ، فَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَصَلَّى اثْنَتَيْنِ آخَرَتَيْنِ ثُمَّ لَمْ يَمْ كَثْرَةً فَسَجَدَ مِثْلَ سُجُودِهِ أَوْ أَطْوَلَ ثُمَّ كَثُرَ فَرَقَعَ ثُمَّ سَجَدَ مِثْلَ سُجُودِهِ أَوْ أَطْوَلَ» .

395.Абу Хурайра (розияллоху анҳу)дан ривоят

¹⁸⁹Яъни охирги ташаҳҳудга ўтирганида саломдан олдин икки сажда қилиб, салом беради. Чунончи, Абу Довуд ва Ибн Можанинг ривоятларида «саломдан олдин» дейилади. Илова: Ханафий мазҳабида «ат-таҳийят»ни «ва Расулуллоҳ»гача ўқиғач, бир марта ўнг томонга салом беради, сўнг саждаи саҳв (икки сажда) қилиб, қайтадан «ат-таҳийят»ни ҳамда саловатни ўқийди, кейин икки томонга салом бериб, намоздан чиқади.

қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ракъат ўқиб, тамом қилдилар. Шунда Зулйадайн у кишига: «Намоз қисқардими ёки унутдингизми, ё Расулуллоҳ? деди. *Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Зулйадайн рост айтмоқдами?» дедилар. Одамлар: «Ха», дейишди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб, яна икки ракъат намоз ўқидилар. Кейин салом бердилар. Кейин такбир айтиб, одатдагидек ёки ундан узунроқ бир сажда қилдилар, кейин такбир айтиб саждадан кўтарилдилар ва яна одатдагидек ёки ундан ҳам узунроқ бир сажда қилдилар».

Бу бобда Имрон Ибн Хусайн, Ибн Умар ва Зулйадайн (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳллари бу ҳадис устида ихтилоф қилдилар. Куфа аҳлидан баъзилари: «Унутиб ёки билмасдан ёки ҳар қандай йўсинда намозда сўзлашса, намозни иода қилади (қайта ўқийди)» дейишади. Ва бу ҳадис намозда калом (сўзлашув) ҳаром қилинганидан олдин (воқеъ) бўлганини далил қилишади. Шофиъийга келсак, у бунга саҳиҳ деб қараган ва қабул қилган. Айтадики, «Бу ҳадис, унутиб таом еб қўйган рўзадор киши ҳақида Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳадисдан кўра саҳиҳроқ. У рўзасини қазо қилмайди (қайта тутмайди). Чунки, у Аллоҳ унга эҳсон этган бир ризқдан иборатдир». Ва Шофиъий бундай дейди: «Ана; улар Абу Хурайранинг ҳадиси билан, рўзадор одамнинг билиб туриб таом ейиши ва унутиб таом ейиши орасида ажрим қилишган».

Имоми Аҳмад, Абу Хурайранинг бу ҳадиси борасида айтади: «Имом намозини тамом қилдим деган қаноатга бориб, намози билан боғлиқ ҳар қандай бир хусусда сўзлашса, кейин намозни тугатмаганини билиб

қолса, намозини ўқиб битиради. Ва кимки намозини тамом қилмаганини билгани ҳолда имомнинг орқасида сўзласа, у киши намозини қайтадан ўқимоғи керак». Ва сўзини бундай исбот этади: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётлари давомида фарзлар кўпайтирилар ва озайтирилар эди. Зулйадайн, намоз тугалланган деган яқийн билан ҳукм қилиб, сўзлаган эди. Бу ҳукм ундай эмас. Бу кун ҳеч ким Зулйадайн сўзлаган маънода сўзлай олмайди; чунки фарзлар энди на орттирилади, на камайтирилади». Имом Аҳмад тақрибан шундай деди. Исҳоқ ҳам Имом Аҳмаднинг ушбу бобдаги қавлидек сўз айтади.

291-БОБ

МАВЗУ: ПОЙАБЗАЛ БИЛАН НАМОЗ ЎҚИМОҚ

۳۹۶ — حدثنا علي بن حنبلٍ أخبرنا اسماعيل بن إبراهيم عن سعيد بن يزيد
أبي سلمة قال: قلت لأبي مالك أكان رسول الله صلى الله عليه وسلم يُصَلِّي في
تَلْبِيَةٍ؟ قال: نعم .

396. Саъид ибн Язид Абу Саламадан ривоят қилинди; айтди: Анас ибн Моликдан «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам наълда (пойабзалда) намоз ўқиганмидилар? – деб сўрадим. «Ҳа» деди».¹⁹⁰.

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аби Ҳабиба, Абдуллоҳ ибн Амр, Ибн Ҳурайс, Шаддод ибн Авс, Авс Ас-Сақофий, Абу Ҳурайра ва Бани Шайбадан бўлмиш Ато (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

¹⁹⁰Пойабзалга нажосат тегмаган бўлиши шарт. Ибн Дақиқ алъийд, пояабзални ечмасдан намоз ўқимоқ – мустаҳаб бўлмаган бир рухсат эканини айтади.

Ва илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир.

292-БОБ

**МАВЗУ: БОМДОД НАМОЗИДА ҚУНУТ
ЎҚИМОҚ**

۳۹۷ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَعَمَدُ بْنُ لُثَيْمٍ قَالَا: أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ عَنْ شُعْبَةَ
عَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةَ عَنْ ابْنِ أَبِي لَيْلَى عَنْ الْمُبَرَّاءِ بْنِ عَازِبٍ أَنَّ النَّبِيَّ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقْتَتُّ فِي صَلَاةِ الصُّبْحِ وَالْمَغْرِبِ .

397. Ал-Барро ибн Озиб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод ва шом намозларида қунут қилар эдилар.

Бу бобла Али, Анас, Абу Хурайра, Ибн Аббос, Хуффоф ибн Аймо ибн Роҳзода Ал-Ғифорий (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Ал-Барронинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳллари, бомдод намозида қунут ўқимоқ борасида ихтилоф қилдилар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари, бомдод намозида қунут қилинади, деган фикрга эга бўлишган. Имом Шофиъийнинг қавли ҳам шу. Имом Аҳмад билан Исҳоқ бундай дейишади: «Бомдод намозида, фақатгина мусулмонларнинг бошига бало ва меҳнат тушган маҳалларда қунут ўқилади. Имом, бирор кулфат тушган пайтда мусулмонларнинг лашкари ҳақиқа дуо қилиши мумкин»¹⁹¹

¹⁹¹Бомдод намозида қунут дуоסי ўқилишини маъқуллаганлар, қунутни охири рақъатда, «Самияллоҳу ли-ман ҳамидах» деб рукуъдан кўтарилгандан кейин қилишади. (Бу Имоми Шофиъий мазҳабидадир. Ҳанафий мазҳабида бомдодда қунут ўқилмайди, фақат витрда ўқилади).

293-БОБ

МАВЗУ: (БОМДОДА) ҚУНУТ ЎҚИМАСЛИК

٣٩٨ — حدثنا أحمدُ بنِ منيعٍ أخبرنا يزيدُ بنُ هارونَ عن أبي مالكٍ الأشجعيِّ قال : قلتُ لأبي : يا أبا عبدِ اللهِ ! إنَّكَ قد صليتَ خلفَ رسولِ اللهِ صلى اللهُ عليه وسلم وأبي بكرٍ وعمرَ وعثمانَ وهلمَّ بنِ أبي طالبٍ ها هنا بالكوفةِ ، نعوذُ منَ تحسِنَ سنينَ ، أكانوا يفتنونَ ؟ قال : أئىُّ بُغىٍّ عُدَّتْ .

398. *Абу Молик Ал-Ашжаъийдан ривоят қилинди; айтди: «Отамга дедимки, «Эй отажон! Сиз Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг орқаларида, Абу Бакр, Умар ва Усмоннинг орқаларида, бу ерда, Куфада Али ибн Абу Толибнинг орқаларида беш йил намоз ўқигансиз. Улар бомдод намозида қунут ўқишармиди?». Айтдиларки, «Эй ўғилгинам! Бу бидъатдир!».*

٣٩٩ — حدثنا صالحُ بنُ عبدِ اللهِ أخبرنا أبو عروانةٌ عن أبي مالكٍ الأشجعيِّ بهذا الإسنادِ نحوهُ بِمِثْلِهِ .

399. *Солиҳ ибн Абдуллоҳ, Абу Авона орқали Абу Молик Ал-Ашжаъийдан ушбу ҳадисни маъноси билан баён қилди...*

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳли кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир. Суфён Ас-Саврий, «Бомдод намозида қунут ўқиса ҳам яхши, ўқимаса ҳам яхши» дейди, аммо

ўқимасликни ихтиёр этади. Ибнул-Муборак эса бомдод-
да кунут ўқилмайди, деган тўхтамдадир.

Абу Моликнинг исми - Саъд ибн Торик ибн
Ашйам.

294-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗДА АКСИРМОҚ

٤٠٠ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا رِفَاعَةُ بْنُ يَحْيَى بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ رِفَاعَةَ
ابن رافع الزُّرِّيُّ عن عمِّ أبيه معاذ بن رِفَاعَةَ عن أبيه قال «صليتُ خلفَ
رسولِ الله صلى الله عليه وسلم فَتَلَّيْتُ قُلْتُ الْحَمْدُ للهَ حَمْدًا كَثِيرًا طَيِّبًا
مَبَارَكًا فِيهِ مَبَارَكًا عَلَيْهِ كَمَا يَجِبُ رَبَّنَا وَرَضَى، فَلَمَّا صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْصَرَفَ فَقَالَ مِنَ الْمَنَكُمُ فِي الصَّلَاةِ قَلِمٌ بِتَكْلِمٍ أَحَدٌ نَمَّ فَلَمَّا
الثَّانِيَةَ مِنَ التَّكْلِمِ فِي الصَّلَاةِ فَلَمْ يَتَكَلَّمْ أَحَدٌ نَمَّ فَلَمَّا الثَّالِثَةَ مِنَ التَّكْلِمِ فِي
الصَّلَاةِ فَقَالَ رِفَاعَةُ بْنُ رَافِعٍ بْنُ قَهْرَاءَ: أَنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ كَيْفَ قَاتَ
قَالَ قُلْتُ الْحَمْدُ للهَ حَمْدًا كَثِيرًا طَيِّبًا مَبَارَكًا فِيهِ مَبَارَكًا عَلَيْهِ كَمَا يَجِبُ رَبَّنَا
وَرَضَى قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَقَدْ أَبْتَدَرَهَا بِضَمَّةٍ
وَتِلَاوُونَ مَلَكًا أَيُّهُمْ يَتَمَتَّدُ بِهَا» .

400.Рифоъа ибн Рофиъ Ал-Ансорий (розияллоҳу
анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллал-
лоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида намоз ўқидим.
Аксирдим ва шунда:

« الْحَمْدُ للهَ حَمْدًا كَثِيرًا طَيِّبًا مَبَارَكًا فِيهِ مَبَارَكًا عَلَيْهِ كَمَا يَجِبُ رَبَّنَا وَرَضَى »

(«Алхамдулиллаҳи ҳамдан касийрон тоййибан мубора-
кан фийҳи муборакан ғалайҳи кама йухиббу Роббуна

ва йарзо»)¹⁹² дедим. Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам намозни ўқиб бўлдилар ва ўтирилиб, «Намозда сўзлаган ким эди?» дедилар. Ҳеч ким садо чиқармади. Кейин иккинчи марта: «Намозда сўзлаган ким эди?» дедилар. Яна ҳеч ким миқ этмади. Кейин учинчи марта: «Намозда сўзлаган ким эди?» дедилар. Шунда Рифоъа ибн Рофиъ ибн Арроъ (ровийнинг ўзи): «Мен эдим, ё Расулуллоҳ!..» деди. «Нима деб айтдинг?» дедилар.

«الْحَمْدُ لِلَّهِ حَمْدًا كَثِيرًا طَيِّبًا مَبْرُورًا فَهُوَ مَبْرُورٌ كَمَا يُعِبُّ رَبَّنَا وَرَبَّنَا»

«Алҳамдулиллаҳи ҳамдан касийрон тоййибан муборакан фийҳи, муборакан ғалайҳи кама йухиббу Роббуна ва йарзо») деб айтдим», деди. Шунда Набий саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Жоним кудрати кўлида бўлган зотга қасамки, ўттизтача фаришта, бу (ҳамд)ни қайси биримиз олиб юксалиб чиқар эканмиз, деб, тараддудга тушди».

Бу бобда Анас, Воил ибн Хужр ва Омир ибн Робиъа (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Рифоъанинг ҳадиси ҳасан. Баъзи илм аҳлининг фикрича, бу ҳадис нафл намозлари ҳақидадир. Зеро, тобиъийндан мутааддид кишилар бундай дейдилар: «Киши фарз намозида аксирса, фақат ичида Аллоҳга ҳамд айтади». Бундан ортиғига рухсат бермаганлар.

¹⁹²Маъноси: «Ўзи севган ва Ўзи рози бўлган шаклда Роббимиз Аллоҳга ҳисобсиз, гўзал, ичда ва ташда муборак ҳамд бўлсин!».

295-БОБ

**МАВЗУ: НАМОЗДА КАЛОМ
(СЎЗЛАШУВ)НИНГ МАНЪ
ЭТИЛИШИ**

٤٠١ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ أَخْبَرَنَا مُسَيْمٌ وَأَخْبَرَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ أَبِي خَالِدٍ عَنِ الْحَارِثِ بْنِ شَكْبِيلٍ عَنْ أَبِي عَمْرِو الشَّيْبَانِيِّ عَنْ زَيْدِ بْنِ أَرْقَمٍ قَالَ كُنَّا تَتَكَلَّمُ خَلْفَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الصَّلَاةِ ، يَتَكَلَّمُ الرَّجُلُ مِنَّا صَاحِبَهُ إِلَى جَنِبِهِ حَتَّى تَنْزِلَ وَقَوْمُوا لِلَّهِ قَاتِنِينَ فَأَمَرْنَا بِالسُّكُوتِ وَنَهَيْنَا عَنِ الْكَلَامِ

401. Зайд ибн Арқом (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламнинг орқаларида намоз пайтида сўзлашар эдик. Орамиздан бирортаси ёнидаги шериги билан гаплаша-верар эди. Ниҳоят, «*وقوموا لله قاتنين*» («Ва Аллоҳ учун (Аллоҳнинг ҳузурда) бўйин эгган ҳолда турунгизлар»)¹⁹³ ояти нозил бўлди. Ана шунда сукут сақламоққа буюрилдик ва каломдан (сўзлашувдан) қайтарилдик».

Бу бобда Ибн Масъуд ва Муовия ибн Ал-Ҳакамдан ҳадис ривоят қилинган.

Зайд ибн Арқомнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳллари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир. Айтадиларки, «Киши намозда қасдан ёки унутган ҳолда сўзласа, намозни иода қилади. Суфён Ас-

¹⁹³ «Ал-Бақара» сураси, 238-оят. Бу оят мусулмонларга намозда ибодатдан бошқа нарса билан машғул бўлмоқни манъ этди.

Саврий ва Ибнул-Муборакнинг қавли шудир. Айримлари эса бундай дейди: «Намозда қасдан сўзласа, намозни иода қилади. Унутган ҳолда ёки билмасдан сўзласа, намозни жоиздир». Имом Шофийий шу қавлга эга бўлган. (Илова: Ҳанафийлар ҳукми «Мухтасар-ул-виқоя» шарҳида бундай баён этилади: «Намозда сўзламоқ, хоҳ оз бўлсин, хоҳ кўп, хоҳ қасдан, хоҳ хатоан бўлсин, намозни фосид қилур...» – М.К.).

296-БОБ

МАВЗУ: ТАВБАДАН ОЛДИН НАМОЗ
ЎҚИМОҚ

٤٠٢ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا أَبُو عَوَانَةَ عَنْ عُمَانَ بْنِ الْمُنْبِيرِ عَنْ عَلِيٍّ
ابن ربيعة عن أسماء بن الحكم الفزاري قال : سمعتُ عليًا يقولُ : إني
كنتُ رجلاً إذا سمعتُ من رسولِ الله صلى الله عليه وسلم حديثاً نفعني
اللهُ منه بما شاء ، أن يتَّقَمِي به ، وإذا حدثني رجلٌ من أصحابه استحلقتُهُ ،
فإذا حلفتُ صدقتُهُ ، وإنه حدثني أبو بكر ، وصدق أبو بكر .
قال : سمعتُ رسولَ الله صلى الله عليه وسلم يقولُ : « ما من رجلٍ
بذنْبٍ ذنباً ثم يقومُ فيتعطَّرُ ثم يصلِّي ثم يستغفرُ اللهَ ، إلا غفرَ اللهُ له
ثم قرأ هذه الآية : ﴿ والذينَ إذا فعلوا فاحشةً أو ظلموا أنفسهم ذكروا
اللهَ إلى آخر الآية ٤٠٢ 》 .

402. Асмо ибн Ҳакам Ал-Фазорийдан ривоят қилинди; айтди: «(Ҳазрати) Али (карромаллоҳу ваҷҳаҳу)дан бундай деганини эшитдим: «Мен шундай бир киши эдимки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан битта ҳадис эшитсам, Аллоҳ ўзи хоҳлаганича ўша ҳадисдан мени манфаатлантирар эди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан бирор киши менга ҳадис айтса, унга

қасам ичдирар эдим. Агар онт ичса, уни тасдиқ этар эдим. Абу Бакр менга (ушбу ҳадисни) баён этди, Абу Барк эса сиддиқдир. Айтдики, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, бундай дедилар: «Бир киши бирор гуноҳ қилса-ю, кейин туриб, покланса, кейин намоз ўқиса, кейин истиғфор айтиб, Аллоҳдан мағфират тиласа, Аллоҳ албатта уни кечиргайдир». Кейин (Жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу оятни охиригача ўқидилар

« وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَاحِشَةً أَوْ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ ذَكَرُوا اللَّهَ... » («Улар (тақводор зотлар) шундай кишиларки, қачон бирор нолайик иш қилиб қўйсалар ёки (қандайдир гуноҳ иш билан) ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират этмоғини сўрайдилар, гуноҳларни Аллоҳдан бошқа ким ҳам мағфират қилур? – ва билган ҳолларида гуноҳларида давом этмайдилар...») ¹⁹⁴

Бу бобда Ибн Масъуд, Абуд Дардо, Анас, Абу Умома, Абул Йуср - унинг исми Каъб ибн Амр(розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Алининг ҳадиси ҳасан.

Бу ҳадисни Усмон ибн Ал-Муғйранинг ривоятидан битта шу ваҳждан биламиз. Шуъба ва бошқалар бу ҳадисни тагин Усмон Ал-Муғйрадан, Абу Авонанинг ривоятидек марфуъ тарзида ривоят қилдилар. Суфён Ас-Саврий ва Мисъор ушбу ҳадисни мавқуф тарзида ривоят қилишади ва Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалтиришмайди. Чунончи, бу ҳадис Мисъордан марфуъ тарзида ҳам ривоят қилинган.

«... فاستغفروا لذنوبهم ومن يغفر الذنوب إلا الله» (Оли Имрон) ¹⁹⁴ «... ولم يصبوا على ما فعلوا وهم يحلمون» сураси, 135-оят. Оятнинг маъноси давоми билан келтирилди.

297-БОБ

МАВЗУ: ЁШ БОЛАГА ҚАЧОНДАН НАМОЗ
ЎҚИШ БУЮРИЛАДИ?

٤٠٣ — حدثنا علي بن حيدر أخيراً حرمة بن عبد العزيز بن الربيع
ابن سبرة الجهمي عن عبد الملك بن الربيع بن سبرة عن أبيه عن جده
قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم « علموا الصبي الصلاة ابن سبع
سنتين ، وانصروا به عليها ابن عشرة » .

403. *Сабра ибн Маъбад Ал-Жуханий (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Болага етти ёшида намозни ўргатинглар ва ўн ёшида уни намоз учун уринглар».*¹⁹⁵

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амрдан ҳадис ривоят қилинган.¹⁹⁶

Сабра ибн Маъбад Ал-Жуханийнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳдларининг амали шу ҳадис асосидадир. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ушбудир: «Бола ўн ёшдан кейин ўтказиб юборган намозларини иода қилади», дейишади.

Сабра Маъбад Ал-Жуханийнинг ўғли. У Авсажанинг ўғли ҳам дейилади.

¹⁹⁵Калтак учун ўн ёш белгиланишининг сабаби шуки, болаларнинг кўпчилиги бу ёшда калтакка дош бера оладиган бўлади. Аммо калтак жароҳат етказмайдиган бўлиши ва калтаклаганда бошга урилмаслиги керак.

¹⁹⁶Абу Довуд, Абдуллоҳ ибн Амрнинг ҳадисини марфуъ тарзида бундай таҳриж қилган: «Болаларингизга етти ёшида намозни ўргатинглар. Ўн ёшида намоз учун уларни уринглар ва ётоқларини алоҳида қилингллар».

298-БОБ

**МАВЗУ: ТАШАХХУДАН КЕЙИН ТАҲОРАТ
БУЗИЛСА...**

٤٠٤ — حدثنا أحمدُ بنُ محمدٍ أخبرنا ابنُ المباركِ أخبرنا عبدُ الرحمنِ ابنُ زيادِ بنِ أنعمَ أن عبدَ الرحمنَ بنَ داودَ وبكرَ بنَ سوادَةَ أخبراهُ عن عبدِ اللهِ بنِ عمرو ، قال : قال رسولُ اللهِ صلى اللهُ عليه وسلم إذا أحدثَ بعضُ الرجلِ وقد جلسَ في آخرِ صلاتِهِ قبل أن يسلَّمَ فقد جازتِ صلاتُهُ .

404. Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Намозининг охирида (ташаҳхуд микдорида) ўтириб, салом беришдан олдин таҳорати бузилса, – яъни намоз ўқиган кишини айтмоқчилар - унинг намози жоиздир».

Бу ҳадиснинг исноди соғлом эмас. Унинг исноди (масаласи)да (муҳаддислар) чалкашликка тушганлар.¹⁹⁷

Айрим илм аҳллари (яъни Ҳанафий мазҳаби соҳиблари) шу ҳадисни эгаллаб, «Ташаҳхуд микдорида ўтириб, салом беришдан олдин таҳорати бузилса, намози тугалдир¹⁹⁸», дейишган. Баъзи илм аҳллари эса бундай дейдилар: «Хоҳ ташаҳхуд ўқимасдан олдин бўлсин, хоҳ салом беришдан олдин бўлсин, таҳорати бузилса, намозни иода қилади (қайта ўқийди)». Имом Шофиъийнинг қавли шудир.

¹⁹⁷Бу чалкашлик, ҳадис бошқа-бошқа ва бир-биридан фарқли вужҳлардан ривоят этилгани туфайли юзага келган. Чалкашлик – санада ёки матнда бўлади, ёки бир ровийдан ёки бир неча ровийдан содир бўлади. Музтариб ҳадис, пухта қамралганини ишорат қилгани учун заифдир. Ал-Корий: «Мутааддид вужҳлардан ривоят этилмоғи уни заиф мартабасидан ҳасан мартабасига етказди», дейди ва у ҳадиснинг мутааддид вужҳлари борлигини таъкидлайди.

¹⁹⁸Абу Ҳанифа ва соҳибайннинг (икки биродарининг) қавли шудир. Шу фарқ биланки, Абу Ҳанифа таҳорат бузилиши ўз қасди билан бўлган тақдирда, деб ҳисоблайди. Соҳибайн эса бутунлай қабул қилади.

Имом Аҳмад айтади: «Ташаҳҳуд ўқимасдан ҳам салом берса, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Намознинг таҳлили - саломдир» деган қавлларига биноан, у кишининг намози жоиздир. Ташаҳҳуд (саломдан) энгилдир. Нечукким, Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки рақъатдан (ўтирмай) туриб кетганлар ва ташаҳҳуд ўқимасдан намозларида давом этганлар».

Исҳоқ ибн Иброҳим: «Ташаҳҳуд ўқиса, салом бермаса ҳам намози жоиздир» дейди ва Ибн Масъуднинг ҳадисини далил сифатида кўрсатади. Чунончи, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)га ташаҳҳудни ўргатганларида бундай деб айтдилар: «...Бундан (ташаҳҳудни ўқимоқдан) фориғ бўлгач, зиммандаги нарсани адо этган бўлурсан».

Абдурраҳмон ибн Зиёд бу - Ал-Иффрикийдир. Баъзи муҳаддислар унинг (ҳадисда) заиф эканини қайд этганлар. Яҳё ибн Саъид Ал-Қаттон ва Аҳмад ибн Ҳанбал шулар орасидадир.

299-БОБ

МАВЗУ: ЁМҒИРЛИ КУНДА НАМОЗНИ УЙЛАРИДА ЎҚИМОҚЛАРИ

٤٠٥ — حَدَّثَنَا أَبُو حَنَسٍ - عَمْرُو بْنُ عَلِيٍّ أَخْبَرَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ
أَخْبَرَنَا زُهَيْرُ بْنُ مَرْوَانَ عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ عَنْ جَابِرٍ قَالَ « كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى
اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مَنَازِلٍ فَأَمَّا بِنَا مَطَرًا فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « مَنْ
شَاءَ فَلْيَصِلْ فِي رَحْلِهِ » .

405. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан биргаликда бир сафарда эдик. Ёмғирга тутилдик. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким хоҳласа, намозини ўз чодирда ўқисин»¹⁹⁹, деди-

¹⁹⁹Раҳл — ичига жойлашиб ўтириладиган жой, кўнок(ўтов) дегани. У хоҳ чодирдан бўлсин, хоҳ тошдан ёки гипстан ёки гахта-

лар.

Бу бобда Ибн Умар, Самура, Абул Мулайхнинг отаси ҳамда Абдурраҳмон ибн Самура (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Жобирнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳллари ёмғир ва пойгарчиликла Жумъа ва жамоат намозларига бормасликка рухсат берганлар. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу.

Абу Зуръадан бундай деганини эшитдим: «Аффон ибн Муслим, Амр ибн Алидан бир ҳадис ривоят қилди. Абу Зуръа айтади: «Басрада ушбу уч кишидан кўра хотираси кучли бўлган одамни кўрмадик: «Али ибн Ал-Мадийний, Ибн Шозакуний ва Амр ибн Али». Абул-Малийхнинг исми – Омир. Унинг Зайд ибн Усома ибн Умайр Ал-Хузалий эканлиги ҳам айтилади.

300-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗЛАРДАН КЕЙИН ТАСБИХ АЙТМОҚ

٤٠٦ — حدثنا أسحاق بن إبراهيم بن حبيب بن الشهيد وعلى بن حنبل قال : حدثنا عتاب بن بشير عن خصيف عن مجاهد وعكرمة عن ابن عباس قال : « جاء الفقراء إلى رسول الله صلى الله عليه وسلم فقالوا : يا رسول الله إن الأغنياء يصلون كما نصلي ويصومون كما نصوم ولم أموالاً يبتغون ويتصدقون قال : فإذا صلّيتم فقولوا سبحان الله ثلاثاً وثلاثين مرة واحمد الله ثلاثاً وثلاثين مرة والله أكبر أربعاً وثلاثين مرة ولا إله إلا الله عشر مرات » .

дан бўлсин, ҳаммаси «рахл» дейилади. (Муборакфурий). Бу ўринда сафар ҳолатини назарда тутиб, «рахл»ни «чодир» деб таржима қилдик.

406. Ибн Аббос (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Камбағал кишилар Расуллулоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, дедиларки, «Ё Расуллулоҳ! Бой кишилар худди бизлардек намоз ўқишади, худди бизлардек рўза тутишади. Тағин уларнинг мол-дунёси бор; кул озод этишади, садақалар беришади?..» (Расули Акрам) айтдилар: «Намоз ўқиганингизда(н кейин) ўттиз уч марта

«سُبْحَانَ اللَّهِ» («Субҳаналлоҳ»), ўттиз уч марта «الْحَمْدُ لِلَّهِ»

(«Алҳамдулиллаҳ»), ўттиз тўрт марта «اللَّهُ أَكْبَرُ»

(«Аллоху акбар») ва ўн марта «لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ» («Ла илаҳа иллагаллоҳ») деб айтингизлар. (Шунда) сизлардан ўзганларга етиб олгайсизлар ва сизлардан орқада қолганлар сизлардан ўзиб кета олмагайлар»²⁰⁰.

Бу бобда Каъб ибн Ужра, Анас, Абдуллоҳ ибн Амр, Зайд ибн Собит, Абуд-Дардо, Ибн Умар ва Абу Зарр (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-ғариб. Тағин бу бобда Абу Хурайра ва Ал-Муғйира (розияллоху анхумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

²⁰⁰Муслим, Абу Хурайра (розияллоху анху)дан марфуъ тарзида ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: «Кимки намознинг орқасидан Аллоҳга ўттиз уч марта тасбиҳ айтса, ўттиз уч марта ҳамд айтса ва ўттиз уч марта такбир айтса, булар тўқсон тўққизтадир ва юзинчи мартасида

«لَا إِلَهَ إِلَّا وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ» («Ла илаҳа иллагаллоху ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ʼала кулли шайъин қодийр») деса, қусурлари денгиз кўпикларича бўлса ҳам, кечирилади». Бу ривоятда такбирлар саноғи борасида хилма-хил ривоятлар бор. Баъзи ривоятларда ҳар бирининг саноғи юзта деб айтилган.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганлари ривоят қилинган: «Икки хислат борки, уларни одат қилган киши, албатта, жаннатга киргайдир: ҳар бир намознинг орқасидан Аллоҳга ўттиз уч марта тасбиҳ айтса, ўттиз уч марта ҳамд айтса ва ўттиз тўрт марта такбир айтса, ҳамда ухлаётиб ўн марта «*صباحان الله*» («Субҳаналлоҳ»), ўн марта «*الحمد لله*» («Алҳамдулиллаҳ») ва ўн марта «*الله أكبر*» («Аллоҳу акбар») деса...»

301-БОБ

**МАВЗУ: ЛОЙГАРЧИЛИКДА ВА ЁМҒИРДА
УЛОВ УСТИДА НАМОЗ ЎҚИМОҚ**

٤٠٧ — حدثنا يحيى بن موسى أخبرنا شهاب بن سوار أخبرنا عمر بن الرماح عن كثير بن زياد عن عمر بن عثمان بن بلي بن مرة عن أبيه عن جده أنهم كانوا مع النبي صلى الله عليه وسلم في سفر فأتهموا إلى مضيق فحضرت الصلاة فظنوا ، السامد من فوقهم والبلية من أسفل منهم فأذن رسول الله صلى الله عليه وسلم وهو على راحته وأقام فتقدم على راحته فصلى بهم يومئذ إيماءً يحمل السجود أخفض من الركوع .

407. Яъло ибн Мурро (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди: «Бир сафарда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билаи бирга бўлдилар. Шунда йўлнинг тор бир жойига бориб қолдилар. Намоз вақти кирган ва ёмғирда қолган эдилар. Устларидан ёмғир ва остларидан лойқа (намоз ўқишга монельлик қиларди). Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам туянинг устида азон айтдилар, иқомат келтирдилар, туя-

нинг устида олдинга ўтиб, уларга намоз ўқиб бердилар. (Намозни) имо билан ўқидилар, саждаларини рукуъларидан кўра пастроқ қилар эдилар»²⁰¹

Бу ҳадис ғариб. Буни фақатгина Умар ибн Ар-Римоҳ Ал-Балхий ривоят қилган ва ёлғиз унинг ривоятдан маълум бўлаётир. Илм аҳлларида мутааддид кишилар бу ҳадисни ундан ривоят қилганлар. Шунингдек, Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан сувда ва лой маҳалида туянинг устида намоз ўқигани ривоят қилинган. Илм аҳлларида амали шу ҳадис асосидадир.

Аҳмад ва Исҳокнинг қавли ҳам шудир.

302-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗ УЧУН ВУЖУДНИ УРИНТИРМОҚ

{ 08 — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَبَشْرُ بْنُ مَعَاذٍ قَالَا : أَخْبَرَنَا أَبُو عَوَانَةَ عَنْ زَيْدِ بْنِ جِلْدَةَ عَنْ النَّبْرِ بْنِ شُبَيْبَةَ قَالَ : « صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى أَتَضَعَتْ قَدَمَاهُ قَبِيلَهُ : أَنْتَسَكَلْتُ هَذَا وَقَدْ غَفَرَ لَكَ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ » قَالَ : أَفَلَا أكونُ عَبْدًا شَكُورًا .»

408. Ал-Мугийра ибн Шуъба (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқийвериби, ҳатто муборак оёқларни шишиб кетди. Шунда у кишига айтилдики, «Сизнинг олдинги ва кейинги гуноҳларингиз кечирилган-ку, нега ўзингизни бунча кулфатга соласиз?» *Айт-*

²⁰¹ Суютий «Кутул-муғтазий»да бундай дейди: «Нававий ва бошқалар бу ҳадисга таяниб, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам азонни ўзлари айтганларини, муаззинлик билан имомликни жамъ қилмоқ мустаҳаб эканини айтади».

дилар: «Ахир, шукр қилгувчи банда бўлмайинми?»

Бу бобда Абу Ҳурайра ва Оиша (розияллоху анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган. Ал-Муғййра ибн Шувбанинг ҳадиси ҳасан-сахих.

303-БОБ

**МАВЗУ: ҚИЁМАТ КУНИДА БАНДАНИНГ
БЕРАДИГАН БИРИНЧИ ҲИСОБИ
НАМОЗДАНДИР**

٤٠٩ - حدثنا علي بن نصر بن علي الجهضمي أخبرنا سفيان بن حماد
أخبرنا حماد قال حدثني قتادة عن الحسن بن سريث بن قبيصة قال :
قدمت المدينة فقلت اللهم بسر لي جليسا صالحا قال فجلست إلى أبي هريرة
فقلت : إني سألت الله أن يرزقني جليسا صالحا فحدثني بمحدث سمعته
من رسول الله صلى الله عليه وسلم للأنبياء أن يفتقوا به ، قال سمعت
رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول : « إن أول ما يحاسب به العبد يوم
القيامة من عمله صلواته ، فإن صلواته قد أفلح وأجمع ، وإن فسدت
قد خاب وخسر ، فإن أنتقص من فريضة شيئا قال الرب تبارك وتعالى :
أنظروا هل لتبدي من تطوع فيكّل بها ما أنتقص من الفريضة ، ثم
يكون سائر عمله على ذلك » .

409. Ҳурайс ибн Қобийсадан ривоят қилинди;
айтди: «Мадинага келдим ва дедимки, «Аллоҳим!
Менга солиҳ бир суҳбатдош муяссар айлагин!...» Айтди:
«Абу Ҳурайрага интилдим-да, «Мен Аллоҳдан ўзимга
солиҳ бир суҳбатдош насиб айламоғини сўраган эдим.
Энди менга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва

салламдан эшитган бир ҳадисингни айтиб бер, шояд Аллоҳ ундан менга манфаат етказса!..» дедим *Шунди* (Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, бундай дедилар: «Қиёмат кунда банданинг ўз амаларидан биринчи ҳисоб берадиган нарсаси унинг намозидир. Агар намози тўкис бўлса, халос ва нажот топиб, муродига етгай. Агар фосид бўлса, номурод бўлгай ва зарариён топгай. Агар фарзлардан бирор ками бўлса, Рабб габорак ва таъоло: «Қараңлар-чи, бандамнинг нафл намозлари борми?» дейди ва фарзлардан етишмаган миқдорни ўша билан тўлдиради, мукамал қилади. Кейин бошқа амали ҳам шу тартиб-қоида асосида бўлади»²⁰⁷.

Бу бобда Тамим Ад-Дорий (розияллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган Абу Хурайранинг ҳадиси бу важҳдан ҳасан-ғариб Бу ҳадис Абу Хурайрадан бошқа важҳдан ҳам ривоят қилинган

Ҳасаннинг биродарларидан баъзилари Ҳасандан, Қобийса ибн Зувайбдан бошқа бир ҳадис ривоят қилганлар Машҳур бўлгани Қобийса ибн Зувайб эмас, Қобийса ибн Хурайсдир²⁰⁸

Анас ибн Ҳакимдан, Абу Хурайрадан, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан шунга яқин бир ҳадис ривоят қилинган.

²⁰⁷ Яъни, фарзларнинг ками бўлса, нафл рўзалар билан, закотдан ками бўлса, садақа ва эҳсонлар билан тўлдирилади.

²⁰⁸ Ат-Термизий китобининг бошқа бир нусхасида Қобийса ибн Хурайс ибн Қобийса дейилади ва бу ҳам изоҳга муҳтождир. Диққат қилинса, Ат-Термизий ҳадис бошида «Хурайс ибн Қобийса» деб айтдилар...

304-БОБ

МАВЗУ: БИР КЕЧА-КУНДУЗДА ЎН ИККИ
РАКЪАТ СУННАТ НАМОЗИ
ЎҚИМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ

٤١٠ — حدثنا محمد بن رافع أخبرنا إسحاق بن سليمان الرزقي أخبرنا
المغيرة بن زياد عن عطاء عن عائشة قالت : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم
«من نابر على ثنتي عشرة ركعة من السنة بنى الله له بيتا في الجنة :
أربع ركعات قبل الظهر ، وركعتين بعدها وركعتين بعد المغرب ،
وركعتين بعد العشاء ، وركعتين قبل الفجر» .

410. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди;*
айтдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам
бундай дедилар: «Қимки ўн икки рақъат суннат намо-
зида бардавом бўлса, Аллоҳ унга Жаннатдан бир уй
бино қилур: пешиннинг фарзидан олдин тўрт рақъат
ва фарзидан кейин икки рақъат; шомнинг фарзидан
кейин икки рақъат; хуфтоннинг фарзидан кейин икки
рақъат; бомдоднинг фарзидан олдин икки рақъат».

Бу бобда Умму Ҳабиба, Абу Ҳурайра, Абу Мусо
ва Ибн Умар (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят
қилинган. Оиша (онамиз)нинг ҳадиси бу ваҳждан ғариб.
Муғийра ибн Зиёд ҳақида баъзи илм аҳллари хотираси
жиҳатдан (танқидий) сўз қилишган.²⁰⁴

²⁰⁴Ҳақиқатда икки ривоятдан бирига биноан Ибн Маин, Ибн
Адий ва бошқалар Муғийра ибн Зиёдни тавсиқ этганлари (муҳкам
ва устивор кўрганлари) таъкидланган. Бинобарин, ҳадис – ҳасан
даражасидан паст бўлмаса керак.

٤١١— حدثنا محمودُ بنُ غَيْلانَ أَخْبَرَنَا مُؤمِلٌ أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ الثَّوْرِيُّ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ عَنِ الْمَسْبُورِ بْنِ رَافِعٍ عَنِ عَنبَسَةَ بْنِ أَبِي سُفْيَانَ عَنْ أُمِّ حَبِيبَةَ قَالَتْ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « مَنْ صَلَّى فِي يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ ثَمَنِي عَشْرَةَ رَكْعَةً بُنِيَ لَهُ بَيْتٌ فِي الْجَنَّةِ : أَرْبَعًا قَبْلَ الظُّهْرِ ، وَرَكْعَتَيْنِ بَعْدَهَا وَرَكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْمَغْرَبِ وَرَكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْمِشَاءِ ، وَرَكْعَتَيْنِ قَبْلَ الْفَجْرِ صَلَاةَ الْعَدَاةِ » .

411. Умму Ҳабиба (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Қимки бир кеча-кундузда ўн икки рақъат намозни ўқиб борса, Аллоҳ унга Жаннатдан бир уй бино қилгайдир: пешиннинг фарзидан олдин тўрт рақъат ва фарзидан кейин икки рақъат; шомнинг фарзидан кейин икки рақъат; хуфтоннинг фарзидан кейин икки рақъат; бомдоднинг фарзидан олдин икки рақъат».²⁰⁵

Анбасанинг Умму Ҳабибадан ушбу бобда ривоят қилган ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Бу ҳадис Анбасадан мутаадид ваҳдан ривоят қилинган.

305-БОБ

МАВЗУ: БОМДОДНИНГ ИККИ РАҚЪАТИ ФАЗИЛАТИ

٤١٢. — حدثنا صالحُ بنُ عبدِ اللَّهِ أَخْبَرَنَا أَبُو عَوَّانَةَ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ دُرَّازَةَ بْنِ أَوْقَى عَنْ سَدْرِ بْنِ هِشَامٍ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « رَكْعَتَا الْفَجْرِ خَيْرٌ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا »

²⁰⁵Баъзи

нусхаларда

« قبل الفجر »،

баъзиларида

« قبل صلاة العداة »
« قبل صلاة العداة » ва баъзиларида «

قبل الفجر صلاة العداة» тар-

зида келган. Маъноси бир.

412. *Оиша* (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бомдоднинг икки рақъати дунёдан ва дунёдаги бор нарсалардан яхшироқдир»²⁰⁶.

Бу бобда Али, Ибн Умар ва Ибн Аббос (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Оиша (розияллоҳу анҳо)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Аҳмад ибн Ханбал, Солиҳ ибн Абдуллоҳ Ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилган.

306-БОБ

МАВЗУ: БОМДОД НАМОЗИНИНГ ИККИ РАҚЪАТ (СУННАТИ) ЕНГИЛ ЎҚИЛМОҒИ ВА НАБИЙ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ БУ ИККИ РАҚЪАТДАГИ ҚИРОАТЛАРИ

٤١٣ — حدثنا عمودُ بنُ غَيْلانَ وأبو عمارٍ قالا : أخبرنا أبو أحمدَ الزبيرى أخبرنا سفيانُ عن أبي إسحاقَ عن مجاهدٍ عن ابنِ عمرَ قالَ رَمَقْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَهْرًا فَكَانَ يَقْرَأُ فِي الرَّكْعَتَيْنِ قَبْلَ النَّحْرِ بِقَوْلِ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ وَقَوْلِ هُوَ اللهُ أَحَدٌ .

413. *Ибн Умар* (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллalloҳу алайҳи ва салламни бир ой кузатдим, бомдод намозининг фарзидан олдинги икки рақъатда «*يا ايها الكافرون*» («Кул йаа аййуҳал-кафирун») ва «*قد هو الله احد*» («Кул: Хуваллоҳу

²⁰⁶Шоҳ Валиййуллоҳ Ад-Дехлавий «Хужжатуллоҳил-балиғоҳ» деган асарида бу афзалият сабабини бундай деб изоҳлайди: «Чунки дунё ва дунё неъматлари фониийдир. Ўша икки рақъатнинг савоби эса чексиз ва абадийдир».

аҳад»)ни ўқир эдилар».

Бу бобда Ибн Масъуд, Анас, Абу Хурайра, Ибн Аббос, Ҳафса ва Оиша (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан. Бу ҳадис Ас-Саврийнинг Абу Исҳоқдан қилган ривояти эканлигини ёлғиз Абу Аҳмаднинг ривоятидан билмоқдамиз. Муҳаддислар наздида маъруф бўлгани - Исроилнинг Абу Исҳоқдан қилган ривоятидир. Бу ҳадис Абу Аҳмаддан; Исроилдан ривоят қилинган. Абу Аҳмад Аз-Зубайрий - сиқа (ишонарли) ва ҳофиздир. *Бундорнинг бундай деганини эшитдим*: «Абу Аҳмад Аз-Зубайрийдан кўра хотираси ажойиб бўлган кишини кўрмадим». Абу Аҳмаднинг исми – Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аз-Зубайр Ал-Асадий Ал-Куфий.

307-БОБ

**МАВЗУ: БОМДОДНИНГ ИККИ РАКЪАТ
(СУННАТ)ИДАН КЕЙИН
ГАПЛАШМОҚ**

٤١٤ — حَدَّثَنَا يُونُسُ بْنُ عَيْسَى أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ إِدْرِيسَ قَالَ سَمِعْتُ
مَالِكَ بْنَ أَنَسٍ عَنِ أَبِي النَّضْرِ عَنْ أَبِي سَلَمَةَ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: كَانَ لِنَبِيِّ صَلَّى
اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا صَلَّى رَكَعَتِي النَّجْرِ فَإِنْ كَانَتْ لَهُ إِلَى حَاجَةٍ كَلَّمَنِي وَإِلَّا خَرَجَ
إِلَى الصَّلَاةِ

414. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар*: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдоднинг икки рақъатини ўқиганларида, мен билан бирор ҳожатлари бўлса, гаплашар эдилар, бўлмаса, намозга чиқар эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари, тонг отганидан бошлаб то бомдод намозини

ўқигунларича, зикрдан бошқа ва зарурий бўлган сўздан ташқари, дунёвий сўзларни гапирмоқни макруҳ деб билар эдилар. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

308-БОБ

**МАВЗУ: ТОНГ ОТГАНИДАН KEYIN
ФАҚАТГИНА ИККИ РАҚЪАТ
(СУННАТ) НАМОЗ БОР**

٤١٥ — حدثنا أحمد بن عبيدة الضبي أخبرنا عبد العزيز بن محمد عن
قدامة بن موسى عن محمد بن الحسين عن أبي علقمة عن يسار مولى ابن
عمر عن ابن عمر: أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: « لا صلاةَ بعدَ
الفجرِ إلا سجدةً تينٍ » .

415.Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Тонг (отгани)дан кейин икки саждадан бошқа (яъни икки рақъат суннатдан бошқа) намоз йўқ».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амр ва Ҳафса (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Умарнинг ҳадиси ғариб.

Бу ҳадисни ёлғиз Қудамма ибн Мусонинг ривоятидан билмоқдамиз.²⁰⁷ Ундан мутааддид кишилар ривоят қилганлар. Илм аҳллари ушбу хусусда иттифоқ

²⁰⁷Ҳофиз Аз-Зайлоий, Термизийнинг «Бу ҳадисни ёлғиз Қудомма ибн Мусонинг ривоятидан билмоқдамиз» деган сўзига эътироз қилади ва Табароний худди шу ҳадисни Қудомма ибн Мусо қатнашмаган бошқа икки йўлдан ривоят қилганини айтади. Ҳолбуки, бу эътироз ўринсиз. Чунки Термизий бу ҳадис бошқа йўлдан ривоят қилинмаганини эмас, балки фақатгина бу хусусда маълумотга эга бўлмаганини айтмоқда, холос. **Илова:** Ҳанафий мазҳабида бомдод вақти кирганидан кейин икки рақъат суннат ўқилгач, фақат фарз ўқилади. Нафл намозлар ўқилмайди.

қилдилар: Тонг отгандан кейин киши бомдод намозининг икки ракъат (суннат)идан бошқа (нафл) намоз ўқимоғини макруҳ кўрадилар.

Бу ҳадиснинг маъноси фақатгина бундай деб тушунилади: «Тонг отганидан кейин бомдоднинг икки ракъат (суннат)идан бошқа намоз йўқ».

309-БОБ

МАВЗУ: БОМДОД НАМОЗИНИНГ СУННАТИДАН КЕЙИН ЁНБОШЛАМОҚ

٤١٦ — حَدَّثَنَا يَشْرُ بْنُ مَعَاذٍ الْعَمَدِيُّ أَخْبَرَنَا «بَدُّ الْوَاحِدِ بْنِ زَيْدٍ أَخْبَرَنَا الْأَعْمَشُ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « إِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ رَكَعَتَيِ الْعَجْرِ فَلْيَضْطَجِعْ عَلَى يَمِينِهِ » .

416.Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сизлардан бирортангиз бомдод намозининг икки ракъат (суннат)ини ўқиса, ўнг томони билан ёнбошласин».

Бу бобда Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хурайранинг ҳадиси бу важҳдан ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозининг икки ракъат (суннат)ини уйда ўқиганларидан кейин ўнг томонларига ёнбошлаганлари Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинган. Айрим илм аҳллари шуни мустаҳаб кўрмоқдалар.²⁰⁸

²⁰⁸Бомдод намозининг суннатидан кейин ёнбошлаб ётиш ҳақида олимларнинг хилма-хил фикрлари бор.

310-БОБ

**МАВЗУ: НАМОЗ УЧУН ИҚОМАТ
АЙТИЛГАНИДА ФАРЗДАН БОШҚА
НАМОЗ ЙЎҚ**

٤١٧ - حدثنا أحمد بن منيع أخبرنا روح بن عبادة أخبرنا زكريا
ابن إسحاق أخبرنا عمرو بن دينار قال : سمعتُ عطاء بن يسار عن أبي
هريرة قال : قال رسولُ الله صلى الله عليه وسلم « إذا أقيمت الصلاة فلا
صلاة إلا للكتوبة » .

1) Термизий баъзи илм аҳлларидан нақл этганларича, бу мус-
таҳабдир. Абу Мусо Ал-Ашъарий, Роғифъ ибн Хорйж, Анас ибн
Молик ва Абу Хурайра (розияллоҳу анҳум)нинг фикрлари шу.
Улар бомдод намозининг суннатидаан кейин ёнбошлар ва
бошқаларига ҳам шуни амр қилишарди. Имомлардан Шофъорийнинг
ҳам қавли шу. Ал-Айнй «Умдатул-Қорий»: китобида «Шофийъий
ва унинг биродарлари бу (ёнбошлаш) суннат деб қарор қилишди»,
дейди.

2) Ёнбошлаб ётишни зарур бўлган вожиб амал, дейишадн. Абу
Муҳаммад Али ибн Ҳазм Аз-Зоҳирийнинг қавли шудир. Шавқоний
бундай дейди: «Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзан
ёнбошлаб ётишни тарк этганлари умматларига тегишли бўлган
амрга зид эмас».

3) Ёнбошлаш бидъат ва макруҳ. Саҳобалардан Ибн Масъуд ва
ихтилофли бир ривоятга кўра Ибн Умарнинг қавли шу.

4) Бу ишни қилмаган авло. Ибн Абу Шайба, Ал-Ҳасандан ри-
воят қилади: Ал-Ҳасан бомдод намозининг суннатидаан кейин ён-
бошлаб ётишдан хушланмас эди.

5) Бешинчи қавлга кўра, тунги (таҳажжуд) намозига турган
киши билан турмаган киши ўртасида ажрим қилинади.
Таҳажжудга турганлар истироҳат учун бу ишни қилишлари мус-
таҳаб кўрилган, турмаганлар учун машруъ эмас. Термизийнинг шо-
риҳи Абу Бакр ибн Ал-Арабий шу қавлини ихтиёр этади ва бундай
дейди: «Фақатгина тунги (таҳажжуд) намозига турган киши бомдод
намозининг суннатидаан кейин фарзни кутмоқ учун ёнбошлаб ётади
ва шу аснода вужудини тин олдириб, бомдоднинг фарзига туради».

417.Абу Хурайра (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Намозга иқомат айтилганида фарздан бошқа намоз йўқ».

Бу бобда Ибн Райҳона, Абдуллоҳ ибн Амр, Абдуллоҳ ибн Саржис, Ибн Аббос ва Анас (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан.²⁰⁹ Аййуб, Варқоъ ибн Умар, Зиёд ибн Саъд, Исмоил ибн Муслим ва Муҳаммад ибн Жухода, Амр ибн Динордан, Ато ибн Ясордан, Абу Хурайрадан, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан шу тарзда ривоят қилганлар. Ҳаммоод ибн Зайд ва Суфён ибн Уйайна, Амр ибн Динордан ривоят қиладилар ва ҳадисни Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламгача юксалтирмайдилар. Марфуъ бўлмиш ривоят, бизнингча, саҳиҳроқ.

Бу ҳадис Абу Хурайрадан, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан бошқа ваҳждан ҳам ривоят қилинган. Аййаш ибн Аббос Ал-Қитбоний Ал-Мисрий уни Абу Саламадан, Абу Хурайрадан, Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган.

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир: Намоз учун иқомат айтила бошлаганда ўша фарздан бошқа намоз йўқ. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.²¹⁰

²⁰⁹Бу ҳадис саҳиҳ. Муслим бу ҳадисни мутааддид йўллардан ривоят қилган. Аҳмад, Абу Довуд, Ан-Насоий ва Ибн Можа ҳам бу ҳадисни ривоят қилганлар.

²¹⁰Бу масалада уламнинг 9 хил қавли бор:

1-қавл. Намозга иқомат айтила бошлаганда бошқа намозни ўқимок макруҳ: у хоҳ вақт суннати бўлсин, хоҳ нафл намози бўлсин. Саҳобалардан, тобиъийдан ва имомлардан кўпгина шахсларнинг қавли шу. Термизий, жумладан, Суфён Ас-Саврийнинг қатъиян шу фикрда эканини қайд этган бўлса-да, аммо Ибн Абдилбар ва Ан-Нававий, Ас-Саврийнинг қарашини бундай изоҳлайди: «Биринчи рақъатни бой беришдан кўркса, бомдоднинг

суннатини тарк этиб, жамоат билан бирга намозга киради. Аммо биринчи ракъатга етишмоғига ишонса, аввал суннатини ўқийди ва кейин имомга эргашади». Чунончи, кейинроқда бу баён этилади.

2-қавл. «Фарз намози учун иқомат айтила бошлаганда, нафл намозларидан ҳеч биттаси жоиз эмас». Ибн Абдилбар «Ат-тамҳид»да шундай дейди.

3-қавл. Имом фарзни ўқийтганда бомдод намозининг суннатини ўқимоқликда зарар йўқ. Бу фикрдаги шахслар бомдоднинг суннати билан бошқа намозларнинг суннати орасида ажрим қилмоқдалар. Бу хусусда Ал-Байҳақийнинг Абу Хурайра (розияллоху анҳу)дан қилган ушбу ҳадиси билан истидлол этадилар: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Намоз учун иқомат келтирилганда фарздан бошқа намоз йўқ, фақатгина бомдоднинг икки ракъат суннати(бундан) мустасно. Аммо бу ҳадис истидлол учун яроқли эмаслигини, ҳатто Ал-Байҳақий, Абу Хурайрадан бу истиснога зид бир ҳадис ривоят қилганини далил қиладилар.

4-қавл. Бу қавлда масжиднинг ичида бўлмоқ ёки ташида бўлмоқ ва айти вақтда биринчи ракъатга етиб-етмаслиги орасида ажрим қилинади. Бу Имоми Моликнинг қавли бўлиб, у бушдай дейди: «Масжидга кирган бўлса, имомга эргашсин ва суннатни — бомдоднинг суннатини демоқтин — ўқимасин. Агар масжидга кирмаган бўлса, биринчи ракъатни бой бериш кўрқуви бўлмаса, масжиднинг ташида суннатини ўқисин, бой бериш кўрқуви бўлса, ўқимасдан масжидга кириб, имомга эргашсин».

5-қавл. Икки ракъат фарзни бой беришдан ва иккинчи ракъатнинг рукуъида имомга етиша олмасликдан кўрқса, унда имомга эргашади, йўқса масжиднинг ташида бомдоднинг суннатини ўқиганидан кейин имомга эргашади. Ибн Абдилбарнинг нақл этишича, бу қавл Имоми Абу Ханифа ва биродарларининг қавлидир. Ал-Хаттобий эса Имоми Абу Ханифа Имоми Молик билдирган фикрда бўлганини ривоят қилади. Унда бу ривоят Имом Аъзамнинг биродарларининг ривоятига мувофиқ келади. Бу орада Ан-Нававий Имом Абу Ханифа Ал-Авзойининг куйида келадиган қавлга эга бўлганини баён этади.

6-қавл. Охирги ракъатга етолмаслик кўрқуви бўлмаса, бомдоднинг суннатини масжиднинг ичида ҳам ўқийверади. (Жамоатда) биринчи ракъатни бой берадиган бўлса ҳам, суннатини ўқиши керак. Ал-Авзой ва Саъид ибн Абдулазизнинг қавли шу. Ан-Нававий, Имоми Абу Ханифа ва у кишининг биродарлари ҳам шу қавлга эга бўлганини ривоят қилади.

7-қавл. Биринчи ракъатни бой бериш кўрқуви бўлмаса, бомдоднинг суннатини масжид ичида бўлса ҳам ўқийди. Суфён Ас-

311-БОБ

**МАВЗУ: БОМДОД НАМОЗИНИНГ
СУННАТИНИ ЎТКАЗИБ, ФАРЗДАН
КЕЙИН ЎҚИМОҚ**

٤١٨ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَمْرٍو السَّوَّاقُ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ مُحَمَّدٍ
عَنْ سَعْدِ بْنِ سَعِيدٍ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ عَنْ جَدِّهِ قَيْسِ قَالَ : « خَرَجَ رَسُولُ
اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَقْبَمَتِ الصَّلَاةُ فَصَلَّيْتُ مَعَهُ الصَّبِيحَ ثُمَّ انصَرَفَ النَّبِيُّ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ . فَوَجَدَنِي أَسْلَى فَقَالَ مَهَلًا يَا قَيْسُ أَصَلَّيْتَانِ مَهَلًا أَقَلْتِ :
يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي لَمْ أَكُنْ رَكَعْتُ رَكَعَتِي الْفَجْرِ ، قَالَ : فَلَا إِذْنِ . »

418. Қайс ибн Амр ибн Саҳл Ал-Ансорий (розиллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга чикдилар, дарҳол изларидан намозга иқомат айтилди ва мен у киши билан бирга бомдодни ўқидим. Кейин Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни тамом қилгач, менинг намоз ўқиётганимни кўриб қолдилар: «Шошмагил, Қайс! Бир пайтда икки (фарз) намоз-

Саврийнинг қавли шу. Ибн Абдилбар ривоят қилган бу қавл Термизий Суфён Ас-Саврийдан ривоят қилган қавлга зид.

8-қавл. Вақт бемалол бўлса, имомнинг намозини бой берса ҳам, бомдоднинг суннатини ўқийди. Моликийлардан Ибнул-Жаллобнинг қавли шу.

9-қавл. Иқоматни эшитгач, хоҳ бомдоднинг суннати, хоҳ бошқа нафл намозга киришмоғи, хоҳ масжиднинг ичида, хоҳ ташқарисида бўлсин, жоиз эмас. Агар шундай қилса, осий бўлган бўлади. Зоҳирийларнинг қавли шу. Ибн Ҳозим, Шофиъийнинг ва барча салафларнинг шу қавлга эга бўлганини нақл этади. Ҳадисда ворид бўлган «иқомат» сўзидан мурод муаззиннинг фарз намози учун келтирган иқомат бўлса, маълум бўлган ва қабул этилган маъно шудир, унда бу қавл ҳадиснинг зоҳир маъносига мувофиқроқ келади. Борди-ю, «иқомат» сўзидан «намоз ўқимок» маъноси қасд этилса, унда иқомат асносида нафл намози ўқимоклик кароҳат эмас.

ми?» дедилар. «Ё Расулulloх! Мен бомдоднинг икки ракъат (суннат)ини ўқимаган эдим» - дедим. «Унда зарари йўқ», - дедилар.

Муҳаммад ибн Иброҳимнинг ривояти шу тарзда эканини ёлғиз Саъд ибн Саъиднинг ривоятидан билаётирмиз. Суфён ибн Уяйна айтади: «Ато ибн Аби Рабъ бу ҳадисни Саъд ибн Саъиддан ривоят қилган ва бу ҳадис фақатгина мурсаб тарзида ривоят қилинаётир» Маккаликлардан Баъзилари шу ҳадисни қабул қилишган. Бомдод намозининг суннатини фарздан кейин ва куёш чиқишидан олдин ўқимок зарарсиз, деб ҳисоблайдилар.²¹¹

Саъд ибн Саъид - Яхё ибн Саъид Ал-Ансорийнинг биродари. Қайс эса Яхё ибн Саъиднинг босбоси. У Қайс ибн Амр эканлиги, шунингдек, Қайс ибн Каҳд эканлиги ҳам айtilган. Бу ҳадиснинг исноди муттасил эмас. Муҳаммад ибн Иброҳим Ат-Таймий - Қайсдан эшитган. Баъзилар эса бу ҳадисни Саъд ибн Саъиддан, Муҳаммад ибн Иброҳимдан ривоят қилган: «Пайғамбар саломллоҳу алайҳи ва саллам чиклидаг ва Қайсни кўрдилар...»

²¹¹ Ал-Хотабий «Ал-маолим»да бундай дейди: «Бомдод намози суннатининг қазосини ўқиш вақти борасида олимлар ихтилоф қилганлар. Ибн Умар (розияллоҳу анҳум)дан, у кишининг фарздан кейин суннат қазоси ўқилади деб айтгани ривоят қилинди. Ато, Товус ва Ибн Журайхнинг қавли ҳам шудир. Баъзилари эса «Куёш чиққунча қазони ўқийди», дейди. Ал-Косим ибн Муҳаммаднинг қавли ва Ал-Авзойи, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг мазҳаби (йўли) шудир. Абу Ҳанифа ва у кишининг биродарлари эса бундай дейишади: «Хохласа, бу икки ракъатнинг қазосини куёш кўтарилгунча ўқийди. Агар ўқий олмаса, бошқа нарса лозим бўлмайди. Чунки, бу суннатдир». Имом Молик «Чошгоҳ вақтидан завоф вақтига қадар қазосини ўқийди, завофдан кейин қазосини ўқимайди», дейди.

312-БОБ

МАВЗУ: ҚУЁШ ЧИҚҚАНИДАН КЕЙИН
БОМДОД НАМОЗИНИНГ
СУННАТИНИ ҲАҚИҚАТ

٤١٩ — حَدَّثَنَا عَقِيْبَةُ بْنُ مُكَرَّمٍ، أَلَمِيُّ الْبَصْرِيُّ أَخْبَرَنَا عَمْرُو بْنُ عَاصِمٍ، أَخْبَرَنَا هَامَّانٌ عَنْ قَتَادَةَ عَنِ النَّضْرِ بْنِ أَنَسٍ عَنِ يَشِيْرِ بْنِ زَهْبِكَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ لَمْ يَصِلْ رَكَعَتَيِ الْفَجْرِ فَلْيَصِلْهُمَا بِمَدِّ مَا تَطْلُعُ الشَّمْسُ» .

419. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки бомдод намозининг икки ракъат (суннат)ини ўқий олмай қолса, қуёш чиққанидан кейин ўқиб олсин».

Бу ҳадисни ёлғиз шу ваҳхдан билаётирмиз. Ибн Умардан шундай қилгани (қуёш чиққанидан кейин бомдод намози суннатининг қазосини ўқигани) ривоят этилган. Баъзи илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Суфён Ас-Саврий, Шофиъий, Аҳмад, Исҳоқ ва Ибнул-Муборакнинг қавли шу. Амр ибн Осим Ал-Килобийдан ташқари, бу ҳадисни Ҳаммомдан шу иснод билан ва шу тарзда ривоят қилган бирор кишини билмаймиз. Қатоданинг Назр ибн Аназдан, Башир ибн Наҳикдан, Абу Хурайрадан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан марфуъ тарзида қилган ривояти ушбудир: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимки қуёш чиқмасидан олдин бомдод намозининг бир ракъатига улгурса, бомдод намозига улгурган бўлур».

313-БОБ

МАВЗУ: ПЕШИН НАМОЗИНИНГ ТҮРТ
РАКЪАТЛИК АВВАЛГИ СУННАТИ

٤٢٠ — حدثنا يٰئيدلر آخيرنا أبو عامر آخيرنا سفيان عن أبي إسحاق
عن عامر بن صمرّة عن عليّ قال « كان النبي صلى الله عليه وسلم يصلي قبل
الظهر أربعاً وبعدها ركعتين . »

420. Али (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;
айтдилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам пе-
шинининг фарзидан олдин тўрт рақъат ва (фарзидан)
кейин икки рақъат (намоз) ўқир эдилар».

Бу бобда Оиша ва Умму Ҳабиба (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган. Алининг ҳадиси ҳасан. Абу Бакр Ал-Аттор, Али ибн Абдуллоҳдан, Яҳе ибн Саъиддан, Суфъндан нақл этиб, бизга баён қилиб берди: «Суфён айтдики, «Ал-Ҳориснинг ривоятига нисбатан Осим ибн Дамроъ ривоятининг устунлигини билар (ва тақдирлар) эдик».

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳллари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир. Киши пешиннинг фарзидан олдин тўрт рақъат суннат намози ўқимоғи ихтиёр қилинган. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак ва Исҳоқнинг қавли шу. Баъзи илм аҳллари эса, «Кечки ва кундузги намозлар икки-икки рақъатдандир», дейди. Хар икки рақъатни бир-биридан ажратмоқ лозим, деган фикрга эга бўлганлар. Шофиъий ва Аҳмаднинг қавли шу.

314-БОБ

МАВЗУ: ПЕШИН НАМОЗИНИНГ ИККИ РАКЪАТЛИК КЕЙИНГИ СУННАТИ

٤٢١ — حدثنا أحمد بن ميمون أخبرنا إسماعيل بن إبراهيم عن أبيه عن نافع عن ابن عمر قال: صليت مع النبي صلى الله عليه وسلم ركعتين قبل الظهر وركعتين بعدها .

421. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга пешиннинг фарзидан олдин икки рақъат ва (фарзидан) кейин икки рақъат намоз ўқидим».*

Бу бобда Али ва Оиша (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган. Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

315-БОБ

МАВЗУ: ЎТГАН МАВЗУ

٤٢٢ — حدثنا عبد الوارث بن عبيد الله القتيبي الرزقي أخبرنا عبد الله بن المبارك عن خالد الخذاء عن عبد الله بن شقيق عن عائشة أن النبي صلى الله عليه وسلم كان إذا لم يصل أربعاً قبل الظهر صلاهن بعدها .

422. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозининг фарзидан олдин тўрт рақъат намозни ўқий олмай қолсалар, бу тўрт рақъатни фарздан кейин ўқир эдилар».*

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Буни фақатгина Ибнул-Муборакнинг шу ваҳждан

қилган ривоятдан билаётирмиз. Қайс ибн Ар-Робий бу ҳадисни Шуъбадан, Холид Ал-Ҳаззоъдан боягига яқин тарзда ривоят қилган ва Қайс ибн Робийдан ташқари уни Шуъбадан ривоят қилган бошқа бирор кишини билмаймиз. Абдурахмон ибн Лайлодан, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан шунга яқин бир ҳадис ривоят қилинган.

٤٢٣ — حدثنا علي بن حبرٍ أخبرنا يزيد بن هارون عن محمد بن عبد الله الثَّانِي عن أبيه عن عتبة بن أبي سفیان عن أم حبيبة قالت : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم « من صلى قبل الظهر أربعاً حرَّمتُ اللهُ على النارِ » .

423. Умму Ҳабиба (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки пешиннинг фарзидан олдин тўрт ракъат намоз ўқиса, Аллоҳ уни жаҳаннам олови учун харом қилгайдир».

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

٤٢٤ — حدثنا أبو بكر محمد بن إسحاق البغدادي حدثنا عبد الله بن يوسف النيسابوري حدثنا المهدي بن حميد قال أخبرني العلاء بن الحارث عن القاسم أبي عبد الرحمن عن عتبة بن أبي سفیان قال : سمعتُ أختي أم حبيبة زوج النبي صلى الله عليه وسلم تقولُ سمعتُ رسولَ الله صلى الله عليه وسلم يقولُ « من حافظ على أربع ركعاتٍ قبل الظهر وأربعٍ بعدها حرَّمتُ اللهُ على النارِ » .

424. Анбаса ибн Суфёндан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш эгачим Умму Ҳабибадан эшитдим, «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деганларини эшитдим, деди: «Кимки пешиннинг фарзидан олдин тўрт ракъат ва фарзидан кейин тўрт

ракъат намозда бардавом бўлса, Аллох уни жаҳаннам олови учун ҳаром қилгайдир».

Бу ҳадис ушбу ваҳдан ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Ал-Қосим - Абдурраҳмоннинг ўғли. Куняси - Абу Абдурраҳмон. Ўзи Абдурраҳмон ибн Холид ибн Язид ибн Муовиянинг мавлоси (озод этилган қули)дир. Шомлик бўлиб, сиқа (ишончли)дир. У Абу Умоманинг биродари бўлади.

316-БОБ

МАВЗУ: АСРНИНГ ФАРЗИДАН АВВАЛГИ ТҮРТ РАКЪАТ НАМОЗ

٤٢٥ — حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ عَمْدُ بْنُ بَشِيرٍ أَخْبَرَنَا أَبُو عَامِرٍ أَخْبَرَنَا حَفِيَّانُ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ عَنْ عَامِرِ بْنِ حَنْزَلَةَ عَنْ عَلِيٍّ قَالَ : « كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصَلِّي قَبْلَ الْمَصْرِ أَرْبَعَ رَكَاتٍ يَفْضَلُ بَيْنَهُنَّ بِالتَّسْلِيمِ عَلَى الْمَلَائِكَةِ الْقَرِيبِينَ وَمَنْ تَبِعَهُمْ مِنَ السُّلَمِيِّينَ وَالزَّمَنِيِّينَ » .

425. Али (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам асрнинг фарзидан олдин тўрт рақъат намоз ўқир эдилар ва малоикаи муқаррабийинга (яқин тургувчи фаришталарга) ҳамда мусулмонлардан ва мўминлардан уларга тобеъ бўлганларга салом беришлик билан бу тўрт рақъатнинг орасини ажратар эдилар».

Бу бобда Ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Али (розияллоҳу анҳу)нинг ҳадиси ҳасан. Исҳоқ ибн Иброҳим шу ҳадисга таяниб, асрнинг фарзидан олдинги тўрт рақъат намоз бир салом билан ўқилмоғини ихтиёр

*Илова: Пешиннинг фарзидан кейинги икки рақъат суннатга яна икки рақъат кўшиб, тўрт рақъат қилиб ўқиш, Ҳанафий мазҳабидагилар учун мустаҳабдир (яъни ўқиганга савоб бор, ўқимаган кишига эса гуноҳ йўқ).

этган. «Орасини салом беришлик билан ажратар эдилар» дейилганда ташаххудни қасд этмоқда. Шофийий ва Аҳмаднинг фикри: «Кечки ва кундузги нафл намозлар – икки рақъат-икки рақъатдир».²¹² Шу сабабдан фаслни (икки салом билан ўқилмоғини) ихтиёр этадилар.

٤٢٦ — حدثنا يحيى بن موسى وأحمد بن إبراهيم وعمود بن غيلان وغير واحد قالوا أخبرنا أبو داود الطيالسي أخبرنا محمد بن مسلم بن مهران سمع جده عن ابن عمر عن النبي صلى الله عليه وسلم قال « رَجِمَ اللهُ امرأً صلى قبل العصر أربعاً » .

426. Ибн Умар (розияллоху анхумо)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Асрнинг фарзидан олдин тўрт рақъат намоз ўқиган кишини Аллоҳ раҳмат қилгай!»²¹³»

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

317-БОБ

МАВЗУ: ШОМНИНГ ФАРЗИДАН КЕЙИНГИ ИККИ РАҚЪАТ НАМОЗ ВА БУ ИККИ РАҚЪАТДАГИ ҚИРОАТ

٤٢٧ — حدثنا محمد بن التقي أخبرنا بذلك بن المحبر أخبرنا عبد الملك بن ممدان عن عاصم بن بهدلة عن أبي وائل عن عبد الله بن مسعود أنه قال : ما أحصى ما سمعت من رسول الله صلى الله عليه وسلم « يقرأ في الركعتين بعد المغرب وفي الركعتين قبل صلاة الفجر بقل يا أيها الكافرون وقل هو الله أحد »

427. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоху

²¹²Бу, Ибн Умардан (розияллоху анхумо) марфуъ тарзида ривоят қилинган бир ҳадисдир. Бу ҳадис Имом Бухорий ва Имом Муслимда бўлиб, унда «кундузги» деган қайд йўқ.

²¹³Бундаги «Роҳима» (раҳмат қилгай) ибораси дуо ёки хушхабар бўлиши эҳтимолдир.

Бу тўрт рақъат намоз Ҳанафийлар учун мустаҳаб амал.

алайҳи ва саллам шомнинг фарзидан кейинги икки ракъатда ва бомдод намозининг фарзидан олдинги икки ракъатда «Кул: йаа аййуал кафирун» билан «Кул: Хуваллоху аҳад»ни ўқиганларини неча марталаб эшитганман – ҳисобига ега олмайман».

Бу бобда Ибн Умар (розияллоху анхумо)дан ҳадис ривоят қилинган. Ибн Масъуднинг ҳадиси - Ибн Масъуднинг ривояти сифатида ғариб. Бу ҳадисни фақат Абдулмалик ибн Маъданнинг Осимдан қилган ривоятидан билаётирмиз.

318-БОБ

МАВЗУ: ШОМНИНГ ОХИРГИ СУННАТИ УЙДА ЎҚИЛМОҒИ

٤٢٨ — حدثنا أحمد بن منيع أخبرنا إسماعيل بن إبراهيم عن أبي ب عن نافع عن ابن عمر قال « صليت مع النبي صلى الله عليه وسلم ركعتين بعد المغرب في بيته » .

428. *Ибн Умар (розияллоху анхумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга шомнинг фарзидан кейин у кишининг уйларида икки ракъат намоз ўқидим».*

Бу бобда Рофиъ ибн Ходиж ва Каъб ибн Ужра (розияллоху анхумо)дан ҳадис ривоят қилинган. Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

٤٢٩ — حدثنا الحسن بن علي الحلواني أخبرنا عبد الرزاق أخبرنا ميمون عن أبي ب عن نافع عن ابن عمر قال : « حَفِظْتُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَشْرَ رَكَاتٍ كَانَ بِصَلِّيئِهَا بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ : رَكَعَتَيْنِ قَبْلَ الظُّهْرِ ، وَرَكَعَتَيْنِ بَعْدَهَا ، وَرَكَعَتَيْنِ بَعْدَ المغرب ، وَرَكَعَتَيْنِ بَعْدَ العِشَاءِ الآخِرَةِ قال وحدثني حفصة أنه كان يصلي قبل الفجر ركعتين » .

429. *Ибн Умар (розиаллоху анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам кечаси ва кундузи ўкиб борган ушбу ўн рақъат намозни (ҳамиша) сақладим: пешиннинг фарзидан олдин икки рақъат ва фарзидан кейин икки рақъат, шомнинг фарзидан кейин икки рақъат, хуфгоннинг фарзидан кейин икки рақъат. Ва ниҳоят, «Ҳафса (опам) менга: «У зот бомдоднинг фарзидан олдин икки рақъат намоз ўқир эдилар», деб ҳадис баён қилди».*

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

۴۳۰ — حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ سَالِمٍ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : مَثَلَهُ .

430. Ҳасан ибн Али бизга Абдураззоқдан, Маъмардан, Аз-Зухарийдан, Солимдан, Ибн Умардан, Набий саллаллоху алайҳи ва салламдан баён қилди... Ўтган ҳадиснинг ўзи.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

319-БОБ

**МАВЗУ: ШОМНИНГ ФАРЗИДАН КЕЙИН
ОЛТИ РАҚЪАТ НАФЛ НАМОЗИ
ЎҚИШНИНГ ФАЗИЛАТИ**

۴۳۱ — حَدَّثَنَا أَبُو كَرِيْبٍ يَحْيَى بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْعَلَاءِ الْمَدَائِنِيُّ الْكُوفِيُّ أَخْبَرَنَا زَيْدُ بْنُ الْحَبِيبِ أَخْبَرَنَا عَمْرُو بْنُ أَبِي خَنَسِرٍ عَنِ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ عَنِ أَبِي سَلَمَةَ عَنِ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « مِنْ صَلَّى بَعْدَ الْمَغْرِبِ سِتَّ رَكَعَاتٍ لَمْ يَكَلِّمْهُمُ فَمَا بَيْنَهُمْ بِسُوءِ عُدْلُنَّ لَهُ بِمَبَادِئِ عَشْرَةِ عَشْرَةَ سَنَةً . »

431. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки шом(нинг фарзи)дан кейин ёмон сўз гапирмасдан туриб, олти рақъат намоз ўқиса, бу олти рақъат унинг ўн икки йиллик ибодатига баробар бўлур».

Оиша (розияллоҳу анҳо) воситаси билан Пайгамбар саллalloҳу алайҳи ва салламдан бундай деб ривоят қилинган: «Кимки шом(нинг фарзи)дан кейин йигирма рақъат намоз ўқиса, Аллоҳ унга жаннатдан бир уй бино қилгайдир».

Абу Хурайранинг ҳадиси ғариб. Уни ёлғиз Зайд ибн Ал-Хубобнинг Умар ибн Абий Хосъамдан қилган ривоятидан билаётирмиз. Муҳаммад ибн Исмоил (Ал-Бухорий)дан эшитдим, айтдики, «Умар ибн Абдуллоҳ ибн Аби Хосъамнинг ривояти - мункар». Муҳаммад ибн Исмоил уни жуда заиф деб билаётир.

320-БОБ

МАВЗУ: ХУФТОН(НИНГ ФАРЗИ)ДАН КЕЙИН ИККИ РАҚЪАТ НАМОЗ

٤٣٢ — حدثنا أبو سَدةٍ عَمْرٍو بنُ خلفٍ أَخبرنا بِشَرِّ بنِ النُّفَعلِ
عَنْ خَلْفِ الحِذَاءِ عَنِ عبدِ اللهِ بنِ شقيقٍ قال: «سَأَلْتُ عائِشَةَ مِنْ صَلَاةِ
رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَصَالَتْ: «كَانَ بِمِصْرَ قَبْلَ الظُّهْرِ رَكَعَتَيْنِ
وَبَعْدَهَا رَكَعَتَيْنِ»

432. Абдуллоҳ ибн Шақиқдан ривоят қилинди; айтди: «Оиша (розияллоҳу анҳо)дан Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг намозлари ҳақида сўрадим; шунда айтдилар: «У зот, пешин(нинг фарзи)дан олдин икки рақъат ва фарзидан кейин икки рақъат, шом(нинг фарзи)дан кейин икки рақъат, хуфтон(нинг фарзи)дан кейин икки рақъат ҳамда бомдод(нинг фарзи)дан олдин икки рақъат намоз ўқир эдилар».

(Арабий матнда ҳадиснинг давоми тушиб қолган).

Бу бобда Али ва Ибн Умардан (розияллоху анхум) ҳадис ривоят қилинган. Абдуллоҳ ибн Шақиқ, Оиша (онамиз)дан ривоят қилган ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

321-БОБ

**МАВЗУ: ТУНГИ НАМОЗ (ТАҲАЖЖУД)
ИККИ-ИККИ РАҚЪАТДАН
ЎҚИЛМОҒИ**

٤٣٣ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ عَنْ نَافِعٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: «صَلَاةُ اللَّيْلِ مَثْقُ مَثْقُ فَإِذَا خَفَتِ الصُّبْحَ فَأَزْتَمِرْ بِرَأْسِكَ وَاجْمَلْ آخِرَ صَلَاتِكَ وَرَأً» .

433. Ибн Умар (розияллоху анхумо)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Тунги намоз икки-икки рақъатдандир. Тонг отиб қолишидан кўрқсанг, бир рақъат витр ўқиб, намозингнинг охирини витр (тоқ) қилгин».

Бу бобда Амр ибн Абаса (розияллоху анху)дан ҳадис ривоят қилинган. Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир: Тунги намоз икки-икки рақъатдандир. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу.

322-БОБ

**МАВЗУ: ТУНГИ НАМОЗ (ТАҲАЖЖУД)НИНГ
ФАЗИЛАТИ**

٤٣٤ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا أَبُو حَوَاتِمَةَ عَنْ أَبِي يَسْرِينَ عَنِ جَعْفَرِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْجَنْدَرِيِّ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَفْضَلُ الصِّيَامِ بَعْدَ شَهْرِ رَمَضَانَ شَهْرُ اللَّهِ الْحَرَامِ وَأَفْضَلُ الصَّلَاةِ بَعْدَ الْفَرِيضَةِ صَلَاةُ اللَّيْلِ» .

434. Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва сал-

лам бундай дедилар: «Рамазон ойдан кейинги рўзанинг энг афзали - Аллоҳнинг ойн бўлмиш Мухаррам (рўзаси)дир ва фарздан кейинги намознинг энг афзали - тунги (таҳажжуд) намоздир».

Бу бобда Жобир, Билол ва Абу Умома (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган. Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан.

Абу Бишрнинг исми – Жаъфар ибн Иёс. Жаъфар ибн Ваҳшия ҳам ўшадир.

323-БОБ

МАВЗУ: ПАЙҒАМБАР САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ ТУНГИ (ТАҲАЖЖУД) НАМОЗЛАРИ ТАВСИФИ

٤٣٥ — حدثنا إسحاق بن موسى الأنصاري أخبرنا عن أخينا مالك عن سعيد بن أبي سعيد المقبري عن أبي سلمة أنه أخبره أنه سأل عائشة : كيف كانت صلاة رسول الله صلى الله عليه وسلم في رمضان قالت : « ما كان رسول الله صلى الله عليه وسلم يزيد في رمضان ولا في غيره على إحدى عشرة ركعة يصلي أربعا فلا تسأل عن حسنين وطولهن ثم يصلي أربعا فلا تسأل عن حسنين وطولهن ثم يصلي ثلاثا . فقالت عائشة : قلت يا رسول الله أتنام قبل أن توتر ؟ قال : يا عائشة إن هبني تنامان ولا بنام قلبى »

435. Абу Саламадан ривоят қилинди; у Оиша (розияллоху анҳо)дан: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг Рамазон кечаларидаги намозлари қандай эди?» деб сўради. Шунда (Оиша онамиз) айтдилар: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам на Рамазонда ва на бошқа ойларда ўн бир рақъатдан оширмас эдилар. Аввал тўрт рақъат ўқир эдиларки, унинг чиройлилигини ва узунлигини асти сўрама! Кейин яна

тўрт ракъат ўқир эдиларки, унинг ҳам чиройлилигини ва узунлигини асти сўрама! Кейин уч ракъат ўқир эдилар». *Оиша (онамиз) айтдиларки, «Бир куни: «Ё Расулуллоҳ! Витрни ўқимасдан олдин ухлайсизми?»²¹⁴ дедим. Шунда (Расули Акрам): «Ё Оиша! Кўзларим ухлайди-ю, қалбим ухламайди!»*деб жавоб қилдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٤٣٦ — حدثنا إسحاقُ بن موسى الأنصاريُّ أخبرنا معنُ بن عيسى أخبرنا مالكٌ عن ابن شهابٍ عن عروةَ عن عائشةَ « أن رسولَ الله صلى الله عليه وسلم كان يصل من الليل إحدى عشرةَ ركعةً يوترُ منها بواحدةٍ ، فإذا فرغَ منها اضطجعَ على شِقِّ الأيمنِ .

436. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўн бир ракъат намоз ўқир эдилар ва булардан биттасини витр (тоқ) қилар эдилар. Намоздан фориғ бўлгач, ўнг томонларига ёнбошлаб ётар эдилар».*

٤٣٧ — حدثنا قتيبةٌ عن مالكٍ عن ابن شهابٍ نحوه .

437. Кутайба – Моликдан, Ибн Шихобдан нақл этиб бизга ҳадис баён қилди: ўтган ҳадиснинг ўзи.
Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

324-БОБ

МАВЗУ: ЎТГАН МАВЗУ

٤٣٨ — حدثنا أبو كريبٍ أخبرنا وكيعٌ عن شعبةٍ عن أبي بكرةٍ عن ابن عباس قال : « كان رسولُ الله صلى الله عليه وسلم يصل من الليل ثلاثَ عشرةَ ركعةً .

²¹⁴«Чиройлилиги ва узунлигини асти сўрама!» дейишларидан бу ракъатларни гоёқ чиройли ва узун ўқиганларини таъкидламоқчи бўлганлар.

438. Ибн Аббос (розияллоху анхумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам кечалари ўн уч ракъат намоз ўқир эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

325-БОБ

МАВЗУ: ЎТГАН МАВЗУ

٤٣٩ — حدثنا هنادٌ أخبرنا أبو الأحوص عن الأعمش عن إبراهيم عن الأسود عن عائشة قالت: «كان النبي صلى الله عليه وسلم يصلُّ من الليل تسع ركعات.»

439. Оиша (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам кечалари тўққиз ракъат намоз ўқир эдилар».

Бу бобда Абу Хурайра, Зайд ибн Холид ва Ал-Фазл ибн Аббос (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган. Оиша (онамиз)нинг ҳадиси бу ваҳждан ғариб.

٤٤٠ — ورواه سفيان الثوري عن الأعمش: نحو هذا، حدثنا بذلك

محمود بن غيلان حدثنا يحيى بن آدم عن سفيان عن الأعمش.

440. Суфён Ас-Саврий бу ҳадисни Ал-Аъмашдан уйқаш тарзда ривоят қилган. Маҳмуд ибн Ғайлон, бу ҳадисни бизга Яҳё ибн Одамдан, Суфёндан, Ал-Аъмашдан нақл этиб, баён қилди.

Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг тунги намозлари ҳақидаги ривоятларнинг кўпи - витр билан бирга ўн уч ракъат ва у кишининг тўнги намозларининг энг оз деб тавсиф этилган миқдори тўққиз ракъатдир.

٤٤١ — حدثنا قتيبة أخبرنا أبو عوانة عن قتادة عن زرارة بن أوفى عن سعد بن هشام عن عائشة قالت: «كان النبي صلى الله عليه وسلم إذا لم يصل من الليل منعه من ذلك النوم أو غلبته عيناه صلى من النهار ثلث عشرة ركعة.»

441. Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзан кўзларига уйқу ғалаба қилиб ёки ухлаб қолиб тунги (таҳажжуд) намозларини ўқиёлмай қолсалар, кундузги чошгоҳ вақтида ўн икки рақъат ўқир эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

(Илова: «Бу таҳажжуд қазоси ўз-ўзларига фарз бўлганлигидандир. Ё умматга таълим бермак учун бўлур». (Ат-Термизий, «Шамойили Муҳаммадия» китоби, Саййид Маҳмуд Торозий изоҳи – (Таржимон – М.К.)

٤٤٢ — حدثنا عباس بن عبد العظيم المنبري أخبرنا عتاب بن المنذر عن بهز بن حكيم قال كان زُرارة بن أوفى قاضي البصرة فكان يومئذ يفتي فقرا يوما في صلاة الصبح فإذا يُقر في التاقور فذلك يومئذ يوم عسير ﴿ خَرُّ مَيْتًا وَكُنْتُ فِيمَنْ احْتَمَلَهُ إِلَى دَارِهِ .

442. Баҳз ибн Ҳакимдан ривоят қилинди; айтди: «Зурора ибн Авфа Басра қозиси бўлиб, Бани Кушайр қавмига имомлик қилиб намоз ўқиб берар эди. Бир куни бомдод намозида: «Қачон (Қиёмат хабарини бериб) бурғу чалннганида, ана ўша Кун қийин Кундир»²¹⁵ оятини ўқиши билан ўлган ҳолда ерга қулаб тушди. У кишини(нг жасадини) уйига кўтариб борганлар орасида мен бор эдим».

Саъд ибн Хишом – Омир Ал-Ансорийнинг ўғли. Хишом ибн Омир эса Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидандир.

²¹⁵ «Ал-мудассир» сураси, 8-9оятлар.

326-БОБ

**МАВЗУ: ИСМИ УЛУҒ ВА ШОНИ ЮКСАК
АЛЛОҒНИНГ ҲАР КЕЧА ДУНЁ
ОСМОНИГА «ТУШМОҒИ»**

٤٤٣ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا يَحْيَى بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الإسْكَدَرَانِيُّ
عَنْ سَهْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي عُبَيْدٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « يَنْزِلُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا كُلَّ لَيْلَةٍ
حِينَ يَمْضِي ثَلَاثُ اللَّيْلِ الْأَوَّلِ ، فَيَقُولُ : أَنَا الْمَلِكُ مِنْ ذَا الَّذِي يَدْعُونِي
فَأَسْتَجِيبُ لَهُ مِنْ ذَا الَّذِي يَسْأَلُنِي فَأَعْطِيهِ ، مِنْ ذَا الَّذِي يَسْتَمْتِرُنِي
فَأَغْفِرُ لَهُ ، فَلَا يَزَالُ كَذَلِكَ حَقَّ بَعْضُ الْفَجْرِ . »

443. *Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таборак ва таъало ҳар кеча – туннинг илк учдан бир қисми келганида дунё осмонига тушади ва бундай дейди: «Мен Маликдурман (мулк соҳибидурман)! Кимки Менга дуо қилса, уни ижобат этгайдурман; кимки Мендан сўраса, унга ато этгайдурман; кимки Менга истиғфор айтса, уни мағфират қилгайдурман!» Ва токи тонг отгунича шундоқ давом этар»²¹⁶.*

²¹⁶ «*ينزل*» («Тушади») сўзининг маъноси масаласида ихтилоф қилинди. Айримлар бу сўзни зоҳир маъносига қараб, оддий тушиш деб қабул қилдилар. Булар – Мушаббиха ёки Мужассима (антропоморфизм) тоифасидирки, Аллоҳ таоло уларнинг даъвосидан муназаҳдир. Айримлар эса бу ўртада ворид бўлган ҳадислар саҳиҳ эмас, деб иддао этадиган даражада ҳаддан ошганлар. Булар Хавориж ва Муътазилла фирқаларидир. Баъзилар бу ҳадисни таъвил қилганлар. Баъзилари эса Аллоҳу таолони ташбиҳ (ўхшатиш) ва кайфиятдан муназаҳ қилиб (поклаб) «нузул»га ҳадисда ворид бўлгани тарзда иймон келтирдилар. Салафи солиҳийн йўли мана шудвр. Ал-Байҳақий тўртта имомнинг; икки Ҳаммад, икки Суфён, Ал-Авзойи, Ал-Лайс ва яна бошқаларнинг йўли шу эканини айтади. Шунинг ҳам таъкидламоқ керакки, агар «тушмоқ» дегани ҳаракат

Бу бобда Али ибн Абу Толиб, Абу Саъид, Рифоъа Ал-Жуханий, Жубайр ибн Мутъим, Ибн Масъуд, Абуд-Дардо ва Усмон ибн Абил-Аббос (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган. Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Бу ҳадис мутаъддид ваҳжлардан Абу Хурайра орқали Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламдан шундоқ ривоят қилинган: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таборак ва таоло ҳар кеча, туннинг илк учдан бир қисми келганида дунё осмонига «тушгай»дир».

Ривоятларнинг энг саҳиҳи шу.

327-БОБ

МАВЗУ: КЕЧАСИ ҚИРОАТ ҚИЛМОҚ

٤٤٤ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ أَخْبَرَنَا بِحَبِيْبِ بْنِ إِسْحَاقَ أَخْبَرَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ عَنْ ثَابِتِ بْنِ أَنَسٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ رِبَاعِ الْأَنْصَارِيِّ عَنْ أَبِي قَتَادَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَأَبِي بَكْرٍ «مَرَرْتُ بِكَ وَأَنْتَ تَقْرَأُ وَأَنْتَ تَخْفِضُ مِنْ صَوْتِكَ قَوْلًا : إِيَّيَّ أَتَمَّحْتُ مِنْ نَاجِيَةٍ ، قَالَ : ارْفَعْ قَلِيلًا . وَقَالَ لِمَنْ مَرَرْتُ بِكَ وَأَنْتَ تَقْرَأُ وَأَنْتَ تَرْفَعُ صَوْتَكَ ، قَالَ : إِيَّيَّ أَوْقَطُ الْوَسْطَانَ وَأَطْرُدُ الشَّيْطَانَ ، قَالَ : اخْفِضْ قَلِيلًا .»

444. Абу Қатода (розияллоху анху)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам Абу Бакр (розияллоху анху)га: «Сизни кузатдимки, овозингизни паст чиқариб қироат қилурсиз», дедилар.

билан ва бир ҳолдан бошқа бир ҳолга кўчиш йўли билан бўлса, (яъни шундай деб тушунилса), буни Аллоҳу таоло ҳақида айтиш мумкин эмас. Шу эътибор билан ҳадисда келган «нузул», яъни тушмоқ сифатига ташбихсиз ва кайфиятсиз тарзда ишонмоғимиз лозим. Ул зот Ўзига хос бир тушиш билан «тушгайдир», биз инсонлар, махлуқлар сингари ҳаракат билан ёки бир ҳолдан бошқа ҳолга кўчиш йўли билан эмас. Аллоҳу аъламу бимуродиҳи...

(Ҳазрати) Абу Бакр: «Мен муножот қилурман Ул зотгаки, Ул зот овозимни эшитгай», дедилар. Шунда Расули Акрам: «Сиз овозингизни андак баландрок кўтаринг», дедилар. Ва Умар (розияллоху анху)га айтдилар: «Сизни кўрдимки, овозингизни баланд кўйиб қироат қилурсиз». Шунда (Ҳазрати) Умар: «Албатта, мен ухлаганларни уйғотурман ва шайтонни хайдарман!» дедилар. (Набий саллаллоху алайҳи ва саллам у кишига): «Сиз андак охиста ўқинг», дедилар.

Бу бобда Оиша, Умму Хониъ, Анас, Умму Салама ва Ибн Аббос (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинди.

٤٤٥ — حَدَّثَنَا قَتِيبَةُ أَخْبَرَنَا الْإِثْبُتِيُّ عَنْ مَعَاوِيَةَ بْنِ صَالِحٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي قَيْسٍ قَالَ: «سَأَلْتُ عَائِشَةَ كَيْفَ كَانَ قِرَاءَةُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِاللَّيْلِ أَكَانَ يُسِرُّ بِالْقِرَاءَةِ أَمْ يَجْهَرُ؟ فَقَالَتْ: كُلُّ ذَلِكَ فَكَانَ يَهْوِلُ رُبَّمَا أَسْرًا بِالْقِرَاءَةِ وَرُبَّمَا جَهْرًا فَقُلْتُ: الْحَدِيثُ الَّذِي جَعَلَ فِي الْأَمْرِ سَمَةً» .

445. Абдуллоҳ ибн Қайсдан ривоят қилинди; айтди: «Оиша (розияллоху анҳо)дан «Набий саллаллоху алайҳи ва салламнинг тунги қироатлари қандай эди? Махфий (ичда) ўқирмидилар ёки жаҳрий (овоз чиқариб) ўқирмидилар?» деб сўрадим. Оиша (онамиз) айтдиларки, «Ҳар иккаласини ҳам қилар эдилар: баъзан махфий қироат қилсалар, баъзан ошкор қироат қилардилар»... Шунда мен: «Иш(имиз)да кенгчилик қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин!» дедим.

Бу ҳадис саҳиҳ-ғариб.

Абу Катоданинг ҳадиси эса ғариб. Уни ёлғиз Яҳё ибн Исҳоқ, Ҳаммод ибн Саламадан муснад тарзида ривоят қилган. Муҳаддисларнинг кўпчилиги бу ҳадисни Собитдан, Абдуллоҳ ибн Рабоҳдан мурсал тарзида ривоят қиладилар.

٤٤٦ — حدثنا أبو بكر محمد بن نافع البصري أخبرنا عبد الصمد ابن عبد الوارث عن إسماعيل بن مسلم الهدي عن أبي التوكل الناجي من مائة قالت: «قام النبي صلى الله عليه وسلم بآية من القرآن ليلة» .

446. *Ошиа (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам Қуръондан бир оят (ўқишлик) билан бир кечани бедор ўтказдилар».²¹⁷

Бу ҳадис ушбу ваҳдан ғариб.

328-БОБ

МАВЗУ: УЙДА НАФЛ НАМОЗИ

ЎҚИМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ

٤٤٧ — حدثنا محمد بن بشر أخبرنا محمد بن جعفر أخبرنا عبد الله ابن سعيد بن أبي هند عن سلم أبي النصر عن يسر بن سعيد عن زيد ابن ثابت عن النبي صلى الله عليه وسلم قال «أفضل صلواتكم في بيوتكم إلا المكتوبة» .

447. *Зайд ибн Собит (розияллоху анҳумо)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам*

²¹⁷Бу оят қайси оят эканлиги ҳадисда айтилмаган. Фақат Ан-Насоий ва Ибн Мажнининг Абу Зарр (розияллоху анҳу)дан ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бир кечани тонгга қадар бир оят билан ўтказдилар, бу

« إن تعذبهم فإنهم عبادك وإن تغفر لهم فإنك أنت العزيز الحكيم »

оят: «Уларга азоб қиладиган бўлсанг, улар Сенинг бандаларингдирлар ва уларни мағфират қилсанг, албатта, Сен Азиз ва Хакимсан – ғолиб, қудратли ва ҳикматли зотсан!» Яъни Сенинг феълингга ва ишингга ҳеч қандай куч-қувват даҳл қила олмас; бандаларинг устида мулқ тасарруф соҳиби Ўзингсан!..

айтдилар: «Фарздан ташқари энг афзал намозингиз – уйларингизда (ўқиган намозингиз)дир».

Бу бобда Умар ибн Ал-Хаттоб, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абу Саъид, Абу Хурайра, Ибн Умар, Оиша, Абдуллоҳ ибн Саъд ва Зайд ибн Холид Ал-Жуханий (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Зайд ибн Собитнинг ҳадиси ҳасан. Бу ҳадиснинг ривояти (масаласи)да ихтилоф қилдилар. Мусо Ибн Уқба ва Иброҳим ибн Абин-Назр уни марфуъ тарзида, баъзилари эса мавкуф тарзида ривоят қилганлар. Молик бу ҳадисни Абун-Назрдан ривоят қилган ва Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга(ча) юксалтирмаган. Марфуъ ривоят янада саҳиҳроқ.

٤٤٨ — حدثنا إسحاقُ بن منصورٍ أخبرنا عبدُ الله بن عمرو عن عبيدِ الله بن عمرَ عن نافعٍ عن ابنِ عمرَ عن النبيِّ صلى اللهُ عليه وسلم قالَ: « صلوا في بُيوتِكُمْ ولا تُتخذوها قُبوراً » .

448. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Уйларингизда намоз ўқиб турунгизлар, уйларингизни қабристонга айлангириб қўймангизлар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

НАМОЗ БОБЛАРИ ТУГАДИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ВИТР БОБЛАРИ

329-БОБ

МАВЗУ: ВИТР НАМОЗИНИНГ ФАЗИЛАТИ

٤٤٩ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ حَدَّثَنَا اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي حَبِيبٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ رَاشِدِ بْنِ الزُّوْفِيِّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي مَرَّةَ الزُّوْفِيِّ عَنْ خَارِجَةَ ابْنِ حُذَافَةَ أَنَّهُ قَالَ : « خَرَجَ عَلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ إِنَّ اللَّهَ أَمَدَكُمْ بِصَلَاتِهِ مِنْ خَيْرٍ لَكُمْ مِنْ شَجَرِ النَّخْلِ ، الْوَيْتْرِ جَمَلُهُ اللَّهُ لَكُمْ فِيمَا بَيْنَ صَلَاةِ الْعِشَاءِ إِلَى أَنْ يَطْلُعَ الْفَجْرُ .

449. Хорижа ибн Хузофа (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бизга (масжидга) чиқдилар-да, бундай дедилар: «Аллоҳ сизларга кўшимча қилиб бир намоз бердики, бу намоз сизлар учун қизил туялардан ҳам кўра хайрлироқдир; (бу) витр намозидир. Аллоҳ витрни сизлар учун хуфтон билан бомдод намози ўртасида (тайин) қилди».

Бу бобда Абу Хурайра, Абдуллоҳ ибн Амр, Бурайда ва Набий саллаллоху алайҳи ва салламнинг биродари Абу Басра Ал-Ғифорий (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинди.

Хорижа ибн Хузофанинг ҳадиси ғариб. Уни ёлғиз Язид ибн Аби Ҳабибанинг ривоятидан билаётирмиз. Баъзи муҳаддислар бу ҳадисда ваҳмга берилиб, «Абдуллоҳ ибн Рошид Аз-Зурақий» дейишган, ҳолбуки бу – янглиш.

330-БОБ

МАВЗУ: ВИТР НАМОЗИНИНГ ҲУКМИ

٤٥٠ — حَدَّثَنَا أَبُو شَرِيْبٍ أَخْبَرَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ عِيَّاشٍ أَخْبَرَنَا
 أَبُو إِسْحَاقَ عَنْ عَاصِمِ بْنِ ضَمْرَةَ عَنْ عَلِيٍّ قَالَ : الْوِتْرُ لَيْسَ بِحَتْمٍ كَهَاتَمِ
 الْمَكْتُوبَةِ ، وَلَكِنْ مِنْ رَسُوْلِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « إِنَّ اللَّهَ وَرِثَ
 يَحِبُّ الْوِتْرَ فَأَوْتِرُوا يَا أَهْلَ الْقُرْآنِ » .

450. Али (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;
 айтдилар: «Витр - фарз намозларингиз даражасида
 эмас. Ва лекин Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва сал-
 лам уни суннат қилиб, айтдиларки, «Албатта, Аллоҳ
 тоқдур, тоқни севгай! Эй аҳли Қуръон, сизлар ҳам тоқ
 (витр) қилингизлар!»

Бу бобда Ибн Умар, Ибн Масъуд ва Ибн Аббос
 (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди. Алининг
 ҳадиси ҳасан.

٤٥١ — وَرَوَى سَفِيَانُ التَّوْرِيُّ وَغَيْرُهُ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ عَنْ عَاصِمِ بْنِ
 ضَمْرَةَ عَنْ عَلِيٍّ قَالَ : « الْوِتْرُ لَيْسَ بِحَتْمٍ كَهَاتَمِ الْمَكْتُوبَةِ ، وَلَكِنْ
 سُنَّةٌ سَنَّهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ » .

451. Али (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;
 айтдилар: «Витр - фарз намози даржасида эмас ва ле-
 кин Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вожиб
 мартабасида тайин қилган бир суннатдир».

Бундор бу (ҳадис)ни бизга Абдурахмон ибн
 Маҳдий орқали Суфъндан баён қилиб берди.

Бу ҳадис Абу Бакр ибн Айяшнинг ҳадисидан
 кўра саҳихроқ. Бу ҳадисни Мансур ибн Ал-Муътамир
 ҳам Абу Исҳоқдан ривоят қилди: худди Абу Бакр ибн
 Айяшнинг ривоятига ўхшаш.

(Илова: Ҳанафий уламолари қатор далилларга
 таяниб, витрни вожиб деб ҳукм қилдилар. Бинобарин,
 Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ мазҳабларида витр-

ни вожиб деб эътиқод қилмоқ ва ният қилганда ҳам «Витри вожибни» деб ният қилмоқ жоиздир).

331-БОБ

МАВЗУ: ВИТРНИ ЎҚИМАСДАН УХЛАМОҚ КАРОХАТ ЭКАНЛИГИ

٤٥٢ — حدثنا أبو كريبٍ أخبرنا زكريا بن أبي زائدة عن إسرائيل عن عيسى بن أبي عزة عن الشعبي عن أبي نوري الأزدي عن أبي هريرة قال : « أمرني رسول الله صلى الله عليه وسلم أن أوتر قبل أن أت . »

452. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга ухлмасдан олдин витрни ўқимокни буюрдилар».

Исо ибн Аби Азза айтади: «Аш-Шабъий - кечанинг аввалида (биринчи қисмида) витрни ўқир, кейин ухлар эди».

Абу Хурайранинг ҳадиси бу важдан ҳасан-ғариб.

Абу Савр Ал-Аздийнинг исми - Ҳабиб ибн Аби Мулайқа.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари, киши витрни ўқимасдан, ётиб ухлмаслиги керак деб ихтиёр қилганлар.

٤٥٣ — ورؤي عن النبي صلى الله عليه وسلم أنه قال : « من خشى منكم أن لا يستيقظ من آخر الليل فليوتر من أوله ، ومن طمّس يكم أن يقوم من آخر الليل ، فإن قراءة القرآن في آخر الليل محضورة وهي أفضل . »

453. Яна Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинди; айтдилар: «Сизлардан кимки кечанинг охирида уйғона олмасликдан кўрқса, кеча-

нинг аввалида (биринчи қисмида) витрни ўқиб олсин. Ва сизлардан кимки кечанинг охирида уйғонишга кўзи етса, витрни кечанинг охирида ўқисин. Чунки кечанинг охирида Қуръон қироат қилинганида раҳмат фаришталари ҳозир бўлгайдир ва бу афзалроқдир».

Бу (ҳадис)ни бизга Ханнод – Абу Муовиядан, Ал-Аъмашдан, Абу Суфъндан, Жобирдан (розияллоху анхум), Набий саллаллоху алайҳи ва салламдан баён қилиб берди.

332-БОБ

МАВЗУ: ВИТР КЕЧАНИНГ АВВАЛИДА ҲАМ, ОХИРИДА ҲАМ ЎҚИЛМОҒИ БАЁНИ

٤٥٤ — حدثنا أحمد بن منيع أخبرنا أبو بكر بن عياش أخبرنا أبو حصين عن يحيى بن وثاب عن مسروق أنه سأل عائشة عن وتر النبي صلى الله عليه وسلم. فقالت: من كل الليل قد أوتر أوله وأوسطه وآخره، فأتى وتره حين مات في وجه الشجر.

454. *Масруқдан ривоят қилинди. У (Масруқ) Оиша (розияллоху анҳо)дан Набий саллаллоху алайҳи ва салламнинг витр намозлари ҳақида сўради. (Оиша онамиз) айтдилар: « Ул зот кечанинг барча қисмларида витрни ўқийверар эдилар: аввалида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам. Вафотлари арафасида у кишининг витри саҳар остонасида ниҳоя топди».*²¹⁸

Абу Ҳасийннинг исми - Усмон ибн Осим Ал-Асадий.

Бу бобда Али, Жобир, Абу Масъуд Ал-Ансорий ва Абу Қатода (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят

²¹⁸Бу ҳадис Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва саллам сўнгги кунларида витр намозини (таҳажжуддан кейин) саҳар вақтида ўқий бошлаганларига далолат этади. Чунончи, витрни кечанинг ҳамма вақтида ўқиш жоиз, деган ҳукми билдиради. Фақат вақти кирган бўлиши шарт билан. Витрнинг вақти эса шафақ ғойиб бўлганидан кейин хуфтон намозининг орқасидан киради.

қилинган.

Оиша (онамиз)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳллари шуни – витрни кечанинг охирида ўқимокни ихтиёр қилганлар.

333-БОБ

МАВЗУ: ЕТТИ РАКЪАТ ВИТР НАМОЗИ

٤٥٥ — حدثنا هنادٌ أخبرنا أبو معاويةَ عن الأعمشِ عن عمرو بن مَرْة عن يحيى بنِ الجزارِ عن أمِّ سَلَمَةَ قالت : « كان النبيُّ صلى الله عليه وسلم يوترُ بثلاثِ عشرةَ قلماً كبيرَ وضُفِّ أوترَ بسبعٍ »

455. Умму Салама (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам витрни ўн уч рақъат ўқир эдилар. Ёшлари улуглашиб, қувватлари тортилгач, етти рақъат ўқидилар».

Бу бобда Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ҳадис ривоят қилинди. Умму Саламанинг ҳадиси ҳасан. Витр намози Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўн уч, ўн бир, тўққиз, етти, беш, уч ва бир рақъат деб ривоят қилинган. Исҳоқ ибн Иброҳим: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам витрни ўн уч рақъат ўқиганларининг маъноси шуки, у киши кечаси витр билан биргаликда ўн уч рақъат (таҳажжуд) намозини ўқир эдилар. Ва шу боисдан тунги (таҳажжуд) намозлари витрга изофа қилинди» дейди ва бу хусусда Оиша (розияллоҳу анҳо)дан бир ҳадис ривоят қилади. Исҳоқ, Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган: «Эй аҳли Куръон! Сизлар ҳам тоқ (витр) ўқингизлар» деган ҳадис билан истидлол қилиб, бундай дейди: «Бу билан қиёми лайл (тунги ибодат) қасд этилган. Ва қиёми лайл фақат ҳамалаи Куръонга (яъни Куръонни ёд билувчига) вазифа эканини баён этаётир».

334-БОБ

МАВЗУ: БЕШ РАКЪАТ ВИТР НАМОЗИМ

٤٥٦م — حدثنا إسحاق بن منصور أخبرنا عبد الله بن نمير أخبرنا هشام بن عروة عن أبيه عن عائشة قالت: «كانت صلاة رسول الله صلى الله عليه وسلم من الليل ثلاث عشرة ركعة يُوترُ من ذلك بخمس لا يجلسُ في شيءٍ منهنَّ إلا في آخرهنَّ، فإذا أذن المؤذنُ قامَ فصلَّى ركعتينِ خفيفتين.»

456. Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тунги намозлари ўн уч рақъат эди. Шундан беш рақъатини витр қилар эдилар. Аммо бу беш рақъатнинг фақат охирида ўтирар эдилар. Вақтики, муаззин азон айтиб қолса, ўринларидан туриб, икки рақъат енгил намоз ўқир эдилар».

Оиша (онамиз)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Бу бобда Абу Аййуб (розияллоҳу анҳудан) ҳадис ривоят қилинган. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари витрни беш рақъат деб исботлайдилар. Бу беш рақъатнинг фақат охирида ўтиради, дейдилар.

335-БОБ

МАВЗУ: УЧ РАКЪАТ ВИТР НАМОЗИ

٤٥٧م — حدثنا هنادٌ أخبرنا أبو بكر بن عمار عن أبي إسحاق عن الحارث عن علي قال: «كان رسول الله صلى الله عليه وسلم يُوترُ بثلاث يقرأ فيهنَّ تسع سورٍ من الفصّل؛ يقرأ في كلِّ ركعةٍ بثلاث سورٍ، آخرهنَّ (قل هو الله أحد)».

457. Али (розияллоҳу анҳудан) ривоят қилинди; айтдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам витрни уч рақъат ўқир эдилар ва бу рақъатларда

тўққизта сура ўқир, ҳар рақъатда учта сура ўқиб, охирида «Кул: Хуваллоҳу аҳад»ни ўқир эдилар».

Бу бобда Имрон Ибн Хусайн, Оиша, Ибн Аббос, Абу Аййуб ва Абдурраҳмон ибн Абзо воситасида Убай ибн Каъб (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Абдурраҳмон ибн Абзонинг ўзи орқали ҳам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис ривоят қилинган. Баъзи муҳаддислар ана шу тарзда (Абдурраҳмоннинг ўзидан) ривоят қиладилар ва Убай Ибн Каъбни зикр этмайдилар. Баъзилари эса «Абдурраҳмон ибн Абзодан, Убай ибн Каъбдан», дейди.

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари шу ҳадисни эгаллаб, киши витрни уч рақъат ўқийди, деган фикрга келдилар.

Суфён айтади: «Витрни хоҳласанг беш рақъат ўқийсан, хоҳласанг уч рақъат, хоҳласанг бир рақъат». Шундан сўнг бундай дейди: «Мен эса уч рақъат ўқилмоғини маъқул кўраман». Ибнул-Муборакнинг ва Куфа аҳлининг қавли ҳам шудир.²¹⁹

٤٥٨ — حدثنا سعيد بن يقوب الطالقاني أخيراً حدثنا حماد بن زيد عن هشام بن محمد بن سيرين قال: كانوا يؤترون بخمسة وثلاثين وبركة ويرون كل ذلك حسناً.

458. Саъид ибн Яқуб Ат-Толақоний, Ҳаммод ибн Зайддан, Ҳишомдан, Муҳаммад ибн Сийрийндан нақл этиб, бизга баён қилди; Муҳаммад ибн Сийрийн айтди: «Витрни беш рақъат, уч рақъат, бир рақъат ўқишар ва ҳаммасини яхши деб билишар эди»²²⁰

(Илова: «Витр намози буюрилишидан аввал

²¹⁹Абу Ҳанифа шу ҳадис билан (ва яна кўплаб бошқа ҳадислар билан) истидлол қилиб, витр намози уч рақъат эканлигини айтади. Ҳанафийлар фикрига кўра, витр – уч рақъатдан на кўп, на оз.

²²⁰Муҳаммад ибн Сийрийн бу сўздан саҳобаларни ва тобиъийни назарда туттади.

витрни бир ракъат, уч ракъат, беш ракъат, етти ракъат ўқир эдилар. Кейин витр намози нозил бўлди, яъни Жаброил алайҳиссалом келиб витрни хабар берди. Шундан сўнг Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уч ракъат билан кифоя қилмоқни буюрдилар». «Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди», 51-масала, 60-саҳифа. Таржимон).

336-БОБ

МАВЗУ: БИР РАҚЪАТ ВИТР НАМОЗИ

٤٦٩ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ سِيرِينَ قَالَ : سَأَلْتُ ابْنَ عَمَرَ فَقُلْتُ : أَطِيلُ فِي رَكْعَتِي الْفَجْرِ ؟ فَقَالَ : « كَأَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي مِنَ اللَّيْلِ مِثْنَى مِثْنَى ، وَيُوتِرُ بِرَكْعَةٍ ، وَكَانَ يُصَلِّي الرَّكْعَتَيْنِ وَالْأَذَانَ فِي أذُنِهِ » .

459. Анас ибн Сийрийндан ривоят қилинди; айтди: «Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан: «Бомдоднинг икки ракъат (суннат)ини узун ўқийинми?» – деб сўрадим. Шунда айтдики, «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда икки-икки ракъатдан намоз ўқир эдилар ва бир ракъат витр (тоқ) қилар эдилар. (Бомдоднинг) икки ракъат (суннат)ини азон қулоқларида бўлган ҳолда ўқир эдилар».²¹

Бу бобда Оиша, Жобир, Ал-Фазл Ибн Аббос, Абу Аййуб ва Ибн Аббос (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан баъзи илм аҳллариининг амали шу ҳадис асосидадир: Киши икки ракъат билан учинчи (тоқ) ракъатнинг орасини салом билан ажратиб, витрни тоқ ракъат тарзида ўқийди, деб ҳисоблайдилар.

²¹ «Азон қулоқларида бўлган ҳолда» иборасидан чиқадиган маъно шуки, бомдоднинг суннатини (азон қулоқларига етиши билан) қисқа ва енгил ўқир эдилар.

Молик, Шофиъий ва Исҳоқнинг қавли шудир. (458-ҳадис иловасига ва қуйидаги тўрт иловага қаранг).

(*Термизий китобига ёзилган мўътабар шарҳдан тўрт илова:

1-илова: Ҳазрати Оиша (розияллоҳу аяҳо) Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аби Қайс (розияллоҳу анҳу)нинг саволлари устида, Жаноби (Расули Акрам) саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кечқурундаги намозларини бу тариқа баён қилибдурлар: «Тўрт ракъат ва уч ракъат; олти ракъат ва уч ракъат; саккиз ракъат ва уч ракъат; ўн ракъат ва уч ракъат. Мана бу ривоятда охириги «уч ракъат» деган калимани тўрт бор алоҳида келтиришларидан маълум бўлурки, бу намознинг адади на зиёда, на кам бўлур. Шундоқ бўлмаган тақдирда Ҳазрати Оиша (розияллоҳу аяҳо) ҳар гал «уч ракъат» калимасини ифода қилмай, етти ракъат, тўққиз ракъат, ўн бир ракъат, ўн уч ракъат деб қўя қолар эди.

2-илова: Мулла Али Ал-Қорий раҳимаҳуллоҳ сўзларича, Ҳанафийларнинг далиллари шулдурки, витр намозининг уч ракъат ўқилишини жоиз ва мустаҳсин эканлигига саҳобаи ғизом (розияллоҳу анҳум) қарор қилгандурлар. Ва уч ракъатдан кам бўлишида баъзилари жоиз ва баъзилари ножоиз, деб ихтилоф қилгандурлар. Саҳобаларнинг иттифоқ қилган масалаларига амал қилмоқ зиёда матлубдир.

3-илова: Имоми Ҳасан Басрий (розияллоҳу анҳу)гаки, муҳаддисларнинг ниҳоятда буюкларидандурлар, дебдурлар: «Витр намозининг уч ракъатлигига бутун мусулмонлар иттифоқ қилгандурлар». Бу зотга бир киши дебдурки, «Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) уч ракъат витрнинг икки ракъатига салом бериб, қолган бир ракъатини алоҳида ўқир эдилар». Анга бу зот (яъни имоми Ҳасан Басрий): «Оталари Ҳазрати Умар уч ракъатни бир салом ила ўқир эдилар. Ва оталари ул кишидан олимроқ эрдилар», деб жавоб берибдурлар.

4-илова: Аҳодиси шарифада (ҳадисларда) танҳо бир ракъатлик намоз ўқиш манъ қилингандур. Ҳазрати

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан бир киши савол қилиб дедики, «Ҳазрати Саъид (розияллоҳу анҳу) витрни бир рақъат ўқирлар». Ҳазрати Абдуллоҳ дедилар: «Бир рақъатлик намоз бўлмас».

Бўлардан бошқа ҳам ҳанафийларда далиллар кўп. Ҳаммадан жомеъ ва муфрид бир китоб бу масала таҳқиқин устида ҳазрати мавлоно устози кабир, алломаи шаҳир, муҳаққақ ал-аҳноф, аъламул-ашроф Ас-Саййид Муҳаммад Юсуф Ал-Банурий Аллоҳу маждан ва иззан ҳазратларининг «Термизийи шариф»га қилгон шарҳларидан алоҳида қилиб, таъбъ ва нашр этган таълифларидур. (Ушбу шарҳлар Саййид Маҳмуд Торозий ҳазратларининг Имом Ат-Термизийнинг «Шамойили Муҳаммадия» китобига қилган изоҳотидан олинди. Таржимон).

337-БОБ

МАВЗУ: ВИТР (НАМОЗИ)ДАГИ ҚИРОАТ

٤٦٠ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ أَخْبَرَنَا شَرِيكَ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ عَنْ سَعِيدِ بْنِ جُبَيْرٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: «كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الْوَيْتِ بِسَمْعِ اسْمِ رَبِّكَ الْأَعْلَى، وَقُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ، وَقُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ فِي رَكْعَةٍ رَكْعَةً».

460. Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам витр намозида: «

«قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ» («Саббиҳисма Робикал-аъла», «Қул: йа аййухал кафирун» ва «Қул: Хуваллоҳу аҳад») сура-ларини рақъатма-рақъат ўқир эдилар».

Бу бобда Али, Оиша, Абдуррахмон ибн Абзoъ воситаси билан Убай Ибн Каъб (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Витрнинг учинчи рақъатида «Муъаввизатайн» – икки «Қул: аъу-

зу» (яъни «Ал-фалақ», «Ан-нос») билан «Ал-ихлос» сураларини ўқиганлар»и ривоят қилинди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳлларининг кўпчилиги «سُبْحَ اسْمِ رَبِّكَ الْأَعْلَى» («Саббиҳисма Робикал-аъла»), «قُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ» («Кул: йа аййухал кафирун») ва «قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ» («Кул: Хуваллоҳу аҳад») суралари ўқилмоғини ихтиёр этганлар. Ҳар бир рақъатда булардан бир сура ўқилади.

٤٦١ — حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ بْنِ حَبِيبِ بْنِ الشَّهِيدِ الْبَغْدَادِيِّ أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بْنُ سَلَمَةَ الْحَرَّانِيُّ عَنْ خُصَيْفِ بْنِ عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ جَرْمِجٍ ، قَالَ : « سَأَلْتُ عَائِشَةَ بَأَى شَيْءٍ كَانَ يُوْتَرُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ؟ قَالَتْ كَانَ يَقْرَأُ فِي الْأَوَّلِ بِسْمِ رَبِّكَ الْأَعْلَى ، وَفِي الثَّانِيَةِ يَقُولُ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ ، وَفِي الثَّلَاثَةِ يَقُولُ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ وَالْمُعَوِّذَتَيْنِ . »

461. Абдулазиз ибн Журайждан ривоят қилинди; айтди: «Оиша (розияллоҳу анҳо)дан: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам витрни қайси суралар билан ўқир эдилар?» деб савол қилдим. Айтдиларки,

«Биринчи рақъатда «سُبْحَ اسْمِ رَبِّكَ الْأَعْلَى» («Саббиҳисма Робикал-аъла»)ни, иккинчи рақъатда

«قُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ» («Кул: йа аййухал кафирун»)ни,

учинчи рақъатда «قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ» («Кул: Хуваллоҳу аҳад»)ни муъаввизатайн (икки «Кул: аъзузу») билан ўқир эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Абдулазиз – Атонинг биродари бўлмиш Ибн Журайжнинг отасидир. Ибн Журайжнинг исми – Абдулмалик ибн Абдулазиз ибн Журайж.

Яҳё ибн Саъид Ал-Ансорий бу ҳадисни Амраъдан, Оишадан (розияллоҳу анҳум), Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади.

338-БОБ

МАВЗУ: ВИТР НАМОЗИДА ҚУНУТ ДУОСИ

٤٦٢ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ عَنْ بَرِيدِ بْنِ أَبِي مَرْيَمَ عَنْ أَبِي الْخَوَرَاءِ قَالَ : قَالَ الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ : « اللَّهُمَّ اهْدِنِي فِيْمَنْ هَدَيْتَ وَتَقَاتِي فِيْمَنْ تَقَاتَيْتَ وَتَوَلَّيْتَنِي فِيْمَنْ تَوَلَّيْتَ وَبَارِكْ لِي فِيْمَا أُعْطَيْتَ وَتَقِي شَرَّ مَا قَضَيْتَ فَإِنَّكَ تَقْضِي وَلَا يُغْضَى عَلَيْكَ ، وَإِنَّهُ لَا يَبْذُلُ مِنْ وَالِيَّتِ ، تَبَارَكَ رَبَّنَا وَتَعَالَيْتَ . »

462. Ал-Ҳасан ибн Али (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга витрда ўқиладиган ушбу калималарни (дуони) ўргатдилар:

اللَّهُمَّ اهْدِنِي فِيْمَنْ هَدَيْتَ وَتَقَاتِي فِيْمَنْ تَقَاتَيْتَ وَتَوَلَّيْتَنِي فِيْمَنْ تَوَلَّيْتَ وَبَارِكْ لِي فِيْمَا أُعْطَيْتَ وَتَقِي شَرَّ مَا قَضَيْتَ فَإِنَّكَ تَقْضِي وَلَا يُغْضَى عَلَيْكَ وَإِنَّهُ لَا يَبْذُلُ مِنْ وَالِيَّتِ ، تَبَارَكَ رَبَّنَا وَتَعَالَيْتَ

222

²²²Маъноси: «Аллоҳим! Ҳидоят этган (банда)ларинг қатори мени ҳам ҳидоят қил! Авф этган (банда)ларинг қатори мени ҳам авф айла! Дўст тутган (асраган) бандаларинг қатори мени ҳам дўст тут (асра)!. Ато этган нарсаларингда мен учун баракат қил! Тақдир-қазо қилганинг ёмонликлардан мени асра! Албатта, Сен тақдир-қазо қилгувчисан ва сенинг тақдирингга қаршилик қилинмагай! Сен дўст тутган(асраган) киши залил бўлмас! Табораксан ё Роббимиз, таъолосан!

Ҳанафийларнинг қунут дуоси эса ушбудир:

Бу бобда Али (розияллоху анху)дан ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис ҳасан. Буни танҳо шу ваҳҳдан исми Робиъа ибн Шайбон бўлмиш Абул-Хавроъ Ас-Саъднинг ривоятидан билаётирмиз. Кунут борасида, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилинган бундан яхшироқ ҳадисни билмаймиз.

Илм аҳллари витр намозидаги кунут (дуоси) борасида ихтилоф қилдилар. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоху анху) бутун умр витрда кунут ўқилмоғини маъқул кўрди ва кунут (дуоси) рукуъдан олдин ўқилмоғини ихтиёр этди. Баъзи илм аҳлларининг қавли шу. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Исҳоқ ва Куфа аҳли шу қавлга эга бўлганлар. Али ибн Абу Толиб (розияллоху анху)дан, Рамазоннинг иккинчи ярмида ва

(اللهم انا نستعينك ونستغفرك ونؤمن بك
ونؤتيك عليك ونسئ عليك الخير كله انشكرك ولا نكفرك ونخلع ونترك من يفجرك.
اللهم اياك نعبد وياك نستعبد ونرجو رحمتك ونخشى عذابك ان عذابك بالكلية
ملحق.)

(Аллоҳумма настаййнука ва настағфирука. (Ва настаҳдийка) Ва нуъмину бика. Ва натубу илайка ва натаваккалу ʼалайка. Ва нусний ʼалайкал хойр. Нашкурука ва ла накфурук. Ва нахлау ва натруку ман-йафжурук! Аллоҳумма! Иййака наъбуду ва лака нусолли ва насжуду ва илайка насъа ва наҳфиду ва наржу роҳматака ва нахша ʼазабак. Инна ʼазабака бил-куффаари мулҳиқ). Маъноси: Эй бор Худоё! Виз Сендан мадад ва кўмак талаб қилурмиз, Сендан маърифат сўраймиз! (Сендан ҳидоят тилаймиз). Сенга иймон келтирурмиз ва эътимод этурмиз. (Ва сенга тавба қилурмиз). Сенга сано айтурмиз, яхшиликнинг ҳаммаси сенга хосдир. Сенга шукр қилурмиз. Сенга куфр келтирмаймиз ва куфрони неъмат қилмаймиз. Қимки сенинг буйруғингдан чиқса, ҳақдан ботилга майл қилса, уни чиқарурмиз ва ташлағаймиз. Эй бор Худоё! Сенинг ўзингга ибодат қилурмиз ва Сен учун намоз ўқирмиз ва сажда қилурмиз! Сенга интилурумиз ва Сенга итоат қилурмиз, бошқага қилмасмиз. Сенинг раҳматингдан умид қилурмиз ва азобингдан кўрқурмиз. Албатта, сенинг азобинг кофирларга етгувчидир!»

(Илова: қавсдаги иборалар баъзи жойларда айтилмайди, бу нодуруст эмас, дурустдир).

рукуъдан кейин қунут ўқигани ривоят қилинган. Баъзи илм аҳллари шу қавлга эга бўлаётир. Шофиъий ва Аҳмаднинг қавли шудир. (Илова: «Саҳиҳи Бухорий»да қунут дуоси рукуъдан олдин ўқилиши хулоса қилинган. Ҳанафийлар рукуъдан олдин ўқийдилар. 1-жилд, 272-бет).

339-БОБ

**МАВЗУ: ВИТР НАМОЗИНИ УХЛАБ ҚОЛИБ
ЁКИ УНУТИБ ЎТҚАЗИБ ЮБОРГАН
(ҚАЗО ҚИЛИБ ҚЎЙГАН) КИШИ
(НИМА ҚИЛАДИ?)**

٤٦٣ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ أَخْبَرَنَا وَكَيْعٌ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ
ابْنُ زَيْدٍ بْنُ أَسْمَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَطَاءِ بْنِ إِسْحَاقَ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ
قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « مَنْ نَامَ عَنِ الْوَيْتْرِ أَوْ نَسِيَهِ
فَلْيَصِلْ إِذَا ذَكَرَ وَإِذَا اسْتَيْقَظَ » .

463. Абу Саъид Ал-Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кимки ухлаб қолиб ёки унутиб витр намозини ўтказиб юборса, ёдига тушиши билан ёки уйғониши билан дарҳол ўқиб олсин».

٤٦٤ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ زَيْدِ بْنِ أَسْمَ عَنْ أَبِيهِ
أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « مَنْ نَامَ عَنِ وَتْرِهِ فَلْيَصِلْ إِذَا
أَصْبَحَ » .

464. Зайд ибн Асламдан ривоят қилинди; Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимки ухлаб қолиб витр намозини ўтказиб юборса, тонг отганда ўқиб олсин».

Бу ҳадис олдинги ҳадисдан кўра саҳиҳроқ.

Абу Довуд Ас-Сижзийдан — Сулаймон ибн Ал-Ашъасни кўзда тутади — эшитдим; айтди: «Аҳмад ибн Ханбалдан Зайд ибн Асламнинг ўғли Абдурахмон

ҳақида сўрадим. Шунда бундай деди: «Унинг биродари Абдуллоҳ зарарсиздир».

Муҳаммад (Ал-Бухорий)дан эшитдим, Али ибн Абдуллоҳ Зайд ибн Асламнинг ўгли Абдурраҳмонни (ҳадисда) заиф деб топганини таъкидлади ва: «Зайд ибн Асламнинг ўгли Абдуллоҳ сиқа (ишончли)» деди.

Куфа аҳлидан баъзилари шу ҳадисга эга бўлганлар. Айтадиларки, киши қуёш чикқанидан кейин бўлса ҳам, эсига тушган заҳоти витр намозини(нг қазоси)ни ўқиб олади.²²³ Суфён Ас-Саврийнинг қавли шудир.

340-БОБ

МАВЗУ: ВИТР НАМОЗИ ТОНГ ОТМАСДАН ОЛДИН ЎҚИЛМОҒИ БАЁНИ

٤٦٥ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ أَخْبَرَنَا يَحْيَى بْنُ زَكَرِيَّا بْنِ أَبِي زَائِدَةَ أَخْبَرَنَا عَبِيدُ اللَّهِ عَنْ نَافِعٍ عَنْ ابْنِ عَمْرٍو أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «بَادِرُوا الصَّبْحَ بِالْوَتْرِ» .

465. *Ибн Умардан (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилинди; Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* «Субҳ кирмасидан витр намозига чаққон бўлингизлар!»

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

²²³Витр намозининг қазоси қайси вақтгача ўқилиши ҳақида саккиз қавл устида ихтилоф қилинди: Бирови, Бомлоднинг фарзини ўқигунича, деб, биров: қуёш чикқунича, деб, бирови завол вақтигача, деб айтади. Баъзилари эса билиб туриб қазо қилиш билан ухлаб қолиб ёки унутиб қазо қилиш ўртасида ажрим (фарқ) қилади. Биринчи ҳолатда витрнинг қазоси бўлмаганини, аммо иккинчи ҳолатда қачон ёдига тушса, қазоси ўқилмоғини айтади. Абу Ханифа (рахматуллоҳи алайҳ)нинг ҳукмича, витрнинг қазоси вожибдир ва фарз намозларидек қазоси адо этилгайдир.

٤٦٦ — حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْخَلَّالُ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا
مَقْتَرٌ عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ عَنْ أَبِي نَضْرَةَ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ
قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « أَوْتَرُوا قَبْلَ أَنْ تَضْبَحُوا » .

466. Абу Саъид Ал-Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Субҳга етмасдан олдин витр намозини ўқингизлар!»

٤٦٧ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا ابْنُ جُرَيْجٍ
عَنْ سَلِيَانَ بْنِ مُوسَى عَنْ نَافِعٍ عَنْ ابْنِ عَمْرٍو عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « إِذَا طَلَعَ الْفَجْرُ فَدَدْ ذَهَبًا كُلُّ صَلَاةٍ اللَّيْلِ وَالْوَتْرُ فَأَوْتَرُوا قَبْلَ طُلُوعِ الْفَجْرِ » .

467. Ибн Умардан (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилинди; Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Тонг отиши билан барча кечки намозлар ҳамда витр намози кетгайдир. Бас, тонг отмасидан олдин витрни ўқингизлар!».

Хадис шу лафзи билан ёлғиз Сулаймон ибн Му-содан ривоят қилинди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлари ҳам ривоят қилинади; «Бомдод намозидан кейин витр йўқ!» Бу эса мутааддид илм аҳлларининг қавлидир. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўладилар: Бомдод намозидан кейин витр ўқилмайди, деган фикрдалар.

341-БОБ

МАВЗУ: БИР КЕЧАДА ИККИ ВИТР ЙЎҚ!

٤٦٨ م — حَدَّثَنَا هَنَادٌ أَخْبَرَنَا مُلَازِمٌ بْنُ عَمْرٍو قَالَ حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ
ابْنُ بَدْرٍ عَنْ قَتَيْبِ بْنِ طَلْحَةَ بْنِ عَلِيٍّ عَنْ أَبِيهِ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ « لَا وَتْرَيْنِ فِي لَيْلَةٍ » .

468. Толиқ ибн Али (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деганларини эшитдим: «Бир кечада икки витр йўқ!»²²⁴

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Илм аҳллари, кечанинг аввалида витрни ўқиб ётган ва (кечанинг) охирида турган киши борасида ихтилоф қилдилар. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари, витр бузилади, деган фикрда бўлиб, бундай дейдилар: «Кечанинг аввалида ўқиган витр (намози)га бир ракъат кўшади, кейин хоҳлаганича тунги (таҳажжуд) намозини ўқийди, кейин намозининг охирида витрни ўқийди; чунки бир кечада икки витр йўқ»²²⁵. Исҳоқ шу қавлга эга бўлган. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари эса бундай дейдилар: «Кечанинг аввалида витрни ўқийди, кейин ухлайди ва кейин кечанинг охирида турса, бу киши хоҳлаганича тунги (таҳажжуд) намозини ўқийди. Витрни бузмайди ва уни ўз (ўқилган) ҳолича қолдиради». Суфён Ас-Саврий, Молик ибн Анас ва Ибнул-Муборакнинг қавли шудир. Бу қавл саҳихроқ. Чунки Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам витрдан кейин тунги (таҳажжуд) намозини ўқиганлари мутааддид ваҳҳлардан ривоят қилинган.

٤٦٩ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ أَخْبَرَنَا سَعْدُ بْنُ مَسْعَدَةَ عَنْ مَيْمُونِ بْنِ

مُوسَى الرَّائِيَّ عَنْ الْحَسَنِ بْنِ أَبِيهِ عَنْ أُمِّهِ عَنْ أُمِّ سَلْبَةَ : « أَنْ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ

وَسَلَّمَ كَانَ يَصَلِّي بِهَذَا الْوَيْتْرِ وَكَهَاتَيْنِ » .

²²⁴Ибнул-Арабий «Оридат-ул-аҳвозий» номли Термизий китобига битилган шарҳида бу ҳадиснинг маъносини бундай шарҳлайди: «Витрни ўқиганидан кейин таҳажжуд намозини ўқиса, витрни қайта ўқимайди».

²²⁵Бу кишилар тунги (таҳажжуд) намозининг охирида витр ўқилмоғини буюрган ҳадис билан бу ўриндаги ҳадисни жамъ қилмоқ учун шу қавлга эга бўлишган.

469. Умму Салама (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам витрдан кейин икки ракъат намоз ўқир эдилар».

Абу Умома, Оиша ва биттадан кўп саҳоба (розияллоху анхум) воситасида Набий саллаллоху алайҳи ва салламдан шунга уйқаш ҳадис ривоят қилинган.

342-БОБ

МАВЗУ: ВИТР НАМОЗИНИ ТУЯ (УЛОВ)

УСТИДА ЎҚИМОҚ

٤٧٠ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ عَنْ أَبِي بَكْرٍ بْنِ مُحَمَّدٍ

ابن عبد الرحمن عن سعيد بن يسار قال : « كنت مع ابن عمر في حفر فتخلفت عنه فقال أين كنت ؟ فقلت : أوترت ، فقال أليس لك في رسول الله أسوة حسنة ؟ رأيت رسول الله صلى الله عليه وسلم يؤتر على رجليه » .

470. Саъид ибн Йасордан ривоят қилинди; айтди: «Бир сафарда Ибн Умар билан бирга эдим. У кишидан орқада қолдим. Шунда: «Қаерда эдинг?» деди. «Витр намозини ўқидим» дедим. Айтдики, «Ахир, Расуллуллоҳга чиройли эргашмоқ сенга ҳам тегишли эмасми? Мен, Расуллуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам туяларининг устида витр ўқиганларини кўрганман».

Бу бобда Ибн Аббосдан (розияллоху анхумо) ҳадис ривоят қилинган. Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари шу қавлга эга бўлганлар. Киши туясининг устида витрни ўқийди, деган фикрдалар. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Баъзи илм аҳллари эса бундай дейишади: «Киши витр намозини туясининг устида ўқимайди. Витрни ўқимоқчи бўлганида тушиб, ерда ўқийди». Куфа фақиҳларидан баъзиларининг қавли шудир.

343-БОБ

МАВЗУ: ЗУҲО НАМОЗИ

٤٧١ — حدثنا أبو كريب محمد بن محمد بن الملاء أخبرنا يونس بن بكير عن محمد بن إسحاق حدثني موسى بن فلان بن أنس عن عبد الحميد بن أنس بن مالك عن أنس بن مالك قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : « من صلى الصبح ثلثي عشرة ركعة ركنة بني الله له قصر في الجنة من ذهب » .

471. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки ўн икки рақъат зуҳо намози ўқиса, Аллоҳ унга жаннатда олтиндан бир қаср бино қилгайдир».

Бу бобда Умми Ҳониъ, Абу Ҳурайра, Нуайм ибн Ҳаммор, Абу Зарр, Оиша, Абу Умома, Утба ибн Абд Ас-Суламий, Ибн Аби Авфа, Абу Саъид, Зайд ибн Арқом ва Ибн Аббос (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Анаснинг ҳадиси ғариб. Уни танҳо шу важдан билаётирмиз.

٤٧٢ — حدثنا أبو موسى محمد بن المثنى أخبرنا محمد بن جعفر أخبرنا شعبة عن عمرو بن مرة عن عبد الرحمن بن أبي ليلى قال : « ما أخبرني أحد أنه رأى رسول الله صلى الله عليه وسلم يصلي إلا أم هانئ فإنها حدثت أن رسول الله صلى الله عليه وسلم دخل بيتها يوم فتح مكة فاعتسل فصبح ثمان ركعات ما رأيتُه صلى صلاة قط أخت منها، غير أنه كان يتم الركوع والسجود » .

472. Абдурахмон ибн Абу Лайлодан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам зуҳо намозини ўқиганларини менга Умму Хониъдан бошқа ҳеч ким хабар қилгани йўқ²²⁶. У, Макка фатҳ этилган кунл Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам уйларига кирганларини, ғусл қилиб, саккиз ракъат намоз ўқиганларини сўзлаб берди. Ва айтдики, «У зотнинг шу саккиз ракъатдан ҳам кўра енгилоқ намоз ўқиганларини асло кўрмадим. Аммо рукуълари ва саждаларини мукамал қилар эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Имом Аҳмад, Умму Хониънинг ҳадисини ушбу бобда ривоят қилинган энг саҳиҳ ҳадис деб ҳисоблагани англашилади.²²⁷

(Пайғамбаримизнинг саҳобаларидан бўлмиш) Нуайм кимнинг ўғли эканлиги борасида ихтилоф қилинди. Баъзилар, Хомморнинг ўғли деб, баъзилари эса Хамморнинг ўғли деб айтишди. Бу орада отасининг исми Ҳаббор эканлиги ва Ҳаммом эканлиги ҳам айтилмоқда. Саҳиҳ қавлга кўра, у – Хамморнинг ўғли. (Бухорийнинг устози) Абу Нуайм бу киши борасида ваҳмга берилиб, «Ҳимознинг ўғли» деди ва янглишди. Кейин кимнинг ўғли эканлигини бир четга қўйиб, «Нуаймдан, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан» деди. Абд ибн Ҳумайд буни менга (Бухорийнинг устози) Абу Нуаймдан хабар қилди.

²²⁶ Абдурахмон ибн Аби Лайло, Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг зуҳо намозини ўқиганларини бошқалардан эшитмаганлиги бу ҳадисни бошқалар ривоят қилмаганига далолат эта олмайди. Умму Хониъ (Ҳазрати) Али карромаллоҳу ваҗҳаҳу)нинг опаларидир.

²²⁷ Хофиз ибн Ҳажар: «Ҳақиқат ҳам шудир», дейди.

٤٧٣ — حدثنا أبو جعفر السَّمَّانِيُّ أخبرنا عمَدُ بنُ الحَسَنِ أَخْبَرَنَا
 أَبُو شَيْبَةَ أَخْبَرَنَا إِسْمَاعِيلُ بنُ عَمَّاشٍ مِنْ بَحْرِ بْنِ سَمْدٍ عَنْ خَالِدِ بْنِ مَسْدَانَ
 عَنْ جُبَيْرِ بْنِ نَفِيرٍ عَنْ أَبِي التَّرْدَادِ وَأَبِي ذَرٍّ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
 وَسَلَّمَ: «عَنْ اللَّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى أَنَّهُ قَالَ: «ابْنَ آدَمَ أَرْكَعَ لِي أَرْبَعَ رَحْمَاتٍ
 مِنْ أَوْلَى النَّهَارِ أَوْ كُنْتُكَ آخِرَهُ» .

473. Абуд-Дардо ва Абу Зарр (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хабар беришларича Аллоҳ таборак ва таъло бундай деб марҳамат қилади: «Эй Одам фарзанди! Сен кундузнинг аввалида мен учун тўрт рақъат намоз ўқигин, Мен кундузнинг охирида сени хузурга эриштираман!»²²⁸.

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

٤٧٤ — حدثنا عمَدُ بنُ عبدِ الأَصلِ البَصْرِيُّ أَخْبَرَنَا زَيْدُ بنُ زُرَيْعٍ عَنْ
 ثَمَّاسِ بنِ قَهْمٍ عَنْ شَدَّادِ بنِ عَمَّارٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ
 صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «مَنْ سَافَرَ عَلَى شَفْتَةِ الضُّعْفَى غَيْرَ لَهُ ذَنْبٌ، وَإِنْ
 كَانَتْ مِثْلَ زَيْدِ الْبَحْرِيِّ» .

²²⁸Бу тўрт рақъат намоздан зуҳо намози назарда тутилгани ай-тилган, шунингдек ишроқ намози ҳамда суннати билан бирга бом-дод намози қасд этилгани ҳам айтилди. Фақат Термизий ва Абу Довуд бу тўрт рақъатни зуҳо намози деб ҳисоблаганлари учун уни зуҳо намози бобида зикр қилганлар. Бу ҳадис – ҳадиси кудсий эҳанлиги аниқ-равшан. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам воситасида Аллоҳ таборак ва таолодан баён этилмоқда. Ҳадисдан мурод этилган маъно ушбудир: кундузнинг аввалида тўрт рақъат намоз ўқисанг, Аллоҳ таоло шу кунги эҳтиёжларингни раво қилади ва кундузнинг охирида сени хузурга эриштиради.

474. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки тўрт ракъат зуҳо намозини мунтазам ўқиса, гуноҳи денгиз кўпикларича бўлса ҳам, кечирилгайдир».

Вакиъ, Ан-Назр ибн Шумайл ҳамда биттадан кўп ҳадис имоми бу ҳадисни Наҳҳос ибн Қаҳмдан ривоят қилганлар. Бу ҳадисни ёлғиз унинг ривоятидан билаётирмиз.

٤٧٥ — حدثنا زيادُ بنُ أئوبَ البَندائِيُّ أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بنُ ربيعةَ عن فضيلِ بنِ مَرْزُوقٍ عن عطيةَ المَوْفِيِّ عن أبي سعيدٍ الخَدْرِيِّ قال : « كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصِلُ الضُّحَى حَتَّى تَبُولَ لَا يَدْعُ وَيَدْعُهَا حَتَّى يَقُولَ لَا يَصِلُ » .

475. Абу Саъид Ал-Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам зуҳо намозини (баъзи кунлар) шундай (узлуксиз) ўқир эдиларки, биз ҳатто, энди бу намозни ҳаргиз тарк қилмайдилар, дердик. Баъзан эса шундай ташлаб кўяр эдиларки, биз ҳатто, энди бу намозни ҳаргиз ўқимайдилар, дердик».²²⁹

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

²²⁹Зуҳо намози Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга вожиб эканлигига доир ҳадис заифдир. Ҳофиз ибн Ҳажар «Фатҳ-ул-борий»да зуҳо намози Расули Акрамга вожиб эканлигига доир бирор ҳадис собит эмаслигини айтади. Ибн Ҳажар, Ҳофиз Абул-фазл ибн Хусайннинг Термизий шарҳида бундай деганини нақл этади: «Авом орасида, зуҳо намозини ўқиб, кейин тарк этган ёки узган киши кўр бўлиб қолар эмиш, деган гап тарқалди. Шунда халқнинг кўпчилиги зуҳо намозини тубдан (бошламасдан) тарк этди. Ҳолбуки, бу гаплари бирор асосга таянган эмас эди. Бу ҳатто шайтон иғвоси эканлиги очик-равшан. Яъни, бунда инсонларни улуг бир фазилатдан маҳрум этиш мақсади яшириндир». Расули Акрам зуҳони баъзан тарк этганлари ана шу ботил гапга зарба бериш учун ҳам қилинган бўлиши мумкин.

344-БОБ

МАВЗУ: ЗАВОЛ НАМОЗИ

٤٧٦ — حدثنا أبو موسى محمد بن النسي أخبرنا أبو داود الطيالسي أخبرنا محمد بن مسلم بن أبي الوضاح هو أبو سعيد المؤدب عن عبد الكريم الجزري عن مجاهد عن عبد الله بن السائب أن رسول الله صلى الله عليه وسلم « كان يصلي أربعاً بعد أن تزول الشمس قبل الظهر فقال إنها ساعة تُفتَحُ فيها أبوابُ السماء وأحبُّ أن يَصتَدَّ لى فيها عملٌ صالحٌ » .

476. Абдуллоҳ ибн Ас-Соиб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, заволдан (кун оғанидан) кейин, пешиндан олдин тўрт рақъат намоз ўқир эдилар. *Ва айтганларки*, «Бу – осмон эшиклари очилган бир соатдир. Шу соатда мендан бир солиҳ амал самога чиқмоғини севман!».

Бу бобда Али ва Абу Аййуб (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинди.

Абдуллоҳ ибн Ас-Соибнинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай ривоят қилинган: «У киши заволдан кейин тўрт рақъат намоз ўқир эдилар ва бу рақъатларнинг фақат охирида салом берар эдилар».

345-БОБ

МАВЗУ: ҲОЖАТ НАМОЗИ

٤٧٧ — حدثنا علي بن عيسى بن يزيد البغدادي أخبرنا عبد الله بن بكر السهمي أخبرنا عبد الله بن منسير عن عبد الله بن بكر عن فائد بن عبد الرحمن عن عبد الله بن أبي أوفى قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم « من كانت له إلى الله حاجة أو إلى أحد من بني آدم فليتوضأ وليحسن الوضوء ثم ليصل ركعتين ثم ليثني على الله وليصل على النبي صلى الله عليه وسلم ثم ليقل: لا إله إلا الله الحليم الكريم، سبحان الله رب العرش العظيم الحمد لله رب العالمين، أسألك موجبات رحمتك وعزائم مغفرتك، والغنيمة من كل بر، والسلامة من كل إنهم لا تدع لي ذنباً إلا غفرته ولا همّاً إلا فرجته، ولا حاجة هي لك رضى إلا قضيتها يا أرحم الراحمين »

477. Абдуллоҳ ибн Аби Авфа (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимнинг Аллоҳга ёки Одам фарзандларидан бирортасига бир ҳожати бўлса, таҳорат олсин ва таҳоратни чиройли олсини. Кейин икки рақъат намоз ўқисин. Кейин Аллоҳга ҳамду сано айтиб, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга саловат келтирсин. Кейин бундай десин: لا إله إلا الله الحليم الكريم، سبحان الله رب العرش العظيم الحمد لله رب العالمين، أسألك موجبات رحمتك وعزائم مغفرتك والغنيمة من كل بر والسلامة من كل إنهم لا تدع لي ذنباً إلا غفرته ولا همّاً إلا فرجته ولا حاجة هي لك رضى إلا قضيتها

يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ²³⁰ («Ла илаҳа иллаглоҳул-Ҳалиймул-Карийм. Субҳаналлоҳи Роббил-Ҷаршил-Ҷазийм. Алҳамду-лиллаҳи Роббил ғаламийн. Ас-алука мужийбати роҳматика ва азоима мағфиротика, вал-ғониймата мин кулли биррин вас-салаамата мин кулла исмин. Ла тадаъ лий занбан илла гофартаҳу ва ла ҳамман илла фаррожтаҳу. Ва ла ҳаажатан ҳийа лака ризон, илла қозойтаҳа, йаа архамар-роҳимийн»).

Бу ҳадис ғариб. Унинг исноди (ҳақи)да (танқидий) гап бор. Чунончи, Фоид ибн Абдул-рахмоннинг ҳадисда заиф эканлиги қайд этилган. Фоид бу – Абдул-Варқо.

346-БОБ

МАВЗУ: ИСТИХОРА НАМОЗИ

٤٧٨ - حدثنا قتيبة أخبرنا عبد الرحمن بن أبي التّوَالِ عن محمد بن
 الشّكدي عن جابر بن عبد الله قال : كان رسولُ الله صلى الله عليه وسلم
 يُطَلِّئُنا الاستخارة في الأمور كما يُطَلِّئُنا السّورة من القرآن ، يقول : إذا
 تمّ أحدكم بالأمر فليركع ركعتين من غير الفريضة ثم ليقل : اللهم
 إني أستخيرك بعلمك ، وأستقدرك بقدرتك ، وأسألك من فضلك العظيم
 فإنك تقدر ولا أقدر ، وتعلم ولا أعلم ، وأنت علام الغيوب ، اللهم

²³⁰Дуонинг маъноси: «Ҳалийм ва Карийм бўлмиш Аллоҳдан бошқа илоҳ йўк! Арш Парвардигори бўлмиш улуғ Аллоҳ покдир. (айбу нуқсондан холи, муназаҳдур). Бутун оламлар парвардигори бўлмиш Аллоҳга ҳамд бўлсин! Сендан раҳматинг сабабларини, мағфиратин йўлларини (васийлаларини), ҳар бир яхшилиқдан ғанимат-қулайлик, ҳар бир гуноҳдан саломат-омонлик тилайман! Менда, Ўзинг кечирмаган бирор гуноҳ, Ўзинг кетказмаган бирор ғам, Ўзинг рози бўлмаган ва Ўзинг раво қилмаган бирор ҳолат қолдирма! Эй раҳмлиларнинг энг раҳмлиси бўлган Аллоҳим!».

إِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ خَيْرٌ لِي فِي دِينِي وَمَعِيشَتِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي أَوْ قَالَ فِي عَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ فَيَسِّرْهُ لِي ، ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ ، وَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ شَرٌّ لِي فِي دِينِي وَمَعِيشَتِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي ، أَوْ قَالَ فِي عَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ فَاصْرِفْهُ عَنِّي وَاصْرِفْنِي عَنْهُ وَاقْدِرْ لِي الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ ثُمَّ أَرْضِنِي بِهِ . قَالَ وَيُسْتَعْتَبُ حَاجَتُهُ . . .

478. Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга, худди Куръон сураларини ўргатгандек, ишлар(имиз)да истихорани ўргатар эдилар. Айтар эдиларки, «Сизлардан бирортангиз бир ишга қўл урмоқчи бўлса, фарздан ташқари икки ракъат намоз ўқисин, кейин бундай десин:

اللَّهُمَّ
إِنِّي أَسْتَغِيْرُكَ بِعِلْمِكَ ، وَأَسْتَقْدِرُكَ بِقُدْرَتِكَ ، وَأَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ الْعَظِيمِ
فَإِنَّكَ تَقْدِرُ وَلَا أَقْدِرُ ، وَتَعْلَمُ وَلَا أَعْلَمُ ، وَأَنْتَ عَلَّامُ الْغُيُوبِ اللَّهُمَّ
إِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ خَيْرٌ لِي فِي دِينِي وَمَعِيشَتِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي أَوْ قَالَ فِي عَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ فَيَسِّرْهُ لِي ، ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ ، وَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ شَرٌّ لِي فِي دِينِي وَمَعِيشَتِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي ، أَوْ قَالَ فِي عَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ فَاصْرِفْهُ عَنِّي وَاصْرِفْنِي عَنْهُ وَاقْدِرْ لِي الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ ثُمَّ أَرْضِنِي بِهِ .

231

²³¹Дуонинг маъноси: «Ё Аллоҳим! Илмингга илтижо қилиб, Сендан яхшилик талаб этгайман ва қудратингга илтижо қилиб Сендан қудрат талаб этгайман. Сенинг улуғ лутфу карамингдан тилагайман. Албатта, Сен қодирдирсан, мен эса ожизман. Сен олимсан – билгувчисан, мен эса билгувчи эмасман ва Сен – ғайб илмлари билимдонисан! Аллоҳим! Сенинг илмингга кўра ушбу иш диним, машағим ва ишм оқибати (ёки «бугуним ва келажагим» дедилар) борасида мен учун яхшилик бўлса, уни менга муяссар айла ва муборак қил! Агар сенинг илмингга кўра, ушбу иш диним,

(Набий саллаллоху алайҳи ва саллам) кейин: «Бу дуони ўқиғач ҳожатини айтсин», дедилар.

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Абу Аййуб (розияллоху анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган. Жобирнинг ҳадиси ҳасан-ғариб. Бу ҳадисни ёлғиз Абдурахмон ибн Абил-Мавлонинг ривоятидан билаётирмиз. У Мадиналик бир шайх бўлиб, сиқа (ишончли)дир. Суфён ундан ҳадис ривоят қилган. Шунингдек, биттадан кўп ҳадис имоми ҳам Абдурахмондан ҳадис ривоят қилганлар.

347-БОБ

МАВЗУ: ТАСБИҲ НАМОЗИ

٧٩ — حدثنا أبو كريب محمد بن القلاء أخبرنا زيد بن حباب السكلي
أخبرنا موسى بن عبيدة قال حدثني سعيد بن أبي سعيد مولى أبي بكر بن محمد
بن عمرو بن حزم عن أبي رافع قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم للمباس:
«يا عمّ ألا أجلك ألا أجوك ألا إنك قال: بلى يا رسول الله قال: يا عمّ صلّ
أربع ركعات تهراً في كلّ ركعة بفاتحة الكتاب وسورة فإذا انقضت القرائة
قل: الله أكبر والحمد لله وسبحان الله خمس عشرة مرة قبل أن تركع،
ثم اركع قلبها عشراً، ثم ارفع رأسك قلبها عشراً، ثم اسجد قلبها
عشراً ثم ارفع رأسك قلبها عشراً ثم اسجد قلبها عشراً ثم ارفع رأسك قلبها

маншатим ва ишим оқибати (ёки «бугуним ва келажагим» дедилар) борасида ёмонлик бўлса, уни мендан дафъ эт ва мени ундан йироқ қил! Мен учун яхшилик бўлган ишни менга тақдир қил ва мени шу нарсага рози айлагин!»

عشرًا قَبْلَ أَنْ تَقُومَ ، فَذَلِكَ خَمْسٌ وَسَبْعُونَ فِي كُلِّ رَكْعَةٍ وَهِيَ ثَلَاثٌ مِائَةٌ
 فِي أَرْبَعِ رَكْعَاتٍ وَلَوْ كَانَتْ ذُنُوبَكَ مِثْلَ رَمْلِ بَحْرِ عَمَّا لَجِ عَفَّرَهَا اللَّهُ لَكَ . قَالَ
 يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَنْ يَسْتَطِيعُ أَنْ يَقُولَهَا فِي يَوْمٍ ؟ قَالَ إِنْ لَمْ تَسْتَطِيعْ أَنْ تَقُولَهَا فِي
 يَوْمٍ قَلَّمَهَا فِي جَمْعَةٍ ، فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِيعْ أَنْ تَقُولَهَا فِي جَمْعَةٍ قَلَّمَهَا فِي شَهْرٍ ، فَلَمْ يَزَلْ
 يَقُولُ لَهُ حَتَّى قَالَ قَلَّمَهَا فِي سَنَةٍ .

479. *Абу Рофиъ (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам (амакилари) Аббосга дедиларки: Эй амаким! Сизга бир қариндошлик (ҳақини адо) қилайинми? Сизга бир эҳсон этайинми? Сизга бир манфаат етказайинми?» (Аббос (розияллоху анху): «Ҳа (айтинг), ё Расулуллоҳ!» дедилар. Айтдилар: «Эй амаким! Тўрт рақъат намоз ўқинг, ҳар бир рақъатида «Фотиҳа» сураси билан бирга битта сурани ўқинг. Қироат битгач, рукуъга бормасдан олдин ўн беш марта*

اللهُ أَكْبَرُ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَسُبْحَانَ اللَّهِ» («Аллоху акбару валҳамду лиллаҳи ва субҳаналлоҳ») денг. Рукуъга бориб уни (рукуъда) ўн марта айтинг. Рукуъдан бошингизни кўтариб, яна ўн марта айтинг. Сажда қилинг ва (саждада) ўшани ўн марта айтинг. Саждадан бошингизни кўтариб, яна ўн марта айтинг. Кейин (иккинчи) саждага боринг ва (саждада) ўшани ўн марта айтинг. Иккинчи саждадан бошингизни кўтариб, қиёмга турмасдан олдин²³² ўшани яна ўн марта айтинг. Шундай қилиб, бу тасбиҳлар ҳар бир рақъатда етмиш бештадир. Тўрт рақъатда уч юзта тасбиҳ бўлади. Бас, агар

²³²Ҳадис Шофиъий мазҳабида иккинчи саждадан кейин, ўтириш бор деб қабул қилинган истироҳат ўтириши учун далил қилиб олинган. Ҳолбуки, бу фақат тасбиҳ намозига хосдир. Тасбиҳ намозидан кейин саждадан кейин истироҳат ўтиришида ўн тасбиҳ айтилганидан кейин қиёмга турилади.

гуноҳларингиз Ёлаж²³³ қумларининг саногича бўлса ҳам, Аллоҳ сизни мағфират қилгайдир!» Аббос (розияллоҳу анҳу): «Ё Расулуллоҳ! Бу тасбиҳларни кунда ким ҳам айта оларди!» дедилар. (Расули Акрам) айтдиларки, «Буларни ҳар куни айта олмасангиз, ҳафтада бир бор айтинг. Агар ҳафтада айта олмасангиз, ойда бир айтинг... » У кишига (шу йўсин) уқдиришда давом этиб, ҳатто охири: «Бир йилда бир марта айтинг» дедилар»²³⁴.

Бу ҳадис Абу Рофиънинг ривояти сифатида ғариб.

٤٨٠ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مُحَمَّدٍ بْنِ مَوْسَى أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ أَخْبَرَنَا
عِيكَرَةَ بْنَ عَمَّارٍ قَالَ حَدَّثَنِي إِسْحَاقُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي طَالْحَةَ عَنْ أَنَسِ بْنِ
مَالِكٍ « أَنَّ أُمَّ سَلِيمٍ غَدَتِ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ : عَلَّمَنِي كَلِمَاتٍ
أَقُولُهُنَّ فِي صَلَاتِي ، فَقَالَ : كَبِّرِي اللَّهَ عَشْرًا ، وَسَبِّحِي اللَّهَ عَشْرًا ، وَاجْعِدِي عَشْرًا
ثُمَّ سَلِّي مَا شِئْتِ ، يَقُولُ : نَعَمْ نَعَمْ . »

480. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Умму Сулайм Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, «Менга намозларимда ўқиладиган калималардан ўргатсангиз», деди. (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

«Ўн марта «الله أكبر» («Аллоҳу акбар»), ўн марта «الحمد لله» («Субҳаналлоҳ»), ўн марта «سبحان الله» («Алҳамдулиллаҳ») дегил. Кейин хоҳлаган нарсангни тилайвер. (Аллоҳ таоло): «Мақбул, мақбул» деб тургайдир».

²³³Қумтепа дегани. Айни вақтда қуми кўп жойнинг номи ҳамдир.

²³⁴Ибн Аббоснинг (розияллоҳу анҳумо) ривоятида бундай дейилади: «Агар қила олмасанг, йилда бир марта бажаргил! Агар буни ҳам бажара олмасанг, умрингда бир марта бажаргил!»

Бу бобда Ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр, Ал-Фазл ибн Аббос ва Абу Рофиъ (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган. Анаснинг ҳадиси ғариб. Набий саллаллоху алайҳи ва салламдан тасбиҳ намози борасида биттадан кўп ҳадис ривоят қилинган; (аммо) буларнинг кўпи саҳиҳ эмас. Ибнул-Муборак ва биттадан кўп илм аҳли тасбиҳ намозини ривоят қилиб, бу намоздаги фазилятни тилга оладилар.

٤٨١ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ عَبْدِ الصَّمِيِّ أَخْبَرَنَا أَبُو وَهَبٍ قَالَ سَأَلْتُ عَبْدَ اللَّهِ
ابْنَ الْمُبَارَكِ عَنِ الصَّلَاةِ الَّتِي يُسَبِّحُ فِيهَا ؟ قَالَ : يُكَبِّرُ ثُمَّ يَقُولُ سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ
وَبِحَمْدِكَ ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ ، وَتَعَالَى جَدُّكَ ، وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ ، ثُمَّ يَقُولُ خَمْسَ
عَشْرَةَ مَرَّةً سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، وَاللَّهُ أَكْبَرُ ، ثُمَّ يَتَمَوَّذُ
وَيَقْرَأُ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ . وَطَائِعَةَ الْكِتَابِ ، وَسُورَةَ : ثُمَّ يَقُولُ عَشْرَ مَرَاتٍ
سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ ثُمَّ يَرْكَعُ فَيَقُولُ مَا عَشْرًا ثُمَّ يَرْفَعُ
رَأْسَهُ فَيَقُولُهَا عَشْرًا ثُمَّ يَسْجُدُ فَيَقُولُهَا عَشْرًا ، ثُمَّ يَرْفَعُ رَأْسَهُ فَيَقُولُهَا عَشْرًا ثُمَّ يَسْجُدُ
الثَّانِيَةَ فَيَقُولُهَا عَشْرًا ، يُصَلِّي أَرْبَعَ رَكَعَاتٍ عَلَى هَذَا فَذَلِكَ خَمْسٌ وَسَبْعُونَ نَسْبِيحَةً
فِي كُلِّ رَكَعَةٍ ، يَبْدَأُ فِي كُلِّ رَكَعَةٍ بِخَمْسِ عَشْرَةَ نَسْبِيحَةً . ثُمَّ يَقْرَأُ ثُمَّ يَسْبِيحُ
عَشْرًا ، فَإِنْ صَلَّى لَيْلًا فَأَحَبُّ إِلَيَّ أَنْ يُسَلِّمَ فِي كُلِّ رَكَعَتَيْنِ ، وَإِنْ صَلَّى نَهَارًا
فَإِنْ شَاءَ سَلَّمَ وَإِنْ شَاءَ لَمْ يَسَلِّمْ .

481. Аҳмад ибн Абда аз-Зоббий Абу Ваҳбдан нақл этиб, бизга баён қилди; Абу Ваҳб деди: «Абдуллоҳ ибн Муборакдан, орасида тасбиҳ айтиладиган намоз ҳақида сўрадим.

Айтдики, «Такбир(и) (тахримани) айтгандан кейин: «*سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ وَتَبَارَكَ اسْمُكَ وَتَعَالَى جَدُّكَ وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ*» «Субҳанака аллоҳумма ва биҳамдика ва тоборака-смука, ва тааъло жаддука ва ла илаҳа ғойрук») дейди;

кейин ўн беш марта «سبحان الله والحمد لله ولا إله إلا الله والله أكبر» (Субҳаналлоҳи валҳамду-лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар) дейди; кейин «Аъзузу биллаҳи»ни айтиб, «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм» деб «Фотиҳа» сурасини ва яна бир сурани ўқийди; кейин ўн марта

«سبحان الله والحمد لله ولا إله إلا الله والله أكبر» («Субҳаналлоҳи валҳамдулиллаҳи ва лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар») дейди; кейин рукуъга боради ва (рукуъда) шуни ўн марта айтади; кейин (рукуъдан) бошини кўтариб, шуни (яна) ўн марта айтади; кейин саждага боради ва (саждада) ўн марта айтади; кейин (саждадан) бошини кўтариб, ўн марта айтади; кейин иккинчи саждага бориб, (саждада) ўн марта айтади; ва худди шу йўсинда тўрт (ракъат) ўқийди. Демак, ҳар бир рақъатда етмиш беш тасбиҳдир. Ҳар бир рақъатини ўн беш тасбиҳ билан бошлайди, кейин қироат қилади ва (қироатнинг изидан) ўн тасбиҳ айтади. Бу намозни кечаси ўқиса, ҳар икки рақъатда салом бермоғи менга мақбулроқ. Агар кундузи ўқиса, хоҳласа (икки рақъатда) салом беради, хоҳласа салом бермайди».

Абу Ваҳб айтадики, «Абдулазиз ибн Абу Ризма, Абдуллоҳдан нақл этиб, унинг бундай деганини менга маълум қилди: «Рукуъда (аввал) уч марта

«سبحان ربّي العظيم» («Субҳана Роббийал-азийм») ва саж-

дада (аввал) уч марта «سبحان ربّي الأعلى» («Субҳана Роббийал-аъла») билан бошлайди, кейин (бояги) тасбиҳларни айтади».

Аҳмад ибн Абда, Ваҳб ибн Замъа воситасида Абу Ризманинг ўғли Абдулазиздан нақл этиб, бундай дейди: «Абдуллоҳ ибн Ал-Муборақдан: «Агар тасбиҳ намозида саҳв қилса, саждан саҳвларида ўн мартадан тасбиҳ айтдимми?» дедим. «Йўқ! Булар фақат уч юз тасбиҳ» деди».

348-БОБ

**МАВЗУ: ПАЙҒАМБАР САЛЛОЛЛОҲУ
АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМГА
САЛОВАТИ ШАРИФ
КЕЛТИРМОҚНИНГ СИФАТИ
(ШАКЛИ)**

٤٨٢ — حدثنا محمود بن غثيان قال حدثني أبو أسامة عن مسعر والأجلح
ومالك بن معمر عن الحكم بن عتيبة عن عبد الرحمن بن أبي ليلى عن
كعب بن عجرة قال: قلنا يا رسول الله، هذا السلام عليك قد آتينا فكيف
الصلة عليك؟ قال: قولوا اللهم صل على محمد وعلى آل محمد كما صليت على
إبراهيم إنك حميد مجيد وبارك على محمد كما باركت على إبراهيم إنك حميد
مجيد»

482. *Кабб ибн Ужра (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди:* «Дедикки, Ё Расулуллох! Бу – сизга салом, буни (ташаххуддан) билиб олдик. Энди сизга қандай саловат айтамыз?» Марҳамат қилдиларки,

« اللهم صل على محمد و على آل محمد »

касалити на Ибраһим инк Ҳамид Мажид ибарак на Мамд ка барак на Ибраһим инк
235 «Аллохумма солли ъала Муҳаммадин ва ъала
ла аали Муҳаммад, камаа соллайга ъала Иброҳим, ин-
нака Ҳамийдум-Мажийд. Ва баарик ъала Муҳаммадин,
камаа баарокта ъала Иброҳим, иннака Ҳамийдум-
Мажийд») деб айтингизлар».

²³⁵Маъноси: «Аллоҳим! Муҳаммад (саллаллоху алайҳи ва саллам) ва у зотининг оиласига раҳмат қил, худди Иброҳим (алайҳиссалом)га раҳмат қилганингдек! Албатта, Сен Ҳамид ва Мажидсан – барча тилларда ҳар ҳолатда мадҳ этилгувчисан ва юксаксан! Муҳаммад (саллаллоху алайҳи ва саллам)ни ҳам муборақ қил, худди Иброҳим (алайҳиссалом)ни муборақ қилганингдек! Албатта Сен Ҳамид ва Мажидсан – барча тилларда ҳар ҳолатда мадҳ этилгувчисан ва юксакдирсан!»

Маҳмуд (Термизийнинг устози), Абу Усомадан нақл этиб, бундай деди: «Зоида, Ал-Аъмашдан, Ал-Ҳакамдан, Абдурраҳмон ибн Аби Лайлодан менга ушбу қўшимча ривоятни баён қилди: «Абдурраҳмон ибн Аби Лайло: «Ва биз: « وَعَلَيْنَا »²³⁶ деймиз, деди».

Бу бобда Али, Абу Ҳумайд, Абу Масъуд, Талҳа, Абу Саъид, Бурайда, Хорижанинг ўгли Зайд – у Жориянинг ўгли деб ҳам айтилади – ва Абу Хурайра (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Каъб ибн Ужранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Абдурраҳмон ибн Аби Лайлонинг куняси – Абу Исо, Абу Лайлонинг исми эса – Ясор.

349-БОБ

МАВЗУ: ПАЙҒАМБАР САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМГА САЛОВАТИ ШАРИФ КЕЛТИРМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ

{ ۸۳ } — حدثنا محمد بن بشر أخبرنا محمد بن خالد بن عثمة قال :
حدثنا موسى بن يعقوب الزمعي حدثني عبد الله بن كيسان أن عبد الله
ابن شداد أخبره عن عبد الله بن مسعود أن رسول الله صلى الله عليه وسلم
قال : « أولى الناس بي يوم القيامة أكثرهم على صلاة » .

483. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қиёмат кунда инсонларнинг менга энг яқини менга энг кўп саловат айтганидир».

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деб айтганлари ҳам ривоят қилинган: «Менга бир саловат айтган кишига Аллоҳ ўн саловат ёзгайдир ва унга ўн ҳасана ёзилгайдир».

²³⁶«Ва улар билан бирга бизга ҳам».

— 484 — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ أَخْبَرَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ جَنْزِرٍ عَنِ الْمَلَاءِ
ابن عبد الرحمن عن أبيه عن أبي هريرة قال : قال رسولُ الله صلى الله
عليه وسلم : « من صلى على صلاةٍ صلى الله عليه عَشْرًا » .

484. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки менга бир салот айтса, Аллоҳ унга ўн салот ёзгайдир».

Бу бобда Абдурраҳмон ибн Авф, Омир ибн Робиъа, Аммор, Абу Талҳа, Анас ва Убай ибн Каъб (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Суфён Ас-Саврийдан ва биттадан кўп илм аҳлидан ривоят қилинган, айтдилар: «Раббнинг (Парвардигорнинг) салоти – раҳмат ва малоиканинг салоти истиғфордир».

— 485 — حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ حَلَبَانُ بْنُ مَسْلَمٍ الْبَلَيْحِيُّ لَمَّصَحِقٍ أَخْبَرَنَا
النَّضْرُ بْنُ نَحْتَيْلٍ عَنِ أَبِي قُرَّةَ الْأَسَدِيِّ عَنِ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيْبِ عَنِ عُمَرَ
ابن الخطاب قال : إنَّ الدعاءَ مَوْقُوفٌ بين السماء والأرضِ لا يَصْعَدُ مِنْهُ
شَيْءٌ حَتَّى نَصَلِّيَ عَلَى نَبِيِّكَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

485. Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Дуо осмон билан ер орасида тўхтатиб турилгайдир, токи Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга салот айтмагунингча, бу дуодан бирор сўз (осмонга) чиқмас».

Ал-Аъло ибн Абдурраҳмон²³⁷ – Ал-Хурақонинг мавлоси бўлмиш Яъқубнинг ўғли. Аъло– тобиъийндан. Анас ибн Молик ва бошқалардан ҳадис эшитган. Аълонинг отаси Абдурраҳмон ибн Яъқуб ҳам тобиъийндан.

²³⁷Бу зотнинг исми Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган 484-рақамли ҳадиснинг санадида ўтди.

дир. Абу Хурайрадан ва Абу Саъид Ал-Худрийдан ҳадис эшитган. Яъқуб эса тобиъийнинг улуғларидандир. Умар ибн Хаттоб билан кўришган ва у кишидан ҳадис ривоят қилган.

٤٨٦ — حدثنا عباس بن عود المظيم التبري أخبرنا هبة الرحمن بن مهدي عن مالك بن أنس من التلاء بن عبد الرحمن بن يعقوب عن أبيه عن جده قال : قال عمر بن الخطاب رضي الله عنه : لا يبيع في سوقنا إلا من تفقه في الدين .

486. Яъқубдан ривоят қилинди; айтди: Умар ибн Ал-Хаттоб (розияллоҳу анҳу) бундай дедилар: «Бизнинг бозоримизда фақат динда фақиҳ бўлган киши савдо қилсин!»

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

ВИТР БОБЛАРИ ТУГАДИ



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

ЖУМЪА БОБЛАРИ

350-БОБ

МАВЗУ: ЖУМЪА НАМОЗИНИНГ ФАЗИЛАТИ

٤٨٧ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا الْمُنْبِرَةُ بِنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ أَبِي الزِّنَادِ عَنِ الْأَعْرَجِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « خَيْرُ يَوْمٍ طَلَعَتْ فِيهِ الشَّمْسُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ ، فِيهِ خَلِقَ آدَمُ ، وَفِيهِ أُدْخِلَ الْجَنَّةَ ، وَفِيهِ أُخْرِجَ مِنْهَا ، وَلَا تَقُومُ السَّاعَةُ إِلَّا فِي يَوْمِ الْجُمُعَةِ » .

487. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жумъа кунининг энг яхши кун жумъа кунидир. Одам (алайҳиссалом) ул кунда яратилди, ул кунда Жаннатга киритилди ва ул кунда Жаннатдан чиқарилди. Соат (қиёмат) ҳам фақат ул кунда қўпгайдир».

Бу бобда Абу Лубоба, Салмон, Абу Зарр, Саъд ибн Убода ва Авс (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди. Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

351-БОБ

МАВЗУ: ЖУМЪА КУНИДА ДУО ИЖОБАТ
БЎЛАДИГАН СОАТ

٤٨٨ — حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الصَّبَّاحِ الْمَشْمُؤِيُّ الْبَغْدَادِيُّ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الْجَمِيدِ الْخَلْفِيُّ أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي حَمْدٍ أَخْبَرَنَا مُوسَى بْنُ وَرْدَانَ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « إِتَمَّسُوا السَّاعَةَ الَّتِي تَرْجَى فِي يَوْمِ الْجُمُعَةِ بَعْدَ الْمَصْبَرِ إِلَى غَيْبُوتِ الشَّمْسِ » .

488. Анас ибн Молик (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; Набий саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Жумъа куни кутиладиган (дуо мустажоб бўладиган) соатни асрдан кейин то қуёш ғойиб бўлгунича ахтарингизлар».

Бу ҳадис ушбу важдан ғариб. Бу ҳадис Анас (розияллоху анху)дан, Набий саллаллоху алайҳи ва салламдан бошқа важдан ҳам ривоят қилинган.

Муҳаммад ибн Абу Хумайд заиф деб топилган. Баъзи муҳаддислар, хотираси жиҳатдан унинг заиф эканини қайд этганлар. Уни Хаммод ибн Абу Хумайд ҳам дейишади. Абу Иброҳим Ал-Ансорий ўша эканлиги айтилган. Унинг ҳадиси мункар.

Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари дуо ижобат бўладиган соатни асрнинг кетидан то қуёш ботгунича чўзилган вақт орасида деб ҳисоблайдилар. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу.

Аҳмад бундай дейди: «Ҳадисларинг кўпи, дуоси мустажоб бўладиган соат аср намозидан кейин эканлиги борасидадир. Заволдан кейин ҳам кутилади».

٤٨٩ — حدثنا زيادُ بنُ أيوبَ البغداديُّ أخبرنا أبو عامرٍ التَّمَدِيُّ
أخبرنا كثيرُ بنُ عبدِ الله بنِ عمرو بنِ حوفٍ المزنيُّ عن أبيه عن جدِّه عن
الذي صلى الله عليه وسلم قال : « إنَّ في الجُمُعَةِ ساعةٌ لا يسألُ اللهَ العبدُ
فيها شيئاً إلاَّ آتاهُ اللهُ إجابَةً ، قالوا يا رسولَ اللهِ أيةُ ساعةٍ هي ؟ قال :
حينُ نُقامُ الصَّلَاةَ إلى انصرافِ منها . »

489. Амр ибн Авф Ал-Музаний (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; Набий саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Жумъа кунида бир соат борки, банда ўшал соатда Аллоҳдан нимаки тиласа, Аллоҳ тилагини ато этгайдир». «Ё Расулуллоҳ! Ул қайси соатдир?» — дейишди. Айтдилар: «Намозга иқомат айтил-

ганидан то намоздан тарқалгунча (бўлган муддат)дир».*

٤٩٠ — حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مَوْسَى الْأَنْصَارِيُّ أَخْبَرَنَا تَمَمٌ أَخْبَرَنَا
 مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ عَنْ يَزِيدَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْمَدَائِدِ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ عَنْ
 أَبِي سَلَمَةَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « خَيْرُ
 يَوْمٍ طَلَمَتْ فِيهِ الشَّمْسُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ ، فِيهِ خُلِقَ آدَمُ وَفِيهِ أُدْخِلَ الْجَنَّةَ ،
 وَفِيهِ أُهْبِطَ مِنْهَا ، وَفِيهِ سَاءَتْ لَا يُوَأَقِّمُهَا عَبْدٌ مُسْلِمٌ يَصَلِّيُ فِيهَا لُحْمًا فِيهَا
 شَيْئًا إِلَّا أُعْطِيَ إِيَّاهُ » . قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ : فَلَقِيتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ سَلَامٍ
 فَذَكَرْتُ لَهُ هَذَا الْحَدِيثَ ، فَقَالَ : أَنَا أَعْلَمُ بِتِلْكَ السَّاعَةِ ، قُلْتُ : أَخْبِرْنِي
 بِهَا وَلَا تَصْنَعْ بِهَا عَلَيَّ ، قَالَ : هِيَ بَدَأَ الْمَصْرَ إِلَى أَنْ تَقْرُبَ الشَّمْسُ قَابَتُ
 فَكَيْفَ تَسْكُونُ بَدَأَ الْمَصْرَ وَقَدْ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ :
 لَا يُوَأَقِّمُهَا عَبْدٌ مُسْلِمٌ وَهُوَ يَصَلِّيُ وَتِلْكَ السَّاعَةُ لَا يَصَلِّيُ فِيهَا ؟ قَالَ عَبْدُ اللَّهِ
 بْنُ سَلَامٍ : أَلَيْسَ قَدْ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « مَنْ جَلَسَ
 عَجَازًا يَنْتَظِرُ الصَّلَاةَ فَهُوَ فِي الصَّلَاةِ ؟ قُلْتُ : بَلَى ، قَالَ : فَهُوَ ذَلِكَ »

490. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Куёши порлаган энг яхши кун жумъа кунидир. Одам (алайҳиссалом) ул кунда яратилди, ул кунда Жаннатга киритилди ва ул кунда Жаннатдан туширилди. Ул кунда бир соат борки, мусулмои банда намоз ўқиб ўшал соатга мувофиқ келтирса, унда Аллоҳдан нимаинки тиласа, Аллоҳ тилаги-

*Абу Мусо ривоят қилган ва Муслим томонидан тахриж этилган ҳадисда «У соат имом (минбарга чиқиб) ўтириши билан намоз ўқилиши орасида», дейилади.

ни ато қилгайдир...»²³⁸ Абу Ҳурайра айтади: «Абдуллоҳ ибн Салом билан учрашдим-да, унга ушбу ҳадисни зикр қилдим. Шунда у: «Мен ўша соатни биламан» деб қолди. «Бас, ўша соатни менга билдир, уни мендан қизганма», дедим. Айтди: «У соат асрдан кейин то куёш ботгунчадир»²³⁹. «Асрдан кейин қандай бўлади? Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон банда намоз ўқиб, ўшал соатга мувофиқ келтирса» дедилар. Ҳолбуки, у вақт (асрдан кейин) намоз ўқиладиган вақт эмас-ку?» дедим. Шунда Абдуллоҳ ибн Салом айтди: «Ахир, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бир мажлисда ўтириб, намозни кутса, ул киши намоздадир» деб айтмаганмидилар!» «Балли!» дедим. «Бас, у (соат) ана шудир», деди.²⁴⁰

Бу ҳадисда узун бир қисса бор.

«Бас, ўша соатни менга ҳам билдир, уни мендан қизганма» деган сўзнинг маъноси: «Зонин» («зод» билан) – зикна ва хасис дегани. «Занин(а) («з») билан –

²³⁸Тиланадиган нарса Аллоҳдан тиланишга лойиқ нарса бўлиши керак. Баъзи бир бошқа ривоятларда «нимаки тиласа» деган ибора ўрнига «нимаки яхшилик тиласа» дейилган.

²³⁹Яъни ўша соат – Жумъа кунини аср билан шом орасидаги бир соатдир. Бу ўриндаги «соат» деган сўздан олтмиш дақиқалик бир вақт бўлаги назарда тутилган эмас, умуман, муайян вақт кўзда тутилган. Бинобарин, бир миқдордаги дуони ва ибодатни сиғдирадиган даражадаги бир вақт эканлигига шубҳа йўқ. («Саҳиҳи Бухорий»да Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша вақтнинг қисқалигини кўллари билан ишора қилганлари айтилган. – М.К.).

²⁴⁰Жумъа куниндаги бу соат борасида олимлар ихтилоф қилишди. Ҳофиз ибн Ҳажар «Фатҳ-ул-борий»да уламанинг бу масаладаги қирқдан ортиқ қавлини зикр қилади ва сўнгида бундай дейди: «Зикр этилган қавллардан энг рожиҳ (мақбул) қавл Абу Мусонинг ривояти билан Абдуллоҳ ибн Саломнинг ривоятидир». Муслим тажриж этган- Абу Мусо ривоят қилган ҳадисда у соат – имомнинг (минбарга чиқиб) ўтирмоғи билан намознинг тугамоғи ўртасида эканлиги таъкидланган.

муттаҳам (туҳматга қолган, гумон қилинган) киши дега-
ни.

352-БОБ

МАВЗУ: ЖУМЪА КУНИ ҒУСЛ ҚИЛМОҚ

٤٩١ — حدثنا أحمد بن سنيح أخبرنا سفيان بن عيينة عن الزهري
من سالم عن أبيه أنه سمع النبي صلى الله عليه وسلم يقول: « من أتى
الجمعة فليغتسل » .

491. *Ибн Умардан (розиаллоҳу анҳумо) ривоят қилинди; у киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган, (У зот) айтдиларки, «Кимки Жумъага келса, ғусл қилиб келсин!»*

Бу бобда Абу Саъид, Умар, Жобир, Ал-Барро, Оиша ва Абуд-Дардо (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Шунингдек, бу ҳадис Аз-Зухрийдан, Абдуллоҳ ибн Умардан, у кишининг оталаридан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган.

٤٩٢ — حدثنا بذلك قتيبة أخبرنا الأثير بن محمد عن ابن شهاب
من عبد الله بن عبد الله بن عمر عن عبد الله بن عمر عن النبي صلى الله
عليه وسلم مثله .

492. *Қутайба, 'Ал-Лайс ибн Саъддан, Ибн Шихобдан, Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Умардан, Абдуллоҳ ибн Умардан, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бизга баён этди: ўтган ҳадиснинг ўзи.*

Муҳаммад (Ал-Бухорий) айтди: «Аз-Зухрийнинг Солимдан, Солимнинг отасидан ва Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳнинг ўз оталаридан қилган ривоятлари, ҳар иккала ривоят ҳам саҳиҳ.

٤٩٣ — وقال بعض أصحاب الزُّهْرِيِّ عن الزُّهْرِيِّ قَالَ : حَدَّثَنِي آلُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ عَنْ ابْنِ عُمَرَ بَيْنَمَا نَحْنُ بِنِجْمٍ بَيْنَ الْخَطَّابِ يَخْطُبُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ إِذْ دَخَلَ رَجُلٌ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : آيَةٌ سَاعَةَ هَذِهِ ؟ فَقَالَ : مَا هُوَ إِلَّا أَنْ تَحَمَّتِ النَّدَاءُ وَمَا زِدْتُ عَلَى أَنْ تَوَضَّأْتُ قَالَ : « وَالْوَضُوءُ أَيْضًا وَقَدْ عَلِمْتَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَ بِالنُّسْلِ » .

493. Az-Zухрийнинг баъзи биродарлари Az-Zухрийдан нақл этиб, «Менга Абдуллоҳ ибн Умарнинг оиласи Ибн Умардан баён қилиб берди» деди; «Умар ибн Ал-Хаттоб (розияллоҳу анху) жумъа куни хутба айтаётган эдилар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бир киши масжидга кириб келди.²⁴¹ Шунда Ҳазрати Умар (хутбада туриб) «Бу соат қайси вақтдир (яъни, нега кеч қолдингиз?)» – дедилар. «Ногоҳ азонни эшитдим таҳорат олиб улгурдим» деди. Ҳазрати Умар айтдиларки, «Фақат таҳорат, холосми? Ахир, сиз биласиз-ку, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам гусл қилмоққа буюрганлар».

Буни бизга Муҳаммад ибн Абон, Абдураззоқдан, Маъмардан, Az-Zухрийдан нақл этиб, баён қилиб берди.

٤٩٤ — حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ صَالِحٍ عَنِ الْبَيْتِ عَنْ يونسَ عَنِ الزُّهْرِيِّ بِهَذَا الْحَدِيثِ .

494. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон бу ҳадисни (ўтган ҳадисни айтмоқчилар) бизга Абдуллоҳ ибн Солиҳдан, Ал-Лайсдан, Юнусдан, Az-Zухрийдан баён қилди.

Молик бу ҳадисни Az-Zухрийдан, Солимдан (мунқотиъ тарзида) ривоят қилди. Солим: «Ҳазрати Умар жумъа куни хутба ўқиётган эдилар...», дейди ва ҳадисни зикр қилади. Муҳаммад (Ал-Бухорий)дан Мо-

²⁴¹Бир қанча ривоятларда бу зот Ҳазрати Усмон (розияллоҳу анху) эканликлари қайд этилган.

ликнинг бу ҳадисини сўраган эдим, «Саҳиҳ ривоят — Аз-Зухрийнинг Солимдан, Солимнинг отасидан қилган ривоятидир», деди.

Муҳаммад (Ал-Бухорий) айтади: «Уйқаш тарзда бу ҳадис Молик орқали ҳам Аз-Зухрийдан, Солимдан Солимнинг отасидан ривоят қилинган».

353-БОБ

МАВЗУ: ЖУМЪА КУНИ ҒУСЛ

ҚИЛМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ

٤٩٥ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ أَخْبَرَنَا وَكَيْعٌ عَنْ سَعِيدَانَ وَأَبِي جَبَابٍ يَجْبِي بْنُ أَبِي حَبِيَّةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَيْسَى عَنْ يَجْبِي بْنِ الْحَارِثِ عَنْ أَبِي الْأَشْعَثِ الصَّنَعَانِيِّ عَنْ أَوْسِ بْنِ أَوْسٍ قَالَ قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ اغْتَسَلَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَغَسَلَ وَبَكَرَ وَابْتَكَّرَ وَذَنَا وَاسْتَمَعَ وَأَنْصَتَ كَانَ لَهُ بِكُلِّ خَطْوَةٍ يَخْطُوهَا أَجْرُ سَنَةِ صِيَامِهَا وَقِيَامِهَا»

495. *Авс ибн Авс (розияллоху анхумо)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам менга бундай дедилар: «Кимки жумъа кунини ғусл қилса ва (аҳлини ҳам) ғусл қилдирса, (масжидга) эрта келса, (хутбанинг аввалига улгурса) (имомга) яқин ўлтирса, сукут қилиб, хутбани эшитса, босган ҳар бир қадами учун унга рўзаси (нафл рўзалари) ва намози (нафл ибодатлари) билан биргаликда бир йиллик ажр бордир».*

Маҳмуд (Термизийнинг устози) бу ҳадисда Вакиънинг бундай деганини нақл этди: «Ўзи ғусл қилса ва

жуфти ҳалолани ҳам ғусл қилдирса...»²⁴²

Ибнул-Муборак ушбу ҳадисда бундай дегани ривоят қилинди. («Кимки ювса ва ювинса». Яъни бошини ювса ва ювинса (ғусл қилса), дейди.

Бу бобда Абу Бакр, Имрон ибн Ҳусайн, Салмон, Абу Зарр, Абу Саъид, Ибн Умар ва Абу Аййуб (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Авс ибн Авсинг ҳадиси ҳасан. Абул-Ашъас Ас-Санъонийнинг исми – Шурахбил ибн Ода.

354-БОБ

МАВЗУ: ЖУМЪА КУНИ ТАҲОРАТ БИЛАН КИФОЯЛАНМОҚ

٤٩٦ — حَدَّثَنَا أَبُو مُوسَى مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى أَخْبَرَنَا سَعِيدُ بْنُ سَعْيَانَ الْجَنْدَرِيُّ أَخْبَرَنَا شَيْبَةَ عَنْ قَتَادَةَ عَنِ الْحَسَنِ بْنِ سُرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « مَنْ تَوَضَّأَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ قَبْلِهَا وَنِيَمَتَا . وَمَنْ اغْتَسَلَ فَالْتَسَلَ أَفْضَلُ »

496. Самура ибн Жундуб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки жумъа куни таҳорат олса, бу етарли ва жуда яхшидир. Кимки ғусл қилса, бас, ғусл афзалроқдир».

Бу бобда Абу Ҳурайра, Анас ва Оиша (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Самуранинг ҳадиси ҳасан. Қатоданинг биродарларидан баъзиси бу ҳадисни Қатодадан, Ал-Ҳасандан, Самурадан ривоят қилди. Баъзиси эса: «Қатодадан, Ал-Ҳасандан, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан» деб

²⁴²Бу сўз ҳадиснинг бошида келган: « مَنْ اغْتَسَلَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَغَسَّلَ »
(иборасининг тафсиридир. Уламанинг баъзи қавлига кўра «غَسَلَ»
фёъли «اغْتَسَلَ» фёълининг таъкиди тарзида ҳам келган.

мурсал тарзида ривоят қилди. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Жумъа куни гусл қилмоқни ихтиёр этмоқ билан бирга бу кунда чўмилмоқнинг ўрнига таҳорат билан кифояланмоқни жоиз деб ҳисоблайдилар.

Шофиъий айтади: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг гусл қилмоқ борасидаги амрлари вожиб даражасида бўлмасдан, ихтиёрийлик асосида эканлигига далолат қиладиган ҳадислардан бири ҳам Ҳазрати Умарнинг ҳадисидир».

Чунончи, у киши Ҳазрати Усмонга «Фақат таҳорат холосми? Ахир, сиз биласиз-ку, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам гусл қилмоқни буюрганлар», деб айтганлар. Ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу) Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрлари ихтиёрийлик асосида эмас, балки вожиблик асосида, деб билсалар эди, (Ҳазрати) Умар (Ҳазрати) Усмонни орқага қайтармасдан қўймас эдилар, у зотга: «Қайтинг, гусл қилинг!» дер эдилар. Ҳазрати Усмоннинг ўзларига ҳам бу масала махфий қолмасди. Бинобарин, бу ҳадисда, мусулмон киши қилиши зарур бўлган бир вожиб амал йўқлигига, балки жумъа куни гусл қилмоқликда фазилат борлигига далолат мавжуддир»²⁴³.

²⁴³Жумъа куни гусл қилмоқ ихтиёрий эканлигига доир далил ана шу тарзда келтирилади. Баъзилар бу қарорга илова қилиб, «Масжидда бўлган саҳобалар (розияллоҳу анҳум) Ҳазрати Умар билан, Ҳазрати Усмоннинг бу ҳолатларига мувофақат этган бўладилар, демак, Жумъа куни гусл ихтиёрий эканлиги борасида иттифоқ қилганлар, деб айтиш мумкин». Бошқа томондан эса Ҳазрати Умар ва Ҳазрати Усмоннинг бу қиссасидан Жумъа куни гусл қилмоқ вожиб эмас деган маънони эмас, аксинча, вожиб деган маънони чиқарганлар бор. Буларнинг фикрича, Ҳазрати Умар хутбани бўлиб, ҳамманинг олдида Ҳазрати Усмонни айблаб, у зотга озор бердилар, демак, жумъа куни гусл этмоқ мубоҳ бўлса эди, бундай қилмаган бўлардилар. Ҳазрати Усмон эса вақт танг бўлганидан ва Жумъа намозини бой бериш хавфи бўлганидан орқага қайтмадилар. Чунончи, бир зарурият натижасида вақтни ўтказиб юборганларини ва фақат жумъа азонини эшитгач, ўзларига

٥٩٧ — حَدَّثَنَا هَذَا أَخْبَرَنَا أَبُو معاويةَ عن الأعمشِ عن أبي صالحٍ عن أبي هريرةَ قال : قال رسولُ الله صلى الله عليه وسلم : « من توضأ فأحسن الوضوء ، ثم أتى الجمعةَ فذَنَّا واستَسَعَّ وانصَتَ عُغْرَ لَه ما بيْنَه وبين الجمعةِ وزيادةِ ثلاثةِ أيامٍ ، ومن مسَّ السَّلَى فقد لغا » .

497. Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки чиройли таҳорат олса, кейин Жумъа намозига келса, хутба ўқилганда эшитиб сукут қилиб ўтирса, у жумъа билан бу жумъа орасидаги гуноҳлари мағфират қилинган; бундан зиёда яна уч куни ҳам кечирилув. Ва кимки (хутба маҳалида) тош бўлакчаларини текисласа, ноўрин иш билан шуғулланган бўлув».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

355-БОБ

МАВЗУ: ЖУМЪАГА ЭРТАРОҚ ҲАРАКАТ ҚИЛИМОҚ

٤٩٨ — حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ موسى الأَنْصَارِيُّ أَخْبَرَنَا مَنْ أَخْبَرَنَا مالكٌ عن سُوَيْبٍ عن أبي صالحٍ عن أبي هريرةَ أن رسولَ الله صلى الله عليه وسلم قال : « من اغتسلَ يومَ الجمعةِ غُسلَ الجنابةِ ثمَّ رَاحَ فكأنما قَرَّبَ بِدَفَّةٍ ، ومن راحَ في الساعةِ الثانيةِ فكأنما قَرَّبَ بِقَرَّةٍ ، ومن رَاحَ في الساعةِ الثالثةِ فكأنما قَرَّبَ كَبِشًا أَقْرَنَ ، ومن راحَ في الساعةِ الرابعةِ فكأنما قَرَّبَ دَجَاجَةً ، ومن راحَ في الساعةِ الخامسةِ فكأنما قَرَّبَ بَيْضَةً فإذا خرجَ الإمامُ حَضَرَتِ الملائكةُ يَسْتَمِعُونَ الذُّكْرَ » .

келганларини таъкидлаганлар. («Саҳиҳи Бухорий»да Ҳазрати Усмон (розияллоху анху) бир юмуш билан банд бўлиб қолдим» деб айтганлари келтирилган). Бу ҳолат Ислом ҳукуқи бой ва ранг-баранглигини, порлоқ намуналардан биттаси шу эканлигини кўрсатади.

498. Абу Хурайра (розиллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимки жумъа кунни худди жунубликда ғусл қилгандек ғусл қилса-да, биринчи соатда (биринчи бўлиб) масжидга борса, худди бир туя қурбонлик қилгандек бўлур. Кимки иккинчи соатда (иккинчи бўлиб) борса, худди бир сигир қурбонлик қилгандек бўлур. Кимки учинчи соатда (учинчи бўлиб) борса, худди бир қаттакон қўчқор қурбонлик қилгандек бўлур. Кимки тўртинчи соатда (тўртинчи бўлиб) борса, худди бир товуқ сўйиб садақа қилгандек бўлур. Кимки бешинчи соатда (бешинчи бўлиб) борса, худди бир тухум садақа қилгандек бўлур. Имом мишбарга чиққач, малоикалар хутбаини тингламоқ учун ҳозир бўлгайдирлар»²⁴⁴.

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амр ва Самура

²⁴⁴Имоми Молик мазҳабига кўра ҳадисда айtilган «соат»лардан мурод – куёшнинг завол вақтидан кейинги қисқа вақт бўлаклари дидир. Моликнинг биродарлари, Қози Хусайн ва Имом-ул-ҳарамайн ҳам шу қавлга эга бўлганлар. (Бу ўринда яқка-яқка ҳолда биринчи ва иккинчи бўлиб бориш маъноси эмас, балки ўша «соатда», – яъни вақтнинг ўша муайян балки ўн киши борса

ҳам, ўша соатда ўша савобни топади). Уларнинг фикрича «**رواح**» («равоҳ») деб заволдан кейин бўладиган бориш айтилади. Бу сўзнинг луғавий маъноси шу деб айтмоқдалар. Жумҳур уламнинг фикрича, жумъага куннинг бошидан ҳаракат қилмоқ – мустаҳаб.

«**رواح**» («равоҳ») (бориш, равона бўлиш) – заволдан олдин ҳам, кейин ҳам бўлаверади. Ал-Азҳарий айтади: «Хоҳ кундузнинг авва-

лида, хоҳ охиридаа, хоҳ кечкурун бўлсин, «**رواح**» («равоҳ») – араб тили луғатида – бормоқ (равона бўлмоқ) маъносида дидир». Тўғри таъриф шудир, ҳадис ва маъно шуни тақозо қилмоқда. Чунки, агар фақат заволдан кейинги бориш «равоҳ» дейилса, унда заволдан кейинги келишининг бирор фазилати йўқ. Зеро, заволнинг изидан азон айтиладики, азондан кейин кечга қолмоқ, асосан, ҳаром.

(розияллоху анхумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

356-БОБ

МАВЗУ: УЗРСИЗ ҲОЛДА ЖУМЪАНИ ТАРК ЭТМОҚ

٤٩٩ - حدثنا علي بن خشرم أخبرنا عيسى بن يونس عن محمد بن عمرو عن عبيدة بن سفيان عن أبي الجعد بن الضمري وكانت له محبة فيما زعم محمد بن عمرو ، قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم « من ترك الجمعة ثلاث مرات نهاونا بها طبع الله على قلبه » .

499. *Муҳаммад ибн Амр томонидан саҳоба деб уқдирилган Абул-Жаъд Ад-Зоббий (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки бепарволик қилиб жумъа (намози)ни уч марта тарк этса, Аллоҳ унинг қалбини муҳраб кўйгайдир»²⁴⁵.*

Бу бобда Ибн Умар, Ибн Аббос ва Самура (розияллоху анҳо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абул Жаъднинг ҳадиси ҳасан. Муҳаммад (Ал-Бухорий)дан Абул-Жаъд Ад-Домирийнинг исмини сўрадим, билмади ва бундай деди: «Унинг Набий саллаллоху алайҳи ва салламдан қилган ривояти сифатида фақат шу ҳадисни биламан».

Бу ҳадисни ҳам фақат Муҳаммад ибн Амрнинг ривоятидан билаётирмиз.

²⁴⁵Ал-Ироқий: «Бепарволик қилиб» деган таъбирдан «узрсиз ҳолда тарк этса» деган маъно қасд этилганини айтади. Шайх Абдулҳақ эса «Ал-ламаот» китобида «таҳовун»ни «такосул» деб тафсир қилган. Чунончи, жумъани ихонат (таҳқир) ва истихфоф (хамситиш) йўли билан тарк этмоқлик куфрн мужибдир.

357-БОБ

**МАВЗУ: ЖУМЪАГА ҚАНЧА МАСОФАДАН
КЕЛИНАДИ?**

••• حَدَّثَنَا عَبْدُ بْنُ مُحَمَّدٍ وَعَمْرُو بْنُ مَدْوَيْهِ قَالُوا حَدَّثَنَا الْقَسْبَلِيُّ
ابْنُ دُكَيْنٍ أَخْبَرَنَا إِسْرَائِيلُ عَنْ ثَوْبَانَ عَنْ رَجُلٍ مِنْ أَهْلِ قُبَاءَ عَنْ أَبِيهِ
وَكَانَ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : أَمَرَنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
وَسَلَّمَ أَنْ نَشْهَدَ الْجُمُعَةَ مِنْ قُبَاءَ .

500. Сувайрнинг отаси (Абу Фохита Саъид ибн Улайқа)дан ривоят қилинди; у Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан эди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга жумъага Кубодан қатнамоғимизни амр қилдилар»²⁴⁶.

Бу ҳадисни ёлғиз шу ваҳхдан билаётирмиз. Бу бобда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бирор саҳиҳ ҳадис ривоят қилинмаган.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганлари ривоят қилинди: «Шом оиласига қайтарган (кеч тушмасдан уйига қайтиб кела оладиган) кишига жумъа вожибдир». Бу ҳадиснинг ҳам санади заиф. Чунки ёлғиз Муорик ибн Аббоснинг – Абдуллоҳ ибн Саъид Ал-Мақбурийдан қилган ривоятдан келаётир. Яхё ибн Саъид Ал-Қаттон, Абдуллоҳ ибн Саъид Ал-Мақбурийнинг ҳадисда заиф эканини қайд этган.

Илм аҳллари, жумъа кимнинг зиммасида вожиб эканлиги масаласида ихтилоф қилдилар. Баъзиси: «Шом тушмасдан уйига қайта оладиган кишига вожиб» деди, баъзиси эса: «Жумъа фақатгина азонни эшита оладиган кишиларнинг бўйнида вожиб бўлади», дейди. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳокнинг қавли шудир.

Аҳмад ибн Ал-Ҳасандан эшитдим; айтдики,

²⁴⁶Мадинадан икки мил масофада жойлашган бир манзил. Макка шаҳрига кетаётганда чап томонда қолади.

«Аҳмад ибн Ханбалнинг ёнида эдик. Жумъа кимга вожиб эканлиги масаласи ўтди. Аҳмад Ибн Ханбал бу масалада Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бирор нарса (ҳадис) зикр қилмади». *Аҳмад ибн Ал-Ҳасан айтади: «Шунда (мен) Аҳмад ибн Ханбалга: «Бу масалада Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) орқали Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис ривоят қилинди» дедим. Аҳмад ибн Ханбал: «Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламданми?» деди. «Ҳа, — дедим. — Ал-Ҳажжож ибн Нисойр, Муориқ ибн Аббосдан, Абдуллоҳ ибн Саъид Ал-Мақбурийдан, унинг отасидан, Абу Ҳурайрадан, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бизга баён қилди; (Расули Акрам) айтдиларки, «Шом оиласига қайтарган (кеч тушмасдан уйига қайтиб кела оладиган) кишига жумъа вожибдур»... Шунда Аҳмад мендан хафа бўлди ва: «Раббингга тавба қил! Раббингга тавба қил!» деди... Аҳмад ибн Ханбалнинг унга нисбатан бундай муомалада бўлганининг ягона сабаби шуки, Аҳмад бу ҳадисни бирор нарса ҳисобламайди ва иснодидаги аҳвол туфайли уни заиф деб билади.*

358-БОБ

МАВЗУ: ЖУМЪА (НАМОЗИ)НИНГ ВАҚТИ

۵۰۱ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ حَنْبَلٍ أَخْبَرَنَا سُرَيْجُ بْنُ النَّمَانِ أَخْبَرَنَا
فَلَيْحُ بْنُ سُلَيْمَانَ عَنْ عُمَانَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ التَّمِيمِيِّ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ
النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَصَلِّيُ الْجُمُعَةَ حِينَ تَمِيلُ الشَّمْسُ .

501. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа намозини куёш (ғарбга) мойил бўлганида (қиёмдан оғган пайтда) ўқир эдилар».

۵۰۲ — حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مَوْسَى أَخْبَرَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ أَخْبَرَنَا
فَلَيْحُ بْنُ سُلَيْمَانَ عَنْ عُمَانَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ التَّمِيمِيِّ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَوْهٍ .

502. Яҳё ибн Мусо, Абу Довуд Ат-Тойалисийдан, Фулайх ибн Сулаймондан, Усмон ибн Абдурахмон Ат-Таймийдан, Анасдан накл этиб, бизга баён қилди... Ўтган ҳадиснинг ўзи.

Бу бобда Салама ибн Ал-Аква, Жобир ва Аз-Зубайр ибн Ал-Авом (розияллоху анҳо)дан ҳадис ривоят қилинди. Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳлларининг кўпи шу ҳадис асосида иттифоқ қилганлар: Жумъа намозининг вақти, худди пешиннинг вақтидек, қуёш қиёмдан оған пайтда киради. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу. Баъзиси жумъа намозини заволдан (қуёш қиёмдан оғишидан) олдин ҳам ўқиш жоиз деб ҳисоблайди. Аҳмад, «**Кимки жумъа намозини заволдан олдин ўқиса**» дейди ва у кишининг зиммасида иода қилиш (қайта ўқиш) лозим бўлади, деган фикрга бормайди²⁴⁷.

359-БОБ

МАВЗУ: МИНБАР УСТИДА ХУТБА ЎҚИЛМОҒИ

۵۰۳ — حدثنا أبو حنيفة عمرو بن علي الفلاس أخبرنا عثمان بن عمر ويحيى بن كثير أبو عثمان العنبري قال حدثنا معاذ بن العلاء عن نافع عن ابن عمر « أن النبي صلى الله عليه وسلم كان يخطب إلى جذع ، فلما اتخذ المنبر حن الجذع حتى أتاه فالتزمه فكنن » .

503. Ибн Умар (розияллоху анҳумо)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам бир хурмо ёғочи (устуни)га суяниб туриб хутба айтар эдилар. Минбар тутган (қун)ларида ўша устун (аламидан) ун чекиб йиғлади. Ҳатто Расули Акрам уни кучоқлаб

²⁴⁷Ҳанбалийлар баъзан жумъа намозини заволдан олдин ўқийдилар. (Энг тўғриси ва яхшиси Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам ўқиган вақтлари – қуёш қиёмдан оған вақтдир.)

турдилар, шундагина устун юпанди...»*

Бу бобда Анас, Жобир, Саҳл ибн Саъд, Убай ибн Каъб, Ибн Аббос ва Умму Салама (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-ғариб-саҳиҳ.

Муъоз ибн Ал-Аъло Басралик бўлиб, Абу Амр ибн Ал-Аълонинг биродаридир.

360-БОБ

МАВЗУ: ИККИ ХУТБА ОРАСИДА ЎТИРМОҚ

٥٠٤ — حَدَّثَنَا حَمِيدُ بْنُ مَسْعَدَةَ الْبَصْرِيُّ أَخْبَرَنَا خَالِدُ بْنُ الْحَارِثِ

أَخْبَرَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ عَنْ نَافِعٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ «أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَخْطُبُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ نِمًا يَجْلِسُ ثُمَّ يَقُومُ فَيَخْطُبُ . قَالَ : مَثَلُ مَا يَفْعَلُونَ الْيَوْمَ» .

504.Ибн Умардан (розияллоху анхумо) ривоят қилинди; «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам жумъа куни (тик туриб) хутба айтар эдилар, кейин ўтирар эдилар, кейин тик туриб хутба айтар эдилар». (Ибн Умар) «Худди бу кун (имомлар) қилганларидек...» деди.

Бу бобда Ибн Аббос, Жобир ибн Абдуллоҳ ва Жобир ибн Самура (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган. Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳллари икки хутбанинг орасини (бир оз) ўтириш билан айирмоқ фикридалар.**

*«Мувоҳаб» номили китобда айтилади: «Аллоҳ таоло бу ёғочга жон бериб, тиргизди. Расуллуллоҳ (с.а.в.) фиरोқида тирик кишидек товуш чиқариб йиғлади...» Шундан сўнг бу устун «Ҳаннона» («Йиғловчи») деб ном олган. Расуллоҳ (с.а.в.)нинг ушбу сўзлари зикр қилинади: «Қасам Аллоҳгаки, бунинг йиғисини ўзим келиб тўхтатмасам, Қиёматгача шу аҳволда бўзлаб йиғлар эди»

** Ҳанафий мазҳабида бу ўтириш суннатдир. Имом икки хутба орасида уч оят ўқимоқ микдори ўтириб олади. Агар ўтирмаса,

361-БОБ

МАВЗУ: ХУТБАНИНГ ҚИСКА БЎЛМОҒИ

۵۰۵ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ وَهَنَادٌ قَالَا أَخْبَرَنَا أَبُو الْأَحْوَمِ عَنْ سَمَّاكَ
ابنِ حَرْبٍ عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ قَالَ « كُنْتُ أُصَلِّيُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
وَسَلَّمَ فَكَانَتْ صَلَاتُهُ قَصْدًا وَخُطْبَتُهُ قَصْدًا » .

505. *Жобир ибн Самура (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқир эдим. У кишининг намозлари ҳам мўътадил, хутбалари ҳам мўътадил эди».*

Бу бобда Аммор ибн Йосир ва Ибн Аби Авфа (розияллоху анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган. Жобир ибн Самуранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

362-БОБ

МАВЗУ: МИНБАРДА ҚУРЪОН ЎҚИМОҚ

۵۰۶ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا سُهَيْبُ بْنُ عُبَيْدَةَ عَنْ عُمَرَ بْنِ دِينَارٍ
عَنْ عَطَاءٍ عَنْ صَفْوَانَ بْنِ يَعْلَى بْنِ أُمَيَّةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ « سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
وَسَلَّمَ يقرأُ عَلَى الْمِنْبَرِ وَيُنَادُوا يَا مَالِكُ » .

506. *Йаъло Ибн Умаййа (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам минбарда « وَيُنَادُوا يَا مَالِكُ » («Эй Малик!» деб нидо қилгайлар...» (деган оят)²⁴⁸ кироат қилганларини эшитдим».*

Бу бобда Абу Хурайра ва Жобир ибн Самура (розияллоху анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган. Йаъло ибн Умайяннинг ҳадиси ҳасан-ғариб-саҳиҳ. Бу ҳадис

суннатни тарқ қилгани учун гуноҳкор бўлур». («Мухтасар ул-виқоя», 52-бет).

²⁴⁸ «Аз-Зухруф» сураси, 77-оят: «Улар (динсизлар) дўзахнинг соқчисига): «Эй Малик! Раббинг(дан сўра, азобдан қутулмоқ учун) бизларни ҳалок айласин!...» деб нидо қилурлар...»

Ибн Уйайнанинг ривоятидир. Илм аҳлларининг баъзилари, Имомнинг хутбада Қуръон ўқимоғини ихтиёр қилганлар. Шофиъий айтади: «Имом хутба айтса-ю, хутбасида Қуръондан бирор оят ўқимаса, хутбани иода қилади (кайта ўқийди)».

363-БОБ

**МАВЗУ: ХУТБА АЙТИЛАЁТГАНДА
ИМОМГА РЎБАРЎ БЎЛИБ ЎТИРМОК**

٥٠٧ — حدثنا عباد بن يثوب الكوفي أخبرنا محمد بن الفضل ابن عطية عن منصور عن ابراهيم عن علقمة عن عبد الله بن مسعود قال: «كان رسول الله صلى الله عليه وسلم إذا استوى على المنبر استقبلنا بوجوهنا».

507. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам минбар устида ўрнашганларида бизлар у кишига юзланиб олар эдик».

Бу бобда Ибн Умардан (розияллоху анҳумо) ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадисни Мансурдан ёлғиз Муҳаммад ибн Ал-Фазл ибн Атиййа ривоят қилганини биламиз. Муҳаммад ибн Ал-Фазл ибн Атиййа эса, биродарларимизнинг фикрича, заиф ва ҳадис ҳифзини (ёдда сақлаш иқтидорини) йўқотган.

Набий саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Имом хутба айтаётганда унга рўбарў бўлиб ўтирмоқни мустаҳаб кўрадилар. Суфён Ас-Саврий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Бу бобда Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламдан бирор саҳиҳ ҳадис ривоят қилингани йўқ.

364-БОБ

**МАВЗУ: ИМОМ ХУТБА АЙТАЁТГАНДА
КЕЛГАН КИШИ ИККИ РАКЪАТ
НАМОЗ ЎҚИМОҒИ МАСАЛАСИ**

٥٠٨ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا سَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ عَمْرِو بْنِ دِينَارٍ
عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: «بَيْنَمَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ يَوْمَ
الْجُمُعَةِ إِذْ جَاءَ رَجُلٌ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَصَلَيْتَ؟ قَالَ لَا قَالَ:
فَقُمْ فَارْكَعْ».

508. Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа куни хутба ўқиётган эдилар, бир киши келиб қолди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишига: «Намоз ўқидингми?» дедилар. «Йўқ», деди. «Унда туриб намоз ўқиб ол!» дедилар.*

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

*Бу саҳиҳ ҳадисга эҳтиром сақлаган ҳолда мужтаҳидлар бундай деб иттифоқ қилганлар: «Ҳар вақт имом минбарга хутба учун чиқса, намози нафл ўқимоқ ҳаром бўлмай. Лекин «Хулоса»да имом хутба ўқимоқ учун минбарга чиққанда намози нафл ўқимоқ ҳаром эмас, макруҳдир. Бу мужтаҳидларнинг иттифоқи билан дейилибдир. Чунончи, «Жомийур-румуз»да мазкурдир. Ва агар имом минбарга чиқмасдан илгари намозни бошлаган бўлса, бир рақъат ўқигандан кейин имом минбарга чиқса, иккинчи рақъатни ўқиб, салом бергай. Агар учинчи рақъатни ўқиб турган бўлса, имом минбарга чиқса, тўрт рақъатни тамом қилгай. Чунончи «Шарҳи илём»да мазкурдир». («Мухтасар-ул-виқоя» шарҳидан, 196-саҳифа).

٥٠٩ - حدثنا محمد بن أبي عمر أخبرنا سفيان بن عيينة عن محمد بن عجلان عن عياض بن عبد الله بن أبي سرح أن أبا سعيد الخدري دخل يوم الجمعة ومروان يخطب فقام يصلي ، فجاء الحرم ليجلسوه فأبى حتى صلى ، فلما انصرف أتيناہ قفلنا : رحمتك الله إن كلوا ليتقوا بك فقال : ما كنت لأتزر كهما بعد شئ رأيتہ من رسول الله صلى الله عليه وسلم ، ثم ذكر أن رجلاً جاء يوم الجمعة في هيئة بدوة والنبي يخطب يوم الجمعة فأمره فصلى ركعتين والنبي صلى الله عليه وسلم يخطب .

509. *Абу Саъид Ал-Худрий (розияллоху анху)дан ривоят қилинди: «Жумъа куни Марвон²⁴⁹ хутба ўқиётган эди, Абу Саъид Ал-Худрий масжидга кирди-да, намозга турди. Қўриқчилар уни ўтиргизмоқчи бўлиб келишди. У эса унамай намозини ўқиб олди. Ту-гагач, унинг ёнига бордик-да, «Аллоҳ сенга раҳм қилди, таъзирингни беришларига сал қолди», дедик. Шунда у бундай деди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан кўрган нарсамдан кейин бу икки ракъ-атини тарк этувчи эмасман». Кейин у, жумъа куни Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам хутба ўқиб турганла-рида хароб аҳволда бир киши кириб келганини, Расу-луллоҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам унга намоз ўқишни амр қилганлари ва жаноби Расулulloҳ сал-лalloҳу алайҳи ва саллам хутба айтаётган пайтларида у икки ракъат намоз ўқиб олганини зикр қилди».*

Ибн Аби Умар айтади: «Ибн Уйайна, Имом хут-ба ўқиётган пайтда келса, икки ракъат намоз ўқирди ва шундай қилинмоғини амр этарди. Куръон муаллими Аб-

²⁴⁹Умавий халифалардан Ал-Ҳакамнинг ўғли Марвон. 64-хижрий сананинг охирида халифа бўлди ва 65 - йилнинг рамазон ойида вафот этди.

дуррахмон²⁵⁰ ҳам шу фикрда эди».

Ибн Аби Умардан эшитдим, Ибн Уйайнадан нақл этиб айтдики, «Муҳаммад ибн Ажлон – ҳадисда сиқа (ишончли) ва амин кишидир».

Бу бобда Жобир, Абу Хурайра ва Саҳл ибн Саъд (розияллоху анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган. Абу Саъид Ал-Худрийнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Айрим илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир. Баъзилари эса бундай дейди: Имом хутба айтаётган пайтда масжидга кирса, ўтиради, намоз ўқимади». Суфён Ас-Саврий ва Куфа фақиҳларининг қавли шудир. Биринчи қавл саҳиҳроқ.

٥١٠ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا الْعَلَاءُ بْنُ خَالِدٍ الْقُرَشِيُّ قَالَ : رَأَيْتُ
الْحَسَنَ الْبَصْرِيَّ دَخَلَ الْمَسْجِدَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَالْإِمَامُ يُخْطَبُ فَصَلَّى رَكَعَتَيْنِ
ثُمَّ جَلَسَ .

510.Кутайба бизга Ал-Аъло ибн Холид Ал-Қурашийдан баён қилди; айтди: «Ҳасан Ал-Басрий (ҳазратлар)ини кўрдим, жумъа куни имом хутба айтаётган маҳалда масжидга кирдилар-да, икки ракъат намоз ўқиб, кейин ўтирдилар».

Ҳасан Ал-Басрий бу ишни фақат Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг сўзларига иттибоъ қилмоқ (эргашмоқ) учун бажардилар. Бу ҳадисни Жобир воситасида Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилган киши ўша кишидир.

²⁵⁰Бухорийнинг илғор устозларидан бўлган бу зот Басрадан ёки Алвоздандир. Ишончли ва фазилатли бир киши эди. Етмиш йилдан ортиқроқ Куръон таълим қилган. («Ат-такриб»).

365-БОБ

**МАВЗУ: ИМОМ ХУТБА ЎҚИЁТГАНДА
СЎЗЛАШМОҚ КАРОҲАТ
ЭКАНЛИГИ**

۵۱۱ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ عَنْ عُمَيْلِ بْنِ
الزُّهْرِيِّ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُنْذِبِ عَنْ أَبِي مُرَيْزَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ «مَنْ قَالَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَالْإِمَامُ يُخَاطَبُ أَنْصَتَ قَدْرًا» .

511. *Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; «Кимки жумъа кунини имом хутба ўқиётганда (ёнидаги биродарига): «Жим ўтир» деса (ҳам), ноўрин гап қилган бўлур».*

Бу бобда Ибн Аби Авфа ва Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоху анхумо)дан ҳадис ривоят қилинган. Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Имом хутба айтаётганда кишининг гаплашмоғини макруҳ кўрадилар ва: «Агар биров гапирса, уни фақат ишорат билан тўхтади», дейдилар.

Саломга алик олмоқ ва аксирган кишига жавоб айтмоқ масалаларида уламо ихтилоф қилдилар. Баъзи илм аҳллари имом хутба ўқиётганда саломга алик олинмоғига ва тасмит (аксирган кишига жавоб қилинмоғи)га рухсат берганлар.

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Тобийийндан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари эса буни макруҳ кўрганлар. Шофийийнинг ҳам қавли шу.

366-БОБ

**МАВЗУ: ЖУМЪА КУНИ САФЛАРДАН
(ЕЛКАЛАРДАН) ОШИБ ЎТМОҚ
КАРОХАТ ЭКАНЛИГИ**

۵۱۲ — حَدَّثَنَا أَبُو كَرَيْبٍ أَخْبَرَنَا رِشْدِيْنُ بْنُ سَعْدٍ عَنْ زَبَّانِ بْنِ فَائِدٍ
عَنْ سَهْلِ بْنِ مَعَاذٍ بْنِ أَنَسِ بْنِ الْجَوْهَرِيِّ عَنْ أَبِيهِ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « مَنْ تَحَطَّى رِقَابَ النَّاسِ يَوْمَ الْجُمُعَةِ اتَّخَذَ جِسْرًا إِلَى جَهَنَّمَ » .

512. Муъоз ибн Анас Ал-Жуханий (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки жумъа куни одамларнинг елкаларидан ошиб ўтса, жаҳаннам сари бир кўприк қурган бўлур»²⁵¹.

Бу бобда Жобир (розияллоху анху)дан ҳадис ривоят қилинган. Муъоз ибн Анас Ал-Жуханийнинг ҳадиси ғариб. Бу ҳадисни ёлғиз Ришдийн ибн Саъднинг ривоятидан билаётирмиз.

Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Жумъа куни мусулмонларнинг елкаларидан ошиб ўтмоқни макруҳ кўрганлар ва бу хусусда қаттиқ кетганлар.

Баъзи муҳаддислар Ришдийн ибн Саъд ҳақида (танқидий) сўз қилганлар ва хотираси жиҳатдан унинг заиф эканини қайд этганлар.

²⁵¹ Одамларнинг елкалари устидан ҳатлаб, сафларни ошиб ўтмоқ фақат жумъа куни эмас, бошқа кунларда ҳам, ҳатто илм, ваъз ва иршод мажлисларида ҳам макруҳдир. Чунки, кароҳатнинг сабаби — мусулмонларга азият берилмоғидирки, бундай азиятни етказмоқ бояғи ҳолатларда ҳам мавжуддир. Фақат издиҳом ва гав-жумлик жумъа куни бошқа кунлардагидан ортиқ бўлгани учун ҳадисда жумъа куни деб махсус зикр қилинган.

368-БОБ

МАВЗУ: МИНБАРДА ҚЎЛЛАРНИ КЎТАРМОҚ
КАРОХАТ ЭКАНЛИГИ

۵۱۴ - حدث أحمد بن منيع أخبرنا هشيم أخبرنا حصين قال
سمعت عمارة بن رؤيبة ، وبشر بن مروان يخطب ، فرفع يديه في السماء
فقال عمارة : قبح الله هاتين اليدين الصغيرتين ، لقد رأيت رسول
الله صلى الله عليه وسلم وما يزيدني على أن يقول هكذا . وأشار هشيم بالسبابة .

514. Аҳмад ибн Манийъ, Хужайм ибн Башир орқали Хусайн ибн Абдуллаҳмондан нақл этиб, бизга баён қилди: «Умаро ибн Рувайдадан эшитдим: Бишр ибн Марвон хутба айтаётди дуода қўлларини кўтарган эди, Умаро бундай деди: «Аллоҳ бу озғин қўлларни қуритсин! Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрганман, шундоқ дуо қилмоқдан нарига ўтмас эдилар». Хушайм (шундоқ деб) шаҳодат бармоғи билан ишорат қилди».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

369-БОБ

МАВЗУ: ЖУМЪА НАМОЗИНИНГ АЗОНИ

۵۱۵ — حدثنا أحمد بن منيع أخبرنا حماد بن خالد الحيات عن ابن أبي ذئب عن الزهري عن السائب بن يزيد قال : « كان الأذان على عهد رسول الله صلى الله عليه وسلم وأبي بكر وعمر إذا خرج الإمام أقيمت الصلاة ، فلما كان عثمان زاد النداء الثالث على الزوراء . »

515. *Ас-Субн ибн Язид (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Азон Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, (ҳазрати)Абу Бакр ва (ҳазрати)Умар даврларида имом минбарга чиққанда ва намозга туриладиган вақтда айтилар эди. (Ҳазрати)Усмон даврларига келиб, Завро²⁵³ устида учинчи азон айтиш қўшимча қилинди».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

370-БОБ

**МАВЗУ: ИМОМ МИНБАРДАН
ТУШГАНДАН КЕЙИН
СЎЗЛАШМОҚ**

۵۱۶ — حدثنا محمد بن بشر أخبرنا أبو داود الطيالسي أخبرنا جرير بن حازيم عن ثابت عن أنس بن مالك قال : « كان النبي صلى الله عليه وسلم يكلم بالحاجة إذا نزل من المنبر . »

516. *Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам минбардан тушганларида, ҳожат (зарурат) бўлса,

²⁵³Имом Бухорий Завро Мадина шаҳрида бир бозор жойининг номи эканлигини айтади. Баъзилари эса Завро – масжид эшигидаги каттакон бир тошнинг номи эканлигини айтишганки, бу қавл изоҳга муҳтождир. Чунки, баъзи ривоятларда чорсу (бозор) деб очик-равшан зикр қилинган.

сўзлашар эдилар».

Бу ҳадисни ёлғиз Жарир ибн Ҳозимнинг ривоятдан билаётирмиз. Муҳаммад (Ал-Бухорий)дан эшитдим; айтди: «Жарир ибн Ҳозим бу ҳадисда ваҳмга тушган (янглишган). Саҳиҳ ривоят (тағин) Собит орқали Анасдан келган ривоятдирки, ўша ривоятда бундай дейилади: «Намозга иқомат айтилди ва шу аснода бир киши Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўлларини тутиб, ҳатто қавмдан айримларини уйқу босгунича сўзлашиб турди». Муҳаммад (Ал-Бухорий) «Ҳадис (аслида) ана шу!» деди.

Жарир ибн Ҳозим баъзан бирор нарса борасида ваҳмга тушади (янглишади), аммо ҳақиқатан тўғри киши. Муҳаммад айтади: «Жарир ибн Ҳозим, Собитнинг Анас орқали Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган: «**Намозга иқомат айтилганида токи мени кўрмагунча (ўринларингиздан) турмангизлар**» деган ҳадисда ҳам ваҳмга тушган (янглишган)». Муҳаммад, Ҳаммод ибн Зайддан бундай деб ривоят қилинганини айтади: «Собит Ал-Буноънинг олдида эдик, Ҳажжож Ас-Совваф Яҳё ибн Аби Касирдан, Абдуллоҳ ибн Аби Қатодадан, унинг отасидан, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Намозга иқомат айтилганида токи мени кўрмагунча (ўринларингиздан турмангизлар)» деган ҳадисни ривоят қилди; Жарир ваҳмга берилиб, бу ҳадисни Собит Анас орқали Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан уларга баён этди, деб гумон қилди».

۵۱۷ — حدث الحسن بن عليّ الخليل أخبرنا عبد الرزاق أخبرنا

ممنبر عن ثابت عن أنس قال: «لقد رأيت رسول الله صلى الله عليه وسلم بعد ما تقام الصلاة يكلمه الرجل يقوم بينه وبين القبلة، فما زال يكلمه. ولقد رأيت بعضهم يتنفس من طول قيام النبي صلى الله عليه وسلم»

517. Анас (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Муҳаққак, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламни кўрдим, намозга иқомат айтилганидан кейин бир киши, у зот билан қибланинг орасида туриб олиб, у зотни гапга тутиб қолди. У гаплаша турсин Набий саллаллоху алайҳи ва салламнинг тик туриб қолишлари узоқ чўзилганидан баъзи (намозхон)лар ухлаб қолишганини мен аниқ кўрганман».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

371-БОБ

МАВЗУ: ЖУМЪА НАМОЗИДАГИ ҚИРОАТ

٥١٨ — حدثنا قتيبة أخبرنا حاتم بن إسماعيل عن جعفر بن محمد عن أبيه عن عبيد الله بن أبي رافع مولى رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: استخلف مروان أبا هريرة على المدينة وخرج إلى مكة فصلى بنا أبو هريرة يوم الجمعة فقرأ سورة الجمعة، وفي السجدة الثانية إذا جاءك الناقدون قال عبيد الله: فأدركت أبا هريرة فقلت اقرأ بسورتين كان علي يقرأهما بالكوفة؟ فقال أبو هريرة إن سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقرأ بهما.

518. Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг мавлоси (озод этган қуллари) Убайдуллоҳ ибн Аби Рофиъдан ривоят қилинди; айтди: «Марвон²⁵⁴, Абу Хурайрани Мадина (шаҳри)га ноиб қилиб қолдирди, Макка томон йўлга чиқди. Абу Хурайра (розияллоху анху) бизларга жумъа намозини ўқиб берди:

(биринчи ракъатда) «^{الجمعة}» («Ал-Жумъа») сурасини, иккинчи ракъатда эса «إذا جاءك الناقدون»

²⁵⁴Умавий халифалардан.

(«Мунофиқун») сурасини қироат қилди». Убайдуллоҳ айтди: «Абу Хурайранинг орқасидан етиб олдим-да, «(ҳазрати)Али Куфада қироат қилган икки сурани ўқидингиз?» дедим. Шунда Абу Хурайра: «Албатта, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу икки сурани қироат қилганларини эшитганман», деди.

Бу бобда Ибн Аббос, Ан-Нуъмон ибн Башир ва Аби Инаба Ал-Хавлониий (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан

Жумъа намозида «سَبِّحْ اسْمَ رَبِّكَ الْأَعْلَى» («Ал-аъло») билан «هل أتاك حديث الغاشية» («Ғошиях») сураларини ўқиганлари ҳам ривоят қилинган.

Убайдуллоҳ ибн Аби Рофиъ Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу)нинг котибидир.

372-БОБ

МАВЗУ: ЖУМЪА КУНИ БОМДОД НАМОЗИДАГИ ҚИРОАТ

٥١٩ — حدثنا علي بن جبيرة أخبرنا شريك عن جحوال بن راشد عن مسلم بن أبي عبد الله عن سمير بن جبيرة عن ابن عباس قال «كأن رسول الله صلى الله عليه وسلم قرأ يوم الجمعة في صلاة الفجر تنزيل «السجدة» وحل أنى على الإنسان».

519.Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа куни бомдод намозида «*الم تنزيل «السجدة»*»

«*هل أتاك حديث الغاشية*» («Инсон») сураларини ўқир эдилар».

Бу бобда Саъд ибн Аби Вакқос, Ибн Масъуд ва

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Суфён Ас-Саврий, (Шуъба) ва биттадан ортиқ кишилар бу ҳадисни Муҳоввалдан ривоят қилганлар.

373-БОБ

**МАВЗУ: ЖУМЪАДАН ОЛДИН ВА
ЖУМЪАДАН КЕЙИН ҲАЖАТДИГАН
НАМОЗ**

۵۴۰ — حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ أَخْبَرَنَا سَيِّدَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ عُمَرَ بْنِ دِينَارٍ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ سَالِمٍ عَنْ أَبِيهِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « أَنَّهُ كَانَ يُصَلِّي بَدَا الْجُمُعَةِ رَكَعَيْنِ » .

520.Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа намозидан кейин икки ракъат намоз ўқир эдилар».

Бу бобда Жабир (розияллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган. Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Бу ҳадис, Ибн Умардан Нофиъ орқали ҳам ривоят қилинган. Баъзи илм аҳллариининг амали шу ҳадис асосидадир. Шофиъий ва Аҳмаднинг қавли шудир.

۵۴۱ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ عَنْ نَافِعٍ عَنِ ابْنِ عُمَرَ « أَنَّهُ كَانَ إِذَا صَلَّى الْجُمُعَةَ انْمَرَفَ فَصَلَّى سَجْدَتَيْنِ فِي بَيْتِهِ ثُمَّ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصْنَعُ ذَلِكَ » .

521.Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди: У киши (Ибн Умар) жумъа намозини ўқигач, (масжиддан) борди-да, уйда икки ракъат намоз ўқиди. Кейин «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қилар эдилар», деди.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

۵۲۲ — حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا سَفِيَانُ عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ
عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « مَنْ كَانَتْ
مِنْكُمْ مَصَلِيًّا بَدَأَ الْجَمْعَةَ فَلْيَصَلِّ أَرْبَعًا » .

522. *Абу Хурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сизлардан кимки жумъа (намози)дан кейин намоз ўқийдиган бўлса, тўрт ракъат ўқисин!».*

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ал-Ҳасан ибн Али, Али ибн Ал-Маданий орқали Суфён ибн Уйайнадан нақл этиб, бизга баён қилди; Суфён айтдики, «Суҳайл ибн Аби Солиҳни ҳадисда сабт (мустаҳкам) киши сифатида қабул қилар эдик». Бу ривоят ҳасан.

Баъзи илм аҳлларининг амали (Абу Хурайра розияллоҳу анху ривоят қилган) шу ҳадис асосидадир. Абдуллоҳ ибн Масъуддан, жумъа(нинг фарзи)дан олдин тўрт ракъат ва жумъадан кейин тўрт ракъат намоз ўқигани ривоят қилинган. Али ибн Абу Толиб, жумъа намозидан кейин икки ракъат ва изидан тўрт ракъат ўқимокни амр қилганлари ривоят этилади.

Суфён Ас-Саврий ва Ибнул-Муборак Ибн Масъуднинг қавлига эга бўлганлар.

Исҳок: «Жумъа куни масжидда ўқиса – тўрт ракъат; уйда ўқиса – икки ракъат ўқийди» дейди ва Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъадан кейин уйларида икки ракъат ўқиганларига доир ҳадис билан, «Сизлардан кимки жумъа (намози)дан кейин намоз ўқийдиган бўлса, тўрт ракъат ўқисин!» деган ҳадисни далил қилиб кўрсатади.

Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жумъа (намози)дан кейин икки ракъат ўқиганларини ривоят қилган киши Ибн Умарнинг ўзидир. Ва Ибн Умар, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин, жумъ-

анинг (фарзи) изидан икки ракъат ва бу икки ракъатнинг орқасидан тўрт ракъат ўқиган. Буни бизга Абу Умарнинг ўгли, Суфёндан, Ибн Журайждан, Атодан нақл этиб, сўзлаб берди; Ато айтдики, «Ибн Умарни кўрдим; жумъадан кейин икки ракъат ва унинг изидан тўрт ракъат ўқиди».

Саъид ибн Абдуррахмон Ал-Маҳзурий, Суфён ибн Уйайна орқали Амр ибн Динордан нақл этиб, бизга баён қилди; Амр айтдики, «Ҳадисда Аз-Зухрийдан кўра қаттиқ кишини кўрмадим. Пулни ундан кўра паст тутадиган кишини ҳам кўрмадим. Бинобарин, пул унинг наздида гўё ҳайвон тезагидек эди».

Ибн Абу Умардан эшитдим, Суфён ибн Уйайнанинг «Амр ибн Динор Аз-Зухрийдан кўра ёши улғурок эди», деганини айтиб берди.

374-БОБ

МАВЗУ: ЖУМЪА НАМОЗИНИНГ БИР РАҚЪАТИГА ЕТГАН КИШИ

۵۲۳ — حدثنا نصر بن علي وسعيد بن عبد الرحمن وغير واحد قالوا حدثنا سفيان بن عيينة عن الزهري عن أبي سارة عن أبي هريرة عن النبي صلى الله عليه وسلم قال « من أدرك من الصلاة ركعة فقد أدرك الصلاة » .

523. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимки намоздан бир ракъатига етса, у албатта намозга етибди».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳллари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир. Айтадиларки, «Кимки жумъанинг бир ракъатига улғурса, унга кўшимча қилиб яна бир ракъат кўшиб ўқийди ва кимки

ташаҳудда жамоатга етса, тўрт ракъат ўқийди».²⁵⁵ Су-
фён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Шофийий, Аҳмад ва
Исҳоқнинг қавли шудир.

375-БОБ

**МАВЗУ: ЖУМЪА КУНИДАГИ ҚАЙЛУЛА
(ТУШКИ УХЛАБ ДАМ ОЛИШ)**

٥٢٤ — حدثنا علي بن خنيزر أخبرنا عبد العزيز بن أبي حازم
وعبد الله بن جعفر عن أبي حازم عن سهل بن سعد قال « ما كنا
نتمدى في عهد رسول الله صلى الله عليه وسلم ولا قبل إلا بعد الجمعة » .

524.Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят
қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва
саллам даврларида жумъа намозини ўқигандан кейин-
гина нонушта ва қайлула қилар эдик».

Бу бобда Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан
ҳадис ривоят қилинган. Саҳл ибн Саъднинг ҳадиси
ҳасан-саҳиҳ.

376-БОБ

**МАВЗУ: ЖУМЪА КУНИ КИМНИ УЙҚУ
БОССА, ЎРНИНИ ЎЗГАРТИРСИН**

٥٢٥ — حدثنا أبو سعيد الأشج أخبرنا عبدة بن سليمان وأبو خالد
الأحمر عن محمد بن إسحاق عن نافع عن ابن عمر عن النبي صلى الله
عليه وسلم قال « إذا نمت أحدكم يوم الجمعة فليتحول عن محله ذلك » .

525.Ибн Умардан (розияллоҳу анҳумо) ривоят
қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтди-

²⁵⁵ Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳукмига кўра, жумъа
намозининг бир қисмига, ҳатто ташаҳудда бўлса ҳам улгурса, ул-
гурган қисмини имом билан бирга ўқийди ва қолган қисмини ўқиб
тутатади. Бошқа имомлар эса, жумъанинг бир ракъатига улгурган
тақдирда, тўрт ракъат ўқийди, деб айтишганки, бу ҳолатда жумъага
етган деб ҳисобламаган ва пешин намозини ўқиган бўлади.

лар: «Жумъа куни бироргангизни уйку босса, ўтирган жойидан бошқа жойга ўтсин!».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

377-БОБ

МАВЗУ: ЖУМЪА КУНИ САФАРГА ЧИҚМОҚ

۵۲۶ م — حدثنا أحمد بن منيع أخبرنا أبو معاوية عن الحجاج عن الحكم عن يقطين عن ابن عباس قال « بعث النبي صلى الله عليه وسلم عبد الله بن رواحة في سرية فوافق ذلك يوم الجمعة ، فبدأ أصحابه فقال : اتخلفت فأصلى مع رسول الله صلى الله عليه وسلم ثم التحمهم ، فلما صلى مع النبي صلى الله عليه وسلم رآه فقال له : ما منعك أن تتقدم مع أصحابك ؟ قال : أردت أن أصلي معك ثم التحمهم ، فقال : لو أنكنت ما في الأرض ما أدرت كنت فضل غدوهم . »

526.Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилинди: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Равоҳани бир сарийа (кичик отлиқ лашкар)га бошлиқ қилиб жўнатдилар, бу иш жумъа кунига тўғри келиб қолди. Унинг биродарлари эрта тонгдан жўнаб кетишди. Ўзи эса, орқада қолиб, «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга (жумъа) намоз(и)ни ўқийман-да, кейин уларга етиб оламан», деди. (Шундай қилиб), у Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намозни ўқиди. Расули Акрам уни кўриб: «Биродарларинг билан бирга йўлга чиқмоқдан сени нима тўсди?» дедилар. (Абдуллоҳ ибн Равоҳа): «Сиз билан бирга намозни ўқигим келди. Кейин уларга етиб олмоқчи эдим» – деди. Шунда (Расули Акрам): «Агар ер юзидаги бор нарсаларни инфоқ қилсанг ҳам, уларнинг эрта кетишлари фазлига ета олмайсан!» – дедилар.

Бу ҳадисни ёлғиз шу важдан билмоқдамиз.

Али ибн Ал-Маданий, Яҳё ибн Саъид орқали Шуъбадан нақл этиб, бундай деди: «Ал-Ҳакам Миқсамдан атиги бешта ҳадис эшитган». Шуъба ўша ҳадисларни санадики, бу ҳадис Шуъба санаган ҳадислар орасида йўқ эди. Ал-Ҳакам бу ҳадисни Шуъбадан эшитмагани англашилади. Илм аҳллари жумъа кuni сафарга чиқмоқ масаласида ихтилоф қилдилар. Баъзилари, жумъа намозининг вақти кирмасдан олдин сафарга чиқмоқ зарарсиз, деб қарайдилар. Баъзилари эса: «Тонгга кирса (тонгни оттирган бўлса), жумъани ўқимасдан олдин чиқмайди», дейди.

378-БОБ

**МАВЗУ: ЖУМЪА КУНИ МИСВОК БИЛАН
ТИШЛАРНИ ТОЗАЛАМОҚ ВА
ХУШБЎЙЛИКЛАР СУРМОҚ**

٥٢٦ م — حدثنا أحمد بن مَنِيع أَخْبَرَنَا أَبُو معاويةَ عن الحجاجِ
عن الحكمِ عن بَقِيعٍ عن ابنِ عباسٍ قال : بعثَ النبيُّ صلى اللهُ عليه وسلم
عبدَ اللهِ بنَ رَواحةَ في سَرِيَّةٍ فَوَافَقَ نَهْجَ يومِ الجُمُعَةِ ، فَتَدَا أَصْحَابُهُ
قَالَ : ائْتَمَّلْتُ فَأَصَلَى مع رسولِ اللهِ صلى اللهُ عليه وسلم ثمَّ ائْتَمَّمَهُمْ ، فَلَمَّا
صَلَّى مع النبيِّ صلى اللهُ عليه وسلم رآه قَالَ له : ما مَنَعَكَ أَنْ تَتَدَوَّعَ مع
أَصْحَابِكَ ؟ قال : أردتُ أَنْ أَصَلِيَ مَعَكَ ثمَّ ائْتَمَّمَهُمْ ، فقال : لو أَتَمَّمْتَ ما في
الأرضِ ما أذَرَكَتَ فَضَلَ عَدُوِّهِمْ .

527. Ал-Барро ибн Озиб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Жумъа кuni гусл қилмоқ мусулмонлар зиммасидаги ҳақдир. Уларнинг ҳар бирлари аҳли оиласининг хушбўйликларидан сурсин.

Агар топа олмаса, унинг учун хушбўйлик сувдир!»²⁵⁶.

Бу бобда Абу Саъид ва Ансорийлардан бўлмиш бир шайх (розиаллоху анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

۵۲۸ — حدثنا أحمد بن منيع أخبرنا هشيم بن زيد بن أبي زياد نحوه معناه .

528. Аҳмад ибн Манӣъ, Қушаймдан, Язид ибн Аби Зиёддан бизга баён қилди: ўтган ҳадис, айна шу маънода.

Ал-Барронинг ҳадиси ҳасан. Қушаймнинг ривояти Исмоил ибн Иброҳим Ат-Таймийнинг ривоятидан кўра ҳасанроқ. Исмоил ибн Иброҳим, Ат-Таймийнинг ҳадисда заиф эканини қайд этган.

ЖУМЪА БОБЛАРИ ТУГАДИ



²⁵⁶Жумъа куни ҳам ғусл қилади, ҳам хушбўйлик суради. Агар хушбўйлик топа олмаса, унда ғусл қилмоқ кифоя. Чунки мақсад покланмоқдир. Ҳадиснинг иккинчи бўлаги мусулмонларнинг кўнглини кўтаради.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

ҲАЙИТ БОБЛАРИ

379-БОБ

**МАВЗУ: ҲАЙИТ НАМОЗИГА ПИЁДА ЮРИБ
БОРМОҚ**

۵۲۹ — حدثنا إسحاق بن موسى أخبرنا شريك عن أبي إسحاق عن
الحارث بن عبيد قال: «من السنة أن تخرج إلى العبد ماشياً وأن تأكل شيئاً
قبل أن تخرج» .

529. (Ҳазрати)Али (каромаллоҳу ваҷҳаҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Ҳайит (намози)га пиёда юриб чиқмоғинг ва чиқмасдан олдин ҳеч нарса емаслигинг – суннатдандир».

Бу ҳадис хасан. Илм аҳллари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир. Киши байрам намозига пиёда чиқмоғини ва (агар) узрли бўлмаса, уловга мин-маслигини мустаҳаб кўрадилар.

380-БОБ

**МАВЗУ: ҲАЙИТ НАМОЗИ ХУТБАДАН
ОЛДИН ҲАЙИТМОҒИ**

۵۳۰ — حدثنا محمد بن المثنى أخبرنا أبو أسامة عن عبيد الله عن نافع
عن ابن عمر قال: كان رسول الله صلى الله عليه وسلم وأبو بكر وعمر يصلون
في العبد قبل الخطبة ثم يخطبون .

530.Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, (ҳазрати) Абу Бакр ва (ҳазрати) Умар

(розияллоҳу анҳумо) икки ҳайитда ҳам намозни хутбадан олдин ўқир эдилар, кейин хутба ўқир эдилар».

Бу бобда Жобир ва Ибн Аббос (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Яъни ҳайит намозлари хутбадан олдиндир. Намоздан олдин илк бор хутба ўқиган киши Марвон ибн Ал-Ҳакам эканлиги айтилади.²⁵⁷

381-БОБ

МАВЗУ: ҲАЙИТ НАМОЗЛАРИ АЗОНСИЗ ВА ИҚОМАТСИЗ ЎҚИЛМОҒИ

۵۳۱ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا أَبُو الْأَحْوَمِ عَنْ سَالِكِ بْنِ خُرَيْبٍ عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ قَالَ: صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْعِيدَيْنِ غَيْرَ مَرَّةٍ وَلَا مَرَّتَيْنِ بِغَيْرِ أَذَانٍ وَلَا إِقَامَةٍ.

531. Жобир ибн Самура (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Ҳайит намозларини Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бир марта, икки марта эмас, (балки бир неча марта) азонсиз ва иқоматсиз ҳолда ўқиганман».

Бу бобда Жобир ибн Абдуллоҳ ва Ибн Аббос (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Жобир ибн Самуранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир: яъни ҳайит намозлари учун ҳамда нафл намозларининг

²⁵⁷Ибнул-Мунзирий саҳиҳ иснод билан Ҳасан Ал-Басрий ҳазратларидан нақл этиб, бундай дейди: «Илк бор намоздан олдин хутба ўқиган зот (ҳазрати)Усмон (розияллоҳу анҳу)дир. (У зот) одат асосида намоз ўқилиб, кейин хутба ўқилгач, баъзи кишилар намозга улгурмаганларини кўрдилар ва шунда хутбани намоздан олдин ўқишни бошладилар».

ҳеч бири учун азон айтилмайди.

382-БОБ

МАВЗУ: ҲАЙИТ НАМОЗЛАРИДАГИ ҚИРОАТ

۵۳۲ — حدثنا قتيبة أخبرنا أبو عوانة عن إبراهيم بن محمد بن المنصور عن أبيه عن حبيب بن سالم عن النعمان بن بشير قال: كان النبي صلى الله عليه وسلم يقرأ في العيدين وفي الجمعة بسبح اسم ربك الأعلى وهل أتاك حديث الناشية، وربما اجتمعاً في يوم واحد فيقرأ بهما.

532. Ан-Нуъмон ибн Башир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ҳайит (Рамазон ва Қурбон ҳайити) на-

мозларида ҳамда жумъа намозида «*سبح اسم ربك الأعلى*»

«*هل أتاك حديث الناشية*» («Ал-аъло») билан «*«Гошиях»*) сураларини ўқир эдилар. Баъзан иккаласи (ҳайит ва жумъа намози) бир кунга тўғри келиб қолар ва шунда ҳам (Жаноби Расулуллоҳ) шу икки сурани ўқир эдилар».

Бу бобда Абу Воқид, Самура ибн Жундуб ва Ибн Аббос (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Ан-Нуъмон ибн Баширнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Суфён Ас-Саврий ва Мисъор, Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Ал-Мунташирдан шу тарзда, Абу Авонанинг ривоятидек ривоят қилдилар. Ибн Уйайнанинг ривояти эса бошқача. Ибн Уйайна, Абу Авонадан, Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Ал-Мунташирдан, унинг отасидан, Ҳабиб ибн Солимдан, унинг отасидан, Ан-Нуъмон ибн Баширдан ривоят қилади. Чунончи, Ҳабиб ибн Солимнинг ўз отасидан ривоят қилгани маълум бўлмаётир. Ҳабиб ибн Солим – Ан-Нуъмон ибн Баширнинг мавлосидир. У Ан-Нуъмон ибн Баширдан бир қанча ҳадис ривоят қилган. Ибн Уйайна орқали Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Ал-

Мунташирдан (худди) уларнинг ривоятидек ҳам ривоят қилинди²⁵⁸.

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайит намозларида «**قاف**» («Қоф») ва «**اقتربت الساعة**» («Ал-Қамар») сураларини ўқиганлари ҳам ривоят қилинмоқда. Шофиъийнинг қавли шудир.

۵۳۳ — حدثنا إسحاق بن موسى الأنصاري أخبرنا معن بن عيسى أخبرنا مالك عن ضمرة بن سعيد المذني عن عبيد الله بن عبد الله بن عتبة أن عمر بن الخطاب سأل أبا واقد الليثي ما كان رسول الله صلى الله عليه وسلم يقرأ به في الفطر والأضحية؟ قال: «كان يقرأ بقاف والقرآن المجيد، واقتربت الساعة والشق القمر».

533. Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утбадан ривоят қилинди: (Ҳазрати) Умар ибн Ал-Хаттоб Абу Воқид Ал-Дайсийдан: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ва Қурбон ҳайитларида нимани (қайси сураларни) қироат қилар эдилар?» деб сўрадилар. Айтдики,

«**قاف والقرآن المجيد**» («Қоф») ва «**اقتربت الساعة**» («Ал-Қамар») (суралари)ни ўқир эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

²⁵⁸ «Улар» деганда Абу Авона, Суфён Ас-Саврий ва Мисъорни кўзда тутганлар. Бу зотларнинг ривоятига кўра санадда Ҳабиб ибн Солим билан Ан-Нуъмон ибн Башир орасида «унинг отасидан» деган қайд йўқ. Яъни Ҳабиб ибн Солим бу ҳадисни Ан-Нуъмондан, отаси орқали эмас, тўғридан-тўғри ривоят қилган. Ибн Уйайна эса, бир ривоятда ҳадиснинг иснодияда «отасидан» деган қайдни зикр этиб ва иккинчи бир ривоятда исми кечган зотларга мувофақат қилиб бу қайдни кўтарган.

۵۳۴ — حَدَّثَنَا هَذَا وَأَخْبَرَنَا ابْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ صُرَّةَ بْنِ سَعِيدٍ بِهَذَا

الإِسْنَادِ نَحْوَهُ .

534. Ҳаннод, Ибн Уйайна орқали Зомра ибн Саъиддан худди шу ҳадисни ўша иснод билан бизга баён қилди.

Абу Воқид Ал-Лайснинг исми – Ал-Хорис ибн Авф.

383-БОБ

МАВЗУ: ҲАЙИТ НАМОЗЛАРИНИНГ ТАКБИРЛАРИ

۵۳۵ — حَدَّثَنَا مُسْلِمُ بْنُ عُمَرَ وَأَبُو عَمْرٍو الْحَدَّاءُ الْمَدِينِيُّ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ ابْنُ نَافِعٍ عَنْ كَثِيرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ «أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَبَّرَ فِي الْمَدِينِ فِي الْأَوَّلَى سَبْعًا قَبْلَ الْقِرَاءَةِ، وَفِي الْآخِرَةِ ثَمَانًا قَبْلَ الْقِرَاءَةِ» .

535. Амр ибн Авф (Музаний (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ҳайит намозларида биринчи рақъатда қироатдан олдин етти такбир ва иккинчи рақъатда қироатдан олдин беш такбир айтар эдилар».

Бу бобда Оиша, Ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анхум)дан ҳадис ривоят қилинган. Касирнинг бобосининг ҳадиси ҳасан. Бу ҳадис ушбу бобда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳадисларнинг энг гўзалидир.

Касирнинг бобосининг исми – Амр ибн Авф Ал-Музанийдир. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан Мадинада шу тарзда намоз ўқигани ривоят қилинган. Мадина аҳлининг қавли шу. Молик ибн Анас, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлганлар.

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ҳайит такбирлари ҳақида бундай дегани ривоят қилинади: «Тўққиз такбир. Биринчи рақъатда қироатдан олдин беш такбир²⁵⁹ ва иккинчи рақъатда қироат билан бошлаб, кейин рукуъ такбири билан биргаликда тўрт такбир айтади». Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан мутааддид кишилардан ҳам шундай деб ривоят қилинган. Куфа аҳлининг қавли шудир. Суфён Ас-Саврий ҳам шу қавлга эга бўлган.

384-БОБ

**МАВЗУ: ҲАЙИТ НАМОЗЛАРИДАН ОЛДИН
ҲАМ, КЕЙИН ҲАМ НАМОЗ ЙЎҚ!**

۵۳۶ — حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ غَيْلَانَ أَخْبَرَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ أَنَا نَشَأُ عَنْ عَبْدِ بْنِ ثَابِتٍ قَالَ : سَمِعْتُ سَعِيدَ بْنَ جَبْرِ يُحَدِّثُ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ يَوْمَ الْفَيْطْرِ فَصَلَّى رَكْعَتَيْنِ ثُمَّ لَمْ يَمْلَأْ قَلْبَهَا وَلَا بَدْعَهَا .

536. *Адий ибн Собитдан ривоят қилинди; айтди: «Саъид ибн Жубайрдан эшитдим, Ибн Аббосдан нақл этиб, «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ҳайитида намозгоҳга чикдилар-да, икки рақъат намоз ўқидилар. Бу намоздан на олдин, на кейин (бошқа) намоз ўқиганлари йўқ» деб ҳадис сўзлади».*

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амр ва Абу Саъид (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳлларининг амали шу ҳадис асо-

²⁵⁹Бу беш такбирнинг биттаси – такбири таҳрима, учтаси – завоид (афзалият) ва биттаси рукуъ такбири бўлиб, булардан тўрттаси қироатдан олдин айтилган. Чунончи биринчи рақъатнинг рукуъ такбири ҳам шулар билан қўшиб зикр қилинган.

сидадир. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлганлар. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари эса ҳайит намозларидан олдин ва кейин намоз бор, деган фикрдалар. Аммо биринчи қавл саҳиҳроқ.

۵۳۷ — حَدَّثَنَا الْحُسَيْنُ بْنُ حَرْثَةَ أَبُو عَمَّارٍ أَخْبَرَنَا وَكَيْفَ عَنْ أَبِيهِ
ابْنِ عَبْدِ اللَّهِ الْبَجَلِيِّ عَنْ أَبِي بَكْرٍ بْنِ حَضِيٍّ وَهُوَ ابْنُ عُمَرَ بْنِ سَعْدِ بْنِ أَبِي
وَقَامٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ أَنَّهُ خَرَجَ يَوْمَ عِيدٍ وَلَمْ يُصَلِّ قَبْلَهَا وَلَا بَعْدَهَا، وَذَكَرَ
أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى.

537.Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди: «Ибн Умар ҳайит кунн (намозгоҳга) чиқди. Ҳайит намозидан олдин ҳам, кейин ҳам намоз ўқимади. Ва (у) Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай қилганларини айтиб берди».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

385-БОБ

МАВЗУ: ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲАЙИТ НАМОЗЛАРИГА ЧИҚМОҒИ

۵۳۸ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ أَخْبَرَنَا هُثَيْمٌ أَخْبَرَنَا بِنُصُورٍ وَهُوَ ابْنُ
رِزَّادَانَ عَنْ ابْنِ سَعْدٍ عَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ
يُخْرِجُ الْأَبْكَارَ وَالْمَوَاتِقَ وَذَوَاتِ الْأُدُورِ وَالْحَيْضَ فِي الْعِيدَيْنِ ، فَأَمَّا
الْحَيْضُ فَيَمْتَرُ لَنْ النَّصْلِ وَبَشَهْدَنْ دَعْوَةَ الْمَلِيقِ ، قَالَتْ إِجْدَاهُنَّ :
يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهَا جَلِيبٌ ؟ قَالَ : فَلْتَمُرْهَا أُخْتَهَا مِنْ جَلْبَابِهَا .

538.Умму Атиййа (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бокира ва энди бўйига етган қизларни ҳам, паранжи ёпинган аёлларни ва ҳайз кўрган хотинларни ҳам

ҳайит намозларига чиқарар эдилар. Аммо ҳайз кўрган аёллар намозгоҳдан узокроқда туриб, мусулмонларнинг дуоларинга кўшилишарди. (Бир куни) аёллардан биттаси: «Ё Расулуллоҳ! (Аёлининг) ёпинчиги бўлмасачи?» деди. «Унда дугонаси ёпинчикларидан бирини бериб турсин!» дедилар...».

۵۳۹ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ أَخْبَرَنَا هُثَيْمٌ عَنْ هِشَامِ بْنِ حَسَّانٍ
 مِنْ حَصَّةِ ابْنَةِ سَبْرَةَ عَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ بِنْتِهَا.

539. Амад ибн Манӣъ, Хушайм орқали Ҳишом ибн Ҳиссондан, Сийрийн қизи Ҳафсадан, Умму Атиййадан бизга баён қилди: ўтган ҳадиснинг ўзи...

Бу бобда Ибн Аббос ва Жобир (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Умму Атиййанинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Баъзи илм аҳллари шу ҳадисни эгаллаб, хотин-қизларнинг ҳайит намозларига чиқмоқлари учун рухсат берганлар. Баъзиси эса буни макруҳ кўради. Ибнул-Муборакдан бундай дегани ривоят қилинди: «Хотинларнинг бу кун ҳайит (намозлари)га чиқмоқларини макруҳ кўраман. Агар хотин чиқаман деб туриб олса, эри уни ясантирмасдан, кунда киядиган кийими билан чиқмоғига изн берсин! Агар бу ҳолатда чиқишни қабул қилмаса, уни чиқмоқдан манъ этиши мумкин».

Оиша (розияллоху анҳо)дан бундай деганлари ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам хотинларнинг нималарни ўйлаб топганини кўрсалар эди, Бани Исроил аёллари манъ этилганидек, уларни масжиддан манъ этган бўлардилар²⁶⁰».

²⁶⁰Оиша (розияллоху анҳо)нинг Ал-Бухорий ва Муслим томонидан таҳриж қилинган бу ҳадисда аёлларнинг масжидлардан манъ этилганига доир далил йўқ. Чунончи, Аллоху таоло бандаси ва Расули Мухаммад Мустафо саллаллоху алайҳи ва салламга шариятини

Суфён Ас-Саврийдан бугунги кунда хотинларнинг хайитларига чиқмоқларини макруҳ кўргани ривоят қилинди.

386-БОБ

**МАВЗУ: РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛАЛЛОҲУ
АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ХАЙИТГА
БИР ЙЎЛДАН ЧИҚИБ, БОШҚА
ЙЎЛДАН ҚАЙТГАНЛАРИ БАЁНИ**

٥٤٠ — حدثنا عبدُ الأَعْلَى بنُ وَاصِلِ بنُ عَبْدِ الأَعْلَى الكُوفِيُّ
وَأَبُو زُرْعَةَ قَالَا: أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بنُ الصَّلْتِ عن فُلَيْحِ بنِ سَلِيانَ عن سَعِيدِ
ابنِ الحَارِثِ عن أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: «كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا خَرَجَ
يَوْمَ العَيْدِ فِي طَرِيقٍ رَجَعَ فِي غَيْرِهِ» .

540.Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хайит куни (намозгоҳга) бир йўлдан чиқсалар, бошқа йўлдан қайтар эдилар».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Умар ва Абу Рофиъ (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

Абу Тумайла ва Юнус ибн Муҳаммад бу ҳадисни Фулайх ибн Исмоилдан, Саъид ибн Ал-Ҳорисдан, Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилди.

Баъзи илм аҳллари бу ҳадисга иттибоъ этиб, имом учун бир йўлдан чиқса, бошқа йўлдан қайтмоғини мустаҳаб кўрганлар. Шофиъийнинг қавли ҳам шудир.

Жобирнинг ҳадиси саҳиҳроқ кўринади.

комил ва возиҳ (очиқ-равшан) тарзда нозил қилган. Аёлларнинг масжидларга боришларига изн берилган. Аммо очиқ-сочиқ, ясан-тусан қилиб юришдан, зеб-зийнатларини бегона эркакларга намоиш қилиб юришдан манъ этилган... (Муборақфурий ва Аҳмад Муҳаммад Шокир).

387-БОБ

**МАВЗУ: РАМАЗОН ҲАЙИТИДА НАМОЗГА
ЧИҚМАСДАН ОЛДИН БИРОР
НАРСА ТОТМОҚ**

٥٤١ — حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ الصَّبَّاحِ الْبَزَّازُ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الصَّمَدِ بْنِ عَبْدِ الْوَارِثِ عَنْ تَوَّابِ بْنِ عُثْبَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُرَيْدَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ : «كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَخْرُجُ يَوْمَ الْفِطْرِ حَتَّى يَطْعَمَ ، وَلَا يَطْعَمُ يَوْمَ الْأَضْحَى حَتَّى يَصَلِّيَ» .

541. Бурайда ибн Хусайб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ҳайити кунда бирор нарса тотмай туриб, намозга чиқмас эдилар; Қурбон ҳайити кунда эса намоз ўқинмай туриб, бирор нарса тотмас эдилар».

Бу бобда Али ва Анас (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Бурайда ибн Хусайб Ал-Аслабийнинг ҳадиси гариб.

Муҳаммад (Ал-Бухорий) айтади: «Савоб ибн Ут-банинг бундан бошқа ҳадисини билмаймиз».

Баъзи илм аҳллари Рамазон ҳайитида бирор нарса тотиб намозга чиқмоқликни мустаҳаб кўрганлар. Мустаҳаб бўлган нарса эса хурмо емоқликдир. Қурбон ҳайитида эса намоздан қайтгунича ҳеч нарса емайди.

٥٤٢ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَأَخْبَرَنَا هِشْمٌ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَاقَ عَنْ حَفْصِ بْنِ غِيَبِيذٍ أَنَّ بِنَاسٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُفْطِرُ عَلَى تَمْرَاتٍ يَوْمَ الْفِطْرِ قَبْلَ أَنْ يَخْرُجَ إِلَى الْمَسْجِدِ .

542. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам

Рамазон хайити кунда намозгоҳга чиқмасдан олдин бир нечта хурмо танаввул қилар эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ-ғариб.²⁶¹

²⁶¹Хайит намозларининг очик ҳавода ўқилмоғига доир Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган ҳадисларга таяниб, олимларнинг фикр-мулоҳазаларини, аҳамиятига биноан, куйида баён этамиз.

Ханафий мазҳабидан Ал-Айний, Ал-Бухорий китоби шарҳида, Абу Саъид (розияллоҳу анҳу)нинг хайитларда намозгоҳга чиқмоқ борасидаги ҳадисига асосланиб, бундай дейди: «Бу ҳадисда очик ҳаво намозгоҳига чиқилмоғига доир далил бор. Хайит намози, зарурят бўлмағунича, масжидда ўқилмайди».

Ибн Зиёд имом Моликдан нақл этиб, бундай дейди: «Суннат бўлган нарса – очик ҳаво ибодатгоҳига чиқмоқдир. Фақат Макка шаҳри аҳолиси бундан мустасно. Улар масжидда (Каббада) ўқийдилар».

«**Фатавоий ҳиндия**» (1-жилд, 118-саҳифада) бундай дейлади: «Хайит намози учун очик ҳаво намозгоҳига чиқмоқ суннатдир; ҳатто шаҳарнинг энг катта масжидига сиксалар ҳам. Бутун шайхлар шу қавлга эга бўлганлар, саҳиҳ сўз ҳам шудир».

Имом Моликдан бундай деб айтгани ривоят қилинади. «Хайит намозлари икки жойда ўқилмайди ва масжидларда ҳам ўқилмайди. Фақат, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам очик ҳаво намозгоҳига чиққанларидек, улар ҳам чиқадилар». Ибн Ваҳб, Юнус орқали Шихобдан нақл этиб айтадики, «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хайит намозлари учун очик ҳаво намозгоҳларига чиқар эдилар ва кейин бу бошқа қасаба халқлари учун суннат бўлди».

Ҳанбалий мазҳабидан Ибн Ҳузума «Ал-Муғний»да (2-жилд, 229-230 саҳифа) бундай дейди: «Суннат хайит намози очик ҳаво намозгоҳида ўқилмоғидир. Али (розияллоҳу анҳу) шунини амр қилганлар, Ал-Авзойи ва ижтиҳод арбоби шу ҳукми истихсон қилганлар (энг яхши деб топганлар). Шофиъийдан бундай деб айтгани ҳикоя қилинади: «Қасабанинг жомеъ масжиди кенг бўлса, жомеъда ўқимоқ аълороқ. Чунки масжид жойларнинг энг хайрлиси ва энг тозасидир. Шу сабабдан Макка халқи масжиди Ҳарамда ўқийди». Бизнингча эса, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидни кўйиб, очик ҳаво намозгоҳига чиқар эдилар. У кишидан кейин халифалар ҳам чиққанлар. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам эса яқин турган афзал нарсани кўйиб, узоқ бўлган ноқис иш машаққатига кирмайдилар ва умматларига ҳам фазоилни тарқатмоқ йўлини очмайдилар. Яна биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга иттибоъ ва иқтидо этмоққа буюрилганмиз, бизга бую-

ритган нарсанинг ноқис бўлиши ва манфий бўлган нарсанинг қомил бўлиши зинҳор жоиз эмас. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам узрсиз ҳолда ҳайит намозини масжидда ўқиганлари ривоят қилинмаган. Кейин бу мусулмонларнинг ижмоъи (иттифоқидир). Мусулмонлар ҳар асрда ва ҳар мисрда (шаҳарда) очиқ ҳаво намозгоҳига чиқадилар. Масжидлари хоҳ кенг бўлсин, хоҳ тор бўлсин, ҳайит намозини очиқ ҳаво намозгоҳида ўқийдилар. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжиднинг шараф ва фазилатини энг яхши қадрлаган ҳолда ҳайит намозларини очиқ ҳаво намозгоҳида ўқиганлар».

Имом Шофиъий «Ал-Умм» китоби (1-жилд, 207-саҳифа)да айтади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайитларда Мадинанинг очиқ ҳаво намозгоҳига чиққанларини айтиб етказдик. У зотдан кейингилар ва Маккадан бошқа барча қасаба халқлари ҳам шундай қилишади. Фақатгина Макка аҳли Масжиди ҳаромдан ташқарида намоз ўқиганлари ривоят қилинмаган. Назаримда, Аллоҳу алайҳи ва саллам, Масжиди Ҳаром дунёнинг энг хайрли ери ва тупроғи бўлгани боис шундоқдир. Барча намозларини иложлари борича у ерда ўқишни орзу қиладилар. Бир қасаба қурилса-ю ўша қасабанинг жомъ-масжиди ҳайитларда халқни сигдирадиган даражада кенг бўлса, халқнинг бошқа жойда намоз ўқимоғига тарафдор эмасман. Аммо очиқ ҳавога чиқмоқларида ҳам зарар йўқ. Фақат масжидлари тор бўлган ҳолда имом ҳайит намозларини масжидда ўқитса, менимча, бу макруҳдир, лекин иодаси (қайта ўқилмоғи) лозим бўлмайди. Ёмғир ёғса ёки бошқа (шунга ўхшаш) узр бўлиб қолса, унда уларга намозни масжидларда ўқимоқларини ва очиқ ҳавога чиқмасликларини амр этаман».

Аллома Ибнул-Ҳожж «Ал-Мадҳал» (2-жилд, 283-саҳифа)да бундай дейди: «Ҳайит намозларида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бери давом этиб келган суннат — очиқ ҳаво намозгоҳида ўқимокдир. Чунки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг ушбу масжидимда ўқилган намоз, Масжиди Ҳаромдан ташқари, бошқа масжидларда ўқилган минг намоздан афзалдир» деганлар ва шу улуг фазилат билан бирга масжидларини қўйиб, очиқ ҳаво намозгоҳига чиққанлар. Бу эса ҳайит намозларини очиқ ҳавода ўқилишига оид амрнинг қатъийлигига далилат қилган возиҳ (очиқ-равшан) бир далилдир. Суннат шудир. Ҳайит намозларини масжидда ўқимок, Имоми Молик мазҳабига кўра бидъатдир. Фақат зарурат бўлса, бидъат бўлишлиқдан чиқади. Чунки, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у кишидан кейин келган ҳулафои рошидийндан ҳеч битталари бундай қилмаган».

Саҳиҳ ҳадисларда ворид бўлган Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннати — у киши ҳайит намозларида

шаҳарнинг ташқарисига, дала-қирга чиққанларига далолат қилади. Исломнинг биринчи асрида амал шу тарзда давом этди. Ҳайит намозларини масжидларда ўқишмас эди. Фақатгина ёмғир ёки шунга ўхшаш бир зарурат бўлиб қолса, унда қир-далага чиқишмасди. Тўрт имомнинг ва бошқа улуғ олимларнинг мазҳаби – йўли шудир. Бу борада ораларида ихтилоф йўқ. Ёлғиз Имом Шофийй, қасабасининг жомеъ-масжиди ҳалойиқни сиғдирадиган даражада кенг бўлса, ҳайит намозини масжидда ўқилмоғини ихтиёр этган. Шу билан бирга очиқ ҳавода ўқишларида зарар йўқ деб қарайди. Чунончи, агар қасаба халқи масжидга сиғмаса, ҳайит намози бундай масжидда ўқилмоғини макруҳ кўради. Буларнинг барчаси ҳайит намозлари масжидларда ўқилмоғи бидъат эканлигига далолат қилади. Яъни бирор қасабада ўша манзил халқини сиғдира оладиган масжид йўқ. Айни вақтда ҳайит намозлари дала-қирда ўқилмоғининг улуғ ва теран бир ҳикмати бор. Ҳамма қасабанинг аҳолиси йилда икки марта эркак-аёл, бола-чақа биргалашиб, уюшган ҳолда Аллоҳга йўналади, битта имомнинг орқасида намоз ўқийди, такбир ва таҳлил айтади. Кўллари дуога очилиб, хулуси қалб билан дуолар қилинади. Бундай муҳташам манзара барча кўнгилларни ҳашийят ва иймон (нури) билан тўлдирмоғи шубҳасиздир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам барча хотин-қизларни, ҳатто ҳайз кўрган аёлларни ҳам байрам жойига – ҳайитгоҳга чиқмоқларини, киядиган кийими ёки ёпинчиғи бўлмаган хотин-қизлар кўшниларида, дугоналаридан олиб туриб байрамда – ҳайитда қатнашмоқларини амр қилдиларки, бу буйруқ ўша улуғ ва теран ҳикматга асослангандир.

(Муборақфурий ва Аҳмад Муҳаммад Шокир).

ҲАЙИТ БОБЛАРИ ТУГАДИ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

САФАР БОБЛАРИ

388-БОБ

МАВЗУ: ҚАСРИ САЛОТ (НАМОЗНИНГ ҚИСКАРТИРИЛИШИ)

۵۴۳ — حدثنا عبد الوهاب بن عبد الحكم الورداني البغدادي وأخبرنا يحيى بن سليم عن عبيد الله عن نافع عن ابن عمر قال: سَأَفَرْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرُ وَعِثْمَانُ نَكَحُوا وَيُصَلُّونَ الظُّهْرَ وَالْمَغْرِبَ وَرَكْعَتَيْ رَكْعَتَيْنِ لَا يُصَلُّونَ قَبْلَهَا وَلَا بَدَهَا وَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ: لَوْ كُنْتُ مُصَلِّيًا قَبْلَهَا أَوْ بَدَهَا لَأَتَمَمْتُهَا.

543. *Ибн Умардан (розияллоху анхумо) ривоят қилинди; айтди: «(Жаноби) Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам билан, (ҳазрати) Абу Бакр, (ҳазрати) Умар ва (ҳазрати) Усмон (розияллоху анхум) билан сафар қилганман; пешин ва аср намозларини икки ракъат-икки ракъат ўқир эдилар, фарздан олдин ҳам, кейин ҳам намоз ўқишмас эди». Ва Абдуллоҳ айтди: «(Сафарда) Фарздан олдин ёки кейин намоз ўқийдиган бўлсам, ҳеч йўқса, фарзни тўлиқ ўқиб кўя қолар эдим».*²⁶²

²⁶² Ҳофиз Ибнул-Ҳажар «Фатҳ-ул-борий»да бундай дейди: «Яъни Ибн Умар фарзни тугал ўқимоқ билан суннагларни ўқимоқ орасида мухайяр (ихтиёрли) қилинса эди, фарзни тугал ўқимокни таржиҳ этган (устун кўрган) бўларди. Ибн Умар, Қасри салотдан – намознинг қискартирилимоғидан енгилилатиш маъносини тушунаётир. (Илова: Ат-Термизий қуйроқда таъкидлаганларидек, Ибн Умар (розияллоху анхумо)дан Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам сафарда суннат намозларини ўқиганлари баён қилинган. Биноба-

Бу бобда (ҳазрати)Умар, (ҳазрати)Али, Ибн Аб-бос, Имрон ибн Ҳусайн ва Оиша (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-ғариб. Бу ҳадисни ёлғиз Яҳё ибн Сулаймнинг ривоятидан шу тарзда бил-моқдамиз. Муҳаммад ибн Исмоил (Ал-Бухорий) айтади: «Бу ҳадис Убайдуллоҳ ибн Умардан, Суроқа оиласидан бўлмиш бир кишидан, Ибн Умардан ривоят қилинди».

Атиййа Ал-Авфий орқали Ибн Умардан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда фарздан олдин ва фарздан кейин татаввуъ (фарз бўлмаган намозлар) ўқиганлари ривоят қилинган. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, (ҳазрати) Абу Бакр, (ҳазрати) Умар ва халифалигининг биринчи даврида (ҳазрати) Усмон (розияллоҳу анҳум) сафарда намозни қаср ўқиганлари саҳиҳ тарзида собитдир.

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир.

Оиша (розияллоҳу анҳо)дан сафарда намозни тўлиқ ўқиганлари ривоят қилинган.²⁶³

рин, сафарда суннатни ўқимоклик суннатдир. 220-бетдаги далилларга диққат қилинг).

²⁶³Имом Ал-Бухорий томонидан таҳриж этилган бир ҳадисда Оиша (розияллоҳу анҳо онамиз) бундай дейдилар: «Намоз дастлаб икки ракъат деб фарз қилинган эди. Кейин сафар намози шу икки ракъатлигича қолди. Лекин муқимликдаги намоз тўрт ракъат қилиб тўлдирилди». Зухрий: «Оиша (онамиз) «Тўлдирилди» деганда нимани назарда тутганлар?» деб Урвадан сўради. Урва: «Усмон (розияллоҳу анҳу) бу хусусда (яъни намозни тўрт ракъат ўқимок тўғрисида) не деган бўлсалар, ўшандоқ таъвил қилдилар (ўшани назарда тутдилар)», деди». Хофиз Ибнул-Ҳажар «Фатҳ-ул-борий»да айтади: «Тўлдирилмоғининг сабаби Ал-Байҳақий Ҳишом ибн Урва орқали Урвадан таҳриж этган ҳадисда шарҳланган. Урва айтдики, «Оиша (онамиз) сафарда тўрт ракъат ўқир эдилар. Шунда унга: «икки ракъат ўқинг» дедим. Айтдиларки, «Эй эгачимнинг ўғли! Менга «ғирлик қилаётгани йўқ-ку!»». (Илова: Ҳанафий мазҳабида сафарда тўрт ракъатлик фарзлар икки ракъат ўқилади, бу азийматдир. Мусофир киши муқим бир имомга эргашган тақдирда фарзларни тўлиқ ўқийди. Ёлғиз ўзи ўқиганида тўрт ракъатлик фарзлар

Амал Пайгамбар саллаллоҳу атайҳи ва салламдан ва саҳобалардан келган ривоят асосидадир. Шофиъий, Аҳмад ва Исоҳқнинг қавли шу. Шу фарқ биланки, Шофиъий сафарда намозни қаср ўқимоқ рухсат эканлигини айтади. Агар тўлиқ ўқиса, Шофиъийнинг фикрича, жо-из.²⁶⁴

٥٤٤ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ أَخْبَرَنَا هُثَيْبٌ أَخْبَرَنَا عَلِيُّ بْنُ زَيْدٍ
ابْنُ جُدْعَانَ عَنْ أَبِي نَضْرَةَ قَالَ: سَمِعْتُ عِمْرَانَ بْنَ حَبِيبٍ عَنِ حَلَاةِ الْمَسَافِرِ
قَالَ: حَجَّجْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَصَلَّى رَكَعَتَيْنِ، وَحَجَّجْتُ
مَعَ أَبِي بَكْرٍ فَصَلَّى رَكَعَتَيْنِ، وَمَعَ عُمَرَ فَصَلَّى رَكَعَتَيْنِ، وَمَعَ عُمَانَ بْنِ سَيْتٍ
مِنْ خِلَافَتِهِ أَوْ عَمَانَ سِتِينَ فَصَلَّى رَكَعَتَيْنِ.

қаср қилиб икки ракъат ўқилади).

²⁶⁴Қаср ўқиш вожибми ёки рухсатми деган масалада олимлар ихтилоф қилдилар. Ҳанафийлар биринчи қавлга эга бўлиб, қаср ўқиш вожиб деб айтдилар. (Ҳазрати)Али ва (ҳазрати)Умар (розияллоҳу анҳумо)дан қаср ўқиш вожиб, деб ривоят қилинган. Имом Нававий бир қанча илм аҳллрининг шу фикрда эканликларини қайд этади. Ал-Ҳаттобий, «Ал-Маотим»да бундай дейди: «Салаф уламолари ва фуқаҳои амсорнинг кўпчилиги қаср ўқиш вожиб деб айтганлар. (Ҳазрати)Али, (ҳазрати)Умар, Ибн Умар ва Ибн Аббос (розияллоҳу анҳум)нинг қавли шудир. Умар ибн Абдулазиз, Қатода ва Ал-Ҳасандан шу қавл ривоят қилинган. Ҳаммо ибн Сулаймон: «Сафарда тўрт ракъат ўқиса, намозни иода қилади (қайта ўқийди)» дейди. Молик: «Вақтнинг ичида бўлгунича иода қилади, аммо вақти чиққандан кейин иода этмайди», дейди.

Шофиъий, Молик ва Аҳмад иккинчи қавлга эга булиб, қаср ўқиш вожиб дейдилар. Имом Ан-Нававий уламоларнинг кўпчилиги шу фикрда эканлигини айтади. Оиша, Усмон ва Ибн Аббос (розияллоҳу анҳум)дан шу қавл ривоят қилинган. Ибнул-Мунзир айтадики: «Бомдод ва Шом намозларида қаср йўқлиги борасида уламо иттифоқ қилган».

Ҳар икки гуруҳдан — сафарда қаср ўқиш вожиб деб айтганлари билан рухсат деб айтганлардан ҳар бири ўз йўлини таъйид этадиган (қувватлайдиган) далилларни зикр қилади. Аммо сафарда қаср ўқиш рухсат деган даъво заиф. Чунки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам барча сафарларида икки ракъат ўқиганлар. Бас, у зот умр бўйи афзал нарсани қўйиб, афзал бўлмаган нарсага мулозамат қилишлари ақлга яқин гап эмас.

544. *Абу Назрадан ривоят қилинди; айтди:* «Имрон ибн Хусайндан сафар намози ҳақида савол қилинди. Шунда у: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ҳаж қилдим, (у зот) икки рақъат ўқидилар. Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) билан ҳаж қилдим; икки рақъат ўқидилар. Умар (розияллоҳу анҳу) билан ҳам (ҳаж қилдим), икки рақъат ўқидилар. Усмон (розияллоҳу анҳу) билан ҳам, халифаликларининг олти йили ёки саккиз йили давомида, ҳаж қилдим, икки рақъат ўқидилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٥٤٥ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ الْمُنْكَدِرِ وَإِبْرَاهِيمَ بْنِ مَيْسَرَةَ أَنَّهُمَا سَمِعَا أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ قَالَ: صَلَّيْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الظُّهْرَ بِالْمَدِينَةِ أَرْبَعًا، وَبَدَى الْحَلِيقَةَ الْعَصْرَ رَكَعَتَيْنِ.

545. *Муҳаммад ибн Мунқадир ва Иброҳим ибн Муяссардан ривоят қилинди:* Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) бундай деб айтганини эшитдилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга пешин номозини Мадинада тўрт рақъат ўқидик, аср номозини эса Зул-Хулайфада²⁶⁵ икки рақъат ўқидик».

Бу ҳадис саҳиҳ.

٥٤٦ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا هُشَيْمٌ عَنْ مَنْصُورِ بْنِ زَادَانَ عَنْ ابْنِ سَبْرِينَ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «خَرَجَ مِنَ الْمَدِينَةِ إِلَى مَكَّةَ لَا يَخَافُ إِلَّا رَبَّ الْعَالَمِينَ فَصَلَّى رَكَعَتَيْنِ».

546. *Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилинди:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинадан Макка сари (йўлга) чикдилар ва фақатгина

²⁶⁵Мадинадан уч мил масофадаги бир жой номи. Мадина халқининг мийқотидир. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ерда аср номозини икки рақъат ўқиганлари сафарда эканликлари туфайлидир.

Роббул-ъаламиндан кўрқиб, икки ракъат ўқидилар»²⁶⁶.

Бу ҳадис саҳиҳ.

389-БОБ

**МАВЗУ: НАМОЗ ҚАНЧА МУДДАТ ҚАСР
ЎҚИЛМОҒИ**

٥٤٧ — حدثنا أحمدُ بنُ مَنِيعٍ أَخْبَرَنَا هُشَيْمٌ أَخْبَرَنَا يَحْيَى بْنُ أَبِي
إِسْحَاقَ الْخَضْرَاءُ أَخْبَرَنَا أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ قَالَ : خَرَجْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ الْمَدِينَةِ إِلَى مَكَّةَ نَهَلْنَا رَكْعَتَيْنِ ، قَالَ قُلْتُ لِأَنْسِرَ : كَمْ أَقَامَ
رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَكَّةَ ؟ قَالَ عَشْرًا .

547. Анас ибн Молик (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам билан биргаликда Мадинадан Макка сари (йўлга) чиқдик, шунда икки ракъат ўқидилар. (Ровий) Абу Исҳоқ Ал-Ҳазрабий айтиди: «Анасга: «Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам Маккада қанча турдилар?» дедим. «Ўн (кун)», деди».

Бу бобда Ибн Аббос ва Жобир (розияллоху анхумо)дан ҳадис ривоят қилинган. Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Ибн Аббос орқали Расулуллох саллаллоху алайҳи ва салламдан, сафарларининг айримларида (бир жойда) ўн тўққиз кун қолганлари ҳолда икки ракъат ўқиганлари ривоят қилинган. *Ибн Аббос бундай дейди:* «Бир ерда ўн тўққиз кун қолсак, икки ракъат ўқиймиз. Агар иқоматимиз (яшаб қолиш муддатимиз) бу муд-

²⁶⁶Бу ҳадис сафарда қаср ўқишлик кўрқув туфайли бўлади, деб иттиқ қилувчиларга жавобдир. Чунончи, Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам Аллоҳдан бошқа ҳеч кимсадан кўрқувлари бўлмаган ҳолда ўша сафарда намозни қаср ўқиганларига далолат этади.

датдан ўтса, унда намозни тўлиқ ўқиймиз».

Али (розияллоҳу анҳу)дан бундай деганлари ривоят қилинди: «Ўн кун бир жойда яшаб қолса, намозни тўлиқ ўқийди».

Ибн Умардан (розияллоҳу анҳумо) бундай дегани ривоят қилинди: «Ўн беш кун (бир жойда) яшаб қолса, намозни тўлиқ ўқийди». Ибн Умардан ўн икки кун деб ҳам ривоят қилинган.

Саъид ибн Ал-Мусаййибнинг бундай дегани ривоят қилинди: «Тўрт кун (бир ерда) яшаб қолса, тўрт ракъат ўқийди». Буни Саъид Ал-Мусаййибдан Қатода ва Ато Ал-Хуросоний ривоят қилганлар. Довуд ибн Абу Ҳинд эса ундан бошқача тарзда ривоят қилади. Бас, илм аҳллари бу масалада ихтилоф қилдилар. Суфён Ас-Саврий ва Куфа аҳли, қаср ўқиш муддатини ўн беш кун деб белгилаш жиҳатига соҳиб бўлдилар ва айтдиларки, «Ўн беш кун яшаб қолмоқни қатъий тарзда ниёт қилса, намозни тўлиқ ўқийди».

Ал-Авзоий айтади: «Ўн икки кун яшаб қолмоқни қатъий ниёт қилса, намозни тўлиқ ўқийди».

Молик, Шофийъий ва Аҳмад бундай дейдилар: «Тўрт кун яшаб қолмоққа қатъий ниёт қилса, намозни тўлиқ ўқийди».

Исҳоққа келсак, бу масалада у Ибн Аббоснинг ҳадисини йўлларнинг энг қувватлиси деб қарайди ва бундай дейди: «Чунки Ибн Аббос бу ҳадисни Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ва Расули Акрамдан кейин уни тааввул (тахвил этиб амалга тадбиқ) қилгандир: ўн тўққиз кун яшаб қолмоқни қатъий ниёт қилса, намозни тўлиқ ўқийди».

Кейин илм аҳллари яшаб қолишга ниёт қилмаган мусофир, бошидан (неча) йиллар ўтса ҳам, намозни қаср ўқимоғи борасида иттифоқ қилдилар.

٥٤٨ — حدثنا هنادُ أخبرنا أبو معاوية عن عاصمِ الأَحولِ عِكرِمةَ عن ابنِ عباسٍ قال : « سافر رسولُ الله صلى الله عليه وسلم سَفراً فصلى تسعةَ عشرَ يوماً ركعتينِ ركعتينِ ، قال ابنُ عباسٍ : فنحن نصلِّي فيما بيننا وبينِ نِسْعِ عَشْرَةَ رَكْعَتَيْنِ رَكْعَتَيْنِ ! فإذا أقمنا أكثرَ من ذلك صلينا أربعاً »

548. *Ибн Аббосдан (розияллоху анхумо) ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бир гал сафар қилдилар ва шунда ўн тўққиз кун икки ракъат-икки ракъатдан намоз ўқидилар».* Ибн Аббос айтади: «Бизлар ҳам (бир жойда ўн тўққиз кун яшаб қолсак) ўша ўн тўққиз кун орасида икки ракъат-икки ракъатдан намоз ўқиймиз. Агар бундан кўпроқ яшаб қолсак, тўрт ракъат ўқиймиз».

Бу ҳадис ҳасан-ғариб-саҳиҳ.

390-БОБ

МАВЗУ: САФАРДА НАФЛ НАМОЗИ ЎҚИМОҚ

٥٤٩ — حدثنا قتيبةُ أخبرنا البُعثُ بنُ سعدٍ عن صفوانَ بنِ سليمٍ عن أبي بصيرةٍ الغنَاريِّ البراءِ بنِ عَزابٍ قال : « صحبتُ رسولَ الله صلى الله عليه وسلم ثمانيةَ عشرَ سَفراً رأيتُ تركَ الرَكْعَتَيْنِ إذا وَاغَتِ الشَّمْسُ قَبْلَ الظُّلُمِ »

*Илова: «Мухтасар ул-виқоя»дан: «Бас, бир киши юқорида зикр қилинганидек мусофир бўлса, ўз шаҳрига қайтиб келгунича ё бошқа шаҳарда ёки қишлоқда ярим ой туришни ният қилса, тўрт ракъатли фарз намозини икки ракъат этиб, қискартириб ўқур. Шариатда мусофир деб турадиган (доим яшайдиган) еридан ўртача юриш билан уч кунлик йўлни қасд қилиб чиққан кишига айтилади. Уламо бу масофани 90 чақирим (км) деб иттифоқ қилган». «Мухтасар», 49-бет.

549. *Ал-Барро ибн Озиб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ўн саккизта сафарда йўлдош бўлдим; қуёш оғанда пешиндан олдинги икки рақъатни тарк этганларини кўрмадим»²⁶⁷.*

Бу бобда Ибн Умардан (розияллоҳу анҳумо) ҳадис ривоят қилинган.

Ал-Барронинг ҳадиси ғариб.

Бу ҳадисни Муҳаммад (Ал-Бухорий)дан сўрадим, уни фақат Ал-Лайс ибн Саъднинг ривоятидан билади. Муҳаммад (Ал-Бухорий) Ал-Бусро Ал-Ғифорийнинг исмини билмади ва ҳадисини ҳасан кўрди.

Ибн Умардан бундай деб ривоят қилинган: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда фарздан олдин ёки кейин нафл намози ўқимас эдилар». «Яна Ибн Умардан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда нафл намозлари ўқиганлари ривоят қилинган. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин илм аҳллари бу масалада ихтилоф қилдилар. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан баъзилари киши сафарда татаввуъ (суннат ва нафл намозларини) ўқийди, деган фикрдалар. Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган. Илм аҳлларидан бир гуруҳи эса на фарздан олдин, на кейин (суннат) ўқилмайди, деган фикрдадир.

Сафарда татаввуъ (суннат ва нафл) намози ўқимасликнинг маъноси рухсатни қабул қилмоқдир. Аммо кимки ўқиса, шубҳасиз, бунда ўзи учун улуғ фазилат бор. Илм аҳлларидан кўпчилигининг қавли шу: сафарда татаввуъ (суннат ва нафл) намози ўқимоқни

²⁶⁷Баён қилинган бу икки рақъат пешин намозининг суннати-дир. Сафарда вақт суннатлари ўқилади деб айтганлар шу ҳадис билан истидлол (далил-исбот) қиладилар. Баъзилар эса бу икки рақъатни пешиннинг суннати деб эмас, заволда ўқиладиган нафл намози деб қабул қилади.

ихтиёр қилганлар.*

۵۵۰ — حدثنا علي بن حُجْرٍ أَخْبَرَنَا حَنْصُ بْنُ غِيَاثٍ عَنْ حَجَّاجِ بْنِ عَطِيَّةَ عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الظُّهْرَ فِي السَّفَرِ رَكَعَيْنِ وَبِمَدَّهَا رَكَعَتَيْنِ .

550. Ибн Умардан (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга сафарда пешин намозини икки ракъат ўқидим, ундан (фарздан) кейин ҳам икки ракъат ўқидим».

Бу ҳадис ҳасан.

Ибн Абу Лайло бу ҳадисни Аттиййа ва Нофий воситасида Ибн Умардан ривоят қилган.

۵۵۱ — حدثنا محمد بن عُبَيْدِ الْمُحَارَبِيُّ أَخْبَرَنَا عَلِيُّ بْنُ هَاشِمٍ عَنْ ابْنِ أَبِي لَيْلَى عَنْ عَطِيَّةَ وَنَافِعٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ : «صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْحَضَرِ وَالسَّفَرِ ، فَصَلَّيْتُ مَعَهُ فِي الْحَضَرِ الظُّهْرَ أَرْبَعًا وَبِمَدَّهَا رَكَعَتَيْنِ وَصَلَّيْتُ مَعَهُ فِي السَّفَرِ الظُّهْرَ رَكَعَتَيْنِ وَبِمَدَّهَا رَكَعَتَيْنِ وَالْمُعْزَرَ رَكَعَتَيْنِ وَلَمْ يُصَلِّ بِمَدَّهَا شَيْئًا وَالْمَغْرِبَ فِي الْحَضَرِ وَالسَّفَرِ سِوَاءَ ثَلَاثِ رَكَعَاتٍ لَا يَنْقُصُ فِي حَضَرٍ وَلَا سَفَرٍ وَهِيَ وَتُرُّ النَّهَارَ وَبِمَدَّهَا رَكَعَتَيْنِ ،

551. Ибн Умардан (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ҳазарда (муқимликда) ҳам, сафарда ҳам намоз ўқидим. Муқимликда ул зот билан бирга пе-

* (Илова: Имом Ат-Термизий сафарда суннат ва нафл намозлари ўқилишини қуйида Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)нинг ҳасан ҳадислари билан қувватлайдилар).

шин намозини тўрт рақъат, фарздан кейин эса икки рақъат ўқидим. Сафарда у зот билан бирга пешин намозини икки рақъат, фарздан кейин ҳам икки рақъат ўқидим; аср намозини ҳам икки рақъат ўқидим, (аммо) асрдан кейин ҳеч намоз ўқимадилар. Шом намозини ҳазарда (муқимликда) ҳам, сафарда ҳам бир хил – уч рақъат ўқидим. На ҳазарда (муқимликда), на сафарда – шом намози қисқартирилмади. Чунки, у кундузнинг витридир. Шомдан кейин икки рақъат ўқидим».

Бу ҳадис ҳасан.

Муҳаммад (Ал-Бухорий)дан эшитдим; айтди: «Ибн Аби Лайло мен учун бундан ҳам кўра севимлироқ бирор ҳадис ривоят қилмаган».

391-БОБ

МАВЗУ: (САФАРДА) ИККИ НАМОЗНИ ЖАМЪ ҚИЛМОҚ (ҚЎШИБ ЎҚИМОҚ)

٥٥٢ -- حدثنا قتيبة أخبرنا الميث بن سعد عن يزيد بن أبي حبيب عن أبي الطفيل عن معاذ بن جبل : « أن النبي صلى الله عليه وسلم كان في غزوة تبوك إذا ارتحل قبل زيف الشمس أخر الظهر إلى أن يجمعها إلى العصر فيصلبهما جميعاً وإذا ارتحل بعد زيف الشمس عجل العصر إلى الظهر وصلى الظهر والعصر جميعاً ثم سار وكان إذا ارتحل قبل المغرب أخر المغرب حتى يصلبها مع العشاء وإذا ارتحل بعد المغرب عجل العشاء فصلىها مع المغرب .

552. Муъоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Табук²⁶⁸ ғазотида эканликларида кун оғишидан олдин кўзғалсалар, пешинни кейинга суриб асрга улаб, ик-

²⁶⁸Табук – Шом яқинидаги бир манзил.

кисини бирга кўшиб (жамъ қилиб) ўқир эдилар. Ва агар қуёш оғишидан кейин кўзгалсалар, асрни олдинроққа суриб, пешинга улаб, пешин билан асрни кўшиб (жамъ қилиб) ўқир эдилар, кейин юрар эдилар. Агар шомдан олдин кўзгалсалар, шомни кейинга суриб, хуфтон билан бирга кўшиб ўқир эдилар. Ва агар шомдан кейин кўзгалсалар, хуфтонни олдинга суриб, шом билан бирга кўшиб ўқир эдилар».

Бу бобда Али, Ибн Умар, Анас, Абдуллоҳ ибн Амр, Оиша, Ибн Аббос, Усома ибн Зайд ва Жобир (розияллоху анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Али ибн Ал-Мадиний бу ҳадисни Аҳмад ибн Ханбал орқали Кутайбадан ривоят қилди.

Муъознинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

Бу ҳадисни ёлғиз Кутайба ривоят қилган. Ундан ташқари бу ҳадисни Ал-Лайсдан ривоят қилган бошқа кишини билмаймиз. Чунончи Ал-Лайснинг Язид ибн Аби Хабибдан, Абу-Туфайлдан, Муъоздан қилган ривояти ғариб. Чунки, муҳаддислар фикрича, маъруф бўлмиш ривоят – Абуз-Зубайрнинг Абу-Туфайл воситасида Муъоздан қилган ушбу ҳадис ривоятидир: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам Табуқ ғазотида пешин билан асрни ва шом билан хуфтонни бирга кўшиб (жамъ қилиб) ўқидилар». Бу ҳадисни Курро ибн Холид, Суфён Ас-Саврий, Молик ва бошқалар Абуз-Зубайр Ал-Маккийдан ривоят қилдилар.

Имоми Шофиъий бу ҳадисни қабул қилган. Аҳмад ва Исҳоқ бундай дейдилар: «Сафарда икки намоздан биттасини (олдинга олмоқ ёки кейинга сурмоқ тарзида) бир вақтда – икки намозни бирга кўшиб ўқимокликда зарар йўқ»²⁶⁹.

²⁶⁹Ҳофиз Ибнул-Ҳажар «Фатҳ-ул-борий»да бундай дейди: «Саҳоба ва тобиъийндан бир қанчалари ва фақиҳлардан Ас-Саврий, Шофиъий, Аҳмад ва Ашҳаб сафарда қатъиян жамъ қилмоқ жоиз эканини айтдилар». Яъни хоҳ юраётган ҳолда, хоҳ кўнган

۵۵۳ — حَدَّثَنَا هُنَادٌ أَخْبَرَنَا عُبَيْدَةُ عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ عَنْ نَافِعٍ عَنِ
ابْنِ عُمَرَ أَنَّهُ اسْتَفْتِيَ عَلَى بَعْضِ أَهْلِهِ فُجِدَ بِهِ السَّيْرُ وَأَخَّرَ الْمَغْرِبَ حَتَّى غَابَ
الشَّمْسُ ثُمَّ نَزَلَ فَجَمَعَ بَيْنَهُمَا ثُمَّ أَخْبَرَهُمْ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
كَانَ يَنْفَعُ ذَلِكَ إِذَا جَدَّ بِهِ السَّيْرُ .

553. *Ибн Умардан (розияллоху анхумо) ривоят қилинди:* «Ибн Умар аҳли-оиласидан бировига ёрдамга ошиқмоғи зарур бўлгач, тез юрмоғи лозим келди ва (шунда) шомни то шафақ²⁷⁰ ботгунича таъхир этди. Кейин тушиб, иккисини (шом билан хуфтонни) жамъ қилиб ўқиди. Сўнг уларга, Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам тез юрмоқлари зарур бўлганда ана шундай қилганларини сўзлаб берди».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

пайтда бўлсин, хоҳ тез ва хоҳ табиий юришда бўлсин, икки вақт намози жамъ қилиб (қўшиб) ўқилади, деган фикрдалар. Хофиз Ибн-ул-Ҳажар шундан сўнг бундай дейди: «Бир тоифа (олимлар) эса Арофат ва Муздалифадан бошқа ҳеч бир жойда ва ҳеч бир ҳолда жамъ қилмоқ жоиз эмас, деб ҳисоблайдилар. Ал-Ҳасан, Ан-Наҳоий, Абу Ҳанифа ва соҳибайн (икки биродари)нинг қавли шудир.

Баъзилари эса сафарда жамъ қилмоқ тез юришга мажбур бўлган кишига ҳос эканини айтади. Ал-Лайсинг қавли шу. Имоми Моликнинг ҳам машҳур бўлган қавли шу. Баъзилари эса, жамъ қилмоқ йўл юраётган кишига ҳос бўлиб, кўнган пайтда жамъ қилмайди, деган фикрга эга бўлган. Баъзилар эса, фақтагина жамъи таъхир жоиз эканлигини, жамъи тақдим эса жоиз эмаслигини айтади. Ибн Ҳазм, Молик ва Аҳмаддан ривоят қилинган шу қавлни ихтиёр этади. (Илова: Икки вақт намозларини жамъ қилиб ўқиш имом Шофийий мазҳабидагилар учундир. Ҳанафий мазҳабидагилар эса намозларини зарурат юзасидан Ҳаж мавсуми (яъни Арофат ва Муздалифа)дагина жамъ қилиб ўқий оладилар).

²⁷⁰«Шафақ сўзининг изоҳи учун 101-изоҳга қаранг; Ушанда Ибн Умарга жуфти ҳалоли – Абу Убайданинг қизи Сафийя ҳолати назъ (жон узиш ҳолатида) эканлиги хабар берилган бўлиб, улгуриб бормоғи учун шошилмоғи зарур бўлиб қолган эди.

392-БОБ

МАВЗУ: ИСТИСҚО (ЁМҒИР СЎРАШ)
НАМОЗИ

۵۵۴ — حدثنا يحيى بن موسى أخبرنا عبد الرزاق أخبرنا معمر عن
الزهري عن عباد بن نعيم عن عمه : « أن رسول الله صلى الله عليه وسلم
خرج بالناس يستسقي فصلي بهم ركعتين جهرا بالتراوة فيهما وحول رداءه
ودفع يديه واستسقى واستقبل القبلة » .

554. Абдуллоҳ ибн Зайд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Аллоҳу таолодан) ёмғир сўрамоқ учун одамлар билан (намозгоҳга) чиқдилар ва улар билан икки ракъат намоз ўқидилар. Бу икки ракъатда жаҳрий (овоз чиқариб) кироат қилдилар. Ридоларини ўраб олдилар, қўлларини (дуога) кўтардилар, ёмғир тилаб дуо қилдилар, қиблага рўбарў турдилар»²⁷¹.

Бу бобда Ибн Аббос, Абу Хурайра, Анас ва Абул-Лаҳм (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абдуллоҳ ибн Зайднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу.

Аббос ибн Тамимнинг амакисининг номи — Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим Ал-Мозиний.

²⁷¹Ридони айлангирмоқ ёки ўрамоқ ҳоли бундай изоҳланади: Ридонинг остдан чап учини ўнг қўли билан ва ўнг учини чап қўли билан тутиб, қўлларини орқасидан ўраб, ўнг қўли ушлаган учини ўнг елкасига ва чап қўл ушлаган учини чап елкага ташлайди. Шундай қилиб, Ридонинг ости юқорига, юқориси пастга, ўнг томони чапга, чап томони ўнгга ўтган бўлади.

۵۵۵ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ عَنْ خَالِدِ بْنِ يَزِيدَ عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي هِلَالٍ عَنْ يَزِيدَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ عُمَيْرِ بْنِ مَوْلَى أَبِي الْحَكَمِ عَنْ أَبِي الْحَكَمِ « أَنَّهُ رَأَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عِنْدَ أَحْبَابِ الزَّيْتِ يَسْتَقِي وَهُوَ مُنْتَفِعٌ بِكَأَنَّهُ يَدْعُو » .

555. Абул-Лаҳм (розиаллоҳу анҳу) дан ривоят қилинди: «У (Абул-Лаҳм) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни Аҳжаруз-зайтда²⁷² кўрдик, кўлларини кўтариб, ёмғир тилаб, дуо қилар эдилар».

Кутайба шу йўсин бу ҳадисда «Абул-Лаҳмдан» деди. Абул-Лаҳмнинг Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривояти сифатида битта шу ҳадисни билмоқдамиз²⁷³.

Абул-Лаҳмнинг мавлоси Умайр Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мутааддид ҳадислар ривоят қилган бўлиб, ўзи саҳобадир.

۵۵۶ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا حَاتِمُ بْنُ إِسْمَاعِيلَ عَنْ هِشَامِ بْنِ إِسْحَاقَ وَهُوَ ابْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ كِنَانَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ أُرْسِلَنِي الْوَكِيدُ بْنُ عُقْبَةَ وَهُوَ أَمِيرُ الْمَدِينَةِ إِلَى ابْنِ عَبَّاسٍ أَسْأَلُهُ عَنْ اسْتِقَاءِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَأَبْتَهُ فَقَالَ : « إِنْ رَسُوْلَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ مُتَبَدِّلًا مُتَوَاضِعًا مُتَضَرِّعًا حَتَّى آتَى الْمُصَلِّيَ فَلَمْ يَخْطُبْ خُطْبَتَكُمْ هَذِهِ ، وَلَكِنْ لَمْ يَزَلْ فِي الدَّعَاءِ وَالتَّضَرُّعِ وَالتَّكْبِيرِ ، وَصَلَّى رَكَعَتَيْنِ كَمَا كَانَ يَصَلِّي فِي الْعِيدِ » .

²⁷² Аҳжаруз-зайт – Мадинанинг Ал-Ҳарро туманидаги бир жойнинг номи. Тошлари қора ва ялтироқ бўлгани учун бу ерни Аҳжаруз-зайт (ёғли тошлок) деб атаганлар.

²⁷³ Абул-Лаҳм – эски бир саҳоба, гўшт емагани учун уни Абу-Лаҳм («гўшт емас» маъносида) деб аташган. Хунайн ғазотида шаҳид бўлган бу зотнинг исми – Абдуллоҳ ибн Абдулмалик.

556. Исҳоқ ибн Абдуллоҳ ибн Кинонадан ривоят қилинди; айтди: «Мадинанинг амири (волийси) Валид ибн Уқба мени Ибн Аббосга жўнатди, у кишидан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёмғир дуоларини сўрашим керак эди. У кишининг ҳузурига етиб келдим, шунда бундай деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мубтазал (хор-ҳақир) қиёфада, тавозуъ ва тазарруъ ҳолатида очиқ ҳаво намозгоҳига чиқдилар. Сизларнинг бу хутбаларингиздек хутба айтмадилар. Ва лекин дуода, тазарруъ ва такбирда давом этдилар ва худди ҳайитда ўқиган намозларидек икки ракъат намоз ўқидилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

۵۵۷ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ أَخْبَرَنَا وَكَيْعٌ عَنْ سُبْيَانَ عَنْ هِشَامِ بْنِ إِسْحَاقَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ كَيْفَانَ عَنْ أَبِيهِ فَذَكَرَ نَعْوَهُ ، وَرَأَى فِيهِ مَخَشَمًا .

557. Маҳмуд ибн Файлон, Вакиъ орқали Суфён-дан, Хишом ибн Исҳоқ ибн Абдуллоҳ ибн Кинонадан бизга хабар қилиб, ўтган ҳадиснинг айни ўзини зикр

эти ва унда «مَخَشَمًا» («Мутахошшаъан», яъни «Хушуъ ҳолида») деган сўзни қўшимча қилди.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Шофиъийнинг қавли шу; айгадики, «Истисқо (ёмғир дуоси) намозини ҳайит намозидек ўқийди; биринчи ракъатда етти такбир ва иккинчи ракъатда беш такбир айтади». Шофиъий, Ибн Аббоснинг ҳадиси билан истидлол қилаётир. Молик ибн Анасдан бундай деб айтгани ривоят қилинди: «Истисқо намозида ҳайит намозидагидек такбир айтмайди».

393-БОБ

**МАВЗУ: КУСУФ НАМОЗИ (ҚУЁШ ЁКИ ОЙ
ТУТИЛГАНДА ЎҚИЛАДИГАН
НАМОЗ)**

۵۵۸ — حدثنا محمد بن بشر أخبرنا يحيى بن سعيد عن سفيان عن
حبيب بن أبي ثابت عن طاووس عن ابن عباس عن النبي صلى الله عليه وسلم
« أنه صلى في كسوفٍ قرأ ثم ركع ثم قرأ ثم ركع ثم قرأ ثم ركع ،
ثم سجد سجدتين ، والأخرى مثلها » .

558. *Ибн Аббосдан (розияллоху анхумо) ривоят қилинди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам қуёш тутилганда (кусуф) намоз(и) ўқидилар: қироат қилдилар, кейин рукуъга бордилар; кейин қироат қилдилар, кейин рукуъга бордилар; кейин қироат қилдилар, кейин рукуъга бордилар; кейин икки марта сажда қилдилар. Иккинчи ракъатини ҳам худди шундай ўқидилар»²⁷⁴.*

Бу бобда Али, Оиша, Абдуллоҳ ибн Амр, Ан-Нуъмон ибн Башир, Ал-Муғийра ибн Шуъба, Абу Масъуд, Абу Бакр, Самура, Ибн Масъуд, Асмо бинти Абу Бакр, Ибн Умар, Кабиса Ал-Ҳилолий, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абу Мусо, Ал-Ашъарий, Абдуррахмон ибн Самура ва Убай ибн Каъб (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

²⁷⁴Ибн Аббос (розияллоху анхумо) Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам кусуф намозини икки ракъат ўқиганларини ва ҳар ракъатида уч рукуъ ва икки сажда қилганларини маълум қилмоқда. Бу ҳадис Муслим томонидан ҳам таҳриж этилган ва Муслимнинг ривоятида рукуълар саногиди ортиқлик бор.

(Тагин) Ибн Аббос орқали Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламдан «Кусуф намози ўқиганлари ва тўрт сажда муқобилида тўрт рукуъ қилганлари»²⁷⁵ ривоят қилинган. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Илм аҳллари кусуф намозининг қироати масаласида ихтилоф қилдилар. Баъзилари кундузги ўқиладиган кусуф намозида қироат махфий (ичда) ўқилади, деган фикрга эга бўлдилар. Баъзилари эса ҳайит ва жумъа намозларида бўлганидек, қироат жаҳрий (овоз чиқариб) қилинади, деган фикрдалар. Имоми Шофиъий «Кусуф намозида жаҳрий ўқилмайди», деди.

Ҳар икки ривоят ҳам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ тарзида собитдир: Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам тўрт сажда муқобилида тўрт рукуъ қилганлари саҳиҳ тарзида ривоят қилинган. шунингдек, тўрт ракъат сажда муқобилида олти рукуъ қилганлари ҳам саҳиҳ тарзида ривоят қилинган. Илм аҳлларининг фикрига кўра, бу намозни кусуфнинг (куёш ёки ой тугилишнинг) миқдорига қараб ўқимоқ жоиз. Агар кусуф (куёш ёки ой тугилиши) чўзилса, тўрт сажда муқобилида олти рукуъ қилади ва бу жоиздир. Агар (бу аҳволда) тўрт сажда муқобилида тўрт рукуъ қилса, (унда) қироатни чўзади ва бу (ҳам) жоиз.

Биродарларимиз (Ат-Термизий муҳаддисларни кўзда тутмоқдалар) куёш ёки ой тугилганда кусуф намози жамоат билан ўқилади, деган фикрдалар.

²⁷⁵Ибн Аббоснинг бу ҳадисини Имом Ал-Бухорий ва Муслим таҳриж қилганлар. Ан-Нававий бу ҳадис шарҳида бунда дейди: «Бунинг сифати ҳақида ихтилоф қилинди. Машҳур бўлгани – Шофиъий мазҳабида – кусуф намози икки ракъатдир ва ҳар бир ракъатида икки киём, икки қироат ва икки ракуъ бор. Саждаларга келсак, саждалари бошқа намозларда бўлганидек, икки саждадир».

۵۵۹ — حدثنا محمد بن عبد الملك بن أبي الشوارب أخبرنا يزيد
 ابن زريع أخبرنا ميمون عن الزهري عن عروة عن عائشة أنها قالت :
 « حُفَّتِ الشمسُ على عهد رسول الله صلى الله عليه وسلم فصلى رسول الله
 صلى الله عليه وسلم بالناس فأطال القراءة ثم ركع فأطال الركوع ، ثم رفع
 رأسه فأطال القراءة ، وهي دون الأولى ، ثم ركع فأطال الركوع ، وهو
 دون الأول ، ثم رفع رأسه فجدَّ ثم فعل ذلك في الركعة الثانية . »

559. *Ошиша (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинди;*
айтдилар: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам
 даврларида қуёш тугилди ва шунда Расулуллоҳ сал-
 лаллоху алайҳи ва саллам одамлар билан намоз
 ўқидилар. Қироатни узоқ чўздилар, кейин рукуъ
 қилдилар ва рукуъни узоқ чўздилар, кейин (рукуъдан)
 бошларини кўтардилар ва қироатни чўздилар, аммо
 олдингисидан кўра қисқароқ қилдилар; кейин рукуъ
 қилдилар ва рукуъни чўздилар, аммо олдингисидан
 кўра қисқароқ қилдилар; (рукуъдан) бошларини
 кўтардилар ва (изидан) саждага бордилар. Кейин ик-
 кинчи ракъатда (ҳам) худди шундай қилдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу ҳадисни эгаллаб,
 кусуф намози (икки ракъатда) тўрт сажда муқобилида
 тўрт рукуъ тарзида ўқилади, деб қарайдилар. Имоми
 Шофиъий айтади:

«Биринчи ракъатда «Фотиҳа»ни ва «Бақара» су-
 расига яқин бир сурани, кундуз куни бўлса, ичида
 ўқийди, кейин худди қироатдек узоқ рукуъ қилади; кей-
 ин такбир айтиб (рукуъдан) бошини кўтаради, яна боя-
 гидек тик турган ҳолда «Фотиҳа»ни ва «Оли Имрон»га
 яқин бир сурани ўқийди, кейин қироатдек узоқ рукуъ
 қилади, кейин (рукуъдан) бошини кўтаради ва
 «Самияллоху ли ман ҳамидаҳ» дейди, кейин икки
 тўлиқ-тўқис сажда қилади ва саждада руқуъда қолган

микдорича қолади; кейин қиёмға туриб «Фотиҳа»ни ва «Ан-Нисо» сурасича бир сурани ўқийди, кейин қироатидек узоқ рукуъ қилади, кейин такбир айтиб бошини (рукуъдан) кўгаради ва тик туради, кейин «Ал-Моида» сурасича бир сурани ўқийди ва қироатидек узоқ рукуъ қилади, кейин «Самияллоху-лиман ҳамидаҳ» деб тик туради, кейин икки сажда қилади, кейин ташаҳхуд ўқийди ва салом беради».

394-БОБ

**МАВЗУ: КУСУФ НАМОЗИДА ҚИРОАТНИНГ
КАЙФИЯТИ**

۵۶۰ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي لَيْلَى عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «صَلَّى بِنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي كُسُوفٍ لَا نَسْمَعُ لَهُ صَوْتًا».

560. Самура ибн Жундуб (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бизларга кусуф (қуёш тутилиши) намозини ўқиб бердилар, биз у кишининг овозларини эшитмадик».

Бу бобда Оиша (розияллоху анҳо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Самура ибн Жундубнинг намози ҳасан-саҳиҳ-ғариб. Баъзи илм аҳллари шу қавлга эга бўлганлар: Шофийийнинг қавли шу.

۵۶۱ — حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ مُحَمَّدٍ بْنُ أَبِي لَيْلَى عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «صَلَّى بِنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي كُسُوفٍ وَجَهْرًا بِالْقِرَاءَةِ فِيهَا».

561. Оиша (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам кусуф (қуёш тутилиши) намозини ўқидилар ва бу намозда қироатни жаҳрий қилдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Абу Исҳоқ Ал-Фазорий, Суфён ибн Хусайндан аини шу ҳадисни уйқаш тарзда ривоят қилди. Молик, Аҳмад ва Исҳоқ шу ҳадисни қабул қилганлар.

395-БОБ

**МАВЗУ: САЛОТ УЛ-ХАВФ (ХАВФ
ТУҒИЛГАНДА ЎҚИЛАДИГАН
НАМОЗ)**

٥٦٢ — حدثنا محمد بن عبد الملك بن أبي الشوارب أخبرنا يزيد
ابن زريع أخبرنا معمر عن الزهري عن سالم عن أبيه « أن النبي صلى الله
عليه وسلم صلى صلاة الخوف بإحدى الطائفتين ركعة والطائفة الأخرى
مواجهة العدو ثم انصرفوا فقاموا في مقام أولئك، وجاء أولئك فصلى بهم
ركعة أخرى، ثم سلم عليهم فقام هؤلاء فقضوا ركعتهم، وقام هؤلاء
فقضوا ركعتهم » .

562.Ибн Умар (розияллоху анҳумо)дан ривоят қилинди: «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам икки гуруҳнинг бир гуруҳи билан (имом бўлиб) бир рақъат хавф намози ўқидилар, иккинчи гуруҳ душманни кузатиб турди. Кейин булар тисарилиб, у (қўриқчи)ларнинг ўрнини эгаллади, буларнинг ўрнига улар келди. (Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам) улар билан қолган бир рақъатни ўқидилар ва ўшалар иштирокида салом бердилар. Кейин булар қиёмга туриб, (имом билан ўқилмаган аввалги) бир рақъатларини ўқиб олдилар; ановилар эса туриб (имом билан ўқилмаган охириги) бир рақъатларини ўқиб олдилар»²⁷⁶.

²⁷⁶Ҳадиснинг зоҳир маъноси – иккинчи тоифа имом билан ўқимаган биринчи рақъатни адо этганда иккинчи гуруҳ иккинчи рақъатни ўқиган. Аммо ҳар икки гуруҳ ўз намозларини кетма-кет тўлдириб ўқиганлари ҳам эҳтимолдир. Чунончи, Абу Довуднинг Ибн Масъуд (розияллоху анҳу)дан таҳриж қилган ҳадисида бундай

Бу ҳадис (Ибн Умарнинг ҳадиси) ҳасан-саҳиҳ. Бу ҳадисни Мусо ибн Уқба, Нофиъдан, Ибн Умардан, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан уйқаш тарзда ривоят қилган.

Бу бобда Жобир, Хузайфа, Зайд ибн Собит, Ибн Аббос, Абу Ҳурайра, Ибн Масъуд, Саҳл ибн Аби Ҳасма, Абу Аййаш аз-Зурақий – унинг исми Зайд ибн Сомит – ва Абу Бакра (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Молик ибн Анас «Салот ул-хавф» (бораси)да Саҳл ибн Аби Ҳасманинг ҳадисини эгаллаган. Шофиъийнинг қавли ҳам шу.

Имоми Аҳмад айтади: «Салот ул-хавф» борасида Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мухталиф ваҳҳлардан қилинган ривоятлар бор. Бу бобда фақат битта саҳиҳ ҳадисни биламан ва Саҳл ибн Аби Ҳасманинг ҳадисини ихтиёр этаман».

Исҳоқ ибн Иброҳим ҳам шундай дейди. Айтади-ки, «Салот ул-хавф» борасида Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мутааддид ривоятлар собит бўлган». Исҳоқ ибн Иброҳим, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан «Салот ул-хавф» борасида ривоят қилинган ҳар шакл(даги намоз) жоиз ва қўрқувнинг микдориға қараб бу ривоятлар билан амал қилинади, деган фикрдадир. Исҳоқ бундай дейди: «Саҳл ибн Аби Ҳасманинг ҳадисини бошқа ривоятлардан таржих қилмоқчи (устун қўймоқчи) эмасмиз».

дейилади: «Кейин салом бердилар ва булар (яъни иккинчи гуруҳ) ўзлари мустақил равишда бир рақъат ўқидилар, кейин салом бериб кетдилар. Ва ановилар (намоз) жойларига қайтдилар, ўзлари мустақил равишда бир рақъат ўқидилар ва салом бердилар». Ҳар икки ривоятдан ҳам иккинчи гуруҳ икки рақъатни кетма-кет ўқигани ва фақатгина биринчи гуруҳ икки рақъатнинг орасини узгани аглашилади. Ҳанафийлар, иккинчи гуруҳ имомга эргашиб иккинчи рақъатни ўқиганларидан кейин, туриб кетганларини ва биринчи гуруҳ қолган бир рақъатларини ўқиб олганларидан кейин, қайтиб намозларини тўлдириб ўқиб олганларини айтадилар.

۵۶۳ — حدثنا محمد بن بشر عن يحيى بن سعيد القطان أخبرنا يحيى ابن سعيد الأنصاري عن القاسم بن محمد عن صالح بن خوات بن جبير عن سهل بن أبي حنيفة أنه قال في صلاة الخوف قال : « يوم الإمام مستقبل القبلة وتقوم طائفة منهم معه ، وطائفة من قبل العدو وجوههم إلى العدو ، فيركع بهم ركعة ، ويركعون لأنفسهم ركعة ، ويسجدون لأنفسهم سجدة تين في سكاكينهم ، ثم يذهبون إلى مقام أولئك ويحيى أولئك فيركع بهم ركعة ويسجد بهم سجدة تين فهي له ثنتان ولهم واحدة ثم يركعون ركعة ويسجدون سجدة تين » .

563. Саҳл ибн Аби Ҳасма (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у «Салот ул-хавф» борасида бундай дейди: «Имом қиблага рўбарў туради, улардан (муслмонлардан) бир гуруҳи имом билан бирга туради, бир гуруҳи эса душманга қарама-қарши – душманга юзланиб туради. Имом улар билан бир рукуъ (ва икки сажда) қилади (яъни бир ракъат ўқийди). Ва булар турган жойларида ўзлари мустақил равишда бир рукуъ ва икки сажда қиладилар-да, кейин нариги гуруҳнинг истехкомига борадилар, улар (эса бу ёққа) келадилар. Имом булар билан (ҳам) бир рукуъ ва икки сажда қилади. Бас, (намоз) имом учун икки ракъат ва улар учун бир ракъат бўлади. Кейин улар (ўзлари) бир рукуъ ва икки сажда қилиб оладилар»²⁷⁷.

²⁷⁷Саҳл ибн Аби Ҳасма Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқиган салот ул-хавфни бундай таърифилайди: Муслмонлар икки гуруҳга бўлинади, бир гуруҳ душманга қарши истехкомда турган ҳолда, имом бир гуруҳга бир ракъат ўқиб беради. Имом иккинчи ракъатнинг қиёмига турганда иқтидо қилувчи гуруҳ иккинчи ракъатни ўзлари мустақил равишда ўқиб, салом беради-да, бориб нариги гуруҳнинг истехкомини эгаллайди. Имом қиёмда туриб иккинчи гуруҳни кутади ва иккинчи гуруҳ келиб, имомга иқтидо қилади. Шундай қилиб, булар билан ҳам бир ракъат ўқиганидан кейин салом беради. Аммо улар қиёмга туриб, ўзлари мустақил

Муҳаммад ибн Башшар айтади: «Яҳё ибн Саъид Ал-Қатгондан бу ҳадисни сўрадим, у менга Шуъбадан, Абдуррахмон ибн Ал-Қосимдан, унинг отасидан, Солиҳ ибн Ховвотдан, Саҳл ибн Абн Ҳасмадан, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан, Яҳё ибн Саъид Ал-Ансорийнинг ҳадисига уйқаш ҳадисни баён қилди ва айтдики, «Бу ҳадисни унинг ёнига ёз! Гарчи ҳадис ёдимда бўлмаса ҳам, аммо у Яҳё ибн Саъид Ал-Ансорийнинг ҳадиси кабидир».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Яҳё ибн Саъид Ал-Ансорий бу ҳадисни Ал-Қосим ибн Муҳаммаддан марфуъ тарзида ривоят қилади. Яҳё ибн Саъид Ал-Ансорийнинг биродарлари ҳам шу йўсин мавкуф тарзида ривоят қилдилар. Шуъба эса Абдуррахмон ибн Қосим ибн Муҳаммаддан марфуъ тарзида ривоят қилмади.

٥٦٦ — حدثنا عبد الله بن عبد الرحمن أخبرنا عبد الله بن صالح أخبرنا الليث بن سعد عن خالد بن يزيد عن سعيد بن أبي هلال عن عمر وهو ابن حبان الدمشقي قال سمعتُ غبيراً يخبرني عن أم الدرداء عن أبي الدرداء قال «سجدتُ مع رسولِ الله صلى الله عليه وسلم إحدى عشرة سجدةً منها التي في النجم» .

564. Молик ибн Анас, Язид ибн Румондан, Солиҳ ибн Ховвотдан, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга «салот ул-хавф» (хавф намози)ни ўқиган саҳобадан ривоят қилган. Уйқаш тарзда ўтган ҳадиснинг ўзини зикр қилди.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Молик, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу.

«Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки гуруҳнинг ҳар бирига бир ракъат ўқиб берганлари ва

бир ракъат ўқиб олиб, салом берадилар.

натижада Расули Акрамники икки ракъат ва уларники бир ракъатдан бўлгани» биттадан ортиқ кишидан ривоят қилинган.

396-БОБ

МАВЗУ: ТИЛОВАТ САЖДАСИ

۵۶۵ — حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ وَكَيْعٍ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ عَنْ
عَمْرِو بْنِ الْحَارِثِ عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي هِلَالٍ عَنْ عُمَرَ الدَّمَشْقِيِّ عَنْ أُمِّ
الدَّرْدَاءِ عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ قَالَ «سَجَدْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
إِحْدَى عَشْرَةَ سَجْدَةً مِنْهَا ثَلَاثٌ فِي النُّجْمِ» .

565. Абуд-Дардо (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва саллам билан бирга ўн битта сажда(и) тиловат қилдим. Шулардан биттаси «Ан-Нажм» сурасидаги саждадир».

Бу бобда Али, Ибн Аббос, Абу Хурайра, Ибн Масъуд, Зайд ибн Собит ва Амр ибн Ал-Ос (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абуд-Дардонинг ҳадиси ғариб. Бу ҳадисни ёлғиз Саъид ибн Аби Хилолнинг Умар Ад-Дамашқийдан қилган ривоятдан билаётирмиз.

۵۶۶ — حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ صَالِحٍ
أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ عَنْ خَالِدِ بْنِ يَزِيدَ عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي هِلَالٍ عَنْ
عُمَرَ رَهُو ابْنِ حَيَّانِ الدَّمَشْقِيِّ قَالَ سَمِعْتُ عُثْمَانَ بْنَ عَفَّانَ يَقُولُ قَالَ
عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ قَالَ «سَجَدْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِحْدَى
عَشْرَةَ سَجْدَةً مِنْهَا ثَلَاثٌ فِي النُّجْمِ» .

566. Умар ибн Хаййон Ад-Дамашқийдан ривоят қилинди; айтди: «Бир мухбирдан (хабарчидан) эшитдим, Умму Дардо орқали Абуд-Дардонинг бундай деб айтганини менга хабар қилди: «Расулуллоҳ саллаллоху

алайҳи ва саллам билан бирга ўн битта сажда(и тило-
ват) қилдим, шулардан биттаси «Ан-Нажм» сурасидаги
саждадир».

Бу ривоят Суфён ибн Вакиънинг Абдуллоҳ ибн
Ваҳбдан қилган ривоятидан кўра соғломрок.

397-БОБ

**МАВЗУ: АЁЛЛАРНИНГ МАСЖИДЛАРГА
ЧИҚМОҚЛАРИ**

٥٦٧ — حدثنا نصر بن علي أخبرنا عيسى بن يونس عن الأعمش
عن مجاهد قال: كنا عند ابن عمر فقال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم
«أيدنوا للنساء بالليل إلى المساجد» فقال ابنه: والله لا نأذن لهن يتخذنه
دعلاً، فقال: فعل الله بك وفعل، أقول: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم
وتقول لا نأذن؟! .

567. Мужоҳиддан ривоят қилинди; айтди: «Ибн
Умарнинг ҳузуринда эканимизда бундай деди. «Расулulloҳ
саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аёлларга
кечқурун масжидга чиқмоқлари учун изн берингиз-
лар!». Шунда Ибн Умарнинг ўғли: «Аллоҳ хақи, изн
бермаймиз! Буни ёмон ниятларига баҳона қилиб оли-
шади!» деди.²⁷⁸. Шунда Ибн Умар айтдики, «Аллоҳ сен-
га бас келсин, бас келсин!²⁷⁹. Мен: «Расулulloҳ сал-
лаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар», деб турибман-у,
сен «Изн бермаймиз» дейсан-а!»

Бу бобда Абу Хурайра, Абдуллоҳ ибн Масъуд-
нинг жуфти ҳалоли Зайнаб ва Зайд ибн Холид
(розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

²⁷⁸Ибн Умарнинг ўғли (Умар ибн Ал-Хаттобнинг невараси)
ўша вақтда айрим хотинларнинг фасоди (бузукчилиги)ни кўриб,
мусулмонлик номини ва ирсини (номусини) муҳофаза қилмоқ тар-
зида шу сўзни айтган.

²⁷⁹Бу койишни Абдуллоҳ ибн Хубайра, Табароний ривоятида,
«Уч марта, лаънат айтмоқ» тарзида тафсир қилган.

398-БОБ

**МАВЗУ: МАСЖИДА ТУПУРМОҚ КАРОҲАТ
ЭКАНЛИГИ**

٥٦٨ — حدثنا محمد بن بشار أخبرنا يحيى بن سعيد عن سفيان عن منصور عن ربيعي بن جراح عن طارق بن عبد الله الحارثي قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم « إذا كنت في الصلاة فلا تبرق عن يمينك، ولكن خلفك أو تلقاء شمائك، أو تحث قدمك اليسرى » .

568. *Ториқ ибн Абдуллоҳ Ал-Муҳорибий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Намозда эканингда ўнг томонига тупурма. Ва лекин (намозхон бўлмаса) орқангга ёки (ҳеч ким бўлмаса) чап томонига ёхуд чап оёғинг остига тупуртил!»²⁸⁰.*

Бу бобда Абу Саъид, Ибн Умар, Анас ва Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Ториқнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳллари шу ҳадисни қабул қилганлар. Ал-Жоруддан эшитдим, айтадики, «Вакиънинг бундай деганини эшитдим: «Рибъий ибн Хирож Ислом дини мавзуида ҳеч бир ёлғон сўзламаган». Абдурраҳмон ибн Маҳдий айтади: «Мансур ибн Ал-Муътамир – Куфа аҳлининг энг соғломидир».

²⁸⁰Оғзига келган балғамни қайтара олмаса ва чиқариб ташлашга мажбур бўлиб қолса, ҳеч ким бўлмаслиги шарт билан, орқасига ёки чап томонига тупуради. Агар чап томонида ҳам, орқасида ҳам одам бўлса, унда ё чап оёғининг остига ёки этагининг бир учига тупуради. Бу ҳолат шолча, полос, гилам тўшалмаган ва ости кум ёки тупроқ бўлган масжидларга тегишлидир. Нарса тўшалган масжидларда фақат этагининг бир учига тупуради. Чунончи, кейинги ҳадис бу ҳадис маъносини таъкидлайди.

569 — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا أَبُو عَوَّانَةَ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «الْبُرْأَقُ فِي الْمَسْجِدِ خَطِيئَةٌ وَكَفَّارَتُهَا دَنْهَا» .

569. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Масжидда (ерга) тупурмоқ хатодир ва бу хатонинг каффорати тупукни кўймоқликдир»²⁸¹.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

399-БОБ

МАВЗУ: «إِذَا السَّمَاءُ انشَقَّتْ» ВА «اقْرَأْ بِسْمِ رَبِّكَ الَّذِي عَلَّمَ»
«АЛ-АЛАҚ» ВА «АЛ-ИНШИҚОҚ»
СУРАЛАРИДАГИ ТИЛОВАТ
САЖДАСИ

570 — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ أَبِي يُونُسَ بْنِ مَوْسَى عَنْ عَطَاءِ بْنِ مِينَاءَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ «سَجَدْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي اقْرَأْ بِسْمِ رَبِّكَ ، وَإِذَا السَّمَاءُ انشَقَّتْ» .

570. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва

саллам билан бирга «اقْرَأْ بِسْمِ رَبِّكَ» («Ал-алақ») ва «إِذَا السَّمَاءُ انشَقَّتْ» («Ал-иншиқоқ») сураларида сажда(и тиловат) қилдик».

²⁸¹ Ан-Нававий бу ҳадис шарҳида масжидда ерга тупурмоқ қатъиян хато эканини, ости тупроқ ёки қум бўлган масжидларда ерга тупурилганда ўша тупукни кўмиш кераклигини айтади.

۵۷۱ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ عَنْ يَحْيَى بْنِ سَعِيدٍ عَنْ أَبِي بَكْرِ بْنِ مُحَمَّدٍ بْنِ عَمْرٍو بْنِ حَزِيمٍ عَنْ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ الْعَزِيزِ عَنْ أَبِي بَكْرِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْحَارِثِ بْنِ هِشَامٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِهِ .

571.Кутайба, Суфён орқали, Яхё ибн Саъиддан, Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Хазмдан, Умар Абдулазиздан, Абу Бакр ибн Абдуллаҳмон ибн Ал-Хорис ибн Ҳишомдан, Абу Хурайрадан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан баён қилди. Ўтган ҳадиснинг ўзи. Бу ҳадисда бир-бирларидан ривоят қилган тобиъийдан бўлмиш тўрт киши бор²⁸².

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир:

«اقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ» («Ал-иншиқоқ») ва «إِذَا الْمَاءُ انشَقَّتْ» («Ал-алақ») сураларида саждаи тиловат бор деган тўхтамдалар.

400-БОБ

МАВЗУ: «АН- НАЖМ» СУРАСИДАГИ ТИЛОВАТ САЖДАСИ

۵۷۲ — حَدَّثَنَا هَارُونَ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْبِرَّازُ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الصَّمَدِ بْنِ عَبْدِ الْوَارِثِ أَخْبَرَنَا أَبِي عَنْ أَيُّوبَ عَنْ عِكْرَمَةَ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ «سَجَدَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيهَا يَمْنِي النُّجُومَ وَالسَّلِيمُونَ وَالْمُشْرِكُونَ وَالْجِنُّ وَالْإِنْسُ» .

572. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят

²⁸²Бу тўрт тобиъийн: Яхё ибн Саъид, Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Амр, Умар ибн Абдулазиз ва Абу Бакр ибн Абдуллаҳмон ибн Ал-Хорис.

қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ул сурада (яъни «Ан-Нажм» сурасида) сажда(и тиловат) қилдилар. (Ўша йиғинда бўлган) мусулмонлар ҳам, мушриклар ҳам, жин ҳам, инс ҳам сажда қилишди»²⁸³.

²⁸³Ибн Аббос бу ҳодисага етган эмас. Бу ҳадис саҳобалар мурсал тарзида ривоят қилган ҳадислардандир, барча илм ахллари саҳобаларнинг мурсал тарзида ривоят қилган ҳадисларни ҳужжат сифатида қабул қилганлар. Бухорий ва Муслим худди шу ҳадисни Ибн Масъуднинг ривоятидан таҳриж қилганлар. Ибн Масъуд ривоятида бундай дейилади: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам «Ван-нажм»ни ўқидилар, бу сурада саждаи тиловат қилдилар ва (у кишининг) ёнидагилар ҳам сажда қилишди. Аммо битта чол бир ховуч кум еки тупроқни олиб, пешонасига олиб борди-да: «Шу менга етади!» деди. Ўша кишининг кейинчалик кофир сифатида ўлдирилганини кўрдим». Ўша киши Умаййа ибн Халаф эди. У Бадр ғазотида мусулмонлар томонидан ўлдирилди.

Имом Ан-Нававий Муслимнинг китоби шарҳида айтади: «(У кишининг) ёнидагилар ҳам сажда қилишди» сўзининг маъноси шуки, бунда Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг қироатини тинглаган мусулмонлар, мушриклар, жин ва инслар назарда тутилган. Ибн Аббос ва бошқалар бу ҳадисни очик-равшан зикр қилганлар. Ҳатто бу ҳадиса туфайли Маккаликларнинг мусулмон бўлганликлари шодиёнаси атрофга ёйилади. Қози Йёз айтади: «Ибн Масъуд фикрича, сажда қилмоқларининг сабаби шуки, бу сажда нозил бўлган биринчи сажда эди». Қози Йёз бундай давом этади: «Тарихчи ва муфассирларнинг: «Мушрикларнинг бутлари («худолари») «Ан-Нажм» сурасида Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг тили билан мақталганида мушриклар сажда қилди» деб кўрсатган сабаблари асоссиздир. Бу ривоят ҳеч қайси жиҳатдан, ақл жиҳатдан ҳам, нақл жиҳатдан ҳам — саҳиҳ эмас. Чунки Аллоҳдан бошқа нарсани «худо» деб мадҳ этмоқ куфрдир. Буни Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг тилларига оид қилиб кўрсатмоқ тўғри эмас. Шайтон эса Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг тили воситасида буни сўзлай олмайди. Шайтонга бундай куч берилиши мутлақо жоиз эмас». Қози Йёз Фороник ҳикоясига диққатни тортади ва бу ҳикоя ақлан ҳам, нақлан ҳам саҳиҳ эмаслигини таъкидлайди. Чунончи, бу қисса Қози Йёз ва Ан-Нававий баён этган ваҳҳга кўра, ботил ва мардуддир. Чунки ботил ёки заиф ёки мурсал санадлар билан ривоят қилинган. Саҳиҳ ва муттасил бирор санади йўқ. Ҳофиз ибн Ҳажар «Фатҳ ул-борий»да бу қиссанинг санадларига ишорат қилиб, бир қанча йўллардан ривоят этилиши сабаби билан қиссанинг асл асо-

Бу бобда Ибн Масъуд ва Абу Хурайра (розияллоху анхумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Баъзи илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. «Ан-Нажм» сурасида саждаи тиловат бор, деган фикрдалар. Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари муфассалда саждаи тиловат йўқ деб қарор қилишган. Молик ибн Анаснинг қавли шу. Биринчи қавл саҳиҳроқ. Ас-Саврий, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳок биринчи қавлга эга бўлишган.

си топилганини иддао этишга уринган. Ҳолбуки, мудҳиш бир хатога йўлиққан. Ҳар бир олимнинг бир залласи (қоқилиши) бор, бу эса у кишининг қоқилганидир. Аллоҳ авф айласин! «Йўллар кўпайиб, маҳражлар бошқа-бошқа бўлса, бу ўша ҳодисанинг юз берганидан далолат беради» деган сўзи умумий бир қоида эмас. Аз-Зайлоий, «Насб ур-ройа» китобида бундай дейди: «Бир қанча ҳадислар борки, ровийларининг кўп ва йўлларининг мутааддид

бўлишига қарамай, заифдир: «**الطير**» ҳадиси, «**الحاجم والنجوم**»

ҳадиси ва «**مولاه فعل مولاه من كنت**» ҳадиси сингари. Ҳатто баъзан йўлларнинг кўплиги ҳадисни янада заифликка туширади».

Ал-Кирмоний мушрикларнинг мусулмонлар билан бирга сажда қилганлари сабабларини бундай изоҳлайди: «Чунки бу сажда нозил бўлган илк сажда эдики, мушриклар мусулмонларга муораза қилиш мақсадида ўз маъбудларига сажда қилишди. Ёки беихтиёр ва беҳуда сажда қилишди. Ёки ўша йигинда мусулмонларга муҳолафат қилишдан кўркиб сажда қилишди». Ҳофиз ибн Хажар бу эҳтимолларнинг учаласи ҳам изоҳталаб эканини айтади ва бундай дейди: «Бу қарашларнинг биринчиси Қози Йёзники. Иккинчи фикр эса Ибн Масъуд ҳадисининг шаклига (ифода тарзига) зиддир. Яъни Ибн Масъуд сажда қилмаган битта чол бир ҳовуч қум олиб, манглайига теккизганини ривоят қилади. Бу ҳолат қаршисида мушриклар бош урганлари ва беихтиёр сажда қилганлари айтилмайди. Учунчи қараш эса яна узоқ эҳтимолдир. Зеро ўша маҳалда мушриклар мусулмонлардан эмас, аксинча, мусулмонлар мушриклардан хавфсирар эдилар».

401-БОБ

МАВЗУ: БУ СУРАДА («АН-НАЖМ»)ДА
ТИЛОВАТ САЖДАСИ ЙЎҚ
ЭКАНЛИГИ

۵۷۳ — حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى أَخْبَرَنَا وَكَيْعٌ عَنْ ابْنِ أَبِي ذَرِّيبٍ عَنْ
يَزِيدَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ قَسِيْبٍ عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَسَّارٍ عَنْ ذُبَيْبِ بْنِ أَبِي
عَلَى رَسُوْلِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ النَّجْمَ فَلَمْ يَسْجُدْ فِيهَا .

573. Зайд ибн Собит (розияллоҳу аҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга «Ан-Нажм» сурасини ўқиб бердим, бу сурала сажда қилмадилар».

Зайд ибн Собитнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳллари бу ҳадисни таъвил этиб, бундай деган: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам (бунда) саждаи тиловатни тарк этмоқларининг бирдан-бир сабаби шуки, (уни) ўқиб берган Зайд ибн Собит сажда қилмагач, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам сажда қилмаганлар»²⁸⁴.

Илм аҳллари: «Сажда уни эшитган кишига во-

²⁸⁴ Яъни саждаи тиловат бобида ўқиган киши тинглаган кишининг имомидир. Ўқиган Зайд сажда қилмагач, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам унга иттибоъ қилиб, сажда қилмадилар. Саждаи тиловатда ўқиган киши тинглаган кишининг имом эканлигига далолат қилган далиллардан бири эса Абдуллоҳ ибн Масъуднинг Тамим ибн Ҳазламга: «Сажда қил! Саждаи тиловатда имомимиз сенсан!» деган сўзидир. Тамим ибн Ҳазлам ёш бола эди ва Абдуллоҳ ибн Масъудга сажда оятини ўқиган эди. Шунингдек, Зайд ибн Асламдан ривоят қилинди: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларида сажда оятини ўқиди ва Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сажда қилмоқларини кутди. Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда қилмагач, «Ё Расулulloҳ! Бу сажда оятда саждаи тиловат йўқми?» деди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки, «Албатта бор! Аммо саждаи тиловатда сен бизнинг имомимиз эдинг. Сажда қилса эдинг, биз ҳам қилар эдик».

жибдир» дейдилар ва тарк этмоққа рухсат бермайдилар. Айтадиларки, «Бир киши таҳоратсиз бўлгани ҳолда (сажда оятини) эшитса, таҳорат олган заҳоти сажда қилади». Суфён ва Куфа аҳлининг қавли шу. Исҳоқ ҳам шу қавлга эга бўлган. Баъзи илм аҳллари эса бундай дейдилар: «Саждаи тиловат фақатгина бу саждани қилмоқчи ва унинг фазилатига эришмоқчи бўлганлар учундир. Булар саждаи тиловатни тарк этмоққа рухсат берадилар ва «хоҳласа, қилади» дейдилар. Зайд ибн Собитнинг: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга «Ан-Нажм» сурасини ўкиб бердим, бу сурада сажда қилмадилар» деган ҳадисини ва, шунингдек, Ҳазрати Умарнинг ҳадисини далил сифатида кўрсатадилар. Чунончи, Умар (розияллоҳу анҳу) минбарда сажда оятини ўкиганларида тушдилар ва сажда қилдилар. Сўнг кейинги жумъа кунида яна сажда оятини ўқидилар ва жамоат саждаи тиловат учун ҳозирланди. Шунда Ҳазрати Умар: «Саждаи тиловат бизга фарз қилинмаган; хоҳласак, қиламиз» дедилар. Ўзлари сажда қилмадилар, улар ҳам сажда қилишмади. Айрим илм аҳллари шу қавлга соҳиб бўлганлар. Шофиъий ва Аҳмаднинг қавли шудир.

402-БОБ

МАВЗУ: «ص» («СОД») СУРАСИДА ТИЛОВАТ

САЖДАСИ

۵۷۴ — حدثنا ابنُ أبي عميرٍ أخبرنا سفيانٌ عن أيوبَ عن عكرمةَ عن ابنِ عباسٍ قال «رأيتُ رسولَ الله صلى الله عليه وسلم يسجدُ في منى . قال ابن عباسٍ : ولستُ من عزائمِ السجودِ .»

574.Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг «ص» («Сод») сурасида сажда

қилганларини кўрдим».

Ибн Аббос: «Ҳолбуки, бу азоим (вожиб) саждалардан эмас», деди.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳллари бу суранинг саждаи тиловати борасида ихтилоф қилдилар: баъзилари бу сурада сажда қилинади, деган фикрдалар. Суфён, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Баъзи бирлари эса бу Пайгамбарнинг тавбаси эканлигини уктириб, бунда сажда йўқ, деган фикрга эга бўлаётир.

403-БОБ

МАВЗУ: «АЛ-ҲАЖ» СУРАСИДА ТИЛОВАТ САЖДАСИ

۵۷۵ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا ابْنُ لَمِيْعَةَ عَنْ مِشْرَحِ بْنِ هَاعَانَ عَنْ
عُقْبَةَ بْنِ عَمْرِو قَالَ : «قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ فَعُلْتَ سُورَةَ الْحَجِّ بَأَنِّ فِيهَا
سَجْدَتَيْنِ ؟ قَالَ : نَعَمْ ، وَمَنْ لَمْ يَسْجُدْهُمَا فَلَا يَقْرَأْهُمَا .»

575. Уқба ибн Омир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Дедимки, «Ё Расулаллоҳ! «Ал-Ҳаж» сураси унда икки сажда (оят) борлиги учун афзал қилиндими?» Айтдиларки: «Ҳа, (шундоқ)! Кимки бу икки саждани қилмайдиган бўлса, уларни (икки сажда оятини) ўқимасин!..»

Бу ҳадиснинг санади унча соғлом эмас. Илм аҳллари бу масалада ихтилоф қилдилар. Умар ибн Ал-Хаттоб ва Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан бундай деганлари ривоят қилинди: «Ал-ҳаж» сураси унда икки сажда борлиги учун афзал қилинди!». Баъзи бировлар эса бу сурада бир сажда бор деган фикрдалар. Суфён

404-БОБ

МАВЗУ: САЖДАИ ТИЛОВАТДА
ЎҚИЛАДИГАН ДУО

۵۷۶ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَزِيدَ بْنِ خَتَيْبٍ أَخْبَرَنَا
الْحَسَنُ بْنُ مُحَمَّدِ بْنِ عُيَيْنَةَ أَنَّ اللَّهَ بْنَ أَبِي يَزِيدَ قَالَ : قَالَ لِي ابْنُ جُرَيْجٍ :
يَا حَسَنُ أَخْبِرْنِي مُهِيمَةُ اللَّهِ بْنِ أَبِي يَزِيدَ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ : جَاءَ رَجُلٌ إِلَى
النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي رَأَيْتُ اللَّيْلَةَ وَأَنَا نَائِمٌ كَأَنِّي
أَصَلَّى خَلْفَ شَجَرَةٍ فَسَجَدْتُ فَسَجَدَتِ الشَّجَرَةُ لِعِبَادِي ، فَسِعَتْهَا وَهِيَ
تَقُولُ : اللَّهُمَّ اكْتُبْ لِي بِهَا عِنْدَكَ أَجْرًا ، وَضَعَّ عَنِّي بِهَا وَزْرًا وَاجْتَلَاهَا
لِي عِنْدَكَ ذُخْرًا ، وَتَقَبَّلَهَا مِنِّي كَمَا تَقَبَّلْتَهَا مِنْ عَبْدِكَ دَاوُدَ . قَالَ الْحَسَنُ :
قَالَ لِي ابْنُ جُرَيْجٍ : قَالَ لِي جَدُّكَ : قَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ : قَرَأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَجْدَةً ثُمَّ سَجَدَ . قَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ : سَمِعْتُهُ وَهُوَ يَقُولُ مِثْلَ
مَا أَخْبَرَهُ الرَّجُلُ عَنْ قَوْلِ الشَّجَرَةِ .

576.Ибн Аббос (розияллоху анхумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Бир киши Набий саллаллоху алайҳи ва салламнинг хузурларига келиб, дедики, «Ё Расулulloх! Кечаси ухлаб ётиб ўзимни туш кўрибман. Тушимда бир дарахтнинг орқасида намоз ўқиётган эканман. Шунда мен сажда қилдим, менинг саждамга ўша дарахт ҳам сажда қилди. Шу аснода дарахтнинг бундай

деганини эшитдим:

اللَّهُمَّ اكْتُبْ لِي بِهَا عِنْدَكَ أَجْرًا ، وَضَعَّ عَنِّي بِهَا وَزْرًا وَاجْتَلَاهَا لِي عِنْدَكَ ذُخْرًا ، وَتَقَبَّلَهَا مِنِّي كَمَا تَقَبَّلْتَهَا مِنْ عَبْدِكَ دَاوُدَ .

(«Аллоҳум-мактуб лий биҳа ғиндака ажрон ва зоръ ғанний би-ҳа визрон ва жаълҳа лий ғиндака зухрон. Ва тақоббалҳа минний, кама тақоббалтаҳа мин ғабди-

ка Довуд») ²⁸⁵ Ал-Ҳасан айтади: «Ибн Журайж менга бундай деди: «Сенинг бобонг (Убайдуллоҳ ибн Аби Язид) менга Ибн Аббоснинг бундай деганини нақл этди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир сажда оятини ўқидилар-да, кейин сажда қилдилар». Ибн Аббос айтадики, «(Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг) худди ўша киши ²⁸⁶ хабар берган тарзда дарахт айтган (дуо)ни айтганларини эшитдим».

Бу бобда Абу Саъид (розияллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис ғариб.

Буни Ибн Аббоснинг ривояти сифатида битта шу ваҳхдан билаётирмиз.

۵۷ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ إِسْحَاقَ بْنِ عَبْدِ الْوَهَّابِ الشَّقَعِيُّ أَخْبَرَنَا خَالِدُ بْنُ الْحَذَّاءِ عَنْ أَبِي الْمَالِيَةِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ «كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ فِي سُجُودِ الْقُرْآنِ بِاللَّيْلِ: سَجَدَ وَجْهِي لِلَّذِي خَلَقَهُ وَشَقَّ سَمْعَهُ وَبَصَرَهُ بِحَوْلِهِ وَقُوَّتِهِ».

577.Оиша (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тунги саждаи тиловатда бундай дер эдилар:

«سَجَدَ وَجْهِي لِلَّذِي خَلَقَهُ وَشَقَّ سَمْعَهُ وَبَصَرَهُ بِحَوْلِهِ وَقُوَّتِهِ» («Сажада ваҳҳийаллазий холоқоҳу ва шаққо самъаҳу ва басороҳу биҳавлиҳи ва қувватиҳи») ²⁸⁷.

²⁸⁵Маъноси: «Аллоҳим! Ушбу саждам боис менга ҳузурингда ажр ёз ва у боис гуноҳимни кетказ ва уни мен учун ўз ҳузурингда захира қил! Ва буни мендан қабул айла, худди банданг Довуд (алайҳиссалом)дан қабул айлаганингдек!»

²⁸⁶Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бу тушни хабар қилган киши Абу Саид Ал-Худрий эканлиги маълум қилинган. У бир фаришта эканлиги ҳам айтилган. Аммо бу узоқ бир эҳтимолдир.

²⁸⁷Дуонинг маъноси: «Юзим ўзини яратган зотга, Унинг қудрат-таъсири ва қуввати билан, қулоғига эшитмоқ ва кўзига кўрмоқ хусусиятини ато айлаган зотга сажда қилди...».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

405-БОБ

**МАВЗУ: КЕЧҚУРУНГИ ВИРДИНИ
КЕЧИКТИРИБ, КУНДУЗИ
ҚАЗОСИНИ АДО ЭТГАН КИШИ**

۵۷۸ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا أَبُو صَفْوَانَ عَنْ يُونُسَ بْنِ أَبِي شَهَابٍ أَنَّ السَّائِبَ بْنَ يَزِيدَ وَعَبِيدَ اللَّهِ أَخْبَرَاهُ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَبْدِ الْقَارِيِّ قَالَ: سَمِعْتُ هُرَيْرَ بْنَ الْخَطَّابِ يَقُولُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «مَنْ تَابَ مِنْ حِرْزِهِ أَوْ عَنْ شَيْءٍ مِنْهُ قَرَأَهُ مَا بَيْنَ صَلَاةِ الْفَجْرِ وَصَلَاةِ الظُّهْرِ كَتَبَ لَهُ كَأَنَّمَا قَرَأَهُ مِنَ الْبَيْتِ» .

578. Умар ибн Ал-Хаттоб (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки (кечқурунги) вирдини ёки ундан бир қисмини ўқиёлмай ухлаб қолса, шунда (эртаси) бомдод намози билан пешин намози орасида уни ўқиб олса, бу вирд унга тунда ўқилган каби ёзилгайдир».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Абу Савфоннинг исми – Абдуллоҳ ибн Саъид Ал-Маккий. Ал-Хумайдий ва улуғ муҳаддислар ундан (ҳадис) ривоят қилганлар.

406-БОБ

**МАВЗУ: ИМОМДАН ОЛДИН БОШИНИ
КЎТАРГАН КИШИ ҲАҚИДА
ҚАТТИҚ ҲУКМ**

۵۷۹ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ زُوَيْرٍ وَهُوَ أَبُو الْحَارِثِ الْبَصْرِيُّ قَعُ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: قَالَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «أَمَّا بَعْضُ الَّذِي يَرْفَعُ رَأْسَهُ قَبْلَ الْإِمَامِ أَنْ يُحَوَّلَ اللَّهُ رَأْسَهُ رَأْسَ حِمَارٍ» .

579. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Имомдан олдин бошини кўтарган киши, Аллоҳ унинг бошини эшакнинг бошига айлантириб қўймоғидан кўркмайдими?»».

Қутайба, Ҳаммоддан нақл этиб, айтадики, «Муҳаммад ибн Зиёд менга бундай деди: «(Абу Хурайра) «أما بخشى» «ама йахша» деди²⁸⁸.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Муҳаммад ибн Зиёд Басралик бўлиб, сиқа (ишончли)дир. Абул-Ҳорис деган куняси билан аталади.

407-БОБ

МАВЗУ: ФАРЗНИ ЎҚИГАНДАН KEYIN ЖАМОАТГА ИМОМ БЎЛГАН КИШИ

۵۸۰ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ عَمْرِو بْنِ دِينَارٍ عَنِ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ أَنَّ مُعَاذَ بْنَ جَبَلٍ كَانَ يُصَلِّيَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَرْبُ ثُمَّ يَرْجِعُ إِلَى قَوْمِهِ فَيَقُولُهُمْ .

²⁸⁸Бу сўздан мақсад куйидагича эканлиги изоҳланган: Шуъба бу ҳадисни Муҳаммад ибн Зиёд орқали Абу Хурайрадан, «Саҳиҳи

«أما بخشى أو ألا بخشى أحدكم» Бухорий»да келтирилганидек, («А-ма йахша ав а-ла йахша аҳадукум») лафзи билан ривоят қилди. Боя эсланган Ҳаммод Муҳаммад ибн Зиёддан Абу Хурайра бу

ҳадисни сенга «أما بخشى» (А-ма йахша) деб баён қилдими ёки

«ألا بخشى» («А-ла йахша») тарзидами?» – деб сўради. Шунда

Муҳаммад ибн Зиёд «Муҳаққакки, «أما بخشى» («А-ма йахша») деб жавоб берди.

580. *Жобир ибн Абдуллоҳ (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Муъоз ибн Жабал Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга шом намозини ўқир ва кейин ўз қавмига қайтиб, уларга имомлик қилар эди».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Биродарларимизнинг айтишича, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг амали шу ҳадис асосидадир: киши ўқиб бўлган фарз намозида бир жамоатга имом бўлса, унга иқтидо қилган кишиларнинг намози жоиздир.^{*} (Бунга) Жобирнинг Муъоз қиссаси ҳақидаги ҳадисни далил сифатида кўрсатадилар.

Бу ҳадис саҳиҳ. Жобирдан мутааддид ваҳҳлардан ривоят қилинган.

Абуд-Дардодан ривоят қилинган: Жамоат аср намозини ўқиб турганда масжидга кирган ва бу намозни пешин намози деб гумон қилиб, имомга иқтидо қилган кишининг намози ҳақида Абуд-Дардодан сўрадилар. «Намози жоиздир», деди.

Куфа аҳлидан баъзилари бундай дейдилар: «Бир жамоат асрни ўқиётган бир имомга, пешинни ўқияпти деб гумон қилиб, иқтидо этса, имом уларга намозни ўқиб берса ва улар имомга эргашган бўлсалар, имом билан маъмумнинг (эргашувчининг) нияти мухталиф (бошқа-бошқа) бўлгани боис муқтадийнинг (эргашувчининг) намози фосиддир».

^{*}Бу фатво Имом Шофиъий мазҳабига оид. Ҳанафий мазҳабидагилар хоҳ имом, хоҳ эргашувчи бўлиб бир вақтнинг фарзини адо қилсалар, бошқалар билан яна шу фарзни ўқий оладилар, фақат имом бўлмаслик шарти билан.

408-БОБ

**МАВЗУ: СОВУҚДА ВА ИССИҚДА КИЙИМ
УСТИГА САЖДА ҚИЛМОҚҚА
РУХСАТ БОРЛИГИ**

۵۸۱ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مُحَمَّدٍ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ أَخْبَرَنَا
خَالِدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ قَالَ حَدَّثَنِي غَالِبُ الْقَطَّانُ عَنْ يَكْرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ
الْمُرَزِيُّ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ « كُنَّا إِذَا صَلَّيْنَا خَلْفَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالظُّهْرِ سَجَدْنَا عَلَى رِثَابِنَا اثْنَاءَ الْكُرِّ » .

581. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Пешин жазирамасида Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида намоз ўқиган пайтларимизда, иссиқдан сақланмоқ учун кийимларимиз устига сажда қилар эдик».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу бобда Жобир ибн Абдуллоҳ ва Ибн Аббос (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Вакиъ бу ҳадисни Холид ибн Абдуррахмондан ривоят қилди.

409-БОБ

**МАВЗУ: БОМДОД НАМОЗИДАН КЕЙИН ТО
ҚУЁШ (ПОРЛАБ) ЧИҚҚУНИЧА
МАСЖИДА ЎТИРМОҚ МУСТАҲАБ
ЭКАНЛИГИ**

۵۸۲ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا أَبُو الْأَخْوَصِ عَنْ سِمَاكٍ عَنْ جَابِرِ
ابْنِ سَمُرَةَ قَالَ : « كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا صَلَّى الْفَجْرَ قَعَدَ
فِي مُصَلَّاهُ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ » .

582. Жобир ибн Самура (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозини ўқиб бўлгач, то қуёш (порлаб)

чиққунича намоз ўқиган жойларида ўтирар эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

۵۸۳ — حدثنا عبد الله بن معاوية الجمحي البصري أخبرنا عبد العزيز
ابن سليل أخبرنا أبو غلال عن أنس قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم
« مَنْ صَلَّى الْغُرَى فِي جَمَاعَةٍ ثُمَّ قَدَّ يَدَهُ يَذُكُرُ اللَّهَ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ ثُمَّ صَلَّى
وَكَتَبَتْ كَانَتْ لَهُ كَأَجْرِ حَجَّةٍ وَعُمْرَةٍ قَالَ : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم :
نَامِيَةٌ تَامِيَةٌ تَامِيَةٌ » .

583. Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;
айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бун-
дай дедилар: «Кимки бомдод намозини жамоат билан
ўқиса, кейин то қуёш (порлоб) чиққунича ўтириб Ал-
лоҳни зикр қилса, кейин (туриб) икки ракъат намоз
ўқиса, унга бир ҳаж ва умранинг савобидек савоб бе-
рилгайдир!» (Анас) айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу
алайҳи ва саллам (уч марта): «Тўлиқ-тўкис, тўлиқ-
тўкис, тўлиқ-тўкис!» дедилар».

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Муҳаммад ибн Исмоил (Ал-Бухорий)дан Абу Зи-
лол ҳақида сўрадим. «У ҳадисда ўрта даражалидир», де-
ди. Муҳаммад (Ал-Бухорий) «Унинг исми Хилол», дей-
ди.

410-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗДА ЮЗНИ ЎТИРИБ ҚАРАМОҚ

۵۸۴ — حدثنا محمود بن هبلان وغيره واحد قالوا أخبرنا الفضل
ابن موسى عن عبد الله بن سعيد بن أبي هند عن ثور بن زيد عن حكيم
عن ابن عباس « أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كُنَّ يَلْحَظُ فِي الْمَلَأَةِ
يَمِينًا وَشِمَالًا وَلَا يَلْوِي عُنُقَهُ خَلْفَ ظَهْرِهِ » .

584. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда ўнг томонга ва чап томонга кўз қири билан боқар эдилар. Бўйинларини орқага қайирмас эдилар».

Бу ҳадис ғариб.

Вакиъ бу ҳадис ривоятида Ал-Фазл ибн Мусога мухолафат қилган.

۵۸۵ — حدثنا محمود بن غيلان أخبرنا وكيع عن عبد الله بن سعيد ابن أبي هند عن بعض أصحاب عكرمة « أن النبي صلى الله عليه وسلم كان يَلْحَظُ فِي الصَّلَاةِ ، قَدْرَ كَرْنِ نَحْوِهِ .

585. Икрийма (розияллоҳу анҳу)нинг баъзи биродарларидан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда кўз қири билан боқар эдилар». Ва ўтган ҳадисни зикр қилди...

Бу бобда Анас ва Оиша (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

۵۸۶ — حدثنا مسلم بن حاتم البصري أبو حاتم أخبرنا محمد ابن عبد الله الأنصاري عن أبيه عن علي بن زيد عن سعيد بن المسيب عن أنس قال : وقال لي رسول الله صلى الله عليه وسلم يا بني إياك والائتفات في الصلاة فإن الائتفات في الصلاة هلكتك فإن كان لا بد فني التطوع لا في الفريضة .

586. Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бундай дедилар: «Эй фарзандим! Намозда асло юзингни ўтириб қарама! Чунки намозда юзни ўтириб қарамоқ ҳалокатдир! Агар жуда зарур бўлса, (бу ишни) нафл намозларида қил, фарз намозларида қилма!».

Бу ҳадис ҳасан.

587 — حَدَّثَنَا صَالِحُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ أَخْبَرَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ عَنْ أَشْعَثَ
ابنِ أَبِي الشَّعْثَاءِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ سُرُوقٍ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ «سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْإِنْتِنَاتِ فِي الصَّلَاةِ قَالَ هِيَ اخْتِلَاسٌ يَخْتَلِسُهُ
الشَّيْطَانُ مِنْ صَلَاةِ الرَّجُلِ»

587. *Оиша (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинди;*
айтдилар: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам-
дан намозда юзни ўтириб қарамоқ ҳақида савол
қилдим. Айтдиларки, «Бу бир ихтилос (кўчирма)дирки,
шайтон кишининг намозидан шундоқ ўғирлайди».

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

411-БОБ

МАВЗУ: САЖДАДА ИМОМГА ЕТГАН КИШИ НИМА ҚИЛАДИ?

588 — حَدَّثَنَا هِشَامُ بْنُ يُونُسَ الْكُوفِيُّ أَخْبَرَنَا لِلْحَارِثِيِّ
عَنِ الْحَبَّابِ بْنِ أَرْطَاةَ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ عَنْ هُبَيْرَةَ عَنْ عَلِيٍّ ؓ وَعَنْ عُمَرَ بْنِ
مُرَّةَ عَنْ ابْنِ أَبِي لَيْلَى عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «إِذَا أَتَى أَحَدَكُمْ الصَّلَاةَ وَالْإِمَامُ عَلَى حَالٍ فَلْيَصْنَعْ كَمَا يَصْنَعُ
الْإِمَامُ» .

588. *Али ва Муъоз ибн Жабал (розияллоху*
анҳумо)дан ривоят қилинди; «Расулulloҳ саллаллоху
алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сизлардан бирор-
тангиз намозга келса ва имомни (ҳар қандай) бир ҳол
устида учратса, имом қилаётган амални қилсин».

Бу ҳадис ғариб.

Бу ҳадис муснад тарзида битта шу ваҳждан риво-

ят қилинган. Илм аҳллариинг амали шу ҳадис асосида-дир. Айтдиларки, «Жамоатга келган киши имомни саждада топса, дарҳол сажда қилсин. Холбуки, рукуъда имомга етиб: улгурмаган пайтда бу ракъат ҳисобланмайди». Абдуллоҳ ибн Ал-Муборак саждада имомга иктидо қилмоқ жиҳатини ижтиёр этди. Баъзи илм аҳлларидан бундай дегани ривоят қилинади: «Балки ўша саждадан гуноҳлари авф этилган ҳолда бошини кўтарар»²⁸⁹.

412-БОБ

**МАВЗУ: НАМОЗ БОШЛАНАЁТГАНДА
ЖАМОАТ ИМОНИ ТИК ТУРИБ
КУТМОҒИ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ**

۵۸۹ — حدثنا أحمد بن محمد أخبرنا عبد الله بن المبارك أخبرنا معمر
عن يحيى بن أبي كثير عن عبد الله بن أبي قتادة عن أبيه قال : قال
رسول الله صلى الله عليه وسلم : إذا أقيمت الصلاة فلا تقوموا حتى تروني
خرجت .

589. *Абу Қатода (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Намозга иқомат айтилганда, то менинг (масжидга) чиққан имни кўрмагуларингизча ўринларингиздан турмангизлар!»*

Бу бобда Анас (розияллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган. Фақат Анаснинг ҳадиси маҳфуз (рожиҳ) эмас.

Абу Қатоданинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кей-

²⁸⁹Барча имомлар мазҳабига кўра, киши рукуъда имомга етса, ўша ракъатни топган бўлади. Фақат баъзи илм аҳлларигина, қиёмга ва фотиҳага етмаган киши, рукуъда имомга етса ҳам, ўша ракъат ҳисобланмайди, деган фикрда бўлишган...

ингилардан баъзи илм аҳллари, жамоат имомни тик туриб кутмоғи макруҳ деган фикрдалар. Баъзилари эса бундай дейдилар: «Имом масжидда бўлса, намоз учун иқомат айтилганида, муаззин фақат «*قد قامت الصلاة*» («қод қоматис-солах») деган пайтда ўринларидан турадилар». Ибнул-Муборакнинг қавли шудир.

413-БОБ

МАВЗУ: ДУОДАН ОЛДИН АЛЛОҲГА ҲАМДУ САНО ВА АЛЛОҲНИНГ РАСУЛИГА САЛОТУ САЛОМ АЙТМОҚ

٥٩٠ — حدثنا محمد بن غيلان أخبرنا يحيى بن آدم أخبرنا أبو بكر ابن عياش عن عاصم عن زر بن عبد الله قال: «كنت أصلي والنبي صلى الله عليه وسلم وأبو بكر وعمر معه، فلما جلست بدأت بالشاء على الله ثم الصلاة على النبي صلى الله عليه وسلم، ثم دعوت لتبني، قال النبي صلى الله عليه وسلم: «سَلِّ تَطْلَةَ. سَلِّ تَطْلَةَ.»

590. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Намоз ўқиётган эдим. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам шу ерда эдилар. Абу Бакр ва Умар (розияллоҳу анҳумо) ҳам у киши билан бирга эдилар. Ўтиргач, Аллоҳга сано (айтиш) билан бошладим, кейин Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга саловот айтдим, кейин ўзим учун дуо қилдим. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тила, тилаган нарсанг сенга берилгайдир! Тила, тилаган нарсанг сенга берилгайдир!», дедилар.

Бу бобда Фазола ибн Убайд (розияллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абдуллоҳнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Аҳмад ибн Ханбал бу ҳадисни Яҳё ибн Аҳмаддан қисқа тарзда ривоят қилган.

414-БОБ

МАВЗУ: МАСЖИДЛАРДА ХУШБУЙ
ТУТАТҚИЛАР ТУТАТМОҚ

۵۹۱ - حدثنا محمد بن حاتم البغدادي أخبرنا عمر بن صالح الزبيرى أخبرنا هشام بن عروة عن أبيه عن عائشة قالت : « أمر النبي صلى الله عليه وسلم ببناء المساجد في الدور وأن تُنظف وتطيب » .

591. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам маҳаллаларда²⁹⁰ масжидлар бино қилинмоғини, масжидлар тоза-озода ва хуш бўйли қилиб сақланмоғини буюрдилар»²⁹¹.

۵۹۲ - حدثنا هنادُ أخبرنا عبدةٌ ووكيعٌ عن هشام بن عروة عن أبيه أن النبي صلى الله عليه وسلم أمر فذكر نحوه .

592. *Ҳаннод, Абда ва Вакиъ орқали Ҳишом ибн Урвадан бизга баён қилди:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва

²⁹⁰Суфён ибн Уйайна ҳадисда ворид бўлган «الدور» («Ад-дур») сўзини «Қабоил» (қабилалар) тарзида тафсир қилган. Бу сўз «Ал-мирқод»да бундай изоҳланади. Бу «Дор» калимасининг кўшлик шаклидир. «Бино», «арса (ер майдони)», «маҳалла» деган маъноларни ўзида мужассам қилган бир номдир. Бу ўринда «маҳалла» деган маъно кўзда тутилган. Чунки, араблар бир қабила тўпланган

маҳаллани «دار» («Дор») деб атайдилар». Ибнул-Мулк фикрича, ҳадис, уйлардаги битта хонани ибодат учун мослаб қўйиш маъносига келган. Аммо биринчи маъноси олинган ва ўша маъно асосида амал қилинган.

²⁹¹Ҳар бир маҳалла ҳалқи бир масжид бино қилсин, деб буюрмоқларининг ҳикмати, балки бир маҳалла аҳолиси намоз учун бошқа маҳаллага боришлари ё имконсиз, ёки машаққатли бўлиши мумкин ва масжидда жамоат билан намоз ўқиш фазилатидан маҳрум қолишлари мумкин.

саллам буюрдилар», – деди ва ўтган ҳадиснинг ўзини зикр этди.

Бу ҳадис биринчи ҳадисдан кўра саҳиҳроқ.

۵۹۳ — حدثنا ابنُ أبي عميرٍ أخبرنا سفيانُ بن عُيينةَ عن هِشامِ ابنِ عروةَ عن أبيه أن النبيَّ صلى الله عليه وسلم أمرَ فذكر نحوهَ .

593.Ибн Абу Умар, Суфён ибн Уйайна орқали Ҳишом ибн Урвадан, унинг отасидан бизга баён қилди: **Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрдилар...**» – деди ва ўтган ҳадиснинг ўзини зикр қилди.

Суфён «уйларда масжид қилинмоғи»дан қабилалар кўзда тутилганини сўзлади.

415-БОБ

МАВЗУ: КЕЧКИ ВА КУНДУЗГИ НАМОЗЛАР ИККИ-ИККИ РАКЪАТДАНДИР

۵۹۴ — حدثنا محمدُ بن بشارٍ أخبرنا عبدُ الرحمن بن مهديٍّ أخبرنا شعبةُ عن يعقوبَ بن عطاءٍ عن عليٍّ الأزديِّ عن ابنِ عمرَ عن النبيِّ صلى الله عليه وسلم قال: «صلاةُ الليلِ والنهارِ مثنى مثنى» .

594.Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Тунги ва кундузги намозлар икки-икки рақъатдир».

Шуъбанинг биродарлари Ибн Умар ҳадисининг ривоятида ихтилоф қилдилар. Бирови бу ҳадисни марфуъ тарзида, бирови эса мавқуф тарзида ривоят қилди.

Абдуллоҳ ибн Умардан, Нофиъдан, Ибн Умардан, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан, айни шу ҳадис уйқаш тарзида ривоят қилинган. Саҳиҳ бўлган ривоят Ибн Умар воситасида Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ва Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Тунги ва кундузги намозлар икки-икки рақъатдир» деб айтган ҳадисдир. Сикра

(ишончли) кишилар, Абдуллоҳ ибн Умар воситасида Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу ҳадисни ривоят қилганлар ва ҳадисда кундузги намозни зикр этмаганлар. Убайдуллоҳдан, Нофиъдан, Ибн Умардан бундай деб ривоят қилинди: «Ибн Умар кечаси икки-икки рақъат, кундузи тўрт рақъат ўқир эди».

Илм аҳллари бу ҳадисда ихтилоф қилдилар: «Баъзиларининг фикрича, тунги ва кундузги намоз икки-икки рақъатдир. Шофиъий ва Аҳмаднинг қавли шу. Баъзилари эса тунги намоз икки-икки рақъат эканлигини айтишади ва кундузги ўқиладиган нафл намози, пешиннинг аввалги суннати ва бошқа (тўрт рақъатли) суннат намозлари сингари тўрт рақъатдан ўқилади деган фикрга эга бўлишади. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборак ва Исҳоқнинг қавли шудир.

416-БОБ

МАВЗУ: ПАЙҒАМБАР САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ КУНДУЗИ ЎҚИГАН ТАТАВВУЪ НАМОЗЛАРИ (ИХТИЁРИЙ, СУННАТ, МУСТАҲАБ ВА НАФЛ НАМОЗЛАРИ)

۵۹۵ — حدثنا محمود بن غيلان أخبرنا وهب بن جبرير أخبرنا شعبة
عن أبي إسحاق عن عاصم بن ضمرة قال : « سألنا علياً عن صلاة
رسول الله صلى الله عليه وسلم من النهار ، قال : إنكم لا تطيقون ذلك
فقلنا : من أطلق ذلك منا . قال كان رسول الله صلى الله عليه وسلم إذا
كانت الشمس من هنا كهيئتها من هنا عند المضر صلى ركعتين ، وإذا
كانت الشمس من هنا كهيئتها من هنا عند الظهر صلى أربعاً ، ويصلي
قبل الظهر أربعاً وبعدها ركعتين ، وقبل المضر أربعاً يفعل بين كل
ركعتين بالتسليم على الملايكة القرابين والشيبين والمرسلين ومن
تبعهم من المؤمنين والمؤمنات » .

595. Осим ибн Зомрадан ривоят қилинди: «Али (розияллоху анху)дан Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламининг кундузги намозлари ҳақида сўрадик. Шунда «Сизларнинг бунга тоқатларингиз етмайди!» дедилар. («Балки) бирортамизнинг тоқати етар» дедик. Шунда айтдиларки, «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам, куёш мана бу ёқдан (шарқдан) чиқиб юксалиб, аср вақтида ана у ёқдан (ғарбдан) юқорида (бир хил юксакликда) тургандек бўлганида икки рақъат намоз ўқир эдилар.²⁹² Куёш мана бу ёқдан юксалиб, пешни вақтида ана у ёқдан юқорида тургандек бўлганида тўрт рақъат ўқир эдилар. Пешиннинг фарзидан олдин тўрт рақъат ва фарзидан кейин икки рақъат ўқир эдилар. Асрнинг фарзидан олдин тўрт рақъат ўқир эдилар ва малоикаи муқоррабинга, анбиё ва мурсалинга, мўъмин ва мусулмонларга салом беришлик билан ҳар икки рақъат орасини ажратар эдилар».

— ۵۹۶ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ أَخْبَرَنَا شُعْبَةَ
عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ عَنْ عُلَيْمِ بْنِ خَسْرَةَ عَنْ عَلِيٍّ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
نَحْوَهُ .

596. Муҳаммад ибн Ал-Мусанна, Муҳаммад ибн Жаъфар воситасида Шуъбадан, Абу Исҳоқдан, Осим ибн Зомрадан, Ҳазрати Алидан, Набий саллаллоху алайҳи ва салламдан бизга баён қилди... Ўтган ҳадиснинг ўзи...

Бу ҳадис ҳасан. Исҳоқ ибн Иброҳим айтади: «Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламининг кундузги татаввуъ намозлари ҳақида ривоят қилинган энг яхши ҳадис шудир». Ибнул-Муборақдан бу ҳадисни заиф кўргани ривоят қилинган. Бизнингча, бу ҳадис заиф

²⁹²Бу намоз Зуҳо намозидир. Бунинг ишроқ намози эканлиги ҳам баён қилинган. Баъзилар эса бу намозни «Заҳвай суғро» (кичик зуҳо, чошгоҳ) деб ва ҳадисда келган иккинчи намозни эса «Заҳвай кубро» (катта зуҳо) деб номлайди.

эканлигининг ягона сабаби шуки, Аллоҳу аълам – чунки бу ҳадис шу тарзда Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан битта шу ваҳддан ривоят қилинган. Осим ибн Зомра, баъзи муҳаддислар наздида сиқа. Али ибн Ал-Мадиний, Яҳё Саъид Ал-Қаттон воситасида Суфённинг бундай деганини маълум қилди: «Осим ибн Зомранинг ривояти Ал-Хориснинг ривоятидан устунлигини билар эдик».

417-БОБ

**МАВЗУ: АЁЛЛАР КИЙИМИНИ КИЙИБ
НАМОЗ ҲАҚИДА ҚАРОҲАТ
ЭКАНЛИГИ**

٥٩٧ — حدثنا محمد بن عبد الأعلى أخبرنا خالد بن الحارث عن أشعث وهو ابن عبد الملك عن محمد بن سيرين عن عبد الله بن شقيق عن عائشة قالت «كان رسول الله صلى الله عليه وسلم لا يخلع في الخف نيايه» .

597. *Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллар либосида намоз ўқимас эдилар».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу хусусда Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан рухсат ҳам ривоят қилинган.

418-БОБ

**МАВЗУ: НАФЛ НАМОЗИДА ЖОИЗ БЎЛГАН
ЮРМОҚЛИК ВА АМАЛ (БИРОР
ИШ БАЖАРМОҚЛИК)**

٥٩٨ — حدثنا أبو سلمة يحيى بن خلف أخبرنا يشر بن المغيرة عن برد بن سنان عن الزهري عن عروة عن عائشة قالت : « بيت رسول الله صلى الله عليه وسلم يصلى في البيت والباب عليه مغلق ، فتسحق فتح لي ثم رجع إلى مكانه ، ووصفت الباب في القبلة » .

598. *Оиша (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Келсам, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам уйда намоз ўқиётган эканлар, эшик устларидан ёпиқ эди. Шунда юриб келиб менга эшикни очдилар, кейин яна жойларига қайтдилар»²⁹³. Оиша (онамиз) бу эшик қибла томонда эди, деб сифатладилар.

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

419-БОБ

МАВЗУ: БИР РАКЪАТДА ИККИ (ЗАМ) СУРА ЎҚИМОҚ

۵۹۹ — حدثنا محمود بن غيلان أخبرنا أبو داود قال أبانا شعبة عن الأعمش قال: «سمعت أبا وائل قال: سألت رجلاً عبد الله عن هذا الخريف (غير آيين أو يأسين) قال: «كان القرآن قرأت غير هذا؟ قال نعم، قال: إن قوماً يقرأونه ينشرونها تنثر الدقير. لا يجاوزون تراقيهم، إنّي لأعرف السور النظائر التي كان رسول الله صلى الله عليه وسلم يقرن بينهم، وأمّرتنا علقمة فقأه قتل: عشرون سورة من المفصل كان النبي صلى الله عليه وسلم يقرن بين كلّ سورتين في كلّ ركعة».

599. *Ал-Аъмашдан ривоят қилинди; айтди:* «Абу Воилдан эшитдим, дедики, «Бир киши Абдуллоҳ (ибн

Масъуд)дан (Қуръондаги) ушбу «*غير آيين*» («гойри оосинин») ёки «*يأسين*» («йоо синин») сўзлари қандай

²⁹³Ибн Раслон, бу юрмоқликни бир қадам ёки икки қадамлик юриш деб ёки тўхтаб-тўхтаб юрмоқлик деб айтади. Ап-Шавқоний эса бу қайдни ўринсиз деб билади. Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам эшикни очганларидан кейин жойларига қайтганлари орқага тисарилиб-тисарилиб юриш билан воқеъ бўлган. Абу Довуднинг ривоятида намоз жойларига қайтганлари таъкидланган.

қироат қилинишини сўради. (Абдуллоҳ) айтди: Шундан (шу қироатдан) бошқа бутун Қуръонни (маъносини фахмлаб) ўқидингми?» «Ҳа», деди. Абдуллоҳ айтдики, шундайлар борки, Қуръонни ўқийди-ю, уни худди (сифати) паст хурмо (доналари)дек сочади. Қуръон уларнинг тароқияларидан (бўғизларидан) нарига ўтмайди. Мен, бир-бирига ўхшаш шундай сураларни биламанки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни кўшиб-бирлаштириб ўқир эдилар». Шунда биз Алқамга буюрдик, у (Абдуллоҳ Ибн Масъуддан бир-бирига ўхшаш сураларни) сўради. (Абдуллоҳ ибн Масъуд) айтди: «Муфассал суралардан йигирмата борки, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар ракъатда (улардан) ҳар икки сурани бирлаштириб ўқир эдилар».

420-БОБ

МАВЗУ: МАСЖИД САРИ ЮРМОҚНИНГ
 ФАЗИЛАТИ ВА ҲАР БИР ҚАДАМГА
 ЁЗИЛАДИГАН САВОБ

٦٠٠ — حدثنا محمود بن غيلان أخبرنا أبو داود قال أنبأنا شعبة عن

الأعشى سمع ذكوان عن أبي هريرة عن النبي صلى الله عليه وسلم قال
 « إذا توضأ الرجل فأحسن الوضوء، ثم خرج إلى الصلاة لا يخرجهُ أو قال
 لا ينهزهُ إلا إياها لم يخط خطوة إلا رَفَعَهُ اللهُ بها درجةً أو حطَّ عنه بها
 خطيئةٌ » .

Бу савол «Муҳаммад» сурасидаги 15-оятнинг қироати ҳақидадир. «Сунани Термизий»нинг Миср нусхаларидан бирида бу ҳадис 602 рақами билан белгиланган. Унинг изоҳида, жумладан, бундай дейилади: «Бу қироат машхур етти хил қироатдан эмас ва ўн хил қироатга ҳам дохил эмас...»

«Тароқия», аслида, луғатда «ўмров суяги»дир. Бу ўринда ибора ўзбекчалаштирилди.

600. Абу Хурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бир киши чиройлик таҳорат олишлик билан таҳорат олса, кейин намозга чиқса, уни (уйидан) фақатгина намоз чиқарса (ёки «қўзғотса» дедилар), босган ҳар бир қадами учун Аллоҳ унинг даражасини юксалтиргайдир ёки ҳар бир қадами учун унинг бир хатосини кетказгайдир».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

421-БОБ

МАВЗУ: ШОМДАН КЕЙИН УЙДА НАМОЗ ЎҚИМОҚ ЯНАДА ФАЗИЛАТЛИРОҚ ЭКАНЛИГИ

٦٠١ — حدثنا محمد بن يشار أخبرنا إبراهيم بن أبي الوزير أخبرنا
محمد بن موسى عن سعد بن إسحاق بن كعب بن عجرة عن أبيه عن جدّه
قال : « صَلَّى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مَسْجِدِ أَبِي عَبْدِ الْأَشْهَلِ
الْمُتَرَبِّ قَقَامَ نَاسٍ يُتَنَفَّلُونَ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : عَلَيْكُمْ بِهَيْبَةِ
الصَّلَاةِ فِي الْبَيْتِ » .

601. Къаб ибн Ужра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Бани Абдулашҳал масжидида шом намозини ўқидилар. (Сўнг) одамлар нафл намозини ўқишга туришди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу намозни уйларда ўқингизлар...» – дедилар.

Бу ҳадис ғариб.

Уни битта шу важдан билаётирмиз. Саҳиҳ бўлгани – Ибн Умар (розияллоҳу анхумо)дан ривоят қилинган ҳадисдирки, (унда) *Ибн Умар бундай дейди:*

«Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам шомдан кейинги икки рақъат намозни уйларида ўқир эдилар».

Хузайфа (розияллоҳу анҳу)дан эса бундай ривоят қилинган: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шом намозини ўқидилар ва кейин то хуфтон намозини ўқигунларича масжидда намоз ўқиб турдилар».

Бу ҳадисда Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам шомнинг фарзидан кейинги икки рақъатни уйда ўқиганларига доир далолат бор.

422-БОБ

**МАВЗУ: КИШИ МУСУЛМОН БЎЛГАНИДА
ҒУСЛ ҚИЛМОҒИ**

٦٠٢ — حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنِ مَهْدِيٍّ أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ
عَنِ الْأَعْمَشِ بْنِ الْمُبَارَكِ عَنْ خَلِيفَةَ بْنِ حُمَيْدٍ عَنْ قَيْسِ بْنِ عَامِرٍ أَنَّهُ
أَسْمَ فَأَمَرَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يَتَّخِذَ بَعَاوٍ وَسِدْرًا .

602.Қайс ибн Осим (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «У (Қайс) Ислomга кирди ва шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга сув билан ва сидра²⁹⁴ билан ғусл қилмоқни буюрдилар.

Бу бобда Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис ҳасан. Уни битта шу ваҳҳдан билаётирмиз. Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Ислomни қабул қилган кишининг ғусл қилмоғини ва кийимларини ҳам ювмоғини мустаҳаб кўрадилар.


²⁹⁴Сидра – ёввойи гилос дейилган бир дарахт. Унинг япроқларини қуритиб, ўша билан ҳаммомда ғусл қиладилар.

423-БОБ

МАВЗУ: ХАЛО ЖОЙГА КИРАЁТГАНДА
«БИСМИЛЛОХ» ДЕМОҚ

٦٠٣ -- حدثنا محمد بن حنبل بن حنبل الرازي أخبرنا الحكم بن بشير بن سلمان أخبرنا خلاد الصقار عن الحكم بن عبد الله النعمري عن أبي إسحاق عن أبي جحيفة عن علي بن أبي طالب رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال «سَعَرُ مَا بَيْنَ أَعْيُنِ الْجَنِّ وَعَوْرَاتِ بَنِي آدَمَ إِذَا دَخَلَ أَحَدُكُمْ آخِلَاءَ أَنْ يَقُولَ : بِسْمِ اللَّهِ» .

603. Али ибн Абу Толиб (розияллоху анху)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Жиннинг кўзлари билан Одам фарзандларининг аврат (жойлар)и орасида парда-тўсик бўладиган нарса – Одам фарзандларидан биронтаси

хало жойга кираётганида «  » («Бисмиллох») демоғидир».

Бу ҳадис ғариб.

Уни битта шу ваҳҳдан билаётирмиз ва исноди соғлом эмас. Анас (розияллоху анху) орқали Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва салламдан бу мавзуда (шунга ўхшаш) бир нарса (ҳадис) ривоят қилинган.

*Ҳожатхонага киришда ўқиладиган дуо сўзлари «Таҳорат боблари»нинг 4-бобида баён этилган.

424-БОБ

**МАВЗУ: САЖДА ВА ТАҲОРАТ АСАРЛАРИ
ҚИЁМАТ КУНИДА БУ УММАТНИНГ
СИЙМОСИДА КЎРИНМОҒИ**

٦٠٤ — حَدَّثَنَا أَبُو الْوَلِيدِ الدَّمَشَقِيُّ أَخْبَرَنَا الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ قَالَ :
قَالَ صَفْوَانُ بْنُ عَمْرٍو أَخْبَرَنِي يَزِيدُ بْنُ خُبَيْرٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بَسْرٍ عَنْ
النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « أَمِّي يَوْمَ الْقِيَامَةِ تُعْرَضُ مِنَ السُّجُودِ مُحْتَمِلِينَ
مِنَ الْوَضُوءِ » .

604. Абдуллоҳ ибн Буср (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Қиёмат кунда умматим(нинг сиймоси) сажда асаридан оппоқ-ярқироқ ва таҳорат таъсиридан порлоқ-ялтирокдур!»

Бу ҳадис ушбу ваҳдан Абдуллоҳ ибн Буср ривояти сифатида ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

425-БОБ

**МАВЗУ: ТАҲОРАТНИ ЎНГ ТОМОН
АЪЗОЛАРИДАН БОШЛАМОҚ
МУСТАҲАБ ЭКАНЛИГИ**

٦٠٥ — حَدَّثَنَا هَنَادٌ أَخْبَرَنَا أَبُو الْأَخْوَصِ عَنْ أَشْعَثَ بْنِ أَبِي
الشَّعَثَاءِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ مَرْوَقٍ عَنْ هَابِثَةَ قَالَتْ : « إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَمْسُحُ الْيَمِينِ فِي طَهْوَرِهِ إِذَا تَطَهَّرَ ، وَفِي تَرَجُلِهِ إِذَا تَرَجَّلَ ،
وَفِي إِتِمَالِهِ إِذَا اتَّمَلَ » .

605. Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олсалар – таҳоратда, (соч-соқол) тарасалар –

тарамоқликда ва (пойабзал) кийсалар – киймоқликда ўнгдан бошлашни севар эдилар».

Абуш-Шаъшаънинг исми – Сулаймон ибн Асвад Ал-Мухорибий.

Бу ҳадис ҳасан-саҳих.

426-БОБ

МАВЗУ: ТАҲОРАТГА ЕТГУЛИК СУВНИНГ МИҚДОРИ

٦٠٦ — حَدَّثَنَا هَمْدَانُ أَخْبَرَنَا وَرَكِيعٌ عَنْ شَرِيكَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عِيسَى
عَنْ ابْنِ جَبْرِ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :
« يُجْزِي، فِي الوُضُوءِ رِطْلَانِ مِنْ مَاءٍ »

606. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Таҳоратда икки ратл (салкам икки литр) сув етарлидир»²⁹⁵.

Бу ҳадис ғариб.

Уни ёлғиз Шорикнинг ривоятдан ва шу лафз ҳолида билмоқдамиз.

Шуъба, Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Жабр орқали Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилган: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир маккук²⁹⁶ сув билан таҳорат олар эдилар ва беш маккук

²⁹⁵ Ҳадиснинг зоҳир маъноси шу: икки литрдан оз бўлган сув миқдори таҳорат учун кифоя қилади, дейилади. Ҳолбуки, бу Аббод ибн Тамимнинг Каъб қизи Умму Аммор орқали Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисига зиддир. Ҳа ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам «мудд»нинг учдан бир қисми билан таҳорат олганлари маълум қилинганки, «мудд» – Абу Ҳанифанинг фикрларига кўра икки литрдир.

²⁹⁶ Маккук – сув ўлчагич бир идиш. Ан-Нававий: «Маккук»дан мудд кўзда тутилган бўлиши мумкин» дейди. «Мажмаъ-ул-бихор» муаллифи эса бундай дейди: «Маккук»дан мудд кўзда тутилган. Соъ ҳасд этилгани ҳам айтилган. Аммо биринчи қавл муво-

(сув) билан ғусл қилар эдилар».

427-БОБ

**МАВЗУ: ЭМИЗИКЛИ ЎҒИЛ БОЛАНИНГ
СИЙДИГИ УСТИДАН СУВ ҚУЙИБ
ТОЗАЛАМОҚ**

٦٥٧ — حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ أَخْبَرَنَا مَعَاذُ بْنُ هِشَامٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ
قَتَادَةَ عَنْ أَبِي حَرْبٍ بْنِ أَبِي الْأَسْوَدِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ عَنِ
النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فِي بَوْلِ الْعَلَامِ الرَّضِيعِ: «يُنْفَضُ بَوْلُ الْعَلَامِ
وَيَسْتَلُّ بَوْلُ الْجَارِيَةِ». قَالَ قَتَادَةُ وَهَذَا مَا لَمْ يَطَّلَمْنَا. فَإِذَا طَّلَمْنَا غَسَلْنَا
جَمِيعًا.

607. Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эмизикли ўғил боланинг сийдиги борасида бундай дедилар: «Ўғил боланинг сийдиги устига сув қуйилади, қиз боланинг сийдиги ювиб ташланади».

Қатода айтади: «Бу (ҳол) овқат ея бошлашидан олдиндир. Овқат ея бошлаганда, ҳар икковининг сийдиги ювиб ташланади»²⁹⁷.

Бу ҳадис ҳасан.

Ҳишом Ад-Даставойй бу ҳадисни Қатодадан марфуъ тарзида ривоят қилди. Саъид ибн Абу Аруба эса мавқуф тарзида ривоят қилади ва ҳадисни рафъ этмайди (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга(ча) юксалтирмайди).

фикроқ». («Мудд»нинг изоҳи учун 55-изоҳга қаранг).

²⁹⁷Имом Ат-Термизий «Таҳорат боблар»ида бу масала учун махсус боб ажратганларки, бу ҳадисни ушбу ўринда зикр қилмоқларининг сабаби маълум бўлмаётир. (Балки ушбу боблар сўнгида аввалини қайта эслаш учундир). 54-боб, 71-ҳадисга қаранг.

428-БОБ

**МАВЗУ: ТАҲОРАТ ОЛГАН ЖУНУБ КИШИГА
ОВҚАТ ЕМОҚҚА ВА УХЛАМОҚҚА
РУХСАТ БОРЛИГИ**

٦٠٨ — حَدَّثَنَا هَنَّادُ أَخْبَرَنَا قَبِيصَةُ عَنْ حَمَادِ بْنِ سَلَمَةَ عَنْ عَطَاءِ
الْحَرَّاسِيِّ عَنْ يَحْيَى بْنِ يَعْقَبَ عَنْ عَمَّارٍ « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
رَخَّصَ لِلْجَنِّبِ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَأْكُلَ أَوْ يَشْرَبَ أَوْ يَتَوَضَّأَ
وَضَوْءَهُ الصَّلَاةَ » .

608. Аммор (розияллоху анху)дан ривоят қилинди:
«Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам, жунуб
бўлган кишига, овқат емоқчи ёки (ичимлик: чой, сув,
сут) ичмоқчи ёки ухламоқчи бўлса, худди намозга
таҳорат олгандек таҳорат олсин, деб рухсат бердилар».
Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

429-БОБ

МАВЗУ: НАМОЗНИНГ ФАЗИЛАТИ

٦٠٩ — حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي زُرَيْدٍ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُوسَى أَخْبَرَنَا
عَمَّالِبُ أَبُو بَشِيرٍ عَنْ أَيُّوبَ بْنِ عَمِّيْدِ الطَّلَائِيِّ عَنْ قَيْسِ بْنِ مُسْلِمٍ عَنْ طَارِقِ بْنِ
شَهَابٍ عَنْ كَتَّابِ بْنِ عُجْرَةَ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « أَجْبِدْكَ
بِاللَّهِ يَا كَتَّابُ بِنَ عَجْرَةَ مِنْ أَمْرٍ أَوْ يَكُونُونَ مِنْ بَعْدِي ، قَنْ قَيْسِي أَوْ آبَائِهِمْ
فَصَدَّقْتَهُمْ ، فِي كَتَّابِهِمْ وَأَهْلَانِهِمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ فَلَيْسَ مِنِّي وَلَسْتُ مِنِّي » ،
وَلَا يَرِدُ عَلَى الْخَوْضِ ، وَمَنْ غَشِيَ آبَاءَهُمْ أَوْ لَمْ يَفْعَلْ وَلَمْ يُصَدِّقْتَهُمْ فِي كَتَّابِهِمْ
وَلَمْ يَمُنَّ عَلَيْهِمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ فَهُوَ مِنِّي وَأَنَا مِنِّي ، وَسَيَرِدُ عَلَى الْخَوْضِ ، يَا كَتَّابُ
إِنَّ عَجْرَةَ الصَّلَاةِ بَرَّهَانٌ ، وَالصَّوْمُ جَنَّةٌ حَصِيْنَةٌ ، وَالصَّدَقَةُ تَطْفِيءُ
الطَّلِبِيْنَ كَمَا يَطْفِيءُ الْمَاءُ النَّارَ ، يَا كَتَّابُ بِنَ عَجْرَةَ ، إِنَّهُ لَا يَرِيءُ لِحَمِّ نَبْتٍ
مِنْ سَخْتِ الْأَسَاكِنِ النَّارِ أَوْلَى بِهِ »

609. *Каъб ибн Ужра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бундай дедилар: «Эй Ужранинг ўғли Каъб! Мендан кейин келадиган амирлардан сен учун Аллоҳдан паноҳ тилайман! Кимки уларнинг эшикларидан ичкари кирса, уларнинг ёлғонларини тасдиқ этса ва зулмларида ёрдамчи бўлса, у мендан эмасдир ва мен ҳам ундан эмасдирман!» (Эртага у) менга, Ҳавз(и Кавсарим)га яқин йўлай олмас!.. Ва кимки, хоҳ уларнинг эшикларидан ичкари кирсин, хоҳ кирмасин, уларнинг ёлғонларини тасдиқ этмаса ва зулмларида ёрдамчи бўлмаса, ана у менадир ва мен ҳам ундандирман!»** (Эртага у) менга, Ҳавз(и Кавсарим)га келгайдир. Эй Ужранинг ўғли Каъб! Намоз бурҳондир (иймоннинг далил-хужжатидир). Рўза – мустаҳкам қалқондир! Садақа – гуноҳни ўчиргайдир, худди сув оловни ўчирганидек! Эй Ужранинг ўғли Каъб! Билгинки, ҳаромдан озикланиб каттарган гўшт учун (жасад учун) фақатгина олов авлодир!...»*

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Уни битта шу важдан билаётирмиз. Муҳаммад (Ал-Бухорий)дан бу ҳадис ҳақида сўрадим, уни танҳо Убайдуллоҳ ибн Мусонинг ривояти тарзида билишини айтди ва чиндан ғариб деб топди.

٦١٠ — وَقَالَ مُحَمَّدٌ : حَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَوْسَى

عَنْ غَالِبٍ هَذَا

610. *Муҳаммад (Ал-Бухорий) айтди: Ибн Нумайр, Убайдуллоҳ ибн Мусо орқали Ғолибдан нақл этиб, буни (ўтган ҳадисни) бизга баён қилди*²⁹⁸.

^{*}(Яъни «у мен билан бирга эмасдир ва мен ҳам у билан бирга эмасдирман»).

^{**}(Яъни «у мен билан биргадир ва мен ҳам у билан биргадирман»).

²⁹⁸Бу олдинги ҳадиснинг иккинчи санадидир. Термизий, ўз одатларига кўра, санади ўзгарган бир ҳадиснинг фақат санадинигина зикр қиладилар. Кейинчалик, тартиб тақозоси билан бу тур

430-БОБ

МАВЗУ: ЎТГАН МАСАЛА (ЯЪНИ,
НАМОЗНИНГ ФАЗИЛАТИ)

٦١١ - حَدَّثَنَا أَبُو بَرَسٍ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْكُوفِيُّ أَخْبَرَنَا زَيْدُ بْنُ الْحَبَابِ أَخْبَرَنَا سَمَؤُةُ بْنُ صَالِحٍ قَالَ حَدَّثَنِي سَلِيمُ بْنُ عَلِيٍّ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا أُمَامَةَ يَقُولُ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ فَقَالَ : « أَهْوُوا لِلَّهِ رَبِّكُمْ ، وَصَلُّوا لِحَسْبِكُمْ ، وَصُومُوا لِشَهْرِكُمْ ، وَأَدُّوا زَكَاةَ أَمْوَالِكُمْ وَأَطِيعُوا إِذَا أَمَرَكُمُ ، تَدْخُلُوا جَنَّةَ رَبِّكُمْ » قَالَ : قُلْتُ لِأَبِي أُمَامَةَ : مَتَى كُنْتُ سَمِعْتُ هَذَا الْحَدِيثَ ؟ قَالَ سَمِعْتُهُ وَأَنَا بِنِ تَلَاثِينَ سَنَةً .

611. Абу Умома (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан эшитдим, Видо ҳажларида хутба ўқиётиб, айтдилар: «Раббингиз Аллоҳдан кўркингизлар ва беш вақт намозингизни ўқингизлар! (Рамазон) ойингиз рўзасини тутингизлар! Молларингиз закотини берингизлар! Бошлиқларингизга²⁹⁹ итоат этингизлар! (Ана шу тақдирда) Роббингизнинг Жаннатига кирингиз-

ҳадисларга ҳам янги рақам қўйилган.

«²⁹⁹ ذَا أَمْرِكُمْ » (За-амрикум) бирикмасининг айнан муқобили «Ишларингизнинг эгаси» бўлади. Яъни давлат ва жамият ишларингизни юритадиган ва идора қиладиган кишилар дегани. Ал-Қорий (Алийул-Қорий ҳазратлари) бунинг тафсирида бундай дейди: «Яъни халифа, ҳукмдор ва бошқа давлат кишилари. Ёки (ҳар фандаги) олимлар. Ёки, янада кенгрок маънода мусулмонларга оид ишнинг бошига қўйилган ҳар қандай бир шахс». Аммо... мақом ва рутбасидан қатъи назар, гуноҳ ишларда бандага итоат этишлик йўқ. Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам Аллоҳга қарши осийлик, гуноҳ-маъсият бўлган сўзда, иш ва ҳаракатларда бандага итоат этмокни манъ қилганлар. (Чунончи ҳеч қайси бир ақлли йўлбошчи ўз халқини гуноҳ ишларга буюрмайди).

лар!..» Сулайм ибн Омир айтади: «Абу Умомага: «Неча ёшингда бу ҳадисни эшитдинг?» дедим. «Ўттиз ёшнинг боласи эканимда (яъни ўттиз ёшимда) эшитдим!..» – деди.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

НАМОЗ БОБЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

ЗАКОТ КИТОБИ

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра
ат-Термизий айтади(лар)...

РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА
САЛЛАМДАН РИВОЯТ ҚИЛИНАДИ

1-БОБ

**МАВЗУ: ЗАКОТ БЕРМАГАНЛИК БОРАСИДА
ПАЙҒАМБАР САЛЛАЛЛОҲУ
АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ
БИЛДИРГАН ОҒИР ҲУКМЛАРИ**

٦١٢ — حَدَّثَنَا هَنَّادُ بْنُ السَّرِيِّ أَخْبَرَنَا أَبُو مَعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ
عَنْ مَرْوَرِ بْنِ سُوَيْدٍ عَنْ أَبِي قَرٍّ قَالَ : جِئْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ جَالِسٌ فِي ظِلِّ الْكَنْبَةِ ، قَالَ : قَرَأَ ابْنِي مُقْبِلًا فَقَالَ : « مُمْ
الْأَخْسَرُونَ وَرَبُّ الْكَنْبَةِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ، قَالَ : فَذَلَّتْ مَالِي لَعَلَّهُ أَنْزَلَ
فِي شَيْءٍ ، قَالَ : قُلْتُ : مَنْ هُمْ فِذَلِكَ أَبِي وَأُمِّي ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : هُمُ الْأَكْثَرُونَ إِلَّا مَنْ قَالَ هَكَذَا وَهَكَذَا ، فَجَاءَنَا
بَيْنَ يَدَيْهِ وَعَنْ يَمِينِهِ وَعَنْ شِمَالِهِ ، ثُمَّ قَالَ : وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَا يَمُوتُ
رَجُلٌ فَيَدْعُ بِإِبْلَاءٍ أَوْ بِفِرَاقٍ لَمْ يُؤَدِّ زَكَاتَهَا إِلَّا جَاءَتْهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ
مَا كَانَتْ وَأَسِنَّةٌ تَطْلُوهُ بِأَخْصَاهَا وَتَنْطَلِعُهُ بِمِرْوَنِهَا كَمَا نَفَذَتْ أُخْرَاهَا
عَادَتْ عَلَيْهِ أَوْلَاهَا حَتَّى يَبْغُضَ بَيْنَ النَّاسِ .

612. Абу Зарр (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келдим, у зот Каъбанинг соясида ўтирган эканлар. Менинг яқинлашаётганимни

кўриб, бундай дедилар: «Каъбанинг Парвардигори хақи! Қиёмат кунда хосирийнлар – бой берганлар ўшалардир!». *Абу Зарр айтади:* «Мендан нима ўтди экан? Мен ҳақимда бирор нарса нозил бўлдимикин?» деб ўйладим, айтдимки, «Ота-онам сизга фидо бўлсин (Ё Расулуллоҳ!) Улар кимлар?» *Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* «Улар молдавлати кўп бўлган кишилардир. Илло икки кўли орасидан, ўнгидан ва чапидан (хайрли ишларга) сочган киши бундан мустасно!..» *Кейин бундай дедилар:* «Жоним кудрати кўлида бўлган зотга қасамки, бир киши, закотини бермасдан туя ёки сигир қолдириб, ўлса, қиёмат кунда у ўз аслидан каттақон ва семиз ҳолда эгасининг олдига келгайдир. Уни туёқлари билан тепкилаб, шохлари билан сузгайдир. Молларининг охиргиси (ишини) битириши билан, биринчиси унинг устига қайтгайдир. То инсонлар орасида ҳукм қилингунича (бу ҳол давом этгайдир!)...»

Бу бобда Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан шунга ўхшаш ҳадис ривоят қилинди. Али ибн Абу Толиб (карромаллоҳу ваҷҳаҳу) бундай деганлари ривоят қилинди: «Закот бермаган киши лаънатланди!» (Шуниндек, бу бобда) Кабиса ибн Хулб воситасида унинг отаси Хулбдан, Жобир ибн Абдуллоҳ ва Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Заррнинг ҳадиси ҳасан-саҳих.

Абу Заррнинг исми – Жундуб ибн Ас-Сакан. У Жуноданинг ўғли деб ҳам айтилади.

٦١٣ -- حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُنِيرٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَوْسَى عَنْ سَفِيَانَ الثَّوْرِيِّ عَنْ حَكِيمِ بْنِ الْأَدْنِيِّمِ عَنِ الصَّحَّاحِ بْنِ مَرْجَانٍ قَالَ :
« الْأَكْثَرُونَ أَصْعَابُ عَشْرَةِ آلَافٍ » .

613. Абдуллоҳ ибн Мунир бизга Убайдуллоҳ ибн Мусодан, Суфён Ас-Саврийдан, Ҳақим ибн Ад-

Дайламдан накл этиб, Заҳҳок ибн Музоҳимнинг бундай деганини баён қилди: «Мол-давлати кўп бўлган кишилар – ўн минги бўлган кишилардир».³⁰⁰

2-БОБ

**МАВЗУ: ЗАКОТНИ БЕРСАНГ, ЎЗ
ЗИММАНГДАГИ (ХАҚ)НИ АДО
ҚИЛГАН БЎЛУРСАН**

٦١٤ - حَدَّثَنَا عُمَرُ بْنُ حَنْصَلٍ الشَّيْبَانِيُّ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهَبٍ
أَخْبَرَنَا عَمْرُو بْنُ الْحَارِثِ عَنْ دَرَّاجٍ عَنْ ابْنِ حُجَيْرَةَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ
النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ « إِذَا أَدَيْتَ زَكَاةَ مَالِكَ فَقَدْ قَضَيْتَ
مَا عَلَيْكَ » .

614.Абу Хурайра (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Молингнинг закотини берсанг, албатта, ўз зиммангдаги (иш)ни адо қилган бўлурсан!».

Бу ҳадис ғариб.

Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламдан мутааддид ваҳҳлардан ривоят қилиндики, «У зот закотни гапирдилар, шунда бир киши: «Ё Расулulloҳ! Закотдан бошқа зиммамга юкланган бирор нарса борми?» деди. «Йўқ. Фақат ихтиёрий тарзда!..» дедилар.

Ибн Хужайра бу – Абдурраҳмон ибн Хужайра Ал-Басрийдир.

³⁰⁰Термизий тобиъийдан бўлмиш Заҳҳок ибн Музоҳимнинг 612-рақамли ҳадис борасидаги тафсирина бу ўринда иршод этмоқдалар. Қози Абу Бакр Ибнул-Арабий, «ўнг минг» деганда дирҳам кўзда тутилганини баён қилади. Дирҳам эса ўн тўрт қийротдан иборат кумуш тангадир. Шаръий қийрот – ўртача беш дона арпа оғирлигида экани таъкидланади.

٦١٥ - حدثنا محمد بن إسماعيل حدثنا علي بن عبد الحميد الكوفي أخبرنا سليمان بن الغيرة عن ثابت عن أنس قال : « كُنَّا نَسْتَنْقِذُ أَنْ يَبْتَدِيَ الْأَعْرَابِي الْمَاقِلُ فَيَسْأَلُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَنَحْنُ عِنْدَهُ ، فَيَبِينَا نَحْنُ سَكَدَ لِكَ إِذْ أَتَاهُ أَعْرَابِي فَجَعَلْنَا بَيْنَ يَدَيْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : يَا مُحَمَّدُ إِنَّ رَسُولَكَ أَتَانَا فَرَزَعَمَ لَنَا أَنْتَ تَزَعُمُ أَنَّ اللَّهَ أَرْسَلَكَ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : نَعَمْ ، قَالَ : فَبِأَلَيْهِ رَفَعَ السَّمَاءَ ، وَبَسَطَ الْأَرْضَ ، وَنَصَبَ الْجِبَالَ اللَّهُ أَرْسَلَكَ ؟ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : نَعَمْ ، قَالَ : فَإِنَّ رَسُولَكَ تَزَعُمَ لَنَا أَنْتَ تَزَعُمُ أَنَّ عَلَيْنَا نَحْرَ صَلَوَاتٍ فِي الْيَوْمِ وَاللَّيْلَةِ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : نَعَمْ ، قَالَ : فَبِأَلَيْهِ أَرْسَلَكَ اللَّهُ أَمْرَكَ بِهَذَا ؟ قَالَ : فَإِنَّ رَسُولَكَ تَزَعُمَ لَنَا أَنْتَ تَزَعُمُ أَنَّ عَلَيْنَا صَوْمَ شَهْرٍ فِي السَّنَةِ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : صَدَقَ . قَالَ : فَبِأَلَيْهِ أَرْسَلَكَ اللَّهُ أَمْرَكَ بِهَذَا ؟

فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : نَعَمْ ، قَالَ : فَإِنَّ رَسُولَكَ تَزَعُمَ لَنَا أَنْتَ تَزَعُمُ أَنَّ عَلَيْنَا فِي أَمْوَالِنَا الزَّكَاةَ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : صَدَقَ . قَالَ : فَبِأَلَيْهِ أَرْسَلَكَ اللَّهُ أَمْرَكَ بِهَذَا ؟ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : نَعَمْ ، قَالَ : إِنَّ رَسُولَكَ تَزَعُمَ لَنَا أَنْتَ تَزَعُمُ أَنَّ عَلَيْنَا الْحَجَّ إِلَى بَيْتِ اللَّهِ مِنْ اسْتِطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : نَعَمْ ، قَالَ : فَبِأَلَيْهِ أَرْسَلَكَ اللَّهُ أَمْرَكَ بِهَذَا ؟ قَالَ : نَعَمْ ، فَقَالَ : وَالَّذِي بَشَّرَ بِأَلْحَقٍ لَا أَدْعُ مِنْهُنَّ شَيْئًا وَلَا أَجَاوِزُهُنَّ ، ثُمَّ وَتَبَ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : إِنَّ صَدَقَ الْأَعْرَابِي دَخَلَ الْجَنَّةَ .

615. Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Бизлар Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида бўла туриб, кошки бир ақлли аъробий (бадавий) келсаю (сўз) бошлаб, у зотдан (бирор) савол сўраса, деб орзу қилар эдик. Шундай ҳолатда турган пайтимизда бир аъробий келди-ю ҳузурларида тиз чўкиб ўтирди. (Сўнг) дедики, «Ё Муҳаммад! Сизнинг жўнатган элчингиз бизларга келиб, айтдики, сиз Аллоҳ томонидан юборилдим, деб айтар экансиз?...»³⁰¹. *Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Шундоқ» дедилар. *Аъробий айтди:* «Осмонларни юксак кўтариб қўйган, ерни текис ёйиб қўйган, тоғларни тиклаб қўйган зот ҳақи, айтинг, сизни Аллоҳ юбордими?»». *Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Шундоқ» дедилар. *Аъробий айтди:* «Сизнинг элчингиз бизларга айтдики, сиз зиммамизга бир кеча-кундузда беш вақт намоз фарз қилинди, деб айтар экансиз. *Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Шундоқ» дедилар. Дедики, «Сизни юборган зот ҳақи, айтинг, буни сизга Аллоҳ буюрдими?»» (*Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Шундоқ» дедилар). *Аъробий айтди:* «Сизнинг элчингиз бизларга айтдики, сиз, зиммамизга йилда бир ой рўза тутмоқлик фарз қилинди, деб айтар экансиз?...» *Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Рост айтибди» дедилар. Дедики, «Сизни юборган зот ҳақи, айтинг, буни сизга Аллоҳ буюрдими?» *Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Шундоқ» дедилар. *Аъробий айтди:* «Сизнинг элчингиз бизларга айтдики, сиз, молларимиздан закот бермоқлик зиммамизга қўйилди, деб

³⁰¹ Абу Амр Аз-Зоҳидий, Саълабдан нақл этиб, бундай дейди:

«**الزعم**» деган сўз араб тилида ишонилмаган сўзга итлоқ қилинади, шунингдек ишонилган ва рост сўзга ҳам итлоқ қилинади. (Шу сабаб ўзбекча таржимада ҳам «айтди» ва «деб айтар экансиз» тарзида қўлланди).

айтар экансиз?...» *Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Рост айтибди, дедилар. Дедики, «Сизни юборган зот ҳақи, айтинг, буни сизга Аллоҳ буюрдими?» *Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Шундоқ» дедилар. *Аъробий айтди:* «Сизнинг элчингиз бизларга айтдики, сиз, йўлга кучи етганлар зиммасига Байтуллоҳни ҳаж қилмоқлик фарз қилинди, дер экансиз?» *Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Шундоқ» дедилар. Дедики, «Сизни юборган зот ҳақи, айтинг, буни сизга Аллоҳ буюрдими?» «Шундоқ» дедилар. *Шунда Аъробий айтди:* «Сизни ҳақ билан юборган зотга қасамки, булардан бирор нарсани кам ҳам қилмайман, бирор нарсани ортиқ ҳам қилмайман!...» Кейин сакраб турди... (Сўнг) *Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Аъробий ўз сўзида турса, албатта Жаннатга кирди!...» – деб айтдилар.

Бу ҳадис ушбу жиҳатдан ҳасан-ғариб.

Анас орқали Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқа жиҳатдан ҳам ривоят қилинган.

Муҳаммад ибн Исмоил (Ал-Бухорий)дан эшитдим, айтадики, «Баъзи муҳаддислар, (маълумотни) олим кишига ўқиб арз этмоғи (худди) ундан эшитмоғи каби жонз, деб айтишди». Аъробийнинг Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга қилган арзини ва Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг арзини иқрор қилганларини (бунга) далил қилиб кўрсатишади.

3-БОБ

МАВЗУ: ОЛТИН ВА КУМУШНИНГ ЗАКОТИ

٦١٦ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ أَبِي الشَّوَّازِ بِأَخْبَارِنَا
أَبُو عَوَّانَةَ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ عَنْ عَاصِمِ بْنِ ضَمْرَةَ عَنْ عَلِيٍّ قَالَ : قَالَ
رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « قَدْ عَقَوْتُ عَنْ صَدَقَةِ الْفَيْلِ وَالرَّقِيقِ
فَمَا تَوَّأَسَدَقَةَ الرَّقَّةِ مِنْ كُلِّ أَرْضَيْنِ دَرَاهِمًا دَرَاهِمًا . وَلَيْسَ لِي فِي يَسِينِ
وَمَايَةِ شَيْءٍ ، فَإِذَا بَلَغَتْ مِائَتِينَ قَفَيْهَا خَسَّةٌ دَرَاهِمًا . »

616. Али (карромаллоҳу ваҷҳаҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «(Тижорат учун бўлмаган) йилқи ва қул закотидан (сизларни) озод этдим. Бас, кумушнинг закотини келтирингизлар! Қирк дирҳамдан бир дирҳам (берилур). Тўқсонда ва юзда менга берадиган ҳеч нарсангиз йўқ. Тўлик икки юзга етганда эса, унда беш дирҳам бордур».

Бу бобда Абу Бакр Ас-Сиддиқ ва Амр ибн Ҳазм (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинди.

Бу ҳадисни Ал-Аъмаш, Абу Авона ва тағин бошқалар Абу Исҳоқдан, Осим ибн Замрадан. Али (розияллоҳу анҳум)дан ривоят қилдилар. Суфён Ас-Саврий, Ибн Уйайна ва биттадан кўп киши эса шу ҳадисни Абу Исҳоқдан, Ал-Ҳорисдан, Али (розияллоҳу анҳум)дан ривоят қиладилар. Бу ҳадисни Муҳаммад ибн Исмоил (Ал-Бухорий)дан сўрадим, шунда бундай дейди: «Абу Исҳоқдан келган ҳар икки ривоят ҳам, менимча, саҳиҳ. Абу Исҳоқ, аҳтимол, уларнинг (Осим ибн Замра билан Ал-Ҳориснинг) ҳар иккаловидан ривоят қилгандир».

4-БОБ

МАВЗУ: ТУЯ ВА ҚЎЙНИНГ ЗАКОТИ

٦١٧ — حَدَّثَنَا زَيْدُ بْنُ أَيُّوبَ الْبَغْدَادِيُّ وَإِبْرَاهِيمُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْمُرَوِّىُّ وَمُحَمَّدُ بْنُ كَامِلٍ الْقُرْزُبِيُّ — الْمَعْنَى وَاحِدٌ — قَالُوا: أَخْبَرَنَا عَبَادُ بْنُ التَّوَّامِ عَنْ سُفْيَانَ بْنِ حُسَيْنٍ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنِ سَالِمٍ عَنِ أَبِيهِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَتَبَ كِتَابَ الصَّدَقَةِ فَلَمْ يَخْرُجْهُ إِلَّا عُمَالِهِ حَتَّى قَبِضَ قَرْنَهُ يَسْبِغُهُ، فَلَمَّا قَبِضَ عَمِلَ بِهِ أَبُو بَكْرٍ حَتَّى قَبِضَ، وَعَمَرَ حَتَّى قَبِضَ، وَكَانَ فِيهِ «فِي خَمْسٍ مِنَ الْإِبِلِ شَاةٌ»، وَفِي عَشْرٍ شَاتَانِ، وَفِي خَمْسٍ عَشْرَةَ ثَلَاثَ شِيَاءٍ، وَفِي عَشْرِينَ أَرْبَعَ شِيَاءٍ، وَفِي خَمْسٍ وَعَشْرِينَ بِنْتَ نَخَاصٍ إِلَى خَمْسٍ وَثَلَاثِينَ، فَإِذَا زَادَتْ فِيهَا بِنْتُ

لَبُونِ إِلَى تَحْسِي وَأَرْبَعِينَ ، فَإِذَا زَادَتْ فِيهَا حِجَّةٌ إِلَى سِتِّينَ ، فَإِذَا
 زَادَتْ فِيهَا جِدْعَةٌ إِلَى تَحْسِي وَسَبْعِينَ ، فَإِذَا زَادَتْ فِيهَا ابْتِغَاءَ لَبُونِ
 إِلَى تِسْعِينَ ، فَإِذَا زَادَتْ فِيهَا حِقَّتَانِ إِلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ ، فَإِذَا زَادَتْ
 عَلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ فَهِيَ كُلُّ حَقِيحَةٍ ، وَفِي كُلِّ أَرْبَعِينَ ابْنَةُ لَبُونِ ،
 وَفِي الشَّاءِ فِي كُلِّ أَرْبَعِينَ شَاةٌ شَاةٌ إِلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ ، فَإِذَا زَادَتْ فَشَاتَانِ
 إِلَى مِائَتَيْنِ ، فَإِذَا زَادَتْ فَلثَاتٌ شِيَاهٍ إِلَى ثَلَاثَةِ شَاةٍ فَإِذَا زَادَتْ عَلَى
 ثَلَاثَةِ شَاةٍ فَهِيَ كُلُّ مَائَةٍ شَاةٍ شَاةٌ ، ثُمَّ لَيْسَ فِيهَا شَيْءٌ حَتَّى تَبْلُغَ
 أَرْبَعِينَ وَلَا يُجْمَعُ بَيْنَ مُتَفَرِّقِي وَلَا يَفْرُقُ بَيْنَ مُجْتَمِعِي حَقَاقَةِ الصَّدَقَةِ .
 وَمَا كَانَ مِنْ خَلِيعَاتٍ فَإِنَّهُمَا يَتَرَاكِعَانِ بِالسُّورَةِ ، وَلَا يُؤْخَذُ فِي الصَّدَقَةِ
 هَرَمَةٌ وَلَا ذَاتُ عَيْبٍ ،

617. *Ибн Умар (розияллоху анхумо)дан ривоят қилинди:* «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам закотнома ёздилар ва қиличларига боғланган бу закотномани иш кўрувчи волийларига чиқармай туриб вафот этдилар.³⁰² У зот қазо қилгач, Ҳазрати Абу Бақр (розияллоху анху) то вафотларига қадар ўша билан амал қилдилар. Ва (Ҳазрати) Умар (розияллоху анху) то вафотларига қадар ўша билан амал қилдилар. Ўша зокотномада (ушбулар) битилган эди: «Беш туяда

³⁰²Иборадаги тақдим ва таъхир назари эътиборга олиниб, таржима этилди. Муборакфурий, Термизий китоби шарҳига бағишланган. «Тухфат-ул-ахвотий» асарида мазкур таъбирдаги тақдим ва таъхирга ишорат қилади. Абут-Тоййиб Ас-Синдий айтади: «Закотноманинг қиличга боғланмоқлигида закот бермаганларга қарши жанг қилишга доир ишорат бор. Чунончи, Абу Бақр Сиддик (розияллоху анху)нинг хилофати даврида закот бермаган кишилар бўлган ва уларга қарши жанг қилинган».

– бир қўй. Ва ўн туяда – икки қўй. Ва ўн беш туяда – уч қўй. Ва йигирма туяда – тўрт қўй. Йигирма беш туядан то ўттиз беш туягача – икки яшар бир урғочи бўғалоқ. Ўттиз бештадан ошиб, қирқ бештага қадар етса – уч яшар бир урғочи бўғалоқ. Қирқ бештадан ошгач, олтмиштага қадар етса – тўрт яшар бир бўға. Олтмиштадан ошгач, етмиш бештага қадар – беш яшар бир урғочи туя. Етмиш бештадан ошгач, тўқсонга қадар етса – уч яшар икки урғочи бўға. Тўқсонгадан ошгач, юз йигирматага қадар етса – тўрт яшар икки урғочи бўға. Юз йигирматадан ошгач, ҳар элликта (туя) учун – тўрт яшар бир урғочи бўға ва ҳар қирқта (туя) учун – икки ёшга тўлиб, уч ёшга ўтган бир урғочи бўға. Қўйларда эса ҳар қирқта қўйда юз йигирматага қадар бўлса – бир қўй. Юз йигирматадан ошгач, икки юзтага қадар бўлса – икки қўй. Икки юзтадан ошгач, уч юзтага қадар – уч қўй. Уч юзтадан ошгач, ҳар юз қўйдан – бир қўй. Кейин уч юзтадан ошиб, тўрт юзтага етгунича – ҳеч нарса (закот) йўқ. Закот (бериш)дан кўрқиб, айри-айри (сурув)лар бир-бирига қўшиб юборилмайди ва жамланган (сурув)лар бир-биридан ажратилмайди.³⁰³ Сурув қўшилгач, эгала-

³⁰³ «Закот (бериш)дан кўрқиб, айри-айри (сурув)лар бир-бирига қўшиб юборилмайди ва жамланган (сурув)лар бир-биридан ажратилмайди» сўзини Имом Молик бундай изоҳлайди: «Уч киши бўладики, ҳар биттасининг қирқтадан қўйи бор ва закот бермоқлари вожиб. Булар, уччаласининг молидан, битта қўй бериш вожиб бўлмоғи учун сурувларини бир-бирига қўшиб юборишади. Ёки икки кишининг икки юз иккита қўйи бўлиб, булардан закот сифатида учта қўй бермоғи вожиб. Шунда ҳар бири биттадан қўй бериш учун, келишиб, сурувни ажратишади...» Имоми Шофиъий айтади: «Бу бир томондан мол эгасига, иккинчи томондан закот маъмурига хитобдир. Закот беришдан кўрқиб, булардан ҳеч бири ажратиш ёки қўшиш ҳаракатига тушмаслиги керак. Мол эгаси закот кўпаймоғидан кўрқиб, қўшиш ёки ажратиш пайига тушади. Закот маъмури эса закот озаймоғидан кўрқиб, қўшишга ёки ажра-

ри бир-бирларига тенгма-тенг савияда қарайдилар.³⁰⁴ Қариган ва нуқсонли бўлган жониворлар закот сифатида олинмайди».

Аз-Зухрий, «Закот маъмури келганда, учдан бири яхши, учдан бири – ўрта, учдан бири – ёмон тарзида уч қисмга ажратади ва (закотни)нг ўрта қисмидан олади», дейди; (аммо) Аз-Зухрий сигирларни зикр қилмайди.

Бу бобда Абу Бакр Ас-Сиддик, Баҳз ибн Ҳакимнинг бобоси, Абу Зарр ва Анас (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Умарнинг ҳадиси – ҳасан. Бутун фақиҳларнинг амали шу ҳадис асосидадир. Юнус ибн Язид ва биттадан ортиқ киши бу ҳадисни Аз-Зухрийдан, Солимдан ривоят қилиб, уни рафъ этмаганлар (Расулуллоҳгача юксалтирмаганлар). Бу ҳадисни ёлғиз Суфён ибн Ҳусайн марфуъ тарзида ривоят қилган.

5-БОБ

МАВЗУ: ҚОРАМОЛ ЗАКОТИ

٦١٨ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْمُعَارِثِيِّ وَأَبُو سَعِيدٍ الْأَشْجَعِيُّ قَالَا : أَخْبَرَنَا عَبْدُ السَّلَامِ بْنُ حَرْبٍ عَنْ خَمِصَةَ عَنْ أَبِي عُبَيْدَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « فِي ثَلَاثِينَ مِنَ التَّمَرِ تَبِيْعٌ أَوْ تَبِيْعَةٌ . وَفِي كُلِّ أَرْبَعِينَ مِئَةٌ » .

618.Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоху анху)дан

тишга уринади. «Закот (бериш)дан қўрқиб»нинг маъноси закотнинг кўпаймоғидан ёки озаймоғидан қўрқишдир. Бу маъно хоҳ мол эгасига, хоҳ закот маъмурига тегишли эҳтимоли бўлганидан ва уни битталарига қаратмоқ иккинчиларига қаратмоқдан авло эмаслиги учун, икковига бирдан қаратилади. Шуниси борки, маънони мол эгасига қаратмоқ мувофиқроқдир.

³⁰⁴Масалан, кўшилган бир сурувда ҳар бирининг йигирматадан кўйи бўлади ва закот маъмури шулардан биттасининг молидан битта кўй олса, иккинчи киши молидан битта кўй олинган кишига ярим кўйнинг бадални пул сифатида тўлайди.

ривоят қилинди: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ўттизта сигирда – икки ёшга етмаган битта эркак бузоқ ёки тана ва қирқтада – уч ёшга етган битта ғунажин (закот қилиб берилади)».

Бу бобда Муъоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абдуссалом ибн Ҳарб, Хусайфдан шу тарзда ривоят қилди. Абдуссалом сиқа (ишончли) ва ҳофиз (киши)дир. Шорик бу ҳадисни Хусайфдан, Абу Убайдадан, унинг отасидан ривоят қилади.³⁰⁵ Абдуллоҳнинг ўғли Абу Убайда отасидан ҳадис эшитмаган.

٦١٩ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا سَفْيَانُ
عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنِ مَسْرُوقٍ عَنْ مَعَاذِ بْنِ جَعْلَانَ قَالَ : « يَا رَسُولَ اللَّهِ
النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِي الْيَسَنِ ، فَأَمَرَنِي أَنْ آخُذَ مِنْ كُلِّ ثَلَاثِينَ
بَقْرَةً نَبِيًّا أَوْ تَبِيَّةً ، وَمِنْ كُلِّ أَرْبَعِينَ مَسْنَةً ، وَمِنْ كُلِّ حَالِمٍ دِينَارًا
أَوْ مَعْدَنَةً مَتَافِرًا . »

619.Муъоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени Яманга юбордилар-да, ҳар ўттиз сигирдан икки ёшга етган битта эркак бузоқ ёки тана, ҳар қирқтадан битта ғунажин олмоқни, ҳар бир етук (балоғатга етган) кишидан бир динор ёки шунга тенг кийимлик матоҳ олмоқни буюрдилар».

Бу ҳадис ҳасан.

Баъзилар бу ҳадисни Суфёндан, Ал-Аъмашдан, Абу Воилдан, Масрукдан ривоят қилдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муъозни Яманга юбордилар ва унга (закот) олмоқни буюрдилар...» Бу ривоят саҳиҳроқ.

³⁰⁵Яъни Шорик санадда Абу Убайда билан Абдуллоҳ орасида «отасидан» деган лафзни қўшаётир. Абдуллоҳнинг ўғли Куфаликдир.

٦٢٠ — حدثنا محمد بن بشر أخيرنا محمد بن جعفر أخيرنا شعبة
عن عمرو بن مرة قال : سألت أبا عبيدة هل تدكر من عبد الله شيئاً ؟
قال : لا

620.Муҳаммад ибн Башиар, Муҳаммад ибн Жаъфар орқали Шуъбадан ривоят қилиб, Амр ибн Мурронинг бундай деганини бизга баён қилди: «Абу Убайдадан: «Абдуллоҳдан бирор нарса (ҳадис) хотирлайсанми?» деб сўрадим. «Йўқ» деди.³⁰⁶

6-БОБ

МАВЗУ: ЗАКОТДА МОЛНИНГ ЯХШИСИНИ ОЛМОҚ КАРОҲАТ ЭКАНЛИҒИ

٦٢١ — حدثنا أبو كريب أخيرنا وكيع أخيرنا زكريا بن
إسماعيل المكي أخيرنا يحيى بن عبد الله بن صفيان عن أبي مبيد عن ابن
عباس « أن رسول الله صلى الله عليه وسلم بعث مبعثاً إلى اليمن فقال :
إنك تأتي قوماً أهل كتاب فادعهم إلى شهادة أن لا إله إلا الله وأني
رسول الله ، فإن هم أطاعوا لذلك فأعلمهم أن الله افترض عليهم خمس
صلوات في اليوم واللييلة ، فإن هم أطاعوا لذلك فأعلمهم أن الله
افترض عليهم صدقة أموالهم تؤخذ من أغنيائهم وترد على فقرائهم .
فإن هم أطاعوا لذلك فأبأك وكرائم أموالهم . واتى دعوة المظلوم
فإنها ليس بيننا وبين الله حجاب » .

621.Ибн Аббос (розияллоху анҳумо)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам

³⁰⁶ Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ўғли Абу Убайда ўз отасидан ҳадис эшитмаган. 618-рақамли ҳадис изоҳида бу гап айтилди. Термизий бунинг исботи учун маъқул сўзни бу ўринда қўллаганлар. Абдурахмон Муҳаммад Усмон таҳқиқ ва таҳсис этган Термизий (китоби) нусхасига таяниб, бу сўзга ҳадис рақамни қўйдик. Холбуки, бу ҳадиснинг жойи 618- ҳадис - йзоҳида келган «Абдуллоҳнинг ўғли Абу Убайда отасидан ҳадис эшитмаган» деган жумладан кейиндир. Балки, Термизий китобининг бошқа нусхаларида бундай тузатиш бордир.

Муъоз (розияллоҳу анху)ни Яманга юбора туриб, бундай дедилар: «Сен, Аҳли китоб бўлмиш бир қавмга бораётирсан. Уларни, «Ла илаҳа иллаллоҳ» (яъни «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ») деб ва мени Аллоҳнинг Расули деб шоҳидлик бермоққа даъват қил! Агар бунга итоат этсалар, унда Аллоҳ таоло уларга ҳар кечакундузда беш вақт намоз (ўқимоқ)ни фарз қилганини билдиргин. Агар бунга итоат этсалар, унда Аллоҳ таоло уларга молларининг закотини (бермоқликини) фарз қилганини билдиргин: бойларидан олиб, камбағалларга қайтарилгайди. Агар бунга итоат қилсалар, сен молларнинг энг яхшиси учун талашма! Мазлумнинг қарғишидан кўрқилки, мазлум билан Аллоҳнинг ўртасида парда йўқдир!...»³⁰⁷

Бу бобда Ас-Сунобиҳий (розияллоҳу анху)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Ибн Аббоснинг мавлоси (озод этилган кули) Абу Маъбаднинг исми – Нофиз.

7-БОБ

МАВЗУ: МЕВА, ПОЛИЗ ВА ҒАЛЛА

ЭКИНЛАРИНИНГ ЗАКОТИ

٦٢٢ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزِيزِ بْنِ مُحَمَّدٍ عَنْ عَمْرِو بْنِ يَحْيَى الْمَازِنِيِّ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ : إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « لَيْسَ فِيمَا دُونَ خَمْسِ دَرَاهِمٍ صَدَقَةٌ وَلَيْسَ فِي مَا دُونَ خَمْسِ أَوْاقٍ صَدَقَةٌ ، وَلَيْسَ فِيمَا دُونَ خَمْسَةِ أَوْسُقٍ صَدَقَةٌ » .

³⁰⁷ Яъни, бир кишига зулм қилсанг, зулм ўтган киши сени қарғамогидан кўрқил ва ҳеч кимга зулм қилма. Суютий айтади: «Мазлум – дуоси қабул бўлмайдиган киши бўлса ҳам, ҳатто баъзи ривоятларга қўра, кофир киши бўлса ҳам, Аллоҳ билан мазлумнинг қарғиши ўртасида парда йўқ».

622. *Абу Саъид Ал-Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бештадан оз туялар (подаси)да закот йўқ»; беш увқиядан³⁰⁸ оз (кумуш)да закот йўқ; беш васакдан³⁰⁹ оз (мева сабзавот ва ғалла)да закот йўқ».*

Бу бобда Абу Хурайра, Ибн Умар, Жобир ва Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди.

٦٢٢ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ أَخْبَرَنَا سَفِيَّانُ وَشُعْبَةُ وَمَالِكُ بْنُ أَنَسٍ عَنْ عَمْرِو بْنِ يَحْيَى عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي سَمِيدٍ الْخُدْرِيِّ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَحْوَ حَدِيثِ عَبْدِ الْعَزِيزِ عَنْ عَمْرِو بْنِ يَحْيَى .

623. Муҳаммад ибн Башшар бизга Абдурахмон ибн Маҳдий орқали баён этдики, Суфён, Шуъба ва Молик ибн Анас, Амр ибн Яҳёдан, унинг отасидан, Абу Саъид Ал-Худрийдан, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилдилар: Абдулазизнинг Амр ибн Яҳёдан ривоят қилган ҳадисининг худди ўзи...

Абу Саъиднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Бу ҳадис, Абу Саъиддан биттадан кўп важҳдан ривоят қилинган. Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Яъни беш васакдан оз (нарсалар)да закот йўқ. Бир васак – олтмиш соъ. Беш васак – уч юз соъ бўлади. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг соъи – бешта ва учта бир ратлдир. Куфа аҳлининг соъи эса – саккиз ратл. Беш увқиядан озида закот йўқ. Бир увқия – қирқ дирҳам. Беш увқия – икки юз дирҳам

³⁰⁸Увқия – 1283 граммлик қадимий бир оғирлик ўлчови. Аммо ҳадисда билитгифок қирқ дирҳамнинг муқобили тарзида қўлланган.

³⁰⁹Бир васак – олтмиш соъ. Чунончи, Термизий бу сўз тафсирина ҳадиснинг изоҳида берганлар.

бўлади. Туянинг бештадан озида закот йўқ, яъни саноғи бештага етмаган туяда закот йўқ. Туянинг саноғи йи-гирма бештага етганда уларда икки ёшга кирган бир ургочи бўта бор. Йиғирма бештадан оз туяларда, ҳар беш туяда (закот сифатида) битта кўй бор.

8-БОБ

**МАВЗУ: (ТИЖОРАТ ТУФАЙЛИ БЎЛМАГАН)
ОТ ВА ҚУЛ УЧУН ЗАКОТ ЙЎҚ**

٦٢٤ -- حدثنا محمد بن الملاء أبو كريب ومحمد بن عجلان قال أخبرنا وكيع عن سفيان وشعبة عن عبد الله بن دينار عن سليمان بن يسار عن عراك بن مالك عن أبي هريرة قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم « ليس على المسلم ، في فرسه ولا عبده صدقة » .

624. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мусулмон киши зиммасида (тижорат туфайли бўлмаган) оти ва қули учун закот йўқ».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амр ва Али (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Чунончи, (миниб юриладиган ва яйловга кўйиб юборилган) отлар учун ва хизматдаги қул учун закот йўқ. Фақатгина тижорат учун бўлса, бир ёшдан ошганида уларнинг саминлари (қийматлари) учун закот бор.

9-БОБ

МАВЗУ: АСАЛНИНГ ЗАКОТИ

٦٤١ -- حدثنا قتيبة أخبرنا الليث عن يزيد بن أبي حبيب عن سعيد بن سفيان عن أنس بن مالك قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم « المعتدي في الصدقة كما نعمها » .

625. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Ҳар ўн зикқ (меш, саноч) асал учун бир зикқ (закоат) бор».*

Бу бобда Абу Ҳурайра, Абу Сайёр, Ал-Мутаий ва Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Умар ҳадисининг иснодида гумон бор. Бу бобда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ тарзида ортиқ бирор нарса ривоят қилинмаган. Илм аҳллари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу. Баъзи илм аҳллари асал учун ҳеч нарса (закоат) йўқ деб қарор қилинган.

(Илова: «Саҳиҳи Бухорий»нинг закоат ҳақидаги бобларидан бирида: «Умар ибн Абдул-Азиз асалга солиқ солмокни лозим кўрмаганлар», дейилади. (1-жилд, 409-бет).

10-БОБ

МАВЗУ: ФОЙДА КЕЛТИРАДИГАН МОЛ УЧУН, ТЎЛИҚ БИР ЙИЛ ЎТМАГУНИЧА, ЗАКОТ ЙЎҚ

٦٢٦ — حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مَوْسَى أَخْبَرَنَا هَارُونُ بْنُ صَالِحٍ الطَّلْحِيُّ
أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ عَنْ أَبِيهِ عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ : قَالَ
رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « مَنْ اسْتَعَادَ مَالًا فَلَا ذِكَاةَ عَلَيْهِ حَتَّى
يَحُولَ عَلَيْهِ الْحَوْلُ » .

626. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки бир молдан истифода этса (фойда кўрса), то бир йил ўтмагунича ўша мол учун закоат йўқ».*

Бу бобда Зарро бинти Набҳон (розияллоҳу анҳо)дан ҳадис ривоят қилинган.

٦٢٧ - حدثنا محمد بن بشار أخبرنا عبد الوهّاب الثقفي أخبرنا
 أيوب عن نافع عن ابن عمر قال: من استغادَ مالاً فلا زكاةَ فيه حتى
 يحولَ عليه الحولُ عندَ ربِّهِ . وهذا أصحُّ من حديثِ عبد الرحمن
 ابن زَيْدِ بنِ أسلمَ

627. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Кимки бир молдан истифода этса (фойда кўrsa), мол эгаси зиммасида, молидан токи бир йил ўтмагунича, закот йўқ».*

Бу ҳадис Абдурахмон ибн Зайд ибн Асламнинг ҳадисидан кўра саҳиҳроқ.³¹⁰

Бу ҳадисни Аййуб, Убайдуллоҳ ва биттадан ортиқ киши, Нофиъ воситасида, Ибн Умардан мавқуф тарзида ривоят қилдилар. Абдурахмон ибн Зайд ибн Аслам ҳадис (боби)да заифдир. Муҳаддислардан Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ибн Ал-Мадиний ва тагин бошқалар, унинг заиф эканини қайд этганлар. Ўзи кўп ўринда янглишган.

(Бир йил давомида) фойда кўрилган мол учун, токи бир йил ўтмагунича, закот йўқ эканлиги Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан биттадан ортиқ кишидан ривоят қилинган. Молик ибн Анас, Шофибий, Аҳмад ибн Ҳанбал ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Баъзи илм аҳллари бундай дейдилар: «Мулкида (қўл остида) закот вожиб бўлган мол бор эса, унда (фойда, хайр-аҳсон ва мерос олиш йўли билан қўлга киритилган молда) закот бор. Агар мулкида (қўл остида)

³¹⁰Яъни Абдурахмон ибн Зайд ибн Аслам марфуъ тарзида ривоят қилган ҳадис – заиф. Мавқуф тарзида ривоят қилинган бу ҳадис – саҳиҳ.

фойда келтирган молдан бошқа, закот вожиб бўлган мол йўқ эса, фойда келтирган молдан токи бир йил ўтмагунича, бу мол учун закот (бермоғи) вожиб эмас. «Ҳаволон-и ҳавл»дан олдин бирор молни фойда қилса, закоти вожиб бўлган моли билан биргаликда фойда келтирган бу молнинг закотини беради».

Суфён Ас-Саврий ва Куфа аҳлининг қавли шудир.³¹¹

11-БОБ

МАВЗУ: ИСЛОМ ДИНИГА КИРГАН КИШИЛАРДАН ЖИЗЙА СОҚИТ ҚИЛИНАДИ

٦٢٨ — حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ أَكْثَمٍ أَخْبَرَنَا جَرِيرٌ عَنْ قَابُوسَ بْنِ أَبِي ظَلَيْفَانَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « لَا يَصْلَحُ قَيْلَتَانِ فِي أَرْضٍ وَاحِدَةٍ وَلَيْسَ عَلَى الْمُسْلِمِينَ جِزْيَةٌ » .

628. *Ибн Аббос (розиаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Битта ер устида икки қибла дуруст бўлмагай ва мусулмон бўлган кишилар учун жизйа йўқдир.»*³¹²

³¹¹Абу Ҳанифа (раҳимахуллох) шу қавлга эга бўлганлар. Чунончи, йил бошида нисобга эга бўлиб, йил давомида фойда-даромад, хиба (хайр-эхсон) ва мерос (олиш) каби бирор сабаб билан, янгитдан фойда кўрса, қўлига янгитдан мол тушса, бу молни эски молига қўшиб, закотини беради. Аммо йил бошида нисобга эга бўлмай, фақат кейинчалик қўлга киритган моли билан нисобга эга бўлса, «ҳавалони ҳавл»дан (молидан тўлиқ бир йил ўтмасидан) олдин закот вожиб бўлмайди...

³¹²**Жизйа** – мусулмон мамлакатига яшовчи бошқа диндаги кишилардан жон бошига олинадиган солиқ. Қонлари ва жонлари ҳимоя этилмоғи эвазига Ислому давлатига тўлов тўлайдилар. Ал-Ироқий Термизий китоби шарҳида ушбу ҳадисни бундай

٦٣٥ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ الْحَسَنِ أَخْبَرَنَا سَعِيدُ بْنُ أَبِي مَرْزَمٍ أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ حَدَّثَنِي يُونُسُ عَنْ ابْنِ شِهَابٍ عَنْ سَالِمٍ عَنْ أَبِيهِ عَنِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « أَنَّهُ سَنَّ فِيمَا سَقَّتِ السَّمَاءُ وَالْعِيُونَ أَوْ كَانَ عَثْرِيًّا الْمَثُورَ ، وَفِيمَا سَقَى بِالنَّضْحِ نِصْفَ الْمَثْرِ » .

629. Абу Курайб, Жарир орқали Қобусдан бизга баён қилди: шу иснод билан айна ўтган ҳадис...

Бу бобда Саъид ибн Зайд ва Ҳарб ибн Убайдуллоҳ Ас-Сақафийнинг бобоси (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Аббоснинг ҳадиси, Қобус ибн Аби Заъбандан, унинг отасидан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мурсал тарзида ривоят қилинган.

Бутун илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир: насоро (христиан) киши мусулмон бўлганида ундан жийа бекор қилинади. Чунончи, бу ҳукм ҳадисда тафсири этилиб, бундай дейилган: «Ушр – яҳудий ва насоролар (христианлар) учундир; мусулмонлар учун ушр йўк»³¹³.

изоҳлайди: «Йил давомида мусулмон бўлса, ундан шу йилнинг жийаси олинмайди... Мусаннифлар жийани жиҳод бобидан кейин зикр қилишади, Термизий, Имом Молик сингари, буни закот бобида зикр қилганлар». Жийани илк бор закот бобида зикр қилган киши Имом Моликдир. Кейинги муаллифлардан баъзиси у кишига эргашган, баъзиси эски усулни қўллаган. Закот бобида зикр этилмоғининг сабаби шуки, закот – мусулмонлар адо этадиган молиявий тўловдир, жийа эса – кофирлар адо этадиган молиявий тўлов.

³¹³Ибн-ул-Арабий «Оридот ул-аҳвозий» номли Термизий китоби шарҳида бундай дейди: Термизий, Абу Умаййа ушр борасида отасидан ривоят қилган ҳадиснинг маъноси жийага оид деб ҳисобладилар. Ҳолбуки, ундоқ эмас...» Ал-Қорий ҳазратлари «Ал-Мирқот» китобида бу ҳадис шарҳида бундай дейди: «Ҳадисда ворид бўлган «ушр»дан мурод – тижорат молидан олинadиган ушрдир, йўкса ер-дала ҳосилларидан олинadиган закот ушри эмас».

12-БОБ

МАВЗУ: ЗЕБ-ЗИЙНАТ ЗАКОТИ

٦٣٠ - حدثنا هنادُ أخبرنا أبو معاويةَ عن الأعمشِ عن أبي وائلٍ
 عن عمرو بن الحارثِ بن المصطلقِ عن ابنِ أخي زَيْنَبَ امرأةِ عبدِ الله
 عن زَيْنَبَ امرأةِ عبدِ الله قالت : خطبنا رسولُ الله صلى اللهُ عليه وسلم
 قال : « يا معشرَ النساءِ تصدقنَّ ولو من حُلِيِّكُنَّ فإنكُنَّ أكثرُ أهلِ
 جهنمِ يومَ القيامةِ » .

630. Абдуллоҳ (Ибн Масъуд)нинг хотини Зайнаб (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга (аёллар жамоасига) хитоб қилиб, айтдилар: «Эй аёллар жамоаси! Садақа қилингизлар. Лоақал зеб-зийнатларингиздан бўлса ҳам, (садақа қилиб қолингизлар!) Чунки киёмат кунда жаҳаннам аҳлининг аксарияти сизлардурсиз!...»³¹⁴

٦٣١ - حدثنا محمودُ بنِ عَمِيْلَانَ أخبرنا أبو داودَ عن شُعْبَةَ
 عن الأعمشِ قال : سمعتُ أبا وائلٍ يحدثُ عن عمرو بنِ الحارثِ بنِ أخي
 زَيْنَبَ امرأةِ عبدِ الله عن زَيْنَبَ امرأةِ عبدِ الله عن النبي صلى اللهُ
 عليه وسلم نحوه .

³¹⁴Муборакфурий, «Тухфат ул-ахвозий» номли Термизий китоби шарҳида бундай дейди: «Бу ҳадисни зеб-зийнатлар учун закот борлигига далил қилиб кўрсатмоқ ўйлантирадиган гапдир; чунки бу маънода сариҳ – очик-равшан далил эмас. Чунончи, инсон бошқа моллари учун вожиб бўлган закотни зеб-зийнат ашёлари билан тўламоғи жоиз. Чунончи, «Лоақал зеб-зийнатларингиздан бўлса ҳам...» деган таъбир бунга далолат қилади.

631. Маҳмуд ибн Файлон, Абу Довуд орқали Шуъбадан нақл этиб, Ал-Аъмашнинг бундай деганини бизга баён қилди: Абу Воилдан эшитдим, Абдуллоҳнинг хотини бўлмиш Зайнабнинг жияни (биродарзодаси) – Амр ибн Ал-Ҳорисдан, Абдуллоҳнинг хотини Зайнабдан, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан баён (ривоят) қилади: ўтган ҳадиснинг ўзи.

Бу ривоят Абу Муовиянинг ривоятидан кўра саҳиҳроқ.

Абу Муовия ўз ривоятида ваҳмга берилиб, «Амр ибн Ал-Ҳорисдан, Зайнабнинг жиянидан» деди. Саҳиҳ бўлгани – Зайнабнинг жияни – Амр ибн Ал-Ҳорисдан» (дейилгани)дир. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам зеб-зийнат ашёсида закот кўрганлари Амр ибн Шуъайбдан, унинг отасидан, бобосидан, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган. Бу ҳадиснинг иснодида гумон бор.³¹⁵

Илм аҳллари бу масалада ихтилоф қилдилар. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъийндан баъзи илм аҳллари олтин ва кумуш бўлган зийнат ашёсида закот бор деган фикрдалар. Суфён Ас-Саврий ва Абдуллоҳ ибн Ал-Муборакнинг қавли шудир. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, ораларида Ибн Умар, Оиша (онамиз), Жобир ибн Абдуллоҳ ва Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳум) бор бўлган баъзи илм аҳллари «Зеб-зийнат ашёсида закот йўқ» дейдилар. Тобиъийннинг айрим фақиҳларидан шундай деб ривоят қилинган. Молик ибн Анас, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

³¹⁵Термизий, Амр ибн Шуъайбнинг ҳадисини бу бобда таржих этадилар (устун кўядилар) ва бу ҳадиснинг исноди ҳақидаги гумонни шарҳлайдилар. Кейинги ҳадис шудир.

٦٣٢ - حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا ابْنُ لَهَيْعَةَ عَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ أَنَّ امْرَأَتَيْنِ أَتَتَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَفِي أَيْدِيهِمَا سِوَارَانِ مِنْ ذَهَبٍ ، قَالَ لَهُمَا : أَتُؤَدِّيَانِ زَكَاتَهُ ؟ قَالَتَا : لَا ، قَالَ لَهُمَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَلَمْ يَأْتِيَنَّ ابْنُ يُسُورَ كَمَا أَنَّ اللَّهَ يُسَوِّرُنِي مِنْ نَارٍ ؟ قَالَتَا : لَا ، قَالَ : فَأَدِّيَا زَكَاتَهُ .

632. Амр ибн Шуъайбнинг бобосидан ривоят қилинди: «Икки хотин Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келди, қўлларида олтин билагузук бор эди. Шунда (Расули Акрам) уларга: «Бунинг закотини берасизларми?» дедилар. Хотинлардан биттаси: «Йўк» деди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки, «Аллоҳ таоло иккалангизга оловдан иккита билагузук тақдирмоғини хуш кўрасизларми?» «Йўк!» дейишди. (Расулуллоҳ): «Унда закотини берингизлар!...» – дедилар.

Бу ҳадисни Ал-Мусанна ибн Ал-Саббоҳ, Амр ибн Шуъайбдан шу тарзда ривоят қилди. Ал-Мусанна ибн Ал-Саббоҳ ва Ибн Лаъбия ҳадис (боби)да заиф эканликлари қайд этилган. Бу мавзуда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ тарзида бирор нарса (ҳадис) ривоят қилинмаган.

13-БОБ

МАВЗУ: КЎКАТ-САБЗАВОТ ЗАКОТИ

٦٣٣ - حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ خَشْرَمٍ أَخْبَرَنَا عَيْسَى بْنُ يُونُسَ عَنِ ابْنِ عَمْرِو بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُبَيْدٍ عَنِ عَيْسَى بْنِ طَلْحَةَ عَنْ مُعَاذٍ أَنَّهُ كَتَبَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْأَلُهُ عَنِ الْخَضِرَاءِ وَهِيَ الْبَتُولُ ، قَالَ : لَيْسَ فِيهَا شَيْءٌ .

633. Муъоз (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:

у (Муъоз) Набий саллаллоху алайҳи ва салламга (мактуб) ёзиб, кўкат (закоти) ҳақида сўради, бу эса — бақла(сабзавот)дир. Шунда (Расули Акрам) айтдилар: «Кўкат-сабзавотда ҳеч нарса (закот) йўқ!».

Бу ҳадиснинг исноди саҳиҳ эмас. Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламдан бу бобда саҳиҳ тарзида деярли ҳеч нарса ривоят қилинмаган. Бу ҳадис эса Мусо ибн Талҳа орқали Набий саллаллоху алайҳи ва салламдан мурсал тарзида ривоят қилинади. Илм аҳлиларининг амали шу ҳадис асосидадир. Яъни кўкат-сабзавотда закот йўқ деган асосдадир.

Ал-Ҳасан Умаронинг ўғли бўлиб, муҳаддислар наздида заифдир. Шуъба ва тагин бошқалар унинг заиф эканлигини қайд этганлар. Абдуллох ибн Ал-Муборак уни(нг ҳадисини) тарк этган.

14-БОБ

МАВЗУ: НАҲР (ДАРЁ, АРИҚ) ВА БОШҚА ВОСИТАЛАР БИЛАН СУҒОРИЛАДИГАН ЭКИНЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ҲОСИЛЛАР ЗАКОТИ

٦٣٤ — حدثنا أبو موسى الأنصاري أخبرنا عاصم بن عبد العزيز المدني أخبرنا الحارث بن عبد الرحمن بن أبي ذباب عن سليمان بن يسار وبشر بن سعيد عن أبي هريرة قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم «فِيمَا سَقَتِ السَّمَاءُ وَالْمِيُونَ الْمَشْرُ، وَفِيمَا سَقَى بِالْفَضْحِ نِصْفُ الْمَشْرِ».

634. Абу Ҳурайра (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Осмон (ёмғир) ва булоқ сувлари (оқар сувлар ва ер ости сизот сувлари) билан суғориладиган экинларда ушр (ҳосилнинг ўндан бири-ни беришлик) бор, чиғир билан суғориладиган экинларда эса ярим ушр (закот) бор».

Бу бобда Анас ибн Молик, Умар ва Жобир (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис Буқайр ибн Абдуллоҳ ибн Ал-Ашажж, Сулаймон ибн Ясор ва Буср ибн Саъид воситасида Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламдан мурсал тарзида ривоят қилинди. Бу айтилган ривоят янада саҳиҳрок.

Ибн Умар ушбу бобда Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадис саҳиҳ. Бутун фақиҳларнинг амали шу ҳадис асосидадир.

٦٣٥ - حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ الْحَسَنِ أَخْبَرَنَا سَعِيدُ بْنُ أَبِي مَرْزُومٍ أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ حَدَّثَنِي يُونُسُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « أَنَّهُ سَنَّ فِيمَا سَقَّتِ السَّمَاءُ وَالْمَيُونَ أَوْ كَانَ عَثْرِيًّا الْمَثُورَ ، وَفِيمَا سَقَى بِالنَّضْحِ نِصْفَ الْعَثْرِ . »

635. Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоху анҳумо) орқали Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилинди; «(Расули Акрам) саллаллоху алайҳи ва саллам: осмон (ёмғир) ва булоқлар (оқар сувлар) ёки ер ости сизот сувлари билан суғорилган экинга бир ушр (ҳосилнинг ўндан бири), чигир³¹⁶ орқали суғориладиган экинларга эса ярим ушр (закот) қўйдилар».³¹⁷

³¹⁶Сув ҳавзалари, чигирлар (чархпалак) ёки тўпланган сувлар ва пуллик сувлар билан суғорилган экинлардан ҳам ярим ушр (ҳосилнинг йигирмадан бири) олинади. Ҳанафий мазҳабиغا кўра бу тур суғориш йил бўйи ёки ярим йилдан ортиқ давом этиши керак.

³¹⁷Бутун уламо ва тўрт имом мазҳабиغا кўра, буғдой, арпа, мош, нўхат, шоли(гуруч) ва шу каби барча донли-дуккакли экин ҳосилларидан ушр бермоқ вожиб. Имоми Молик «Ал-муваттоъ» китобида бундай дейди: «Закотда табиий бўлган ғалла ушбулардир: буғдой, арпа, жавдар, маккажўхори, тарик, шоли, мош, сули, лавия, жулжулон ва шунга ўхшаш ош-таом қилинадиган донлар. Пишиб, дон бўлганидан кейин буларнинг ҳаммасидан закот олинади».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

15-БОБ

МАВЗУ: ЕТИМ МОЛИНИНГ ЗАКОТИ

٦٦٦ — حدثنا محمد بن إسماعيل أخبرنا إبراهيم بن موسى أخبرنا
الوليد بن مسلم عن الثوري بن الصباح عن عمرو بن شعيب عن أبيه
عن جده أن النبي صلى الله عليه وسلم خطب الناس فقال: «ألا من ولي
يتيماً له مالٌ فدينجر فيه ولا يتركه حتى تأكله الصدقة» .

Бу мазаҳабнинг йўлбошчиси ушр вожиб бўлишига далолат қиладиган ҳадис ва оятлар маъноси билан амал қилаётир. Ҳасан Ал-Басрий, Ҳасан ибн Солих, Ас-Саврий ва Ибн Сийрийн арпа, буғдой майиз ва хурмолардан бошқа нарсада закот йўқ деган фикрга эга бўлганлар. Буларнинг фикрича, ушр фақат шу тўрт нарсада вожиб. Табороний, Ал-Ҳоким ва Ад-Доруқутнийнинг Абу Мусо Ал-Ашъарий ва Муъоз (розияллоҳу анҳумодан таҳриж қилган ҳадислари билан истидлол қиладилар. Бу ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу икки саҳобага бундай деб айтганлари ривоят қилинади: «Закотни фақатгина ушбу тўрт синф (нарса)дан олингизлар: арпа, буғдой, майиз ва хурмодан». «Субулус-Салом» муаллифи Байҳақийнинг бу ҳадис ҳақида бундай деганини ёзади: «Бу ҳадиснинг ровийлари сиқа (ишончли) кишилардир ва санади мутассилдир». Аш-Шавқоний ҳам «Ан-Наҳий» китобида шу усулни таржиҳ этади ва бундай дейди: «Ҳақиқат шуки, закот фақат буғдой, арпа, майиз ва хурмодан вожиб ва шу тўрттадан бошқа ер маҳсулотларида закот (ушр) йўқ. Амр ибн Шувайбнинг ҳадисида маккажўхори бу тўрт нарсага қўшилгани масаласига келсак, бу ҳадисда ривояти матрук бўлган ровий учрамоқда, шу билан бирга, Мужоҳид ва Ал-Ҳасаннинг мурсал ривоятлари билан қувват касб этган». Муборақфурий, «Абу Мусо ва Муъознинг мазкур ҳадиси санадида Талха ибн Яҳё борки, бу зот борасида ихтилоф қилинган» дейди ва бундай давом этади: «Бу ўриндаги чеклаш ҳақиқий эмас. Ҳақиқий бўлса эди, бу тўрт синфдан бошқа нарсада закот вожиб эмаслиги лозим бўларди. Лозим ботил бўлганидек, малзум (лозим қилувчи) ҳам айнан ботилдир. Бу ўриндаги чегара фақат нисбийдир».

636. Амр ибн Шуъайбнинг бобосидан ривоят қилинди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонларга (мусулмонларга) хитоб қилиб, айтдилар: «Кимки молдор бир етимнинг валийси бўлса, ўша мол билан тижорат қилсин ва токи садақа (закот) уни еб тугатганига қадар тарк этиб қўймасин!».

Бу ҳадис битта шу важҳдан ривоят қилинган ва унинг иснодида гумон бор. Чунки Ал-Мусанна ибн Ал-Саббоҳ ҳадисда заиф эканлиги қайд этилган. Баъзиси эса бу ҳадисни Амр ибн Шуъайбдан «Умар ибн Ал-Хаттоб» деб ривоят қилиб, айна шу ҳадисни зикр этди.

Илм аҳллари бу бобда ихтилоф қилдилар. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, ораларида (Ҳазрати) Умар, (Ҳазрати) Али, Оиша ва Ибн Умар (розияллоҳу анҳум) ҳам бор бўлган мутааддид кишилар, етимнинг молида закот бор, деган фикрдалар. Молик, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлганлар. Илм аҳлларидан бир гуруҳи эса, етимнинг молида закот йўқ, деб айтганлар. Суфён Ас-Саврий ва Абдуллоҳ ибн Ал-Муборакнинг қавли шу.

Амр ибн Шуъайб бу – Ал-Ос ўгли Абдуллоҳ ўгли Муҳаммаднинг ўғлидир. Шуъайб бобоси Абдуллоҳ ибн Амрдан (ҳадис) эшитган. Яҳё ибн Саъид, Амр ибн Шуъайбнинг ривояти ҳақида (танкидий) сўз қилади ва: «У бизнинг наздимизда заифдир» дейди. Амр ибн Шуъайбнинг заиф эканлигини қайд этганлар, отаси Абдуллоҳ ибн Амрнинг саҳифасидан ҳадис ривоят қилгани учун уни заиф деб айтаётирлар. Аммо муҳаддисларнинг кўпчилиги Амр ибн Шуъайбнинг ҳадиси билан истидлол қиладилар ва уни тасбит этадилар. Аҳмад, Исҳоқ ва тагин бошқалар шулар орасидадир.

16-БОБ

**МАВЗУ: ҲАЙВОН ЕТКАЗГАН ЗАРАР УЧУН
ТЎЛОВ ЙЎҚ, ХАЗИНА УЧУН ЭСА –
ХУМС (БЕШДАН БИРИНИ
ТЎЛАМОҚЛИК) БОР**

٦٣٧ --- حدثنا قتيبة أخبرنا الليث بن سعد عن ابن شهاب عن
سعيد بن المسيب وأبي سلمة عن أبي هريرة عن رسول الله صلى الله
عليه وسلم قال «العجما جرحا جبارا، والمدين جبارا، واليعرب جبارا،
وفي الركاك الخمر» .

637. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: Ёввойи (эгасиз) ҳайвонлар етказган жароҳати (зарари) – соқит³¹⁸, маъдан – соқит;³¹⁹ қудуқ – соқит;³²⁰ (булар учун тўлов йўқ, чунки даромад келтирмайди); хазина (дафина) учун эса – хумс (молнинг бешдан бири ҳисобида тўлов) бор»³²¹.

³¹⁸Яъни ҳайвон, бошда сурув эгаси ва чўпони бўлмасдан, кундузи бирор талофат етказса, жарима тўланмайди. Бошида бирор киши бўлса, ўша киши зарарини тўлайди, чунки зарар унинг айби билан содир бўлди. Шунингдек, кечаси бўлса, зарарини тўлайди, чунки кечқурун ҳайвонлар боғланмоғи одатдирки, ҳайвон эгаси бу жиҳатдан айбдордир.

³¹⁹Яъни олтин, кумуш, мис маъданлари ва бошқа маъданлар учун, топилган ва кашф этилган пайтида ҳеч қандай бир тўлов йўқ.

³²⁰Яъни қудуқ қазимоқ ёки маъдан қазиб чиқармоқ учун кира қилган қазувчи қудуқ ёки маъдан ўрасининг чўкиши(нураши) натижасида ўлса, таъзинот тўламайди. Шунингдек, қовлаган қудуғига одам тушиб кетиб, ўлса, агар ўша қудуқни тажовуз мақсади билан қазмаган бўлса, тўлов лозим бўлмайди. Агар тажовуз мақсади билан очган бўлса, бу масалада ихтилоф қилинган. (Муборакфурий).

³²¹Рикоз, яъни кўмилган хазина (дафина) «ракиз»нинг кўплик шакли бўлиб, ер ости бойликлари деганидир. Молик, Шофийий ва барча уламо рикоз (хазина)ни жоҳилият даврида ерга кўмилган дафиналар сирасига қўшадилар ва бундай дейдилар: «Маъданлар учун бешдан бир бўлмай, агар нисобга етса, улар учун закот бор».

Бу бобда Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Амр, Убода ибн Ас-Сомит, Амр ибн Авф Ал-Музаний ва Жобир (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган. Абу Хурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

17-БОБ

МАВЗУ: ТАХМИН (БИЛАН ЗАКОТ МИҚДОРИНИ БЕЛГИЛАШ) ҲАҚИДА

٦٣٨ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ أَخْبَرَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ * أَخْبَرَنَا شُعْبَةُ قَالَ أَخْبَرَنِي حُبَيْبُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ قَالَ سَمِعْتُ عَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنَ مَسْعُودٍ يَنْبِئُ يَقُولُ : جَاءَ سَهْلُ بْنُ أَبِي حَنَمَةَ إِلَى مَجْلِسِنَا فَخَدَّثَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ : « إِذَا خَرَصْتُمْ فَادْعُوا وَادْعُوا الثَّلَثَ ، فَإِنْ لَمْ تَدْعُوا الثَّلَثَ فَادْعُوا الرَّبِيعَ » .

638. Абдурраҳмон ибн Масъуд ибн Нийордан ривоят қилинди; айтадики, «Саҳл ибн Аби Ҳасма бизларнинг мажлисимизга келди ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганларини бизга баён қилди: «Агар чамалаб ўлчасангиз, (чамаланган молнинг закотини) олинг ва (лекин) учдан бирини (эгасига) қолдиринг! Агар учдан бирини қолдирмасангиз, унда тўртдан бирини қолдиринг»³²².

Бу бобда Оиша, Аттоб ибн Асийд ва Ибн Аббос (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган. Тахмин

Ҳофиз ибн Хажар: «Фатҳ-ул-Борий»да барчанинг фикрини умумлаштириб, бундай дейди: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам маъдан билан рикоз орасини атиф «вов»и билан ажратганларки, бир-биридан бошқа-бошқа нарса эканлиги тўғридир». («Мухтасар-ул-виқоя» шарҳининг «Закот» китобига қаранг).

³²²Мевалар чамаланганда закот миқдори аниқланади ва охирида бу (ажратилган) миқдорнинг учдан икки қисми олиниб, учдан бир қисми мева эгаларига қолдирилади. Улар бу миқдорни хоҳлаганларидек садақа қилишлари мумкин.

(чамалаш) хусусида илм аҳлларининг амали Саҳл ибн Абу Ҳасманинг ҳадиси асосидадир. Исҳоқ ва Аҳмад, Саҳл ибн Абу Ҳасманинг ҳадисини қабул қилишган.

Таҳмин (чама)(шуки), хурмо ва узум сингари закотга даҳлдор мевалар етишганда, ҳукмдор бир таҳминчини жўнагади. Ҳукмдор уларга (мева ҳосилларини) таҳминлаб (чамалаб) ўлчаб беради. Таҳмин – аҳли вуқуф (воқиф бўлган, хабардор) кишининг сўз қарори билан: «Бундан шунча майиз ва хурмодан шунча (хурмоқоқи) чиқади» деб (миқдорини) уларга ўлчаб бермоғидир. Бу миқдордан ушр ҳажмига қараб, (уни) мева эгалари зиммасига (қарз деб) қайд этади. Кейин меваларини уларга қолдиради; улар хоҳлаганини қилади. Мевалар етишганда, улардан ушр олинади.

Баъзи илм аҳллари ҳадисни шундай тафсир қилганлар. Молик, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

٦٣٩ — حَدَّثَنَا أَبُو عَمْرٍو مُسْلِمٌ بْنُ عَمْرٍو الْحَذَاءُ الدَّرِينِيُّ أَخْبَرَنَا
عَبْدُ اللَّهِ بْنِ نَافِعٍ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ صَالِحِ التَّمَارِ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ سَعِيدِ بْنِ
السَّيْبِ عَنْ عَتَابِ بْنِ أَبِي سَيْدٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَبْتِغِي عَلَى
النَّاسِ مَنْ يَخْرُصُ عَلَيْهِمْ كَرُومَهُمْ وَبِمَارْمٍ وَهَذَا الْإِسْنَادُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: فِي زَكَاةِ السُّكَّرِ «إِنَّهَا تُخْرَصُ كَمَا يُخْرَصُ النَّخْلُ نَمَّ
تَوَدَّى زَكَاةُ زَيْبًا كَمَا تَوَدَّى زَكَاةُ النَّخْلِ تَمْرًا» .

639. *Аттоб ибн Асийд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга боғларини ва меваларини чамалаб берадиган кишини жўнатар эдилар...» Ва шу иснод билан, Ра-сулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам боғлар закоти ҳақида бундай деб айтганлари ривоят қилинди: «Боғларга ҳам, худди хурмолар чамаланмоғи каби ча-*

ма қилинади ва кейин хурмонинг закоти хурмо майизи сифатида тўлангани сингари, унинг (узумнинг) закоти ҳам майиз сифатида тўланади».

Бу ҳадис ҳасан-ғариб. Ибн Журайж бу ҳадисни Ибн Шиҳобдан, Урвадан, Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилаётир. Буни Муҳаммад (Ал-Бухорий)дан сўрадим, айтдики, «Ибн Журайжнинг ривояти махфуз (рожих) эмас. Саъид ибн Ал-Мусаййабнинг Аттоб ибн Асийддан қилган ривояти саҳиҳроқ».

18-БОБ

МАВЗУ: ҲАҚ БИЛАН ИШ КЎРУВЧИ ЗАКОТ МАЪМУРИ ҲАҚИДА

٦٤٠ — حدثنا أحمد بن منيع أخبرنا يزيد بن هارون أخبرنا يزيد بن عيسى عن عاصم بن عمر بن قتادة وحدثنا محمد بن إسماعيل أخبرنا أحمد بن خالد عن محمد بن إسحاق عن عاصم بن عمر بن قتادة عن محمود بن لبيد عن رافع بن خديج قال : سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول : «الغامل على الصدقة بالحق كالغاري في سبيل الله حتى يرجع إلى بيته» .

640. Рофиъ ибн Ходиж (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдимки, «Ҳақ билан иш кўрувчи закот маъмури, токи уйига қайтгунича, бамисоли Аллоҳ йўлида (жанг қилган) ғозий кабидир» — дедилар.

Рофиъ ибн Ходижнинг ҳадиси ҳасан.

Язид ибн Йёз муҳаддислар наздида заиф. Муҳаммад ибн Исҳоқнинг ривояти янада соғломроқ.

19-БОБ

МАВЗУ: ЗАКОТ БОРАСИДА ҲАДДАН
ОШГАН КИШИ ҲАҚИДА

٦٤١ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ عَنْ بَرِيدِ بْنِ أَبِي حَبِيبٍ عَنْ
سَمِيدِ بْنِ سِنَانٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « الْمُعْتَدِي فِي الصَّدَقَةِ كَمَا نَهَى » .

641. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Садақа (закот) борасида ҳаддан ошган киши закот бермаган кабидир».

Бу бобда Ибн Умар, Умму Салама ва Абу Хурайра (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Анаснинг ҳадиси бу важҳдан ғариб. Аҳмад ибн Ҳанбал, Саъд ибн Синон ҳақида (танкидий) сўз қилган.³²³

Ал-Лайс ибн Саъд, шу тарзда «Язид ибн Абу Ҳабибдан, Саъд ибн Синондан, Анас ибн Моликдан.» дейди. Муҳаммад (Ал-Бухорий)дан эшитдим, бундай деди: «Саҳиҳ бўлгани «Синон ибн Саъд»дир.

Расули Акрамнинг «Садақа (закот) борасида ҳаддан ошган киши закот бермаган кабидир» деган сўзлари(нинг маъноси): «Ҳаддан ошган кишининг гуноҳи закот бермаган кишига бермаган пайтида ёзилган гуноҳчалиқдир», демоқчилар.

³²³ Аз-Заҳабий «Мезон» китобида Саъд ибн Синоннинг таржимаи ҳоли ҳақида бундай дейди: «Имом Аҳмад, Саъд ибн Синон борасида: «У ривоят қилган ҳадисларни ёзмайман. чунки муҳаддислар унинг шахси ва ривояти ҳақида зиддиятга борданлар» дейди. Бир томондан, ровийлар унинг исми борасида ихтилоф қилганлар. Баъзиси: «Саъд ибн Синон» деса, баъзилари «Синон ибн Саъд» эканлигини таъкидлаган. Термизий унинг исми «Синон ибн Саъд» деб Имом Бухорийдан нақл этадилар; аммо нариги ривоятни устун кўриб, «Саъд ибн Синон» дейдилар.

20-БОБ

**МАВЗУ: ЗАКОТЧИНИНГ РИЗОЛИГИ
ҲАҚИДА**

٦٤٢ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حَجْرٍ أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يُزَيْدَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ الْحَالِدِ عَنِ الشَّعْبِيِّ عَنْ جَرِيرٍ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا أَتَاكُمْ الْمَصَدَّقُ فَلَا يَقَارِفَنَّكُمْ إِلَّا عَنْ رِضَى»

642. *Жарир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Закотчи сизларга келганида сизлардан албатта рози бўлган ҳолда кетсин!...»*

٦٤٣ — حَدَّثَنَا أَبُو عَمَّارٍ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ دَاوُدَ عَنِ الشَّعْبِيِّ عَنْ جَرِيرٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِنَحْوِهِ.

643. *Абу Аммор, Суфён орқали Довуддан, Аш-Шаъбийдан, Жарирдан, Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бизга баён қилди: ўтган ҳадиснинг ўзи.*

Довуднинг Аш-Шаъбийдан қилган ривояти, Мужолиднинг ривоятидан кўра соғломдир. Баъзи илм аҳллари Мужолиднинг заиф эканини қайд қилганлар, у кўп ўринда янглишган.

21-БОБ

**МАВЗУ: ЗАКОТ БОЙЛАРДАН ОЛИБ,
КАМБАҒАЛЛАРГА ҚАЙТАРИЛАДИ**

٦٤٤ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ سَعِيدٍ الْكِنْدِيُّ أَخْبَرَنَا حَنْصُ بْنُ غِيَاثٍ عَنْ أَشْمَثَ عَنْ عَوْنِ بْنِ أَبِي حُجَيْفَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: «قَدِمَ عَلَيْنَا مُصَدَّقُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَخَذَ الصَّدَقَةَ مِنْ أَعْيُنَائِنَا فَجَعَلَهَا فِي قَفَرَاتِنَا، وَكُنْتُ غَلَامًا يَتِيمًا فَأَعْطَانِي مِنْهَا قَدْرًا».

644. Абу Жухайфа (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг закотчилари бизларга келди ва садақани (закотни) бойларимиздан олиб, фақирларимизга таркатди. Мен бир етим бола эдим, менга оёқлари узун ёш бир ургочи туя берди».

Бу бобда Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Жухайфанинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

22-БОБ

МАВЗУ: САДАҚА ОЛИШИ ЖОИЗ БЎЛГАН КИШИЛАР

٦٤٥ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ بْنُ عَلِيِّ بْنِ جُبَيْرٍ قَالَ قَتَيْبَةُ حَدَّثَنَا شَرِيكَ وَقَالَ عَلِيُّ أَنَا شَرِيكَ الْمَعْنَى وَاحِدٌ عَنْ حَكِيمِ بْنِ جَبْرِ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ بَرِيْدٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « مَنْ سَأَلَ النَّاسَ وَلَمْ يَأْتِ بِشَيْءٍ جَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَمَسْأَلَتُهُ فِي وَجْهِهِ خُوشٌ أَوْ خُدُوشٌ أَوْ كُدُوشٌ قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا يَنْبِئُهُ ؟ قَالَ تَمَسَّوْنَ دِرْهَمًا أَوْ قِيمَتَهَا مِنَ الذَّهَبِ » .

645. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки мухтож бўлмаган ҳолда инсонлардан тиланиб юрса, қиёмат кунида тиланчилиги унинг қиёфасида тирналган ёки шилинган ёки эзилган бир ҳолатда келгайдир». Сўралдики: «Ё Расулulloҳ! Нима нарса уни беҳожат қилади?» Айтдилар: «Элик дирҳам ёки элик дирҳам қийматидаги

ОЛТИН».

Ибн Масъуднинг ҳадиси ҳасан.

Ҳаким ибн Жубайрнинг ушбу ўриндаги ривояти туфайли Шуъба унинг ҳақида (танқидий) сўз қилган.

٦٤٦ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي لَيْسَةَ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ قَالَ قَالَ لَهُ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُثْمَانَ صَاحِبُ شُعْبَةَ : لَوْ غَيْرُ حَكِيمٍ حَدَّثَ بِهَذَا ، قَالَ لَهُ سُفْيَانُ وَمَا تَفَكَّرَ لَا يُحَدِّثُ عَنْهُ شُعْبَةُ قَالَ : نَعَمْ . قَالَ سُفْيَانُ سَمِعْتُ زَيْدًا يُحَدِّثُ بِهَذَا عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ يَزِيدَ

646. Маҳмуд ибн Ғайлан, Яхё ибн Одамдан нақл этиб, бизга баён қилдики, Суфён, Ҳаким ибн Жубайр орқали ушбу ҳадисни ривоят қилди. Шунда Шуъбанинг биродари Абдуллоҳ ибн Усмон Суфёнга бундай деди. «Қанийди, бу ҳадисни Ҳакимдан бошқа киши ривоят қилсайди!» Суфён унга айтдики, «Ҳакимнинг нима айби бор, Шуъба ундан ҳадис ривоят қилмайдими?». Абдуллоҳ ибн Усмон: «Ҳа, (ривоят қилмайди)» деди. Суфён дедики, «Зубайддан ушбу ҳадисни Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Язиддан ривоят қилганини эшитдим».

Баъзи биродарларимизнинг амали шу ҳадис асо-сидадир. Ас-Саврий, Абдуллоҳ ибн Ал-Муборақ, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Айтдиларки, «Кишининг ёнида элик дирҳами бор бўлса, садақа олмоғи жоиз бўлмайди».

Баъзи илм аҳллари эса Ҳаким ибн Жубайрнинг ҳадисини эгалламай, бу масалада кенглик намоён қилганлар ва бундай деганлар: «Ёнида элик дирҳами ёки эликдан юқорироқ дирҳами бор бўлса, у киши мухтождир ва у закот олмоғи жоиздир».

23-БОБ

МАВЗУ: САДАҚА ОЛМОҒИ ЖОИЗ
БЎЛМАГАН КИШИЛАР

٦٤٧ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ أَخْبَرَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ أَخْبَرَنَا
سُفْيَانُ وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ عَنْ
سَعْدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ عَنْ رَجْحَانَ بْنِ زَيْدٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو عَنِ النَّبِيِّ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ « لَا تَحْمِلُ الصَّدَقَةَ إِنِّي وَلَا لِذِي مِرَّةٍ سِوَى » . . .

647. Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бой ва бақувват, (соғлом), ўртаҳол киши учун садақа олмоқ жоиз эмас».

Бу бобда Абу Ҳурайра, Хубший ибн Жунода ва Кабиса ибн Ал-Мухорик (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абдуллоҳ ибн Амрнинг ҳадиси ҳасан. Шуъба бу ҳадисни Саъд ибн Иброҳимдан айти шу иснод билан ривоят қилган ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга(ча) юксалтирмаган.

«Бой, бақувват ва ўртаҳол (ногирон бўлмаган) киши учун садақа олмоқ жоиз эмас»лиги Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан, бошқа ҳадисларда ҳам ривоят қилинган. Киши бақувват бўлгани ҳолда муҳтож бўлса ва ҳеч бир нарсага эга бўлмаса, шу ҳолатда унга закот берилганида, илм аҳлларининг ҳукмига кўра, закот берган кишидан фарз соқит бўлади. Баъзи илм аҳллари эса бу ҳадисни тиланмоққа оид деб ҳисоблайдилар.

٦٤٨ ... حدثنا علي بن سعيد الكندي أخبرنا عبد الرحيم بن سليمان عن مجاهد عن عامر عن حبيبي بن جنادة السلمي . قال : سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم في حجة الوداع وهو واقف برفة أمية أعرابي فأخذ يطرف رداءه قائم إنياء فأعطاه وذهب فعند ذلك حرمت المسألة فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم : « إن المسألة لا تحل لغيري ولا لذي مرة سيدي إلا لذي قرم مدقم أو غرم منقطع ، ومن سأل الناس لغيري به ماله كان حوشاً في وجهه يوم القيامة ورضناً يأكله من جهنم ، فمن شاء فليقبل ومن شاء فليكفر »

648. Хубший ибн Жунода Ас-Салулий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим; Видо ҳажида, Арофатда эканликларида ҳузурларига бир аъробий (бадавий) келди-да, ридоларининг бир учидан ушлаб, уни («Менга беринг» деб) жаноби Пайғамбардан сўради. Расули Акрам (ридоларини) унга бериб юбордилар, у (олиб) кетди. Ана шу воқеа устида тиланчилик ҳаром қилинди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Тиланмоқ бой ва бақувват ўртаҳол киши учун жоиз эмас. Илло ўта қашшоқ ва беҳад оғир қарз остида қолган кишига жоиздир. Кимки мол-давлатини кўпайтирмақ учун инсонлардан тиланса, бу тиланчилик қиёмат кунинда унинг қиёфасида бир тирналган (шилинган)лик аломати бўлур ва у жаҳаннамдан олиб ейдиган қизига бир тош бўлур. Бас, хоҳлаган киши камайтирсини, хоҳлаган киши кўпайтирсин!».

٦٤٩ — حدثنا محمود بن غيلان أخبرنا يحيى بن آدم عن عبد الرحيم بن سليمان بنحوه .

649. Маҳмуд ибн Ғайлон, Яҳё ибн Одам орқали Абдурраҳмон ибн Сулаймондан бизга баён қилди: ўтган ҳадиснинг ўзи...

Ушбу ҳадис бу важҳдан ғариб.

24-БОБ

МАВЗУ: ҚАРЗДОР ВА ШУНГА ЎХШАШ КИШИЛАР ОРАСИДА САДАҚА ОЛИШИ ЖОИЗ БЎЛГАНЛАР

٦٥٠ - حدثنا قتيبة أخبرنا الليث عن يسكيرة بن عبد الله بن الأشج عن عياض بن عبد الله عن ابن سعيده الخدرى قال: أصيب رجل في عهد رسول الله صلى الله عليه وسلم في نمار ابناعها فكثر دينه فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم تصدقوا عليه ، فتصدق الناس عليه فلم يبلغ ذلك وفاة دينه ، فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم لفرمايه : خذوا ما وجدتم ولينس لكم إلا ذلك ه

650. Абу Саъид Ал-Худрий (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам даврларида бир киши³²⁴ сотиб олган меваларидан зарар кўриб, қарзи кўпайди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: «Унга садақа қилингизлар!» дедилар. Одамлар унга садақа қилишди, лекин йиғилган садақа унинг қарзини тўламоққа етмади. Шунда Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам унинг товончиларига: «(Ундан) нимаки топсангиз, олингизлар, илло сизларга шу топганларингиздан бошқа нарса йўқ», – дедилар. (Яъни «фақат топганларингизнигина олишларингиз мумкин»).

Бу бобда Оиша, Жувайрий ва Анас (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинди.

³²⁴Бу зот Муъоз ибн Жабал (розияллоху анху) эканлиги айtilди.

Абу Саъиднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

25-БОБ

**МАВЗУ: РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛАЛЛОҲУ
АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ УЧУН, У
ЗОТНИНГ АҲЛИ БАЙТИ ВА
АВЛОДЛАРИ УЧУН САДАҚА (ВА
ЗАКОТ) ОЛМОҚ КАРОҲАТ
ЭКАНЛИГИ**

٦٥١ — حَدَّثَنَا بُقْدَارُ أَخْبَرَنَا مَكِّيُّ بْنُ بَرَّاهِمٍ وَيُوسُفُ بْنُ سَمِيدٍ
الضَّبْيِيُّ قَالَا: أَخْبَرَنَا بَهْرُ بْنُ حَكِيمٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ قَالَ «كَانَ رَسُولُ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أُنِي بِشَيْءٍ سَأَلَ أَصَدَقَةً هِيَ أُمُّ هَدِيَّةٍ؟ فَإِنْ قَالُوا
صَدَقَةٌ لَمْ يَأْكُلْ، وَإِنْ قَالُوا هَدِيَّةٌ أَكَلَ.»

651. Баҳз ибн Ҳакимнинг бобоси (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: айтди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга бирор нарса келтирилса, «Бу садақами ёки ҳадями?» деб сўрар эдилар. Агар «Садақа» десалар, емас эдилар, «Ҳадя» десалар, ер эдилар».

Бу бобда Салмон, Абу Хурайра, Анас, Ал-Ҳасан ибн Али, Муарраф ибн Восилнинг бобоси – Абу Омира, унинг исми Рушайд ибн Молик, – Маймун ёки Михрон, Ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр, Абу Рофиъ ва Абдуррахмон ибн Алқама (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Бу ҳадис айти вақтда Абдуррахмон ибн Алқамадан, Абдуррахмон ибн Аби Оқилдан, Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган.

Баҳз ибн Ҳакимнинг бобосининг исми – Муовия ибн Ҳайда Ал-Қушайрий.

Баҳз ибн Ҳакимнинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

٦٥٢ — حدثنا محمد بن المنثري أخبرنا محمد بن جعفر أخبرنا شعبة
 عن الحكم عن ابن أبي رافع عن أبي رافع «أن رسول الله صلى الله
 عليه وسلم بعث رجلاً من بني مخزوم على الصدقة ، قال لأبي رافع
 اصحبني كيناً تصيب منها ، قال : لا حتى آتي رسول الله صلى الله عليه وسلم
 فأناؤه ، وانطلق إلى النبي صلى الله عليه وسلم فقأله قال : إن الصدقة
 لا تحبل لنا وإن موائى التوم من أنفسهم .»

652. *Абу Рофиъ (розияллоху анху)дан ривоят қилинди:* «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам Бани Махзум (қавми)дан бўлмиш бир кишини³²⁵ садақа (закот) йиғмоқ учун жўнатдилар. Бу киши Абу Рофиъга: «Менга йўлдош бўлгин, закотдан улуш ололгайсан» деди. (Абу Рофиъ) айтдики, «(Буни) Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан бориб сўрамаса, бўлмайди». Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламга учрашиб, у кишидан (буни) сўради. Шунда (Расули Акрам) бундай дедилар: «Садақа бизларга жоиз эмас, бир қавмнинг мавлолари (озод этилган қуллари) ҳам уларнинг ўзларидан ҳисобланади».³²⁶

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг мавлолари (озод этган қуллари) Абу Рофиънинг исми – Аслам. Абу Рофиънинг ўғли Али ибн Абу Толиб (карромаллоху ваҳҳаху)нинг котиби – Убайдуллоҳ ибн Абу Рофиъдир.

³²⁵Ас-Суютий. бу зот Ал-Арқом ибн Абил Арқом эканлигини айтади.

³²⁶Ҳадис, садақа ва закот Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламга, у кишининг хонадонлари аҳлига ва Бани Ҳошим оиласининг мавлоларига (озод этилган қулларига) ҳаром эканлигига далолат қилади. Ҳофиз Ибн Ҳажар «Фатҳ ул-борий»да Аҳмад, Абу Ханифа ва Моликийлардан баъзилари шу қавлга эга бўлганликларини қайд этади.

26-БОБ

МАВЗУ: ҚАРИНДОШЛАРГА САДАҚА
ҚИЛМОҚ

٦٥٣ — حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ عَامِرِ بْنِ حَمَّامَةَ بِنْتِ سَبْرِينَ عَنِ الرَّبِيعِ بْنِ عَمْرِو بْنِ سَلْمَانَ بْنِ عَامِرٍ يَمْلِكُ بِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ « إِذَا أَضْرَّ أَحَدُكُمْ فَلْيَنْظُرْ عَلَى تَمْرٍ فَإِنَّهُ بَرَكَةٌ ، فَإِنْ لَمْ يَجِدْ تَمْرًا طَلَّهُ فَإِنَّهُ طَلُورٌ وَقَالَ : الصَّدَقَةُ عَلَى الْمَسْكِينِ صَدَقَةٌ وَهِيَ عَلَى ذِي الرَّجْمِ ثِنْتَانِ صَدَقَةٌ وَصَلَةٌ » .

653. Салмон ибн Омир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: *Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* «Сизлардан бирортангиз рўзасини очмоқчи бўлса, хурмо билан оғиз очсин, чунки хурмо барокатдир. Агар хурмо топа олмаса, сув билан оғиз очсин, чунки сув покизадир!...» Сўнг бундай дедилар: «Мискин кишига берилган садақа – битта садақадир, қариндошга берилса – иккитадир: биттаси – садақа, биттаси – силаи раҳм».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуднинг хотини – Зайнаб, Жобир ва Абу Хурайра (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Салмон ибн Омирнинг ҳадиси ҳасан. Ар-Рабоб – Сулаймнинг кизи Уммур-Роихдир. Суфён Ас-Саврий шу тарзда Осимдан, Ҳафса бинти Сийридан, Ар-Рабобдан, унинг амакиси Салмон ибн Омирдан, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан айни шу ҳадисни ривоят қилади. Шуъба бу ҳадисни Осимдан, Ҳафса бинти Сийридан, Салмон ибн Омирдан ривоят қилди ва ҳадиснинг санадида Ар-Рабобни зикр этмади. Суфён Ас-Саврий ва Ибн Уйайнанинг ривоятлари янада соғлом. Ибн Авн ва Ҳишом ибн Ҳассон ҳам шу тарзда ҳадисни «Ҳафса бинти Сийридан, Ар-Рабобдан, Салмон ибн Омирдан» деб ривоят қилдилар.

27-БОБ

МАВЗУ: МОЛДА ЗАКОТДАН БОШҚА ҲАМ
ҲАҚ БОР

٦٥٤ — حدثنا محمد بن مَدْوَيْهِ أَخْبَرَنَا الْأَسْوَدُ بْنُ عَامِرٍ عَنْ شَرِيكَ
عَنْ أَبِي حَزْرَةَ عَنِ الشَّامِيِّ عَنْ فَاطِمَةَ ابْنَةِ قَبِيْسٍ قَالَتْ : سَأَلْتُ أَوْسَيْلَ
النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الزَّكَاةِ فَقَالَ : « إِنْ فِي الْمَالِ لَفَقَا سِوَى الزَّكَاةِ
ثُمَّ تَلَا هَذِهِ آيَةَ اللَّهِ فِي الْبَيْتَةِ : لَيْسَ الْبِرُّ أَنْ تُوَلُّوا وُجُوهَكُمْ الْآيَةَ . »

654. Фотима бинти Қайс (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан закот ҳақида сўрадим ёки сўралди», дейди. Шунда: «Албатта, молда закотдан ташқари ҳам ҳақ бор», дедилар. Кейин «Бақара» сурасидаги ушбу оятни

Ўқидилар: «
لَيْسَ الْبِرُّ أَنْ تُوَلُّوا وُجُوهَكُمْ
» («Яхшилик фақат юзларингизни бураверишингиз эмас») ³²⁷.

... قبل المشرق والمغرب ولكن البر...
³²⁷Ояти кариманинг давоми: «

من آمن بالله واليوم الآخر والملائكة والكتب والنبين وآتى المال على حبه
ذوى القربى واليتامى والمساكين وابن السبيل والسائلين وفى الرقاب وأقام الصلاة وآتى
الزكاة» «Бақара» сураси, 177-оят маъноси: «Яхшилик

(фақатгина) юзларингизни Машрик ва мағриб томонларга бураверишингиз эмас. Балки, Аллоҳга, охираг қунига, фаришталарга, китобларга, Пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб, молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қулларни озод этиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо қилиб, закотни берадиган кишилар ва аҳдлашган пайтларида аҳдларига вафо қилувчилар ва хусусан, оғир-енгил қулларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилувчилар яхши кишилардир».

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ояти каримани, молда закотдан ташқари ҳам ҳақ борлигига далил қилиб кўрсатдилар. Чунки, Аллоҳ таоло, молнинг хайр-ҳасанот жойла-

٦٥٥ — حدثنا عبد الله بن عبد الرحمن أخبرنا محمد بن الطَّيْلِبِ
عن شريك عن أبي حمزة عن عامر عن فاطمة بنت قيس عن النبي صلى الله
عليه وسلم قال: «إن في المالِ حقاً سوى الزكاة» .

655. Фотима бинти Қайс (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Албатта, молда закотдан ташқари ҳам ҳақ бор»³²⁸.

Бу ҳадиснинг исноди унча соғлом эмас. Абу Ҳамза Маймун Ал-Аъварнинг ҳадис (боби)да заиф эканлиги қайд этилган. Байон ва Исмоил ибн Солим, бу ҳадисни Шуъбадан унинг ўз сўзи тарзида ривоят қилдилар. Бу ривоят янада саҳиҳ.

28-БОБ

МАВЗУ: САДАҚАНИНГ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА

٦٥٦ — حدثنا قتيبة أخبرنا الألبان بن سعد عن سعيد القنبري عن
سعيد بن يسار أنه سمع أبا هريرة يقول: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم
«ما تصدق أحدٌ بصدقةٍ من طيبٍ - ولا يقبلُ اللهُ إلاَّ الطَّيِّبَ - إلاَّ أخذها
الرحمنُ بيمينه وإن كانت تمرّةً ترؤفٌ كَفُّ الرحمنِ حتى تكونَ أعظمَ
من الجبلِ كما برئى أحدكم فلوهُ أو فصيلة» .

656. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтади: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки пок (ҳалол) нарсдан бир садақа қилса, – (зотан) Аллоҳ фақат покни қабул

рига берилишини таъкидлагандан кейин, закотга ўтган ва «закотни бергайдир» деб марҳамат қилган. Бу эса молда закотдан ташқари ҳам ҳақ борлигига далолат қилади.

³²⁸Бу ҳадис ўтган ҳадиснинг айна ўзи бўлиши билан бирга, санади ўзгарган. Шу сабабдан Термизий буни алоҳида тахриж қилганлар.

этгайдир – Раҳмон (жалла жалалуху) уни албатта «ўн қўли» билан олгайдир. Агар ўша садақа хурмо бўлса, у Раҳмоннинг кафтида катталашиб, ҳатто тоғдан ҳам улкан бўлур. Худди сизлардан бирортангиз тойчоғини ёки бузоғини боқиб улғайтиргани каби (бўлур)».

Бу бобда Оиша, Адий ибн Хотим, Абдуллоҳ ибн Аби Ажфо, Ҳориса, Абдурраҳмон ибн Авф ва Бурайда (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

٦٥٧ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ إِسْمَاعِيلَ أَخْبَرَنَا مُوسَى بْنُ إِسْمَاعِيلَ أَخْبَرَنَا

صَدَقَةَ بْنِ مُوسَى عَنْ ثَابِتٍ عَنْ أَنَسٍ قَالَ : سَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَيُّ الصَّوْمِ أَفْضَلُ بَعْدَ رَمَضَانَ ؟ قَالَ : شَعْبَانَ لِتَعْظِيمِ رَمَضَانَ ، قَالَ : فَأَيُّ الصَّدَقَةِ أَفْضَلُ ؟ قَالَ : الصَّدَقَةُ فِي رَمَضَانَ .

657. Анас (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; «Набий саллаллоху алайҳи ва салламдан: «Рамазон (рўзаси)дан кейин қайси рўза афзалроқ?» деб сўралди. Айтдилар: «Рамазон таъзими учун Шабон рўзаси афзалроқ!» Кейин: «Қайси садақа афзалроқ?» дейилди: «Рамазондаги (берилган) садақа!» дедилар.

Бу ҳадис гариб.

Садақа ибн Мусо – муҳаддислар наздида унча қувватли эмас.

٦٥٨ — حَدَّثَنَا عُمَيْرُ بْنُ مَكْرَمٍ الْبَصْرِيُّ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَيْسَى

الْحَرَّازِيُّ عَنْ يُونُسَ بْنِ عُبَيْدٍ عَنِ الْحَسَنِ بْنِ أَنَسٍ بْنِ مَالِكٍ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « إِنَّ الصَّدَقَةَ لَتُنْطَقِي ، غَضَبَ الرَّبِّ وَتَدْفَعُ مِيتَةَ الْمَوْتِ » .

658. Анас ибн Молик (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Садақа Раҳмоннинг ғазабини

сўндиргай ва ёмон (хунук) ўлимни дафъ этгай!»³²⁹

Ушбу ҳадис бу ваҳҳдан ғариб.

٦٥٩ — حدثنا أبو كريب محمد بن العلاء أخبرنا وكيع أخبرنا عباد

ابن منصور أخبرنا القاسم بن محمد قال : سمعت أبا هريرة يقول : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : إن الله يقبل الصدقة ويأخذها بيديه فربيباً لأحدكم كما يرزى أحدكم مهره ، حتى إن القمعة لتصير مثل أحد ، وتصدق ذلك في كتاب الله عز وجل (وهو الذي يقبل التوبة عن عباده ويأخذ الصدقات) (يمتحن الله الرُّبَا ويرزى الصدقات) .

659. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Аллоҳ садақани қабул этиб, уни ўнгига олгайдир. Сўнг уни ҳар битталарингиз учун улғайтиргайдир. Худди ҳар битталарингиз ўз тойчоғини боқиб улғайтирган каби! Ҳатто бир лукма, шубҳасиз, бамисоли Уҳуд (тоғи)дек бўлур. Ва унинг тасдиқи Аллоҳ азза ва жалланинг китобиди шундай-

дир: «³³⁰ وهو الذي يقبل التوبة عن عباده ويأخذ الصدقات»

³²⁹Ёмон (хунук) ўлим – вайрона остида қолмоқ, баланд жойдан йиқилмоқ, чўкмоқ ёки ёнмоқ каби фожиали ҳолларда ўлмоқдир; айни вақтда ёмон (хунук) ўлим шайтон тузоғида (шайтоний бир иш устида) ва ҳарбдан қочиш натижасида ўлдирилмоқдир. Баъзилари эса хунук ўлимни – қутилмаган оний ўлим тарзида тафсир қилишган. Баъзиларнинг фикрича эса чормих қилиб ўлдирилмоқ ва шаръий ҳукм асосида ошқор – ҳаммага билдириб ўлдирилмоқдир.

³³⁰Ал-Ироқий айтадики, «Бу ояти қарима баъзи ровийлар томонидан чалкаштириб юборилган. Оятнинг асл матни ушбудир:

«³³⁰ ألم يعلموا أن الله هو يقبل التوبة عن عباده ويأخذ الصدقات ...»

«Ат-тавба» сурасининг 104-ояти бўлган бу ояти қариманинг маъноси куйидагичадир: «Улар (гуноҳкорлар) Аллоҳнинг Ўзи бандалари томонидан бўлган тавбани қабул этишини, садақаларни ҳам (ўз

« اللَّهُ الرَّبُّ بَابُ رَبِّي الصَّدَقَاتِ بَمَحَقٍ »³³¹

Бу ҳадис саҳиҳ.

Оиша (розияллоҳу анҳо) воситасида Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан шунга ўхшаш бир ҳадис ривоят қилинган.

Биттадан ортиқ илм аҳллари ушбу ҳадис, шунга ўхшаш ривоят ва сифатлар ҳақида ҳамда Аллоҳ таборак ва таълонинг ҳар кеча дунё осмонига (биринчи осмонга) тушмоғи ҳақида бундай дейдилар: **«Бу хил ривоятлар собит бўлиши мумкин. Уларга иймон келтирамиз, ваҳмга (тафсилот ва таъвилга) берилмаймиз ва «Қандай?» деб айтмаймиз».** Молик ибн Анас, Суфён ибн Уйайна ва Абдуллоҳ ибн Ал-Муборакдан шу тарзда ривоят қилинган. Бу хилдаги ҳадислар ҳақида айтишадик, **«Уларни «Қандай»сиз ҳолда ўтказинг!»** Аҳли суннат вал-жамоат мазҳабидаги илм аҳлларининг қавли ана шундай. Жаҳмия (фирқаси) эса бу ривоятларни рад этиб, **«Бу ташбиҳдир»** дейди. Аллоҳу таоло ўз китобининг биттадан кўп жойида «йад» (қўл) «самъ» (қулоқ) ва «басар» (кўз) таъбирларини зикр этади. Жаҳмия (Жухамий муътазилӣ) бу оятларни таъвил этиб, илм аҳлларининг тафсирига муҳолиф тарзда тафсир қилишади. Айтадиларки, «Аллоҳу таоло Одамни қўли билан яратмаган. Қўлнинг маъноси фақатгина қувват ва қудратдир».

Исҳоқ ибн Иброҳим бундай дейди: **«Қўлга ўхшаган қўл» ёки «қўл сингари қўл» ёхуд «қулоққа ўхшаган қулоқ» ёки «қулоқ сингари қулоқ» деган вақтда фақат ташбиҳ (ўхшатиш) бўлади. «Қулоқ сингари» ёки – «қулоққа ўхшаш» деса, ташбиҳ ана шудир. Аммо Аллоҳу таоло марҳамат қилганидек, «йад»**

даргоҳида) қабул қилишни ва ҳақиқий тавбаларни қабул этгувчи ва меҳрибон зот Аллоҳнинг ўзи эканини билмадиларми?»

³³¹ «Ал-Бақара» сураси, 276-оят. Маъноси: «Аллоҳ судхўрликни(нг фойдасини) йўқ қилади ва садақалар (нинг фойдасини) зиёда қилади».

(кўл), «самъ» (кулоқ) ва «басар» (кўз) деса-ю, кайфия-тидан (қандайлигидан) сўзамаса, «кулоқ сингари» ёки «кулоққа ўхшаш» демаса, бу ташбиҳ бўлмайди. Бу сўз Аллоху таолонинг китобида келган қавли шарифи-

«لَيْسَ كَوَيْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ» («Унга ўхшайдиган ҳеч нарса йўқдир, Ул (Аллоҳ) Самий ва Басирдур (ҳамма нарсани эшитгувчи ва ҳамма нарсани кўриб тургувчидир)»³³²).

29-БОБ

МАВЗУ: ТИЛАНЧИ ҲАҚИДА

٦٦٠ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا الْأَشْجَعِيُّ عَنْ سَمِيعِ بْنِ أَبِي هِنْدٍ عَنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ يَحْيَى عَنْ جَدِّهِ أُمِّ يَحْيَى وَكَانَتْ مِنْ بَآئِعِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَبَا قَالَتْ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ الْمِسْكِينَ لَيَقُومُ عَلَى بَابِي مَا أَجِدُ لَهُ شَيْئًا أُعْطِيهِ إِيَّاهُ، فَقَالَ لَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ لَمْ يَجِدِي لَهُ شَيْئًا تُعْطِيهِ إِيَّاهُ إِلَّا ظَلَمًا مُخَرَّجًا فَادِّعِيهِ إِلَيْهِ فِي يَدِي».

660. Умми Бужайд (розиаллоху анҳо)дан ривоят қилинди; у Набий саллаллоху алайҳи ва салламга байъат қилган аёллардан эди; Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламга айтдики, «Агар мискин киши келиб эшигимда туриб олса-ю, мен унга берадиган бирор нарса топа олмасам, нима қиламан?» Шунда Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам ўша аёлга бундай дедилар: «Агар берадиган бирор нарса топа олмасанг, ҳеч йўқса, бир куйдирилган қўй туёғи топиб бўлса ҳам

³³²«Шуро», сураси, 11-оят.

унга бер, уни тиланчининг қўлига тикиб қўй!»³³³.

Бу бобда Али, Хусайн ибн Али, Абу Хурайра ва Абу Умома (розияллоху анхум)дан ҳадис ривоят қилинган. Умми Бужайднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

30-БОБ

**МАВЗУ: ҚАЛБЛАРИ МОИЛ (ДЎСТ В УЛФАТ)
ҚИЛИНАДИГАН КИШИЛАРГА
(НАРСАЛАР) БЕРМОҚ ҲАҚИДА**³³⁴

٦٦١ — حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْغَلَّلِيُّ أَخْبَرَنَا يَحْيَى بْنُ آدَمَ عَنْ
ابْنِ الْمُبَارَكِ عَنْ يُونُسَ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيْبِ عَنْ صَفْوَانَ
ابْنِ أُمَيَّةَ قَالَ «أَعْطَانِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ حَنْبَيْنِ وَإِنَّهُ
لَأَبْنَسُ أَلْتَلِقُ إِلَيْهِ فَمَا زَالَ يُعْطِينِي حَتَّى إِتَهُ لَأَحَبُّ أَلْتَلِقُ إِلَيْهِ» .

661. Сафвон ибн Умаййа (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloх саллalloху алайҳи ва саллам, халқ (ораси)да менинг энг ёмон

³³³Куйдирилган қўй туёғидан мурод тиланчини эшикдан курук қайтармасликдир. Оз ёки арзимас бўлса ҳам, мумкин бўлган нарсани бермоқ маъносини ифода этади.

³³⁴Бундай кишилар Исломда «Муаллафаи қулуб» номи билан машхур. Пайғамбар саллalloху алайҳи ва саллам ҳаётларида уларнинг қалбини исломга мойил қилиш учун закот ва ўлжа молларидан уларга улуш берар эдилар. Ибн ул-Арабий «Орибат ул-ахвзий» номли Термизий китоби изоҳларига оид асаридан бундай дейди: «Муаллафаи қулуб кимлар эканлиги борасида ихтилоф қилинди. Баъзилари, улар мусулмон эканликларини, аммо диний эътиқодлари заиф бўлганидан мусулмонликларини собит ва қувватли қилиш учун уларга пуллар ва моллар берилган, деб айтади. Баъзилари эса, улар кофир бўлиб, фақат ёмонликларидан сақланмоқ учун ҳамда мусулмонларга ёрдам ва музоҳараларини (қўллаб-қувватлашларини) таъминламоқ учун уларга моллар ва пуллар берилган, дейди. Саҳиҳроғи шу гапдир ва барча ривоятлар шунини кўрсатмоқда.

кўрган кишим эдилар. Хунайн³³⁵ (ғазоти) кунда менга (ўлжалардан) бердилар ва беришда давом этдилар. Ниҳоят, халқ орасида энг яхши кўрган кишимга айландилар».

Ал-Ҳасан ибн Али шуни ёки шунга ўхшаш бир ҳадисни менга баён қилди.

Бу бобда Абу Саъид (розияллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Сафвоннинг ҳадисини Маъмар ва тагин бошқалар, Аз-Зухрийдан, Саъид ибн Ал-Мусаййабдан ривоят қиладилар: *Сафвон ибн Умаййа айтди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам менга бердилар»: Шу ривоят янада саҳиҳ ва янада мақбулроқ бўлиб кўринади. Ҳамда ҳадис (санади) бундай: «Саъид ибн Ал-Мусаййабдан, Сафвон ибн Умаййа айтди»³³⁶.*

Илм аҳллари муаллафа-и кулубга (моллардан) берилмоғи борасида ихтилоф қилдилар. Илм аҳлларининг кўпи бермаслик керак, деган фикрдадир. Айтдиларки, «Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва саллам даврларида (улар) бир жамоатдан иборат эди. Расули Акрам уларни Исломга мойил қилишга уринар эдилар ва натижада (улар) мусулмон бўлдилар. Бу кун бу маънода уларга закот берилмаслиги керак деган фикрга эга бўлишаётир. Суфён Ас-Саврий, Куфа аҳли ва тагин бошқаларнинг қавли шудир. Аҳмад ва Исҳоқ ҳам шу қавлга эга бўлганлар.

Баъзи илм аҳллари эса бундай дейдилар: «Бу кун ўшаларнинг ҳолатида бўлганлар топилса, Имом (Давлат бошлиғи) уларни Исломга мойил қилиш учун (пул ёки

³³⁵Тоиф ва Макка шаҳри орасидаги бир жой номи. «Хунайн» ғазоти шу ерда ўтган.

³³⁶Термизий санадда воқе бўлган «**عَنْ**» ва «**أَنَّ**» сўз ривоятларига ишорат қилиб, «**أَنَّ**» ривоятини устун қўймоқдалар. Шунга қарамай ҳадисни «**عَنْ**» ривояти билан таҳриж қилганлар.

мол) берса, бу жоиздир. Шофиъийнинг қавли шу.

31-БОБ

**МАВЗУ: САДАҚА БЕРГАН КИШИ ЎЗ
САДАҚАСИГА ВОРИС БЎЛМОҒИ**

٦٦٢ — حدثنا علي بن حجير أخبرنا علي بن مسهر عن عبد الله بن عطاء عن عبد الله بن يزيد عن أبيه قال : « كنتُ جالساً عند النبي صلى الله عليه وسلم إذ أتته امرأةٌ قالت يا رسول الله إني كنتُ تصدقتُ على أمي بجاريةٍ وإنتها ماتت ، قال : وجبَ أجرك ، وردَّها عليكِ الميراثُ ، قالت : يا رسول الله كانَ عليها صومٌ شنبلي فأصومُ عنها قال : صومي عنها قالت : يا رسول الله إنتها لم تحجَّ قط فأحجُّ عنها ؟ قال : نعم حُجِّي عنها .»

662. Бурайда (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўтирган эдим. Бир хотин келди-да, «Ё Расулуллоҳ! Мен онамга садақа қилиб бир жория берганим, онам вафот қилди», деди. (Расули Акрам): «Ажринг вожиб бўлди (савобинг ёзилди) ва мерос уни (жорияни) сенга қайтарди!» дедилар. Хотин айтди: «Ё Расулуллоҳ! Онамнинг бир ойлик рўза қарзи (қазоси) бор эди, унинг ўрнига рўза тутсам бўладими?» «Унинг ўрнига рўза тут!» дедилар. Хотин: «Ё Расулуллоҳ! Онам умрида ҳаж қила олмади, унинг ўрнига ҳаж қилсам бўладими?» деди. (Расули Акрам): «Ҳа! Унинг ўрнига ҳаж қилгин!» дедилар...».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ва бу Бурайданинг ривоятидан эканлиги битта шу важҳдан маълум бўлаётир. Абдуллоҳ ибн Ато муҳаддислар наздида сиқа (ишончли)дир.

Илм аҳллари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир. Киши садақаси мерос сифатида ўзига интиқол этса (ўтса), ўша садақа унга ҳалол. Баъзи илм аҳллари

эса бундай дейдилар: «Садақа Аллоҳ учун қилинган бир нарсадир. Мерос сифатида ўзига интиқол этганида (қайтганида) уни шунга ўхшаш жойга сарф этмоғи вожиб».

Суфён Ас-Саврий ва Зухайр ибн Муовия бу ҳадисни Абдуллоҳ ибн Атодан ривоят қиладилар.

32-БОБ

МАВЗУ: САДАҚАСИДАН ҚАЙТМОҚ КАРОХАТ ЭКАНЛИГИ

٦٦٣ — حدثنا هارون بن إسحاق المندائي أخبرنا عبد الرزاق عن
نصر بن الزهرى عن سالم عن ابن عمر عن عمر أنه حمل على فرس
في سبيل الله ثم رآها تباع فأراد أن يشتريها قال النبي صلى الله عليه وسلم
لا تمد في مدتيك .

663. Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;
(Ҳазрати) Умар Аллоҳ йўлида (бир ғозийни
ўзлариники бўлмиш) бир отга миндирдилар. Кейин от-
нинг сотилаётганини кўриб, уни сотиб олмоқчи
бўлдилар. Шунда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва
саллам: «Садақангдан қайтма!...» дедилар³³⁷.

³³⁷Баъзи илм аҳлларининг фикрича, садақа берган киши садақасини сотиб олмоғи, ҳадиснинг зоҳирига кўра, ҳаром. Аммо илм аҳлларининг кўпчилиги бу ўриндаги кубҳ (қабоҳат, ёмонлик, хунуклик) ли-зотиҳи бўлмасдан, ли-ғайриҳи бўлгани учун карохати танзихия билан макруҳ эканлигини айтганлар. Чунончи, садақани олган киши, собиқ (аввалги) яхшилиги боис садақани берган кишига нарҳини тушириброк сотиш аҳтимоли бор. Демак, нарҳи пасайтирилган миқдор садақадан қайтмоқ каби бир ҳолатни юзага келтиради. (Ҳазрати) Умар (розияллоҳу анҳу) Аллоҳ йўлида ғазотга кетаётган бир мужоҳидга тамлик йўли билан (буткул эғалик қилиши учун) бир от берганлар. Бунинг тамлик (эғалик қилиши) йўли билан бўлганини, ўша мужоҳид кейинчалик отни сотишга чоғланганидан англаймиз. Баъзилари бу сотиш ҳаракатини бундай изоҳлайди: «От заифлашган ва заифлик боис бошқа отларга етол-

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳллари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир.

33-БОБ

МАВЗУ: ЎЛИКНИНГ (МАРҲУМНИНГ) РУҲИ УЧУН САДАҚА БЕРМОҚ

٦٦٤ — حدثنا أحمد بن منيع أخبرنا روح بن عبادة أخبرنا زكريا ابن إسحاق قال : حدثني عمرو بن دينار عن هكرمة عن ابن عباس « أن رجلاً قال : يا رسول الله إن أمتي توفيت أفيئتموها إن تصدقت عنها ؟ قل : نعم ، قال : فإن لي غزاة فأشهدك أنني قد تصدقتُ بِهَا عنها » .

664. *Ибн Аббос (розияллоҳу аҳумо)дан ривоят қилинди: «Одамлардан бири айтдики, «Ё Расулуллоҳ! Менинг онам вафот қилди. Унинг (руҳи) учун садақа қилсам, унга фойдаси тегадими?».* (Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ҳа», дедилар. *Киши айтди: «Менинг бир мевазор боғим бор. Сизни шохид қилгайманки, уни онам (руҳи) учун садақа қилиб бердим!».*

Бу ҳадис ҳасан.

Илм аҳллари бунга тан берганлар. Айтадиларки, «Ўликка садақа ва дуодан бошқа ҳеч нарса етиб бормаиди!»³³⁸

майдиган ва фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатта етган эди»... Аш-Шавқоний, фарз садақа, яъни закот бўлса, уни сотиб олмоқ зарарсиз, дейди. Чунки ихтиёрий тарзда берилган садақа масаласи бу ўринда ворид эмас.

³³⁸Дуо ва садақанинг фойдаси ўликка етиб бормоғи ҳақида мутобақат (келишув) қилинган. Аҳли суннат вал-жамоат уламоси орасида бу хусуда ихтилоф йўқ. Фақат намоз, рўза ва Куръон ўқимок каби жисмоний ибодатлар масаласида ихтилоф қилинган. Ал-Қорий ҳазратлари «Ал-фикҳул-акбар»нинг шарҳида бундай дейдилар: «Абу Ҳанифа, Аҳмад ва салаф (олимлари)нинг барчаси, жисмоний ибодатлар савоби ҳам ўликка етиб боради, деган фикрга эга

Баъзилар бу ҳадисни Амр ибн Динордан, Икримадан, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мур-

бўлганлар. Шофиъий ва Молик мазхабларида, машхур бўлган қавл – етиб бормайди, деган фикрдадир». Ас-Суютий «Шарҳус-судур»да айтади: «Хатм савоби ўликка етиш-етмаслиги ҳақида ихтилоф қилинди. Бутун салаф (олимлар) ва уч имом етиб боради, деб тан

беришган. Имом Шофиъий «**وَأَنْ لَيْسَ لِلنَّاسِ إِلَّا مَا سَعَى**» Инсон учун ўз саъй-ҳаракатидан бошқа нарса йўқдир». «Ан-нажм, 49) оятига таяниб, бу қавлга муҳолафат қилди: Олдингилар бу оятни мухталиф жиҳатдан жавоблантиради. Қуйида шу жавоблардан баъзиларини зикр қиламиз.

1) Мазкур оят, ушбу **وَالَّذِينَ آمَنُوا وَاتَّبَعَتْهُمْ ذُرِّيَّتُهُمْ بِإِيمَانٍ أَلْحَقْنَا بِهِمْ** »

«**ذُرِّيَّتُهُمْ**» ояти билан мансӯҳдир (ҳукми бекор қилинган). Чунончи, оталар фарзандларининг тақво ва яхшилиги сабабидан жаннатга киритилишлари ривоят қилинган.

2) Бу оят, Иброҳим ва Мусо (алайҳиссалом) қавмига тегишли. (хос). Уммат учун эса ҳам ўз саъй-ҳаракатидан, ҳам унинг учун қилинган саъй-ҳаракатдан фойда етади. Бу Икриманинг сўзидир.

3) Бу оятдаги «Инсон учун» дейишдан мурод – кофир инсондир. Мўъмин инсон эса ҳам ўз саъй-ҳаракатидан, ҳам унинг учун қилинган саъй-ҳаракатдан фойда топади. Бу сўзни Робий ибн Анас айтади.

4) Инсон учун саъй-ҳаракатининг самарасидан бошқа бирор нарса бўлмаслиги адлий тарийқдандир (адолатли йўлдир). Аммо эҳсон бобидан Аллоҳу таоло Ўзи хоҳлаганича бериши мумкин. Буни Ал-Хусайн ибн Фазл айтади.

5) «Лил-инсон» бирикмасидаги «Лом», «ъала» маъносидадир. Яъни инсонга гуноҳ сифатида фақат қилган гуноҳи ёзилади ва инсон фақат содир қилган гуноҳларидан сўроқ қилинади, деганидир.

Шунингдек, ўқилган Қуръон ва туширилган хатмнинг савоби ўликларга етиб боради, деб айтган олимлар баъзи ҳадислар билан истидлол қиладилар. (далил-ҳужжат келтирадилар). Суютий: «Бу ҳадислар заиф бўлиши билан бирга, мажмуъи эътибори билан, ўликлар руҳига Қуръон ўқимокнинг бир асл-манбаи борлигига далолат қилади» дейди ва мусулмонлар ўша пайтдан бери шу тартиб-қоида асосида давом этиб келаётганларини ва бунинг бир ижмоъ эканлигини таъкидлайди...

сал тарзида ривоят қиладилар. «Менинг бир махрафим (мевазор боғим) бор» деган сўздан экинзор подиз кўзда тутилган.

34-БОБ

**МАВЗУ: ХОТИН ЭРИНИНГ УЙИДАН (ОЛИЕ ЧИҚИБ) ИНФОҚ ҚИЛМОҒИ
МАСАЛАСИ**

٦٦٥ - حدثنا هنادُ أخبرنا إسماعيلُ بنُ عَياشٍ أخبرنا شَرَحْبِيلُ بنُ سَلِيمٍ أَخُو لَاقِيٍّ عن أبي أُمَيَّةَ البَاهِلِيِّ قال : سَمِعْتُ رَسولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عليه وسلم يقولُ في خُطْبَتِهِ عامَ حَجَّةِ الوَداعِ « لا تُنْفِقِ امرَأَةً شَيْئاً مِنْ نَيْتِ زَوْجِها إِلَّا بِإِذْنِ زَوْجِها ، قيلَ يا رَسولَ اللَّهِ ولا الطَّعامَ ؟ قالَ . ذلكَ أَفْضَلُ أموالِنا » .

665. *Абу Умома Ал-Боҳилий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, Видо ҳажлари йилидаги хутбаларида бундай дедилар: «Хотин киши эрининг уйидан, молидан эрининг изнисиз, зинҳор бирор нарса инфоқ қилмасин!..» Айтдики, «Ё Расулуллоҳ! Таом ҳам бермасинми?» Айтилдики, «Молнинг энг афзали шудир!».*

Бу бобда Саъид ибн Аби Ваққос, Асмо бинти Абу Бакр, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Амр ва Оиша (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Умоманинг ҳадиси ҳасан.

٦٦٦ - حدثنا محمدُ بنُ المثنى أخبرنا محمدُ بنُ جَعْفَرٍ أخبرنا شُعْبَةُ عن عمرو بنِ مُرَّةٍ قالَ سَمِعْتُ أبا وائلٍ يُحدِّثُ عن عائشةَ عن النبيِّ صَلَّى اللَّهُ عليه وسلم أنه قالَ « إذا تصدَّقتِ المرأةُ مِنْ نَيْتِ زَوْجِها كانَ لها بِهِ أَجرٌ وللزوجِ مِثْلُ ذلكَ وللخازنِ مِثْلُ ذلكَ ولا ينقصُ كُلُّ واحدٍ مِنْهُمُ مِنْ أَجْرِ صاحِبِهِ شَيْئاً لَهُ بما كَتَبَ وَلها بِما أُتِمَّتْ » .

666. Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аёл эрининг уйдан (эзгу ниятда) садақа берса, унга бундан ажр-савоб теккай ва эрига ҳам шунча, хазинабонга ҳам шунча савоб берилгай. Улардан ҳеч биттасининг ажри ўртоғининг ажр-савобидан бир зарра камайтирилмас. Киши ишлаб топгани учун, аёл инфоқ қилгани учун (савоб олур)».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

666 — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ أَخْبَرَنَا الْمُؤَمَّلُ عَنْ سُفْيَانَ عَنْ مَنْصُورٍ
عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنِ مَسْرُوقٍ عَنِ عَائِشَةَ قَالَتْ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « إِذَا أَعْطَتِ الْمَرْأَةُ مِنْ ثِيَابِ زَوْجِهَا بِطَيْبِ نَفْسٍ غَيْرِ مُقْبَدَةٍ
فَإِنَّ لَهَا مِثْلَ أَجْرِهِ لَهَا مَا نَوَتْ حَسَنًا وَاللَّخَائِرِ مِثْلَ ذَلِكَ » .

667. Оиша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Аёл эрининг уйдан холис ниятда ва сочиб-совурмасдан (садақа) берса, унга эрининг ажр-савобича савоб берилгай. Аёл эзгу ниятда бўлгани учун (берилур); хазинабонга ҳам шунча ажр-савоб теккай».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу Амр ибн Мурранинг Абу Воилдан ривоят қилган ҳадисидан кўра саҳиҳроқ. Амр ибн Мурра ўз ривоятида «Масруқдан» демайди.

35-БОБ

МАВЗУ: САДАҚАИ ФИТР ҲАҚИДА

٦٦٨ — حدثنا محمود بن هيلان أخبرنا وكيع عن سفيان عن زيد بن أسلم عن عياض بن عبد الله عن أبي سعيد الخدري قال : ه كُنَّا نُخْرِجُ زَكَاةَ الْفِطْرِ إِذَا كَانَ فِينَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَاعًا مِنْ طَسَامٍ أَوْ صَاعًا مِنْ شَعِيرٍ أَوْ صَاعًا مِنْ تَمْرٍ أَوْ صَاعًا مِنْ زَبِيبٍ أَوْ صَاعًا مِنْ أَقِطٍ ؛ فَلَمْ تَزَلْ تُخْرَجُ حَتَّى قَدِمَ مُقَاوِمَةُ الْمَدِينَةِ فَتَكَلِّمُ فَكَانَ فِيهَا كَلِمَةٌ بِه النَّاسُ : إِنِّي لَأَرَى مُدْرِينَ مِنْ سَمْرَاءَ الشَّامِ تَمْدُلُ صَاعًا مِنْ تَمْرٍ ؛ قَالَ : فَأَخَذَ النَّاسُ بِنَطْلِكَ . قَالَ أَبُو سَعِيدٍ : فَلَا أَرَأَى أُخْرَجُ كَمَا كُنْتُ أُخْرَجُ .

668. *Абу Саъид Ал-Худрий (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам даврларида фитр закотига таомдан (буғдойдан) бир соъ, арпадан бир соъ, хурмодан бир соъ, майиздан бир соъ, қурутдан бир соъ чиқарар эдик. То Муовия Мадинага келгунича (шунча) чиқариб турганмиз. Муовия (Мадинага келгач) нутқ сўзлади, халққа айтган гапларида ушбу (сўз) бор эди: «Мен, Шом буғдойдан икки мудди бир соъ³³⁹ хурмога тўғри келаётганини кўряпман». Шунда халқ бунга кўнди...» Абу Саъид айтдики, «Мен аввал қандай чиқарган бўлсам, ҳануз худди ўшандай чиқараман».*

³³⁹Соъ – дон маҳсулотлари ўлчови бўлиб, килограмм деганидир. Соъ–Ҳижоз ва Ироқ соъи тарзида иккига бўлинади. Ироқ соъи – саккиз ратл бўлиб, ҳар ратл 130 дирҳамдир. Бу 130 саккизга кўпайтирилса, бир соъ 1040 дирҳам бўлади. 1040 дирҳам – дирҳами шаръий эътибори билан 2,917кг, дирҳами урфий эътибори билан 3,333 кг бўлади. Ҳижоз соъ-и эса беш бутун, учдан бир ратлдир. Пайгамбар саллаллоху алайҳи ва саллам даврларида шу соъ қўлланилган. (55-изоҳга қаранг).

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Баъзи илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Ҳамма нарсадан бир соъ берилади, деган фикрдалар. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари, буғдойдан ташқари ҳамма нарсадан бир соъ берилади ва фақатгина буғдойдан ярим соъ етарли бўлади, деб хулоса қилганлар. Суфён Ас-Саврий, Ибнул-Муборақ ва Куфа аҳлининг қавли шудир. Буғдойдан ярим соъ берилади деган фикрдалар.

٦٦٩ - حَدَّثَنَا عَثْبَةُ بْنُ مُكْرَمٍ الْبَصْرِيُّ أَخْبَرَنَا سَالِمُ بْنُ نُوحٍ عَنْ ابْنِ جَرِيْجٍ عَنْ عَمْرِو بْنِ شَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَ مُنَادِيًا فِي بَيْتِهَا مَكَّةَ : أَلَا إِنَّ صَدَقَةَ الْفِطْرِ وَاجِبَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ ذَكَرَ أَوْ أُنْثَى حُرًّا أَوْ عَبْدًا صَغِيرًا أَوْ كَبِيرًا ، مُدًّا أَوْ مِائَةَ قَنْحٍ أَوْ مِوَاهٍ صَلَعٍ مِنْ طَعَامٍ . »

669. *Амр ибн Шуъайбнинг бобосидан ривоят қилинди; «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка (шаҳри) кўчаларига бир жарчи юбордилар: «Диққат! Фитр садақаси, хоҳ эркак,хоҳ аёл, хоҳ озод, хоҳ кул, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин – ҳар бир мусулмон учун вожибдир! Буғдойдан икки мудд,³⁴⁰ бошқа таомлар (масаллиқлар)дан бир соъ (берилгайдир!)».*

Бу ҳадис ғариб-ҳасан.

³⁴⁰Бир мудд соънинг тўртдан бири бўлиб, икки мудд ярим соъ бўлади. Бир соъ дирҳами шаръий эътибори билан 2,917 кг ва дирҳами урфий эътибори билан 3,339 кг бўлади, шунга кўра ярим соъ биринчи эътиборда – 1,458 кг ва иккинчи эътиборда 1,667 кг га тўғри келади. (339-изоҳга қаранг):

٦٧٠ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ أَخْبَرَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ أَيُّوبَ عَنْ نَافِعٍ
عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ : « فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَدَقَةَ الْفِطْرِ عَلَى
الذَّكْرِ وَالْأُنْثَى وَالْحُرِّ وَالْمَمْلُوكِ صَاعًا مِنْ تَمْرٍ أَوْ صَاعًا مِنْ شَعِيرَةٍ ، قَالَ :
فَمَدَّلَ النَّاسَ إِلَى نِصْفِ صَاعٍ مِنْ بُرٍّ . »

670. Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам фитр садақасини эркаку-аёл, озод ва мамлук (қул) ҳар бир мусулмон кишига, хурмодан бир соъ ёки арпадан бир соъ тарзида (бермоқликни) фарз қилдилар». (Ровий) айтадики, «Кейинчалик одамлар буғдойдан ярим соъ бермоқни одат қилишди».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу бобда Абу Саъид, Ибн Аббос, Ал-Ҳорис ибн Абдуррахмон ибн Зубобнинг бобоси, Саълаба ибн Абу Суйор ва Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

٦٧١ — حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مُوسَى الْأَنْصَارِيُّ أَخْبَرَنَا مَعْنُ أَخْبَرَنَا نَائِلُكَ
عَنْ نَافِعٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَرَضَ
زَكَاةَ الْفِطْرِ مِنْ رَمَضَانَ صَاعًا مِنْ تَمْرٍ أَوْ صَاعًا مِنْ شَعِيرَةٍ عَلَى كُلِّ حُرٍّ أَوْ
عَبْدٍ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَى مِنَ الْمُسْلِمِينَ . »

671. Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, фитр закотини (фитри Рамазонни) мусулмонлардан ҳар биттасига – хоҳ озод, хоҳ қул; хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин – хурмодан бир соъ ёки арпадан бир соъ тарзида (бермоқликни) фарз қилдилар».

Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Молик бу ҳадисни Нофиъдан, Ибн Умардан, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан, Аййубнинг ривоятидек «минал муслимийн» («муслмонлардан») деган илова билан ривоят қилган. Биттадан кўп киши айна шу ҳадисни Нофиъдан ривоят қилганлар; аммо ҳадисда «минал муслимийн» иловасини зикр қилмаганлар.

Илм аҳллари бу масалада ихтилоф қилдилар. Баъзилари, «Кишининг муслмон бўлмаган қуллари бўлса, улар учун закоти фитр бермайди» дейишади. Молик, Шофиъий ва Аҳмаднинг қавли шудир. Баъзи илм аҳллари эса бундай дейдилар: «Муслмон бўлмасалар ҳам, улар учун беради». Ас-Саврий, Ибнул-Муборак ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган.

36-БОБ

МАВЗУ: «ФИТР (ҲАЙИТ) НАМОЗИДАН ОЛДИН БЕРИЛМОҒИ

٦٧٢ - حَدَّثَنَا مُسْلِمُ بْنُ عُمَرَ بْنِ مُسْلِمٍ أَبُو عَمْرٍو وَالحَذَاءُ الْمَدِينِيُّ قَالَ حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ نَافِعٍ عَنْ ابْنِ أَبِي الزِّنَادِ عَنْ مُوسَى بْنِ عُمَيْرَةَ عَنْ نَافِعٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَأْمُرُ بِإِخْرَاجِ الزَّكَاةِ قَبْلَ النَّدْوِ لِلصَّلَاةِ يَوْمَ الْفِطْرِ .

672. *Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, фитр садақаси Рамазон ҳайити куни намозга боришдан олдин чиқарилсин, деб амр қилдилар».*

Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Илм аҳллари киши фитр садақасини намозга юришдан олдин чиқармоғини мустаҳаб кўрганлар.

37-БОБ

МАВЗУ: ЗАКОТНИНГ ВАҚТИДАН ОЛДИН
БЕРИЛМОҒИ ҲАҚИДА

٦٧٣ — حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَخْبَرَنَا سَعِيدُ بْنُ مَنْصُورٍ
أَخْبَرَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ زَكْرِيَّا عَنْ الْحُجَّاجِ بْنِ دِينَارٍ عَنِ الْحَكَمِ بْنِ عَتِيبَةَ
عَنْ حُجَيْبِ بْنِ عَدِيٍّ عَنْ عَلِيٍّ « أَنَّ الْعَبَّاسَ سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي تَعَجُّلِ صَدَقَتِهِ قَبْلَ أَنْ تَحْمِلَ فَرَحْضَ لَهُ فِي ذَلِكَ » .

673. Али (розияллоху анху)дан ривоят қилинди:
«Аббос (розияллоху анху) ўз садақаларини вақти кир-
масидан эртaroқ бермоқ борасида Расулуллоҳ саллал-
лоху алайҳи ва салламдан сўрадилар. Расули Акрам бу
хусусда у кишига рухсат бердилар».

٦٧٤ — حَدَّثَنَا الْقَاسِمُ بْنُ دِينَارٍ الْكُوفِيُّ أَخْبَرَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ
عَنْ إِسْرَائِيلَ عَنِ الْحُجَّاجِ بْنِ دِينَارٍ عَنِ الْحَكَمِ بْنِ جَعْفَرٍ عَنِ حُجْرِ بْنِ عَبْدِ
عَنْ عَلِيٍّ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِعُمَرَ: « إِنَّا قَدْ أَخَذْنَا زَكَاةَ الْعَبَّاسِ
عَامَ الْأَوَّلِ لِلْعَامِ » .

674. Али (розияллоху анху)дан ривоят қилинди:
Набий саллаллоху алайҳи ва саллам Умар (розияллоху
анху)га айтдилар: «Биз Аббоснинг бу йилги закотини
аввалги йили (ўтган йили) олганмиз».

Бу бобда Ибн Аббос (розияллоху анхумо)дан
ҳадис ривоят қилинган.

Закотнинг вақтидан олдин берилмоғи ҳақидаги
ҳадис Исроилнинг Ал-Ҳажжож ибн Динордан қилган
ривояти эканлигини битта шу ваҳждан билаётирман.
Исмоил ибн Закариёнинг Ал-Ҳажжождан қилган ривоя-
ти, менимча, Исроилнинг Ал-Ҳажжож ибн Динордан
қилган ривоятдан кўра саҳиҳдир. Бу ҳадис Ал-Ҳакам
ибн Утайбадан, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва сал-

ламдан ривоят қилинди. (Бу ривоятга кўра) мурсалдир.

Илм аҳллари, вақти кирмасдан олдин закот берилмоғи масаласида ихтилоф қилдилар. Илм аҳллари билан бир гуруҳи, закот вақтидан олдин берилади, деган фикрга эга бўлганлар. Суфён Ас-Саврийнинг қавли шудир. Айтадики, «Менимча, вақтидан олдин берилмоғи янада мақбулроқ». Илм аҳллари билан кўпчилиги бундай дейди: «Вақти кирмасдан олдин берилса, закот берганга ўтади». Шофийий ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган.

38-БОБ

МАВЗУ: ТИЛАНМОҚДАН ҚАЙТАРУВ

٦٧٥ -- حَدَّثَنَا هَنَّادُ أَخْبَرَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ عَنْ يَسِينِ بْنِ يَسْرِ عَنْ

قَيْسِ بْنِ أَبِي حَازِمٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: تَسَمَّيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «لَأَنْ يَفْدُوَ أَحَدَكُمْ فَيَحْتَطِبَ عَلَى ظَهْرِهِ فَيَتَصَدَّقَ مِنْهُ وَيَسْتَعِينِي بِهِ عَنِ النَّاسِ خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَسْأَلَ رَجُلًا أَعْطَاهُ أَوْ قَمْعَهُ إِلَّا أَنْ يَأْتِيَ الْيَدَ الْعَلِيَّاءَ خَيْرٌ مِنَ الْيَدِ السُّفْلَى وَابْدَأْ بِمَنْ تَعُولُ».

675. Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламдан эшитдим, айтдилар: «Сизлардан бирортангиз эрта тонгда бориб ўтин термоғи, уни орқалаб ташимоғи, ундан садақа қилмоғи ва шу билан одамлардан беҳожат бўлмоғи, сўраса ё берадиган, ё бермайдиган кишидан тиланиб юрмоғидан кўра, албатта, ўзи учун яхшироқдир! Юқори қўл паст қўлдан яхшироқдир!...³⁴¹ (Аввал) қўл остингиздагилардан бошланг!»³⁴².

Бу бобда Ҳаким ибн Ҳизом, Абу Саъид Ал-Худрий, Зубайр ибн Ал-Аввом, Атиййа Ас-Саъдий, Абдуллох ибн Масъуд, Масъуд ибн Амр, Ибн Аббос, Сав-

³⁴¹Юқори қўл – берган қўл, паст қўл олган қўлдир

³⁴²Яъни аввало зиммасида нафақаси вожиб бўлган кишилардан бошлайди, агар ортса, бошқаларга беради.

бон, Зиёд ибн Ал-Хорис Ас-Судойй, Анас, Хубший ибн Жунода, Кабиса ибн Муҳорик, Самура ва Ибн Умар (розияллоху анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ҳурайнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Бу ҳадиснинг ғариб эканлиги, баённинг Қайсдан ривоят қилингани туфайлидир.

٦٧٦ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ أَخْبَرَنَا وَكَيْعٌ أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ عَمِيرٍ عَنْ زَيْدِ بْنِ عَقْبَةَ عَنْ سُمُرَةَ بْنِ جُنْدُبٍ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « إِنْ الْمَسْأَلَةَ كَدُّ يَكْدُهَا الرَّجُلُ وَجَهَةٌ إِلَّا أَنْ يَسْأَلَ الرَّجُلُ سُلْطَانًا أَوْ فِي أَمْرٍ لَا يَجِدُّ مَنَّهُ » .

676. Самура ибн Жундуб (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Тиланчилик бир (укубатли) тирналмоқдирки, киши у билан ўз юзини тирнагайдир. Илло киши ҳукмдордан сўраса ёки ўта зарур иш борасида бўлса (мумкин)».

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

ЗАКОТ БОБЛАРИ ТУГАДИ

БИРИНЧИ ЖИЛД ТАРЖИМАСИ ТУГАДИ

Ҳижрий 1419 йил зулҳижжа ойининг 29-куни,
милодий 1999 йил, 15-апрел пайшанба куни
биринчи жилд таржимаси ниҳоясига етди.

Алҳамдуллиллаҳи роббил аъламин!

Ас-солаату вас-салаamu ғала саййидина
Муҳаммадин ва ғала олиҳи ва асҳабиҳи ажмаъийн!

Ушбу китобни ўқиб, биҳраманд бўлганлар
муродларига етсинлар!

**«СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ» –
ИНСОН ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ
РАНГ-БАРАНГ НАМУНАСИ**

(Сўнгсўз ўрнида)

Дарҳақиқат, Шарқ маънавий меросига, жумладан исломий манбаъларга ҳар бир олим ўз ихтисоси нуқтаи назаридан ёндошиб, ўз соҳаси илмларига доир аниқ намуналарни топа олади.

Бу жиҳатдан, Имом Ал-Бухорий, Имом Ат-Термизий тўплаган ҳадислардаги инсон ҳақ-ҳуқуқларига оид қимматли намуналар, уларнинг шарҳи, таъвили ва талқинлари фақат Ўзбекистон Республикасида, Шарқ оламида эмас, балки бутун дунё миқёсида замон аҳли учун янгиликдир. Юридик (ҳуқуқий) илмлар бу маибаълардан баҳра олиб, нур олиб, янги чўққиларга кўтарилишига шубҳа йўқ.

«Ҳуқуқий меросимиз хазинасидан» рукнида нашр этилаётган ушбу «Сунани Термизий» («Ал-Жомий ас-саҳиҳ» ёки «Саҳиҳи Термизий» номлари билан ҳам машҳур) китоби атоқли ватандошимиз Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизийнинг шоҳ асарларидан бўлиб, «Ҳуқуқий мерос» таърифига жуда мувофиқ ва муносибдир. Бу асарда мазҳаб жиҳатларининг ҳисобга олиниши бир дарёдан чиққан тўрт «ҳуқуқий ирмоқ»нинг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг далил ва ҳужжатларини, айниқса, Имом Аъзам мазҳабларининг ўта пишиқ, мустаҳкам ва мукамаллигини намойиш этади. Баъзан бир мавзуда хилма-хил, ранг-баранг ёки ҳатто қарама-қарши ҳадислар келтирилади, Имом Ат-Термизий эса бу ҳадисларни фараҳ билан, мамнуният билан шарҳлайдилар, хулосани эса зукко китобхоннинг ўзига ҳавола этадилар. Бу ҳақ-ҳуқуқ эҳтиромининг чиройли намунасидир.

Ҳозирги замон ҳуқуқ илмлари, қонуншунослик соҳалари ҳар томонлама ривож топаётган бир даврда маънавий меросимиз хазиналарига ҳам эътиборни қаратмоқ кишини янги кашфиётлар сари рағбатлантиради, ҳуқуқий маданиятнинг камол топишига хизмат қилади. Ҳоҳ фикҳий (ҳуқуқий-юридик) соҳада бўлсин, хоҳ эътиқодий соҳада бўлсин, «Сунани Термизий», ҳақиқатан, қимматли асардир. Бу китоб миллатимизнинг қомил иймон-эътиқод билан яшашида муҳим ўрин тутади, деб ўйлайман. Чунки эътиқод, Имом Аъзам таъбирлари билан айтганда, улуғ фикҳдир – «фикҳи акбар»дир!

Таржимон биродаримиз Мирзо Кенжабек бугунги тарихий давримизда «Сунани Термизий»дек мухташам асар таржимаси орқали она тилимизнинг бой ва ранг-баранг имкониятларини намоён этишга муваффақ бўлиб турганидан беҳад мамнунман.

Она Ўзбекистонимиз истиқлолининг энг ажойиб самараси шуки, юртбошимиз И.А.Каримов раҳбарлигида, халқимиз миллий-жаҳоншумул кадриятларни тиклашга киришди, Имом Ал-Бухорий, Имом Ат-Термизийдек улуғ муҳаддислар меросига эгалик қила бошлади. Бу асарлар ҳуқуқ олимлари учун ҳам кашфиётлар майдони бўлаётир. Азиз китобхонни чин қалбдан муборакбод этиб, ушбу нашрга ҳисса қўшганимдан бахтиёр эканлигимни изҳор этаман.

АКМАЛ САИДОВ,

юридик фанлари доктори, профессор,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори.

Мукаддима	5
Қутлуғ маънавий ёдгорлик	7
Ўзбекча нашрнинг хусусиятлари	9
АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛЛАРИ	
Исм ва насаблари	12
Таваллуд вақтлари	12
Ватанлари	12
Саёҳатлари ва изланишлари	13
Устозлари ва шогирдлари	14
Термизийнинг шахси ва асари ҳақида уламоларнинг фикрлари	17
Термизийнинг «Сунан» китоби ҳақидаги фикрлар	18
Термизийнинг бошқа асарлари	20
«Сунани Термизий» китобида ҳадис мартабаларининг белгиланиши	21
КИТОБХОНГА ЁРДАМ	
Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий китобининг уч хусусияти	24
Ҳадис илмининг истилоҳлари	26
Ҳадис ва суннат	26
Хабар ва асар	27
Ҳадиси қудсий	28
Муснид, муҳаддис, ҳофиз	29
Ҳадисларнинг қабул қилиниши ва рад этилиши жиҳатдан турларга бўлиниши	31
1. Саҳиҳ	32
2. Ҳасан ҳадис	34
3. Заиф ҳадис	35

ТАҲОРАТ БОБЛАРИ

1-боб. Таҳоратсиз намоз қабул эмас	44
2-боб. Таҳоратнинг фазилати	45
3-боб. Намознинг калити таҳоратдир	47
4-боб. Ҳожатхонага киришда ўқиладиган дуо	48
5-боб. Ҳожатхонадан чиққанда ўқиладиган дуо	50
6-боб. Катта ёки кичик қазои ҳожат қилганда қиблага қараб ўтирмаслик	51
7-боб. Қиблага қараб ўтиришга рухсат борлиги	52
8-боб. Тикка туриб кичик қазои ҳожат қилмаслик	54
9-боб. Тик туриб кичик қазои ҳожат қилиш рухсати	56
10-боб. Қазои ҳожат вақтида сатр қилиш (авратни тўсиш)	58
11-боб. Унг қўл билан истинжо қилиш (артиб, покланиш) кароҳат эканлиги	59
12-боб. Тош билан истинжо қилиш (покланиш)	60
13-боб. Иккита тош билан истинжо қилиш	61
14-боб. Истинжода фойдаланиш макруҳ бўлган нарсалар	63
15-боб. Сув билан истинжо қилиш	64
16-боб. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қазои ҳожат қилмоқчи бўлсалар, узоққа борар эдилар	65
17-боб. Ювинадиган жойда пешоб қилиш кароҳат эканлиги	66
18-боб. Мисвок	67
19-боб. Уйқудан турган киши қўлини ювмасдан туриб идишга ботирмасин	69
20-боб. Таҳоратни «Бисмиллоҳ» билан бошламоқ	71
21-боб. Мазмаза ва истиншоқ (оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб қоқиш)	72
22-боб. Оғиз ва бурунни бир ҳовуч сув билан чайқаш	74

23-боб. Соқолни хилол қилиш (ораларига сув теккизиш)	76
24-боб. Бошга олдидан (пешонадан) бошлаб орқага қараб (энсасигача) масҳ тортмоқ	78
25-боб. Бошга масҳ тортишни орқадан (энсадан) бошламоқ	79
26-боб. Бошга бир марта масҳ тортмоқ	80
27-боб. Бошга масҳ тортиш учун янги сув олмоқ .	81
28-боб. Кулоқларнинг ичига ва сиртига масҳ тортмоқ	82
29-боб. Кулоқлар(ни масҳ қилиш) бош (масҳи) жумласидандир (яъни бирданига масҳ тортилади)	83
30-боб. Бармоқларни хилол қилмоқ (ораларига сув етказмоқ)	84
31-боб. Жаҳаннам оловидан товонларнинг ҳолига вой!	86
32-боб. Таҳорат аъзоларини бир мартадан ювмоқ	86
33-боб. Таҳорат аъзоларини икки мартадан ювмоқ	87
34-боб. Таҳорат аъзоларини уч мартадан ювмоқ	88
35-боб. Таҳорат аъзоларини бир мартадан, икки мартадан ва уч мартадан ювиш мумкинлиги	89
36-боб. Таҳорат олганда аъзолардан бирини икки марта ва бирини уч марта ювмоқ	90
37-боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қандай таҳорат олганлар?	91
38-боб. Таҳоратдан кейин этакка (ич кийимга) сув сепмоқ	93
39-боб. Таҳоратни мукаммал олмоқ	94
40-боб. Таҳоратдан кейин сочиқ ишлатмоқ	95
41-боб. Таҳоратдан кейин ўқиладиган дуо	97
42-боб. Бир мудд (тахминан бир литр) сув билан таҳорат олмоқ	98
43-боб. Таҳоратда сувни исроф қилиш кароҳат эканлиги	99
44-боб. Ҳар бир намоз учун алоҳида таҳорат олмоқ	100
45-боб. Намозларни бир таҳорат билан ўқимоқ . .	102
46-боб. Эр билан хотиннинг бир идишдан ювинмоқлари	104

47-боб.	Хотин кишининг таҳоратида ортган сув кароҳат эканлиги	104
48-боб.	Хотин кишининг таҳоратидан ортган сув билан таҳорат олишга рухсат борлиги . . .	106
49-боб.	(Кўп ва оқар) сувни ҳеч нарса булғай олмайди	107
50-боб.	Ўтган масала (яъни кўп сувни ҳеч нарса нопок қилмаслиги)	110
51-боб.	Турғун сувда сийиш кароҳат эканлиги . . .	111
52-боб.	Денгиз суви тозадир	111
53-боб.	Сийдик борасида қатъий ҳукм	113
54-боб.	Эмизикли боланинг сийдиги устига сув тўкиб тозаламоқ	114
55-боб.	Гўшти ейиладиган ҳайвон сийдиги	116
56-боб.	Ел чиқарганда ҳиди сезилса, таҳорат олиш лозим бўлади	118
57-боб.	Ухласа, таҳорат олмоқ лозим бўлиши	120
58-боб.	Оловда пишган таом (ейиш) туфайли таҳорат лозимлиги	122
59-боб.	Оловда пишган таом (ейиш) туфайли таҳорат лозим эмаслиги	123
60-боб.	Туя гўшти (ейиш)туфайли таҳорат лозим бўлиши	125
61-боб.	Зақарига қўл теккизганда таҳорат лозим бўлиши	126
62-боб.	Зақарга қўл теккизиш туфайли таҳорат лозим эмаслиги	128
63-боб.	Ўпиш туфайли таҳорат лозим эмаслиги . . .	129
64-боб.	Қусганда ва бурун қонаганда таҳорат лозим бўлиши	131
65-боб.	Набиз (хурмо қиёми) билан таҳорат олмоқ	133
66-боб.	Сут ичгандан кейин оғиз чайқамоқ	134
67-боб.	Таҳорат ушатаётганда саломга алиқ олмоқ кароҳат эканлиги	134
68-боб.	Итнинг сарқити	135
69-боб.	Мушукнинг сарқити	136
70-боб.	Маҳсилар устига масҳ тортмоқ	137
71-боб.	Мусофир ва муқим кишиларнинг маҳси устига масҳ тортмоқлари	139

72-боб. Маҳсиларнинг устига ва тагига масҳ тортмоқ	141
73-боб. Маҳсиларнинг юзига масҳ тортмоқ	142
74-боб. (Қалин) пайпоқ ва наъл (пойабзал) устига масҳ тортмоқ	143
75-боб. Амома (салла) устига масҳ тортмоқ	145
76-боб. Жунубликдан покланмоқ (жимоъдан кейин чўмилмоқ)	148
77-боб. Аёл киши ғусл қилганда сочининг ўримини ёядими?	150
78-боб. Ҳар битга соч толаси остида жунублик бор	150
79-боб. Ғуслдан кейин таҳорат олмоқ масаласи .	151
80-боб. Эр-хотиннинг олатлари бир-бирига тегса, ғусл вожиб бўлади	152
81-боб. «Сув» боис сув керак	153
82-боб. Уйқудан уйғониб, (этагида) нам кўрмоқ ва ихтилом бўлганини (уйқусида булганганини) эслай олмаслик	155
83-боб. Маний ва мазий (олат учига манийдан олдин келадиған оқимтир нам)	156
84-боб. Қийимга теккан мазий (оқимтир нам) . . .	157
85-боб. Қийимга теккан маний	158
86-боб. Қийимга теккан манийни ювиб ташламоқ	159
87-боб. Жунуб кишининг ювинмасдан ухлаши . .	159
88-боб. Ухламоқчи бўлган жунуб кишининг таҳорат олиб ётмоғи	160
89-боб. Жунуб кишининг мусофаҳаси (қўл бериб кўришмоғи)	161
90-боб. Хотин кишининг эркак кишидек туш кўриши (яъни уйқусида ихтилом бўлиши)	162
91-боб. Ғуслдан кейин аёли билан исинмоқ	163
92-боб. Сув тополмаган жунуб кишининг таяммум қилмоғи	163
93-боб. Истиҳоза	165
94-боб. Истиҳоза кўрган аёл ҳар бир вақт намози учун таҳорат олади	166
95-боб. Истиҳоза кўрган аёл бир ғусл билан икки вақт намозни жамъ қилиб ўқимоғи	167

96-боб. Истихоза кўрган аёл ҳар вақт намози учун ғусл қилади	171
97-боб. Ҳайз кўрган аёл намозининг қазосини ўқимади	172
98-боб. Жунублик ва ҳайз ҳолатида Қуръон ўқилмайди	173
99-боб. Ҳайз кўрган хотин билан бирга ётмоқ . .	174
100-боб. Ҳайз кўрган хотини билан бирга овқатланмоқ ва ҳайзли аёл (таҳорати)дан ортиб қолган сув	175
101-боб. Ҳайз кўрган аёлнинг масжиддан бирор нарса олиб бермоғи	176
102-боб. Ҳайз кўрган хотинга яқинлик қилмоқ кароҳат эканлиги	177
103-боб. Ҳайз кўрган хотинга яқинлик қилганда каффорат бериш	178
104-боб. Кийимга теккан ҳайз қонини ювмоқ . . .	179
105-боб. Нифос (туғишдан кейинги қон келиш)нинг муддати	180
106-боб. Кишининг бир нечта жинсий алоқадан кейин бир марта чўмилмоғи	181
107-боб. Жунуб киши (яна жинсий муомалага) қайтмоқчи бўлса, таҳорат олади	182
108-боб. Намозга қомат айтилса-ю, бирор тангиз ҳожатхонага бориш эҳтиёжини туйса, аввал ҳожатга борсин	183
109-боб. Ифлос жойни босганда покланиш лозимлиги	184
110-боб. Таяммум	185
111-боб. Жунубликдан ташқари ҳар қандай ҳолатда Қуръон ўқилади	188
112-боб. Сийдик ерга сингмоғи	189
113-боб. Намоз вақтлари	191
114-боб. Ўтган масала (яъни намоз вақтлари) . . .	194
115-боб. Ўтган масала (намоз вақтлари)	195
116-боб. Бомдод намозини тонг ғира-ширасида ўқимоқ	197

117-боб.	Бомдод намозини тонг оқарганда ўқимок	198
118-боб.	Пешин намозини вақтли ўқимок	199
119-боб.	Пешин намозини жазирама кунларда таъхир қилиб (кечиктириб, яъни салқин тушмоғини кутиб) ўқимок	200
120-боб.	Аср намозини вақтли ўқимок	203
121-боб.	Аср намозини таъхир қилмоқ	205
122-боб.	Шом намозининг вақти	206
123-боб.	Хуфтон намозининг вақти	207
124-боб.	Хуфтон намозини таъхир қилмоқ	208
125-боб.	Хуфтондан олдин ухламоқ ва хуфтондан кейин гаплашиб ўтирмоқнинг кароҳат эканлиги	209
126-боб.	Хуфтондан кейин гаплашиб ўтиришга рухсат борлиги	210
127-боб.	Намозни вақтининг аввалида (вақти кирган заҳоти) ўқишнинг фазилати	211
128-боб.	Паришонхотирлик билан аср намозининг вақтини ўтказиб (қазо қилиб) қўймоқ	214
129-боб.	Ймом таъхир этган тақдирда намозни вақтли ўқиб олмоқ	215
130-боб.	Ухлаб қолиб намозни ўтказиб юбормоқ	216
131-боб.	Намозни унутиб ўтказиб юборган киши	217
132-боб.	Бир нечта намозни ўтказиб юборган киши (қазосини ўқишни) қайси намоздан бошлайди?	218
133-боб.	(Қуръони каримда зикр қилинган) «Солати вусто» (яъни «Ўрта намоз») – аср намози эканлиги, у пешин намози, деб хам (фикр) айтилгани	220
134-боб.	Аср ва бомдод намозидан кейин намоз ўқиш кароҳат эканлиги	222
135-боб.	Аср намозидан кейин намоз (борми?)	223
136-боб.	Шом намозининг фарзидан олдинги намоз	225
137-боб.	Кўёш ботишидан олдин аср намозининг бир ракъатига улгурган киши	226

138-боб. Ҳазарда (муқимликда) икки вақт намозини жамъ қилмоқ	227
139-боб. Азоннинг бошланиши	230
140-боб. «Азонда таржиъ (икки шаҳодат калимасини икки қайта айтмоқ)	232
141-боб. Иқомат калималарини бир мартадан айтмоқ	234
142-боб. Иқомат калималари жуфт-жуфтдир	234
143-боб. Азонни чўзиб айтмоқ	235
144-боб. Азон айтганда бармоқни қулоққа тикмоқ	237
145-боб. Бомдод намозида тасвиб қилмоқ	238
146-боб. Азон айтган киши иқомат келтиради	240
147-боб. Таҳоратсиз азон айтмоқ кароҳат эканлиги	241
148-боб. Иқомат (вақтини таинлаш) кўпроқ имомнинг ҳаққидир	242
149-боб. Кечаси айтилган азон	243
150-боб. Азондан кейин масжиддан чиқмоқ кароҳат эканлиги	245
151-боб. Сафарда азон айтмоқ	246
152-боб. Азоннинг фазилати	246
153-боб. Имом - зомин, муаззин - муътамандир.	247
154-боб. Азон айтилаётганда қилинадиган муқобала	249
155-боб. Муаззиннинг азон учун ҳақ олмоғи кароҳат эканлиги	249
156-боб. Муаззин азон айтганда (эшитган) киши ўқийдиган дуо	250
157-боб. Ўтган масала (яъни азон дуоси)	251
158-боб. Азон билан иқомат орасида қилинган дуо қайтарилмагай	252
159-боб. Аллоҳ бандаларига неча вақт намоз фарз қилган?	252
160-боб. Беш вақт намознинг фазилати	253
161-боб. Жамоат билан ўқиладиган намознинг фазилати	254
162-боб. Азонни эшитиб, унга ижобат қилмаган киши	255

163-боб. Якка ҳолда намозини ўқигандан кейин жамоатга келган киши	256
164-боб. Бир марта намоз ўқилган масжидда иккинчи жамоат намози	258
165-боб. Хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан ўқимокнинг фазилати	259
166-боб. Биринчи сафнинг фазилати	260
167-боб. Сафларни тўғриламоқ	262
168-боб. «Етук ва аҳли дониш кишилар орқамда (биринчи сафда) турсинлар...»	263
169-боб. Икки устун орасида саф тортмоқ кароҳат эканлиги	264
170-боб. Сафнинг орқасида якка ҳолда намоз ўқимок	265
171-боб. Бир кишига имом бўлган одам	267
172-боб. Икки кишига имом бўлган одам	268
173-боб. Эркаклар билан аёлларга имом бўлган одам	269
174-боб. Имомлик қилмоққа кўпроқ ким ҳақли?	270
175-боб. «Сизлардан бирор киши одамларга имом бўлса, намозни енгил ўқиб берсин»	272
176-боб. Намознинг таҳрими ва таҳлили	273
177-боб. Такбир айтганда бармоқларни очик тутмоқ	274
178-боб. Биринчи такбирнинг фазилати	275
179-боб. Биринчи такбирдан кейин ўқиладиган дуо	277
180-боб. «Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳийм»ни ичда айтмоқ	279
181-боб. «Бисмиллоҳ» ошкор айтилади, деб қабул қилган кишилар	280
182-боб. Қироатни « الحمد لله رب العالمين » («Алҳамдулиллаҳи роббил-ъаламийн») билан бошламоқ	281
183-боб. «Фотиҳа»сиз асло намоз йўқ	282
184-боб. «Фотиҳа»дан кейин «Омин» демоқ	283
185-боб. «Фотиҳа»дан кейин «Омин» демоқнинг фазилати	285
186-боб. Намоздаги икки сакта (тўхтаб, тин олмоқ)	285

187-боб.	Намозда (қиёмда) ўнг қўлни чап қўлнинг устига қўймоқ	286
188-боб.	Рукуъга ва саждага бораётиб такбир айтмоқ	287
189-боб.	Рукуъга бораётиб қўлларни кўтармоқ	288
190-боб.	Расули ақрам саллаллоху алайҳи ва саллам фақатгина (намознинг) бошланишида қўлларини кўтарар эдилар	290
191-боб.	Рукуъда қўлларни тиззалар кўзига қўймоқ	291
192-боб.	Рукуъда қўллар қўлтиқдан ажралмоғи	292
193-боб.	Рукуъ ва сажда тасбиҳлари	293
194-боб.	Рукуъда ва саждада Куръон кироат қилинмайди	295
195-боб.	Рукуъда ва саждада белини тўкис букмаган киши	296
196-боб.	Намозхон рукуъдан бош кўтарганда нима дейиши керак?	297
197-боб.	Ўтган масала (яъни намозхон рукуъдан бош кўтарганда нима дейди?)	298
198-боб.	Саждага бораётиб қўлларни тиззалардан олдин ерга қўймоқ (мумкинми?)	300
199-боб.	Ўтган масала	301
200-боб.	Пешона ва бурун билан сажда қилмоқ	301
201-боб.	Киши саждага борганда юзини қаерга қўяди?	302
202-боб.	Еттита аъзо билан сажда қилмоқ	303
203-боб.	Саждада қўлларни қўлтиқлардан ажратмоқ	304
204-боб.	Саждада мўътадиллик	305
205-боб.	Саждада қўлларни ерга қўймоқ ва оёқларни тик тутмоқ	306
206-боб.	Саждадан ва рукуъдан бош кўтарганда белни (қоматни) тик тутмоқ	307
207-боб.	Рукуъда ва саждада имомдан олдин ҳаракат қилмоқ макруҳ эканлиги	308
208-боб.	Икки сажда ўртасида товонларни тиклаб ўтирмоқ макруҳ эканлиги	309

209-боб. Товонларни тиклаб ўтирмакка рухсат борлиги	310
210-боб. Икки сажда ўртасида дуо	310
211-боб. Сажада таянмоқ	311
212-боб. Сажадан қиёмга турмоқ	312
213-боб. Ўтган масала	313
214-боб. Намозда ташаҳхуд	314
215-боб. Ўтган мавзу (яъни ташаҳхуд)	315
216-боб. Ташаҳхудни махфий ўқимоқ	316
217-боб. Ташаҳхуд учун қандай ўтирилади?	317
218-боб. Ўтган мавзу (яъни ташаҳхудга ўтирмак)	318
219-боб. Ташаҳхудда бармоқни кўтармоқ	319
220-боб. Намозда салом	320
221-боб. Ўтган мавзу	320
222-боб. Саломни чўзмаслик суннат эканлиги	321
223-боб. Саломдан кейин ўқиладиган дуо	322
224-боб. Ўнг томон билан ёки чап томон билан ўғирилмоқ	325
225-боб. Намознинг сифати	326
226-боб. Бомдод намозидаги қироат	333
227-боб. Пешин ва аср намозларидаги қироат	334
228-боб. Шом намозидаги қироат	335
229-боб. Хуфтон намозидаги қироат	336
230-боб. Имомнинг орқасида қироат қилмоқ	338
231-боб. Имом жаҳр (овоз чиқариб) ўқиганда унинг орқасидагилар қироат қилмаслиги	339
232-боб. Масжидга қираётганда ўқиладиган дуо	342
233-боб. Таҳийят-ул-масжид намози	344
234-боб. Қабристон ва ҳаммомдан ташқари бутун ер юзи намозгоҳдир	345
235-боб. Масжид қурдирмоқнинг фазилати	346
236-боб. Қабр устида масжид қурмоқ макруҳ эканлиги	347
237-боб. Масжидда ухламоқ	348
238-боб. Масжидда олди-сотди қилмоқ, йўқолган нарсани сўрамоқ ва шеър айтишмоқ кароҳат эканлиги	349

239-боб.	Тақво асосида қурилган масжид	350
240-боб.	Кубо масжидидаги намоз	351
241-боб.	Масжидларнинг қайси бири афзалроқ?	352
242-боб.	Масжидга оҳиста юриб келмоқ	353
243-боб.	Масжидда ўтириб, намозни кутмоқнинг фазилати	355
244-боб.	Жойнамоз устида намоз ўқимоқ	356
245-боб.	Ҳасир (бўйра) устида намоз ўқимоқ	356
246-боб.	Шолча устида намоз ўқимоқ	357
247-боб.	Ўтлоқларда намоз ўқимоқ	358
248-боб.	Намозхон рўпарасига тўсиқ қўймоғи	358
249-боб.	Намоз ўқиётган одамнинг олдидан кесиб ўтмоқ кароҳат эканлиги	359
250-боб.	Намозхон олдидан ҳар қандай нарса ўтса ҳам, намози бузилмайди	360
251-боб.	Намозни фақат ит, эшак ва аёл киши кесмоғи	361
252-боб.	Битта кийимда намоз ўқимоқ	362
253-боб.	Қибланинг қаъбага қараб ўзгариши	363
254-боб.	Машриқ билан мағриб ораси қибладир	364
255-боб.	Булутли ҳавода қибладан бошқа томонга қараб намоз ўқимоқ	366
256-боб.	Қаерда, нимага қараб намоз ўқимоқ макруҳ эканлиги	367
257-боб.	Қўйхона ва туяхоналарда намоз ўқимоқ	369
258-боб.	Улов устида намоз ўқимоқ	370
259-боб.	Туяга қараб (туяни тўсиқ қилиб) намоз ўқимоқ	371
260-боб.	Кечки таом билан хуфтон намози бир вақтга тўғри келиб қолса...	371
261-боб.	Уйқусираб намоз ўқимоқ	373
262-боб.	Бир қавмни зиёрат қилган киши уларга имом бўлмасин	374
263-боб.	Имом ёлғиз ўзи учун дуо қилиши кароҳат эканлиги	375
264-боб.	Қавм хоҳламаган кишининг қавмга имом бўлмоғи	376

265-боб.	«Имом ўтириб намоз ўқиса, сизлар ҳам ўтириб ўқингизлар»	378
266-боб.	Ўтган мавзу	379
267-боб.	Имом унутиб иккинчи рақъатда (қиёмга) туриб кетса	381
268-боб.	Биринчи ташаҳудда ўтирмақ микдори	383
269-боб.	Намозда ишорат қилмоқ	384
270-боб.	«(Намозда) тасбиҳ айтмоқ эркакларга хос ва чапак чалмоқ аёлларга хос»	385
271-боб.	Намозда эснамоқ кароҳат эканлиги	386
272-боб.	Ўтириб ўқиган кишининг намози тик туриб ўқиган киши намозининг ярмига тенг	387
273-боб.	Ўтирган жойида нафл намоз ўқиган киши	389
274-боб.	Расулудлоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда чакалоқ йиғисини эшитиб, кироатни қисқа қилганлари	391
275-боб.	Ой кўра бошлаган (балоғатга етган) қизнинг намози ёпинчиқсиз қабул бўлмаслиги	391
276-боб.	Намозда кийимини осилтириб олмоқ кароҳат эканлиги	392
277-боб.	Намозда майда тошларни текисламоқ кароҳат эканлиги	393
278-боб.	Намозда пуфламоқ кароҳат эканлиги	394
279-боб.	Намозда кўлни белга тирамоқдан қайтарув	395
280-боб.	Намозда сочи энсага (бошнинг орқасига) тўпламоқ кароҳат эканлиги	396
281-боб.	Намозда хушув	397
282-боб.	Намозда бармоқларни бир-бирига чалиштирмақ кароҳат эканлиги	398
283-боб.	Намозда қиёмни узун қилмоқ	399
284-боб.	Рукуъ ва сужудни кўп қилмоқ	400
285-боб.	Намоз пайтида илон ва чаённи ўлдирмоқ	401
286-боб.	Саломдан олдин саждаи саҳв қилмоқ	402
287-боб.	Саломдан ва каломдан кейин саждаи саҳв	404
288-боб.	Саждаи саҳва ташаҳхуд	406

289-боб.	Ортиқча ёки кам ўқиганига шубҳа қилган киши	407
290-боб.	Пешин ва аср намозларида икки рақъатда салом бериб қўйган киши	409
291-боб.	Пойабзал билан намоз ўқимок	411
292-боб.	Бомдод намозида қунут ўқимок	412
293-боб.	(Бомдодда) қунут ўқимаслик	413
294-боб.	Намозда аксирмоқ	414
295-боб.	Намозда калом (сўзлашув)нинг манъ этилиши	416
296-боб.	Тавбадан олдин намоз ўқимок	418
297-боб.	Ёш болага қачондан намоз ўқиш буюрилади?	419
298-боб.	Ташаххуддан кейин таҳорат бузилса... . .	420
299-боб.	Ёмғирли кунда намозни уйларида ўқимоқлари	421
300-боб.	Намозлардан кейин тасбиҳ айтмоқ	422
301-боб.	Лойгарчиликда ва ёмғирда улов устида намоз ўқимок	424
302-боб.	Намоз учун вужудни уринтирмоқ	425
303-боб.	Қиёмат кунда банданинг берадиган биринчи ҳисоби намоздандир	426
304-боб.	Бир кеча-кундузда ўн икки рақъат суннат намози ўқимоқнинг фазилати	428
305-боб.	Бомдоднинг икки рақъати фазилати	429
306-боб.	Бомдод намозининг икки рақъат (суннати) энгил ўқилмоғи ва набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу икки рақъатдаги қироатлари	430
307-боб.	Бомдоднинг икки рақъат (суннат)идан кейин гаплашмоқ	431
308-боб.	Тонг отганидан кейин фақатгина икки рақъат (суннат) намоз бор	432
309-боб.	Бомдод намозининг суннатидадан кейин ёнбошламоқ	433
310-боб.	Намоз учун иқомат айтилганида фарздан бошқа намоз йўқ	434

311-боб. Бомдод намозининг суннатини ўтказиб, фарздан кейин ўқимоқ	437
312-боб. Қуёш чиққанидан кейин бомдод намозининг суннатини ўқимоқ	439
313-боб. Пешин намозининг тўрт рақъатлик аввалги суннати	440
314-боб. Пешин намозининг икки рақъатлик кейинги суннати	441
315-боб. Ўтган мавзу	441
316-боб. Асрнинг фарзидан аввалги тўрт рақъат намоз	443
317-боб. Шомнинг фарзидан кейинги икки рақъат намоз ва бу икки рақъатдаги қироат . . .	444
318-боб. Шомнинг охириги суннати уйда ўқилмоғи	445
319-боб. Шомнинг фарзидан кейин олти рақъат нафл намози ўқишнинг фазилати	446
320-боб. Хуфтон(нинг фарзи)дан кейин икки рақъат намоз	447
321-боб. Тунги намоз (таҳажжуд) икки-икки рақъатдан ўқилмоғи	448
322-боб. Тунги намоз (таҳажжуд)нинг фазилати .	448
323-боб. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тунги (таҳажжуд) намозлари тавсифи	449
324-боб. Ўтган мавзу	450
325-боб. Ўтган мавзу	451
326-боб. Исми улуг ва шони юксак Аллоҳнинг ҳар кеча дунё осмонига «тушмоғи»	453
327-боб. Кечаси қироат қилмоқ	454
328-боб. Уйда нафл намози ўқимоқнинг фазилати	456

ВИТР БОБЛАРИ

329-боб. Витр намозининг фазилати	458
330-боб. Витр намозининг ҳукми	459
331-боб. Витрни ўқимасдан ухламоқ кароҳат эканлиги	460

332-боб. Витр кечанинг аввалида ҳам, охирида ҳам ўқилмоғи баёни	461
333-боб. Етти ракъат витр намози	462
334-боб. Беш ракъат витр намозим	463
335-боб. Уч ракъат витр намози	463
336-боб. Бир ракъат витр намози	465
337-боб. Витр (намози)даги қироат	467
338-боб. Витр намозида қунут дуоси	469
339-боб. Витр намозини ухлаб қолиб ёки унутиб ўтказиб юборган (қазо қилиб қўйган) киши (нима қилади?)	471
340-боб. Витр намози тонг отмасдан олдин ўқилмоғи баёни	472
341-боб. Бир кечада икки витр йўқ!	473
342-боб. Витр намозини туя (улов) устида ўқимоқ	475
343-боб. Зуҳо намози	476
344-боб. Завол намози	480
345-боб. Ҳожат намози	481
346-боб. Истихора намози	482
347-боб. Тасбиҳ намози	484
348-боб. Пайғамбар салтоллоҳу алайҳи ва салламга саловати шариф келтирмоқнинг сифати (шакли)	489
349-боб. Пайғамбар салтоллоҳу алайҳи ва салламга саловати шариф келтирмоқнинг фазилати	490

ЖУМЪА БОБЛАРИ

350-боб. Жумъа намозининг фазилати	493
351-боб. Жумъа кунида дуо ижобат бўладиган соат	493
352-боб. Жумъа куни ғусл қилмоқ	497
353-боб. Жумъа куни ғусл қилмоқнинг фазилати	499
354-боб. Жумъа куни таҳорат билан кифояланмоқ	500
355-боб. Жумъага эртароқ ҳаракат қилмоқ	502
356-боб. Узрсиз ҳолда жумъани тарк этмоқ	504
357-боб. Жумъага қанча масофадан келинади?	505
358-боб. Жумъа (намози)нинг вақти	506
359-боб. Минбар устида хутба ўқилмоғи	507

360-боб.	Икки хутба орасида ўтирмақ	508
361-боб.	Хутбанинг қисқа бўлмоғи	509
362-боб.	Минбарда Қуръон ўқимоқ	509
363-боб.	Хутба айтилаётганда имомга рўбарў бўлиб ўтирмақ	510
364-боб.	Имом хутба айтаётганда келган киши икки рақъат намоз ўқимоғи масаласи . . .	511
365-боб.	Имом хутба ўқиётганда сўзлашмоқ кароҳат эканлиги	514
366-боб.	Жумъа кунини сафлардан (елкалардан) ошиб ўтмоқ кароҳат эканлиги	515
367-боб.	Имом хутба ўқиётганда ихтибо қилиб (тиззаларини тикка қилиб ёки кучоқлаб думба устига) ўтирмақ кароҳат эканлиги .	516
368-боб.	Минбарда қўлларни кўтармоқ кароҳат эканлиги	517
369-боб.	Жумъа намозининг азони	518
370-боб.	Имом минбардан тушгандан кейин сўзлашмоқ	518
371-боб.	Жумъа намозидаги қироат	520
372-боб.	Жумъа кунини бомдод намозидаги қироат . .	521
373-боб.	Жумъадан олдин ва жумъадан кейин ўқиладиган намоз	522
374-боб.	Жумъа намозининг бир рақъатига етган киши	524
375-боб.	Жумъа кунини қайтула (тушки ухлаб дам олиш)	525
376-боб.	Жумъа кунини кимни уйқу босса, ўрнини ўзгартирсин	525
377-боб.	Жумъа кунини сафарга чиқмоқ	526
378-боб.	Жумъа кунини мисвоқ билан тишларни тозаласмоқ ва хушбўйликлар сурмоқ . . .	527

ҲАЙИТ БОБЛАРИ

379-боб.	Ҳайит намозига пиёда юриб бормоқ . . .	529
380-боб.	Ҳайит намози хутбадан олдин ўқилмоғи	529

381-боб. Ҳайит намозлари азонсиз ва иқоматсиз ўқилмоғи	530
382-боб. Ҳайит намозларидаги қироат	531
383-боб. Ҳайит намозларининг такбирлари	533
384-боб. Ҳайит намозларидан олдин ҳам, кейин ҳам (бошқа) намоз йўқ!	534
385-боб. Хотин-қизларнинг ҳайит намозларига чиқмоғи	535
386-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайитга бир йўлдан чиқиб, бошқа йўлдан қайтганлари баёни	537
387-боб. Рамазон ҳайитида намозга чиқмасдан олдин бирор нарса тотмоқ	538

САФАР БОБЛАРИ

388-боб. Қасри салот (намознинг қисқартирилиши)	542
389-боб. Намоз қанча муддат қаср ўқилмоғи	546
390-боб. Сафарда нафл намози ўқимоқ	548
391-боб. (Сафарда) икки намозни жамъ қилмоқ (кўшиб ўқимоқ	551
392-боб. Истиско (ёмғир сўраш) намози	554
393-боб. Кусуф намози (қуёш ёки ой тутилганда ўқиладиган намоз)	558
394-боб. Кусуф намозида қироатнинг кайфияти	560
395-боб. Салот ул-хавф (хавф туғилганда ўқиладиган намоз)	561
396-боб. Тиловат саждаси	565
397-боб. Аёлларнинг масжидларга чиқмоқлари	566
398-боб. Масжидда тупурмоқ кароҳат эканлиги	567
399-боб. «إِذَا السَّمَاءُ انشَقَّتْ» ва «اقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ» «Ал-алақ» ва «Ал-иншиқоқ» сураларидаги тиловат саждаси	568
400-боб. «Ан-нажм» сурасидаги тиловат саждаси	569
401-боб. Бу сурада («Ан-нажм»)да тиловат саждаси йўқ	572
402-боб «ص» («Сод») сурасида тиловат саждаси	573
403-боб. «Ал-ҳаж» сурасида тиловат саждаси	574

404-боб.	Саждаи тиловатда ўқиладиган дуо	575
405-боб.	Кечқурунги вирдини кечиктириб, кундузи қазосини адо этган киши	577
406-боб.	Имомдан олдин бошини кўтарган киши ҳақида қаттиқ ҳукм	577
407-боб.	Фарзни ўқигандан кейин жамоатга имом бўлган	578
408-боб.	Совуқда ва иссиқда кийим устига сажда қилмоққа руҳсат борлиги	580
409-боб.	Бомдод намозидан кейин то қуёш (порлаб) чиққунича масжидда ўтирмак мустаҳаб эканлиги	580
410-боб.	Намозда юзни ўтириб қарамоқ	581
411-боб.	Саждада имомга етган киши нима қилади?	583
412-боб.	Намоз бошланаётганда жамоат имомни тик туриб кутмоғи карохат эканлиги	584
413-боб.	Дуодан олдин Аллоҳга ҳамду сано ва Аллоҳнинг расулига салоту салом айтмоқ	585
414-боб.	Масжидларда хушбуй тутаткилар тутатмоқ	586
415-боб.	Кечки ва кундузги намозлар икки-икки рақъатдандир	587
416-боб.	Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам кундузи ўқиган тағаввуъ намозлари (ихтиёрий, суннат, мустаҳаб ва нафл намозлари)	588
417-боб.	Аёллар кийимини кийиб намоз ўқимоқ карохат	590
418-боб.	Нафл намозида жоиз бўлган юрмоқлик ва амал (бирор иш бажармоқлик)	590
419-боб.	Бир рақъатда икки (зам) сура ўқимоқ	591
420-боб.	Масжид сари юрмоқнинг фазилати ва ҳар бир қадамга ёзиладиган савоб	592
421-боб.	Шомдан кейин уйда намоз ўқимоқ янада фазилатлироқ эканлиги	593
422-боб.	Киши мусулмон бўлганида гусл қилмоғи	594
423-боб.	Хало жойга кираётганда «Бисмиллоҳ» демоқ	594
425-боб.	Таҳоратни ўнг томон аъзоларидан бошламоқ мустаҳаб эканлиги	595

424-боб. Сажда ва таҳорат асарлари қиёмат куннда бу умматнинг сиймосида кўринмоғи . . .	596
426-боб. Таҳоратга етгулик сувнинг миқдори . . .	597
427-боб. Эмизикли ўғил боланинг сийдиги устидан сув қуйиб тозаламоқ	598
428-боб. Таҳорат олган жунуб кишига овқат еомққа ва ухламоққа рухсат борлиги . .	598
429-боб. Намознинг фазилати	599
430-боб. Ўтган масала (яъни, намознинг фазилати)	601

ЗАКОТ БОБЛАРИ

1-боб. Закот бермаганлик борасида Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг билдирган оғир ҳукмлари	603
2-боб. Закотни берсанг, ўз зиммангдаги (ҳақ)ни адо қилган бўлурсан	605
3-боб. Олтин ва қумушнинг закоти	608
4-боб. Туя ва қўйнинг закоти	611
5-боб. Қорамол закоти	614
6-боб. Закотда молнинг яхшисини олмоқ кароҳат эканлиги	614
7-боб. Мева, полиз ва ғалла экинларининг закоти	615
8-боб. (тижорат туфайли бўлмаган) от ва қул учун закот йўқ	617
9-боб. Асалнинг закоти	617
10-боб. Фойда келтирадиган мол учун, тўлик бир йил ўтмагунича, закот йўқ	618
11-боб. Ислом динига кирган кишилардан жизйа соқит қилинади	620
12-боб. Зеб-зийнат закоти	622
13-боб. Кўкат-сабзавот закоти	624
14-боб. Наҳр (дарё, ариқ) ва бошқа воситалар билан суғориладиган экинлардан олинадиган ҳосиллар закоти	625
15-боб. Етим молининг закоти	627
16-боб. Ҳайвон етказган зарар учун тўлов йўқ, ҳазина учун эса - хумс (бешдан бирини тўламоқлик) бор	629

17-боб. Тахмин (билан закот миқдорини белгилаш) ҳақида	630
18-боб. Ҳақ билан иш кўрувчи закот маъмури ҳақида	632
19-боб. Закот борасида ҳаддан ошган киши ҳақида	633
20-боб. Закотчининг ризолиги ҳақида	634
21-боб. Закот бойлардан олиб, фақирларга қайтарилади	634
22-боб. Садақа олиши жоиз бўлган кишилар . . .	635
23-боб. Садақа олмоғи жоиз бўлмаган кишилар .	637
24-боб. Қарздор ва шунга ўхшаш кишилар орасида садақа олиши жоиз бўлганлар	639
25-боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам учун, у зотнинг аҳли байти ва авлодлари учун садақа (ва закот) олмоқ кароҳат эканлиги	640
26-боб. Қариндошларга садақа қилмоқ	642
27-боб. Молда закотдан бошқа ҳам ҳақ бор	643
28-боб. Садақанинг фазилати ҳақида	644
29-боб. Тиланчи ҳақида	648
30-боб. Қалблари моил (дўст в улфат) қилинадиган кишиларга (нарсалар) бермоқ ҳақида	649
31-боб. Садақа берган киши ўз садақасига ворис бўлмоғи	651
32-боб. Садақасидан қайтмоқ кароҳат эканлиги .	652
33-боб. Ўликнинг (марҳумнинг) руҳи учун садақа бермоқ	653
34-боб. Хотин эрининг уйидан (олиб чиқиб) инфоқ қилмоғи масаласи	655
35-боб. Садақаи фитр ҳақида	657
36-боб. «Фитр (ҳайит) намозидан олдин берилмоғи	660
37-боб. Закотнинг вақтидан олдин берилмоғи ҳақида	661
38-боб. Тиланмоқдан қайтарув	662
А . С а и д о в . «Сунани Термизий» инсон ҳақ-ҳуқуқининг ранг-баранг намунаси (Сўнгсўз ўрнида)	
	664

Қўлингиздаги китоб Шарқнинг буюк алломаларидан бири – Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ҳадислар тўпламининг олтидан бир қисмидир. Ушбу муборак китобни замонавий ўзбек тилига таржима этиб, шарҳлар битиб, муҳтарам китобхонга етказиш ишлари 1992 йилдан буён машаққатли меҳнат, сабр ва матонат эвазига амалга оширилди. Мақсад – мустақиллик шарофати билан тикланаётган миллий қадриятларга, иймон-этиқод ишига баҳоли қудрат ҳисса қўиши, жумладан, улуғ ватандошимизнинг ўлмас маънавий меросидан ёшларни баҳраманд этиш эди. Умид қиламизки, ҳар бир китобхон Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий бундан минг йилларча олдин тўплаган ва лекин тобора қадрқиммати ортиб бораётган муборак ҳадисларни нафақат ўзи ўқиб ўрганади, балки атрофдагилар диққатини ҳам унга қаратади, ўргатади, тарғиб этади.

Маънавий бойликнинг энг муқаддас, битмас-туганмас, дунё тургунча турадиган абадий бойлик эканлигини бугунги кун воқеълиги ҳаммамизга эслатади, огоҳ бўлишга ундайди. Шу сабабли, маънавий қувват берадиган ушбу китобнинг тарқалишига, иложи борича, ҳар бир хонадонга етиб боришига тилакдошимиз.

Тўпламнинг қолган жилдлари 2000 йилдан этиборан, иншааллоҳ, кетма-кет наирдан чиқа бошлайди. Унинг ҳар бир жилдига ёки бирданига ҳамма жилдига буюртма бериш ва олдиндан пул кўчириш мумкин.

* * *

Муҳтарам китобхон! «Сунани Термизий»нинг I жилди қўлингизга етди. Китоб VI жилддан иборат. I жилд «Тиланмоқдан қайтарув» боби, 676-ҳадиси билан яқунланди. II жилд «Рўза боблари», 677-ҳадиси билан бошланади.

“Сунани Термизий”. Ҳадислар тўплами. VI жилдлик.
I-жилд. Таржимон М.Кенжабек.(Кенжабоев М.Т.)
-Т.: “Адолат”, 1999 й. - 688 б.

АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ

СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ

Мусаҳҳиҳ	Абдумурод Тилавов
Рассом	Зиёд Абдурасулов
Техник муҳаррир	Азим Раҳимов
Компьютер дизайнчи	Қамолитдин Қодиров
Компьютерда ҳарф терувчи	Умида Жумаева

Босишга 25.10.1999 йилда руҳеат этилди. Қоғоз бичими 60x90 1/16. Босма табағи 43,0. Нашриёт ҳисоб табағи 36,67. Адади 15000. Буюртма № К-7439. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “Адолат” нашриёти. 700047. Тошкент, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

Ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати. 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30-уй.

© “Адолат” нашриёти, 1999 йил.